

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН  
МАТБУОТ ВА АХБОРОТ  
АГЕНТЛИГИЎЗБЕКИСТОН  
ЁЗУВЧИЛАР  
УЮШМАСИРЕСПУБЛИКА  
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ  
КЕНГАШИ

## МУНДАРИЖА

## НАСР

ИФЕОМА ОКОЙЕ. <b>Қулоғи йўқлар. Роман</b> .....	3
МУҲАММАД АЛИ. <b>Абадий соғинчлар. Эсседан боблар</b> .....	53
МИРЗА ИБРОҲИМОВ. <b>Гулабатин. Қисса</b> .....	92

## ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ. <b>Рубойлар</b> .....	48
УЛАВ ХАУГЕ. <b>Ҳали умид бор</b> .....	86

## БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

ИСРОИЛ МИРЗАЕВ. <b>Буюк маслак ва эътиқод соҳиби</b> .....	135
ДИЛҲУЗА ЖУМАНИЁЗОВА. <b>Бобур ва Хожа Аҳрор муносабати</b> .....	138

## КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Қ.РАЖАБОВ, А.ОТАХЎЖАЕВ. <b>Қадимги Туркистон тарихидан лавҳалар</b> .....	142
---	-----

## САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

УИЛКИ КОЛЛИНЗ. <b>Ойтош. Роман</b> .....	146
--	-----

## СЎЗ КЎРКИ

Хитой халқ мақоллари.....	206
---------------------------	-----

Бош муҳаррир:  
**Озод ШАРАФИДДИНОВ**

Таҳрир ҳайъати:  
**Мирпўлат МИРЗО**  
(Бош муҳаррир муовини)  
**Файзи ШОҲИСМОИЛ**  
(масъул котиб)  
**Амир ФАЙЗУЛЛА**  
**Раҳматилла ИНОҒОМОВ**

Жамоатчилик кенгаши:  
**Қуддус АЪЗАМОВ**  
**Одил ЁҚУБОВ**  
**Туробжон ЖЎРАЕВ**  
**Неъматулла ИБРОҲИМОВ**  
**Абдулла ОРИПОВ**  
**Ғайрат ШОУМАРОВ**  
**Рустам ШОҒУЛОМОВ**  
**Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ**  
**Рустам ҚОСИМОВ**  
**Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ**

**Жаҳон адабиёти, 10. 2004.**

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган, №172

Уч босма тобоқ ҳажмгача бўлган қўлёзмалар қайтарилмайди.

Таҳририят манзили:  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Р.ИНОҒОМОВ  
Расом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ  
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА  
Мусаҳҳиҳлар Д.АЛИЕВА, М.ҚОДИРОВА  
Компьютерда саҳифаловчи Н.ҚОДИРОВА

Теринга берилди 15.08.2004 й. Босишга рухсат этилди 15.10.2004й. Бичими 70x108 1/16.  
Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.  
Жами 1200 нусха. А-5713 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компютерида териблиб, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Тошкент матбаа комбинатида чоп этилди.  
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

**Жаҳон адабиёти, 2004 й.**

Ифеома ОКОЙЕ

**Қулоғи йўқлар**

Роман

Агар қулоғи йўқлар мамлакатида яшамоқчи бўлсанг, қулоғингни кесиб ташла.

*Игво халқ мақоли*

*Ушбу китобни менинг марҳум отам Жеймс Онеке ва онам Виктория Онекега, фақирона кун кечирган бўлишларига қарамай, менга бетимсол ғамхўрликлари учун чин дилдан миннатдорчилик билдирган ҳолда бағишлайман.*

**Биринчи боб**

**Л**агос аэропортида шовқин-сурон, бошбошдоқлик жуда авжига минган эди, мен йўловчиларни рўйхатга олувчи пенгтахта олдига етиб боришга роса уриниб, ҳушимдан кетаёздим. Аммо шуниси ажабланарли эдики, аэропорт ходимларига бундай тартибсизлик гўё халал бермаётгандай, аксинча, фойда келтираётгандай бўлиб кўринди, зеро, мен уларнинг чехрасида хайрихоҳлик ва мамнунлик аломатларини кўриб турардим.

Мен Танзаниядан бу ерга куннинг биринчи ярмида учиб келдим, энди Энутуга учишим керак эди. Мана, беш йилдирки, Танзанияда яшаб хизмат қилдим. Лекин бундан бир неча кун аввал қутилмаганда отамдан жуда ўкинчли бир мактуб олдим; отам зудлик билан уйга қайтишимни талаб қилган эди. Нима сабабга кўра у мени қақираётганини билмасам ҳам, хатни охиригача ўқиб чиқиб, отамнинг дунёдан кўз юмганини ҳис қилдим. Мен чет элда бўлган пайтимда, отамдан келган хатларни, одатда, унинг ўзи эмас, бошқа бировлар ёзарди, чунки отам хат ёзадиган даражада саводли эмас эди. Бинобарин, бу хатни ҳам отам айтиб туриб ёздирганми ё йўқми – билиб бўлмасди. Қолаверса, бизнинг оиламизда қариндошлардан бирон кишининг қазо қилгани ҳақида алҳол хат орқали маълум қилиш адабсизлик ҳисобланарди – буни жуда қариндошлар бирон-бир сохта баҳонани ваз

**Қодир  
МИРМУҲАМЕДОВ**  
таржимаси.

Ифеома Окойе ҳозирги замон Нигерия адибаси. Унинг “Қулоғи йўқлар” романи мамлакатда сотқинлик, лаганбардорлик, порахўрлик иллатлари кун сайин авж олиб, ҳалоллик ва виждон каби маънавий фазилатлар қувғинга учрагани, ҳаётнинг ҳар жабҳасида зўравонлик, ахлоқсизлик ҳукм сура бошлагани ҳақида, янги пайдо бўлган бойларнинг пулга худди худого сифингандай сифинишлари, ўзларини элга кўрсатиш учун, газета, телевидение, радио муҳбирларини пулга ёллашлари, керак бўлса-бўлмаса, ҳашаматли дангиллама иморатлар қуришлари, тириклигида яхши қарамаган оталарига ўлганидан кейин ниҳоятда сердабаба, ҳаттоки айш-ишратли маъракалар уюштиришлари, ва лекин, айни пайтда ночорликдан қарзга пул сўраб келган ғариб қариндошларига ҳатто сариқ чақани ҳам раво кўрмасликлари ҳақида ҳикоя қилади. Асар жузъий қисқартиришлар билан эркин таржима қилинди.

қилиб, чақириларди-да, кейин улар етиб келишгач, юз берган бахтсизлик ҳақида жуда эҳтиёткорлик билан гап очиларди.

Танзанидан Лагосга учиб келаётганимда, минг афсус, кечикдим, энди отамга, унинг менга қилган барча меҳру марҳаматлари учун миннатдорчилик изҳор эта олмайман, деб ўзимга-ўзим қайта-қайта маломат қилдим. Отам менинг чет элда таҳсил олишимга тўлаш учун оиламизга тегишли ернинг бир қисмини сотишга мажбур бўлганини оғир қайғу билан эсладим. О, кошкийди, соат милларини бир неча кунга орқага суролсам!

Лагос аэропортида Энугу самолётига чиқиш талонини олиш учун бир соатдан кўпроқ уриниб, ҳеч нимага эришолмадим. Гарчи қўлимдаги чипгамда ушбу самолётда учиб олдиндан белгилаб қўйилган бўлса ҳам, барибир, бу далил ҳеч қандай иш бермади. Мен газабланганимдан қоним қайнаб, сал сокинроқ бир жой топдим-да, ўша ердан бу “леди” ва “жентльмен”ларнинг рўйхат пештахтасига яқинлашиш учун бир-бирларини жонҳолатда туртиб-итараётганларини, баъзи бировларнинг эса, пештахта ходимлари билан тил топишиш мақсадида ҳаммани босиб-янчиб, олдинга ташланаётганларини кузатиб ўтирдим. Шу пайт бирдан қаршимда йигирма беш ёшлардаги қаддибаста келишган, дуркунгина бир йигит пайдо бўлди.

— Хайрли эрта, сэр, — деб мурожаат қилди у менга лугф кўрсатиб.

— Хайрли эрта, — дедим жаҳл билан. Чунки хуноб бўлганимдан ҳануз ўзимни боса олмаётган эдим.

— Учмоқчимидингиз, сэр? — деб сўради у.

— Ҳа.

— Қаёққа, сэр?

— Энууга.

— Самолётга чиқиш талонингиз йўқми, сэр?

— Йўқ, — дедим энди анча юмшаб.

— Мен сизга талон олиб беришим мумкин, сэр.

Мен унга ялт этиб қарадим-у, парвардигорга ҳамду сано айтдим. Турган гапки, бу одамни биринчи марта кўраётган эдим, шу боис унинг илтифоти мени ажиб бир ҳайратга солди.

— Менга ёрдам кўрсатмоқчи бўлганингиз учун беҳад миннатдорман сиздан.

— Хизматим ҳақи эллик наир<sup>1</sup>, сэр, — деди у. — Мен юкларингизни тоштириб, талон олиб бераман сизга.

Қувончим шу заҳоти газабга айланди.

— Йўқол кўзимдан, ярамас, йўқса полицияни чақираман ҳозир! — деб ўдағайлаб бердим унга.

Аммо у турган еридан жилмади ва менга нафратомуз тикилганча гижиниб деди:

— Бу ерга биринчи марта келишингиз бўлса керак, а? Шошманг, ҳали кўрасиз текинга мушук офтобга чиқмаслигини.

У мендан кўзини узмай, яна бир оз тикилиб турди, сўнг у билан бошқа гаплашиш ниятим йўқлигини билиб, оёғини шап-шап судраганча нари кетди.

“Вой, суллоҳ-е! Одам ҳам шунақа безбет бўладими?”— дедим ўзимга ўзим.

Кейин бир бўш жойни кўриб, ўша ерга бордим-да, юкларим — жомадон билан саквояжни олдимга қўйиб, улардан кўз узмай ўтирдим. Чунки, аэропортда ўғрилар кўп бўлади, деб мени огоҳлантиришган эди.

Салдан кейин олдимга яна бир йигит келиб тўхтади. “Яна битта даллол”, — деб тўнғиллаб қўйдим ўзимча.

— Салом, — деб юзланди менга бу йигит. — Боя хуноб бўлаётганингизни эшитдим. Фойдаси йўқ. Бу ернинг чайқовчиларини, барибир, тартибга чақириб бўлмайди. Талон олдингизми?

Газабим қаттиқ қайнаганидан, унга фақат бош чайқабгина жавоб қилдим. Наҳотки, бу ҳам чайқовчи бўлса? Лекин унинг нимасидир бу шубҳамни даф қилгандай бўлди.

— Чиптангизни менга беринг, — деди у. — Самолётга чиқишингиз учун талон олиб бераман.

<sup>1</sup> Н а и р — Нигерияда пул бирлиги.

— Ташаккур, — дедим мен ва унга чиптамни узатдим.

У ҳаммолни чақириб, унга юкларимни олиб орқасидан юришни буюрди. Мен эса, ўтирганимча унинг залдан чиқиб кетаётганини кузатиб қолдим. Кейин бирдан бу одамнинг ҳалол одам эканлигига шубҳа қила бошладим. Ким ўзи у? Ростдан ҳам менга чин дилдан ёрдам қилмоқчими? Тағин, ўғри бўлса-я! Юким билан чиптамни олганча қорасини кўрсатмай кетса, нима қиламан?

Унинг исмини сўрамаганимни ҳам эслаб, бадтар ваҳимага тушдим. Ҳатто афт-ангорига дурустроқ қарамабман-а! Ҳали агар олдимдан чиқиб қолса, уни танимайман ҳам. Қандай беҳосият сафар бўлди бу!

Орадан анча-мунча дақиқалар ўтди, аммо ўз ихтиёрим билан чиптам ва юкимни топширган одамдан дарак бўлмади. Мен нима қилишимни ҳам, додимни кимга айтишимни ҳам, уни қаердан қидиришни ҳам билмасдим. Хайрият, шу пайт бирдан кўзим мен томон келаётган ўша йигитга тушди-ю, бирдан дилим ёришиб кетди. Унинг соқол-мурти силлиқ қилиб олинган, чеҳрасида хуш табассум акс этарди. Ана шунда унга яхшилаб қараб олдим: баланд бўйли, хушқомаат, кулчадек кичик юзидаги кўзлари йирик-йирик, аммо оғзи торғина, бурни эса хиёл япалоқроқ эди.

— Марҳамат, — деди у тантанавор жилмайганча ва менга талон билан юк паттасини узатди.

— Мингдан-минг раҳмат сизга, — дедим унга. — Қандай олдингиз? Мен талон олгани уч марта уриниб ҳам ҳеч нимага эришолмадим.

Йигит ўтирди. Чарчагани афтидан кўриниб турарди. Мен унинг ёнига ўтирдим.

— Сиз бу аэропортда кам бўлсангиз керак-а? — деб сўради у.

— Камдан-кам. Нега сўраяпсиз? — деб қизиқсиндим мен.

— Негаки, қандай қилиб талон олиш йўлини билмас экансиз.

— У қанақа “йўл” экан?

— Бошқалар қилган ишни қилишингиз керак эди, — деди у жилмайиб.

— Пора беришим керакмиди бирон ходимга?

— Бе, шуям пора бўптими? — деб у яна жилмайди.

Мен унга бояғи йигитнинг талон олиб бериш учун пул талаб қилганини айтиб бердим. У гапимни бўлмай эшитди, сўнг деди:

— Ҳа, жиғибийрон бўлганингизни кўрдим. Ҳечқиси йўқ, ҳали кўникиб кетасиз бу тартибларимизга.

Мен ҳеч қачон кўникмаслигимга қатъий ишонардим, дўстимга ҳам шундай деб айтдим.

— Унақада, мамлакатимизда кун кечирингиз осон бўлмайди, — деди у.

— Кўраимиз.

Йигит ўрнидан турди.

— Муҳандис Ака, — қўл узатиб ўзини танитди. — Аминманки, энди Энуғуга ҳеч қандай муаммосиз етиб оласиз.

— Мен — Чиго Адабаман, — дедим унинг қўлини маҳкам сиқиб. — Жуда-жуда миннатдорман сиздан, кўрсатган ёрдамингиз учун, мистер Муҳандис Ака.

Йигит хиёл чимирилди.

— Муҳандис — бу исм эмас, — деди у. — Бу менинг касбим.

— Лутфан афв этгайсиз мени, — деб дарҳол узр сўрадим. — Мен бу сўзни исмингиз деб ўйлабман.

— Йўқ, менинг исмим Эзуала. Сиз билан ҳали яна учрашармиз деган умидламан, — деб қўшиб қўйди у.

— Раҳмат ёрдамингиз учун, — яна такрорладим мен.

У кетди, мен эса унинг гапини ўйлаб қолдим. Мен “мистер”, “доктор”, “профессор”, “сардор” каби сўзларни фамилия олдиға қўйиб айтганларини эшитгандим-у, аммо “муҳандис” сўзини бу тарзда ишлатганларини ҳеч эшитмаган эдим. Шу боис у сўзни исм деб ўйлабман.

Шу яқин ўртадаги газета дўконига бориб, “Ньюсуик”нинг янги сонини сотиб олдим-да, ўтириб ўқий бошладим. Залда ҳукм сураётган шовқин палма шохларига қўниб олган қушларнинг чуғур-чуғурини эслатарди. Мен шовқинга парво қилмаслик учун газетани ёйиб, ундаги ўзим яхши кўрган “Муҳаррирга мактублар” бўлимига кўз югуртирдим.

Эндигина тўртинчи мактубни ўқишга киришган эдим ҳамки, шу пайт бирдан одамлар бир-бирларини итариб, тирсақлари билан туртиб, залдан ташқарига гурра-гурра отилиб чиқа бошладилар. Мен ваҳимага тушиб, ўрнимдан туриб кетдим. Айни шу дамда ёнимдан яхши кийинган бир одам чошиб ўтди.

— Қасққа югуриб кетяпти ҳамма? — деб сўрадим ундан хавотирланиб.

— Самолётдан жой олгани, — деди у савол келган томонга қайрилиб ҳам қарамай югуришда давом этаркан.

Мен хануз ҳеч нимага тушунмай, тик турганимча одамларни кузатардим. Ҳамма эркагу, аёлу, болалар гўё ажал қувлагандай самолёт томон “оёқларини қўлга олиб” югуриб борарди. Узун либос кийган эркакларнинг этаклари шамолда еллинар, галстуклари эгалари орқасида ҳилпираб борарди. Бу мусобақада аёллар ҳам эркаклардан қолишмасди. Бир аёл югуриб борар экан, баланд пошнали туфлисини ечиб қўлига олиб олди. Бош кийими бўлганлар эса, бу бисотларини азза-базза шамол билан талашардилар.

Ёнимдан эғнидаги оқ кийимини шамолда ҳилпиратиб, бир бақалоқ одам чошқилиб ўтди. Мен уни боя Танзаниядан учиб келганимда халқаро аэропортда кўрган эдим. У бошига икки дона пат қадалган қизил қалпоқча кийган, йўгон бўйнини ва икки қўлини қизил маржон шодалари безаган эди, яна у ўнг қўлига каттакон чарм елпигич билан ҳасса ушлаб олган, чап қўлида эса, ёстиқдай келадиган портфел бор эди. У бошқалардан орқада қолмасликка уринар, лекин гавласининг салмоғи ҳамда эғнидаги ва қўлидаги ҳашаматли бисотлар чаққонлик қилишига ҳалал берарди. У этагини босиб олмаслик учун, портфел ушлаган чап қўли билан бежирим ва сердабада либосини кўтариб олган, ўнг қўли билан эса, шамол билан “ким ўзарга” баҳслашаётган қаллапўшини маҳкам чангаллаб олган эди. Мен бу қулғили томошани ҳузур қилиб кузатарканман, ҳамюртларимга нима бўлган ўзи, деб нуқул ажабланардим. Олдинига улар самолётга чиқарадиган талон учун жанг қилишган эди, энди эса самолётдан жой олиш ниятида худди телба одамлардай югуриб боришарди.

— Билиб қўйинг, бу сизнинг самолётингиз, — деб елкамга туртиб қўйди аэропорт ходими. — Агар бу ерда кулиб тураверсангиз, сизга жой қолмайди самолётда.

— Нима, бериладиган талонлар самолётдаги жойдан кўпроқми? — деб ҳайрон бўлдим мен.

— Сиз ҳалиям ўзингизни чет элда деб ҳисобляяпсиз, шекилли, — дея жилмайди у. — Йўқ, сиз Нигериядасиз!

Мен саквожымни олиб, самолёт томон юрдим. Турган гапки, ўзимни чопиша мажбур қилаолмадим, лекин самолётга чиққанимда, ханг-манг бўлиб қолдим: ҳамма ўринлар чиндан ҳам ё йўловчилар, ё уларнинг енгил юклари билан банд қилинган эди. Мен, шояд биронта бўш ўрин топилиб қолса, деган умидда ўртадаги йўлакнинг у бошидан бу бошига икки марта бориб келдим, лекин бўш жой йўқ эди. Энди мен жой топишдан буткул умидимни узган эдим. Шу пайт боя талон олиб бериб, мушкулумни осон қилган муҳандис йигит мени чақириб қолди.

— Қарасам, жойсиз қолганга ўхшайсиз, — деди у ёнидаги ўриндиқдан портфелини оларкан. — Марҳамат, ўтиринг. Бу жойни оғайним учун банд қилган эдим, лекин у бу рейс билан учмаса керак — шу чоққача етиб келмади.

Мен муҳандисга миннатдорчилик билдириб, у кўрсатган жойга ўтирдим. Бир неча дақиқадан кейин самолётимиз ҳавога кўтарилиб, Энуғу томон уча бошлади. Шунда муҳандис билан ўртамизда самимий суҳбат бошланиб кетди ва у менга ўзи ҳақида сўзлаб берди. У илгари университетда муаллимлик қилган экан, лекин кейин домлаликни ташлаб, бизнес билан шуғуллана бошлабди. Айтишича, кун кечириши учун етарли маблағ топа олмагани сабабли, университетдан кетганмиш.

— Хўш, қандай бизнес билан шуғулланаяпсиз? — қизиқсиниб сўрадим.

— Э... аниқ бир нима дейишим қийин, — деди у. — Шартномалар тузаман, импорт билан шуғулланаман, пиво ва кайф бермайдиган ичимликлар кўтара

савдоси билан, мактаб ва коллежларга турли озуқалар етказиб бериш ва яна бошқа ҳар хил ишлар билан машғул бўламан.

— Бу фаолиятингиз сизга университетда домлалик қилишдан кўра кўпроқ ёқадими? — деб сўрадим унинг бу қилмишидан нафратланаётганимни сездирмасликка уриниб. Шахсан мен, бу йигит машғул бўлаётган бизнестан кўра университетда дарс бериш обрўлироқ иш, деб ҳисоблардим, лекин бу ҳақда унга ҳеч нима демадим.

— Йўқ, ҳозирги фаолиятим менга ёқади деб айтолмайман, — эътироф этди у. — Лекин кўнглим тинч. Бизнинг бүгунги кунимизда, меҳнат кишига қувонч келтиради, деган тушунча унутилган. Менга пул керак. Пули йўқ одам Нигерияда одам ҳисобланмайди. Пул топишнинг эса энг тез ва сөз усули — бизнес билан шуғулланиш.

— Тушунарли. Самара берадими?

— Бўлмасам-чи! — деди у гурур билан. — Тўғри, бу анча машаққатли иш, лекин нолимайман ундан.

— Муваффақият тилайман сизга.

— Раҳмат. Нигерияда қанча вақт бўлмадим, дедингиз ҳали?

— Анча йил. Бу ерга илгариям келиб турардим. Фақат узоқ муддатга эмас.

— Ўқишга кетувдингизми?

— Ўқидим ҳам.

— Лондондами?

— Кўп жойларда бўлдим, — дедим мен. — Ганадан Нигерияга келдим, кейин Лондонга кетдим, сўнг яна Ганага қайтдим, у ердан Танзанияга жўнадим. Ҳозир Танзаниядан келяпман — охири икки йил ўша ерда яшадим.

— Гоят ажойиб сафар, — деди у ва ўзим ҳақимда тўлароқ сўзлаб беришни илтимос қилди.

— Айтарли ҳеч бир қизиғи йўқ ҳаётимнинг, — дедим камтарлик қилиб. — Ганада туғилиб ўсганман. Отам ёшлик чоғида у ёққа кўчиб кетган экан. Мен ўша ерда мактабни битириб, отам билан бирга Нигерияга қайтиб келгандим. Чунки отам, бегона юртда яшашга энди қарилик қиламан, деб айтганди. Нигерияда бир йил турдим-да, кейин ўқигани Англияга кетдим. Университетни битиргач, бир оз муддат Ганада ишладим, кейин Танзанияга кўчиб ўтдим. Энди уйимга қайтмапман.

Ҳикоям ҳамроҳимга қизиқ туюлди шекилли, бир марта ҳам луқма ташлаб сўзимни бўлмади.

— Энди доим шу ерда турасизми? — деб сўради у.

— Қолиш-қолмаслигим ҳақида ҳозирча бир нима дея олмайман.

— Хуш келибсиз Нигерияга! — деди у жилмайиб. — Гарчи чет элда узоқ муддат яшаган бўлсангиз ҳам, бу ернинг иқлимига қийналмай мослашасиз, деб умид қиламан.

— Мен ҳам шунини истардим.

— Исмнингиз нима? — деб сўради у. — Ҳали танишганимизда эслаб қололмабман.

— Чиго Адаба.

— Чиго? Жуда ғалати исм экан. Ҳеч эшитмаганман бунақа исмни.

— Чигози десам-чи?

— О, бу бошқа гап. Чигози — биламан бунақа исмни.

— Чет элда мен атайлаб исмимни қисқартириб айтардим — қайси мамлакатнинг фуқароси эканлигимни билдирмаслик учун.

— Нимага энди? — деди муҳандис ҳайрон бўлиб.

— Бизлар университетнинг биринчи курсида ўқиётганимиздаёқ пан-африканизм (ҳамма фақат африкалик) ҳақида лекциялар билан қаттиқ жигимизга тегилган эди. Шундан кейин ўзимни нигериялик эмас, пан-африкан деб атай бошлагандим. Бемаънилик бу, тўғрими?

— Йўқ, унақамас, — деб жилмайиб қўйди у.

Ўртадаги йўлақдан биз томонга стюард яқинлашиб кела бошлади, қўшним унга содали виски буюрди.

— Ичасизми? — деб сўради у мендан. — Мен меҳмон қиламан.

— Раҳмат, йўқ. Мен виски ичмайман.

- Унда пиво ичарсиз?
- Раҳмат, тортмаяпти.

У виски ичди-ю, шу заҳоти пинакка кетди. Ҳатто ухлаган чоғида ҳам чеҳрасида толиққанлиги акс этиб турарди. Афтидан, унинг янги фаолияти, ўзи айтганидек, осон эмасга ўхшайди.

Атрофимда бошқа гаплашадиган одам бўлмаганидан, яна отам ҳақида ўйлай бошладим. Мен университетни битиргач, отамга хат ёзиб, чет элда қолиб ишламоқчи бўлганимни изҳор қилганимда, у, ўзи ҳам ёшлигида мусофир юрда яшаб, хизмат бўлиб туолди, менга эътироз билдирмаган, лекин шунга қарамай, бир неча йилдан кейин ўз юртинга бутунлай қайтиб келишинг керак, деб маслаҳат берган эди. Мен ана шу ё шунга ўхшаш бошқа сабабларга кўра, юртимга қайтишни то... мана энди отам мени чақирмагунча, пайсалга солиб келдим. Мен бугун сафарим давомида отамни ўйлар эканман, “кечга қолмадимкин?” – деб ўзимга ўзим қайта-қайта савол берардим.

Биз Лагосдан Энугугача атиги қирқ беш дақиқа учдик, лекин бу дақиқалар менга бир асрдек бўлиб туолди. Самолёт пасайиб қўна бошлаганида бошим гувиллаб оғриди. Аэропортда мени яккаю ёлғиз акам Улоко кутиб олиши керак эди – мен унга қачон ва қай соатда етиб келишим тўғрисида телеграмма юборган эдим. Отамнинг қишлоқдаги ўз обиси<sup>1</sup> олдида кўзи тўрт бўлиб йўлимга тикилиб ўтирганини тасаввур қилишга уриндим, лекин шу лаҳзадаёқ, отам ўлган, уни аллақачон дафн этишган, бундан икки кун бурун олганим мактуб мени бу ёққа жалб қилиш учунгина ёзилган, деб ваҳимага туша бошладим.

Ниҳоят самолёт кўнди. Йўловчилар унинг очилган эшиги – локдан пастга туша бошладилар.

- Сиз Энугунинг ўзида турасизми? – деб сўради мендан муҳандис Ака.
- Шундай қилсам керак. Ҳарҳолда, дастлабки пайт шу ерда бўлиб тураман.
- Демак, яна қўришарканмиз. Менинг офисим Лагосда, аммо иш юзасидан Лагос билан Энугу ўртасида тез-тез қатнаб тураман.

– Яна бир марта раҳмат сизга кўрсатган ёрдамингиз учун. Нима қилаолардим-а, сиз бўлмаганингизда.

– Бирон иложини топардингиз, – деб жавоб қилди ҳамроҳим, сўнг биз қўл сиқишиб хайрлашдик.

“Отаммасдир, эҳтимол, Улоко ўлгандир?” – деган фикр бир зумда хаёлимни чулғаб олди. Йўқ, бу бўлмаган гап, деб ўзимга таскин бера бошладим ва кўнглимга келган ваҳимали хаёлни унутишга ҳаракат қилдим.

## *Иккинчи боб*

Энугу аэропортида охириги марта бўлганимдан бери катта ўзгаришлар юз берибди. Эски аэропортдан сал нарироқда янги бино қад кўтарибди. Мен ана шу бино олдида турарканман, узоқдан акам Улокони кўриб, енгил тин олдим. Гарчи Нигерияда беш йилдан бери бўлмаган бўлсам ҳам, уни дарров танидим, акам анча семириб, басавлат киши бўлибди. У эгнига оқ тўрдан тўқилган атбада<sup>2</sup> кийган, бўйнига худди аёллар сингари уч шода маржон тақиб олган ва яна бўйнидаги узун тилга занжирга илинган катталлиги ликопчадай келадиган зийнатли тақинчоқ тош осган эди. Бошида қизил қалпоқча (фақат пат қадалмаган), ўнг қўлида каттакон чарм елпигич бор эди. Уни бундай безанган ҳолда биринчи марта кўришим эди.

У мени, негадир, бутунлай бошқа томондан излаётган эди, шунинг учун ёнига бориб қолганимни ҳам сезмай қолди.

- Ака! – дедим мен қувониб. У ўтирилиб мени кўрди ва суюниб кетди.
- Чиго! – деб юборди у ва мени меҳр ила бағрига босди. – Хайрият-е! Келишингга энди кўзим етмай турувди.
- Келдим, ака. Мана, қайтиб келдим уйга.
- Бутунлай келгандирсан энди? – деб сўради Улоко.

<sup>1</sup> О б и – кичик уй, кулба.

<sup>2</sup> А т б а д а – эркакларнинг гулдор кенг либоси.



– Ҳали буни ҳал қилганимча йўқ.

– Қандай учдинг?

– Чаккимас. Лекин Лагос аэропортида анча қийналдим. Агар бир нотаниш одам ёрдам қилганида, талон ҳам ололмасдим, самолётдан жой ҳам тополмасдим.

– Ҳа, Лагос аэропорти жуда бетартиб жой. Лекин жуда хурсандман келганиндан. Юр, кетдик.

Олдимизга унинг ҳайдовчиси келди, у шофёрлар кийимида эди. Улоко унга менинг юкимни олишни буюрди. Бир неча дақиқадан кейин шофёр жомадонимни кўтариб келди, биз унинг орқасидан Улоконинг машинаси томон йўл олдик.

– Хотининг қалай? – сўрадим акамдан.

– Жуда яхши. Аэропортга келолмагани учун узр сўради сендан. Рўзғор ишлари билан банд.

Мен ҳали акамнинг хотинини кўрмагандим, улар мен бу ерда йўқлигимда турмуш қуришган эди. Улоко хат ёзишни хуш кўрмасди, ёзганда ҳам онда-сонда ва қисқагина ёзарди. Лекин уйлангани ва ўғил кўргани тўғрисида ёзган эди.

– Кичкинтой қалай? – деб сўрадим – жиянимнинг исми, гарчи Улоко – уни бир хатида ёзган бўлса ҳам хаёлимдан кўтарилган эди.

– Уям яхши. Энди у сингилли бўлган.

– Ие, мен билмовдим! – деб сал хафа бўлдим, – табриклайман! Нега ахир бу ҳақда менга ёзмадинг? Билганимда, ҳеч бўлмаса, табрикнома юборардим хотинингга.

– Кечир, кейинги пайтда бош қашишгайм вақтим йўқ. Жуда бандман иш билан, – деди у гуноҳкорона оҳангда.

– У қалай? Қизалогингни сўраярман.

– Жуда яхши. Атак-чечак қилиб юра бошлади.

– Қанчали бўлди? – сўрадим мен.

– Ўн ойли бўлди-ёв, аниқ билмайман.

– Биласанми, ака, жиянларим билан уларнинг онасини жудаям кўргим келаяпти, – дедим мен.

– Кўришга улгурасан ҳали, – деди Улоко. – Ҳадемай уйга етиб борамиз.

– Отам-чи? Отам қалайлар? – деб сўрадим ва отамни эслаганимда қайғу-ҳасратдан юзи ўзгармасмикин, деб Улокога тикилиб қарадим. Лекин унинг чеҳрасида ҳеч қандай ўзгариш содир бўлмади.

– Отам соппа-соғ, – деб жавоб қилди акам. – Ҳар ҳолда, отдай соппа-соғ эди уни охириги марта кўрганимда.

Лекин негадир, мен унинг гапига ишонгим келмади. Отам ўлган, бунга ишончим комил эди. Фақат Улоко бу қайғули хабарни менга айтишга шошилмаяпти, холос. Бир воқеа эсимга тушди: бундан бир неча йил аввал опамнинг эри – поччам қазо қилганида, уни олиб келгани фермага мени юборишган эди. Мен опамни топиб, унга отам чақираётганини айтганимда, у муғлақо хотиржам кайфиятда мен билан бирга уйимизга келган эди. Уйда отам, аввало опамни тўйдириб овқатлантиришларини буюрди. Кейин унга, чарчагансан, ётиб бир оз дамнингни ол, деди. Фақат шундан кейингина, кеч кира бошлаган пайтда, опамни эрининг уйига олиб бориб, оғир жудалик юз бергани ҳақида гап очишганди. Поччам Кано шаҳрида бир кун олдин ўлган экан, унинг жасадини энди олиб келишлари керак эди.

– Отамни охириги марта қачон кўрувдинг? – сўрадим мен.

– Бундан уч ойча бурун. Қишлоққа боришга вақтим йўқ.

– Уч ой? Анча бўпти, – дедим мен ва нега энди ўз отасини бориб кўришга вақт тополмас экан, деб ҳайрон бўлдим.

– Илож қанча, – деб елкасини учирди Улоко. – Ишларим бошимдан ошиб ётибди.

Биз Улоконинг машинаси олдига етиб келдик. Шофёр жомадонимни юкхонага жойлаб бўлган эди. Бу яп-янги, оппоқ, жуда антиқа “Мерседес-Бенц” машинаси эди, унинг томи устида антенна ҳам диккайиб турарди.

– Ўзингнинг машинангми, ака? – сўрадим мен.

– Ҳа. Ёқдимми сенга? – Унинг ўз “Мерседес”идан завқ олаётгани чехрасида яққол акс этиб турарди.

– Ёқди албатта, – деб ростимни айтдим унга. – Шундай қиммат машина харид қилган экансан, демак, ишинг чакки эмас кўринади.

– Лекин ўзим орзу қилганчалик, яхшиям эмас. Ҳозир мамлакатимизда жуда катта сармоялар муомалага киритилияпти, шунинг учун, сенинг уйга қайтиб келганинг менга яхши бўлди. Ишқилиб, энди бошқа қочиб кетмассан? Сен шу ерда яшаб, ўз истиқболинг ташвишини қилишинг керак. Ҳозир ҳар бир одам, имкони борича кўпроқ пул жамғариш пайига тушган, чунки сен, агар пулинг бўлмаса, ҳеч кимсан.

Мен акамнинг бу охириги фикрига асло қўшилмаган бўлсам ҳам, унга эътироз билдирмадим. Зеро, “одамни пул одам қилади”, деган мавзуда баҳслашишнинг ҳозир вақти ҳам, жойи ҳам эмас эди. Мен бу ерга пул ишлаш учун эмас, балки отамнинг уйга қайтишимни сўраб ёзган хатини олганим учун келган эдим. Танзанияда олаётган маошим ўзимга етарди, чунки ортиқча сарф-харажатларга эҳтиёж йўқ эди менда.

“Мерседес”нинг ичи ташқи қисмидан ҳам муҳташамроқ эди. Ўриндиқлар духоба мато билан сирилган, оёқ остига момик қизил гиламча тўшалган эди. Бу чиндан ҳам кишининг ҳавасини келтирадиган машина эди.

– Машинанг жуда кўркам, – дедим мен завқланиб.

– Хурсандман сенга ёққанидан, – оғзи қулоғида тиржайди Улоко. – Бунақа машиналар Энугуда беш-олтита, холос, – деб қўшиб қўйди у виқор билан.

Шофёр тепкини босди ва “Мерседес” жойидан кўзгалди. Бунақа машинага умримда биринчи марта ўтиришим эди. Шу пайтача мен фақат автобус ё таксиларда юрардим. Лагосда бунақа ҳашамдор машиналар кўп бўлса керак, чунки аэропортда ўтирганимда янги чиққан бойларни ва уларнинг хотинларини дам-бадам олиб келиб турадиган лимузинларга кўзим тушган эди.

– Кел, шу бугуноқ отамни кўргани борайлик, – деб таклиф қилдим Улокога. – Оила аъзоларинг билан танишамизу жўнаймиз.

– Йўқ, бугун эмас. Эртага борамиз қишлоққа. Бугун кеч бўлди. Ундан кейин, бугун кечқурун менинг бошқа режаларим бор.

– Ҳечам кеч эмас. Улгурамиз, агар уйда ушланиб қолмасак. Нима, бугун учиб келганимни отам билмайдими?

– Билади. Телеграммангни олган заҳотим бу ҳақда отамга айтиб қўйишларини илтимос қилганман. Айтишган, албатта.

– Бундан чиқди, отам мени бугун кутаётган экан-да, – дедим мен. – Жудаям кўргим келяпти уни.

– Бўлмаса, нега уни кўришга унча шошилмагандинг Танзанияда яшаб турганингда? – деб пичинг қилди Улоко. Унинг бу қочириғи мени эсанкиратиб қўйди.

– Мана, ниҳоят мен Энугудаман, – дедим бир дақиқалардан кейин тилим зўрга калимага келиб. – Энди ҳаммаси бошқача бўлади.

Бу гапим Улокога заррача ҳам таъсир қилмади.

– Афсуски, бугун кўролмайсан отамни. Қишлоққа эртага борамиз. Бугун сени сюрприз кутяпти бу ерда.

– Балки ўша сюрпризингни отам билан кўришиб қайтганимиздан кейин кўрсатарсан? – дея ёлбордим акамга. Ахир, отам кун бўйи йўлимга кўз тикиб ўтиргандир.

– Яна бир кун кутса ўлиб қолмайди. Ахир у сени беш йилдан бери кўрмаган. Яна бир кун кутса, ҳеч нима қилмайди.

Акамнинг бу гапидаги таъна кимга – отамгами ё менгами – қаратилганини тушунолмадим. У жуда ўзгариб кетган эди.

Илгари у отамга бунақа совуқ муносабатда бўлмаганди... Эҳтимол, менга шунақа бўлиб туюлаётгандир?

Мен отамдан хавотир олаётган бўлсам ҳам, энди бу мавзуда гап очмасликка қарор қилдим. Этиб келганимга ҳали бир соат ҳам бўлмай, ҳалитдан акам билан жигиллаша бошлаганим яхшимас! Мен, қишлоққа бир ўзим жўнаворсаммикин, дея кўнглимдан ўтказдим ҳам, лекин чуқурроқ ўйлаб

кўриб, бу аҳдимдан қайтдим. Кечки пайт қишлоққа автобус қатнашига кўзим етмасди.

Аччигим чиқаетганини сезиб, ўзимни босишга уриндим. “Жинни бўлма, — деб ўзимга ўзим таскин бердим. — Қаёқдаги йўқ нарсаларни кўнглингга олма. Тинчлан. Ундан кўра, шунча йилдан бери кўрмаган ўз юртингга ахири етиб келганингдан қувонсанг-чи!”

— Энуғуда ўзгаришлар кўп, — дедим мен шаҳар ҳудудига кириб келганимизда. Гоҳ у, гоҳ бу ерда баланд-баланд иморатлар қад кўтарган эди. Шаҳарнинг баъзи бир ерларида ҳатто кўча фонуслари ҳам пайдо бўлган, шоҳ кўчаларда эса иккиёқлама қатнов йўлга қўйилган эди.

— Ҳа, Энуғу ўзгарган, — деб тасдиқлади гапимни Улоко. — Сен буни кўпроқ сезяпсан, чунки анча йилдан бери кўрмагансан шаҳарни.

— Нима, беш йил бурун келганим эсингдан чиқдимми?

— Атиги бир ҳафтагина турувдинг, — деб шашгимни қайтармоқчи бўлди Улоко.

— Йўқ, икки ҳафта, — деб гап қайтардим унга.

— Бир ҳафтами ё икки ҳафтами — нима фарқи бор?

— Катта фарқи бор, — дедим жилмайиб.

Улоко шофёрга кассета қўйишни буюрди.

— Хўп бўлади, сэр, — деди шофёр эҳтиром билан ва буйруқни бажарди.

— Баландроқ қил! — амр этди Улоко.

Шофёр индамай амрни бажарди.

— Энди жуда баланд қилиб юбординг, галваре! Пасайтир! — деб бақариб берди акам. Унинг бу қўрелиги мутлақо ўринсиз эди.

Шофёр бир оғиз ҳам сўз айтмай яна буйруқни бажарди. Мусиқа жуда ёқимли эди, мен бу куйга маст бўлиб, маромига мослаб бош силкиб ўтирганимни пайқаб қолдим. Йўлда биз автомобил ҳайдовчиларининг кўча қоидасини бузиб, тезроқ юриш учун, гоҳ у, гоҳ бу йўналишга ўтишлари оқибатида вужудга келган тирбандлик сабаб, ўт ўчириш бригадаси идораси олдида анча вақт тўхтаб қолдик.

Ниҳоят, Улоконинг уйига ҳам етиб келдик. Унинг хотини бизни кўриб, олдимизга пешвоз югуриб келди. Бу ёши йигирмалардан ошган озғин ҳам, семиз ҳам бўлмаган кўҳликкина аёл эди. Улоко унга мени таништирди ва бу аёл, таомилимиз бўйича, мен билан кучоқлашиб кўришди.

— Хуш келибсиз, уйимизга! — деди у. Аёлнинг чиройли сочи ҳафсала билан турмакланган эди. Чамаси, у ҳозиргина сартарош олдида бўлиб қайтган кўринади.

— Хурсандман сиз билан танишганимдан, — дедим мен. — Акам сиз ҳақингизда ёзган эди. Афсуски, никоҳ тўйларингизда бўлолмадим.

Биз меҳмонхонага кириб ўтирганимизда янгам болаларини бошлаб келди. Ибе — ўғил жиянимнинг исми шундай эди — худди қуйиб қўйгандай Улокога ўхшар, қизалоқ Канойо бўлса, онасининг ўзгинаси эди. Мен болалар билан кўришгани олдиларига борган эдим, улар кўрқиб кетишди, Канойо-ку, сал бўлмаса йиғлаб юбораёзди. Оналари уй ходимасини чақариб, болаларни олиб кетишни буюрди.

Мен беш йил бурун келганимда, Улоко шаҳарнинг аҳоли зич жойлашган қисмида уч хонали хонадонда турарди. Ўша пайтдаёқ у соғлиқни сақлаш вазирлигида нуфузли мансабдор бўлиб хизмат қиларди. Бу лавозимга у энг оддий ходимликдан кўтарилган эди. Ҳа, у ўз фаолиятини оддий ходимликдан бошлаган эди, чунки Ганадалигимизда у мактабни битиришига бир йил қолганда ўқини ташлаб кетган эди; отамнинг ёлбориши ва дўқ-пўписалари ҳам, онамининг панд-насихатлари ҳам уни ўқини тугатишга мажбур эта олмаганди.

Мана, энди Улоко қурилиш бўйича пудратчи ва у икки қаватли уйнинг бир қанотини тўлалигича эгаллаган. Бундай уйни ижарага олиш учун жуда катта пул керак. Мен машинада юриб, бир оз толиқибман, шекилли, юмшоқ ва қулай ором курсига ўтириб, ҳузур қилдим. Аэропортдан то Улоконинг уйигача бўлган йигирма километрли йўлни биз бир ярим соатда, яъни Лагосдан Энуғугача учганимиз вақтдан икки ҳисса кўпроқ вақтда босиб ўтгандик.

Улоко хона бурчагида турган каттакон стериокомбайнга пластинка қўйиб, уни юргизди.

– Чиго, – деди у, – ҳозир мен муҳим бир иш билан кетишим керак, лекин олдин сенга яшайдиган хонангни кўрсатаман. Кийимингни алмаштиригач, яна бу ёққа тушиб, муздай бирон нима ичгин.

Мен акамнинг ортидан иккинчи қаватга кўтарилдим. Шофёр аллақачон жомадонимни алоҳида ваннахонаси ва ҳожатхонаси бўлган бу кўркам хонага олиб қириб қўйган экан.

– Ўйлайманки, бу ер сенга ёқади, – деди Улоко. – Мен кетяпман, лекин тезда қайтаман.

– Ҳа, хона жуда кўркам, ҳузурбахш экан!

Улоко кетгандан кейин ваннахонага кириб ювиндим. Кейин эгнимга калта енгли қўйлақ билан янги шим кийдим. Саквояжимни очиб, акамнинг хотини билан ўтга олиб келганим совғаларимни олдим. Қизалоқ учун менда ҳеч нима йўқ эди, чунки унинг борлигидан беҳабар эдим-да.

Пастга тушиб совғаларни тошпирдим. Совғалар янгамга ҳам, жияним Ибега ҳам жуда ёқди. Мен қиз жиянимга ҳеч нима олиб келмаганим учун узр сўрадим, аммо бунга қизалоқнинг дунёга келганлигини хабар қилмаган акам айбдор эканлиги ҳақида лом-мим демадим.

– Сизни нима деб чақирай? – деб сўрадим янгамдан.

Акам унинг исмини Анене деб айтганди. Лекин мен, агар унга шу исм билан мурожаат қилсам, тагин кўнглини ранжитиб қўямасмикинман, деб кўрқдим – эҳтимол, бу исм унинг ўзига ёқмас. Аёллар бунақа масалада жуда нозиктаб бўлишади.

– Мени Ани деб чақирақолинг. Ҳамма шундай деб чақиради. Бу – исмим Анененинг қисқартирилган шакли.

– Ани! Жуда чиройли исм!

– Нима ичасиз? – деб сўради янгам.

– Пиво борми? – Мен биринчи кунданоқ унинг таклифини рад қилиб, ранжитиб қўйгим келмади.

– Бўлса керак.

Менга Анининг ўзи пиво қўйиб берди. Мен – пиво, у – кока-кола ичиб, гаплашиб ўтирдик. Янгам менга ўзи ҳақида сўзлаб берди. У муаллима экан. Фарбий Африка мактабини битириб, аттестат олгач, педагогика коллежига ўқишга кирибди ва уни акамга турмушга чиққан йили битирибди. Ота-онаси унинг университетда ўқишини орзу қилишган ва Улокога турмушга чиқишига қарши бўлишган экан. Аммо Улоко, Анининг айтишича, унинг ота-онасини жарақ-жарақ пул билан авраб, рози қилибди ва, қизингиз иккита ё учта фарзанд кўрганидан кейин, уни албатта университетда ўқитаман, деб ваъда қилибди. Ота-онаси шу шартга кўра, қизларини унга беришга рози бўлишибди.

– Ҳалиям университетда ўқиш истагингиз борми? – сўрадим мен.

– Бор, албатта. Мен бу ҳақда доим ўйлайман. Лекин акангиз, агар университетни битирсанг, жудаям ақлли бўлиб кетасан, деб нуқул ҳазил қилгани-қилган.

– Бемаънилик! – деб аччигим чиқди, сўнг мавзунни ўзгартириш мақсадида, унинг иши ҳақида сўрадим.

– Ўқитувчи бўлиш менга ёқади. Агар университетга кириш насиб этса, барибир, ўқитувчиликни ташламасдим.

Ани мендан Танзаниядаги ҳаёт ҳақида сўради ва мен унга бу мамлакат тўғрисида, имкон борича, муфассалроқ сўзлаб беришга ҳаракат қилдим.

Мен пивомни ичиб бўлдим. Шунда янгам мени ўз хонамга чиқиб, бир оз дам олишга ундади. У акамнинг келишини кутмай, мени овқатлангирмоқчиям бўлувди, лекин мен, Улоконинг келишини кутамиз, деб бу таклифни рад этдим. Улоко айтган вақтидан анча кечроқ келди, шундан кейин бизлар дастурхон теграсига ўтирдик.

– Шўрва жуда ширин бўпти, – деб Анига қараб қўйдим.

– Раҳмат, – деди у жилмайиб. – Акангиз ҳам бунақа нарсаларга сал-пал эътибор берса бўларди. Кейинги пайтларда у нима овқат еганини ҳам пайқамай қўйган. Тушлик қилгани онда-сонда келади, эрталаблари бўлса, кўпинча

нонушта қилмай кетиб қолади. Мен унга, мунча ўзингни ўтга-чўққа урмасанг, сал жонингни аясанг-чи, деб неча марта лаб тапирдим, лекин тапимга қулоқ солмаяпти.

– Шу гап ростми, Улоко? – дея сўрадим мен.

– Рост. Жудаям иш билан бандман, – эътироф этди у. – Анининг ўзиям билади сабабини.

Мен унинг ишини суришгирдим. У қурилиш бўйича пудратчи эканлигини ва бошқа пудратчилар билан ўрталарида кучли рақобат мавжудлигини, шунга кўра, инқирозга учрамаслик учун, доим огоҳ ва ҳаракатда бўлиши кераклигини сўзлаб берди.

– Бунинг устига, – деди у тапида давом этиб, – ишчилар қурилиш материалларини ўғирламасликлари, дангасалик қилмасликлари учун кўпроқ иш жойида бўлишимга тўғри келади. Ундан кейин, пудратга янги иш олиш учун ҳам роса югуриб-елиш керак бўлади.

Овқатланиб бўлганимиздан кейин Улоко совутқичдан пиво олди. Мен мазали овқатни тўйиб еганим учун пивони рад этдим.

– Бугун кечқурун коктейл зиёфати уюштиряпман сенинг шарафинга, – деди Улоко.

– Нега энди? – ҳайрон бўлдим мен.

– Нега бўларди? Уйга қайтганингни нишонлаймиз.

– Нима кераги бор шунча сарф-ҳаражатнинг? Нима, мен фазогирмидим ё осмондан тушибманми?

– Шундай қилиш керак, ука. Бошқалар ҳам ака-укалари, опа-сингиллари хориждан қайтиб келганида шундай зиёфат қилиб беришади. Агар зиёфат уюштирмасам, одамлар мени ё қурумсоқ деб таъна қилишади, ё пули йўқ экан, деб устимдан кулишади. Қолаверса, мен сени бу кечада ўз дўстларим ва ҳамроҳ шерикларим билан танишгирмоқчиман.

– Одамлар нима деса деявермайдими – сенга нима? Дўстларинг билан бўлса, шундоқ ҳам кези келганда танишиб олавераман. Ахир дастлабки пайтларда сеникида турмоқчиман-ку. Агар коктейл зиёфати уюштирмоқчи бўлганингни менга олдинроқ айтганинда, бу фикрингдан қайтарган бўлардим, албатта. Зиёфатни бекор қилишга энди кечиккан бўлсак керак-а? Эҳ, аттанг, мени деб шунча пул сарфлагансан.

– Парво қилма. Мен пулни қизганмайман. Замонга мослашиб яшаш керак.

Мен мудом атрофдаги жамоа таъсирида бўлган ва бошқаларнинг мақтов фикрларига ишониб яшаган, ваҳоланки, ўз шахсий тафаккурига эга бўлмаган кишиларни ёқтирмайман. Лекин қандай қилиб буни ўз туғишган акамнинг юзига тик қараб айтай? Ахир дилини оғритиб қўйишим мумкин-ку. Унга нисбатан кўрнамаклик бўлмайдими бу?

– Раҳмат сенга, ака, бу ҳимматинг учун, – деёлдим унга фақат. – Лекин афсуски, анча чиқимдор бўлибсан.

– Э, қўйсанг-чи! Буни мен уюштиряпман. Сен ҳеч ҳам койинма. Коктейл зиёфати “Ройял палас-отел”да соат етти яримда бошланади. Ҳозир мен бориб, тайёргарлик қандай кетаётганини кўришим керак. Кейин сен билан Анини олиб кетгани келаман.

У кетди, меҳмонхонага Ани кириб келди. У кийимини ўзгартириб чиққан эди.

– Мен магазинга кетяпман, – деди у. – Сиз хонангизга чиқиб, зиёфат олдидан бир оз дам олсангиз бўларди. Шунча йўл юриб толиққандирсиз, ахир?

– Бу яхши фикр, – дедим мен.

Мен янгамни кўчагача кузатиб қўйдим, у ўзининг яп-янги “Пежо” машинасига ўтирди.

– Чиройли автомобил, – дедим мен машина эшигини ёпарканман.

– Акангиз совға қилди қизалоғимизни туққанимда, – деди у ғурур билан.

– Сиз жуда бахтлисиз! – дедим хўрсиниб. Мен унинг орқасидан бир оз қараб турдим-да, сўнг уйга қайтиб кирдим.

Мен меҳмонхонада бир оз вақт муסיқа эшитиб ўтирдим. Атрофга кўз югуртириб, “Британик” ва “Американ” қомусларининг жилдларини кўрдим.

Улар ойнабанд чиройли рафга ҳамма кўрадиган қилиб терилган эди. Улоко ҳеч қачон китобга қизиқмаган, шунинг учун ҳам ўрта мактабни битирмай ташлаб кетган эди. Мен қомусларнинг бир-иккита жилдини арақлаб кўздан кечирдим, сўнг газета ўқий бошладим.

Яна бир оздан кейин ўз хонамга кўтарилиб, ухлагани ётдим. Кундузи овқатлангандан кейин озгина мизғиб олиш менга одат бўлиб қолган эди. Лекин ҳеч уйқум келмади. Ҳануз кўнглим ғаш, хавотирда эдим. Кўз олдимда йўлимга термулиб ўтирган отам намоён бўлди. Кейин бирдан бу лавҳа ўрнини бошқа манзара эгаллади. Мен отамнинг қабрини кўрдим. Қабр устига қўйилган гуллар энди сўлиб бўлган эди. Кейин қулоғимга отамнинг ҳазин овози чалинди. Илпарироқ етиб келмаганим учун у мендан ўпқаланарди. Буни мен тушимда кўрдимми ё уйғоқмидим? Аниқ айтолмайман. Тавба, одам ҳам баъзида ақлдан озиб, шунчалик довдираб қоларканми?

### Учинчи боб

Улоко соат олтидан ошганда келди. Мен меҳмонхонада зерикиб ўтирардим. Акамнинг чарчаганлиги юз-кўзидан билиниб турарди.

– Соат еттида отелга қайтиб боришим керак, меҳмонларни кутиб олгани, – деди у. – Зиёфат етти яримда бошланади. Бор, кийиниб туш.

– Яхши, – деб мен ўз хонамга чиқиб кетдим ва бир неча дақиқада кийиниб бўлиб пастга тушдим-да, Улоко билан Анини кута бошладим.

Улар анча вақтдан кейин ясашиб чиқишди. Улоко эгнига қимматбаҳо тўр матодан тикилган ағбада кийган, Анининг эгнида ҳам худди шундай тўр буба<sup>1</sup> бор эди. Мени кўриб, Улоконинг қовоғи солинди: кийган кийимим ёқмади шекилли.

– Нима, костюминг йўқми? – деб сўради у. – Ё бўлмаса, биронта ўзимизнинг миллий кийимдан бордир?

Мен бош чайқадим.

– Бу кийимининг нимаси ёмон? – сўрадим лоқайдлик билан. Мен куртка ва шим кийган эдим – Танзанияда кўпчилик кишилар катта тантаналар ва байрам пайтида шундай кийинишарди.

– Буям ёмон эмас. Лекин бизда коктейл зиёфатига бунақа кийимда боришмайди, – деб тушунтирди Улоко.

– Менга ёқди бу кийимим, – дедим терслик қилиб ва ўзимга бошдан-оёқ кўз ташлаб чиқдим. – Бу кийимда ўзимни эркин ҳис қиламан.

– Илтимос, Чиго, бошқа кийимингни кий, – дея ёлборди Улоко. – Агар коктейл зиёфатига шу куртка билан шимда борсанг уят ҳисобланади ва мен ўзимни жуда ноқулай ҳис қила бошлайман.

– Хўп, майли, – деб акамнинг гапига кирдим мен, – ҳамонки хоҳишинг шу экан, айтганингни қиламан.

Мен яна ўз хонамга кўтарилдим. Хайриятки, жомадонимдан олиб осиб қўйган кийимларим ичида битта оврупоча костюм бор эди. Дарҳол шуни кийдим. Лекин бу костюмга мос галстук танлашим анча қийин кечди. Ниҳоят, галстукни боғлаб пастга тушдим. Улоко билан Ани мени кутишаётган эди.

– Мана бу бошқа гап, – деб маъқуллади акам кийимимни.

Лекин очигини айтсам, бу оврупоча костюм менга ҳеч қачон қулай кийим бўлиб туялмагани; фақат Лондондалигимда совуқ пайтида уни чор-ночор киярдим. Аммо бугун кечқурун акамнинг кайфиятини бузмаслик учун, ҳеч нима демай, айтганини қилдим.

Биз отелга “Волво”да жўнадик. Машина рулида мен билан Улокони аэропортдан олиб келган ўша шофёр ўтирарди. Улоко билан Ани орқа ўриндиққа, мен шофёрнинг ёнига ўтирдик.

– Бу ҳам сенинг машинангми? – деб орқамга ўгирилиб пичирлаб сўрадим.

– Ҳа. Буни “Мерседес”дан олдин сотиб олган эдим.

Мен ундан, бир ўзингга иккита дабдабали машинанинг нима кераги бор,

<sup>1</sup> Б у б а – аёлларнинг узун ва кенг либоси.

деб сўрамоқчи бўлдим-у, лекин ҳозир бу тўғрида ошқора гаплашадиган пайт ҳам, жойи ҳам эмаслигини ўйлаб индамадим.

“Ройял палас-отел” чиройли бинога жойлашган экан. У ерда коктейл зиёфатлари ва а-ля фуршет учун мўлжалланган, дид билан безатилган, кондинционерли махсус зал бор эди. Меҳмонларнинг келишига ҳали вақт эрта эди. Биз зални айланиб чиқдик. Улоко столларга қўйилган шишалар ва газакларни синчиклаб қўздан кечирди. Ҳаммаси рисоладагидек эди. Дастурхоннинг серфайз эканлигидан дили ёришиб кетганлиги акамнинг юз-кўзидан кўриниб турарди. Ниҳоят, у охирги фармойишларни бериб бўлиб, меҳмонларни қарши олгани эшик олдига бориб турди.

Соат йигирмата кам саккиз бўлди ҳамки, меҳмонлардан дарак йўқ эди.

— Билишимча, айтилган ерга кечикиб келиш одати ҳали ҳам йўқолмабди-да мамлакатимизда, — дедим мен.

— Керак бўлганда, кечикмасликни ҳам билишади, — деди Улоко. — Гап шундаки, баъзи одамлар, агар зиёфатга кечикмай етиб борсак, бизни қорин қапшайтиргани келишган, деб ўйламаслик учун атайлаб кечикиб келишади.

Мен кулиб юбордим.

— Ҳа, рост айтяпти, — деб тасдиқлади Ани.

— Фирт бемаънилик бу!

Соат саккизларда, яъни таклифномада қайд қилинганидан ярим соат кечроқ меҳмонлар бирин-кетин кела бошлашди. Улоко залга кириб келган ҳар бир меҳмонга мени таништиради.

— Оримили! — деб мурожаат қилди Улокога энг аввал кириб келган меҳмон.

— Оримили — Қуримас денгиз, ўзингмисан?

— Ҳа, бу мен, — деди фахр билан Улоко. — Ё қудратингдан, ахир бу Аку-Жи-Аку, яъни Пул топувчи қўл эмасми?

— Ўзгинаси! — деди меҳмон ва мамнун хоҳолаб юборди.

Улар каттакон чарм елпигичларини бир-бирига теккизиб қўйдилар — бу уларнинг қўл сиқиб кўришишлари аломати эди.

— Одиознаку! Саломатмисан? — деди меҳмон Анига ўтирилиб.

— Аку-Жи-Аку, ижозатинг билан сени укам — бухгалтер Чиго Адаба билан таништирмоқчиман, — деди Улоко.

Аку-Жи-Аку ҳаворанг тўр матодан тўқилган агбадасини елкасида тўғрилаб олиб, гўё элтиборимни тортмоқчи бўлгандай, бўйнидаги денгиз маржонлари шодасини ўйнай бошлади.

— Салом, бухгалтер, қалайсан? — деди у “бухгалтер” сўзига урғу бериб.

— Ёмон эмас, — жавоб қилдим мен.

— Хуш келибсан ватанинга, — деди Аку-Жи-Аку ва Улокога ўтирилиб жилмайди. — Бафуржа гаплашамиз. Ҳозир олтин сувидан тановул қилмасам турулмайман.

Мен Аку-Жи-Акунинг ичкиликлар қўйилган стол олдида борганини ва официантлардан бири унга виски қуйиб берганини кўрдим. Ўргилдим, “олпин суви” миш!

— Чиго, — пичирлади менга Улоко. — Бу ерга келган кўпчилик меҳмонларнинг лақаб ва унвонлари бор. Ўтинаман сендан, улар билан гаплашаётганинда, ўша унвон ё лақабларини тилга ол, шунда улар сендан беҳад миннатдор бўлишади.

— Ҳатто мен ҳам уларнинг лақабларини эслаб қололмайман-ку... — деб гапга аралашди Ани.

— Чиго эслаб қолиши мумкин, агар таништираётганимда диққат бериб эшитса.

— Ҳаракат қиламан, — деб сўз бердим, чунки бу нарсанинг акам учун аҳамиятли экани юз-кўзидан сезилиб турарди.

— Салом, Оримили! — деб кўришди Улоко билан навбатдаги меҳмон. — Салом, Қуримас денгиз! Денгиз бўлади-ю, қурirkanми? Асло!

— Салом, Osisì na amì ego! — деб меҳмон билан саломлашди Улоко. — Ҳосили мева эмас, пул бўладиган дарахт.

— Зотан, бу одамларнинг хоҳиши эмас, балки худонинг иродаси, — деди меҳмон. У ҳам эгнига тўр матодан сержозиба агбада кийган, бўйнига бир неча шода маржон осиб олган эди.

– Бу – укам, бухгалтер Чиго Адаба, – деб мени таништирди унга Улоко.  
– Бухгалтер, де? – деб қўлини узатди менга меҳмон. – Катта одам. Умид қиламанки, сен банкда ишлайсан ва кези келганда, мендан ёрдамнингни аямайсан. Тушунгандирсан-а, нимага шама қилаётганимни? – Шундай деб у хандон ташлаб кулиб юборди.

Мен унинг лақабини айтиб қўлини сиқдим. Миннатдор бўлгани дарров сезилди.

– Нега ҳар гал мени меҳмонларга таништираётганимда “бухгалтер” деб қўшиб қўясан-а? – деб сўрадим акамдан, меҳмон нари кетгач.

– Нима, бухгалтер эмасми? – деди жилмайиб Улоко.

– Бухгалтерман. Лекин нима кераги бор буни эслашнинг? Соддагина қилиб, Чиго Адаба деявер. Доим шундай деб чақиритган мени.

– Нима, ҳали банкка бориб, сендан қарз сўрашларидан қўрқяпсанми?

– Гап бунда эмас. Мен ҳалиги Нигерияда қолиб яшашга қарор қилганимда ҳам, банкда ишлайманми, йўқми – билмайман.

– Бўлмаса, гап нимада?

– Исми шарифим олдиға “бухгалтер” сўзини қўйиб айтаётганинг – майнавозчилик. Ахир у сўз “мистер” ё “доктор” эмас-ку.

– Нима дейиш, нима қилишни ўзим биламан, – деб қўл силгади Улоко. – Бухгалтерлик жайдари иш эмас. Агар сен бухгалтер, архитектор, муҳандис, юрист ёки доришунос бўлсанг-у, ўз исминг олдиға касбингни қўшиб айтсанг, кимлигингни билдириб қўясан танишган одамнингта. Бизнинг бугунги кунда бу жуда муҳим.

– Нима кераги бор шунинг? – деб эътироз билдирдим мен. – Ахир бу мақтанчоқлик эмасми?

– Ҳеч ҳам! Одамлар сени ҳурмат қилиши учун, қандай касб билан шуғулланишингни билишлари керак.

Мен акамга гап уқтира олмаслигимни тушундим, бунинг устига, айна пайтда олдимизга яна бир меҳмон яқин кела бошлаган эди.

Кети узилмай келаётган янги-янги меҳмонларга акам мени таништирган сари, уларни бир-бирларидан фарқ қилолмай бошим қотарди; мен уларнинг фақат исм ва лақабларинигина эслаб қолишга уринардим. Бу исм ва лақаблар шу қадар кулгили эдики, баъзида нафақат жилмайиш, ҳатто хохолаб кулиб юборишдан ҳам ўзимни тия олмасдим, меҳмонлар эса бу табассум ва кулгиларимни улар билан танишганлигимдан мамнунлигим нишонаси деб билишарди.

Зиёфатга келган эркакларни икки хил гуруҳга бўлиш мумкин эди. Муҳандислар, архитекторлар, доришунослар ва шу тоифадаги бошқа меҳмонларнинг аксарияти оврупоча либосда эдилар. Қимматбаҳо тўр матодан ва кимхобдан тикилган миллий кийимлар кийган меҳмонлар эса, ўз исмлари ўрнига “Ёш миллионер”, “Дунёпараст”, “Ичихон олтини”, “Швейцария банки” каби “тахаллус”ларини пеш қилардилар. Бу борада аёллар ҳам қолишмасди. Бирининг лақаби “Нақдина хоним”, яна бири “Катат Пул бону”, учинчиси – оддийгина “Банк” эди.

Соат саккиз яримга борганда зал меҳмонларга лиқ тўлган ва энди у асалари уясини эслатарди. Бу сурункали говур-ғувур пайтида ора-сира аёлларнинг бирдан хандон ташлаб кулгани ёки шўх чинқириғи эшитилиб қоларди. Мен энг охириги мода бўйича кийинган бой-бадавлат одамлар орасига тушиб қолган эдим. Эркаклар бўйинларига салмоқли қимматбаҳо тош осилган узун тилла занжир ва бир неча қават маржон шодаси илгандилар. Аёллар ҳам бошдан-оёқ безангандилар: бўйинларига тўрт-бешгалаб нафис тилла занжирлар, қўл, ҳатто оёқ бармоқларида салмоқли тилла узуклар ярақларди. Мен умрим бино бўлиб, бу даражада ясаниб, ўзига оро берган оломонни кўрмагандим.

Бу шоҳона зиёфат эди; ичкиликлар-ку ҳам миқдори, ҳам тури жиҳатидан бемисл эди. Мен акамнинг дўстлари бўлган бу жамоа билан танишишга ҳаракат қилиб, гоҳ у, гоҳ бу тўдадаги одамлар билан суҳбатлашардим.

Аёлларни ҳаммадан ҳам мода мавзуси кўпроқ қизиктирарди – буни мен бир қарашдаёқ англаб олдим. Улар бир-бирларининг либослари, таққан тақинчоқларининг қиймати ва ноёблигини муҳокама қилишар, энг нодир



безак ва буюмларни, асосан, Лондон, Нью-Йорк, Париж, Милан, Қоҳира ва ҳаттоки Маккадан (ахир одамлар у ерга мол харид қилгани эмас, Каъбани таовф ва зиёрат қилгани боришади-ку!) сотиб олиш кераклиги ҳақида гурунглашардилар.

Эркақлар бизнес ҳақида, харид қилган лимузинлари ва қандай қилса, кўпроқ пул топиш мумкинлиги тўғрисида суҳбатлашардилар. Улоко улар даврасида ўзини қушдай эркин ҳис қилар, кайфияти чоғ, ўзини кўрсатиш учун нуқул қотиб-қотиб қуларди. Қисқаси, севинганидан терисига сиғмасди.

Энди менга келсак, бу одамларга ҳеч бир жиҳатдан яқинлигим йўқлиги ва бўлмаслигини кўриб, ўзини улар даврасида мутлақо бегонадек ҳис қила бошладим. Уларнинг ўзларини туғиши жуда беўхшов, сохта ва зўрма-зўракидек бўлиб туюларди менга — одатда, фақат модадан орқада қолмаслик учун эгнига ўзганинг кийимини кийиб олган одам шунақа бесўнақай қиёфа касб этади.

Мен меҳмонларни кузатиб бир чеккада турганимда, олдимга бир йигит яқинлашди.

— Салом, бухгалтер! — деб кўришди у мен билан.

Яхшиямки, унинг исмини унутмаган эдим, лекин аксига олиб, унвонини ҳеч эслай олмадим. Шунда мен уни меҳмонга келганлар орасидаги беш-олтита “мистер”дан бири деб ҳисоблаб, унга “Мистер Уба” деб мурожаат қилдим.

— Мистер эмас, доктор Убаман, — деди у қовоғини уйиб. Афтидан, “мистер” сўзи унга таҳқирдай туюлган эди.

— Мени маъзур кўрасиз, доктор Уба, — дедим “доктор” сўзига урғу бериб кечирим сўрарканман.

Шунда доктор Уба жилмайди ва мендан, зиёфат ёқдимиз, деб сўради.

— Ёқди, — дедим мен. — Сизга-чи?

— Мен қойил қолдим, — деди у чеҳраси очилиб ва менинг сўраб-суриштиришимни кутмасдан, ўзи ҳақида гапира кетди. Бу суҳбатимиз пайтида у бу ернинг иссиқ иқлимига кўникиши қийин бўлганини қайта-қайта тилга олдики (у эгнига оврупоча костюм кийган эди), мен унга савол беришга мажбур бўлдим — сезишимча, у боядан бери мендан шу саволни беришимни хоҳлаб оғзимни пойлаётган эди:

— Сиз чет элда яшаган кўринасиз-а?

— Ҳа-ҳа! — деди у шоша-пиша.

— Қаерда?

— Нью-Йоркда, — деди у фахрланиб.

— Тушунарли. Хўш, қанча вақт бўлдингиз Нью-Йоркда? — сўрадим мен.

— Икки ҳафта. У ёққа иш юзасидан борган эдим.

— Икки ҳафта дедингизми? — докторнинг жавоби кулоғимга янглиш эшитилгандай бўлди; назаримда, у “ўн йил” дегандай эди.

— Ҳа, икки ҳафта. Иккита узун-узун ҳафта.

Шу пайт уни бошқалар билан кўришиш учун чақириб қолишди ва мен ўзимни елкамдан тоғ ағдарилгандай ҳис қилиб, енгил тин олдим.

Таклифномаларда, зиёфат соат тўққиз яримгача давом этади, деб ёзилган эди, лекин айни шу пайтга келиб, ўтириш авжига минди — барча меҳмонлар роса “битлари тўкилиб” вақтичоғлик қила бошладилар.

Ани олдимга бир врачни бошлаб келди. У зиёфатга кечикиб келган эди. Буни қаранг, мен уни Лондонда ўқиб юрган пайтимдан танирдим.

— Чиго! — деб юборди у мени кўриб. — Ани менга, қайним келди, деб айтганида сени гапирган экан-да, билмабман.

— Жудаям хурсандман сени кўрганимдан, — деб унинг сўзини бўлдим.

— Ҳар ҳолда, бутунлай қайтиб келгандирсан энди? — деб сўради доктор.

— Билмайман, ҳали ўйлаб кўрганим йўқ. Бу бирмунча вазиятга боғлиқ.

— Ўз уйим — ўлан тўшагим, деганлар.

— Тўғри. Хўш, ўзинг-чи? Қачон қайтиб келдинг хориждан? Бир вақтлар ҳеч ҳам юртинга қайтмоқчи эмасдинг.

— Келганимга икки йил бўлди, — деди у.

— Дўстона суҳбатингизга ҳалал бермоқчи эмасман, — деди Ани. — Қаранг-а, таниш экансизлар, ҳеч ўйламовдим. — Шундай деб у орқамизда гурунглашиб турган бир тўда аёллар томон йўл олди.

- Ҳозир қаерда ишляяпсан, доктор? – деб сўрадим мен. У айтди.
- Ёқадими ўзингта?
- Чаккимас. Иш жуда кўп, лекин ўзини оқлаяпти.
- Қанақасига? – сўрадим мен.
- Кейин тушунтириб бераман. Ўзинг-чи, Чиго? Қачон келдинг?
- Бугун.
- Ростданми?
- Рост. Энугуга Лагосдан кундузи учиб келдим. Лагосга эса эрталаб етиб келган эдим.
- Лондонданми?
- Йўқ. Лондондан кетганимга анча бўлди. Охирги беш йил Танзанияда яшадим.
- Сени ўз уйимда кўришни жуда хоҳлардим. Энди мен оилалиман. Қизим ҳам бор.
- Ў, табриклайман. Мен ҳамма тенгқурларимдан орқада қолиб кетдим: на хотиним, на болаларим бор.
- Ҳечқиси йўқ. Мана, уйингга қайтиб келибсан, энди ҳаш-паш дегунча бизларга етиб оласан.
- Агар бу ерда яшаб қоладиган бўлсам, биринчи навбатда ўзимга иш қидиришим керак. Биттаям қиз бекорчи йиғитга эрга тегмайди.
- Икковимиз шўх кулиб юбордик. Кулгимизни эшитиб, ёнимизга Улоко келди.
- Яхшимисиз, доктор? Ие, энди келдингизми?
- Йўқ, анча бўлди. Лекин сал кечикдим. Ўзингиз биласиз-ку, биз врачларни – эшакдек ишлаймиз доим.
- Хотинингиз кўринмайди, – деди Улоко.
- Келолмади. Кутилмаганда ходимамиз касал бўлиб қолибди, қизчамизни ким билан қолдиришни билмадик.
- Аттанг, – дедим мен. – Лекин ҳали яна кўришамиз деган умиддаман.
- Улоко мени зиёфатга кечикиб келган меҳмонлар билан таништиргани олиб кетди. У мени бир у, бир бу меҳмон олдига бориб таништирар экан, ўзимни худди кўз-кўз қилиниб, мақталаётган одамдай ноқулай ҳис қилардим – одатда, совғага ўйинчоқ олган бола шундай мақтанади. Улоко мени – яккаю ёлғиз укасини ҳамisha яхши кўрган. Болалик чоғларимизда у кўпинча ўздан кучлироқ ва каттароқ бўлган жангари болалар билан олишиб, мени худди қалқондек ҳимоя қиларди улардан.
- Мана бу жаноб – Шаҳзода Аха. Сен уни танисанг керак, албатта? – деб Улоко мени яна бир ёш йиғит билан таништирди.
- Бу йиғит менга жуда яхши таниш эди. Унинг ота-онаси ер-суви йўқ қашшоқ одамлар бўлгани учун отамнинг мулкида ёлланиб ишлашарди.
- Сен билан кўришмаганимизга анча бўлди, Аха, – дедим мен унинг узатган қўлини сиқиб кўришарканман. Уни, Улоко айтганидек, “шаҳзода” деб аташга ҳеч тилим бормади, чунки у ҳеч қандай шаҳзода эмас эди – буни мен жуда яхши билардим.
- Хурсандман сени кўрганимдан, – деди Аха зўрға, зеро уни “шаҳзода” деб атамаганим кўнглига қаттиқ ботган эди.
- Очиғини айтсам, кўринишинг жуда яхши, Аха.
- Бу мақтовим уни ниҳоят салгина жилмайтирди.
- Сабабки, ишларим чакки эмас. Ҳозир мен бизнес билан шуғулланыяпман.
- Қандай бизнес билан, Аха? Билсам, балки сендан ёрдам сўрашимга тўғри келиб қолар, зарурат туғилганда.
- Бизнесим акангники туридан. Мен ҳам қурилиш бўйича пудратчиман. Сенга ёрдамим керак бўлмайди, негаки, бу борада сен акангга мурожаат қилишинг мумкин.
- Олдиндан бир нима дейиш қийин.
- Тўғри, мен акангдан кўра сифатлироқ қураман иморатларни, – деб мақтанди Аха. – Шунинг учун, айтмоқчиманки, мабодо уй қурмоқчи бўлсанг, акангинг эмас, менинг олдимга боравер.
- Бекорларни айтибсан! Ўз жигари пудратчи бўлганда, сенинг олдингга борарканми? – деб кўлди Улоко.

Зиёфат вақт ярим кечадан оғанда тугади. Барча ичкиликлар ичиб бўлинган, ҳамма газаклар ва таомлар еб тугатилган эди. Энди меҳмонлар билан хайрлашиш ва коктейл оқшомига ташриф буюрганлари учун уларга миннатдорлик билдиргани, Улоко, Ани ва мен яна эшик олдига бориб турдик.

Меҳмонлар ниҳоятда серфайз ўтган зиёфат учун Улокога раҳматлар айтишди. Тўғри, айрим кайфи тарақ меҳмонларнинг гўлдираган сўзларини англаш қийин бўлди, бу ёқда меҳмонлар билан хайрлашаётган сармаст Улоконинг ўзи ҳам зўрға оёқда турарди.

Ниҳоят, ҳамма меҳмонлар кетиб бўлишди. Улоко официантларга охири фармойишини бергач, биз ҳам отелни тарк этдик. Машина томон бораётганимизда, йўлда Ани мендан, боя ўзи олдимга бошлаб келган врач йигитни қаёқдан билишимни сўради. Мен уни Лондонда ўқиб юрган пайтимдан танишимни айтдим.

– У менинг врачим, – деб тушунтирди Ани. – Қизимга кўзим ёриганда менга доялик қилганди.

– Шунақа денг! Нима, у яхши докторми?

– Яхшиликка яхши-ю, лекин пул деса, ўзини томдан ташлайди. – Ани бу охири сўзларини жирканиб гапирди.

– Бу билан нима демоқчисиз? – сўрадим мен.

Шу чоққача суҳбатимизга аралашмай келаётган Улоко официантларга бир гапни тайинлаш эсидан чиққанини айтиб, яна отел томон қайтиб кетди. Мен саволимни такрорладим.

– У пулни жонидан ортиқ яхши кўради, – деб изоҳлади Ани. – У мендан доялик қилгани учун анчагина пул сўраб олди.

– Ахир у давлат касалхонасида хизмат қилади-ку. Буни менга ўзи айтди.

– Бу тўғри. Лекин агар касалхонада доктор сизга яхшироқ қарашини хоҳласангиз, олдиндан унга мўмайгина пул қистиришингиз керак.

– Ҳаммалари шунақами? Мен врачларни айтяпман.

– Беморлардан ҳеч нима талаб қилмайдиган ҳалол, инсофли врачлар ҳам бор, лекин унақалар камдан-кам. Менинг врачим, ҳар ҳолда, бошқалардан кўра яхшироқ. У, агар пул олса, ҳомиладор аёлнинг кўзи ёриши чоғида, албатта, ўзи тепасида бўлади. Шунақа врачлар ҳам борки, олдиндан хизмат ҳақини олиб олгач, доялик қилишдан безбетларча воз кечишади, айниқса, тўлғоқ узоқ давом этган пайтларда.

– Ҳукуматнинг бу ишлардан хабари борми? – деб сўрадим ҳайрон бўлиб.

– Бўлмасам-чи, хабари бор. Аммо биласиз-ку, ўзинг яшаяпсанми, ўзгаларнинг ҳам яшашига йўл қўйиб бер, деган гап бор. Ҳамма пул ишлаш билан овора, гуноҳкорга тош отадиган ҳеч ким йўқ. Ўша докторнинг уйини бир бориб кўрсангиз эди – уй эмас, қаср дейсиз.

– Наҳотки, дарров уйли бўлиб олган бўлса? – дедим мен ҳеч ишонгим келмай.

– Ҳа, хусусий уйи бор унинг.

– У менга фақат икки йил бурун қайтиб келганини айтувди.

– Врачлар яхши пул топишади. Маошлари – беморлардан оладиган пуллари олдида – дарёдан томчи. Уларнинг кўпчилиги давлат касалхонасида ишлашдан ташқари яна уйларида ҳам врачлик қилишади.

– Ахир уйда врачлик қилиш бизда аллақачон тақиқланган эди, шекилли?

– Бизнинг мамлакатимизда ҳеч бир иш қатъий тарзда тақиқланмайди, – деб кулди Ани, ҳолбуки, унинг кулгисида қувонч эмас, аччиқ истеҳзо намоён эди. – Сирасини айтсам, агар бизда бирон нарса тақиқлангудек бўлса, ўша заҳоти у нолегал ҳолатга ўтади-ю, яна кун кечираверади – бу ҳол унинг элга кўпроқ манзур бўлишига йўл очиб беради. Мана, масалан, эгнимдаги тўр либосни хориждан олиб келиш ман этилган, лекин сиз бозорга бориб қаранг – бунақа тўр матоларнинг той-той тахланиб турганини кўрасиз.

Ани тўғри айтаётган эди. Зиёфатга келган меҳмонларнинг аксарияти тўр абада ва бубалар кийиб ясанишган эди, бу либослар шу қадар яп-янги эдики, уларни бундан бир неча йил бурун эълон қилинган тақиқдан олдин сотиб олинганига ишониб бўлмасди.

Биз, Ани икковимиз машина олдида Улокони кутиб турардик. Мен,

ниҳоят, зиёфат тутаб, мақтанчоқ меҳмонлар тарқалишганидан хурсанд эдим. Самимий меҳмондўстлик юзасидан эмас, балки кўпроқ ўз кибру ҳаволари, шухратпарасликларини кўз-кўз қилиш учун одоб-ахлоқ қоидаларини нотўғри талқин қилган ҳолда уюштирилган бундай зиёфатлар ҳеч қачон менга ёққан эмас.

Ана, ниҳоят Улоко қайтиб келди ва бизлар уйга жўнадик. Акам шунчалик чарчаган эдики, бутун йўл давомида кўзини очмай мудраб ўтирди.

### **Тўртинчи боб**

Эртаси куни якшанба эди. Биз нонушта қилиб бўлиб, Улоко икковимиз қишлоққа, отамни кўргани жўнадик. Ани биз билан боролмади. Чунки бутун эрталабдан қутилмаганда ўғил жиянимнинг иситмаси чиқа бошлабди. Шунинг учун Улоко хотинини болага қараш учун уйда қолдирди.

Биз қишлоққа “Мерседес”да жўнадик. Ани қишлоқ йўли ёмонлигини айтиб, эрига “пежо” машинасида боришни маслаҳат берди ва “Мерседес”ни, агар йўлда бузилиб-нетиб қолгудек бўлса, таъмирлаш қимматга тушишини айтди, лекин Улоко унинг гапига қулоқ солмади. Мен ҳам янгамнинг гапини маъқуллаб, акамни гапга кўндирмоқчи бўлгандим, у менинг ҳам далилимни рад этиб, шофёрини “Мерседес”ни олиб келишга юборди.

Йўлда Улоко, кечаги зиёфат асоратидан ҳали ўзига келолмаганиданми ё ўз хаёллари билан банд бўлганиданми, деярли ҳеч гапирмади. Менинг ҳам гаплашишга иштиёқим йўқ эди, сабабки, яна отамдан хавотир ола бошлаган эдим. Назаримда, отам аллақачон қазо қилган-у, мен ҳозир қишлоққа унинг қабрини зиёрат қилгани кетаётган эдим.

— Ака, отам тирикми? — деб сўрадим мен ниҳоят ўртага чўккан сукутни бузиб.

— Бўлмасам-чи, тирик албатта, — деб жавоб қилди Улоко.

Мен унинг юзига тикилиб қараб, гапи рост ё ёлғонлигини аниқлай олмадим.

— Отам мени нега чақиртирган? Сабабини биласанми? — сўрадим мен.

— Мен қаяқдан билай? — деган жавоб эшитдим ундан, холос.

Одатда, бирон ёққа шошаётганингда йўл, негадир жудаям узайиб кетгандай туюлади. Менга ҳам қишлоққа борадиган йўл бениҳоя чўзилиб кетгандай бўлиб кўринди. Бу ҳам етмагандай, тошлоқ дала йўлидан бораётганимизда битта ғилдиракнинг шинаси ёрилиб, то шофёр янги ғилдирак ўрнатгунича чорак соатча йўлда туриб қолдик.

Мана, ниҳоят, қишлоғимизга ҳам етиб олдик. Машина мотори овозини эшитган отам ўз обисидан чиқиб келди. Мен унинг тирик эканлигини кўрдим-у, шу заҳоти кўнглим тинчиб, енгил тин олдим ва машина тўхтар-тўхтамас, сакраб тушиб, ўзимни отамнинг кучоғига отдим.

— Хайрият-е, Чито, ахири келибсан, — деди отам анча маъюс ва паст овозда.

— Ҳа, ота, мана, келдим, — дедим мен ва севинганимдан йиғлаб юбордим. Кейинги кунларда мени мудом безовта қилаётган ваҳимали хаёллар отамга бўлган фарзандлик меҳримни ўн чандон ошириб юборган эди. Мен отамга қараб, унинг ҳасратдан чуқур ботган кўзларида шодлик ёшларини кўрдим.

Орага теран жимлик чўкди. Шунда мен Улоконинг отам билан кўришишига халал бераётганимни пайқаб қолдим. У бизнинг кўришишимизни кузатганча бир чеккада нават кугиб турарди.

— Кечиринг, ота! Айб менда. Сиз мени кўриб, Улокони унутиб қўйдингиз, — дедим-да, акам отам билан кўришсин, деб ўзимни четга олдим.

— Салом, ота! — деди Улоко.

— Улоко, анчадан бери дарагинг бўлмади, — деди отам ўпқалангандай бўлиб.

— Жудаям банд эдим, ота, — деб тушунтирди Улоко.

— Келганларинг яхши бўлди. Қани, уйга кирамиз, — деди отам ва ўз обиси томон юра бошлади. Биз унга эргашдик.

Обига киргач, отам ўзининг севимли стулчасига ўтирди. Улоко икковимиз унинг рўпарасидан жой олдик.

– Кеча сени кун бўйи кутдим, Чито, лекин келмадинг, – деди отам.

– Кечиринг, ота, – дедим мен. – Кеча ҳеч иложи бўлмади келишимнинг. – Зеро, ўзимни оқлаш учун кеча коктейл зиёфатида бўлганимни айтсам ёки биронта сохта баҳона ўйлаб топсам яхши бўлмасди-да.

– Опанг ҳам келувди сени кўргани, – деб гапида давом этди отам. – Сенга атаб бир талай егуликлар пишириб келган экан. Лекин кун ботиб қош қорая бошлаганда ҳам сендан дарак бўлмаганидан кейин, хўрлиги келиб йиллаб юборди. Шунда биз сени учиб келмаган бўлсанг керак, деб ўйладик.

– Қаерда опам ҳозир? – деб сўрадим мен.

– Қишлоғига кетди. Бутун яна келмоқчийди.

Шундан кейин отам Улокога ўтирилиб:

– Келиним, невараларим яхши юришибдими? – деб сўради.

– Ҳаммаси яхши, – жавоб қилди Улоко.

– Ахир қачон олиб келасан уларни? Қачондан бери кўрмайман.

– Айтдим-ку, ота, вақтим йўқ деб. Яхши, яхши, яқин кунларда олиб келаман. Сўз бераман.

Отам билан Улоко ўртасидаги муносабат анча совуқлашгани яққол сезилиб турарди, лекин бунинг сабаби менга мавҳум эди.

Отамнинг кўриниши анча афғодаҳол эди. У озиб кетган, кўзлари киргайиб, қўлларининг томирлари бўртиб-бўртиб чиққан эди. Эгнидаги кўйлаги ҳам, ёпинчиги ҳам эскириб, тўзий бошлабди. Билдимки, Улоко иш билан банд бўлиб, отамнинг ҳолидан хабар олмай қўйган, ваҳоланки, мен унга Танзаниядан мунтазам равишда отам учун пул юбориб тургандим.

– Адаого уйдами? – сўрадим мен.

– Йўқ, – деди отам. – Мажлисга кетган.

Адаого отамнинг иккинчи хотини. Онамиз Ганада яшаб турганимизда қазо қилганди. Отам, Нигерияга кўчиб келганимиздан кейин иккинчи марта уйланганди. Очигини айтганда, отам, марҳума хотинимнинг ўрнини боса оладиган хотин йўқ бу дунёда, деб уйланишни ҳеч хоҳламаганди. Лекин шунга қарамай, қариндош-уруғларимиз бир амаллаб уни яна уйланишга кўндирган эдилар.

– Мен Адаогога бугун сенинг келиб қолишинг мумкинлигини айтдим-у, лекин мажлисинга борма, деб гапимга кўндиролмадим, – дея зорланди отам. – Ҳозир қай гўрларда юрибдийкин? – Шундай деб у гўё тақдирга тан бергандай қўлларини ёйди.

– Кўйинг, ота, ҳеч нарсани ўйламанг. Келиб қолар.

Келганимиздан бери деярли гапга аралашмай ўтирган Улоко ўрнидан туриб, ҳовлини кўздан кечиргани чиқиб кетди.

– Бу хотин мени қора ерга тикади ҳали, – деб яна зорлана бошлади отам.

– Ҳеч менга кулоқ солмай қўйган. Бўлмасам, худонинг зорини қилиб, бугунчали ҳеч қаёққа борма, тузукроқ овқат пишир, деб ялдиндим-а. Барибир, парво қилмади гапимга.

– Кўйинг, ўйламанг уни, ота, – деб унга таскин бера бошладим. – Келиб қолар. Овқат пиширишпаям улгуради ҳали. Кейин, мен оч эмасман.

– Мана, кўрасан, бутун у атайлаб кунни кеч қилиб келади, феълени биламан унинг, – деб тўнғиллади отам, – ҳар кун саҳар-мардонда туриб бозорга кетганча, кечкурун қош қорайганда қайтиб келади. У нафақат менга, ўз туққан болаларига ҳам қарамай қўйган. Сабабки, ўзи бозордан қорнини тўйгазиб келади-да. Қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор? Унинг бугун фикри-зикри кўпроқ пул жамғариш. Ҳайронман, нима қиларкин шунча пулни, ё орқалаб кетармикин-а нариги дунёга?

Мен ҳасратидан чанг чиқаётган отамни сал чапгитиш учун, унга Танзанияда қандай кун кечирганим ҳақида ҳикоя қила бошладим. Ҳикоя қилиб туриб, отамга совға олиб келганим эсимга тушди, гириллаб бориб машинада қолдирганим иккита кўйлак билан шляпани олиб келдим. Совғаларим отамга жуда ёқди.

– Қара, худди билгандай олиб келибсан – кўйлақларим йиртилиб

бўлганди, — деб отам мамнун жилмаяркан, янги кўйлақларни ёйиб, уларга ҳавас билан тикилди. Кейин шляпани кийганди, у отамнинг бошига худди қолипга қўндирилгандай лойиқ келди ва ярашди. — Илоё, парвардигор ўз паноҳида асрасин сени, ўғлим!

Улоко уйга қайтиб кирди. Мен унга:

— Юр, Амаезе амакимизни кўриб келамиз, — деб таклиф қилдим.

Амаезе бизнинг битгаю битга амакимиз бўлиб, отамдан анча ёш бўлгани учун, унга худди ўғилдек бўлиб қолган эди. Унинг кулбаси бизникидан атиги бир неча қадам нарида эди.

Амаким ҳам, унинг хотини — янгамиз Ойбо ҳам уйда эканлар. Улар мени кўриб, қувониб кетишди.

— Сени кеча кутгандик, лекин келмадинг, — деб таъна қилди амаким.

— Тўғри, тўғри, — деб эрининг гапини тасдиқлади Ойбо. — Келишингга мазали овқат ҳам пиширувдим. Келмаганингдан кейин, жаҳдимиз чиқиб ўзимиз еб қўйдик.

Мен уларни уринтириб қўйганим учун узр сўрадим.

— Улоко, сен ҳам кейинги пайтларда камнамо бўлиб кетдинг негадир.

— Ҳозир мен муҳим бир иш билан жуда бандман, — деб аҳволини тушунтирди Улоко. — Баъзида тамадди қилиб олишгайм вақтим бўлмайди.

— Бу гапингни эшитишниям хоҳламайман, Улоко. Гапингга қараганда, овқатланиб олишгайм вақтинг йўқмиш! Қани, айт-чи, киши ҳаётида овқатданам зарурроқ нарса борми ўзи? — деди Ойбо.

— Ҳа, менинг бизнесим шунақа, — деб ўзини оқлашга уринди Улоко.

— Қишлоққаям жуда қам келадиган бўлиб қолдинг, — деб маломатини давом эттирди Ойбо. — Ўзингга аён, ўтай онанг отангни яхши парвариш қилмай қўйган. Агар тез-тез келиб, отангдан хабар олиб турганингда эди, Адаево сендан ҳайиқиб, уйда хап ўтирган бўларди.

— Янганг тўғри айтяпти, Улоко, — деб амаким хотинининг гапини қувватлади. — Айтгандай, хотининг, болаларинг яхшими?

— Яхши, — деб жавоб қилди Улоко.

Ойбо ўрнидан турди.

— Сиз, эркаклар, бемалол гурунглашиб ўтиринглар. Мен бориб овқат тарадудини кўрай.

Янгамиз шундай деб уй рўпарасидаги кулбага йўл олди. Билишимча, ўчоқбоши ўша ерда эди.

— Қайси овқатни яхши кўришимни биласиз-а, янга? — деб унинг орқасидан қичқириб қолдим мен.

— Вой, бўлмасам-чи, Чиго, — деди Ойбо. — Эсим жойида ҳали.

Бизлар яна бироз муддат суҳбатлашиб ўтирдик, сўнг Амаезе амаким, Улоко ва мен уйимизга, отамнинг олдига қайтиб келдик. У ерда биз то Ойбо янгам овқат пишириб олиб келунча у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик.

Овқат жуда мазали бўлган эди.

Биз овқатланиб бўлдик, шунда отам ичкаридан икки шиша пиво, бир шиша қизил вино ва ярим шиша виски кўтариб чиқди.

— Чиго, хонамда стаканлар билан штопор бор, кириб олиб чиқ, — деди отам ва уларни қаердан топишимни айтди.

Мен отамнинг хонасига кирдим. Охирги марта келганимдан бери бу ерда ҳеч нима ўзгармабди, фақат тўшакнинг уадаси чиқиб кетган эди — бу каламушларнинг хизмати бўлса керак. Мен стаканлар билан очкични дарров топдим ва ошхонага ўтиб, уларни ювдим.

— Сиз нима ичасиз, ота, — деб сўрадим.

— Ҳеч нима. Сен уйга қайтиб келдинг — шунинг ўзи менга катта байрам.

— Келинг, ота, қайтиб келганим шарафига бирон нима ичинг.

— Чиго тўғри айтяпти, — деди амаким. — Сенам қитгаккина вино ича қол.

Унча ўтқир эмас, қайтага соғлигингга фойда, иштахангниям очади.

Мен стаканга вино қуйиб, отамга узатдим. У стаканни олдию бир кўтаришда бўшатди.

Сўнг амакимдан, нима ичасиз, деб сўрадим.

— Виски, — деб жавоб қилди у. — Баданимни қизитади.

Мен стаканга виски қўйиб, амакимга узатдим.

— Мен пиво ичаман, — деди Улоко.

Унга бир шиша пиво узатдим, иккинчи шишани ўзим учун очдим.

Бизлар ичишиб, гаплашиб ўтирдик. Мен отам билан амакимдан, охирги марта келиб кетганимдан кейин қишлоқда юз берган ўзгаришлар ва янгиликлар ҳақида, кўни-кўшниларимиз тўғрисида сўрадим. Улар менга ҳамма янгиликлар тўғрисида шундай батафсил сўзлаб беришдики, эшитиб ўзимни ҳеч қачон бу ердан ҳеч қаяққа кетмагандай ҳис қилдим.

Кейинроқ мен бафуржа ҳовлимизни айланиб чиқдим. У анчагина катта эди. Бу ерда оиламизнинг беш хонали уйи, отамнинг обиси, яна Адаего ўз болалари билан яшаб турган кулба бор эди. Оиламиз уйини биз Ганада яшаб турган пайтимизда амаким отамнинг пешма-пеш юбориб турган пулига қурган эди.

Обини эса отам, Ганадан қайтиб келганимиздан кейин қурдирганди. Бу оби битта хона ва атрофи ойнабанд кенгина айвондан иборат эди. Кейинги пайтда отам оила уйини ҳайҳотдай каттакон деб, кўп вақтини шу обида ўтказарди. Бу воқеа мен Англияга ўқишга кетмасимдан олдин бўлган эди. Оиламиз уйи, қарасам, анча ёмон аҳволга тушиб қолибди. Кўрдим-у, Улокога юзланиб, мулоимлик билан бунинг сабабини сўрадим.

— Уни таъмирлаш учун пул сарфлаб нима қиламан, қишлоқда икки қаватли янги уй қурадиган бўлганимдан кейин? Яқинда катта йўл ёқасидан қуруқ ер сотиб олмақчиман. Очиги, деярли келишиб ҳам қўйганман буни, — деди у ва гўё миямга келган фикрни пайқагандай, бироз сукуддан кейин гапида давом этди: — Тўғри, отамнинг турли ерда бир неча томорқаси бор, лекин уларнинг ҳаммаси ноқулай жойда. Мен ундай ерда иморат қуролмайман, чунки унақа овлоқ жойдаги уйга ҳеч ким эътибор бермайди.

— Сен ўзи ўша уйни, унда яшаш учун қурмоқчимисан ё одамларга кўз-кўз қилганими? — деб шартта гапириб юбордим мен.

— Ҳам яшаш учун, ҳам кўз-кўз қилгани, — деди Улоко. — Мен қурган уй одамлар оғзида дoston бўлишини истайман.

— Ўша сен сотиб олмақчи бўлган қуруқ ер қаерда?

— Бу ердан узоқ эмас. Энуғуга кетмасимиздан олдин уни сенга кўрсатаман.

— Агар менинг фикримни билмоқчи бўлсанг, биз янги уй қуриш ўрнига шу эски уйимизни яхшилаб таъмирлаганимиз маъқул. У жуда мустаҳкам қурилган ва сизимли.

— Йўқ, йўқ! — деб чинқириб юборди Улоко гўё мендан қандайдир даҳшатли таклиф эшитгандай. — Оилавий уйимиз энди бизга тўғри келмайди. Очигини айтсам, мабодо бу уйга ёр-дўстларим келгудек бўлишса, уялганимдан ўзимни қўярга жой тополмай қоламан. Сабабки, уларнинг қишлоқда қурган уйлари бизникидан анча ҳашаматлироқ.

— Ҳамонки янги уй қурмоқчи экансан, бунгало (яъни шинамгина дала ҳовли) қуриб қўя қолмайсанми?

— Сен тушунмаясан бунинг маънисига, — деди Улоко. — Ўз тенгқурларим ичида қишлоқда икки қаватли уй қурмаган фақат мен қолдим.

— Ҳали сен шунинг ташвишини қилисанми? Масалан, мени бошқаларнинг қандай иш туғиши асло қизиқтирмайди.

— Лекин мен бунга бефарқ қаролмайман. Чунки улардан асло орқада қолишни истамайман.

Рост, қишлоққа кириб келаётганимизда, мен бу ерда анча-мунча икки қаватли уйлар пайдо бўлганига эътибор бергандим. У уйлар, гўё эгалари бир-бирларидан қолишмасликка ҳаракат қилишгандай, ҳаммаси битта лойиҳа бўйича қурилган эди. Бу уйлар оилага бошпана бўлиш учун эмас, балки кўпроқ жамоатчилик ўртасида катта мавқега эга бўлиш учун қурилганга ўхшаб кетади.

Биз обига қайтдик. Амазе амаким уйига чиқиб кетибди, хонада отам ёлғиз ўтирарди.

— Ота, мен итве<sup>1</sup>нинг олдига бориб келмоқчиман, — деди Улоко. — Чигоям борақолсин, теварак-атрофни томоша қилиб келади.

<sup>1</sup> И г в е — сардор.

– Боргинг келяптими? – сўради мендан отам.

– Ҳа. Игве-ку мени унча қизиқтирмайди, аммо атрофни бир сайр қилиб келсам ёмон бўлмасди.

– Бўпти, мен беш дақиқада тайёр бўламан, – деди Улоко ва оилавий уйимизга кириб кетди.

Мен отам билан ёлғиз қолганимдан хурсанд бўлиб, ундан мени бунчалик шошилиш тарзда уйга чақиртиргани сабабини сўрадим.

– Бунинг тарихи узун, ўғлим, – деди отам пичирлаб. – Биз кечаси, ҳамма ухлаганида гаплашиб оламиз. Суҳбатимизга ҳеч ким ҳалал бермасин дейман.

– Бирон гап бўлдимиз, ота?

Отам маъносиз бош ирғаб қўйди.

– Бўлди, ўғлим Чиго, бўлди. Ҳаммасини кечаси гапириб бераман.

Улоко уйдан чиқди ва биз игве ҳузурига жўнаб кетдик. Борарканмиз, йўл-йўлакай пайдар-пай тўхтаб, қўни-қўшнилари, таниш-билишлар билан ҳол-аҳвол сўрашавраганимиз сабабли, акамдан игве тўғрисида ҳеч нима сўрай олмадим. Жуда яхши осимда, бундан беш йил бурун келганимда, туманимизда ҳеч қандай игве-пигве йўқ эди. Шу боис мен туманимизда қачон ва қандай қилиб игве сайланганини билмоқчи эдим.

Игвенинг қароргоҳига етиб келганимизни мен бир қарашдаёқ билдим, зеро, биз рўпарасида тўхтаган чўян дарвоза тепасига йўғон ҳарфлар билан: “Зоти олийлари – игвенинг қасри”, деб ёзилган лавҳа осилганди.

“Қаср” устига ўткир тиели темир найзалар қадалган бетон девор билан ўралган эди. Ҳовлининг бир бурчагида уч қаватли басавлат уй қад кўтарган. Бу уйнинг қаршисидagi бошқа бир иморат игвенинг қабулхонаси бўлиб, акам мени шу томонга бошлаб кетди. Ҳовлида бир неча машина турарди, демакки, кимлардир игвега ташиф буюргани келган.

Қабулхона тўридаги сунага зарҳалли тахт ўрнатилган бўлиб, тахтда бошига соябони худди чодирдек кенг шляпа кийган игве савлаг тўкиб ўтирарди: унинг шляпасига турли ҳажм ва рангдаги патлар пала-партиш қадаб ташланган эдики, бу ҳолат менга осмонга учиб орзусида ҳар хил тоифадаги кушлардан пат сўраб олиб, косасига қадаган тошбақа ҳақидаги масални эслатди.

Тахтнинг икки ёнида иккита ўғил бола турарди. Бу болалар энгига шорт, яъни қалта шим кийган ва қўлларида қайиқ эшакани эслатувчи ёғоч эмблема ушлаб турардилар. Уларнинг чеҳралари, ёшларига ярашмаган ҳолда, жуда маҳзун эди.

– Игве-е-е! – деб чинқириб юборди Улоко унинг қаршисидa тиз чўкаркан.

– Оримили! – деди игве.

Мен игвега қардим ва гарчи бошидаги шляпасининг соябони юзининг кўп қисмини беркитиб турган бўлса ҳам, уни танидим – у шимолий Нигериянинг қайсиям бир еридан келган савдогар бўлиб, мен уни илгари бир-икки марта учратган эдим.

– Хайрли эрта, – деб саломлашдим мен у билан.

Игвенинг қовоғи осилди ва Улокога қараб, виқор билан кимлигимни сўради, ваҳоланки, у мени бир қарашдаёқ таниган эди.

– Бу менинг укам, – деб мутеона жавоб қайтарди Улоко. – У бухгалтер, куни кеча чет элдан қайтиб келди. Кўндан бери уйда бўлмаганди.

Улоко менинг тиз чўкмай ва “игве” сўзини тилга олмай қилган гуноҳимни хаспўшлашпа уринаётган эди, мен буни дарров сездим.

– Тушунарли, – деди игве ўзича тўнғиллаб. Сўнг овозини кўтариб менга деди: – Хуш келибсан ватанингда, йигит! Тез орада бизнинг удумларимизни ўрганиб оларсан, деган умиддаман.

Тушундимки, бу сўзлари билан у менга таъна қилаётган эди. Лекин мен буни сезмагандай кўрсатдим ўзимни.

Улоко мени оқлаш мақсадида яна бир-икки лўқма сўз айтди. Сўнг улар ўзаро суҳбатлаша бошладилар ва мен бир чеккага бориб ўтирдим. Игвенинг такаббурлиги гашимга тегар, унинг тумтароқ гаплари кўнглимни ағдарарди.



## Бешинчи боб

– Анави Эзу қачондан бери бизга игве бўлиб қолди? – деб сўрадим мен Улокодан “қаср” ҳудудидан ташқарига чиққан заҳотимиз. Бу саволни бергани боядан бери тилим қичиб турганди.

– Атиги икки йил бўлди.

– У савдогар эди, шекилли? Мамлакат шимолида яшарди. Лекин қайси шаҳарда яшаши эсимда йўқ. Унинг укаси Лондонда мен билан бирга ўқиган.

– Гапинг тўғри. Эзу Кано шаҳрида улғуржи савдо билан шуғулланган. Айнан шу ишда у бир дунё пул жамғариб олган.

Биз машинага ўтирдик, шофёр моторни юргизди.

– Қаёққа борамиз, сэр? – сўради у.

– Уйга, – жавоб қилди Улоко. – Ё балки сен битта-яримта танишларинг билан кўришмоқчидирсан? – деди у менга ўтирилиб.

– Йўқ. Бу ерда қанақа танишларим бўлиши мумкин?

– Нукул жойдан жойга кўчиб юрмаганинда, албатта, таниш-билиш орттирган бўлардинг, – деб пичинг қилди дарров Улоко.

Шофёр машинани юргизди.

– Ўзи қанақа қилиб бизга игве бўлиб қолди бу Эзу? – дедим мен яна қизиқсиниб. – Илгари ҳеч қанақа игве йўқ эди-ку бизда.

– Бир кун иштатимиз раҳбарияти, ҳар қайси жамоанинг ўз сардори бўлиши керак, деган қарор чиқарди, – деб тушунтира бошлади Улоко. – Кейин барча жамоаларга, ўзлари учун сардор танлаб, унинг номзодини тасдиқлатиш учун маъмуриятга ҳавола қилишни буюрди. Баъзи бир жамоаларда одамлар аллақайлик номзодлар ичидан қай бирини танлашда бир-бирлари билан келиша олмадилар. Ана шунда иштат раҳбарияти комиссия таъсис этди. Кейин бу комиссия жамоа-жамоа юриб, номзодлар билан суҳбатлар олиб борди ва сардор лавозимига ким кўпроқ муносиб эканлигини аниқлаб берди.

– Нима учун энди ҳамюртларимиз келиб-келиб айнан Эзуни танлашбидийкин – биласанми? – сўрадим мен.

Мен жамоа сардорининг ҳуқуқат томонидан тайинланишини тўғри эмас деб ҳисоблардим, лекин бу тўғрида акамга айтганим деворга гапирган билан баробар эдики, индамай кўя қолдим.

– Мен сайлов комиссияси таркибига кирмаган эдим, лекин нима учун айнан Эзуни сайлашганини биламан-ов. Одамлар, ҳамонки Эзунинг қишлоғи бутун туманда энг кўҳна қишлоқ экан, биринчи игве шу ердан сайланиши керак, деб айтишганди. Кейинчалик қолган қишлоқлар ҳам навбатма-навбат итвеликка ўз номзодларини кўрсатишади.

– Нега энди айнан Эзуни танлашди? – деб ҳамон тихирлик қилардим мен. – Эзунинг қишлоғида ундан кўра ақллироқ, мўътабарроқ ва бундай лавозимга муносиброқ одамлар бўлгандир-ку. Қолаверса, одам сифатида ҳам у ҳеч нарсага арзимайди. Ахир сардор деган барча инсоний эзгу фазилатларга эга бўлиши керак эмасми?

– Бу фикрингга тўла қўшиламан, Чиго, – деб эътироф этди Улоко. Сўнг, шофёр эшитмасин учун пичирлаб деди: – Бизнинг игве ўзига керак нарсани ундиришга устаси фаранг. Унинг пули жуда кўп. Сайлов пайтида у кимлар билан қандай муомалала бўлиш, кимларга пора бериш, кимни бадном қилиш, кимларга таҳдид солиш кераклиги ҳақида пухта режалар тузган. У ўзининг сайланиши учун зарур барча имкониятлардан қандай фойдаланиш лозимлигини олдиндан белгилаб қўйган.

– Мен халқимизга тушунолмаётган қолдим. Ахир ўша сайлов комиссияси таркибидаги одамлар орасида порага учадиган ёки товламачиликдан кўрқадиган кишилар бўлмаслиги керак-ку!

– Сайлов чоғида фитна, шахсий адоват ва пора бериш каби иллатлар қанчалик авж олишини сен ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсан. – У бироз сукут сақлаб яна гапида давом этди: – Мен игве маҳкамасига аъзо бўлишни мўлжаллаган эдим, лекин кўлимдан келмади.

– Нимага? – сўрадим мен.

– Кейин билсам, етарли даражада бой бўлмаганим ва қишлоқда маҳкама аъзосига муносиб уйим йўқлигидан мени сайлашмабди.

– Нима, маҳкама аъзоларини ростдан ҳам шундай шартларга кўра сайлашадими? – дея кулиб юбордим мен.

– Ана шунақа. Сайлов комиссияси аъзоларидан биттаси уялмай-нетмай шартга юзимга айтди: сенда пул йўқ, демакки, ҳеч ким сени ҳурмат қилмайди, деди. Ўша касофатнинг оғзидан яна шундай қабих гаплар чиқдики, Чиго, уларни сенга айтишга тилим бормайди. – Акамнинг овозидаги аччиқ алам унинг қаттиқ таҳқирланганини билдирарди. У ўз қадрини буткул йўқота бошлаган эди.

– Шунинг учун ҳам мен, – деб у яна гапира бошлади, – пули йўқ одам одам эмас, деб таъкидлаб ётибман. Биламан, мен айрим маҳкама аъзоларидан бойроқман. Лекин, чамамда, мен ўз бойликларимни тузукроқ кўрсата олмаётганга ўхшайман. Сирасини олганда, ҳеч ким кўшнисининг банкдаги ҳисоб дафтарида қанча пули борлигини билмайди. – Акам дилидаги қаҳр ва аламни яширишга уринмасди ҳам.

– Сен, ака, кўнглинга жуда яқин оляпсан бу нохуш воқеани! Наҳотки, игве маҳкамасининг аъзоси бўлиш шу қадар муҳим бўлса сенга? – Мен яна игвеннинг тутуруқсиз унвонлари ва гердайган вазоҳатини эслаб, унинг ўзи ҳам, маҳкамаси аъзолари ҳам болаларнинг эрмак ўйинига ўхшайди, деб айтмоқчи бўлдим-у, лекин ўйлаб кўриб, гапирмай кўя қолдим. Биз, Улоко икковимиз мутлақо бошқа-бошқа кишилар эдик – дидларимиз ҳам, фикрлашимиз ҳам, ҳаттоки мақсадларимиз ҳам бир-бирига зид эди, шу боис унинг бу каби мулоҳазаларини асло маъқуллай олмасдим. Кўришиб турибдики, акам, уни игве маҳкамасига сайлашмаганидан қаттиқ хафа эди.

– Маҳкама аъзоси бўлиш жуда улуғ иш, – деди Улоко. – Игве маҳкамаси аъзоларини одамлар ҳурмат қилишади. Улар доимо, айниқса, байрам кунларида элнинг диққат марказида бўлишади. Бу молиявий муносабатларда ҳам жуда асқотади, хусусан, обрў қозонишда фойдаси катта.

– Биласанми... – деб мен гап бошлаган эдим, аммо Улоко сўзимни бўлди.

– Игве йил охиригача маҳкама аъзолари сонини яна икки кишига кўпайтирмоқчи. У сайлов комиссияси ҳайъати билан янги номзодлар ҳақида маслаҳатлашса керак. Мен нима қилиб бўлса ҳам, ўша икки ўриндан бирини эгаллашим керак, – деди акам қаттиқ аянч билан.

– Маҳкама аъзоси бўлиш шунчалик муҳими сенга? – деб сўрадим яна.

– Ҳа. Жуда муҳим. Қолаверса, мени таҳқирлашларига ортиқ йўл қўлмайман. Улар мени писанд қилмай четлаб ўтишди – энди чидолмайман бундай ҳақоратга. Бу сафар маҳкама аъзоси лавозимини олиш учун бутун бойлигимни совуришдан ҳам қайтмайман.

– Ишқилиб, Улоко, бу лавозимга эришаман деб, ўз бошингга бир бало орттирмагин-да! Сезиб турибман, бу қадар елиб-югуришингга арзимаيدи у лавозим.

– Нима бўлганда ҳам, мен пулим йўқлиги сабабли ёки ясама камгаринлик қилиб, ниятимдан қайтмоқчи эмасман. Қарорим қатъий – қандай иш тутиш кераклигини яхши биламан. Иккинчи марта мағлуб бўлолмайман.

Акамнинг бу қадар қатъий қарорга келиши менга ёқмаётган эди. У очиқ айтмади-ю, лекин ўз тахминича, агар кўп пул жамғара олса, кўнгли тусаган ҳамма нарсага эришиши мумкин эди – мен буни унинг авзоидан сездим. Шунинг учун, у ҳар қандай воситаларни ишга солиб бўлса ҳам, кўпроқ пул топишга ва таниш-билишларига ўзининг камбағал эмаслигини исботлашга аҳд қилган эди. Ҳолбуки, у ҳам руҳи, ҳам жисминини оғир қийноққа кўйиб, бу тарзда пул кегидан қувиш ва хўжакўрсинга дангиллама иморатлар қуриш билан маҳвор тубсиз жар ёқасига бориб қолаётганидан ғофил эди. Тезроқ уни бу йўлдан қайтариш керак, деган қарорга келдим мен, лекин бу қароримни қандай амалга оширишни тасаввур ҳам қила олмасдим.

Биз акам билан уйга қайтдик. Менинг чет элдан қайтиб келганим нафақат қишлоғимизга, шунингдек, атроф ҳудудларга ҳам аллақачон овоза бўлган шекилли, мени кўргани ва қутлагани чор атрофдан қариндош-уруғларимиз кела бошлашибди. Биз келганда, отам уларни вино, пиво ва кайф бермайдиган ичимликлар (бу ичимликларни Улоко шофёрига айтиб, қишлоқ бозоридан олдириб келган эди) билан сийлаётган эди. Уйимизга Улоконинг ошна-

оғайнилари ва ҳамкор шериклари ҳам келишибди — улар қишлоқдаги уйларига уик-энд (дам олиш куни) муносабати билан келган эдилар. Бу одамлар алоҳида жойга ўтиришиб, фақат ўз тоифалари тилида ҳангома қилишарди.

Опам ҳам келди ва мени меҳр билан бағрига босди.

— Кеча кечгача йўлингга кўз тикиб ўтирдим, — деди у ўпка қилгандай.

— Биладан. Дадам айтди. Икковингиз роса кутибсиз мени. Кечир, опа, кеча келолмадим. Эшитишимча, менга овқат ҳам пишириб келганмишсан?

— Ҳа, Чиго. Қўявер, ҳали яна опкеламан. Буғунам овқат пишириб келсам бўларди-ю, фақат келишингга энди кўзим етмай қолувди. Кўринишинг яхши, ука. Кўз тегмасин. Вой, бирам яхши бўлдики, қайтиб келганинг! Энди бутунлай қоларсан-а?

— Биласанми, опа, қолиш-қолмаслигим ҳали...

— Ҳеч қанақа “ҳали-пали” йўқ, — деб сўзимни бўлди опам. — Энди ҳеч қаяққа кетмайсан. Кеткизиб бўлман!

— Борди-ю, кетишга чоғлансам, нима, бўйнимга арқон боғлаб олиб қолармидинг? — дедим кулиб.

— Ўшанда кўрасан, — деди у ҳам кулиб.

Опамни чиройли деб бўлмасди. Унинг бурни япалоқ, оғзи катта эди-ю, лекин жуда истараси иссиқ аёл эди, у билан дилкашлик қилиш кишига ҳузур бағишларди.

— Ниҳоят, отамнинг хотини Адаего ҳам келди. Айтишича, мажлис энди тугаганмиш.

— Яхши келдингми, Чиго? — деб қичқирди у узоқдан.

Мен у билан кўришишга улгурмадим, чунки опам унга бобиллаб берди:

— Адаего, қаяқларда санқиб юрибсан шу маҳалгача? Уйинг борми ўзи?

— Бор, — деб жеркиб берди у. — Ишинг нима?

— Бошга битган бало бўлди бу хотин! — деди опам жаҳл билан. — “Али” десанг, “бали” дейди, оғзи бепаравуз. Бу ҳам етмагандай, отамга бугкул қарамай қўйди. Фикру зикри пул топиш. Ҳали кўрасан, бир кунмас бир кун бу қилмишингдан пушаймон ейсан, сен хотин, аммо унда кеч бўлади.

— Бор, эрингнинг уйига бориб жавра! — деб ўдагайлади Адаего. — Менга ақл ўргатма. Нима қилишимни ўзим биладан.

Мен опамнинг жанжал кўтаришига қаршилиқ қилмоқчи бўлувдим, аммо у гашимга қулоқ солмади.

— Сен жим тур! Мен бу нокастанинг қусурларини юзига солмоқчиман, — деб бақириб берди у. — Сени у неча йилдан бери кўрмаган. Шунга қарамай, бугун сени кутиб олиб, иззатинг учун, ширин-ширин таомлар пишириш ўрнига, эрталабдан қорасини ўчириб, аллақайси гўрга жўнаб қолибди. Қани сенинг ҳурматинг? Ана, ўзинг сўраб кўр-чи, кунига неча марта боқаркин отамизни? Отам у ёқда турсин, бу хотин ҳатто ўз туққан болаларининг ҳам ҳолидан хабар олмай қўйган. Фақат пул бўлса бўлди унга! — деди опам ғазаб билан.

— Сен ичи қора хотинсан, менга ҳасад қиласан, — деди Адаего ишпайиб. — Отангга, сен айтгандек, яхши қарамаётган эканман, унда ўзинг келиб парвариш қил уни. Ахир у сенинг отанг-ку!

Бу икки хотиннинг жанжали жигимга тега бошлади.

— Кир уйингга, Адаего! — деб бақириб бердим унга. — Бошқа гинг деган товушингни эшитмай! Опам сендан катта, агар бунақа бадхоҳлик қиладиган бўлсанг, сенга ақл ўргатишга ҳаққи бор унинг.

Адаего бир нималар деб тўнғиллаганча қулбасига кириб кетди.

— Хотин деганам шунақа бўладими? У отамнинг ҳолидан хабар олмай қўйган, — деб ҳамон шанғилларди опам. — Унинг қанотини кесиб, адабини бериб қўйиш керак. Буни фақат сен қилишинг мумкин, Чиго. Отам энди унга сўзини ўтказолмаяпти. Улоко бўлса, кейинги пайтларда ишга кўмилиб кетган. Мана шунинг учун ҳам сенинг энди ҳеч қаяққа кетмаслигингни хоҳлайман, — деб у менга ёлборувчан нигоҳ ташлади.

– Кўнглинг тўқ бўлсин, опа, – дея уни юпата бошладим. – Ҳали мен кўрсатиб қўяман бу Адаегога.

Улоко кеч соат бешларда Энутуга жўнаб кетди. Мен қолдим. Бир-икки кун отамнинг ёнида бўлгим келди. Қани, олдин бир отам билан гаплашиб кўрай-чи. Танзанияга қайтиш-қайтмаслигимни шундан кейин ҳал қиламан.

Кечлик таомдан кейин мен опам Огойини уйига кузатиб қўйдим. У эридан бева қолган ва бундан бир неча километр наридаги қўшни қишлоқда сўққабош бўлиб яшарди. Чунки кичик ўғли Гвинея-Бисавдаги Абу шаҳрига ўқишга кетганди. Опамнинг уч ўғил ва бир қизи бўлиб, катта ўғли Жозеда улгуржи савдо билан шуғулланар, қизи ҳам савдогар эри билан ўша Жозеда турар, ўртанча ўғли ҳам ўша ерда мактабда таҳсил оларди.

Чароғон тўлин ой йўлимизни шундай яхши ёритиб турардики, сўқмоқда бирон тўсиқ ё дўнликка қоқилиб кетиш хавфи йўқ эди бизда.

– Эртага меникига кел, – деб таклиф қилди опам. – Келсанг, бир йўла эримнинг қариндошлари билан ҳам дийдор кўришасан. Улар сени сўрашувди.

– Албатта бораман, лекин агар менга сабур япроғи билан ямс<sup>1</sup> талқонидан бўтқа пишириб берсанг.

– Вой, сендан айлансин ўша бўтқа, – деб кулди опам. – Қачон келасан?

– Эртага кечкурун. Майлими?

– Вой, жудаям яхши. Қайтиб келганинг зўр бўлди-да, Чиго. Лекин мен сенинг яна битта ишга жазм қилишингни жуда-жуда хоҳлардим.

– У қанақа иш экан, Огойи?

– Ўзинг билмайсанми? – У тўхтаб, йўл ёқасида ўсган бутанинг нозик новдасини синдириб олди-да, тишини ковлай бошлади.

Мен ўйланиб қолдим. Сўнг:

– Йўқ, – деб жавоб қилдим. – Эсимга келмаяпти.

– Сен ўйланишинг керак.

– Э, ҳа! – деб кулиб юбордим мен. – Бу ҳақда ҳали ўйлаб кўрганим ҳам йўқ.

Лекин ёлгон гапиргандим. Менинг Ирука исмли қаллигим бор эди. У билан Лондонда ўқиб юрган пайтимда танишганман. Биз, Ирука университетни битирганидан кейин, турмуш қуришга аҳд-паймон қилиб қўйгандик. Қизнинг ота-онаси Энутудан сал нарироқда – Онича шаҳрида туришаркан.

– Ишга жойлашганингдан кейин дарров ўзинга қаллиқ қидир, – деб астойдил ўтина бошлади опам. – Агар бунчалик ўқимишли одам бўлмаганингда-ку, ўзим қиз топиб берардим сенга, – деб кулиб юборди у. Унга қўшилиб мен ҳам кулдим.

Биз ярим йўлни босиб ўтганимизда опам:

– Энди буёғига ўзим кетавераман, сен уйга қайтақол, – деди у. – Буёғи хатарли эмас.

– Нима, йўлтўсарлар борми? – сўрадим ваҳимага тушиб.

– Йўқ. Биз тарафлар ҳозир бехавотир.

Мен опам билан хайрлашиб, орқамга қайтдим.

Ҳовлига кириб келганимда, отам ўз обиси бўсағасида ёлғиз ўтирарди. Ҳамма меҳмонлар тарқалиб бўлишганди. Фақат Адаегонинг кулбасидан болаларнинг овқат таллашиб шовқин солаётгани эшитиларди. Мен бўлсам, болалар энди катта бўлиб қолишган, жанжал-тўполонни ташлагандирлар, деб ўйлаган эдим.

Отам менга овқат келтириш учун Адаегони чақирмоқчи бўлувди, лекин мен унга, ҳеч нарса егим йўқ, деб айтдим.

– Рост айтяпсанми? – сўради отам.

– Рост, ота. Қорним тўқ.

– Балки пиво ичарсан? Уч-тўрт шиша қолган.

– Йўқ, ота. Бугун энди ҳеч нима емайманам, ичмайманам. Қорним тўқ.

Мен фонус ёқиб, оиламиз уйидаги хонамга кирдим-да, кийимимни алмашгирдим. Кейин ўрнимни солиб, яна отамнинг олдига қайтиб чиқдим.

<sup>1</sup> Я м с – тропик ва субтропик мамлакатларда ўсадиган кўкатиғнинг ер остида унадиган крахмалли емишли ҳосили.

— Энди гаплашсак бўлади, Чиго, — деди отам. — Юр, ичкарига кирамиз. Тагин битга-яримга суҳбатимизга ҳалал бермасин.

Отам ўрнидан туриб, обига кира бошлади, мен унга эргашдим. Ичкарида у пастаккина курсига ўтирди. Менга қаршисида турган стулни таклиф қилди. Мен ўтирдим. Синчковлигимнинг чеки йўқ эди.

— Чиго, ўғлим, — деб гап бошлади отам, — илтимосимни ерда қолдирмай уйга қайтиб келганингдан кўнглим тоғдек кўтарилди.

— Ахир ўелингизман-ку, сўзингизни икки қила олармидим?

— Ҳозирги пайтда ота сўзига итоат этадиган ўғиллар камдан-кам топилади, — деди у маънос ҳўрсиниб. — Кошкийди, Улоко ҳам сенга ўхшаб гапимга кира қолса.

Ие, ҳали отам мен билан Улоко тўғрисида гаплашмоқчи экан-да?

Отам бу ҳаёлимни бўлди.

— Кўзим очиқлигида уйингга бутунлай қайтиб келишингни хоҳловдим, ўғлим. Агар тириклигимда келмасанг, ўлганимдан кейин бунга жазм қилишинг қийин бўлишини билардим.

— Қўйинг, ўлим ҳақида гапирмайлик, ота. Ишончим комил, ҳали сиз кўп яшайсиз.

— Мен бунга ишонмайман, ўғлим. Баъзи-баъзида бу дунёда куним битиб қолгандек туюлади ўзимга. Илло мен жуда бахтсиз одамман, шу боис ғам-андўҳда ўлишни истамайман.

— Нима гап ўзи? Нега энди бахтсиз бўларкансиз?

— Мен сенинг мудом уйда қолишингни хоҳлайман, бунинг сабаби анча-мунча, — деб гапида давом этди отам, гўё мен берган саволни эшитмагандай. — Энг аввало, сен менга шу ерда кераксан — сенга баъзи бир нарсаларни кўрсатишим, айтишим керак... вақти қазоим етмасдан. Сенинг кўп вақтинг ўзга юрларда ўтди, шунинг учун дурустроқ ўтириб гаплаша олмадик ҳам.

Отам билан Улоко ўртасида ҳамжиҳатлик йўқлигига энди шубҳа қолмаган эди менда. Аслида, бу гапларни отам менга эмас, катта ўғли Улокога айтмоғи лозим эди-ку.

— Нима учун, бахтсизман, деяйсиз, ота? — деб яна сўрадим мен.

— Шукрки, энди сен қайтиб келдинг. Мана, ўзимни анча яхши ҳис қила бошладим. Ҳар ҳолда, тобутим бошида турадиган ўғлим бўлади-ку! Бас, шундай экан, менга ўлим ҳам қўрқинчли эмас, жон таслим қилишим ҳам осон кўчади. — У бир дақиқача сукутга толди, сўнг яна гапира бошлади: — Бу ерда йўқлигингда, нукул сендан хавотир олардим. Наҳотки, худди аканг Улокони йўқотиб қўйганимдай, сендан ҳам айрилиб қолсам, деб ташвиш чекканим-чеккан эди.

— Нима гап ўзи, ота? Улоко билан ўртангизда бирон низо-нифоқ юз бердимиз? Нима, у қандайдир номақбул ишга қўл урганми?

— Ҳа, ўғлим. Сенга бунга айтмаслигим керак эди-ю, лекин на чора, Улокога таъсириمنى ўтказолмай қолдим. У ўзини ўзи маҳв қилиш йўлига кирган. Унинг ҳаёти мазмуни фақат пулга бориб тақалган, бутун фикру зикри кўпроқ пул жамғариш, вассалом. Афсус ва надоматлар бўлсинки, энди мен уни ҳалокат гирдобига олиб кетаётган ўша машъум йўлдан қайтаришга ожизман.

О, гап бу ёқда экан-ку! Демак, мен отам билан Улоконинг муносабати тўғрисида тўғри ўйлаган эканман. Лекин мен оғиз жуфтлаб гап бошлашга улгурмай, отам яна гапида давом этди:

— Муносабатимиз не чоғи таранглашганини ўзинг ҳам сезган бўлсанг керак. Бундай бўлишга сабаб, мен уни пул жамғариш кетига тушишдан қайтармоқчи бўлувдим... Мен сенга айтсам, ҳозир мамлакатимизда кўпчилик одамларнинг фикру зикри пул кетидан қувиш бўлиб қолган. Мен акангни бошқа бойлардан қолишмаслик ниятида, ўзи қодир бўлмаган нарсалар кетидан қувишига монелик қилмоқчи бўлдим, холос. Мен уни узоқ кузатдим, бинобарин, нима деётганимни яхши биламан. Ҳозир Улоко мени ёмон кўриб қолган, негаки мен уни ҳалокатли йўлдан қайтармоқчи бўлдим. Мен унга бир эмас, бир неча марта, қўй ўғлим, бошқаларнинг сен тўғрингда нима деб ўйлашларига парво қилма, танишларингга ўхшаш ва уларга тенглашиш учун жонингни жабборга бериб ўзингни қийнама, зеро, уларнинг нафақат

гап-сўзлари, юриш-туришлари, ҳаттоки қилмиш ишлари ҳам қалбаки, деб насиҳатлар қилдим.

Отам бу узун нутқи пайтида қора терга ботган юз-кўзини ёпинчигининг чети билан артаркан, бироз сукутга толди.

– Қандай қилиб Улокога тушунтирса бўларкин? – деб яна гапида давом этди отам, – ахир лаганбардор ва хушомадгўйларнинг сендан бирон нима ундириш мақсадида орқандан гала-гала бўлиб юргани – ҳурмат қозонганинг аломати эмас-ку. Қандай қилиб акангни бу ҳалокатли йўлдан қайтариб олсак бўларкин?

Мен отамнинг ҳорғин ва изтиробли чехрасига назар ташлар, унинг тамоман умидсизликка тушган маҳзун овозини эшитар эканман, ўпкам тўлиб, кўзларимга ёш қалқди. Шунда мен:

– Ота... – деб гап бошламоқчи бўлгандим, у мени эшитмагандай яна гапини давом эттирди:

– Ўғлим Чиго, мен сени яна бир сабабга кўра уйга чақирганман. Акангни бу хатарли йўлдан қайтаришга балки сен уриниб кўрарсан? Агар у шу зайлда кун кечираверса, ўзини ўзи еб, салдан кейин адоий тамом бўлади. Сен яккаю ёлғиз жигаринг – акангдан айрилиб қоласан. Улоко қулоғи йўқлар даврасига қариб қолган, энди у ҳам қулогини кесиб ташлашга тайёр турибди.

Лекин мен қандай қилиб шўрлик отамнинг бу охирги умидини пучга чиқарай? Ахир отамга, сизнинг гапингизга кирмаган акам ўзидан беш ёш кичкина бўлган менга қулоқ солармиди, деб айтишга қандай тилим борсин?

Отам кўнглимдан кечаётган бу гапларни сизди шекилли, шундай деди:

– Биладан, Чиго, зимманга жуда оғир вазифа юкляпман. Худо хайрингни берсин, ўғлим, энди сен ҳам бир уриниб кўр, шояд сўзингга кирса; Улоко менга буткул бегона бўлиб қолди. Зарурат туғилган чоғда унга ҳатто кафилик ҳам қилолмайман. Сен билган бир вақтлардаги оққўнғил, олийҳиммат Улоко ҳозир паққос пул кетидан қувувчи ва ўзининг ҳам бошқа таниш-билишлари сингари бой-бадавлат эканлигини исботлаш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бадқаҳр корчалонга айланиб қолган.

– Жуда лоф қилиб юбормадингизми, ота? Наҳотки, Улоко шунақа номатлуб ишларга қўл уришга журъат этса?

– Журъат этади, Чиго. Бунга имоним комил.

– Яхши, ота, мен қўлимдан келадиган ҳамма ишни қиламан, – деб сўз бердим отамнинг дардига сал бўлса-да малҳам бўлиш учун. – Ўзингиз касал эмасмисиз, ишқилиб?

– Йўқ, соппа-соғман. Лекин ҳеч ким эртага нима бўлишини билмайди. Мени қийнаётган дард шуки, яхши тарбия кўриб ўсган ўғлимнинг кўз очиб юмгунча шундай нокас одамга айлан... – Ва у гапини тутата олмай гамгин бош чайқаб қўйди.

– Мен энди Танзанияга кетмайман, ота. Ишдан бўшатишларини сўраб ариза ёзиб юбораман у ёққа. Ўзимга шу ердан иш қидириб кўраман.

Отам бу аҳдимни эшитиб суюниб кетди. Дилкаш суҳбатимиз ва менинг шу ерда қолишга аҳд қилганим отамнинг кўнглини кўтарди. У худди елкасидан тоғ ағдарилгандай енгил тин олди ва суҳбатимиз мавзуини ўзгартирди. Энди унинг тарам-тарам ажин бостан юзи бир қадар силлиқлашгандай бўлди. У мен йўқлигимда қишлоғимизда содир бўлган воқеа ва ҳодисалар ҳақида гапирди.

Отам сўзлаб берган айрим гаплардан маълум бўлдики, Улоко ўз иззат-нафси эҳтиёжларини қондириш билан машғул бўлиб, отамга гамхўрлик қилиш учун вақт ажрата олмаган. Отам фақат томорқасидан тушган арзимас даромад ҳисобига амал-тақал қилиб кун кечирган. Шу билан бирга, мен ўғай онам Адагонинг ҳам отамга қарамай қўйтанидан огоҳ бўлдим. Адаого чайқовчилик қилиб “пул топиш” билан овора бўлган ва отамни доимий равишда яхши боқиб, яхши парвариш қилиш вазифасини бутунлай унутиб қўйган. Унинг бемехрлиги шу даражага борганки, савдо-сотик билан банд бўлганидан, отам ўзи харид қилиб келган озиқ-овқатларни пишириб едиришга ҳам вақт топмаган. Биз вақт ярим кечадан ошгунча гаплашиб ўтирдик. Кейин отам, вақт алламаҳал бўлганини айтиб, мени ётиб ухлашга ундади.

Турган гапки, мен туни билан мижжа қоқмай чиқдим. Биринчидан, отам мени хавотирга солаётган эди. Ишқилиб, касал эмасмикин? Тагин, худо кўрсатмасин, кунни битай деб қолмадимикин? Отам келажакни олдиндан башорат қила олиш лаёқатига эга эди. Мен шунини эслаб, бадтар ваҳимага тушдим. Эсимда: онам машина ҳалокатига учрамасидан бир неча ҳафта олдин отам унинг ўлишини башорат қилган эди.

Иккинчидан, Улоқони ўйлай бошладим. Отам унинг пул топиш учун ҳеч нимадан қайтмаслиги ҳақида жуда лоф қилиб юбормадимикин? Шу пайт бирдан бу саволимга жавоб тариқасида, Улоқо икковимизнинг итвенинг “қаср”идан чиққанимизда қилган суҳбатимиз эсимга тушди.

Ана шундагина мен қандай иш кўришим лозимлигини аниқ тасаввур қилдим. Биринчи навбатда, Улоқони отам билан яраштириб қўйишим керак. Иккинчидан, отамнинг тинч ва осуда, бахтли ҳаёт кечириши учун барча имкониятларни яратиб беришим лозим. Ва ниҳоят, Улоқога, отамнинг таъбирича, унинг қандай хатарли ишга бош суққанини тушунтиришга ҳаракат қилиб кўраман. Мен уйкута кетмасимдан олдин, отамнинг айтганлари ростми эканлигини аниқлаш мақсадида, даставвал Улоқонинг ҳаракатларини кузатишга қарор қилдим ва шундан кейингина кўзлаганим охириги вазирамни бажаришга киришмоқчи бўлдим. Ким билсин, балки отам ҳам, аксар қариялар сингари, қандайдир арзимаган бир ишни фалокат даражасига кўтариб, лоф ураётгандир.

### Олтинчи боб

Эртаси кунни эрталаб мен Оничага бориб отамга баъзи бир уст-бош сотиб олдим (унинг ҳамма кийимлари титилиб кетган эди). Яна янги каравот билан тушак, бирмунча егулик озуқалар ва ичимликлар харид қилдим.

Отам бу олиб келганим нарсаларни кўриб дили яшнаб кетди. У менга миннатдорчилик изҳор қилмоқчи бўлганида кўзларига ёш қалқди. Менда ҳам айб бор эди: отамни кўргани тез-тез келиб туrolмадим, уни кам ўйладим. Гарчи мен Улоқога отам учун доим пул юбориб турган бўлсам ҳам, ҳозир отамнинг пулдан ҳам кўра фарзанд меҳрига зор бўлганлиги яққол кўзга ташланиб турарди. Бас, шундай экан, энди мен, имкон қадар, ўз айбимни ювишга киришишим керак.

Шу кунни мен, кеча берган ваъдамга кўра, опамникига йўл олдим. У ерга отамни ҳам олиб бордим. Опам бизни кўриб, суюнганидан терисига сиғмай кетди ва жуда мазали, тансиқ таомлар, тотли хўл мевалар, яна қандайдир махсус тайёрланган палма виноси билан меҳмон қилди. Биз оқшомни жуда хушнуд ўтказдик. Поччамнинг бу ерда яшовчи қариндошлари бизни турли-туман совға-саломлар билан қутладилар. Бу совғалар ичида кола<sup>1</sup> ёнғоғидан тортиб ямс туғунақларигача бор эди. Улар бизга ҳатто битта тирик хўроз ҳам тортиқ қилишди.

Кун ботиб, қош қорая бошлаганда отам икковимиз уйга қайтдик. Опам Огойи ва унинг бир неча қариндоши бизни икки қишлоқ сарҳадигача кузатиб қўйишди ва шу ерда биз билан хайрлашиб, хайрли тун тилашди бизга.

Отам билан ўтказганим уч кун жуда бахтли дамлар бўлди. Лекин Энуғуга қайтишим ҳам керак эди. Отам мени тош йўлдаги автобус бекатигача кузатиб қўяркан, сўради:

— Энди нима қилмоқчисан?

— Кеча сизга айтганимдай, ота, энди Танзанияга қайтиб кетмайман. Ҳозир Энуғуга борганимдан кейин, биринчи навбатда, ўзимга иш қидираман.

— Яхши иш топишингда худо сенга мадаккор бўлсин, ўғлим.

— Дада, мен Адаего билан яхшилаб гаплашиб қўйдим. Энди у сизни бошқа очликдан сирмайди. — Яна унга, ишга жойлашган заҳотим ҳар ойда егулик нарсалар харид қилиш учун пул юбориб туришимни ҳам айтдим.

<sup>1</sup> К о л а — меваси медицинада, ликёр ишлаб чиқаришда, шунингдек, кока-кола ичимлигини тайёрлашда қўлланиладиган Фарбий Африкада ўсадиган дарахт.

– Адагонинг бор-йўқлигига ҳам, унинг жамики қусурларига ҳам мен кўпдан бери парво қилмай қўйганман, болам, – деди отам маҳзун кайфиятда.  
– Ундан ҳеч қандай яхшилик кутиб бўлмаслигини энг дастлабки кунданоқ билганман. Шунин билки, ўғлим, дунёда биронта ҳам аёл марҳума онангининг ўрнини босолмайди.

– Ўлибдим, энди Адаего ўзини яхши тутса керак.

– Мендан хавотир олма, ўғлим. Ўз кунимни ўзим кўришга одатланиб қолганман. Ундан кейин, укамнинг хотини Ойбо ҳам мени унутмайди – доим иссиқ-совуғимдан хабар олиб туради, барака тошур.

Автобус келаётган эди. Мен қўлимни кўтардим. Бахтимга, унда битта бўш ўрин бор экан. Отам билан хайрлашиб, автобустга чиқдим.

– Яхши бор, ўғлим. Худонинг паноҳига тошпирдим сени.

– Яқин кунларда яна келаман, – дедим мен автобус деразасидан бошимни чиқариб. – Бирон қийинчилик туғилса, менга хабар қилинг.

Автобус бир силганиб юриб кетди. Отам турган ерида орқамдан кузатиб қолди. Фақат автобус муюлишдан бурилгандагина мен отамнинг қорасини кўрмай қолдим.

Энугуга соат тўртларда етиб келдим. Уйда фақат янгам Ани бор экан. Мени кўриб суюниб кетди. Жиянларим Ибе билан Канойо ҳали ҳам мендан ётсирашиб, ўзларини четта олиб қочишарди. Лекин мен отам уларга атаб бериб юборган банан ва апелсинларни халтадан чиқарган эдим, болалар шу заҳоти ётсирашни тарк этишди. Шунда биз ҳаммамиз олиб келганим тотли меваларни мазза қилиб ея бошладик.

– Буларнинг дунёда энг яхши кўрган нарчаси – банан, – деди Ани банан пўстини артаркан. – Худо кўрсатмасин, агар битта-яримта нокас банда болаларимни ўғирлашга жазм қилгудек бўлса, буларга банан кўрсатса бас – шу заҳоти орқасидан эргашиб кетаверишади.

– Бананни ҳамма болалар яхши кўришади, – деб кулдим мен. – Шунингдек, катталар ҳам. Мана, масалан, мен.

– Менга кўпроқ апелсин ёқади, – деди Ани ва ўрнидан турди. – Сизга бирон егулик тайёрлай. Улокони кутишдан фойда йўқ. Барибир, у кечлик овқатга етиб келмайди. Унинг овқатланадиган пайти маълум эмас.

– Қаёққа кетган ўзи? – сўрадим мен.

– Ўз иши билан юрибди, албатта, – деди Ани, ошхонада дастурхон тuzаркан. – Уни бошқа ҳеч нима қизиқтирмайди.

Мен зўр ишгаҳа билан овқатландим.

– Қишлоқда вақтингиз чоғ ўтдимиз? – деб сўради рўпарамга келиб ўтирган Ани.

Мен унга қишлоқда кўрган ва эшитганларим ҳақида сўзлаб бердим.

– Шу яқин кунларда отамни кўргани яна бормоқчиман, – дедим мен ҳикоям ниҳоясида.

– Мен ҳам борсам яхши бўларди, – деди Ани ўйчан кайфиятда. – Отангизни кўрмаганимга анча бўлди.

– Ҳа, отам ҳам айтди буни.

– Ростданми? – деди у қошларини чимириб. – Лекин айб мендамас. Бизни болалар билан бирга отангизнинг олдига олиб боргани акангизнинг вақти йўқ. Ўзим у ёққа машина ҳайдаб боргани кўрқаман. Улоко бўлса бир зум ҳам шофёридан айрилгиси келмайди.

– Яхши, унда кейинги сафар отамни кўргани кетаётганимда сизларни ўзим билан олиб кетаман, – деб ваъда қилдим. – Сизнинг машинангизда жўнаймиз, рулга ўзим ўтираман.

– Сиз ҳали яна Танзанияга қайтиб кетасизми? – деб сўради янгам.

– Йўқ.

– Кетмасангиз яхши бўларди.

– Сиз қолишимни хоҳлайсизми?

– Вой, бўлмасам-чи.

– Нега мени кетмасликка ундаяпсиз? – деб сўрадим.

– Сиз акангизга кераксиз, гарчи у буни тушунмаса ҳам. Дўстлари, ўлганда ҳам, ҳақиқатни айтишмайди унга. Менга бўлса у сира қулоқ солмайди, гарчи



мен уни соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган баъзи ноҳўя ҳаракатлардан огоҳ қилмоқчи бўлсам ҳам. Масалан, унинг дам олганини ҳеч ҳам кўрмайсиз, доим оёқда, доим елиб-югуради. Агар бунинг олдини олмасак, бир кун келиб, асаб торлари чилпарчин бўлиши мумкин. Лекин агар у билан сиз гаплашсангиз, қулоқ солади.

– Жуда ваҳима қилиб юбормаяпсизми, Ани?

– Йўқ. Ҳали ўзингиз кўрасиз.

– Майли, гаплашаман акам билан, фақат ҳозирмас, – деб ваъда бердим унга. – Қулай фурсат келганида.

Овқатдан кейин мен ўз хонамга қўтарилар эканман, ўқигани бир неча газета олдим. Улокога мамлакатда чиқадиган ҳамма газеталар келиб турарди, лекин акам, тахминимча, уларни кўздан кечиришга ҳам вақт тополмаса керак.

Мен юртимга қайтиб келганимдан бери, мана энди биринчи марта газеталарни бемалол мутолаа қилишимга имкон туғилганди. Матбуот ахборотларини кўздан кечирарканман, даставвал сиёсий партиялар ўртасида бораётган тўқнашувларга кўзим тушди. Қайсиям бир партияни ва унинг раҳбарларини тутуруқсиз жумлалар билан мадҳ этишларига ва бошқа партиялар устига ёғилаётган таҳқир ва лаънатларга қараб, у ё бу газета қайси партияни қўллаб-қувватлаётганини осонгина билиб олиш мумкин эди.

Ҳамма газеталар ҳам жуда зерикарли эди. Уларда ҳаётий ва ҳаққоний очерклар деярли кўринмасди, қолаверса, муаллифларнинг бу мантиқсиз, бемаъни, фақат тахминларгагина суяниб, бичиб-тўқиган мақолаларидан бирон нимани англаб олиш мушкул эди. Битта газетанинг деярли ҳамма саҳифасида мазкур штатнинг губернатори ҳақида қандайдир янги хабарлар ёзилган ёки унинг фаолияти бошдан-оёқ мукаммал баён қилинган ва унинг оққўнгилиги, донишмандлиги, олижаноблиги кўкларга қўтариб мақталган эди-ю, аммо унга танқидий ёндашувдан асар ҳам йўқ эди. Ҳолбуки, самовий малаклар ҳам бекусур деб бўлмасди.

Мен бу газеталарни ўқиб таъбим хира бўлди: уларда баланд мартабали амалдорлар томонидан давлат маблағлари ўзлаштириб олингани, шунингдек, банк ходимларининг қаллоблик қилиб, сохта чеклар орқали йирик-йирик пулларни ўзлаштиргани ёки ўзгалар пулини чет эл банкларига ўз номларига ўтказганлари ҳақида маълумотлар келтирилган эди. Уларда яна қуролли ўғрилари кўпайиб кетгани ҳақида ҳам хабарлар беҳисоб эди: бу ярамаслар одамларни нафақат кўча-кўйда, ҳатто уйларига бостириб кириб ҳам тўнайдиган бўлишди. Хулоса шуки, ҳамма “пул топиш”ни, топганда ҳам тер тўкмай, меҳнат қилмай топишни истарди.

Мен охириги газетани ўқишга ҳолим қолмай ухлаб қолибман. Жуда қаттиқ ухлабман шекилли, Улоконинг рўпарамдаги ўз хонасига қўтарилганини ҳам сезмабман. Уйғонганимда кеч кириб, қоронғи тушган эди.

Мен пастга, меҳмонхонага тушдим. Бу ерда Улоко бир одам билан суҳбатлашиб ўтирарди. Киришим билан акам мени меҳмонга таништирди.

– Ёш миллионер, – дея юзланди Улоко меҳмонга, – ижозатинг билан, сени яна бир марта таништирамоқчиман укам – бухгалтер Чиго билан. Чиго, бу менинг энг қадрдон дўстим. Ёш миллионер. Эсингда бўлса керак, коктейл зиёфатида кўришгансизлар.

– Ҳа, эсладим уни.

– Хайрли кеч, Ёш миллионер, – деб у билан саломлашар эканман, кўнглини овлаш учун, атайин “Ёш миллионер” сўзига урғу бердим.

Ёш миллионернинг чеҳраси гурур ва қувончдан ёришиб кетди.

– Ижозат берсанг, бухгалтер, сени жонажон ватанимизга қайтиб келганинг билан яна бир марта табриклайман, – деди у ширин жилва қилиб. Унинг овози қулоқ пардасини тешиб юборадигандай хириллаб чиқди. Унинг важоҳатида “ёш”лигини ифодаловчи ҳеч қандай аломат йўқ эди.

– Чиго бухгалтерлик касбини махсус ўрганган, – деб тушунтирди акам Ёш миллионерга.

– Бахтинг бор экан, Оримили, уканг бухгалтер бўлибди, – яна Ёш миллионернинг овози гижирлади. – Бухгалтерлардан фойда кўп, – деди у ва менга ўгирилиб илова қилди: – Агар банкка ишга жойлашсанг зўр бўларди, бизга ҳам фойданг тегиб қоларди.

– Укам ҳали ишга жойлашганича йўқ, – деди Улоко. – Гап шундаки, Чиго бу ерда қоладими ё яна Танзанияга қайтиб кетадими, ҳали билмайди.

– Мен қоладиган бўлдим, ака, бу ҳақда бафуржа гаплашамиз.

– Бу менинг ташрифномам, – деди Ёш миллионер. – Хоҳлаган пайтингда қўнғироқ қил. Шанба куни эса, Оримили сени кечлик овқатга олиб борсин меникига.

– Миннатдорман, Ёш миллионер, – дедим мен унинг қўлидан ташрифномасини оларканман, – кечлик овқатта таклиф қилганингиз учун ҳам раҳмат.

– Оримили, – деб Ёш миллионер акамга юзланди, – учрашувни кеч соат еттига тайинласак сенга маъқул бўладими?

– Жуда яхши-да, – деди Улоко ҳам ўзи, ҳам менинг номимдан. – Албатта, борамиз.

– Илгимос, хотинингниям олиб боргин-а.

– Албатта, – деди акам.

Мен Ёш миллионернинг ташрифномасига қараб, уни ичимда ўқий бошладим: “Сардор Алике Отака, яъни Ёш миллионер – экспорт-импорт, саноат корхоналари ва фуқаровий курилишлар, тозалаш иншоотлари, озуқалар ташиш ва манзилларга етказиб бериш, пиво ва кайфсиз ичимликларни тарқатиш”. Вой-бў, қилмаган иши йўқ экан-ку, деб ўйладим мен.

– Буни қаранг-а, зўр универсал экансиз-ку! – деб жилмайиб қўйдим.

– Ҳа, гапинг тўғри, – деб чехраси ёришди унинг. – Мен кўп миллионли фаолият билан шуғулланаман. Ҳаётда жуда катта самараларга эришдим ва бу билан, илми бўлишдан ҳеч қандай фойда йўқлигини исботладим. Мен олтинчи синфдан ўқишни ташлаб кетганман. Айтмоқчиманки, ҳатто тўлиқсиз ўрта маълумотга ҳам эга эмасман. Лекин бу менинг катта ютуқларга эришимга ҳалал бермади. Мен, гўшг харид қилиш учун ҳар куни хотинимга берадиган пул профессорнинг бир ойлик маошидан кўп бўлса кўп-у, лекин кам эмас. – У шарақлаб кулиб юборди.

– Ҳа, ишингиз жуда зўр экан, – дедим мен унинг аҳмоқона мақтанишига эътибор бермай.

– Ҳа, ҳа, жуда зўр, – деб тасдиқлади Улоко.

Акам бу гапни мароқланиб гапирди. Шубҳа йўқки, у ҳам ана шу Ёш миллионер сингари бой бўлишни орзу қиларди. Улоко билан дўсти иш юзасидан музокара қила бошлашди. Мен ошхонага, кечлик овқат тайёрлаётган Анининг ёнига чиқдим.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, мен акамнинг Ёш миллионерни кечлик овқатга қолишга ундаётганини эшитдим.

– Йўқ, раҳмат. Жон-жон деб қолардим-у, – деб қағиллади у, – лекин бугун кечкурун зарур учрашувим бор. Бу фойда келтирадиган имкониятдан воз кечолмайман. Бу учрашув менга ўн минг наирадан кўпроқ пул олиб келиши мумкин.

У жўнаб кетди.

Биз овқатланиб бўлганимиздан кейин Ани болаларини ухлатгани чиқиб кетди, шунда Улоко мендан:

– Танзаниядан пул олиб келдингми? – деб сўради.

– Олиб келдим, – дедим мен. – Бир нечта чекимни Лагосда пулга айлантириб, унинг бир қисмига отам учун баъзи бир кийим-кечак харид қилдим. Нега сўраясан?

– Ҳозир менда нақд пул йўқ, – деди у ўйчан кайфиятда. – Сенинг шарафинга уюштирганим коктейл зиёфати ҳаражатларини қошлаш учун менга яна икки юз наирача пул керак. Бу қарзни мен ой охирида, қўлимга пул тушганда узаман деб ўйловдим, лекин отел хўжайини ҳадеб ҳақини талаб қилиб ётибди.

Очигини айтсам, Улоко мени ҳайрон қолдирган эди. Унга икки юз наира қарз берсам, ўзимга ҳеч вақо қолмасди. Ундан ташқари, Танзаниядаги банкда қолган пулимни талаб қилиб олишим учун қанча вақт керак бўлишини ҳам, ҳали бу ерда қачонгача иш қидиришимни ҳам билмас эдим. Бошқа мулоҳаза ҳам бор эди. Агар отам айтган гапларга ишонадиган бўлсам, Улоко бой-

бадавлат танишларидан орқада қолмаслик учун, доим ҳаммадан қарз кўтаргани кўтарганмиш. Бунақада унга қарз бериб, мен ҳам унинг бойишига интилишини кўллаган бўламану.

Шунга қарамай, мен акамга қарз бермоқчи бўлдим. Ахир у коктейл зиёфатини менинг шарафимга уюштирди-ку, гарчи буни ундан сўрамаган бўлсам ҳам. Бинобарин, агар меҳмонхона хўжайини акамни, қарзни узолмагани учун бадном қиладиган бўлса, унда мен акамга нисбатан жигарлик бурчимни ўтамаган бўлиб чиқаман. Мен Улокога:

— Майли, сенга пул бераман, фақат эрталаб бориб, яна бир нечта чекни пулга айлантиришим керак, — деганимда, унинг кўнгли ёришиб кетди.

— Раҳмат, Чиго, — деди у. — Эрталаб шофёрим биринчи навбатда сени банкка олиб бориб келади.

Бу муаммо ҳал бўлганди. Энди Улоко қандайдир бир рисола олиб ўқий бошлади. Унинг тиззасида яна битта шунга ўхшаш рисола ётарди.

— Ака, сен билан баъзи нарсалар тўғрисида гаплашиб олмоқчи эдим.

— Кечир, Чиго, — деди у. — Мен шу бугуннинг ўзида мана бу иккита рисола олиб ўрганиб чиқишим керак. Дўстим буларни менга фақат эрталабгача қолдирди. Балки эртага кечқурун гаплашармиз? Ё у кейинга қолдириб бўлмайдиган масалами?

— Йўқ, майли. Эртага гаплашсак ҳам бўлаверади.

Хонага Ани кирди, афғидан, у эрига бир нима демоқчи эди. Аммо Улоко астойдил берилиб ўқиётганидан, бош кўтариб хотинига қарамади ҳам. Ани бошини сарак-сарак қилиб қўйди-да, менга хайрли тун тилаб, ётани юқориға, ётоғига чиқиб кетди.

Мен телевизорни ёқдим. Яхшигина суратга олинган бир ҳужжатли фильм намойиш қилинаётган эди. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, қарасам, Улоко рисола устига энгашиб пинакка кетибди. Мен унинг тепасига бориб елкасига турдим.

— Ундан кўра ётиб ухласанг бўлмайдимиз, ака? — дедим. — Эрталаб барвақтроқ туриб ўқийсан.

У чўчиб бошини кўтарди ва толиққан уйқули кўзини менга тикди.

— Минг наира тўлаш керак дегин? — деб сўради у ҳамон уйқусираганча.

Мен, турган гапки, кулиб юбордим. Акам тушида ҳам пулни ўйлар, пулни кўрарди! У ўрнидан турди. Рисолалар ерга тушди. Уларни олиб столга қўйди ва зўр-базўр юриб, зинадан юқорига чиқа бошлади.

— Хайрли тун, ака.

У менга жавобан бир нима деб гўлдиради, кейин хобхона эшиги очилиб ёпилгани эшитилди.

Қизиқ, китобни жини суймайдиган Улоко ишдан ҳориб-чарчаб келган бўлишига қарамай, ўқишга мажбур бўлган бу рисолалар нима экан ўзи? Мен уларни қўлимга олдим. Битта рисола “Бой бўлишнинг осон йўли” деб, иккинчиси “Қандай қилиб миллионер бўлиш мумкин?” деб номланарди.

Эртаси куни Улокони мен фақат кечлик овқат пайтида кўрдим, чунки у, ҳали мен ухлаб ётганимда, жуда барвақт уйдан чиқиб кетган ва тушлик қилгани ҳам келмаган эди.

— Энди гаплашиб олсак бўладими? — деб сўрадим ундан овқатланиб бўлганимиздан кейин.

Ани бир оз вақт телевизор кўриб ўтиргач, уйқуси келди шекилли, юқорига чиқиб кетди.

— Бемалол. Нима ҳақда гаплашмоқчийдинг мен билан, Чиго?

— Отам билан ўрталарингда нима бўлган? — деб оҳиста савол бердим.

— Нега сўраясан? — деди Улоко гижингандай бўлиб.

— Эҳтимол, мен янглишаётгандирман, лекин қишлоққа борганимизда, отам сен билан худди бегонасирагандай гаплашди.

— Нима, у устимдан шикоят қилдими?

— Шунақароқ.

— Вей, нега ахир мени тинч қўймайди, а? — деб жиғибийрони чиқди Улоконинг. — Нега ахир билганимча яшашимга халақит беради? Ахир гўдак эмасман-ку, нима қилмоқчи бўлганимни жуда яхши биламан, кўзлаган

мақсадимга ўзим танлаган йўл билан эришмоқчиман. Эришаман ҳам. Энди мен катта кишиман, шунинг учун отамнинг гапига қулоқ солмасликка ҳаққим бор.

– Сен, ака, отамнинг ўғитини нотўғри қабул қилгансан, – дедим мен эҳтиётлик билан. Зеро, биз ўртаамиздаги яхши муносабатни зинҳор бузмаслигимиз керак эди. – Отам сенинг ҳаётингга сира ҳам аралашмоқчи эмас. У фақат сенинг бирон фалокатга учраб қолишингдан хавотирда. Бу хавотир олиши – сени яхши кўриши ва сенга эзулик тилашидан далолат.

– Отам менинг ишларимга қанчалик тумшук тикаётганини сен ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан. Дўстларимдан ё банкдан қарз олганимни эшитса, дарров жиғибийрони чиқиб, мени койишпа тушади. Нима, қарз оладиган фақат мен эканманми? Отам мендек пайтида қандай кун кечирган бўлса, менинг ҳам шундай яшашимни хоҳлайди. Замон ўзгарган-ку ахир! Замонга боқиб бизлар ҳам ўзгаряпмиз – буни у тушуниши керак. Мен бошқалардан орқала қолишни истамайман. Асло! Мен ҳам кўпчилик одамлар сингари яшамоқчиман. Ўша мен айтган одамларга бало ҳам ургани йўқ, ҳузур-ҳаловатда айшларини суриб яшашяпти. Нега энди мен танг аҳволда кун кечиришим керак?

Бу суҳбатимизга мен бошқача тарзда ёндашмоқчи бўлдим, шунинг учун акамнинг гапини бўлмай охиригача эшитдим.

– Ака, отам билан ўрталарингдаги совуқ муносабат мени жуда тапвишга соляпти. Отам ҳам қаттиқ изгиробда. Сен унинг танбехларидан хафа бўлмаслигинг керак. Мен сизларнинг яна апоқ-чапоқ бўлиб яшашингларни жуда-жуда хоҳлардим.

– Ҳамонки менинг ҳар бир қўйган қадамим унга ноҳўя бўлиб кўринаркан, биз апоқ-чапоқ бўла олмаймиз, – деди Улоко.

Ана шунда акам табиатида пайдо бўлган янги феъл-атвор менга намоён бўлди: у ўз падарига нисбатан мутлақо эътиборсиз ва унинг аҳволига заррача ҳам ачинмай қўйган эди. Мен бу машаққатли суҳбатимизни қай йўсинда давом эттиришни билмай эсанкираб қолган эдим, чунки Улоко бояги-боягидай, ҳеч қандай танбехга қулоқ солишни истамас эди.

– Ўтинаман, ака, менинг гапларимни ўйлаб кўр, – дедим унга ёлборувчан оҳангда. – Бутун оиламиз ҳамиша тотув бўлиб яшаган, ҳозир ҳам бизларнинг ўзаро низо-нифоқ қилиб, ҳар тарафга тарқаб кетишимизни сира-сира хоҳламайман.

– Бу отамга боғлиқ. Агар тотув бўлиб яшашимизни хоҳласа, мени тинч қўйсин, – деб Улоко ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмайдиган қатъий оҳангда гапга нуқта қўйди.

Мен бу мавзудаги суҳбатни акамнинг яхши кайфиятда бўладиган пайтигача қолдириб туришга қарор қилдим. Отам билан Улокони, то улар ўртасида ҳосил бўлган жарлик мутлақо теранлашиб кетмасдан, албатта ярашгириб қўйишим керак.

Орадан бир неча кун ўтди. Мен ўзимнинг аввалги таниш-билишларимдан бир нечтаси билан учрашиб, уларга энди бутунлай қайтиб келганимни айтдим ва иш топишда менга ёрдам қилишларини сўрадим. Мен газеталардаги эълонларни мунтазам равишда кузатиб бордим, бухгалтерлик ўрни бўшаб қолгани ҳақида биронта хабар ўқисам, дарров ўша идорага ариза ёзиб кўрдим. Бундан ташқари, ўзим бир неча суғурта компаниялари ва давлат муассасаларига бухгалтер лавозимида ишламоқчи бўлганим ҳақида хаглар ёзиб юбордим. Мен яна Танзанияга, у ердаги бошлғиим номига мактуб ёзиб, ишдан бўшамоқчи бўлганимни баён қиларканман, айни пайтда унга, агар яна қайтиб боргудек бўлсам, мени албатта ишга қабул қилажаги ҳақидаги ваъдасини ҳам эслатиб қўйдим. Сабабки, яна Танзанияга қайтиб кетишимга тўғри келса, деган ўй билан у ердаги иш жойимдан бутунлай умид узмоқчи эмас эдим.

Биз Ёш миллионерниқига меҳмонга бориб, қаттиқ пушаймон бўлдик, ҳолбуки, у бизниқида бўлган куннинг эртасига ўз шофёри орқали бизга расмий таклифнома юборган эди.

Улоко, Ани ва мен униқига кеч соат еттида етиб бордик. Ёш миллионер уйда йўқ эди. Лекин унинг хотини бизни гоаят дилхушлик билан қарши олди.

У, Анинг қулоғимга пичирлаб айтишича, Ёш миллионернинг учинчи хотини экан.

– Ёш миллионер ҳозир келиб қолади, – деди у биз меҳмонхонага кириб ўтирганимиздан кейин. – Ҳозир кўчада машиналар тирбанд пайт – йўлда ушланиб қолган бўлса ажаб эмас.

Бу хотин ҳали жуда ёш эди – энди йигирмадан ошган бўлса керак. Иккита гўдак унинг оёғи остида ўралашарди. Бу чўндай озгин, қоринлари шишган болалар ҳеч қачон тўйиб овқат емагандай кўринардилар. Бу болаларнинг ота-онаси, афтидан, уларни қандай боқиш ва қандай парвариш қилишнинг энг оддий усулларида ҳам беҳабар бўлсалар керак.

Ичимликларни бизга хонадон малайи тортиди. Унинг уст-боши йиртиқ-сиртиқ, қўллари эса шу қадар кир, ифлос эдики, буни кўриб, пиво шишаларини очишни мен ўз зиммамга олдим. Ёнимда ўтирган Ани жирканганимни сезиб, менга пичирлади:

– Чўққани қанча ювиб, қанча тарама, бари бир...

У гапини тутата олмади, чунки шу пайт хонага Ёш миллионернинг хотини кириб келган эди.

Бизлар ичимлик ичиб, суҳбатлашиб ўтирдик. Уй бекаси мендан Танзанидаги ҳаёт тўғрисида сўради, кейин Ани ўтирган ором курсининг ёнбошига жойлашиб олиб, у билан бир нималар тўғрисида пичирлашиб, ҳиринглаша бошлади – бу кўпчилик аёлларга теккан касал эди, албатта. Улоко “Бизнес таймс” газетасини олиб унга кўз югуртирди.

Мен, суҳбатдошим бўлмаганидан, атрофга қараб, хонани кўздан кечирдим. Меҳмонхона қимматбаҳо мебеллар билан жиҳозланган эди, лекин, негадир, уларнинг ҳаммаси жуда маҳобатли эдилар. Шу билан бирга, бу хонадаги рангларнинг беўхшовлиги гашимга тегди: залвар пардалар қизғиш-сарғиш рангда, ором курсиларининг жилдлари – хира яшил рангда, тилам эса тўқ-қизил рангда эди. Ёш миллионер, эҳтимол, миллион-миллион пулларни бошқара оладиган омилкордир, аммо дил-фаросат масаласида мақганишга ожиз эди.

Соат саккиз ярим бўлди ҳамки, Ёш миллионердан дарак йўқ эди.

– Бирон қор-қол юз бермадимикин, ишқилиб? – деб хавотирлана бошлади унинг хотини. – Бу ёқда пиширган овқатларим ҳам қуюлиб қолди, қовурдоқлар тагига олиб қирмоч боғлади.

– Тинчлан, эринга ҳеч нима бўлмаган, – деди Улоко. – Бирон иш юзасидан ушланиб қолган бўлиши мумкин.

– Ахир уйга меҳмон чақирганини ўйламаймими? Наҳотки, эсидан чиққан бўлса? – деб қуюнарди уй бекаси. – Балки ўзимиз овқатланаверармиз?

– Йўқ, йўқ, – деб эътироз билдирди Ани. – Яхшиси, уни кутайлик. Ҳали замон келиб қолади, албатта.

– Лекин сиз, бухгалтер, сизнинг қорнингиз очгандир? – дея менга юзланди Ёш миллионернинг хотини.

– Йўқ, раҳмат, мен оч эмасман, кутамиз. Ҳозир соат энди саккиз ярим бўлди, шундай эмасми? – деб келганимиздан бери юз марта соатимга қарагандирман-ов.

Соат тўққиз ярим бўлганида ҳам уй соҳибидан ҳануз дарак йўқ эди. Унинг хотини титраб-қақшаб, кўнглим сезяпти, эрим бирон фалокатга учраган, дерди нуқул. Бизлар ҳам энди хавотирлана бошладик. Келганимиздан бери у ёқдан-бу ёқдан сал-пал гаплашиб ўтирган бўлсак, энди бутунлай тунг бўлиб қолгандик.

Ёш миллионер соат ўн яримда келди. Биз унинг йўлақдан келган ҳирқироқ овозини эшитдик.

– Қаердасан, жонгинам? – деб қағиллади у. – Бутун мен учун энг бахтли кун бўлди – бир неча миллионли шартнома туздим.

Унинг хотини пиширган овқатлардан хабар олгани ошхонага ўтган эди; эрининг овозини эшитиб, меҳмонхонага югуриб кирди. Эри ҳам бу ерга у билан баробар кириб келган эди.

– Ие, меҳмонлар келибди-ю! – деб ширинсуханлик қилди у бизларни кўриб. Тавба, унинг овози энди тамомила бошқача эшитилди.

– Нима, меҳмон чақирганингни унутдингми? – деб унга ташланди хотини.  
– Ё Исо алайҳиссалом! – деди Ёш миллионер. – Буни қара-я, унутибман!  
– Эрталаб кетаётганингда эсинга солган эдим-ку, ахир, – деб таъна қила бошлади хотини йиғламоқдан бери бўлиб.

– Тўғри, жонгинам, айтувдинг. Лекин, нима қилай, иш билан банд бўлиб, хаёлимдан кўтарилибди, – деди у, сўнг эр-хотин можаросининг гунг гувоҳлари бўлган биз томонга ўтирилиб деди: – Кечир мени, қадрдон дўстим Оримили. Гуноҳкорман, Одиозиаку. Узр, бухгалтер. Ҳаммангиздан узр сўрайман. Сизларни меҳмонга таклиф қилганим бутунлай эсимдан чиқибди.

Бизлар унга жавобан, номига гўлдираб қўйдик. Бир неча дақиқадан кейин совиб қолган гуручли товуқ гўшги тортилган дастурхон теграсида ўтирардик. Менинг иштаҳам бу узоқ кутишдан бўғилиб бўлган эди. Лекин мезбонга беҳурматлик бўлмасин учун, гуручдан сал-пал чўқилагандай бўлдим. Ани ўзини зўрга босиб ўтирарди. Ёш миллионернинг хотини бўлса ҳамон газабдан тутақарди.

Овқат пайтида суҳбат, асосан, мезбон билан Улоко ўртасида бўлди. Акам дўстидан у тузган шартнома ҳақида суриштирди, лекин Ёш миллионер жавоб беришдан ўзини олиб қочди. Чамаси, у ўша тузган шартномасини бошқалар ишиб кетишидан қўрқиб, тилини тияётган бўлса керак. Унинг бу эҳтиёткорлиги нафратимни кўзгади.

– Агар сен жамоатчилик ишлари вазирлигида муҳандис бўлиб ишлаганингда борми, зўр бўларди-да, – деди Ёш миллионер менга ўтирилиб. У овқатни чўчка мисол чапиллатиб ерди. – Биласанми, вазирлик мен қурган уйлارни текширувдан ўтказгани бир аҳмоқни юборади доим. У ярамас нукул қандайдир чала ишларни қидириб топиб, мендан мўмайгина пул ундириб олади. Ебгўймас газанда! Ундан олдинги текширувчи билан тил топишим осон эди. Озгина пул қистириб қўйсам бўлди, дарров битмаган ишни ҳам битди деб қасам ичишдан қайтмасди. Шундан кейин мен вазирликка бориб, бемалол пул олаверардим.

– Минг афсуски, мен муҳандис эмас, бухгалтерман, – дедим унга ва бу Ёш миллионер билан ё унинг тоифасидаги бошқа пудратчилар билан ҳамкорлик қилиш фалокатидан мени асраб қолган парвардигорга дилимда шукроналар айтдим.

– Ҳечқиси йўқ, – деб жилмайди менга Ёш миллионер. – Бизга фойданг тегиб қолади ҳали. Сендан умидим катта.

Овқатдан кейин ҳаммамиз меҳмонхонага қайтдик. Яна бир соатдан сўнг Улоко дўстидан кетишга рухсат сўради.

– Раҳмат, яхши ўтирдик, – деб миннатдорчилик билдирди у.

– Раҳмат, Ёш миллионер! Сизга ҳам раҳмат, хоним, – дедим мен.

Ани мезбонларга қуруққина “раҳмат” деб қўя қолди.

– Беҳад хурсандман келганингиздан. Албатта, яна келинлар, – деди Ёш миллионер. – Кейинги сафар сизларни кечлик овқатга эмас, тушликка таклиф қиламан.

Эр-хотин бизларни машинамизгача кузатиб чиқишди ва хайрли тун тилаб, хайрлашишди.

Уйга етиб келганимиз ҳамоно, Ани ухлагани ўз хонасига чиқиб кетди. Мен бўлсам, дилим ранжиганидан, энди ухлай олмаслигимни билиб, сал ўзимга келиб олиш учун меҳмонхонада қолиб телевизорда фильм кўришга қарор қилдим. Улоко ҳам кийимини ўзгартириб, меҳмонхонага қайтиб тушди.

– Қандай бахтли-а бу Ёш миллионер, – деб хўрсиниб қўйди у ёнимга келиб ўтираркан.

– Нега ундай деяпсан?

– Негаки, ҳаммага аён унинг нақадар бахтли одамлиги. У яшаб турган уй ўзиники. Бундан ташқари, Энуғуда, Оничада, Лагосда, Порт-Харкуртда ҳам унинг уйлари бор. Қишлоқда ҳам данғиллама иморат қурган. Бутун теваарак-атрофда уникидай чиройли уй йўқ. Банкда, аминманки, миллион-миллион пули бор. Қанийди, менга ҳам омад шунақа кулиб боқса, ўзимни бахт-саодат чўққисида ҳис қилган бўлардим.

Акамнинг худди санамга сифингандай, Ёш миллионерга сажда қилиши ҳамда

пул ва мол-давлатни бахт-саодат манбаи деб ҳисоблаши мени қаттиқ изгиробга солди.

– Нима, бахтли бўлиш учун пулдор бўлишнинг ўзи кифоями? – сўрадим мен.

– Бўлмасам-чи!

– Наҳотки, бахт фақат кимда қанча пул борлиги билан аниқланса? Нима, бахтли бўлиш гарови фақат пулми сенингча?

– Бўлмаса, яна нима? Илмли бўлишим? Фарзандларми? Давлатнинг олий мансабими? Сийсий ҳокимиятми? Ахир буларнинг ҳаммаси ҳам пул топиш учун восита эмасми? Ахир пул эмасми ҳар бир кишининг олий мақсади? Мен бой одамни бахтиёр деб ҳисоблайман.

– Йўқ, фикрингга қўшилмайман, ака. Менимча, кўнгли тинч ва ҳаловатда бўлган одамгина бахтиёрдир. Бахтсиз одам ҳам пулдор бўлиши мумкин, шундай эмасми?

– Кишини бахтли қиладиган нарса пул бўлмаса, унда нима? Қашшоқликми?

– Мен бахтли бўлиш учун бойлик орттириш шарт эмас, демоқчиман. Шуни билки, ўз хоҳиш-истакларингни қондириш учун зарур бўлган сармоя ва маблағларга эга бўлганинг билан бахтли бўла қолмайсан. Инсон истакларининг ҳад-ҳудуди йўқ, аммо сен уларга муюссар бўлдим, деганингда, яна янги истакларинг пайдо бўлаверади. Инсон ўз ихтиёрида бўлган нарсаларга қаноат қилганидагина ва атрофидаги одамларга баҳоли қудрат фойда келтирганидагина бахтли бўлади.

– Ке, қўй, Чиго, тортишмайлик. Барибир, пулинг бўлмаса, бахтли бўлолмайсан. Агар пулинг бўлса, ҳатто ўша бахт ҳам амрингга мунтазир. Бошқача бўлиши мумкинмас.

– Бу фикрингга асло қўшилмайман, ака. Масалан, менинг бахтли бўлишим учун пул керак эмас.

– Лекин мен, агар жарақ-жарақ пулим бўлмаса, бахтли бўлолмайман.

Биз яна бир оз баҳслашдик, кейин у “Бойишнинг осон йўли”ни ўқий бошлади – ўзим ҳам сотиб олган эди бу рисола. Мен телевизор кўриб ўтирдим.

### ***Еттинчи боб***

Кейинги шанбада мен яна отамни кўргани қишлоққа бормоқчи бўлдим.

Нонушта пайтида бу ниятимни Улокога айтганимда у:

– Мен ҳам бормоқчиман бугун қишлоққа, – деб айтди. – Фақат соат ўнда муҳим бир учрашувим бор, шундан кейин жўнайман. Агар кутиб турсанг, бирга кетардик.

– Яхши, кутаман, – деб жавоб қилдим мен. – Айтгандай, Ани ҳам бормоқчи бўлганини айтувди менга.

– Фақат бошқа сафар, – деди Улоко. – Бугун уйда у қиладиган зарур ишлар бор.

Ўели Ибенинг хархаша қилаётганини эшитиб, ичкарига кириб кетган Ани айни шу пайт қайтиб чиқиб, эрининг эътирозини эшитиб қолди.

– Қизиқ, мен бажаришим керак бўлган ўша зарур иш нима экан? – деб сўради у. – Ўзинг биласан, бир неча ойдан бери қайинотамни кўргани бормадим, у сўраганмиш мен ҳақимда.

– Бўпти, жаврама, – деб хотинининг оғзига урди Улоко. – Яқинда таътилга чиқасан, ўшанда кўнглингга сиққанча ётиб олиб яшашинг мумкин қишлоқда.

– Йўқ, сен ўшанда ҳам менинг қишлоққа боришимга монелик қилувчи биронга баҳона ўйлаб топасан, – деб эътироз билдирди Ани.

– Йўқ, ака, ундай қилмайди, – деб гапга аралашдим мен. – Бунга ўзим кўз-қулоқ бўлиб тураман, Ани.

У индамай нонушта қила бошлади.

– Мен бугун егимхона болаларига пул эҳсон қилмоқчиман, – деди Улоко. – Борасанми мен билан, Чиго?

– Жоним билан. Соат нечада?

– Ҳнда. Боя сенга айтганим муҳим учрашув шу эди. – Акам хотинига ўтирилиб ундан, сен ҳам боришни хоҳлайсанми, деб сўради.

– Мен ҳеч қачққа бормайман, – деди Ани гижиниб ва индамай нонушта қилаверди.

– Агар қишлоққа боргинг жудаям келаётган бўлса, майли, биз билан боришинг мумкин, – деди Улоко.

– Сенга айтдим: мен ҳеч қачққа бормайман, – деди Ани жаҳл билан. – Фақат отанга айтиб қўй, сен туфайли уни кўргани боролмаётганимни.

– Нега энди мен туфайли бўларкан? Ахир айтдим-ку, боришинг мумкин деб.

Ани эрининг бу гапига жавоб беришни лозим кўрмади. Уларнинг мунозарасини эшитиш мен учун жуда ноқулай эди, лекин иложим қанча! Мен эр-хотин ўртасида бўладиган келишмовчиликни уларнинг ўзлари ҳеч қандай гувоҳларсиз ҳал қилишлари керак, деб ҳисоблайман доим.

– Кеча мен бирмунча қурилиш материаллари сотиб олдим, – деди Улоко менга. – Уларни қишлоққа жўнатдим. У ерда ўша сенга айтганим уйни қуришга киришмоқчиман.

Мен акамнинг бу гапига тушунмадим. Бундан атиги бир неча кун бурун у арзимаган қарзини узиш учун мендан пул олган эди, бугун бўлса, дафъатан қишлоққа қурилиш материаллари юборибди.

– Барибир, янги уй қуриш ниятингдан қайтмабсан-да, ака?

Ани финжондаги қаҳвасини ичиб бўлиб, индамай хонадан чиқиб кетди. Улоко унинг орқасидан кузатиб қолди, сўнг менга ўтирилиб деди:

– Ҳа. Уни ноябр ойигача қуриб битирмоқчиман. Бу сафар игве маҳкамасидаги бўш ўринни албатта эгаллайман.

Мен уни яна оилавий уйимизни таъмирлашга кўндирмоқчи бўлдим.

– У уйимиз анча сиғимли ва пишиқ қурилган, унда ҳузур қилиб яшаса бўлади, – дедим мен. – Фақат уни сал-пал таъмирлаб, озгина жиҳозласак кифоя.

– Қизиқмасан, сенга тушунмай қолдим, Чого, – деб кулиб қўйди Улоко. – Сен бизнинг турмуш тарзимиздан мутлақо беҳабар кўринадан. Таниш-билишларимнинг деярли ҳаммаси ўзлари учун қишлоқда дангиллама иморатлар қурган бир пайтда, мен эски уйимни таъмирлаш билан овора бўлсам, унда нима деган одам бўламан?

– Ака, одамлар нима деса деявермайдими, сенга нима? – деб бақириб юбордим мен. – Масалан, мен, агар ўзимнинг тўғри иш тутаётганимга ишонсам, одамларнинг турли-туман гийбат ва уйдирмаларига парво ҳам қилмасдим.

– Сен бу ерда кўп вақтдан бери бўлмадинг – ҳамма бало шунда. Ҳали бир оз вақт ўтсин, одамларнинг сен тўғринда тўқиган ва тарқатган миш-мишларидан ўзинг ҳам безовта бўла бошлайсан. Наҳотки, сен эл-юрт эътиборидан четда қолишни хоҳласанг, а?

– Одамлар эътиборидан четда қолсам ҳам майли, лекин мен, энг муҳими, ҳаётда тўғри иш тутаётганимга ишонишим лозим, – деб ўз фикримни такрорладим. Э, худо, Улокони бу тутуруқсиз эътиқодидан қандай қилиб воз кечдирай?

Биз яна бироз вақт баҳслашиб ўтирдик. Мен расмиятчиликка қарши эдим, Улоко уни ёқларди. Акамнинг менга пеш қилган далилларидан маълум бўлдики, у ҳар қандай расмиятчиликка сўзсиз итоат этарди. Гап шундаки, уни, ўзининг аслида қандай мавқега эга эканлиги эмас, балки ўзи ҳақида бошқаларнинг қандай фикр юритишлари ташвишлантирарди. У ўз виждони ва эътиқодига зид бўлган ҳаракатларида ҳеч қандай қаллоблик, бадкирдорлик иллатларини кўрмасди ва бошқаларнинг ҳам шундай иллатларга қўл уриб яшашини истарди.

– Менга қара, ака, – деб мубоҳасага яқун ясамоқчи бўлдим, – бир неча кун бурун пулинг йўқлигини айтувдинг менга. Ҳўш, қурилиш материаллари учун пулни қаердан олдинг энди?

– Ҳозир ҳам пулим йўқ менинг, – ўйчан кайфиятда эътироф этди у. – Биласанми, мен бир одам учун уй қуриб беришни пудратга олганман. Яқинда у келиб, уйини қуриш учун керак бўладиган пулингдан бир қисмини ташлаб кетди. Мен ана шу пулга ўзимнинг янги уйимни қуриб олмоқчиман.



— Бу ишинг инсофданмас-ку, ака, — деб бақириб юбордим. — Агар ўша одам пулининг бошқа нарсага ишлатилганини билиб қолса-чи?

— Ҳўш, бошқа пудратчилар-чи? Улар қандай иш тутишади сенингча? — деб кулди Улоко. — Қўлларига бегона пул (ҳо у давлат маблағи бўлсин, ҳо буюртмачи шахсининг ақчаси бўлсин) тушган заҳоти уни ўз манфаатлари учун ишлатадилар, буюртмачи билан тузган шартномаларини амалга ошириш учун эса, кейинроқ бирон илож ўйлаб топадилар.

— Борди-ю, шартномада кўрсатилган иш вақтида бажарилмагани фош бўлиб қолса-чи? Унда нима бўлади? — сўрадим мен ажабланиб.

— Нима бўларди? — деб елкасини учирди Улоко, — деярли ҳеч қачон судга етиб бормаЙди бунақа иш, чунки сабаби пичоққа илинмайди — фақат ишни бажариш фурсати кечиктирилган, холос. Шунда ҳам бу қилгилик учун унча қаттиқ жазо қўлланилмайди. Мендан ҳеч хавотир олма, Чито. Ҳаммаси жойида бўлади. Ҳамма пудратчилар ҳам шунақа қилишади ва доим сувдан қуруқ чиқишади. Нега энди мен улардан орқада қолишим керак?

— Ахир бунинг оқибатини ўзинг мендан ҳам яхши биласан-ку! Нега энди бошқаларни пеш қилиб, ўзингни оқлашга уриняпсан? Бу ишинг яхшимас.

— Йўқ, сен янглишяпсан, ука, — деб эътироз билдирди Улоко, кўзимни очиб қўймоқчи бўлиб ва “ука” сўзига урғу бериб. — Агар бу ерда, бизнинг мамлакатимизда бошқаларга ўхшаб яшамасанг, одамлар сени, ҳали ақли кирмабди, деб мазах қила бошлайдилар. Сен мендан хавотир олма. Ҳаттоки бирон-бир нохуш кўнгилсизликка учраганимда ҳам, нима қилишим кераклигини яхши биламан.

Соат тўққизда биз Улоко билан етимхонага жўнадик, тўққиз яримда у ерга етиб бориб, ундан бир неча метр бериде, йўл ёқасида тўхтадик.

— Чорак кам ўнда мен шу ерда учта одам билан учрашим керак, — деб тушунтирди Улоко соатига қараб қўйиб.

— Ким улар? — деб сўрадим мен.

— Улар етимхонага мен билан бирга киришади.

— Ким ўзи улар?

— Учта репортёр. Бири — маҳаллий радиодан, иккинчиси — газетадан, учинчиси — телевидениедан.

— Нима қилишади улар етимхонада?

— Эҳсон бераётганимни суратга олишади, қайд қилишади, бу ҳақда матбуотда, радио ва телевидениеда овоза қилишади. Бўлмаса, бошимга урамани уларни?

— Одам берган эҳсонини зинҳор овоза қилмаслиги керак — бу одобдан эмас, — деб акамга ҳазиломуз танбех бергандай бўлдим. — Инжили шарифдаги аҳдни эсла: садақа берган чоғингда ўнг қўлинг нима қилганини чап қўлинг билмаслиги керак, бунга фақат худо шохид бўла олади.

— Кулгимни қистатма, — деб мийиғида кулиб қўйди Улоко. — Ҳозир сен тилга олган аҳд бутунги Нигерия кишиларига эмас, иудейларга, яъни яхудиёларга қаратилган.

— Нима, нигериялик насронийлар ҳозир Инжил аҳдларига амал қилмай қўйишганми? — сўрадим мен ҳазил аралаш.

— Мен-ку амал қиламан, лекин Инжилдаги баъзи аҳдларни қабул қила олмайман, гарчи бу ҳақда руҳоний ота ёки бошқа кишилар олдида ошқора гапиришга журъат эта олмасам ҳам. Бу фикримни фақат сенга очиқ айтяпман.

— Очигини айтсам, ака, — деб мен Улокони яна ниятидан қайтаришга уриндим. — Ҳайр-эҳсонни телевизор камераси олдида топшириш ва буни кенг оммага овоза қилиш уят.

— Қани, бўлмаса, менга айт-чи, одамлар етимхонага нима учун эҳсон ва садақаларни ёддириб ётишибди?

Аминманки, Улоконинг бу саволига унинг ўзи мендан кўра мукамалроқ жавоб бериши мумкин эди, лекин худди шу пайт бизнинг ёнимиздан Ёш миллионер ўзининг “Мерседес”ида физиллаб ўтиб кетди-ю, Улокони кўриб қолиб машинасини тўхтатди. Сўнг унинг шофёри машинани орқага бериб бизга яқинлаштирди.

— Оримили — Қуримас денгиз! — деб саломлашди Ёш миллионер акам билан.

— О, Дунёда энг Ёш миллионер! — деб Улоко унга жавоб қиларкан, чеҳраси ёришиб кетди, чунки ўзининг нотинч кайфиятда эканлигини дўсти олдида унутган эди. — Ишлар қалай?

– Ҳеч бир муаммо йўқ менда, – дея хириллади Ёш миллионер. – Ўзинг қалайсан?

– Мен ҳам кўнгилдагидекман. Менда ҳам ҳеч қандай муаммо йўқ. Ишларим режадагидек боряпти, – деб жавоб қилди Улоко.

Мен у билан кўришарканман, “Ёш миллионер” сўзини айтишни унутмадим.

– Қалайсан, бухгалтер? – деб сўради у мендан.

– Ёмон эмас.

– Иш топдингми?

– Йўқ ҳали.

– Банкка киришга ҳаракат қил, – деб у баралла кулиб юборди. Кейин Улокога ўгирилиб сўради: – Келаётган шанба кун клубимизга янги аъзолар қабул қилинади. Борасанми?

– Албатта! – деди Улоко кўнгли яшнаб. – Фақат хасталик ё ўлимгина бундай маросимда ишгирок этишимга халақит бериши мумкин.

– Гапинг тўғри. Демак, кўришамиз. Дарвоқе, сен билан баъзи бир ишларни муҳокама қилиб олишимиз керак эди. Душанба кун менинг офисимда учрашсак, нима дейсан?

– Жоним билан. Қай пайтда?

– Биласан-ку, мен аниқ бир вақтни олдиндан белгилашни ёмон кўраман. Қел, яхшиси, олдин телефонлашайлик. Агар офисда бўлсам, бораверасан. Йўқса, башарти, масалан, соат ўнга ваъдалашсак, қутилмаганда худди ўша пайтда бошқа муҳимроқ ишим чиқиб қолиши мумкин.

– Майли, боришимдан олдин кўнгироқ қиламан, – деб ваъда берди акам.

– Демак, кўришамиз. Хайр, бухгалтер, – деб Ёш миллионер жўнаб кетди.

Улоко соатига қараб, маънос бош чайқаб қўйди. Салдан кейин, унинг яна бир таниши бу ердан ўтиб кета туриб машинасини тўхтатди. У акам билан бироз гаплашиб турди-да, сўнг жўнаб кетди. Вақт ўтиб борар, Улоконинг сабри чидамас, аммо учта репортёрдан ҳамон дарак йўқ эди.

– Падарига лаънат! Қанча пул берувдим-а уларга! – деди у газаби қайнаб.

– Қўй, ўзингни бос, ҳозир келиб қолишади, – деб уни юпатмоқчи бўлдим.

У яна соатига қаради.

– Ун бир бўлди. Чиго, илтимос, сен етимхонага кириб қараб кўр-чи, улар мени ўша ерда қутишмаётганмикин. Лекин мен уларга шу ерда қутишларини тайинлагандим. Балки янгилишиб, ичкарига кириб кетишгандир.

Мен етимхонага кирдим. Лекин биронта ҳам репортёрни кўрмадим у ерда. Қайтиб чиқиб, бу ҳақда Улокога айтдим.

– Тавба! Жуда қизиқ бўлди-ю! – деди у.

Соат ўн иккида ҳам репортёрларнинг қораси кўринмади. Худди тил бириктиришгандай, биттаси ҳам келмади. Улоконинг фиғони фалак бўлди.

– Эҳсонингни ўша репортёрларсиз топшириб қўя қолсанг бўлмайдимиз етимхонага? – деб ақл ўргатмоқчи бўлдим акамга.

– Анойи йўқ! – деб бақариб юборди у. – Телевизор экранларида, газеталарда арзимаган пул ҳадя қилганларнинг ҳам тасвирлари, суратлари чиқиб ётипти-ю, юз наира эҳсон қилиб, мен ҳамманинг эътиборидан четда қолишим керакми?

Улоконинг бу гапини эшитиб, газеталарда кўрганим суратлар эсимга тушди; уларда эҳсон топшираётган одамлар тасвирланган эди. Қизиги шундаки, улар пул топшираётган чоғларида, одатда, пулни қабул қилиб олаётганларга эмас, балки камерага ўгирилиб бақрайиб турардиларки, бу ҳолат уларни, қилаётган олижанобликлари эмас, балки эл-юртга танилишга интилишлари кўпроқ қизиқтираётганидан далолат берарди.

Соат икки бўлди ҳамки, репортёрлардан дарак бўлмади; шундан кейин биз уйга қайтиб кетдик, Улоконинг портфелидаги етимхона учун аталган юз наира пул ҳам тўла-тўқис уйга қайтди. Биз то уйга етиб боргунимизча, акам жамики репортёрларни йўл-йўлакай бўралаб сўкиб борди.

Қишлоққа кўзлаганимиздан анча кечроқ етиб бордик. Бизни кўриб, отамнинг кўнгли ёришиб кетди. Энди у ўтган сафаргидан анча тетикроқ кўринарди. Улоко жўнаган қурилиш материаллари биздан бир неча соат олдин етиб келибди. Уларни оилавий уйимиз олдига тахлашибди. Адаёго, ҳар сафаргидек, ҳали ҳам бозордан қайтмаганди. Шунда мен, бозордан егулик

озуқа харид қилиш учун Адагонинг бир ўелига пул бердим ва яна онасига тезроқ уйга қайтиб келишни тайинлашни буюрдим. Ахир у кечкурунга ҳаммамиз учун овқат пишириши керак эди-да.

Отам икковимиз ёлғиз қолган эдик, у мендан қурилиш материалларини ким юборганини сўради.

– Улоко, – дедим.

Отамдан бу саволни эшитишимни билардим, лекин буни у менга эмас, Улокога беради, деб ўйловдим. Билдимки, улар ўртасидаги низо мен ўйлагандан ҳам анча теранлашган эди.

– Барибир, уй қурмоқчи бўлибди-да? Мен бўлсам икковларингни шу оилавий уйимизда яшашларинга умид боғлаган эдим. – Отам мен билан эмас, гўё ўзи билан ўзи гаплашаётгандай эди. Мен, гарчи унинг фикрига қўшилган бўлсам ҳам, отам билан Улоко ўртасида юзага келган келишмовчилик чўғини алангалатишдан қўрқиб, ҳеч нима демардим.

Шу пайт уйга Улоко кириб келди ва стулни яқинроқ суриб ўтирди.

– Ота, – деб гап бошлади у, – мен янги уй қурмоқчиман. Бу ҳақда сиз билан гаплашувдимми ё йўқми – эсимда йўқ.

– Бу ниятинг тўғрисида менга чурқ этиб ҳам оғиз очмагандинг.

– Лекин сиз, ота, қаршилик қилмассиз?

Улоконинг оғир аҳволда эканлиги сезилиб турарди. У отам билан баҳслашишни истамас ва айнаи чоғда ўз кўзлаган мақсадидан воз кечмоқчи ҳам эмас эди.

– Қаршилик билдирганимда ҳам, – деб жавоб қилди отам, – энди кеч бўлди – шундай эмасми, Улоко? Сен янги уй қурмоқчисан, илло, бошпанага муҳтож бўлганинг учун эмас – ана, оилавий уйимиз бўм-бўш турибди, – сен ўз бойликларингни кўз-кўз қилиш учун бу ерда дангиллама иморатлар қурган дўстларинг, тенгқурларингдан орқада қолмаслик учунгина қурмоқчисан уйни. Ҳолбуки, дўстларинг қурган ўша янги уйларни ҳозир одамлар эмас, каламушлар обод қилиб ётибди.

Отам бироз сукутга толиб, сўнг яна гапира бошлади:

– Айт-чи, менга, бировлардан қарз олмай туриб, оилангни зарурий нарсалардан сиқмаган ҳолда иморат қуришинга пулинг етадимми?

– Етади, – деб ёлғон сўзлади Улоко.

Мен ўзимга аён бўлган ҳақиқатни – Улоконинг қурилиш материаллари сотиб олиш учун пулни қаердан олганини отамга айтишдан қўрқдим.

– Ҳай, на чора, – деб ўйланиб қолди отам. – Сени ниятингдан қайтаришга энди кеч бўлди. Ҳамонки, гапинга қараганда, пулинг етарли экан... – У яна жим бўлиб қолди. – Ҳа, айтгандай, бундан уч-тўрт кун бурун дўстинг Офо, ўғлингиз олган қарзини қайтармапти, деб устингдан шикоят қилганди. Биласанми, Улоко, энг зарур нарсалар учун, масалан, болаларнинг мактабда ўқишига ёки касалхонада даволаниш, ё бўлмаса, озиқ-овқатлар харид қилиш учун, ҳаттоки бошингда бошпананг бўлмаган тақдирда, ўзингга уй қуришинг учун қарз олсанг, бунинг ҳеч ёмон томони йўқ. Лекин фақат одамларга мақтаниш учун лимузинлар сотиб олиш ё эҳтиёжсиз иморатлар қуриш учун қарз кўтариш, менимча, кечириб бўлмайдиган гуноҳи азим, ўғлим.

– Сиз Офонинг гапига қулоқ солманг, ота. Мен ундан олган қарзимни аллақачон узганман, – деди Улоко сал иккилангандай оҳангда. – Сиз унинг гапига тушунмаган бўлсангиз керак.

Шу пайт отамни сўраб қандайдир одамлар келиб қолди ва у ўшалар билан гаплашгани ҳовлига чиқиб кетди. Улоко энгил тортиб, чуқур тин олди.

– Юр, иввенинг олдига бориб келамиз, – деб тақлиф қилди у.

– Боргим йўқ, – дедим мен. – Утган гал борганимда, у менга ёқмаган эди. Нима, сен ҳар доим қишлоққа келганингда уни кўргани бориб турасанми, ё бугун бирон-бир мажлисларинг борми?

– Ҳеч қанақа мажлисимиз йўқ, – деб жавоб қилди Улоко. – Лекин, биласанми, ҳамонки, мен унинг маҳкамасига аъзо бўлиш ниятида эканман, албатта унинг мойиллигига эришишим керак. Шунинг учунам, доим унга камоли эҳтиром кўрсатиб туришимга тўғри келади. Шояд шунда, маҳкамга янги аъзолар сайлаш чоғида, ивге мен тўғримда икки оғиз илиқ сўз айтса.

– Мен ҳали ҳам ҳеч тушунмаяпман, ака, бу лавозимнинг сен учун қанақа муҳим аҳамияти бор ўзи?

– Қани, менга айт-чи, Чиго, нима учун бухгалтерия илмини ўргангани чет элга ўқишга кетувдинг?

Улоко бу саволи билан мени лол қилиб қўйди. Мен миямга келган биринчи гапни айтдим:

– Кун кечириниш учун пул топгани.

– Мана, мен ҳам пул топишим керак, кун кечириниш учун, – деб кўнглини очди у. – Агар игве маҳкамасига аъзо бўлиб олсам, ишларимни юритишим осон бўлади.

– Қанақасига?

– Овсар бўлма, Чиго. Бу лавозим қандай имтиёзлар бериши мумкинлигини наҳотки кўрмаётган бўлсанг?

Сўнг у ўша айтгани имтиёзларни бирма-бир санай бошлади. Турган гапки, у “имтиёзлар” мутлақо тутуруқсиз ва аҳамиятсиз нарсалар эди менинг фикримча. Мен бу фикримни унга шартта тўкиб солдим.

Улоко игвенинг қасрига жўнаб кетди. Мен отам билан Амаезе амакимникага йўл олдик.

– Эшитдим, – деди амаким отам билан мен уйга кириб жойлашиб ўтирганимиздан кейин, – Улоко қишлоғимизда каттакон уй қуришга чоеланганмиш.

Отам унга жавобан бир нима деб тўнғиллаб қўйди.

– Унинг ахири иморат қуришга аҳд қилганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим, – деб гапида давом этди амаким. – Аллақачон бошланши керак эди бу ниятини. Демак, бизнеси яхши юришиб кетибди-да?

– Оилавий уйимиз бор-ку. Нимаси ёмон унинг? – сўрадим мен.

– Улоко билади нимаси ёмонлигини. Шунинг учун у янги уй қурмоқчи бўлган. Унинг тенгдош ўртоқлари ўз қишлоқларида аллақачон данғиллама иморатлар қуриб олишган. Ана, қўшнимиз Офони ол. Бу атрофда энг ҳашаматли уй ўшаники. Бўлмаса, у бор-йўғи битта савдогар, Улокога ўхшаган пудратчи ҳам эмас. – Шундай деб амаким ўзларига янги уйлар қурган ҳамма “фаол” йигитларни бирма-бир санай бошлади.

– Сен Офони пеш қилма бизга, – деб эътироз билдирди отам. – У пулни нопок йўл билан топади.

– Бунинг аҳамияти йўқ, – деб қаршилиқ кўрсатди Амаезе. – Покми, нопокми – барибир, пул бўлса бўлди-да.

– Фикрингга қўшилмайман, – деди отам аччиғи чиқиб. – Нопок йўл билан пул топиб яшагандан қашшоқликда кун кечирган минг карра афзал. Нима кераги бор янги уйнинг Улокога, ҳайронман.

– Углингнинг иши яхши юришиб кетган экан, ака, сен бундан фахрланишинг керак. Нима, эсингдан чиқдим, ўзининг янги қурган уйи бўлмагани учун ҳам Улоко игве маҳкамаси аъзоллигига ўтолмади-ку ахир!

– Ҳўш, игве маҳкамасига аъзо бўлганидан нима фойда? – сўрадим мен.

– Сен буни тушунишинг қийин, албатта, – деди амаким менга ўтирилиб; – Чунки сен бу ерда кўп вақт бўлмагансан. Мана, ўзинг айт-чи, ҳукумат томонидан туманимиз учун ажратиладиган маблағлар, асосан кимларга бориб тегади?

Мен индамадим.

– Игвега ва унинг маҳкамасига, – деб ўз саволига ўзи жавоб қилди амаким. – Ер ҳудуди масаласида қишлоқлар ўртасида баҳс бўлганида ким воситачи бўлиб ўртада туради? Яна ўша игве билан унинг маҳкамаси. Уларнинг бирон масала юзасидан қандай қарор чиқаришлари нимага боғлиқ, биласанми? Кимнинг ёлпироқ пора, яхшироқ совға-салом беришига. Мана сенга Улокони игве маҳкамасидан лавозим олишга интилитирган айрим сабаблар. Унинг маҳкама аъзоллигига сайланомай қолиб, нималардан маҳрум бўлганини энди тушунгандирсанг?

Отам бир эснаб қўйиб, ўрнидан турди ва бўшангани ташқарига чиқиб кетди. Отам билан амаким кўп масалалар тўғрисида бир-бирлари билан келишолмай доим мунозара қилишарди. Шунинг учун бўлса керак, отамнинг бир кун менга айтган гапига қараганда, у Амаезе билан тортишиб, баҳслашиб ўтиришдан бутунлай воз кечган экан.

– Улоконинг иши яхши юришган, – дедим мен амакимга, – шунинг учун ҳам унга ҳаром йўл билан топиладиган пул керак эмас.

– Сен, Чиго, ҳалол йўл билан топиладиган пулни ҳаётингда кўп қурганмисан? Ё бўлмаса, омонатгина ётган бировнинг пулини ими-жимидида киссасига урмай, унинг ёнидан ўтиб кетган одамни ҳеч учратганмисан?

— Масалан, шахсан мен, — дедим камтаринликни унутиб (зеро, Амаезе амакимнинг янглишаётганини исботламоқчи эдим), — шу чоққача доимо маошга кун кечириб келдим ва ундан ортиқ ҳеч қандай пул топиш ҳақида ўйламадим.

— Яъни айтмоқчисанки, ҳали бу ерда ишга жойлашганингда ҳам фақат мойнангга яшамоқчисан, шундайми?

— Бўлмасам-чи!

— Эсингни ебсан!

— Ҳечам-де! Мен ҳаммавақт, қаерда ишламай, фақат шу тарзда яшаб келдим.

— Ҳозир бу тарзда кун кечириб бўлмайди бизнинг юртимизда, — деди Амаезе. — Агар сен фақат мойнанг ҳисобига кун кечирадиган бўлсанг, ҳаммага масхара бўласан, одамлар устингдан кулишади, негаки, атрофингдаги кишилар сингари яшашга қурбинг етмайди. Менинг ўғилларимни — амакивачаларингни биласан-а? Эсингдами, улардан биттаси полиция комиссари?

Мен бош ирғадим.

— Сен унинг қўшни қишлоқда қурган уйини кўрувдингми? Бундан ташқари, Энугуда ҳам, Оничада ҳам унинг яна-да ҳашаматлироқ уйлари бор. Нима, сенингча, у ўша уйлари маошига қурганми?

— Мен қаждан билай?

— Бу саволимга ҳатто гўдак бола ҳам осонгина жавоб беради.

Ташқаридан қулоғимга отамнинг овози эшитилди, у амакимнинг хотини билан гаплашаётган эди. Чамаси, бизнинг суҳбатимиздан унинг бутунлай ҳафсаласи пир бўлган эди.

— Гапимга қулоқ бер, жиян, — деди менга амаким. — Отангга эътибор қилма, у диёнатли инсон бўлмоқчи. Узинг ўйлаб кўр. Мана, у олдин Ганада, кейин бу ерда темир йўл корпорациясида шунча йил ишлаб, истефога чиққанида нимага эришди? Ҳеч нимага. Лекин сен бухгалтерсан. Бухгалтер пулларни ўзидан-ўзи ҳамонга оқиб келадиган қилиши мумкин. Сен буни унутмаслигинг керак.

Нигерияга қайтиб келганимга бор-йўғи бир неча ҳафта бўлган бўлса ҳам, мен ҳалигдан ҳамюртларимнинг (хоҳ улар илм-маърифатли, хоҳ оми одамлар бўлишсин) кўпроқ пул жамғариш билан овора эканликларига гувоҳ бўла бошладим. Яна шу нарсага эътибор бердимки, бу ерда ақл-идрокли, собитқадам одамлар эмас, сармойеси бор кишиларгина иззат-ҳурматга сазовор эдилар.

Шу маҳал уйга қайтиб кирган отам бошқа мавзуда гап бошлаб, мени амакимнинг маслаҳатига аччиқ-тиззиқ жавоб қайтаришдан ҳалос этди. Икковлари энди бизнинг қишлоқ билан қўшни қишлоқ ўртасида ер масаласида вужудга келган мунозарани муҳокама қила бошлашди. Мен гапларига қулоқ солиб ўтирдим, аммо суҳбатта аралашмадим.

Салдан кейин бу ерга Ойбо янгам кирди. У эри билан қайнағасининг мусохабасига бироз қулоқ солиб турди-да, кейин бизларга овқат сузгани чиқиб кетди. Янгам мен яхши кўрган (қишлоғимизда энг тансиқ таом ҳисобланган) — қовурилган балиқ кўтариб кирди. Отам, амаким ва мен бу мазали балиқни мақтаб-мақтаб едик. Биз яна у ёқдан-бу ёқдан бироз гаплашиб ўтирдик-да, сўнг отам икковимиз уйимизга кетдик.

Ўша кун Улоко анча кеч қайтди, биз аллақачон кечлик қилиб бўландик. У ёнип терувчи устани бошлаб келган эди. Улар бир соатча хизмат ҳақи устида савдолашишди, ниҳоят, бир тўхтамга келишгач, уста икки кундан кейин пойдевор қуришга киришажагини айтиб, жўнаб кетди. Шундан кейингига Улоко кечлик қилгани ўтирди. Отам ухлагани кириб кетди. Бир соатлардан кейин Улоко билан мен ҳам ухлагани ётдик.

Эртаси кун яқшанба эди. Нонуштадан кейин отам, акам ва мен қишлоқ черковига эргалабки ибодатга жўнадик. Мен айтарли содиқ насронийлардан эмас эдим. Аммо шунга қарамай, чет элда яшаб турган пайтимда фақат жуда зарурат туғилган пайтлардагина черковга бориб турардим. Лекин отам, менинг аксим ўлароқ, фақат бетоб бўлган чоғларидагина черковга ибодат қилгани бормасди. Улокога келсак, у ҳар қандай йиғинларга — черков ибодатига ҳам, дафн маросимига ҳам, байрамлар-у қабул маросимларига ҳам боришни яхши кўрарди.

Черков одамларга лиқ тўлганди, чунки ўша кунги ибодат хутба ўқиш учун махсус режалаштирилган бўлиб, мазкур ибодатдан кейин қавмлардан

янги жоме қурилишига хайр-эҳсонлар йиғилиши кўзда тутилган эди. Ҳазратнинг ваъзи узундан-узун, зерикарли ва, энг муҳими, мунофиқона бўлди, зеро, менга яхши таниш бўлган бу ваъзғўй ҳазрат айнан ўзи кечираётган турмуш тарзини энг манфур сўзлар билан қоралай бошлаган эди. Лекин ким ҳам унга танбеҳ беришга журъат этарди? Ахир айтганлар-ку: ҳазратнинг айтганини қил, қилганини қилма, деб!

Черковга келган қавмларимиз ҳам ҳафсаламни пир қилишди. Чунки уларнинг кўпчилиги ибодат қилгани эмас, кийган серҳашам либосларини халойиққа намойиш қилиш учун келган эдилар. Улар ибодатга жўрттага кечикиб келишди. Бунинг сабаби бор эди: улар черковга кириб, ўртадаги йўлдан ўзлари учун ажратилган жойга савлат тўкиб ўтиб борарканлар, эгниларидоги ясан-тусанлари билан ҳамманинг кўзини ўйнатмоқчи бўлардилар.

Ибодат туташи билан хайр-эҳсон йиғишга киришдилар. Олдинига ҳазрат хатиб калтагина хутба ўқиди ва бу хутбасида жоме қурилиши учун тахминан қанча маблағ сарфланишини ҳам эслатиб ўтиб, нутқининг охирида, қавмлардан ўз имкониятларига қараб эҳсон қилишларини сўраркан, орангизда ўтган галги эҳсон йиғиш чоғида қоп-қоп пул ваъда қилиб, ҳанузгача ваъдасининг устидан чиқмаганлар ўтирибди, деб пичинг ҳам қилиб қўйди.

Бу маросимга оничалик савдогар Окалия раис этиб сайланган эди. Раис ва унинг кўмакчилари қавмларнинг мақтовли гулдурос қарсақлари остида ҳаммага таништирилди. Лекин номлари зикр этилган бу зотлар минбарга кўтарилаётган пайтда қулоғимга орқамда ўтирган бир мўйсафиднинг тинмай вайсагани эшитилиб турди:

— Ҳазрат хатибга ҳам, унинг югурдақларига ҳам нима жин урди ўзи? Ахир бундай маросимни бошқариш учун тайинланадиган раис ҳам, унинг ёрдамчилари ҳам, албатта, художўй одамлар бўлиши керак-ку! Минг афсуски, бундай эзгу фазилат — художўйлик ўрнини бугунги кунда бойлик эгаллади ва бу бойликнинг қандай йўл билан топишганлиги энди аҳамиятсиз!

Ниҳоят, Окалия ўрнидан турди, даставвал микрофонни чертиб текшириб кўрди, сўнг маҳаллий шевада гапира бошлади. У гап орасида инглизча сўзларни, ҳаттоки бугун-бугун жумлаларни ҳам қистириб ўтди.

— Мен сизларнинг қимматли вақтларингизни олмаслик учун катта нутқ сўзламоқчи эмасман. Ҳазратим айтиш керак бўлган ҳамма гапни айтиб ўтдилар. Энди бизга гап эмас, фаолият керак, — деб у савлат билан йўталиб қўйди ва ўз ҳаракатидан мамнун бўлиб, атрофга кўз ташлаб чиқди, сўнг яна гапида давом этди: — Камина бугунги маблағни йиғиш маросимини ўзимнинг арзимаган тўхтамни жоме қурилишига тортиқ қилиш билан бошламоқчиман. Лекин бундан олдин бу ерга, минбарга ичингиздан тўртта бақувват эркакни ҳамда шахсий шофёримни таклиф қилмоқчиман.

Алҳол раиснинг олдига тўртта эркак унинг шофёри кўтарилди. Раис уларга қандайдир фармойиш бериб, жойига ўтирди. Энди ҳамма қавмларнинг кўзи раисда эди. Эркаклар ташқарига чиқиб кетишди ва бир неча дақиқадан кейин ҳаммалари биттадан қоп кўтариб қайтиб киришди-да, олиб келган қопларини раиснинг столига қўйишди.

Раис яна микрофонни чертиб текшириб кўрди, сўнг жамоа диққатини ўзига тортиш учун бир йўталиб қўйиб, гапира бошлади:

— Боя сизларга айтганимдек, мен бугунги маросимни жоме қурилишига ўзимнинг камтарона, арзимаган ҳиссамни қўшиш билан бошламоқчиман. Менинг ҳиссам — унча каттамас, атиги йигирма минг наира. — Бу охириги сўзларини у жуда аниқ ва дона-дона қилиб айтди.

Унинг бу баёноти гулдурос қарсақлар билан қарши олинди. Одамлар қийқиришар, қарсақ чалишар, қаҳрамонни тик туриб олқишлашарди.

Ҳеч ким бу олқишу қарсақларни тўхтатишни ўйламади, аксинча, одамларнинг то силлалари қуриунча қийқиришларига имкон яратиб берилди. Улар фақат бақаришга ҳоллари қолмагандан кейингина тинчиб қолишди.

Турган гапки, раиснинг бу “камтарона” эҳсонига бошқа ҳеч кимнинг ҳадяси тенг кела олмасди. Тўғри, эҳсон кутсига дастлабки пайтда минг наирали қоғоз пуллар туша бошлади, лекин кейинроқ улар майдалашиб, юз, ўн, беш, ҳаттоки икки наирали пуллар садақа қилина бошлади. Улоко ҳам қисқагина нутқ сўзлаб, черковга ўзининг “арзимаган олти минг наира”сини эҳсон қилди. Мен буни эшитиб, қулоқларимга ишонмадим. Акам шунча пулни

қардан олдийкин? Тагин бу пул ҳам анави ўзига уй қурдираётган одамнинг пули бўлса-я?

Мен, хайрият, бу хўжақўрсинга қилинган маросим ахири тутади, деб ўйлаб эндигина енгил тин олмақчи бўлган эдим, бирдан ўз исмимни эшитиб қолдим:

– Давраимизда бухгалтер Чиго Адаба ўтирибди, у яқинда чет элдан қайтиб келди. Балки у ҳам бирон нима эҳсон қилмоқчидир?

Мен эсанкираган кайфиятда атрофга кўз ташладим. Кейин бу эсанкирашим газабга айланди. Ахир ҳеч кимга ҳеч нима демаган эдим-ку. Эҳсон қилиш ҳатто хаёлимга ҳам келмаганди. Ким экан ўша менинг номимдан ваъда берган?

– Бор, сенам бирон нима бер, – деб туртиб қўйди мени ёнимда ўтирган Улоко.

– Лекин ёнимда деярли ҳеч вақоим йўқ, – деб эътироз билдирдим мен. – Эҳсон қилишни ўйламаган эдим ахир.

– Нима аҳамияти бор? – деди ҳайрон бўлиб Улоко. – Чиқиб, бирон нима ваъда қилиб қўя қол, кейин берарсан.

Чап ёнимда ўтирган отам менга ўтирилиб деди:

– Бор, ёнингда қанча пулинг бўлса, шуни олиб бериб туш. Баҳолиқудрат қўшган ҳиссанг учун ҳеч ким сени айбламайди.

Мен ўрнимдан туриб микрофон олдига бордим. Оломоннинг қуловчи овозлари эшитилди. О, ҳали гашимни эшитишганда нима бўлади? Мен микрофонни қўлимга олиб, ҳеч кимга ҳеч қандай ваъда бермаганлигимни айтдим, сўнг чиндан ҳам арзимаган эҳсоним – ўтгиз наирани раиснинг столига қўйдим. Одамлар мени мазаҳ қилиб хўштак чала бошлади. Кимдир қурумсоқ, деб бақирди. Мен бу хўштакбозлигу бақирӣқ-чақирӣқларга парво қилмай, жойимга бориб ўгирдим.

– Бундай қилмаслигинг керак эди, – деб дарров менга дашном бера бошлади Улоко.

– “Бундай” деганингни қандоқ тушунишим керак? – дедим мен гижиниб.

– Бунақа арзимаган пулни эҳсон қилмаганинг яхши эди, – деб ниятини тушунтирди у.

– Ахир ёнимда бошқа пулим йўқ эди-да, – дедим мен.

– Ундан кўра ҳеч нима бермагин эди. Қандай шармандалик!

Отам Улокога ялт этиб қаради-ю, лекин гапирмади.

– Ёнимда борини бердим, – деб тушунтирдим акамга. – Оз бўлса ҳам нақд пул ҳаля қилдим мен. Куруқ ваъда бериб қутулмадим... баъзи одамларга ўхшаб.

– Гап бунда эмас. Ким билиб ўтирибди уларнинг ваъдани бажариш ё бажармасликларини? Шу зиғирча пулни бериб шарманда бўлгандан кўра сариқ чақа ҳам бермасанг дуруст бўларди! Энди ҳамма устимиздан кулиб масхара қила бошлайди.

Гарчи Улоко то эҳсон йиғиш маросими тугагунга қадар лаби лабига тегмай жаврашдан тўхтамаган бўлса ҳам, мен у билан баҳслашишни хоҳламадим.

*Давоми келгуси сонда.*



Ҳофиз ШЕРОЗИЙ

## Рубоийлар

\* \* \*

**Ф**алак сендан жудо қилгандан буён,  
Лабимда табассум кўрмас бир инсон.  
Дилимда ҳижронинг қайғуси чандон,  
Билдимки, мен учун бу — офати жон.

\* \* \*

Дўст-ла ўлтир, бода ва жом талаб қил,  
Гуландомдан бўса — гулфом талаб қил.  
Жароҳат роҳатинг мажруҳ айласа,  
Заҳмдин қон олсин — ҳажжом талаб қил.

\* \* \*

Дедим: иттифоқим бўлса изтироб,  
Гул мавсуми қилгум тарк бодаи ноб.  
Чаманда булбулдан наъраод жавоб:  
Гофил, гул фасли ким тарк этар шароб?

\* \* \*

Шодлик шаробини ол-у, боққа кел,  
Пасткаш, хасислардан холи ёққа кел.  
Борма эшитмоққа рақиб сўзларин,  
Мендан эшит, нигор, шош, кучоққа кел.

\* \* \*

Юзинг латофати оинаи руҳ  
Хоҳлаб, хаёлимда қаламинг сабуҳ.  
Кўриб, мижжам хорин олай дейман-у,  
Кўрқаман хаёлим қилмоққа мажруҳ.

\* \* \*

Ул шўх паричеҳра қасди жон эди,  
Паридек кўзимдан ул ниҳон эди.  
Дедим: Тор даҳанинг гўё ҳеч нарса,  
Деди: Ҳечдан таъма не армон эди?



\* \* \*

Ҳамсуҳбатдан айри дил хароб бу кун,  
Кайфу сафо учун йўқ аҳбоб бу кун.  
Шундан ҳушёрманки, илкимда май йўқ,  
Май бор, аммо улфат, дўст ноёб бу кун.

\* \* \*

Дилим муҳаббатинг қайғусида хун,  
Сенинг ҳуснинг ақл, идрокдан устун.  
Қалбим зулфингни деб бечора, ғариб,  
Ёраб, шом ишқида ғариблик нечун?

\* \* \*

Менинг шўҳ дилбарим яғонаю тоқ,  
Васлига бечора дилим кўп муштоқ.  
Кумуш тан, лоларуҳ ва пистадаҳан,  
Ширинсухан, зариф ва мисли қаймоқ.

\* \* \*

Май ич, бу ҳаётнинг жовидони шу,  
Ҳаётга муҳаббат, бахт нишони шу.  
Гулу лола, ёр-ла сармаст гурунг қил,  
Тирикликнинг энг хуш, гўзал они шу.

\* \* \*

Кўйингда бехона йўқ биздан ўзга,  
Наздингда бегона йўқ биздан ўзга.  
Зулфинг занжирига осилдик, эй, ёр,  
Боиским, девона йўқ биздан ўзга.

\* \* \*

Гўё зулфинг сари чанги теккан чанг,  
Лабинг тегса дилда ҳар лаҳза оҳанг.  
Сен пистанг-ла ҳолим танг қилган кунинг,  
Ёраб, хаста дилга бу не кундир танг?

\* \* \*

Дил қуши афтода доми ғамингдан,  
Гардани қиличи Соми ғамингдан.  
Бездириб замона жомин шароби,  
Жигар қонин жоми ғамингдан.

\* \* \*

Чиқдинг-у офтобни айладинг банди,  
Сенга бандиликда қуёш товланди.  
Ой юзинг шуъласин хоссаси шулки,  
Қуёшнинг нурида ҳулкар товланди.

\* \* \*

Аввал висол жоми тўлди вафога,  
Сўнг мастликда тушдим доми жафога.  
Икки кўзимда сув дил оташидан,  
Йўл хокиман, учраб боди сабога.

\* \* \*

Ушбу гул кўнглимга ҳамнафас келур,  
Ундан дилга шодлик басма-бас келур.  
Шу боис ҳамиша ҳамдамимдир ул,  
Исидан димоққа бўйи кас келур.

\* \* \*

Яхши билан ёмон бўлмаган маъқул,  
Дев, даррандасимон бўлмаган маъқул.  
Мафтунни ошу нон бўлмаган маъқул,  
Ақлига мағрур жон бўлмаган маъқул.

\* \* \*

Анҳорнинг лабида май сипқормоқ соз,  
Гамдан фориг бўлиб, ором олмоқ соз.  
Умримиз қиймати ўн кунлик, илло,  
Тозалик кўйнида ўйнаб-кулмоқ соз.

\* \* \*

То келгунча ҳукми қазои осмон,  
Ишинг сенинг бўлмоқ ҳамиша шодмон.  
Кўлингдаги жоми майингдан ичсам,  
Бўлар мангуликка асос бетумон.

\* \* \*

Гунча май шишаси каби серпардоз,  
Наргис ҳавои май ичра қадахсоз.  
Дили ҳубоб каби кишилар хуррам,  
Майхона кунжида бўлса сарафроз.

\* \* \*

Жонга ёр зулфидан бир жой талаб эт,  
Банди бало гириҳушой талаб эт.  
Жононинг қошида жонингни пенслаб,  
Пардадору гўзал чирой талаб эт.

\* \* \*

Сарой пардасини мўйинг маҳ қилур,  
Кибр бозорини таҳ-батаҳ қилур.  
Мени, хижолатли ёлғончи дебсан,  
Сабр қил, ким юзин ким сияҳ қилур.

\* \* \*

Талаб йўли ғамлар хорига эга,  
Қани йўлбон, дафин корига эга.  
Биласанми, оқил чехрашунос ким?  
Юзи хум тўла май нурига эга.

\* \* \*

Бандасиман дилда шавқи борларнинг,  
Гарданида севги тавқи борларнинг.  
Ошиқлик лаззатин қайдан билурсан,  
Бодаҳўрлиги бор, завқи борларнинг.

\* \* \*

Дерлар, майдан парҳез қилса қай инсон,  
Турган зоҳатиёқ ўлиб, берар жон.  
Маю маъшуқадан айродурмиз биз,  
Бўйи хокимиздан келгунча чунон.

\* \* \*

Бир кун орамизни айириб фироқ,  
Сабримиз синаса ҳижроний қийноқ,  
Ўзгалар юзида ўйнатсам кўзим,  
Хўсининг тузи ҳаққи, кўр бўлай шу чоқ.

\* \* \*

Хотиранг оширди дард, ғамнокимни,  
Қуёш кул-кул қилди хас-хошокимни.  
Йўлларинг хокиман, ураверма бонг,  
Учирмасин, ҳай-ҳай, сасинг хокимни.

\* \* \*

Ҳажринг менинг дарвеш жонимга келди,  
Гўё намак жигар қонимга келди.  
Кўрқдим, бир кун сендан айро тушишдан,  
Кўрки, шу ёмон кун ёнимга келди.

\* \* \*

Мастлар мудом шодлик сари топар йўл,  
Маю маъшуқ, рубоб томон чопар қўл.  
Овозин янградиб фоний умрнинг,  
Қадаҳга қора қон қуйиб, олар мўл.

\* \* \*

Ситамга арзимас дунё давлати,  
Аламга арзимас бори лаззати.  
Жаҳоннинг етти минг йиллик завқидан,  
Минг ортиқ беш кунлик ғамнинг қиймати.

\* \* \*

Дили мажруҳликдан қочмоқлик корим,  
Фариштадек зиё сочар дил сорим.  
Худо даргоҳидан умидим шуки,  
Ланг очар саодат эшигин борин.

\* \* \*

Атрофин сув босган умри вайрона,  
Тўлиб бораётир аста паймона.  
Уйғонгил, эй, хожа, вақтингни хушла,  
Замона ҳаммоли тарк этсин хона.

\* \* \*

Сочи сунбулига осилмоқ ниёз,  
Дедим: Мен телбангга чора топ бир соз.  
Деди: Лабимни ол, зулфимга тегма,  
Узун умр гашти, хуш бир дамдан оз.

\* \* \*

Ёр бахтли қилмаса, ғамдан нима наф?  
Шодонлик кўрмаган дамдан нима наф?  
Кишида кўз бору кўрмас ҳеч нима,  
Ҳеч нима кўрмаса шамдан нима наф?

\* \* \*

Чаманга боқ, зебо гуллар фархунда,  
Гоҳ булут йиғлади, гоҳ гулда ханда.  
Сарв хурлигидан ноз этар, демак,  
Тик қадга топилган бир асир банда.

\* \* \*

Бобил сеҳргари эканми устод,  
Фусункор кўзларинг ўғирлади ёд.  
Қулоғинг остида ҳалқа зулфингга  
Осилиб, Ҳофизнинг назми олар бод.

\* \* \*

Эй, дўст, дилим душман жабридан вайрон,  
Келиб равшан майим қилма қора қон.  
Унинг жамоли деб йиртма ёқангни,  
Ноаҳлардан торт батамом домон.

\* \* \*

Сени деб ғам чекдим тундан тонг қадар,  
Кўзимдан нур тўқдим, тундан тонг қадар.  
Дардимни айтишга бир кас тополмай,  
Дилимга сўз экдим, тундан тонг қадар.

*Форсчадан  
ОШИҚ ЭРКИН  
таржималари.*



Муҳаммад АЛИ

# Абадий соғинчлар

*Эсседан боблар*

Она юртинг – олгин бешигинг.  
*Ўзбек мақоли*

Навосиз улуснинг навобахши бўл,  
Навоий ёмон бўлса, сен яхши бўл..  
*Алишер Навоий*

## 1

### МУҚАДДИМА

**Д**унёда шундай эзгу бир макон борки, у ҳақда ўйлаганингда кўнглинг фараҳларга тўлади. Сен шу маконнинг қай бир еридадир, қай бир бурчагида паноҳ топаётганингдан, топганингдан бошинг осмонларга етади. Бу шундай маконки, унинг чегараси ҳадсиз, поёни йўқ. У беш томонлама ўлчовга ҳам бўй бермайди. Унда истиқомат қиладиган инсонлар беададдир, улар саногини ҳисоблаб чиқиш учун кўп риёзат чекмоқ керак бўларди. Бу ерда буюк бобомиз Муҳаммад ал-Хоразмийга мурожаат этишимизга тўғри келарди, албатта. Яна таъкидлашни истардим: бу чиндан—да гаройиб, қутлуғ макон. Уни биргина сўз билан тарих деб атаймиз... Ватан тарихи, халқ тарихи, шу Ватанда яшагувчи инсонлар тарихи, балки ҳар бир инсон тарихи, тақдири гўзал уммонга — ўша улуг Тарихга бориб уланади.

Ватан тарихи деганда нимани тушунамиз? Ватан тарихи деганда, шу ватан тупроғи, унда истиқомат қиладиган, унинг соҳиби бўлган халқ кечмиши, қадим—қадим замонлардан бошлаб юз берган воқеалар қаймоғи, давлатларнинг парвозию инқирози, халқнинг улуг фарзандлари ҳаёти саҳифалари, босқинчиларга қарши ҳаёт—мамонт курашлари, яхши замонларга умид боғлаб чорасизлик оқибатида юртдан кўнгили узолмай кетишлар, қувғину бадарғаларга дучор бўлишлар, мусофирчилик заҳматлари ва ҳоказо—ҳоказолар мужассамадан иборат бемисл изтиробларни назарда тутамиз. Бемисл изтироблар, беармон армонлар, абадий соғинчлар...

Хориж сафарларида бўлган чоғларимда ёки Ватанда кезиб юрган пайтларимда кўплаб ватандошлар билан учрашаман, суҳбатларда бўламан, шу мавзуда битилган китобларни мутолаа қилишни ёқтираман. Яқиндан танишув асносида шу нарса маълум бўладики, ватандошларимиз ҳеч қачон ўз хоҳишлари билан юртни тарк этиб кетмаганлар экан. Бунини комил ишонч билан айтиш мумкин, чунки ўзбек халқи ўз тупроғига ёпишган халқ, туққан жойини дунёда ҳар нарсадан ортиқроқ кўргувчи, жони—дилидан суйғувчи, «Бошқа юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл» мақолини кўнгили лавҳига ўчмас қилиб битиб қўйган жўмард ва танги халқ. Айтганларим муболаға эмас. Қачонлардир ота—боболари ҳар турли сабабларга кўра хорижий мамлакатларга йўл олишга мажбур бўлган ватандошларимиз интиқ она—юртга келганларида боболар тупроғидан бир сиқимни халтага солиб, эъзозлаб олиб кетганларини ва қайтганларидан сўнг уларининг меҳробларига осиб қўйганларини, унга вақти—вақти билан термилиб беармон соғинчларига таскин бериб

юпанганларини яхши биламиз... Фарзандлар туғилганда, эсини таниганда халгачадаги Она—Ватан тушроғини тавоф қилиб кўзга суртадилар: «Бу боболар юртининг табаррук парчасидир, Ватаниннинг тимсолидир, мусофирчиликда юрганлигимиздан сен билан ҳамиша бирга, у Аллоҳ янглиғ қалбининг тубиндадур», дея насиҳат айлайдилар. Бу оилада қутлуғ одат бўлиб қолади ва авлоддан-авлодга ўтаверади, ўтаверади... Фарзандлар қалбида Она—Ватанга бўлган меҳр ўтини ёқаверади, ёқаверади... Бу узлуксиз, тиним билмас бир жараёндир.

\* \* \*

Ажаб, инсон боласи туғилганида, муштини маҳкам туккан ҳолда туғилар эмиш, қўлларида эса фоний дунёдаги ризқ—насибаси қисманган бўлармиш. У илк бор қўларини очиб юборганда, ундаги ризқ дунёга сочилиб кетармиш. Ризқ қаерга тушган бўлса, одам бориб уни териб ер экан... Бу жудаям адолатли, шафқатсиз бир ҳақиқатдир. Инсон боши, сой тоши, дейдилар ёки яна ҳам аниқроқ қилиб, уни палахман тошига ўхшатадилар. Ўйлаб қаралса, ризқнинг турли жойларга сочилиб кетиши ақл бовар этмайдиган нарса, унинг туб маъносини англаб етишга инсон идроки ожизлик қилади. Бамисли Мавлоно Жалолиддин Румий айтмоқчи, «ичиндаги ичиндадир». Лекин тошнинг тошдан фарқи бор, албатта. Ўша палахман тошидай отилиб кетган ватандошларимиз, дунёнинг қайси ерида бўлмасинлар, шу қадимий Ватаниннинг жигаргўшалари ҳисобланадилар, зеро уларнинг тарихи—тақдирлари улкан тарихимизнинг дардчил парчаларидир. Тарихимиз саҳифалари варақланганда уларни ҳам эъзоз ила ўқиб—ўрганишимиз лозим.

Ўтмиш эртақларига қулоқ солсак, жуда кўп боболаримизнинг хорижий мамлакатларга риҳлат этганларини кўрамиз. Улар ҳақида кейинроқ, батафсилроқ тўхталиш ниятим бор. Ҳозирча шунга айтиш мумкин, боболаримизнинг кўплари билим олмоқ учун, комил инсон бўлиб етишмоқ учун хорижга интилиб мусофирчилик машаққатларини тортганлар. Масалан, ал—Хоразмий, ал—Фарғоний, ал—Фаробий ва ҳоказо номларни айтиш мумкин. Йигирманчи аср бошларида ҳам кўп ёшлар хорижга, дейлик, Туркияга, Германияга ўқишга юборилдилар. Хусусан, жадид маърифатпарварчилигининг етук намоёндаларидан бири Абдурауф Фитрат 1909—13-йилларда Истанбулда таҳсил олган эди.

Ватанимиз озодликка чиққандан сўнг ёшларнинг билимларини ошириш ва Ватанга содиқ инсонлар қилиб етиштириш мақсадида «Умид» жамғармаси ташкил этилди. Жуда кўп ёшлар синовлардан ўтишиб, ҳар йили илғор хорижий мамлакатларга таҳсил олиш учун жўнаб кетадилар. Бу бағоят қутлуғ ва шарафли ҳодисадир. Сирасини айтганда, буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий 1911 йилда ёзган, ўзбек драмачилигининг илк намунаси ҳисобланадиган «Падаркуш» пьесасидаёқ, ёшларнинг Туркия, Фарангистон ва Амриқога бориб ўқишларини орзу қилган эди. Худди шу гоёни улғу шоир Абдулҳамид Чўлпон ўзининг “Кеча ва кундуз” романида такрорлаганди. Бунга фақат мустақилликка эришганимиздан сўнггина имконлар пайдо бўлди. Иқтисодий қийинчиликларга қарамасдан Ўзбекистон барча харажатларни ўз зиммасига олиб, кўп ёшларни Америка Қўшма Штатларидан тортиб Япониягача турли мамлакатларга таҳсил олиш учун йўллади. Дастлабки қалдирғочлар бир йил хорижда бўлишиб, билим олиб қайтдилар ва бугунги кунда мамлакат ҳаётининг турли жабҳаларида юрт равнақи йўлида ҳормай—толмай меҳнат қилишмоқда. Буларни кўриб гурурланасан, қувонасан киши... Аммо айрим олисни кўролмайдиган ёшлар турли ўткинчи ҳой—ҳаваслар гирдобидида қолишиб, уларга юклатилган вазифани, улардан кутилаётган умидларни англаб ета олмаётганлари афсусланарлидир. Гап баъзи ёшлар ўртасида ўқишга борган ерида қолиб кетишга уриниш ҳоллари учраётгани ҳақида бормоқда. Бир лаҳза хорижга мажбуран йўл олиб, Она—Ватан ҳажрида изтироблар чеккан не—не ватандошлар, не—не авлодлар қисмати ҳақида ўйлайлик.

Дарвоқе, Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг Қуддуси Шарифга қилган сафари

вақтида бўлиб ўтган қизиқ воқеани келтиради. Шаҳардаги зиёратгоҳларни айланиб чиқар экан, адиб рус калисосига келиб қолади. Калисо таърифини бергач, адиб шундай ёзади: "...Калисонинг олдида тошкентлик ёш аттор бор эканки, ҳожи ва завворлар(яъни, зиёратчилар) олатурғон нимарсалар сотадур. Дўконига бироз ўлтурдук. Мамлакатдан сўради, қўлига бир неча нусха "Ойна" ва "Туркистон харитаси"ни бердим. Аҳли савод экан. Тошканд шаҳрини кўрсатдим. Беихтиёр харита устиндаги Тошкандни ўпиб, кўзига суртди. Хуббул ватан минал иймон. Хусусан, ватан ва аҳли диёрнинг қадри мусофиратта маълум бўлур. Ҳақиқатан Ватан муқаддасдур. Қадрини билмоқ керак. Сотмасга ва ўлгунча айрилмасга керакдур..."

Ўзим ҳам шундай бир ҳодисанинг шоҳиди бўлган эдим. Қарийб чорак аср муқаддам Узоқ Шарқда бўлиб ўтган адабиёт байрамида иштирок этдим. Владивосток билан Находка йўлидаги қишлоқлардан бирида бир неча ватандошимиз истиқомат қилар экан. Уч ватандошимиз ҳарбий хизматга боришиб битиришгач, ўша ер яхши кўришиб қолиб кетишган, ўша ерлик аёлларига уйланишган, рўзғор тебратишиб юришар эканлар. Биздан хабар топишиб, меҳмонга таклиф этишди. Бордик. Унг томондаги дераза тоқасида тувакчада бир дона атир гул ёниб турарди. Уй эгаси бу гулни она юрти Ўзбекистонни эслатиб туришини, вақти—вақти билан унга тикилиб томоша қилишни яхши кўришини алоҳида урғулаб гапирди. Она юртдан сўради, соғинишини бир неча марта таъкидлади, қайтиб бориш иложи йўқлигини, бола—чақа қилганлиги, рўзғори катталигини айтди, кўзларида эса ёш тилгилларди...

Буларнинг бари бизларга сабоқ эканлигини асло унутмаслигимиз лозимдир. Ҳа, "шириндир Ватаннинг аччиқ тутуни..."

Шундоқ, хориждаги ватандошлар ҳақида кўп хаёлларга бериламан. Уларнинг мусофирчиликда кечирган турмушларини, юртни соғинганларини кўз олдимга келтираман. Юртга ташриф буюришганда, — айниқса, бу шўролар даврида аниқ кўринар эди, — тилимизнинг софлигига бераётган эътиборлари бизниқидан қойимроқ эканлигига қойил қолардим. Урф—одатларимизни ҳам биздан кўра яхшироқ сақлашган... Тан олиш керак, у даврларда тилимиз тўрт девор ичига қамалиб қолган эди. Хуллас, ўша йиллар ватандошлар — улар ватандорлар, яъни, Ватани бор, беватан эмас, дейишади, бу аслида тўғри, — ҳақида кенгроқ ёзиш истаги туғилганди менда. Аммо бунинг мушкул томонлари бор эди, шўро мафкураси бунга йўл қўймасди. Хориждаги ватандорлар мавзуида жасорат билан асарлар ёзган адибларимиз бошларида турли "тап—сўз"лар айлангани айланганди. Жумладан, адабиётимизнинг улкан вакиллари Шухратнинг "Жаннат қидирганлар", Эркин Воҳидовнинг "Истамбул фожеаси" каби асарларини эслаб ўтиш кифоя.

\* \* \*

Яна бир орзуим бор эди — бу ватандорлар билан боғлиқ эмас—ку, ҳарқалай, мантиқан халқимизнинг тарихи билан боғлиқ мавзу — шажаралар ҳақида қалам тебратмоқ ҳаваси менга тинчлик бермасди. Бу, албатта, даставвал тарихга, тарихий мавзуларга қаттиқ қизиқишимдан эди. Ўша паллалар — бу 1970 йиллар, — бир куни раҳматлик отам Аҳмадқул сўфи Бекназар сўфи ўғлидан шажарамиз ҳақида сўраб қолдим. Отам жула қувониб кетдилар: "Қадимдан халқимизда шажара удуми бўлиб келган, ҳар оилада шажара тугилган. Аммо бизда, ўғлим, афсуски, шажарамиз қоғозга туширилмаган, — дедилар, — мен етти пушгимизни сенга айтиб бераман, ёзиб оласан. Шунга ўйлаганиндан бошим осмонга етди, хайрият! Майли, шажарамиз шундоқ бошлансин..." Чиндан ҳам қачондир бошланиши керак—ку, деб ўйладим мен. Отам тарихдан ҳикоя ва қиссаларга уста эдилар, аждоқлардан турфа ҳикоялар сўйлаб берардилар. У ҳикоя ва қиссаларнинг кўшлари менга кейин асарлар ёзишимда қўл келди. Отамнинг нақлларида илҳомланиб кетиб, ўшанда "Етти пушгим" деган дoston ёзиш ҳаракатига тушиб қолдим, режалар туздим... Аммо дoston негадир ёзилмай қолиб кетди. Шажарамиз ҳақида кейинроқ тўхталиш ниятидаман. Алқисса, турли сабабларга кўра менинг бу ижодий орзуларим ҳали амалга ошмай келар эди.

Ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бор, дейдилар. Тўрт йил аввал Туркиядан келган ватандошимиз жаноб Насруллоҳ Тўра билан танишиб қолдим. Ўша уни бор-йўғи ярим соатча суҳбатлашдик. Аммо менинг назаримда ҳам, кейин ўзининг эътироф этишича, Насруллоҳ Тўра назарида ҳам, биз гўё қадим-қадимлардан бир-биримиз билан танишдай эдик, фақат орадан маълум фурсат ўтгану турли сабаблар ила имкон бўлмаганидан учраша олмадик холос. Шундай бўлиши мумкинми?.. Дабдурустдан бунинг сабабини англай олмадик. Кейинроқ фаҳмимиз етди: гарчанд у Туркия фуқароси бўлса-да, мен Ўзбекистон фуқароси эсам-да, томиримизда битта қон тепарди — бу, ўзбекнинг қони! Ҳа, бизни қон бирлаштириб турар эди, ўзбекнинг ҳаётбахш қони!

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Жаноб Насруллоҳ Тўра билан бўлган кейинги суҳбатларимизда, у кишининг саргузаштга ҳаёти, олис ва яқин аждодлари, етти пуштдан кўпроқ бўлган шажараси ҳақида ҳикоялар эшитар эканман, кўнглимга туккан ижодий орзуларимдан бирининг рўёбга чиқиш фурсатлари етганини юракдан ҳис этдим. Ватандошларимиздан бирининг қисмати, шу баҳона, халқимиз тарихининг бир парчаси бўлган шажара ҳақида ёзиш ва бундан ўқувчиларимизни баҳраманд этиш имкони туғилганидан мамнунлигимни таъкидлаб ўтаман.

Қатъий ҳужжатларга асосланган ушбу китоб шундай қутлуғ ниятда қоғозга туширилди...

## II

### КОБУЛ

Воқеамиз кўҳна Афғонистоннинг пойтахти Кобул шаҳридан бошланади.

Жаҳонга донғи кетган машҳур “Бобурнома”ни тез-тез варақлаб туришни яхши кўраман. Умуман, юргимиз, Шарқ тарихи ҳақида асар битмоқчи бўлган адиб ёки тарихимизни тадқиқ этмоқчи бўлган ҳар қандай олим ушбу қомусий китобсиз бир иш қилиши мушкулдир. Алишер Навоий таъбири билан айтганда, “замон ва расм аҳли тариқидин чиқмоғни муносиб кўрмаган” жуда кўп миллатдош олимларимиз, тарихчиларимиз ҳам ўз асарларини форс тилида битиб турган бир пайтда, бобокалони Амир Темурнинг “Тузуқлар”и ва Алишер Навоийнинг асарларидан илҳомланибми, ноёб ёдгорлигини она тилимизда ёзгани, она тилимизнинг бемисл бойлиги ва гўзаллигини намоён этгани чексиз таҳсинларга лойиқ бир жасоратдир. Шу вайдан ҳам биз авлодлар жаноб Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан абадулабад миннатдордирмиз, шу вайдан ҳам ўзбек халқининг муҳтарам сиймога иззат-икромидан ортса ортиб бораверадими, асло камаймайди..

Мен ҳам нечанчи бордир “Бобурнома”ни қўлимга оламан... Унда шундай сатрларга кўзим тушади:

“...Кобул вилояти тўртинчи иқлимдиндур. Маъмуранинг ўртасида тушубдур. Мухтасар вилоятдур. ...Бисёр латиф ҳавоси бор. Кобул ҳавосидек ҳаволик ер оламда маълум эрмаским, бўлгай. Ёзларда кечалари пўстинсиз ётиб бўлмас, қишлар агарчи қори аксар улуг тушар, вале муфрит совуғи йўқтур. Самарқанд ва Табриз ҳам хушҳаволикқа машҳурдир, вале муфрит совуқлари бордур... Кобул вилояти берк вилоятдур, ёт ёғий бу вилоятқа кирмаги мушкулдур. Балх ва Қундуз ва Бадахшон била Кобул орасида Ҳиндукуш тоғи тушубтур...”

Заҳириддин Муҳаммад Бобур бу шаҳарни жуда ёқтирар эди, шунинг учун вафотидан кейин табаррук хокини қилинган васиятга кўра Кобулга олиб келиб дафн етдилар. Кобулнинг сўлим жойларидан ҳисобланадиган Заҳириддин Муҳаммад Бобур мангулик уйкуга чўмиб ётган боғ, буюк ватандошимизнинг қабри бугунги кунда зиёратгоҳга айланган...



\* \* \*

1881 йил.

Наврўзи айём кунлари эди.

Тахтга чиққанига ҳали бир йил ҳам бўлмаган Афғонистон подшоҳи Амир Абдурахмонхон кўринишхонада аъёнлари билан давлат ишлари, хусусан, пойтахт шаҳар Кобулни обод этиш ҳақида кенгашиб ўлтирарди. Подшо Кобулнинг барча даҳалари, мавзе—маҳаллалари борасида сўз юритди. Гап номи юқорироқда зикр этилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур қабри жойлашган боққа келиб қолди. Подшо бироз ҳаёлга чўмди—да, ушбу боғни ҳамда унга яқин бир қанча ҳовли—жойларни шу даврада ўлтирган, Қўқон хони Худоёрхон синглисининг ўли, яъни жияни Саид Акрамхон Тўрага инъом этар экан, мамнуният ила бундай деди:

— Сиз Туркистондансиз, Тўра жаноблари, хонлар авлодидансиз, Туркистон подшоҳларидан бири шавкатли Бобуршоҳдан мерос қолган боғни сизга фармон қилурмиз, иншооллоҳ, обод этурсиз!

Даврада “Муборак бўлсин!”, “Қуллуғ бўлсин!” деган овозлар янгради. Ҳамма ўнг томонда жим ўтирган барваста одамга ҳавас билан қарарди.

— Илғифотингиз учун қуллуқ, подшо ҳазратлари! — дея бош эгди Саид Акрамхон Тўра. Амир Абдурахмонхоннинг вазири аъзами, ноиби ва энг ишончли кишиси шундай юксак мурувватта муносиб кўрилган эди.

Улуғ подшо Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳовли—жойларининг унга ҳадя этилиши кўнглида ҳам қувончли кайфиятни, ҳам аллақандай маънос туйғуларни уйғотди. Ҳарқалай, Қўқон хонлари ўзларини машҳур Олтин Бешик воқеасига бориб улайдилар, Бобур Мирзога меросхўр санайдилар, демак, буюк Амир Темур Кўрагон авлодларидандурлар. Аммо бутун замон бошқа... Эй, буқаламундай турланувчи дунё, эй чархи кажрафторнинг ачиқ шеvasи!.. Шу палла масъуд онлар, жонажон Қўқон, тоғаси Худоёрхон салтанати, ўрис босқини, хонликнинг хароб бўлиши, юртнинг ёт оёқлар остида топталиши, ўрис подшосининг найрангбозликлари, сарсонун саргардон бўлган Худоёрхон, алдоқлар тўрига тушган Насриддинбек, фатарот топган улкан хонадон қисмати, — бари—бари Саид Акрамхон Тўра кўз олдидан бир—бир ўтди. Сўзи ўткир шоир дўсти Фурқат лақабли Зокиржон Холмуҳаммад ўглининг “Муҳаммад Худоёрхон тилидан” мухаммасидан ушбу сатрларни эслади:

Саёҳат айлар эрдим ҳар йили атрофни чандон,  
Ки аввал Марғинону Андижону сўнгра Шаҳрихон.  
Насими “Шаҳрободим”дин топар эрди фароғат жон,  
Чиқиб андин шикор айлаб борардим Чуст ила Косон,  
Эсиз, ул Тўрақўрғону Намангонлар қаён қолди?..

Ҳа, барчаси қаён қолди?.. Хон хонадони, тўпганиб чуғурлашиб турганда ногаҳон топ тушган қўшлардай ҳар қасқа тарқалиб кетди, кимлардир қатли омга учради, кимдир қочиб жон сақлади, қўшлар қамоққа тушди. Йигирма беш-йигирма олтилардаги Саид Акрамхон Тўра паҳлавонкелбат, ақлли, фаросати ўткир бир йигит эди. У иложини топиб, яширин йўллар билан хорижий элларга кетиш чораларини ўйлай бошлади. Хўжандга етса бас, ундан Зомин орқали Самарқандга, кейин Термизга ва Амударёнинг Паттакесар гузарига чиқиб оларди. Дарёдан ўтиши билан Мозори Шарифга боради, у ерда хешу ақраболар бор...

Саид Акрамхон Тўра сафарга жўнашдан бир кун олдин бозорга кириб саррофга учраб пулини майдалаб олмоқчи бўлди, ҳарқалай йўлда шунга зарурат туғилиши шубҳасиз, бу ишни шу ернинг ўзида битириб олгани яхши. У ишини ўринлатиб бозор дарвозасидан чиқётган ҳам эдики, болаликдан бирга ўсган маҳалладоши Қамбар қавчин орқасида икки ўрис аскарлари билан рўпара келди.

“Ўрислар Қамбарни тутиб олишибди—да, икки ўрис олиб келяпти. Уни қутқариш чорасини қилишим керак...” — Саид Акрамхон Тўранинг ҳаёлига дабдурустдан келган фикр шу бўлди. У сўзга оғиз очиб улгурмади. Қамбар қавчин аскарларга ўтирилди—да:

— Тез тутингиз! — деб ишора қилди. — Сиз қидириб юрган Саид Акрамхон Тўра шу киши бўладилар!.. Хоннинг суюкли жияни!..

У ўрислар туғиб олган одамга асло ўхшамасди. Аскарлар тездан ҳанг-манг хон жиянининг қўлларини орқасига қилиб боғладилар. Саид Акрамхон Тўра ҳар қандай жазога, қамоққа тушишга, ҳатто дорга осилишга ҳам рози эди, аммо мана бундай эл кўзи олдида куппа—кундузи қўли орқасига боғланиб шарманда бўлишга асло чидай олмасди.

— Ие... Қамбар... — бошқа сўз айта олмади у.

— Тоғангиз мени зиндонга солганида ҳолимдан хабар олмадингиз, тўрам, — истеҳзоли кулди Қамбар қавчин. — “Ҳап сеними!” деб қўйгандим. Тўрт йил захта боғиб ётдим. Сиз ҳам қамоқда бургалар қандай талашини бир кўрингиз...

Саид Акрамхон Тўра эслади: чиндан ҳам Қамбар қавчин уч-тўрт йил аввал каттароқ бир қинғир ишга аралашиб қолиб қамоққа ҳукм қилинган эди. Энди ўзича ўшанинг ҳиссасини чиқариш пайида... Саид Акрамхон Тўра ғазабдан: “Ноинсоф, бу нима қилганинг?” демоқчи эди, аммо сўзларини нокасу ножинста ҳайф кўрди—ю, индамай қўя қолди.

Уни, хон авлоди бўлгани учун, ҳушёрликни ўн карра оширишиб сақладилар ва тезда кўриқчилар қуршовида Россия империяси таркибида янги ташкил бўлган губерназорлик маркази Тошкентга юбордилар. Тошкентда уни биров сўроқ ҳам қилмади, суриштирмади ҳам. Бир йил қамоқда ётди, худди уни эсдан чиқариб қўйгандай эдилар. Саид Акрамхон Тўра қисмати қандай кечиши ҳақида ўйлаб, ўйининг тагига етмас эди.

\* \* \*

Кун кетидан кун келарди...

Тақдир тасодифларга тўладир.

Кунларнинг бирида афғонистонлик қандайдир йигитнинг қамоққа тушгани ҳақида хабар тарқалди. Маҳбуслар уни тезроқ кўришга ошиқар эдилар. Ўттиз беш ёшлардаги бу йигит тўладан келган, бакуват, тутумидан аслзодалардан экани кўриниб турарди. Йигит ўзбекча билмасди. Саид Акрамхон Тўра негадир ўзини унга яқин олди, форсча билгани ҳам қўл келди. Айни пайтда йигитда ҳам дўстона майл, интилиш сизди. Танишдилар. Йигитнинг исми Абдурахмонхон экан... Сухбат асносида Саид Акрамхон Тўра кўп нарсаларни билиб олди.

Абдурахмонхон 1834-63-йилларда Афғонистон подшоси бўлиб турган Амир Дўстмуҳаммадхоннинг набираси бўлади. Бобоси вафотидан кейин мамлакат тахтига унинг ўғли, Абдурахмонхоннинг амакиси Амир Шералихон ўтирди. Амакиси уни ўзига рақиб билиб, ҳар қанақасига қисингира бошлади, киши билмас суиқасдлар ҳам уюштирилди. Ўн беш йилдирки аҳвол шу. Абдурахмонхон олдида юрдан вақтинча бирон ёққа кетиб туриш ва шу билан жон сақлаш муаммоси кўндаланг бўлиб қолди. Онаси унга Туркистонга кетишни маслаҳат берди. Лекин у олти яшар ўғлини кўзи қиймасди. Аммо бошқа чора йўқ эди. У ҳамма жойда ўзининг кимлигини сир тутиб, Амударёдан ўтиб олди. Самарқандга келганида ўрис айбоқчилари хабар топишган эканми, ҳибс қилдилар. Шундан кейин, мана, Тошкент зиндонига тушиб турибди...

Бор гап шу.

Саид Акрамхон Тўра янги танишининг саргузаштини эшитиб ғамгин бўлди. У ҳам ўзининг кимлигини, қаерданлигини, бошига қандай савдолар тушганлигини, тоғаси Худоёрхон қисматини, бу зиндонда бир йилдан буён сўроқсиз—жавобсиз ётганлигини айтиб берди. Ажабо, уларнинг тақдирлари томчи сувдай бир—бирларига ўхшаб кетарди. Ўхшатмагунча учратмас, деганларидай, униси Афғонистон подшосининг набираси, буниси Қўқон хонининг жияни, иккиси ҳам қувгину қийноқда, иккиси ҳам қамоқда... Бу нарса уларни бир—бирларига ҳамнафасу ҳамдард этди, дўстликлари ортди. Бошга оғир кунлар тушганда пайдо бўлган дўстлик, биродарлик Аллоҳнинг бандасига беадад илтифоти эканлигини ҳар иккиси ҳам кейин ўз кўзлари билан кўрдилар.

Орадан бир неча йил ўтди.

Бир куни эрталаб Абдурахмонхонни олиб кетишга келишди. Буни кўриб икки дўст ҳайратда қотиб қолишди: қаерга олиб кетишади, қандай ниятлари бор, Абдурахмонхон қайтиб келадими, яна кўришишадими, йўқми?.. Бу саволларга жавоб топиш керак эди, жавобини Аллоҳ биларди—ю илго айтмасди. Қадрдон ва сирдош бўлиб қолишган пошшозода билан хонзода кўзларида ёш, бир—бирларига яхши тилаклар билдиришиб, худодан омонлик сўрашиб хайрлашдилар, чунки бу ёғи нима билан туғаши дарғумон эди.

Уч—тўрт ош пишиғича ўтдими ёки кўпроқми, — ўз ёғига ўзи қоврилиб ётган Саид Акрамхон Тўра буни аниқ билолмади, — бир пайт Абдурахмонхон қайтиб келди. Хонзода бемисл қувонди, аммо дўстининг юзларида унчалар хафчалик ифодаси кўринмаганига ҳайрон бўлди.

— Эсон—омонмисиз, амир жаноблари? Тўрт мучангиз соғми? — сўради у пошшозоданинг елкаларини, қўлларини ушлаб қўяркан. — Нима гап экан, сўйлангиз!

— Кўп аломат ишлар кутиб турган экан, Саид Акрамхон! — маънодор жилмайганча жавоб берди Абдурахмонхон. — Парвардигорнинг чеварлигига тан бермай илож йўқ...

— Ҳа—ҳа, Аллоҳга шукур, Аллоҳга шукур... Парвардигор чевар...

— Юқоридаги хонада мен билан маъмурлар бошлиғи сўзлашди... — деди Абдурахмонхон. — Отини ҳам билмайман. Бир тилмоч ҳам бор...

— Хўш, хўш?.. Нима дейди?.. — ҳаприқарди Саид Акрамхон Тўра.

Абдурахмонхон бўлиб ўтган суҳбатни гапириб берди.

Гап бошқа ёқда экан...

Россия императори жаноби олийлари ҳамиша Афғонистон мамлакатига ҳайрихоҳлик билан қарайди, ҳамиша ёрдам қўлини чўзмоққа тайёр. Энди чегаралар ҳам умумийлик касб этмоқда. Россия ҳамиша Афғонистонда тинчлик—омонлик бўлишини истаб келган, тинчлик бўлишини истайди. Аммо Буюк Британиянинг империалистик гуруҳлари Афғонистонни ўз таъсир доираларига киритмоқчилар, у ерда Ҳиндистондагидек маҳкам ўрнашиб олмоқчилар, мамлакатни қарам қилмоқчилар... Бу Афғонистон учун ҳам, Россия учун ҳам хавфли. Албатта, Россия бунга йўл қўя олмайди. Ҳеч қачон! Буни яхши англаш керак. Иккинчидан, энг муҳими, жаноб Абдурахмонхон чиндан ҳам Афғонистон подшоси бўлишга муносибу мустаҳқиқдур, Россия буни тан олади, унга дўст сифатида қарайди. Абдурахмонхоннинг ҳозирги афғон подшоси Амир Шералихон томонидан турлича тазйиқларга дучор этилаётгани ҳам Россия императори ҳазрати олийларига яхши маълум, бундан Абдурахмонхоннинг кўнгли тўқ бўлсин. Бас, Россия Абдурахмонхонга тахтга чиқишига ёрдам беради, маблағ ва аскар билан таъминлайди. Узи ҳам юртда тарафдорларини жамлаши зарур бўлади. Фақат бир шарт — инглизларга ён бермаслик керак, уларни Афғонистон сиёсатига аралаштиришларига йўл қўймастик муҳимдир... Агар шу шартларга кўнса, Абдурахмонхон тезда юртга жўнаши мумкин, балки жўнаши керак...

— Албатта, жўнашингиз керак, амир жаноблари! — деди Саид Акрамхон Тўра...

Абдурахмонхон дўстининг кўзларида маъюслик кўрди:

— Саид Акрамхон! Менга ҳамроҳ бўлмайсизми? — сўради бирдан. Кейин жавоб кутиб ўтирмай давом этди: — Ҳа, сиздан сўрамай бир иш қилиб қўйдим... Маъмурлар бошлиғига айтдимки, мен айтганларингизга розиман, агар кўмак берсангиз, аскар берсангиз бораман, дедим. Лекин қандай ёлғиз бораман? Менинг шерингим Саид Акрамхон Тўрага ҳам жавоб берасизлар, дедим. Мен билан бирга кетади, бу ишларда ёрдамчи бўлади... Шартингизга шарт, дедим...

— Улар нима дейишди?.. — Абдурахмонхон сўзини шоша—пиша бўлди Саид Акрамхон Тўра... — Розилик беришдими?..

— Улар розилик беришди. Бизни чиқариб юборишиб, душманларни чалғитиш учун: “Афғонистон шахзодаси Абдурахмонхон билан Худоёрхон жияни Саид Акрамхон Тўра фалон куни фалон соатда қамоқхонадан қочиб кетибдилар...” деб жар ҳам солмоқчилар...

— Аллоҳ умрингизни узоқ қилсун, илюё! — миннатдорчилик билдирди Саид

Акрамхон Тўра. — Бир умр қарздорман, амир жаноблари! Уларга шарт қўйиб теран ақлингизни яна бир бор намоён этибсиз!

Саид Акрамхон Тўра шундай деди—да, мамнун Абдурахмонхоннинг қўлларини қисди, сўнг қаттиқ бағрига босди.

Кўзларига қувонч ёшлари тўлиб келганини сезмасди. Пошшозода билан хонзода тақдирнинг симобдай ўзгаришидан ҳайратда бир—бирларига боқиб тўймасдилар.

Йўл—йўлакай улар Мозори Шарифда, ўзбекларнинг нуфузли бир каттакони уйида тўхтадилар. Каттакон Саид Акрамхон Тўранинг қариндошларидан эди, у азиз меҳмонлар пойи қадамидан ниҳоятда хурсанд бўлди. Бу ерда Абдурахмонхон билан яқинлашишга яна бир қадам қўйилди. Саид Акрамхон Тўра сабаб, аввали тақдир тақозоси, Абдурахмонхон шу оиланинг бўй етган қизига унаштирилди, тўй ҳам бўлиб ўтди. Шундай қилиб, Абдурахмонхон, бўлажак Афғонистон подшоши ўзбекларга куёв бўлиб қолди.

\* \* \*

Абдурахмонхон Кобулни олиб тахтни эгаллагач(бошқа тафсилотлар, муҳораба ва ҳоказоларни четлаб ўтамиз, улар мавзумиз доирасига кирмайди), садоқатли инсон Саид Акрамхон Тўрага яна ҳам қаттиқроқ боеланиб қолди. Уни худди қадрдон укасидай, синашга дўстидай яхши кўрарди. Тагли-тахтли хонадон фарзанди, кўнгли тоза инсон, бир томони Худоёрхоннинг жияни... Амир Абдурахмонхон ҳеч иккиланмай унга вазири аъзам лавозимини берди. Шу палла Афғонистон подшоши ўттиз олти, вазири аъзам эса йигирма етти ёшда эдилар... Қанча йиллар ўтиб кетди—я...

...Саид Акрамхон Тўра ичида ўзини Амир Темур авлоди ҳис этиб, Заҳридин Муҳаммад Бобурдан қолган меросга ворис ҳисобларди, шунинг учун Амир Абдурахмонхоннинг фармонидан бағоят миннатдор бўлди. Бироз ўтмай вазири аъзамни нуфузли афғон кадхудоларидан бирининг қизига уйлантириб қўйди. Саид Акрамхон Тўра Бобуршоҳ боғи ёнидаги ҳарамсарой— у ҳовли—уйларда яшар экан, ўзини бамисоли боболар чироғини ёқиб тургандай ҳис қилар эди.

Вазири аъзам Саид Акрамхон Тўра Афғонистон подшоши Амир Абдурахмонхонга сидқидил хизмат қилиш асносида, тотган тузини оқлаш лозимлигини асло эсидан чиқармади. Мамлакатда вазири аъзамнинг обрўси баланд эди, ҳамма уни эъзозларди. Пошшоликда ҳар бир иш унинг таклифлари, мушоҳадалари, маслаҳатлари ҳосиласи сифатида амалга ошириларди. Жумладан, мамлакатда юрт тинчлигини сақлаш учун мунтазам ҳарбий қўшинлар ташкил этилди, подшо девони тартибга солинди, солиқлар тўғрисида тегишли фармонлар эълон қилинди. Мамлакатда чет эл тижорат сармоясига кучли нуфузга эга бўлиб, кенг фаолият олиб борарди, уларнинг ҳаракатларини бироз чеклашга эришилди. Шаҳарлар обод бўлди, савдо ва хунармандчилик тараққий топди...

1901 йил Саид Акрамхон Тўра учун мусибатли келди, дўсти ва суянчини Афғонистон подшоши Амир Абдурахмонхон элик етти ёшда дунёдан кўз юмди. У йигирма бир йил мамлакат маснадида ўтирди. Тахтга талабгорлар кўп эди, шулардан бири Амир Абдурахмонхоннинг йигирма тўққиз ёшли ўғли Ҳабибуллохон бўлиб, у ақлли фарзанд сифатида ном қозонганди. Саид Акрамхон Тўра кўз олдида катта бўлиб вояга етган Амир Ҳабибуллохоннинг отаси тахтини эгаллашида қаттиқ саъи ҳаракат кўргизди ва у Афғонистон подшоши деб эълон қилинди. Бироз вақт ўтгач, Саид Акрамхон Тўра сал ўзини четроққа торгмоқчи бўлди—да, истезфога ижозат беришларини сўраб подшога мурожаат қилди. Подшо бунга рози бўлмади, Саид Акрамхон Тўрани вазири аъзам мансабида қолдирди...

Мана шунга ҳам ўн етти йил бўлибди! Ўн етти йил... Саид Акрамхон Тўра назарида Амир Ҳабибуллохон худди кечагина тахтга мингандек эди. Ё, фалак!..

Бу орада жаҳон муҳорабаси бўлиб ўтди. Худоёрхон салтанатини хароб этган ўрис подшоши асфаласофилнинг равона бўлибди, лекин ўрнига бир болшавой деган зиндиқлар юрт бошига келган эмиш. Болшавой дегани — йўқсул, ялангоёқ дегани экан... Охирзамон яъжуж—маъжужлари шулармикин?..

## III

## МУСОФИРХОНАДА

Ана шундай кунлардан бирида Кобулнинг мусофирхонасига Ҳиндистондан Саид Маҳмудхон Тўра деган нафаси ўткир алломай замон, донишманди даврон келиб тушгани хабари вазири аъзам Саид Акрамхон Тўра қулоғига чалинди. Меҳмон асли Туркистондан экан.

Мусофирхона, уни ҳожихона ҳам дер эдилар, доим ҳажга бораётган, ҳаждан келаётганлар билан гавжум бўларди, у ерда Афғонистоннинг ҳамма пучмоғларидан ҳожилар тўпланишарди. Ҳожихонага келган янги одамлар хабарини ҳамиша вазири аъзамга етказиб турардилар. Вазири аъзам янги келган меҳмонни танимас эди. Аммо унинг Туркистондан эканлиги Саид Акрамхон Тўра кўнглини банд қилган барча саволу шубҳаларга таскин берар эди: у – ватандош...

Вазири аъзам ўзининг аробачиси қўқонлик Уста Маҳаммад Аминни зудлик билан ҳожихонага бориб, Ҳиндистондан келган меҳмондан ҳол сўраб, саройга таклиф этишни буюрди. Аробачи шу заҳотиёқ отланиб кўчага чиқди ва аробасини елдай учириб кетди. Ҳамма бу ароба кимга тегишли эканлигини яхши билар, дарров унга йўл бўшатарди.

Уста Маҳаммад Амин мусофирхона эшигидан ичкарига кирди—да, салом бергач, баланд овозда:

— Ҳиндистондан келган Саид Маҳмудхон Тўра деган ҳожи бормилар? — деб сўради, кейин қайдан садо чиқаркин, дея атрофга олазарақ қаради. Кимдир жойида ўтирар, кимдир ётибди, баъзилар эса ўзаро суҳбатлашишмоқда, тангир—гунгир авжида... Ҳамма бир лаҳза тўхтаб аробачига тикилди. Аммо ҳеч кимдан садо чиқмади.

— Ҳиндистондан келган ҳожи борми? Саид Маҳмудхон Тўра?.. — саволини такрорлади аробачи...

Бироздан кейин чап томондан шикаста бир овоз эшитилди:

— Мен бўламан...

Аробачи овоз чиққан томонга қараб юрди.

— Сизмисиз, Саид Маҳмудхон Тўра?.. Ассалому алейкум!

— Ва алейкум ассалом...

Саид Маҳмудхон Тўра йўл азоби — гўр азоби, деганларидай, сафар машаққатларидан ҳориб—толиб, бироз ўзини нохуш сезиб, чеккароқда кўрпага ўраниб ётарди. У, мени ким сўради экан, Кобулда ҳеч кимим йўқ эди—ку, дея ҳайратланарди.

— Вазири аъзам, ноиб Саид Акрамхон Тўра жаноблари сизни саройга таклиф этадилар... — деди Уста Маҳаммад Амин таъзим бажо келтириб. — Тезда олиб келишимни буюрдилар. Ароба ҳам ташқарида тайёр турибди...

— О... зарурати йўқ эди—ку... — дея олди холос меҳмон қўлини кўксига қўйиб. — Вазири аъзам қўп азият тортибдилар... қуллук...

Саид Маҳмудхон Тўра билдирилаётган иззату икромдан бағоят мутаассир бўлди, дарди аригандай, мусофирхонанинг тунд деворлари чекилиб, кенгликка чиққандай сезди ўзини.

\* \* \*

Кўзларида ўт чақнаган, боодоб, очиқ чехрали ўтгиз ёшлардаги ўрта бўйли бу мулло йигит Саид Акрамхон Тўрага ёқиб қолди. Суҳбатлардан маълум бўлдики, Саид Маҳмудхон Тўра водийдан, Наманганнинг Чуст шаҳридан экан. Илм йўлида риёзатлар чекмоқни кўнглига туғиб, аввал Бухорога, сўнг Маккаи Мукаррамага борибди, сўнг Мадинаи Мунавварани зиёрат этибди. У ерда машҳур шайх Ҳаққий Маккий Маданий Деҳлавий қўлида шогирдлик мақомига эришиб, етти йил Қуръон илми, ҳадис илми, фикҳ ва бошқа илмлар сирини ўрганибди. Етти марта ҳаж қилибди. Чамаси, ҳалигача сўққабош экан. Ватанга қайтиш илинжи бўлганидан рўзгор қилмаган кўринади. Агар Саид Маҳмудхон Тўра сингари олим бир йигит Кобулда қолса яхши бўларди,

бу ерда туркистонликлар сафи кўпайса айни муддао... Ўзи ҳам ҳозирча юртга қайтмоқчи эмас шекилли.

Саид Акрамхон Тўранинг Аҳмадхон деган ўғлидан бир қиз набираси бор бўлиб, бу палла бўй чўзиб даражаи камолга етиб қолган, битта—яримта оғиз очгувчилар ҳам чиқиб турарди. Вазири аъзам бир куни ҳеч иккиланмай Саид Маҳмудхон Тўрани ҳузурига чақиртирди ва бундай деди:

— Аллоҳ бандасига ҳамиша савоб ишлар қилишни буюради, Маҳмудхон. Мана илм риёзатини чекиб бир даражага эришдингиз, илло илм олмоқнинг, билмоқ ва ўрганмоқнинг чеки—чегараси йўқ. Бу умр бўйи давом этади. Лекин бандасига юклатилган бошқа вазифалар ҳам бордурки, уларни ҳам адо этмоқ фарз... А, лаббай?

— Албатта, албатта... — жавоб қилди Саид Маҳмудхон Тўра дабдурустдан гап нимада эканлигини фаҳмлай олмай. — Аллоҳ томонидан буюрилган вазифаларни бандалар адо этмоқлари шартдур, вазири аъзам жаноблари...

— Сизни ўзимга ўғил қилиб олсам, дейман. Гулдай набирам бор Моҳихон бегим отлиғ... Шунини сизга раво кўрсам, дейман... — Саид Акрамхон Тўра гапнинг пуқскаласини айтиб қўя қолди.

Саид Маҳмудхон Тўра чарсиллаб ёнаётган олов ёнида узоқ тургандай қип—қизариб кетди. У ҳар нарсани кутган бўлса ҳам, бу қадар меҳрибончилиги муруватни кутмаган эди. Ҳалигача рўзгор қилиш ҳақида ўйлашга фурсат топилмади. Ё, фалак! Бу таклифни мамлакатда нуфузи кучли Саид Акрамхон Тўрадек бир валлакатнинг ўзи қилаётир. Агар ушбу қутлуғ иш амалга ошса, у Худоёрхон авлодига куёв бўлади... Ватандан узоқда, мусофирчиликда азиятлар чекиб юрган бир ғарибга бундан ортиқ толе борми? Саид Маҳмудхон Тўра идрок этди: Саид Акрамхон Тўра, кўп оқибатли инсон, дунё кўрган қадхудо ватандошлик бурч—оқибати юзасидан бу ишга қўл урмоқда. Орада қариндош—уруғчилик риштасини маҳкамроқ боғлаш ниятида бегараз саби—ҳаракат кўргизмоқда... Шуларни ўйлар экан, юраги ҳаяжондан тобора қаттиқроқ тепа бошлади. Уялпанидан бошини ердан кўтара олмас, тилига ҳеч бир калима келмасди...

Саид Маҳмудхон Тўра ҳолатидаги ўзгаришларни зимдан кузатиб турган Саид Акрамхон Тўра ичида, тўғри ишга қўл ураётганига яна бир бор иймон келтирди.

Дунёда янги келин—куёвдан ортиқ бахтли инсонлар бўлмаса керак. Аллоҳнинг марҳамати билан Саид Маҳмудхон Тўра ва Моҳихон бегим ана шундай бахтга муяссар бўлган эдилар.

Тўйдан кейин бир ой ўтгач, Саид Акрамхон Тўра куёвини подшо Амир Ҳабибуллохон ҳузурига олиб кирди. Подшо заррин тахтда ўнг томонга ёнбошлаб ўтирар эди, вазири аъзамни кўриши билан ўнглиниб олди.

— Подшо олам! — тахтдан анча берида тўхтаб қўл қовуштирганча деди вазири аъзам. — Даромаддан сўнг, мухтасар сўз шулдирким, бу йигит, отлари Саид Маҳмудхон Тўра, куёвимиз, куёв эмас, балки ўғлимиздир. Мадинаи Мунавварада етти йил машаққат чекиб машҳури офоқ шайх Ҳаққий Маккий Маданий Деҳлавий каби улуғ зоти бо—баракотдан фатвою иршод олиб уламолар сафидан муқим жой эгалламишдир. Кобулда иқомат этмак ниятлари бордир. Бирга сиз жаноби олийларини зиёрат этмакка келибдурмиз...

Шу сўзларни айтгач, вазири аъзам Амир Ҳабибуллохонни тавоф эттали тахт пойига йўналди. Саид Маҳмудхон Тўра саломхонага кирганча, остона тагида турар эди. У вазири аъзам нима қилса шуни такрорлади — изма—из бориб подшо ҳазрати олийларига таъзим бажо келтирди ва юкунганча орта чекинди...

— Подшо ҳазрати олийлари! — деди яна Саид Акрамхон Тўра. — Сиз ҳамиша фуқароларингизга меҳрибондурсиз, жуда кўп бор бундай меҳрибончиликларингизнинг шоҳиди бўлганмиз... Офтоб янглиғ марҳаматингиздан жумлаи мўмин баҳрамандирлар. Раҳму шафқатингизни бизлардан дариг тутмассиз, деб умид қиламан. Куёвимизни раёнғиз сафига қабул қилишингизни ўғиниб сўрайман. Булар ёш рўзгордирлар, кулба—хоналари ҳам йўқ ҳозирча...

Подшо Амир Ҳабибуллохоннинг зиёратдан мамнун эканлиги кўриниб

турарди. Муомалалардан Саид Маҳмудхон Тўра вазири аъзамнинг подшо олдида ҳурмати баланд эканлигини фаҳмлади. Биринчидан, сўзлаганда вазири аъзам ўзини ниҳоятда эркин тугди, иккинчидан, подшо унинг биронта ҳам сўзига эътироз билдирмади, аксинча, маъқуллаб бош ирғаб ўтирди.

– Вазири аъзам жаноблари! – буюрди Афғонистон подшоси. – Кобулнинг мақбул жойларидан, шимол тарафдан бўлсин, куёвингиз Саид Маҳмудхон Тўра оиласи учун кенгроқ майдон, ер ажратиб бериш чораси кўрилсин. Бу фармонни ўзингиз назорат қилурсиз. Зудлик билан иқтоъ фармони тайёрлансин. Сониян, Саид Маҳмудхон Тўранинг уламо сафидан жой олганлиги таҳсинга сазовор ишдир. “Дорулмуаллимин” мактабимиз бор, “Ҳабибия” мадрасамиз бор... Ҳар икки мактаб ҳам илми ўткир уламога муҳтож. Мактабу мадрасада мударрислик лавозимига тайин этилсунлар! Узукка кўз кўйгандек бўлур, иншооллоҳ! Подшоликнинг илми, зеҳни ўткир кишиларга эҳтиёжи кўпдур...

– Давлатингиз, илоё, дунё тургунча турсин, подшо ҳазрати олийлари!

Саид Акрамхон Тўра ва куёв Амир Ҳабибуллохонни такрор тавоф этишга шошилдилар. Чиндан ҳам подшонинг марҳамати катта бўлган эди. Орқага чекинишар эканлар, Саид Маҳмудхон Тўра подшо жаноби олийларига ўз миннатдорчилигини фақат “Куллуқ!”, “Куллуқ!” сўзлари билан ифода қилди, ортигига журъати етмади...

\* \* \*

Саид Маҳмудхон Тўра “Дорулмуаллимин” маъҳадия мактабида катта мударрис лавозимида ишлай бошлади. Унга бу табаррук масканда узоқ йиллар хизмат қилиш насиб этди. “Дорулмуаллимин” мактаби ва “Ҳабибия” мадрасаси бевосита подшо назоратидаги юксак мақомдаги ўқув юртлари эди. Уларда мамлакатнинг гуллари – аҳли аён, бўлгуси давлат кишилари, амирлар, вазирлар, генераллар, мударрислар, фақиҳлар, муфтилар ва бошқа нуфузли кишилар таҳсил кўрар эдилар. Ўз фарзандларини бу мактабларда ўқитмоқ кўплар учун юксак мартаба, обрў саналарди. Табиийки, улар барчаси Саид Маҳмудхон Тўра сабоқларидан баҳраманд бўлишиб, билим олардилар, уни ўзларига устоз деб билардилар. Шогирдлар орасида турли авлод вакилларини учратиш мумкин. Мисол учун, Афғонистон подшоси Нодиршоҳнинг ўғли, кейинроқ узоқ йиллар Афғонистонга подшолик қилган Муҳаммад Зоҳиршоҳ етти-тўққиз ёшларида “Дорулмуаллимин”да Саид Маҳмудхон Тўра қўлида таҳсил кўрганди. Ҳатто, бир куни уйга берилган вазифани адо этмаганлиги учун Муҳаммад Зоҳир устози томонидан “қулоқ чўзиш”га раво кўрилганлигини ҳали-ҳали кулиб эслайдилар.

Алқисса, ёш келин-куёвларга подшо фармони билан катта ҳовлили ўн танобча ер ажратиб берилди. Бу жой ҳозирги Кобул аэропорти ҳудудида эди. Саид Маҳмудхон Тўра, юқорида таъкидлаганимиздек, Куръон илми, илми тафсир, илми ҳадис, фикҳ ва бошқа илмлардан теран билимга эга бўлганидан, ҳамда ўзининг Аллоҳга ҳам, бандасига ҳам ёқадиган феъл-атвори-ю инсоний фазилатлари, ҳалол ва покиза меҳнати туфайли саройда ҳамда авомуннос олдида катта обрў-эътибор қозона бошлади. Оқила ёстиқдоши Моҳихон бегим билан рўзгор аробасини юргизиб, ҳовли-боғларини обод этиб умргузаронлик қилдилар. Худо бир ўғил берди, унга Аҳмадхон деб от қўйдилар. У Худоёрхон авлодининг Саид Маҳмудхон Тўра оиласидаги биринчи вакили эди. Афсуски, Моҳихон бегимнинг умри қисқа экан, рўзгор қилганларининг тўртинчи йили оламдан кўз юмди... Биз Саид Маҳмудхон Тўранинг 1920–1930 йиллардаги ҳаёти тасвирига кейинроқ қайтамиз ва ўшанда батафсилроқ баён этамиз.

Саид Маҳмудхон Тўра шундан кейин Моҳихон бегимнинг синглиси Хосиятхонга уйланди. Уч йил рўзгор қилдилар. Афсуски, Моҳихон бегим билан Хосиятхон ўртасида ер билан осмонча фарқ бор эди. Кибрларга берилган Хосиятхон эрига қарашдан кўра кўпроқ ўзини ўйлар, ўзининг роҳатини, жонининг тинчини биринчи ўринга қўяр, ишни уч марта буюрилгандан кейин ҳам оғриниб адо этадиган, уйқучи бир аёл эди. Устига-устика, турмуш қурганларидан кейин уч йил ўтган эса-да, фарзанддан дарак бўлмади. Натижада майда-чуйда гаплар, жанжаллар келиб чиқа бошлади, “сен-мен”га боришлар кўпайди... Улар оқибатда ажрашиб кетинга мажбур бўлдилар.

## IV

## ЯНГИ РЎЗҒОР

Тақдир экан, Саид Маҳмудхон Тўра шу воқеалардан ўн беш—ўн олти йиллар кейин яна рўзғор қилди. Қайлиги андижонлик Иноятуллоҳ Тўра деган кишининг дилбанди бўлиб, Муаззиз хоним отлиғ ақлли, эсли—хушли, ҳусни—жамоли ўзига муносиб бир қиз эди.

Ўтган асрнинг ўтгизинчи йилларида даҳшатли қатағон шамоллари эса бошлади. Қатағоннинг этни жунжиктиргувчи совуқ изғиринлари кириб бормаган ўзбек хонадони йўқ эди ҳисоб. Бало—офатнинг яқин—ўртада бошларга ёғилишини олдиндан кўра олган айрим ақл соҳиблари вақтнинг борида хорижий элларга кетишни ўйладилар. Ва бу тўғри қўйилган қадам эканлигини кейин замон кўрсатди. Хорижга кетмаган оилалар эса мислсиз азоб тортидилар, ўз ерида сургунларга дучор этилдилар. Хусусан, Фарғона водийсидан Сурхон воҳасига, Мирзачўл ерларига кўчирилиб бесаранжом бўлган жуда кўп оилалар тақдир ҳақида аччиқ қиссалар ўқувчиларга яхши маълум...

Мисолни йироқдан излаб юришнинг ҳожаги йўқ. Масалан, машғум қатағон бизнинг оилани ҳам четлаб ўтмади. 1932 йилда “қулоқлар” сиёсати авжга миниб, юзлаб, минглаб оилалар Украинага қувғин қилинди. Ажабо, бу ҳукумат фуқаролари бой бўлса ёмон кўрар, камбағал бўлса олқишлар эди, шу важдан ҳам унинг номини “йўқсулар мамлакати”, деб атардилар. Қувғин қилинганлар орасида она томондан бобом Эгамназар сўфи ва энам Хосият отин Қобил қизи оиласи ҳам бор эди. Улар уч норасида қизлари — Турдихол(бўлажак онам, шу пайт тўқиз ёшда эдилар) ва сингиллари Ўғилой билан Унсинойлар Украинанинг Херсон вилоятидаги Каховка қишлоғида мусофирчиликда ўн олти йил кун кечирдилар. Қизларга қўйилган исмларнинг ўзига хос тарихи бор. Фарзандлари турмаганларидан, қизларини “Турдихол”(яъни турсин, ўлмасин маъносида), кейингисини ўғил кутган эдилар, шунинг учун “Ўғилой”, учинчиси яна қиз бўлганли учун, майли, униб—унсин маъносида “Унсиной” деб аташган эканлар... Онамлар еттинчи синфни битиришгач, бобом, бизнинг энди пешонамизга мусофирчилик битган экан, болаларимиз биздан кейин бу ерларда қолиб кетишмасин, Ватанга қайтишсин, дея, Украинада ўзбекча юқори синфлар бўлмаганини баҳона қилиб 1938 йилда ўқишни давом этдириш учун Ўзбекистонга қайтариб юборганлар. Бобом гурбатда ғарибликнинг оғир юкини кўтара олмай ўша ерда қазо қилдилар. Энам Хосият отин — у киши саводли, чуқур диний билимга эга оқила аёл бўлиб, кейинлари менга кўп китоб ўқиб бергандилар, китоблари кўп эди. Адабиётга қизиқишим, балки, шу Хосият отин энам туфайли пайдо бўлгандир, деб ўйлаб юраман. Хосият отин икки қизлари билан бошқа ватандошлар қатори 1948 йилдагина Ватанга қайтиб келдилар... Булар мамлакат ичида кечган минглаб саргардонлик воқеаларидан бири холос.

\* \* \*

Бошқа мисол.

Муаззиз хонимнинг отаси андижонлик Иноятуллоҳ Тўра оиласи эса ўша даврда шўролар зулмидан азоб чекиб Ватанни бутунлай тарк этишга мажбур бўлди. Саргардон оила 1932 йилда кўчиб келганича Кобулда истиқомат қила бошлади. Муаззиз хоним вояга етгач, уни Саид Маҳмудхон Тўрага узатдилар. Умуман, Иноятуллоҳ Тўра ўша вақтда Шарқий Туркистондаги туркчиликнинг таниқли сардорларидан бири, балки етакчиси Алихонтўра Соғунийга қариндош бўлади, улар орасида, тақдир уларни қайси мамлакатга отмасин, хеш—ақраболик алоқалари асло узилган эмас, бир—бирларидан хабар олиб турардилар.

Парвардигор Саид Маҳмудхон Тўра билан Муаззиз хонимлардан ўз марҳаматини дариг тутмади: уларга олти фарзанд — беш ўғил ва бир қиз ато этди. Биринчи фарзандлари ўғил эканлигини билганларида Аллоҳга шукрлар



қилдилар, зеро ўғил – авлодлар давомчиси: Ватанга душман бостириб келса даставвал ўғил қўлига қурол олади, дунёнинг оғир ташвишларида даставвал ўғил забардаст елкасини қўяди, Амир Темур соҳибқирон айтганларидай, “миллатнинг дардларига дармон” бўлади, номингни ўчирмай авлодларга етказди. Туркистон дардларини аритиш учун даставвал ўғиллар керак, ақлли ўғиллар, мард ўғиллар!.. Ана шундай ўғилларни дунёга келтирмоқ ва тарбиялаб вояга етказмоқ учун оқила қизлар, доно аёллар лозим, меҳрибону мушфиқ оналар керак!.. Бунда тарбия, тарбия ва яна тарбиянинг муҳимлигини эсда тутмоқ зарур. Билишимиз лозимки, ўғилни тарбия қилсанг бир одамни тарбия қилган бўласан, қизни тарбия қилсанг бир авлодни тарбия этасан..

Саид Маҳмудхон Тўра шулар ҳақида ўйлаганида негадир хўрсиниб қўяди, кўз олдига Туркистон, она тупроқ, мозийнинг турфа хил манзаралари келади. Тахт учун таллашиб қирпичоқ бўлган оға–инилар, фарзандлар камолини ўйламаган оталар, билиб–билмай англашилмовчилик орқасида фитначилар тузоғига илиниб, суюкли набираси Мўмин Мирзони қатл қилдирган Султон Ҳусайн Бойқаро каби подшолар, “бу беш кунлик ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шаҳид қилган” (Заҳириддин Муҳаммад Бобур таърифи), яъни Улуғбек Мирзони ўлдирган падаркуш Абдуллатиф каби ноқобил ўғиллар... Мана, Афғонистон подшоси Амир Ҳабибуллохон ҳам “фарзанди аржуманди” Омонуллохон шаҳид этди... Тарихда Абдуллатифлар, Омонуллохонлар оз эмас. Сосонийлар сулоласидан бўлган шахзода Шеруя ҳам падари бузруквори Кубод Биринчини(498–531 йилларда яшаган) ўлдириб, тахтни эгаллади, аммо салтанати олти ойдан нари ошмади, вабога учраб оламдан ўтди. Аббосийлардан Мунтасир ҳам 861 йили отаси Мутаваккилни шаҳид қилиб халифа бўлди, аммо қисматни қарантки, у ҳам олти ойдан ошмай дунёдан кўз юмди. Бу “беш кунлик ўтар дунё” падаркушларга вафо қилдими? Кимга вафо қилди ўзи?.. Амир Омонуллохон ҳам охир–оқибатда мамлакатдан қувилиб, элнинг қаҳридан қочиб баъзўр жон сақлади.

Аммо қисматдан қочиб қутула олмади: яна тахтга қайта минишни ўйлаб, ўйининг тагига етолмай, 1960 йилда Цюрихда мусофирчиликда хор–зор бўлиб қаза қилди..

Бейхитёр бир нарса Саид Маҳмудхон Тўранинг ёдига тушди. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам машҳур Уҳуд жангига кирганларида қўлларида тутган қиличда шундай сўзлар ёзилган экан:

“Фил жубуни орун ва фил иқдоми макруматун,  
Вал маръу би жубуни ло янжу минал кадари”.

Яъни: Кўрқоқлик номус келтирур, ботирлик давлатга еткарур,

Кўрқиб қочмоқ билан ҳеч киши тақдирдан қутула олмас..

“Ҳабибия” мадрасасининг мударриси Расулиллоҳнинг бу ҳикматли сўзларини сабоқларда тез–тез такрорлаб турар эди.

Саид Маҳмудхон Тўра худодан сидқидилдан ўғил тилаганди, юртини севгувчи, у юрт учун жон тортгувчи, миллатнинг оғирини енгил қилгувчи бир инсон бўлса деб умид қилади. Қайси ота шундай умид қилмайди ўзи?.. Умиддан умид туғилади. Не бўлса ҳам, умиддан умид... Шукурким, ўғил туғилди. Биринчи ўғилга Нусратилло Тўра деб от қўйдилар, у 1940 йилда таваллуд топди. Кейинчалик Насруллоҳ Тўра деб атаб юбордилар, хуллас, ҳар икки нома мурожаат қилсалар ҳам, “лаббай” деб жавоб берадиган бўлди.

Саид Маҳмудхон Тўра ёсиқдошидан, шифта аҳтиёт қилиб осиб қўйилган гулдор халпачадаги тупроқни сўраб қолди. Бу “хоки пок” она тупроқ Фарғона водийсидаги Намангандан, Чуст заминидан олиб келинган эди. Муаззисхоним ундан докага бир кафт солиб, учини боғлаб чақалоқни “тупроқдай” бошлади. “Илоё, она тупроқ сени бало–қазолардан асрасин, тўрт мучангни соғ–саломат қилсин!” дер эди онаизор Насруллоҳнинг баданига суюб тупроқ сепар экан. Ота чақалоғига тўймай қараб турарди. Ушбу гулдор халпачадаги тупроқ ўз вақтида Саид Маҳмудхон Тўранинг ҳамма болаларига ҳам асқотди, уларга “хоки пок” вазифасини адо этди.

Биринчи ўғил туғилган паллалар Ватан тарафидан келган “тиқ” этган сасга

ҳам ташна Саид Маҳмудхон Тўра бири—биридан хунук хабарлар эшитар, эшитган сайин кўнгли эзилар эди. Мана энди фурсат ҳам келиб қолди, тез кунларда она юртимга қайтаман, дея умидларга боғланиб яшаётган одам учун бу нарсалар бағоят нохуш ҳодиса эди. Ўзбекистонда даҳшатли қатагон замони ҳукм сураб эмиш. Сталин деган бир баттоли лаъийн сиёсатидан кўп оилалар нотинч, Файзулла Хўжаев, Акмал Икромов каби раҳбарлар, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирӣ, Абдулҳамид Чўлпон сингари миллатнинг гуллари бўлган адиблар ҳибса олинган эмиш... У Бухорода бир йил истиқомат қилган вақтида Маҳмудхўжа Бехбудий муфтий, Абдурауф Фитрат номлари одамлар оғзида юрганлигига шохид бўлганди.

Хабарлар орасида озгина бўлса—да кўнглига нур бергувчилари ҳам бўларди. Жумладан, Катта Фарғона канали қурилганлиги ҳақидаги хабар ана шундайлар сирасига кирарди. Бир пайтлар Худоёрхон Улуғнор ариғини, уни Хонариқ ҳам дейишади, қаздирган эди, аммо сув Кўқонга етиб бормаганди шекилли... Энди бугун Ўзбекистон халқи жам бўлиб, тумонат одам Норин дарёдан Катта сув оладиган ариқ, сой қазибдилар, номи канал эмиш. Бугун водийни кесиб ўтадиган бу канал бор—йўғи қирқ беш кунда қазилиб, ишга туширилибди. Салламно! Халқнинг оғирини енгил қилади. Энди водийдаги чўл—дашт ерлар сув келиб боғ—роғларга айланади...

## V

### САИД МАҲМУДХОН ТЎРА

Бироз олдинроққа қайтамиз...

Фарғона водийсининг шимолида Сирдарёдан тепароқда Чуст деган ажойиб шаҳар бор. Кўп азиз—авлиёларнинг табаррук қадамлари етган бу шаҳарда, ҳозирги Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий боғи ўрнидаги ҳовлида Саид Исҳоқхон Тўра деган кишининг оиласи ҳам истиқомат қиларди.

1887 йилнинг баҳори, оилада иккинчи ўғил дунёга келди. Унга Маҳмудхон деб исм бердилар.

Маҳмудхон болалигиданоқ ўзининг ғаройиб саъжияси, тутуми билан ота-она-ю қариндош-уруғларини ҳайрон қолдирарди. У камгап, хаёл суришни яхши кўрар, тенгкур болаларга ҳам кўпда қўшилавермас, ўйин—қулгуларга унча ҳуши йўқ, аксар ҳолларда уйга кириб олиб китоб varaқлашни ёқтирарди. Ҳарф танибдики, иши шу: қаерда китоб бўлса топиб келиб ўқийди, китобдор одамларга яқин бўлишга тиришади, бировдан китоб сўраб олишдан ҳеч тортинмайди. Баъзилар унинг китобга бўлган иштиёқини кўришиб битта—яримга китоб ҳам совға қилишарди, унда—бунда кўлига холис китоблар ҳам тушиб қоларди.

Бир куни шаҳардаги мўъжазгина китоб дўконига кириб, Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг “Насойим ул—муҳаббат” рисоласини топганидан боши нақ осмонга етди. У кўпдан ушбу китобни излаб юрар, уни мазза қилиб ўқиб чиқиш орзусида эди. Шундай қилиб юриб унинг ўзида ҳам бир неча китоб жам бўлиб қолди. У китобларини кўриб беҳад қувонарди. Маҳмудхоннинг китоб мутолаасига бунчалар қизиқишининг яна бир сабаби, онаси Адибахон аянинг диндор, ўқимишли аёл бўлганидан ҳам эди. Аянинг сандиғида анча—мунча китоблар сақланарди. Ўзи Чустада адибалар қаторида саналар, исмига муносиб отинлардай кўп китоб мутолаа қилар, ғазаллар ёзиб турарди. Она—бола кўпинча бирга китоб ўқишарди, Адибахон ая ўқиб берарди, ўғли тингларди. “Ҳафтияк”, “Чор китоб”, “Мавлуди шариф”, “Нуринома”, “Маликаи Дилором” китобларини ана шундай бирга мутолаа қилишди. Бу Маҳмудхоннинг энг маъсуд онлари эди. Ая, айниқса, Ҳазрат Али билан Биби Фотима тўйлари ҳақидаги китобни қироат қилиб ўқишни ёқтирарди. Биби Фотимани узатиб бораётганларида айтиладиган ёр—ёрларга келганда ҳаяжонлари яна ҳам ортар, кўзларига ёш келиб кетарди. Чустлик аёллар давраларида бўлган китобхонликларда ҳам у ёки бу китобни ўқиб беришни ҳамийша хушвоз Адибахон аядан ўгинар эдилар.

Бироқ китобларга бўлган қизиқиш кутилмаганда оилада низо келтириб чиқарди. Гап шундаки, Маҳмудхон уззукун фақат китоб ўқиш билан банд бўлар, уй ишларига эса қўли тегмасди. Бундай аҳволдан даставвал унинг акаси Аҳмадхон норизо бўлди.

– Нима учун сен ҳеч уй ишларига қарашмайсан? – деб сўради бир куни у Маҳмудхонга жиддий тикилиб.

– Вақтим йўқ.. – жавоб берди соддагина қилиб Маҳмудхон. – Кўп китоб ўқишим керак...

– Кўп китоб ўқиш билан бир иш бўладими? – жаҳли чиқди Аҳмадхоннинг. – Ҳамма иш менга қолиб кетди. Бундай ёрдам берай демайсан ҳам...

– Айтдим—ку, кўп китоб ўқишим керак, деб...

– Тентакмисан, соғмисан, нимасан ўзи? Тавба... Бўлмаса... Ўн саккизга кириб қўйдинг, ука... Ёш болага ўхшамай ўзингни ўнгла—да энди!

– Китобни яхши кўраман... – бўлаётган гапларни эшитмагандай пинагини бузмасдан деди Маҳмудхон. – Уларда кўп маъно бор. Фақат ўқиш керак холос... Оҳ, уларнинг завқи бошқача...

Укасининг бундай тугумидан Аҳмадхоннинг фиғони фалакка чиқди. У бирдан югуриб Маҳмудхоннинг китоблари турадиган хонага кирди. Йигирмага яқин китоб дераза тоқчасида тахланиб ётарди. Китоблардан қўлига сиққанича олиб шифтсизлик билан йирта бошлади. Ҳар йиртганда: “Мана сенга!”, “Мана сенга!..” дер эди. Аҳмадхон қилаётган ишини англамаётгандай кўринарди кишига. Маҳмудхон жонҳолатда акасига ташланди, ака—ука китоб торққилаша кетдилар. Аҳмадхон ёши катталигига борди, укасига бўй бермади, ҳаш—паш дегунча учта—тўртта китобни йиртиб ташлади...

Маҳмудхоннинг ранги докадай оқариб кетди! У бу қадар шаккокликни кўриб ҳайратда қолиб қолганди.

– Китобни йиртмангиз, ака!!!.. – қичқариб юборди у ҳансираганча. – Китобни йиртмангиз!.. Китоб уради! Қўрқмайсизми? Китоб ёмон уради!..

Аҳмадхон бирдан тўхтади, қўлига олган навбатдаги китобни қайтариб жойига қўйди—да, индамасдан чиқиб кетди. Маҳмудхон йиғламсираб йиртилган китобларни битта—битта йиғиштира бошлади.

Низо шунинг билан тинмади, аксинча, катталашиб, гап ота—оналар қулоғига етиб борди. Аҳмадхон Маҳмудхон масаласини кўндаланг қўйди:

– Маҳмудхондан норозиман, – деди шартга у отаси Саид Исҳоқхон Тўрага қараб. – Уни тартибга солиб берингиз, эй падари бузруквор! У дангаса, китобни баҳона қилиб ишга қўл урмайди, чўпни бир ердан бир ерга олиб қўймайди. Бу қанақаси бўлди?.. Уйдаги ҳамма ишни мен қиламан. Сув ташийман, мол—ҳолга қарайман, ер чопаман, ўтин ёраман, тегирмондан ун кўтариб келаман, тандирга ўт ёқаман; боғнинг ҳамма иши ҳам менга қараб туради... Гап шу: Маҳмудхон ё уй ишларида менга қарашсин, ё уйдан...

– Ҳой болам, ундай дема! Ундай дема!.. – деди Адибахон ая. – “Ё уйдан...” деганинг нима деганинг? Ака укасига бундай демайди. Шарт қўйма, болам, шарт қўйма! Яхши эмас—да... Маҳмудхон нима қилти?..

– Сиз аралашмангиз, аяси, – деди босиқ Саид Исҳоқхон Тўра. – Доим қўшилишиб турасиз... Хў куни ҳам шундай воқеа бўлиб ўтганди... Аҳмадхон тўғри айтаётир. Акаси—да, тергашга ҳақи бор. Китоб ўқимасин, демайман, ўқисин, лекин бундай уй ишларига ҳам қарашиб турсин—да! Инсоф сари барака, деганлар. Кейин қандай тирикчилик қилади? Ахир китоб ўқиб ётавериш қорин тўйғазмайди—ку! Бундай иш қилиб ўргансин—да. Эл—юрт олдида ахир уят, уй қилса бўладиган кап—катта йигит китоб варақлашдан бошқани билмаса...

Орага жимлик чўқди. Маҳмудхон бошини эгганча, индамай ерга қараб ўтирарди.

– Йўқ, бундай бўлмайди, – давом этди Саид Исҳоқхон Тўра. – Ўзингни тузат, ўелим. Вақтни кеткизма!

– Китоб ўқиса ёмон эканми?.. – Адибахон ая яна гап қўшганини билмай

қолди. Одатда, шундай низоларда онаизор доимо, айбдор бўлса ҳам ёлғиз қолган фарзандининг ёнини олади, ҳимояга шошилади. Ахир қандай қараб турсин? Рўзи азалдан оналарнинг насибаси шу...

– Майли, аяжон, ташвишланмангиз... — деди шу пайтгача жим ўтирган Маҳмудхон Адибахон аяни юпатгандек. — Хаёл қилдимки, олдимда узоқ йўл турибдир. Ўкинчимни ичимга ютаман, бошқа ҳеч нарса дея олмайман...

Адибахон ая ўғлининг катта одамлардек гапирган гапларидан ҳайрон эди. Бошқалар ҳам ҳайратга тушдилар. Қанақа узоқ йўл турибди экан олдида?.. Нега турар экан? Бу нима дегани?..

\* \* \*

Аразчи ўғилнинг кейинги тутуми бундан ҳам ғаройиброқ бўлдики, ота-она ёқа туғиб қолдилар. Маҳмудхон индамай жаъми китобларини олиб, худди дарвишлардай тузардаги хароботи чойхонага кўчиб кетди... Бу ер ҳамиша аҳли харобот — дарвишлар, қаландарлар, девоналар билан гавжум эди. Маҳмудхон кимсага парво қилмай чойхонанинг бир бурчагида қаттиқ муголаага берилди. Энг кўп муголаа қиладиган китоби Куръони карим эди. Ўқиганда, Аллоҳнинг каломи унинг бугун борлигини сеҳрлаб ташларди. Гўзал ояларнинг теран маънолари бамисли тубсиз уммондай унга бўй бермас, Маҳмудхон эса уммон тагидаги дурни олмоққа қатъий бел боғлаган гаввосдай ҳаракатдан қолмасди. У “Ҳаж” сурасига бағоят мафтун эди, айниқса сўнгги уч оят унинг дил-дилини ифода қиларди. Аҳд этдики, шу уч оятни ҳамиша айтиб юрсин. Шундан сўнг ҳар намозда ушбу оятларни такрорлайдиган бўлди. Ибодати ўша оятлар ўқиши билан тугал бўлар эди унинг назарида.

Маҳмудхон хароботи чойхонада бир кунгина бўлди холос...

Акаси эртасигаёқ уни йўқлаб келди. Саид Исҳоқхон Тўра шитоб бориб Маҳмудхонни қайтариб келишга буюрганмишлар. Аялари Адибахон Маҳмудхоннинг уйдан чиқиб кетишига бепарво қараб турган оталаридан норози бўлибдилар, гап билан узиб-узиб олибдилар, бироз “сен-мен”га ҳам борилибди. Аялари: “Маҳмудхонни қайтариб олдириб келмасангиз, ўзимни бир нарса қилиб қўяман”, деб йиғлаб берибдилар. Хуллас, кўнгилхирачилик бўлиб ўтибди. Аҳмадхон уни олиб кетгани келибди...

– Китобларингни йиғиштир, тезроқ борайлик, ука... — Аҳмадхон шундай дер экан, аввал юз берган гап-сўзларга ишора ҳам қилмади, ўзини гўё Маҳмудхон билан ораларида ҳеч нарса бўлмагандек тутди. — Аялар қаттиқ интиқ бўлдилар, болам хароботи чойхонада қандай ётдийкин, деб...

Маҳмудхон ҳеч нарса демади.

Ака-ука уйга отландилар...

Уйда бамисли байрам бўлиб кетди.

Ўша кунларда нимадир бўлиб, ҳовлидаги омборнинг калити йўқолиб қолди. Чунон изладилар, калит ерда ҳам, осмонда ҳам йўқ эди. Бундан хабар тошган Саид Маъсумхон эшон, шайхулислом, Маҳмудхоннинг бобоси, бундай маслаҳат берди:

– Агар омборнинг олдига бориб Ҳазрати Мусо алайҳиссаломнинг волидаи муҳтарамалари номларини айтсангизлар, кулф ўз-ўзидан очилиб кетади...

Шайхулислом бу сўзларни жиддий айтдими ёки бир хоҳиш сифатида дедими, буни била олмадилар. Ҳаммани паришонлик чулғади. Сўнг барча фурсатни ўтказмай, калит қолиб Ҳазрати Мусо алайҳиссалом оналарининг исмларини излашга киришиб кетди. Исм топиш калит топишдан ҳам мушкул эди, уни ҳеч ким билмасди. Ҳамма энди, сен кўп китоб ўқигансан, биласан, қани, топиб бер-чи, дегандай Маҳмудхонга умид кўзларини тикди.

Муборак исми излаб топиш гапи чиқиши биланоқ, биров айтмаса ҳам Маҳмудхоннинг фикри-зикри ушбу қулуг вазифани адо этишга қаратилганди. Аммо унинг муголаа қилган китобларида, қиссаларда Исо алайҳиссалом, Муҳаммад алайҳиссалом оналарининг табаррук исмлари бор эди-ку, бахтга қарши, Мусо алайҳиссалом волидаи муҳтарамаларининг номлари учрамасди. Балки бу ном умуман китобларда қайд этилмагандир ҳам, ким билсин? Валлоҳи аълам биссаваб.

Маҳмудхоннинг тутуми яна ҳаммани ҳайратда қолдирди. У бироз ўйланиб турди-да, қатъият билан омбор олдига келди ва чўк тушди. Ҳамма уни кузатиб турарди. Қўлларини фотиҳага очаркан, ўзича нималарнидир пичирлаб, сўнг “Аллоху акбар” дея юзига торғди. Кейин хотиржамлик билан “Ҳаж” сурасининг доим ардоқлаб ўқиб юрадиган охириги уч ояти қироатига киришди:

– Аузи биллоҳина-аш шайтонир ражим, бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм...

Маҳмудхоннинг овози қориларники сингари ширали эди. Бутун ҳовлини Куръон каломлари тутди. Саид Исҳоқхон Тўра ўглининг чиройли қироат қилаётгандан ичида мамнунлик ҳиссини туйди, меҳри товланиб “Умрингни берсун!” деб қўйди. Адибахон аянинг эса чиройли кўзлари қувончдан аста-секин ёшга тўлиб борарди...

Қироат тугаб, фотиҳага қўл тортилгач, Маҳмудхон акасига деди:

– Қулфга уриниб кўрингиз, иншоолло, зора очилган бўлса...

Аҳмадхон, қўлида мих, истар-истамас қулф томон йўналди, аммо бир иш чиқишига ҳеч ишонмасди, чунки кўп ҳаракатлари зое кетганди. Ажабо! У михни қулфга солиши билан қулф очилиб кетса бўладими! Қулф очилган эди!

Ҳамма ҳайратдан ёқа ушлади.

– Қандай қилиб очдингиз, ўғлим? – сўради Саид Исҳоқхон Тўра.

– Ҳа-ҳа, қандай қилиб очдинг, болам? – савол берди Адибахон ая ҳам.

– “Ҳаж” сурасидан тиловат туширдим. Аллоҳнинг қудрати билан шу иш юз берди... – хотиржам жавоб қилди Маҳмудхон.

– О, сиз кароматли бола экансиз-ку! – дея олди холос падари бузруквор.

– Вой болажоним-ей! – Адибахон ая эрига юзланди. – Айтдим-ку сизга...

– Тушундим, тушундим... – хотинини тинчлантирди Саид Исҳоқхон Тўра, унинг гапхонаси очилиб кетишининг олдини олиб. – Аяси, кулоқ берингиз. Маҳмудхон ажойиб илм соҳиби бўлади, иншооллоҳ. Унинг мутолааси учун алоҳида шароит керак. Хў-ў-ўш... Ҳовли этагидаги уйни сенга бераман. Ўша ерда бемалол китобхонлик қилаберасан, болам...

Саид Исҳоқхон Тўра боғнинг бурчагидаги, қачонлардир, балки бобокалони Мавлоно Лутфуллоҳ Чустий замонларидами қурилган айвони бор, бир хонали пахса уйни кўрсатди.

– Барака топингиз, дадаси! – Адибахон ая шодликдан ўзини қайта қўйишни билмасди.

Маҳмудхон бундай илтифотни кутмаганди, валинеъматларидан бағоят миннатдор бўлди, шитоб бориб падари бузруквор тўнининг пешини ўпди. Ҳамма хурсанд эди.

Маҳмудхон ихлос билан ўша уйни оросталашга киришди. Аҳмадхон ҳам ўз ёрдамини аямади.

Тақдир тасодифларга тўладир.

Кунлардан бир кун қизиқ ҳодиса рўй берди.

Ҳалигача Маҳмудхон бундай синоатни бошидан кечирмаганди.

Чошгоҳ маҳали...

Маҳмудхон, одатдагидек, Куръони каримни мутолаа қилиб ўлтирарди. Дарчадан боғдан нари ҳовли юзид акаси Аҳмадхоннинг қандайдир ишлар билан куймаланиб юрганлиги кўриниб турарди. Осмон тип-тиниқ, дарахтлардаги қушлар валфарж айтиб чучут отардилар. Маҳмудхон “Бақара” сурасини ўқиб тутатгач, бироз кўзи кетгандай бўлдими... Бирдан қаршисидаги девор ёрилиб, ундан оқ ридога чулганган ошпоқ соқолли бир нуруний мўйсафид чиқиб келди! Маҳмудхон таниди: бу мўйсафид, у аниқ биледи, Хизр алайҳиссалом эди! Ҳа, ҳа!.. Хизр алайҳиссаломни ҳамиша шундай таъриф қиладилар, Маҳмудхон бу ҳақда кўп бор ўқиган...

Кўркувдан ҳангу манг Маҳмудхон ўтирган жойида қотиб қолди! Ажабо, бу не сир-синаот? Тушмикин? Тушга ҳам ўхшайди, ўнгга ҳам... Хизр алайҳиссалом унга: “Ўқи! Кўпроқ ўқи! Узоқларга бориб ўқи! Офарин сенга!” деди. Кейин қандай пайдо бўлган бўлса шундай кўздан ғойиб бўлди...

Бунинг бари бир лаҳзада юз берди.

Маҳмудхон бутун аъзои баданида қалтироқ сезди. У гўё сеҳрланиб қолгандай

эди. Баъзур ўрнидан турди-да, ота-онаси олдига йўналди. Бораркан, кўнглидаги фикр яна ҳам қатъийлаша бошлади: ҳа, таҳсил олмоқ учун, илм изламоқ учун албатта номи чиққан катта шаҳарларга, масалан, Бухоройи шариф, Маккаи Мукаррама, Мадинаи Мунаввара каби шаҳарларга бориб ўқиб келиши зарур. Ҳозирги фаройиб ҳодиса ҳам ана шунга ишоратдир. Аллоҳнинг ўзи йўл кўрсатмоқда...

Адибахон ая ранги опшоқ оқариб кетган ўглини кўриб кўрқиб кетди. Онаизор кейинги пайтларда ҳамиша ўгли билан боғлиқ турли сир-синоатлар, гаройиб воқеалар юз беришини кутиб юрадиган бўлиб қолди. Энди ажабланмай ҳам кўйди. Ишқилиб, тинчлик, омонлик бўлсин...

У ўглидан ҳол-аҳвол сўрашга шошилди:

– Нима бўлди, ўғлим? Нима бўлди? Рангингда ранг йўқ....

Шу пайт ичкаридан Саид Исҳоқхон Тўра ҳам чиқиб келди. Ўзини анча босиб олган Маҳмудхон ҳозиргина хароба кулбасида аён бўлган нарсаларни ҳаяжонланганча, оқизмай-томизмай айтиб берди. Кейин қўлини кўксига қўйиб босиқ деди:

– Эй, падари бузрукворим! Эй волидаи муҳтарам!

Тушимдамас, ўнгимда Ҳизр алайҳиссаломни кўрдим... У менга, ўқи, узоқларга бориб ўқи, деди. Ўқипим керак. Хаёл қилурменки, истиқболда узоқ йўл турибдир... Илм сирларини чуқур ўрганмоқ учун Бухоройи шарифга бормоқни истайман. Барчаси анинг ишоратидир...

Ота-она эшитганларига ишонишни ҳам, ишонмасликни ҳам билмай бир-бирларига ҳанг-манг қараб қолдилар. Ўғлимиз савдойи бўлиб қолмадимикин, деган фикр ҳам гоҳ-гоҳ уларнинг хаёлларини бўлар эди. Яна қандайдир узоқ йўл ҳақида гапиряпти... Қанақа йўл?... Водариғо!..

Шу палла Маҳмудхон ота-она хаёлларини бўлиб, кутилмаганда қатъий бундай деди:

– Менга ризолик билан оқ фотиҳа берсангиз, сафарга отлансам, аини мудлао бўлур эди...

Саид Исҳоқхон Тўра билан Адибахон ая чунон уринсалар ҳам тақдир ҳукмига қарши бора олмасликларига кўзлари етиб турарди. Ҳа, фарзанд бамисли қуш: палапонлигида бағрингда бўлади, болупари бақувват торттач, бағрингда олиб қололмайсан. Унга энди парвозлар керак, юксак, юксак парвозлар... Ҳаётнинг шафқатсиз ва адолатли ҳақиқати шу. Буни Аллоҳнинг буюргани, деймиз ва кўнглимизда биров таскин пайдо бўлгандай туюлади...

Адибахон аянинг ташвишлари кўпайди. Боласига сафар анжомларини тайёрлаши лозим, кийим-кечак дегандай... У иккита муллавачча ёқали оқ шоҳи кўйлак тикди, – шундай кўйлақлар Адибахон аяга жуда ёқарди, айниқса, ўғлинг шундай кўйлак кийиб юрса қандай яхши! Яна кўк мовутдан камзул қилди. Сурмаранг шоҳи салла мўлжаллаган эди, ўйланиб қолди: Маҳмудхонга бундай саллани ўрашга ҳали эрта... Унга, яхшиси, мисқоли оқ салла қўйиб қўйгандай ярашади. Асосан китоблар билан тўлган хуржунга, шунингдек, иккита чит яктак-лозим ҳам солди, Чуст бозоридан мазангдан сотиб олган чиройли икки кўзмунчоқни ҳам қадаб қўйди. Саид Исҳоқхон Тўра сафарга етадиган ақча ҳозирлади. Шу орада Чустдан бир карвоннинг Бухорога бораётгани ҳақида хабар топдилар...

– Соғ-саломат бўл! Аллоҳ ўз паноҳида асрасин! Ўқиб олим бўлиб қайт, ўғлим! – деди кўнгли эзилган падари бузруквор, секин дастрўмолига қўл чўзиб...

– Ой бориб омон қайт, болажоним! Кўзларимиз йўлингда бўлади, унутма! – зорланиб қолди волидаи мушгипар рўмол учи билан кўз ёшларини артиб...

– Хуш қолингиз, валинеъматларим! – ингради дили пора-пора бўлган фарзанд. – Дийдор кўришпунча! Тезда қайтиб келурман, худо хоҳласа!..

Маҳмудхонни ота-онаси, акаси, бошқа қариндош-уруғлар кучоқлашиб кўзларида ёш билан кузатиб қолдилар.

Бу хайрлашув тақдир тақозоси билан уларнинг сўнгги дийдорлашувлари эканлигини шу палла на Саид Исҳоқхон Тўра, на боламини узоғи билан бир йилдан кейин кўраман, деб умид қилган Адибахон ая ва на Маҳмудхоннинг ўзи билар эдилар.

Шу кетганча Маҳмудхонга она юртга қайтиб келиш насиб этмади...

## VI

## МУРОДГА ЕТГАН МУРИД

Кунлардан бир кун шайх Ҳаққий Маккий Маданий Деҳлавий сабоқдан сўнг, пешин намозини ўринлатишгач, шогирдларига бундай деди:

– Устознинг муроди муридини муродга етказмоқдир.

Етти йилдурки, сабоқдадурсизлар. Туркистоннинг Чуст шаҳридан келган шогирдимиз Саид Маҳмудхон Тўра ўн олти марта чилла ўлгиришга журбат этдилар, бу йўлда тўхтамадилар, оқибатда илмнинг ошкор нуқтасига етдилар, олим бўлдилар. Бас, энди амалга ўтмоқ вожибдур. Расули Акрамнинг: “Ўқиган илми фойда бермаган олимнинг қиёматдаги азоби қаттиқ бўлур...” деган сўзлари бор. Ҳай-ҳай!.. Аллоҳнинг ўзи асрасин. Хужжат ул-ислом Муҳаммад ал-Ғаззолий айтадилар: “Юз йил ўрганиб, минг китобни жамулжам этсангу амал қилмасанг, Аллоҳнинг раҳматига умидвор бўлишга ҳаққинг йўқ!..” Ушбу каломларнинг мағзини чақсунлар!

– Офарин!

– Офарин!.. – сўзлари янгради хужрада.

Шайх давом этди:

– Бўтам, сиз айна пайтда саййидлар авлодидандурсиз, пайғамбар йўлида, худо йўлида асло шошмангиз!.. Фурсат етди сизга, бўтам, иршод ижозати битмишмен. Энди ўзингиз айрича авомни Аллоҳ-таолога иршод этгойсиз...

Маҳмудхон бемисл қувончдан беҳуд бўлишига оз қолди. У кўраётганлари ўнгми, тушми эканлигини билолмай ханг-манг эди, шайх Деҳлавий ўрнидан турди ва эғнидаги атай шогирд учун кийиб келган янги оқ ҳирқасини оҳиста ечди—да, шогирдининг елкасига ташлади. Саид Маҳмудхон Тўра устозга ва сабоқдошларга таъзим бажо келтирди, юкуниб шайх қўлини ўпди, кейин яктаги пешига уч марта лаб уриб, кўзларига суртди. Бундай паллалар устозу шогирд учун бирдай эъзозли эди. Шайхнинг ҳам, Саид Маҳмудхон Тўранинг ҳам кўзлари ёшланди. Деҳлавий шогирдини бағрига босди:

– Кўрган тушингиздан бизга аён бўлмишки, бўтам, сиз комилликнинг етти даражасига эришибдурсиз! – деди мамнун шайх Деҳлавий. – Биринчиси – маърифат даражаси бўлса, иккинчиси – раҳмат, учинчиси – шафқат, тўртинчиси – каромат даражасидир. Андин сўнг саломатлик, сўнг тавба даражасига келинур... Барчасидан кейингина – тавфиқ даражасига егилур!..

– Муборак бўлсин, муборак бўлсин! – самимий қутлади Ёсир Умар.

– Йўлингизни берсин! – бағрига босди Ҳамид Олмос...

Барча шогирдлар ўраб олишиб табрик сўзларини айтар эдилар. Саид Маҳмудхон Тўра сабоқдошларига таъзим бажо келтирди:

– Сизларга ҳам тез фурсатларда шундай кунлар насиб этсин! – деди у.

– Энди иршод сажжодасига буюрингиз, бўтам! Инсонни комил бўлдингиз!

Шайх Деҳлавий шундай деди—да, Саид Маҳмудхон Тўрага имомлик ўрнини бўшатиб берди, ўзи шогирдлар сафига бориб турди. Шу ҳолатда иршод сажжодасида икки ракаат нафл намози ўқидилар...

Янги ҳаёт паллалари бошланмоқдайди. Таҳсил йиллари поёнига етгачгина Маҳмудхон она юртга қайтажаги ҳақида хаёлларга изн берди. Қадам етган жойда бирор из қолдириб кетмоқ ота—боболаримиздан буюк меросдир. Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом, дейди улуғлар. У ҳажга келган, Мадинати Расулиллоҳни зиёрат қилган туркистонликлар ёрдамида ҳамда ўзининг жамлаган маблағи ҳисобига Чустийлар тақясини қуришга қарор қилди, чунки шундай масканга эҳтиёж ортиб борарди. Ватандошлар ҳажга келган чоғларида ҳамиша турар жой танқислигидан танглик сезардилар, Маҳмудхон буни кўп кўрган, бошпана топайлик, деб қидиришган ҳам. Такяхона битгандан сўнг ортиқ ҳеч кимга оғирлари тушмай, машаққат тортмай тураверадилар...

Чустийлар тақяси битгач, Саид Маҳмудхон Тўранинг ҳам шогирдлари пайдо бўла бошлади. Энди шогирдлар ёш олимнинг сабоқларини тинглашга ошиқшар, уни пир тутишиб, қўл беришиб, сидқидил хизмат қилмоққа бел боғлаб, иршодлар ва тарбиятлар тошгани келишар эдилар. Тақя ҳар куни

одамлар билан гавжум бўларди. Тез фурсатда Чустийлар тақясининг ҳам, Саид Маҳмудхон Тўранинг ҳам довруғи Мадинага ёйилди. Бироқ Ҳижоздаги нотинчлик туфайли ёш олим Мадинада узоқ қоламади...

\* \* \*

Ўтгиз саккиз мамлакат ишгирик этган биринчи жаҳон урушида мағлуб бўлган Усмонли турк империяси ичида — хилофатул муслиминда марказий давлатга қарши курашувчи кучлар тобора ўзини кўрсата бошлади. Бунда инглизлар хилофатул муслиминнинг бағридан пайдо қилинган ваҳҳобийларни ишга солдилар. Ваҳҳобийлик тарихи ўн саккизинчи асрда Арабистон яриморилининг Нажд вилоятида пайдо бўлган диний оқимдир. У арабларнинг Бани Ҳанифа қабиласидан чиққан Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб (1703—1787) номи билан боғлиқдир. Ваҳҳобийлик оқими ҳақида “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”нинг 2—жилди 406—бетида шундай маълумотлар келтирилган: “Ибн Абдулваҳҳоб ақоидда илоҳиётчилар Ибн Таймия (1263—1328) ва Ибн Касийр (1300—1372)га эргашган... Турк тилидаги тадқиқотларда Ибн Абдулваҳҳоб узоқ йиллар инглиз жосуси билан ҳамкорлик қилгани ҳақида далиллар мавжуд. Ваҳҳобийлик тарафдорлари фикрича, фақат Аллоҳ маъбуд ва ислоннинг манбаи Қуръон ҳамда Суннадир. Муқаддас жойларни зиёрат қилиш, азиз—авлиёлардан дуоларда шафоат—ёрдам тилаш ширк ҳисобланади. Мусиқа, кўшиқ ва умуман маънавий тараққиётнинг бошқа кўринишлари бидъат<sup>1</sup> саналади. Ваҳҳобийлар динни “тозалаш”га, Муҳаммад (САВ) давридаги асл ҳолига келтириш иддаоси билан ҳаракат қилади. Ваҳҳобийларда гайридинларга, “илк ислон аҳкомларидан чекинган” мусулмонларга қарши кураш алоҳида ўрин тутаяди. Уларнинг даъватини қабул қилмаганларнинг барчаси гўё кофирдир...”

Бу сўзлар ваҳҳобийларнинг кимлигини яққол кўрсатиб турибди.

Инглизларнинг пинҳона гиж—гижлашлари орқасида ваҳҳобийлар жумла араб мамлакатларида, хусусан Ҳижозда, Нажда азиз—авлиёлар қадамжоларини оёқости қилиш, руҳоният аҳлига таъзиқлар ўтказиш йўлини тутдилар. Кўп шайху уламо, ҳожилар—ю мусофирлар ҳаёти бесаранжомлик палласига кирди. Ҳамма ўз юртига қайтишни ўйлай бошлади. Шайх Деҳлавий, Саид Маҳмудхон Тўра сингари алломаларнинг Мадинада истиқомат қилишлари тобора қийинлашиб борарди. Ваҳҳобийлар Саид Маҳмудхон Тўрадан Чустийлар тақясини ҳам зўрлик билан тортиб олдилар... Оқибат Мадинани тарк этишдан ўзга чора қоламади,

Мадинадан зудлик билан кетмоқ керак эди. Аммо, қаяққа?.. Албатта, Туркистонга! Албатта, Ватанга! Чустга! Чустга!..

Саид Маҳмудхон Тўра шу палла биринчи марта Ватанни қаттиқ соғинганини англади. Мана, ўтгиз ёшга кирмоқда, ҳалигача бундай ҳолатни бошдан кечирмаганди. Ажабо, юраги бирам орзиқиб кетдики, вужуд—вужудига титроқ югурди. Чустнинг ям—яшил боғлари, салқин кўчалар, хароботи чойхона, бобокалони Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийдан қолган ҳовли, ҳовли этагидаги чалдивор, айвонли паҳса уй, падали бузруквори, волидаи муҳтарамаси... — барча—барчаси хаёл саҳнида намоён бўлдилар. Сафарга келаётганида аяси хуржунга иккита ятак—лозим тикиб солиб қўйган эканлар, Мадинанинг жазирама ёзларида жуда асқотди. Қандай меҳрибон, мунис, мушфиқ аялари бор! Ўғлини сафарга юбориб қўйиб, дардини кимга айтишни билмай ўзи ёниб—ўзи ўчиб юрганми? Соғинч исканжага олганда, кўрай деса, кўролмаса, сўзлашай деса, узоқчилик, сўзлаша олмаса... Болам мусофир ерларда қандай юрибди экан, соғ—саломатми, иссиқ—совуғи нима бўлди экан, ётар—турари—чи, деб ўйлангани ўйлангандир?.. Оҳ, онаизор! Бир ҳафта аввал отаси Саид Исҳоқхон Тўра билан онаси Адибахон ая тушига кириб қолишибди. Иккиси бир—бирлари билан гаплашмас эмишлар, бунга Маҳмудхон сабаб бўлган эмиш. Шу пайт Исмоил Даббос деган шайхнинг ҳажга бораётиб Шерозда тўхтагани ва Жоме масжидида саромади замона Шайх Мўмин Шерозий билан кечган суҳбати эсига тушди. Буни Деҳлавий сўзламиш эдилар.

<sup>1</sup> Б и д ъ а т — кейин кириб келган янгилик.



Кунлардан бир кун Шайх Мўмин Шерозий эғнидан ҳирқасини ечиб ямаб ўлтирган эканлар. Исмоил салом бериб кўришгач, шайх сўрабди:

– Не ниятларда юрибсен, эй мусофир?.. Қаён сари йўл тугдинг, қаён кетаётирсен?

– Худо хоҳдаса, ҳаж сафарини кўнгилга тутдим, ҳажга бораётирман... – деб мағрур жавоб берибди Исмоил Даббос.

Шайх Мўмин Шерозий дебди:

– Онанг борми?

– Алҳамдиллоҳ, борлар.

– Қайтиб онанг мулозаматига бор, унинг хизматини қилиб қол!

Бу гап Исмоил Даббосга унча хуш келмабди. Шайх буни сезибди:

– Сўзим ёқмадимми? Кулоқ сол: мен эллик марта ўзим ёлғиз, оёқ яланг, бош яланг саргашга юриб ҳаж қилибмен... – дебди Шайх Мўмин Шерозий.

– Барча савобини сенга бердим. Сен онанг кўнгли шодлигин менга бер... Саид Маҳмудхон Тўранинг кўнгли увалди.

Қани энди мўъжиза юз берса—ю ҳозир икки табаррук зот — отаси билан онасининг босган изларини ўпиб кўзларига суртса!.. Мени деб чеккан ҳадсиз изтиробларингиз учун минг бор узр, энди белимни маҳкам боғлаб хизматларингизни адо эттали келдим, деса! Албатта, шундай қилажак, бунга ишончи комил. Бас, йўл энди битта: Ватанга. Ватанга!..

Шундай орзулар билан ҳаволаниб юрган бир пайтда ҳаж мавсуми бошланиб қолди. Саид Маҳмудхон Тўра Ватанга жўнашни ҳаждан кейиноқ амалга оширишни ўйлаб қўйди, қарори қатъийлигидан кўнгли тўқ эди.

Ҳажга бу йил еттинчи сафар бориши.

Маккаи Мукаррамада кутилмаган воқеа рўй берди...

Ҳаж суронлари ичра, иттифоқо, Чустдан келган Азиз деган бир ҳожини кўриб қолди. Азиз акадан Туркистон ҳақидаги бири—биридан нохуш хабарларни эшитиб дунёси қоронғу бўлди. Во ҳасрато! Икки йил олдин тоғаси Саид Нўъмонхон Тўрадан эшитганлари ҳалво экан. Туркистонда энди болшавой деган бир офат пайдо бўлибди, бу оқ пошпога ҳам дарс бера оладиган уччига чиққан каззоб экан. Ҳамма ёқда тўпалон, ит эгасига боқмайдиган бир замон келибди. Дин одамларига, миллиятчиларга, равшан фикр соҳибларига кун йўқ экан. Қатағонга учраганлар кўп эмиш. Шукур, ота-оналари соғ-саломат юришибди экан...

– Ҳа, нечоғлик аччиқ бўлса ҳам, бор ҳақиқатни айтмай иложим йўқ, тўрам... Аҳмадхон деган оғангиз, жойлари жаннатда бўлсин, оламдан ўтди... Сизга сабр берсин...— деди маъюс Азиз ака.

– Ие! Қачон? Қачон?.. Аллоҳ раҳматига олган бўлсин... — беихтиёр кўлларини фотиҳага тортди Саид Маҳмудхон Тўра изтиробда... — Қандай юз берди?

– Аҳмадхонни болшавойлар кўчада ўлдириб кетишибди. Кўлида бир китоб билан ўлиб ётганмиш. Китоб саҳифалари юзига сочилиб ётганмиш. Бир кун шундай қолиб кетибди... Олгани кўйишмабди—да...

Азиз ака жим қолди.

Саид Маҳмудхон Тўра шу ондаёқ акасининг жаҳл устида бир неча китобни йиртиб ташлаганлигини ва ўзининг: “Китобни йиртмангиз! Китоб уради!” деб қичқирганини алам билан эслади. Нега ўшанда шайтоннинг гапига кириб шундай деди? У акасининг ногаҳон ўлимида айби бордай ҳис этди ўзини...

Қаттиқ қайғуга чўмган Саид Маҳмудхон Тўранинг боши қотди... Гарчи тан олгиси келмаса—да, кўнглининг туб-тубида Ватанга йўли беркилганини аён кўриб турарди. Шу дамларда Ватанга бориш — муқаррар фалокатларга юзма—юз бўлиш, билиб-кўриб туриб ўзни ўтга уриш демақдир. Мадинаи Мунавварада қолиш ҳам хавф-хатарларга тўла...

Тезроқ кетиш керак. Кетиш керак... Энди мумкин қадар Ватанга яқинроқ жойга ёндошиб бориши керак. Яқинроқ жойни чамалаб кўрди... Яқинроқ жой — Афғонистон ёки Хўтан, Кошғар бўлиши мумкин. Ўйлаб—ўйлаб, Афғонистонга боришга қарор қилди, у ёғига, худо насиб этса, Ватанга қайтиш ҳам ҳеч гап эмас. Дарёнинг бу четидан туриб қараса, Ватан ерлари кўриниб туради-ку. Амударёдан ошиб ўтса, Туркистонга етди, деган сўз-да...

Шундай хаёллардан кўнгли нурафшон бўлган Саид Маҳмудхон Тўра Хўтанга бораётган бир карвонга қўшилиб, Афғонистонга қараб йўлга чиқди...

## VII

## ЎТМИШГА БИРИНЧИ САФАР

Муҳтарам ўқувчим, Саид Маҳмудхон Тўра карвони тоғу тошлар, дашту чўллар, шаҳру қасабалар ошиб Афғонистон сари бораверсин. Сиздан узр сўраб, бир лаҳза диққатингизни бошқа нарсаларга жалб қилмоқчи эдим.

Яна бир мулоҳаза...

Ушбу ўйлар, десангиз, сафар машаққатлари ичида абадий соғинчларга чулганиб Афғонистонга кетаётган аллома Саид Маҳмудхон Тўра хаёлларидан ҳам кечган бўлса эҳтимол...

Биз у ёғини билмаймиз, у ёғи ёлғиз Аллоҳга аён...

Ватандан жудо бўлишлар, юртдан айрилишлар, муҳожирлик азобини, мусофирлик машаққатини тортишлар халқимизнинг фарзандлари пешонасига битилган азалий қисмат, насибамиз экан, деган хаёлларга борасан баъзан... Тарихга назар солсак, аجدодларимизнинг турли замонларда гоҳ ўз хоҳиши билан, гоҳ ихтиёрсиз хорижга отланганларини ва қайтишга имкон топа олмай ўша ерларда қолиб кетганларини кўрамиз. Юрт соғинчи, Ватан соғинчи улар учун бамисли бир тумор эдики, таъбир жоиз бўлса, бу тумор уларнинг қалблари устига тақилган эди.

Ватандошларимизнинг хорижга сафар қилишларида турли сабаблар бўлар эди албатта. Ҳаж сафари, илм йўлидаги сафар, дунё кўрмоқ ҳаваси, қувғинга учраш ва ҳоказо. Лекин барчасида ҳам дилда бир орзу – албатта бир кун Ватанга қайтиш орзуси машғалдай ёниб, умрларни ёритиб турарди. Барчаси ҳам, хоҳ подшо даражасида бўлсин, хоҳ гадо мартабасида, хоҳ авлиё рутбасида бўлсин, хоҳ дарвиш мақомида, абадий соғинчлар огушида кунлар санаб яшаганлари асло сир эмас. Сон-саноксиз аجدодларимизнинг, ватандошларимизнинг айримлари умр пиллапояларини кузатмоқ бизга, келажак авлодларга ҳам фойдадан холи бўлмас, деб ўйлайман. Бу ҳам савоб ишдир, ҳам мароқли бир юмушдир.

“Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар”, деб ёзган эди улуғ ўзбек адиби Абдулла Қодирий(Жулқунбой) “Ўткан кунлар” номли ўзбеклар турмушидан олиб битилган тарихий романи муқаддимасида... Бу биз учун маслаҳатгина эмас, насиҳат вазифасини ҳам адо этади.

Мусофирлик машаққатларини тортган улуғ ватандошларимиздан бири Муҳаммад ал-Хоразмийдир...

\* \* \*

...Муҳаммад ал-Хоразмий.

783 милодий йилда Хоразм заминида Ҳейвақ(Хива)да туғилган буюк бобомиз Муҳаммад ал-Хоразмий номини улкан фахру ифтихор билан тилга олмай илож йўқ.

Ладунний улум соҳиби, яъни уринмасдан, Аллоҳ томонидан етишган деб ҳисобланадиган илмлар эгаси, содда қилиб айтганда, худо берган аллома ёшлигиданоқ илму фанга ошику шайдо бўлиб Ватанидан олисларга йўл олди. Бешиқдан қабргача илм ол, деган нақл худди ал-Хоразмий шаънига айтилгандай эди. У даставвал илм излаш йўлида Самарқанд ва Бухороларга албатта борган деб тахмин қилиш мумкин. Чунки бу шаҳарлар милодий саккизинчи аср охири тўққизинчи аср бошларида Туркистонда илм марказларидан ҳисобланарди. Илм йўллари уни Марви Шоҳижаҳонга етаклади. Марвдан халифа ал-Маъмун ҳомийлигида Бағдодга кўчиб ўтди ва дунёга машҳур “Байт ул-ҳикма”га мугасадди этиб тайинланди. Бу ерда туркистонлик, хуросонлик, ироқлик ва эронлик олимлар тўпланишган эди.

Худди шу ерда яна бир ватандошимиз Аҳмад ал-Фарғоний ҳам ўзининг дунёга машҳур бўлиб кетган асарларини қозоғга туширди, кашфиётлар қилди. Ал-Фарғоний олтин водийнинг Кубо(Кува) қишлоғида 797 йилда туғилган,

сўнг Самарқанд ва Бухорода бўлиб (бу тахмин ҳам, менимча, ўринли, чунки, йўл барибир юқоридаги шаҳарлар орқали ўтади) Марвга боради, сўнг Бағдод шаҳрида “Байт ул-ҳикма”да фаолият кўргизади.

Ҳар икки улуғ ватандошимиз бу ерда билимнинг юксак мақомларига эришдилар, шу ерлардан шухратлари оламга таралди. Ал-Хоразмий ўзининг машҳур рисоласини ёзди, шу билан жаҳонда алгебра фанига асос солди; “алгебра” сўзи ушбу рисола номидан олинган. Рисоланинг тўлиқ номи – “Ал-жабр вал-муқолаба ҳисоби ҳақида қисқача китоб”дир. Бу жаҳон фанида том маънода бурилиш пайдо қилган асардир. Риёзиётда ҳар қандай узлуксиз ҳисоблаш жараёнини англатадиган сўзни бугун “алгоритм” дейилади. Бу ал-Хоразмий номининг лотинлаштирилган шаклидан келиб чиққан. Алгоритм – ҳозирда кибернетика ва математиканинг асосий тушунчаларидан бирига айланди. Ажабки, исмининг ёлғиз ўзи бутун бир мураккаб математик жараёнини англатса, рисоласи номидан олинган сўз билан бутун бошли бир фан аталса!.. Албатта, бу фақат даҳоларнинггина насибасидир.

Алломанинг “Зиж” асари ўша замоннинг энг муҳим астрономик масалаларидан баҳс юритади. У алломаларимиз орасида биринчи бўлиб илми нужум муаммоларига диққатни қаратиб ушбу китобини битди...

Шу палла беихтиёр буюк мунажжим Мирзо Улуғбек ёдинга тушади. Олимнинг оламшумул кашфиёт даражасига қўтарилган “Зижи жадиди Кўрагоний” китобини варақларкан, хаёлан ўн бешинчи аср мўъжизаси бўлган улкан расадхонада кезиб, ўйларга ботганини билмай қоласан. Ажаб, илми нужумга қаттиқ меҳру муҳаббат ўти Мирзо Улуғбекка қайдан ёпишди экан? Бошқа бирон ердан дайди бир учқун келиб кўнглига олов солдимикин?.. Йўқ, илми нужумга, умуман билимга ташналик, иштиёғу интилиш Туркистонзамин фарзандларида азалдан бор, уларнинг қони ўша ташналик ила тепади. Ҳа, бу оққан ариқ, оққан ариққа албатта сув келади...

Ростдан ҳам, билимга, хуеусан, илми нужумга бўлган муҳаббат Она-Ватанимнинг аллома ўғилларида анъанага айланиб қолган нарса. Бошқача айтганда, илми нужум ўзимиздан чиққан, “қўлбола”, уни бемалол миллий фан деса бўлади. Ҳа, илми нужум – ўзбекларнинг миллий фани! Бунга Муҳаммад ал-Хоразмий асос солди, “Зиж” китоби билан фанимизда илми нужум тарихини бошлаб берди, анъанага айлантирди.

Аҳмад ал-Фарғоний “Самовий ҳаракатлар ва умумий илми нужум” китобида бу анъанани давом этдирди, ал-Хоразмий “Зиж”ининг назарий томонларини асослашга қаратилган китоб ёзди...

Бу ҳақда яна бир улуғ бобомиз Абу Райҳон Беруний маълумот берган эди. Дарвоқе, Берунийнинг ўзи ҳам ушбу муҳаббат алангасида ёнганлардандир. У ал-Хоразмий ва ал-Фарғонийлар изидан бориб, “Геодезия” номли астрономик-географик асар яратди, айниқса, илми нужумга бағишланган “Масъуд қонуни” китобини завқ-шавқ билан иншо қилди.

Муҳаммад ал-Хоразмий – Аҳмад ал-Фарғоний – Абу Райҳон Беруний – ... Боболарнинг битган дурдоналарини бир ишга тизганда, ал-Хоразмийдан то Мирзо Улуғбеккача, кейин Али Қушчигача бир нодир шода дур пайдо бўладики, бу халқимизнинг маънавият хазинасини беқиёс безаб, гўзал қилиб туради.

Ҳа, Мирзо Улуғбек кашфиёти тақир ерда пайдо бўлмаган экан. Чунки бу Туркистон тупроғи, Ватан тупроғи тақир ер эмас, бу қуруқ ёғочни суқиб қўйсанг кўкартира оладиган олтин тупроқдир.

Ал-Хоразмий яна “Сурат ул-арз” (Ернинг сурати) номли географик асар яратди. Бу ҳам алломанинг бошқа асарлари каби ёлғиз фанимиз тарихидагина эмас, балки бутун ислом маданияти тарихида ҳам география бўйича ёзилган биринчи асар эди. Унда ер юзидаги тоғу денгизлар, дарёлару ороллар, шаҳарлар номлари келтирилган. Олимларимизнинг тадқиқотларига кўра, китобда 2402 та географик жой ҳақида маълумотлар жамланган.

Маълумки, Ер юзини иқлимлаштириш муаммолари қадимдан олимлар олдида кўндаланг бўлиб келган. Бу билан кўп машҳур олимлар шуғулланганлар. Масалан, юнон олими Гиппарх Заминни ўн икки иқлимга бўлган эди, Птолемей эса Замин саккиз иқлимдан иборат, деб ҳисоблади. Ал-Хоразмий

фанда биринчи бўлиб, иқлимлар назариясига қатъий амал қилиш кераклигини кўрсатди ва рубъи маскунни етти иқлимга ажратиб чиқди. Машҳур “етти иқлим” ибораси ва тушунчаси, демак, Муҳаммад ал-Хоразмий номи билан боғлиқдир...

Фаҳру ифтихор туйғуларига берилиб шу сатрларни ёзипман-у, хаёлимда бошқа нарса, тасаввур намоён бўлмоқда. Мақсадим бошқачароқ ўзи: мана, халифаликнинг пойтахти Бағдод шаҳри... Муҳташам “Байт ул-ҳикма” қошонаси...

Шам ёруғида узун тун-кечада илҳом селига фарқ Хоразмий “Сурат ул-арз” китобини битмоқда, шаҳарлару тоғлар, дарёлару денгизлар, ўлка-ю музофотларни иқлимларга жойлаштириб чиқмоқда... Тасаввур уфқи бепоён, хаёл дунё узра чарх уради, кўним нима билмайди. Беш иқлимни жойлаштириб бўлди, навбат олтинчи иқлимга келди. Аллома иқлим белгилашни одатдагидек кунчиқишдан бошлади. Дарёлар, саҳролар, шаҳарлар... Дарисоқий, Навокат, Хоразм, Бардаъ, Дарбанд, Илион, Қустантинийя, Буюк Румия, Ал-Андалус... Ҳа, олтинчи иқлим чизиғи Хоразмдан ўтади... Эҳ, “Хоразм” сўзини ёзаётганда бугун аъзои баданига тушган титроқдан алломанинг улкан қалби қандай аҳволга дучор бўлди экан? Юмушлар билан бўлиб неча марта она юртга бораман деб, бора олмай, юрт тинчлигини, дўстлар, қариндош-уруғлар сиҳат-саломатлигини Бағдодга тушиб ўтадиган ҳожилардангина сўраш ила чекланиб қолганидан алам тортамдими экан?.. Кўз олдидан она шаҳри Хейвақ манзаралари, дарахтлар салқинига кўмилган кўчалар, ҳасса ўрнидайд ҳам офтобни ерга туширмайдиган азамат гужумлар бир-бир ўтмадими экан? Ёзув-чизувларини бироз тўхтатиб, ҳордиқ олганда, қизгин илмий мубоҳасалардан толиқиб уйига қайтганда, ўзи билан ўзи танҳо юзма-юз бўлганда, ёлғиз қолмасин деб, уни туш-тушдан ўраб олган номсиз, исмсиз бир нимарсалар абадий соғинчлар эмасмикин? Соғинчлар ёлғизликни ёқтирадилар, одатда...

Биз у ёғини билмаймиз, у ёғи ёлғиз Аллоҳга аён...

\* \* \*

...Аҳмад ал-Фарғоний.

Аҳмад ал-Фарғоний Ватандан жуда ҳам олис бўлган Мисрда, Қоҳира ёнидаги Фустат шаҳрида ақлу заковат кучи билан катта кашфиёт намоён этди: Нил дарёсининг сатҳини ўлчаётган оладиган бир асбоб ясади. Унинг номи нилометр деб аталди. Илмий-техник ва меъморий жиҳатдан гоаят улғувор бу қурилманинг ҳозиргача сақланиб қолганлиги диққатга сазовор ҳодисадир. У Нил дарёсининг Сайёлат ул-род мавзеида жойлашган. Бунгача аллома бутунги кунда жаҳоннинг турли кутубхоналарида сақланаётган нодир китобларини – “Устурлоб ясаш китоби”, “Ал-Фарғоний жадваллари”, “Етти иқлимни ҳисоблаш китоби”, “Кўёш соатини ясаш китоби” ва бошқалар – ёзиб бўлган эди.

Ўзбекистон озодликка эришгандан сўнг аллома меросини атрофлича ва жиддий ўрганиша киришилди. Олимларимизнинг гувоҳлик беришларича, ҳали ал-Фарғоний асарларининг кўпчилиги илмий ўрганилмаган ва етук тадқиқотчиларини кутмоқда.

Тасаввур қилайлик: ал-Фарғоний, мана, кўп изланиш ва заҳматлардан сўнг, ниҳоят, Нил дарёси сатҳини ўлчаётган нилометрни тахт қилди...

Бу чиндан ҳам катта воқеа эди.

Мисрдаги тулунийлар сулоласи ҳукмдори Аҳмад ибн Тулун вазири аъзами подшо номидан қутлагани келди, томоша қилишга ишқибоз сарой аъёнларидан кўп кишилар ҳам улкан дарё бўйида ҳозир бўлдилар.

Ҳамманинг кўзларида ҳайрат ёлқинлари жилваланади, бемисл мўъжизани тезроқ кўриш иштиёғи юракларни ҳаприқтиради...

Маҳобатли дарё ҳам ушбу мўъжизани асрлардан бери интиқ бўлиб куғаётганидан ва ниҳоят, шу кунларга етишганидан мамнун жилмайиш ила боқади...

Шу палла дарёи Нилнинг жимир-жимир қилган сувларига термулиб турган

Аҳмад ал–Фарғоний кўнглидан нималар кечди экан?.. Бир лаҳза она водийнинг қоқ ўртасидан кесиб ўтадиган Яксарт(Сирдарё)ни эсламадимми экан? Сирдарёнинг ҳам сатҳини ўлчаш учун ҳозир ўзи ясаган нилометрдек(балки унинг номи сирометр бўларди) бир асбоб зарурлигини дилида туймадимми экан? Сирдарёдан чап томонда Туркистон тизмалари этакларида, балки ундан ҳам куйирокда, ям–яшил дарахтзорлар ичида ястаниб ётган она қишлоғи Кубони кўз олдига келтирмадимми экан?..

...Ҳов ана! Кубонинг катта кўчасида иштони ҳам йўқ уч яшар бир болакай офтоб нурида кўпчиб ётган иссиқ тупроқда оёғи куя–куя югуриб бормоқда... Ўша, илм деб, дунё сирларининг тубига етаман деб, дунёнинг у чеккасига кетиб қолган ва қайтишнинг иложини топа олмаган Аҳмаднинг болалиги эмасмикин?.. Шу палла ўзини қаёққа кўйишни билмай қалапагра бўлиб ўраб келган афсус аралаш исмсиз туйғулар Нилнинг жилвакор мавжларига тикилиб турган Аҳмад ал–Фарғонийнинг кўзларидан бир томчи ёшни ситиб чиқарди. Ўша бир томчи ёш – она-Ватан соғинчи –абадий соғинчлар эмасмикин?..

Биз у ёғини билмаймиз, у ёғи ёлғиз Аллоҳга аён...

\* \* \*

...Абу Наср ал–Фаробий.

Шарқда “муаллими ас–соний” номи билан машҳур бўлган буюк боболаримиздан яна бири Абу Наср ал–Фаробийдир. Унинг тақдири ҳам бизнинг мавзуимиз доирасига кирганлиги учун бироз тўхтаб ўтмоқ жоиз кўринади. Дарвоқе, бир неча йиллар аввал “Сарбадорлар” тарихий романимда улуғ муаллим сиймосини чизишга ҳаракат қилган эдим. Романнинг бош қаҳрамони Самарқанддаги Наддофлар маҳалласининг оқсоқоли Абу Бакр Калавий – сарбадорлар сардори, ал–Фаробийни ўзининг ғойибона устози деб билади ва унинг асарларини синчиклаб ўрганади. Яхшиси, шу романдан ал–Фаробий билан боғлиқ кичик парча келтиришни лозим топаман.

“...Абу Бакр Калавийнинг хаёли узоқларга кетди. У ҳаётини сарбадорлар эътиқоди билан боғлагандан бери, ана шу инқилобий хуруж, унинг тарих майдонидаги дадил қадамларини неча–неча бор ақл тарозисидан ўтказди. Хаёлларининг бир учи Абу Наср ал–Фаробийга бориб улангандан кейин олам яна ҳам кенгайиб кетгандай туюлди.

Чорак асрдирки, ал–Фаробий хусусида илк бор ўша Боштин масжидида шайх Ҳасан Журийдан эшитган Абу Бакр Калавий файласуф асарларини ўқиб, ўзининг кўнгли дардларига даво топгандай бўлади. Буюк ватандоши Абу Наср ал–Фаробий беш юз йиллар муқаддам, инсон қандай яшамоғи керак, у қандай жамоада истиқомат қилсин, у қандай жамоа бўлмоғи лозим, каби масалалар билан қизиққанди, энди эса бу ёруғ ташвишларни елкасида даст кўтариб асрлар қаъридан унга кўмак қўлини чўзмакда. Наддофлар маҳалласининг оқсоқоли ал–Фаробийнинг бир замонлар Шош, Бухоро қатори, шу она-Самарқанд тупроғида ҳам яшаб таҳсил олганини китоблардан ўқиб билди, бу нарса уларни хийла яқинлаштирди. Она Самарқанд тасаввурларда буюк ватандош билан учраштирди–ю муаллими соний Абу Бакр Калавий учун бамисли қиблагоҳу маслаҳатгўйга айланди. У улуғ бобокалонга, Сайхун бўйидаги Фороб қишлоғида туркий қорлуқ қабиласидан бўлган оилада ҳижрий икки юз олтмишинчи йилда(милодий 873 йил) дунёга келиб, беқиёс идрокию билими, саёю саботи, низомию интизоми билан дунёга ҳайратлар солган инсонга таъзим қилади, ўзини дўсту биродар тутганидан шавқисёб туйғуларга тўлади...

Абу Бакр Калавий нохуш кайфиятларга дучор бўлганда, одатда, муаллими соний рисоаларини титкилаб кўнглига таскин топарди. Ҳозир ҳам шундай қилди. Кейинги кунларда “Ас–сиёсат ал–мадания” – шаҳарни бошқариш ҳақидаги рисола, бахт–саодатга эришув йўллари тўғрисидаги “Рисола фи–т–танбиҳ ала асбоб ас–саодат” китобини ўқиб бўлди. Бугун навбат уни энг кўп қизиқтирган китобга етди: “Китоб аро аҳл–ал–мадина ал–фозила” – фозил шаҳар кишиларининг қарашлари... Абу Бакр Калавий шам ёруғида китобни оҳиста варақлай бошлади. Бошлади–ю, тасаввурнинг беқиёс кучи, хаёлнинг шиддатли дулдулида уни олис–олисларга, улуғ муаллим қошига олиб кетди...

...Абу Бакр Калавий миноралари юксак, муҳташам бинолари савлат тўққан катта шаҳарга кириб борар экан, рўпарадан тугун кўтариб келаётган йигитдан туркийда: “Бу қайси шаҳар?” — деб сўради. Ҳалиги йигит сурёний тилида нимадир деди. Абу Бакр Калавий тушунмади, такрор — бу сафар араб тилида гапирди. “Бу ер Димишк!” — деб жавоб қилди йигит. Сўхбат шундоқ шаҳарга кираверишда, катта боғнинг ёнида рўй бермоқда эди.

— Мен мусофирмен, Самарқанддан келмакдамен... — Абу Бакр Калавий йигитга тикилди. — Шу шаҳарда ватандошим бордир, менинг устозим... Балки, билурсиз?

— Кимдир ул киши? Мен этикдўзмен, кўп ичида юрамен, билсам мумкин, — мусофирга илтифот кўргизди йигит.

— Муаллими соний, Абу Наср ал-Форобий... Туркистондан...

— О... ким билмайди дейсиз бу улуғ зотни! — кулфи дили очилиб кетди этикдўз йигитнинг. — Ул зотнинг кичикфеъллиги, камтаринлиги, тортинчоқлиги ҳаммани лол қолдиради. Оламга машҳур аллома эканликларига қарамай фақирона кун кечирадурлар. Ҳалаб ҳокими Сайфуддавла алломани саройга чорлаб, ўша ерда истиқомат қилишга даъват этибдур. Аммо муаллим кўнмабдур. Ҳоким хазинани очдириб, истаганча бойликдан олингиз, деб фармон қилибдур. Ул зот, кунига тўрт дирҳамдан танга тилабдур, холос...

— Муаллими соний қаерда истиқомат айлайдилар?..

— Мана шу ерда, — деди йигит ўнг томонда ястанган катта боғни кўрсатиб. — Шу боққа боғбонлик қиладилар. Ўзлари ким бўладилар?

— Мен шогирдлари бўламен, Абу Бакр Калавий Увайс...

Боғнинг дарвозасига етдилар. Ичкаридан тўкин-чочин ёзнинг ҳимматли нафаси тегиб қизарган олмалар, болга тўлган шафтолилар, шира боғлаган нашватилар кўзга ташланарди. Боғ Сайфуддавллага қарашли эди.

— Пирим, ҳо, пирим! — дея қақира бошлади йигит. — Мен келдим!

Абу Бакр Калавий сабрсизлик билан дарвоза тирқишидан ичкарига қаради. Лоҳавлю валю қувгато! Неча—неча йиллардан бери бир кўришга интиқ бўлган зот, оламга машҳур аллома, улуғ ватандош Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Ўзлуғ ибн Тархон ал-Форобий ат-Туркий келарди! Эғнида туркча оқ яктак—лозим, бошда оҳори кетиб қолган дўпчи, манглайи Фарғона деҳқонларидай дурра билан танғилан, оёғига эса ҳеч нарса киймаган... Ўрта бўйли муаллими сонийнинг ёшини олғмиш беш—етмишларда чамаласа бўларди.

Шу пайт дарвоза зулфини шарақлаб тушди—да, икки юзи қип—қизил, ошпоқ соқолли питрак чол намоён бўлди.

— Меҳмон бошлаб келдим бу сафар, пирим! — мақтанди этикдўз йигит дарвозадан кираркан. — Юртингиздан, Самарқанддан...

— Ассалому алейкум, муаллим! — Абу Бакр Калавий кўксига қўл қўйиб таъзим қилди. — Она юртингиздан дуои салом олиб келдим. Самарқанду Бухоро, Шошу Фарғона салом йўлаб қолди...

— Оҳ, она тил, киндик қони тўкилган тупроқнинг саси! Сен қанчалар буюксену нечоғлик тансиқ! Жарангинг жонга шифо, дарагинг дардга дармон! Хуш келибсен азиз юртнинг ўғлони, кел!

Ал-Форобий кучоқ очиб Абу Бакр Калавийни қаттиқ бағрига босди, катта кўзларида нам айланди.

— Мен Абу Бакр Калавий Увайс...

— Увайс? Яъни, шогирд?

— Ҳа, ҳа, шогирд. Мен олис замонлардан келдим, сизни зиёрат этмак мақсудим эрди...

— Аллоҳга шукрким, шундоқ кунларга ҳам нафас етди, мени излагувчилар ҳам топилиб қолди, куллуқ, куллуқ! Қани, тойчоқ, — деди этикдўз йигитга қараб ал-Форобий. — Кулбани оч, меҳмон атойти худо деганлар!

Улар ораста боғнинг ўнг томонида жойлашган кичкина уй сари йўналдилар. Йигит уй олдидаги сўрига жой ҳозирлади. Сўрига ўтириб фотиҳа қилдилар.

– Мен Бағдодда яшаган вақтимда, тойчоқ, бир рисола бошлаб эрдим, аш–шукрилиллаҳ, ўша рисолаани бугун ниҳоясига еткурдим...

– Қандоқ рисола экан? – қизиқди Абу Бакр Калавий.

– Фозил шаҳар кишилари қарашлари ҳақида китобдир.

“Китоб аро аҳл ал–мадинат ал–фозила” деб номладим уни.

Рисолани араб лисонида туздум...

– Муаллим! Нечун рисолаани она тилимизда битмадингиз, балки араб тилида жамол кўргиздингиз?

Муаллим чуқур хўрсиниб қўйди:

– Нозик жойдан олдингиз, қулун... Замон тақозосию фалакнинг гардиши билан маълум бир даврда айрим тил зиммасига катта вазифалар юклатиладир. Санскрит тили шундоқ эди, юнон тили, чинмочин тили, сўнгра лотин шундоқ ҳолни бошдан кечирди, башар камоли учун хизмат этди. Мазкур тиллар баридан тутгонларнинг дастлари узун бўлди, назарлари ўткир. Бизнинг замонимизда араб лисони ана шундоқ нуфузга минмакда, Арабу Ажамда уни билгичлар сафи қуюқлашмакда. Мен олам ҳақидаги ўйларимни туркий қалбимда пишитдим, вале араб тилида баён этдим, илло қалбимнинг ўртанишлари юртимнинг пучмоқларида қолиб кетмасин, балки башариятта пешвоз чиқиб борсун, дедим. Муҳаммад ал–Хоразмий, Аҳмад ал–Фарғоний Ҳосиб каби устодларнинг ҳам, англашимча, бири Хоразмни ташлаб, бири Фарғонани тарк этиб жаҳонгафта бўлиб юришларида андоқ олий мақсад мужассамдур. Агар она тилимизда ижод этсак, Мовароуннаҳрдан четга чиқмагимиз неча йиллар – балки юз йиллар кейинга сурилармиди... Баски, Хоразм ила Фарғона фарзандлари туфайли номлари дунёга дoston бўлди. Улар замонга боқиб, она тупроқни улуғламоқ учун йироқларда унинг шаънини тафаккур дурдоналари билан безадилар, ақлу заковатнинг шиддатли кучини тизгинлаб, Ватан шарафини мангуликка еткурдилар. Мен ҳам уларнинг шогирдимен, етмиш тилни ўргандим, ҳар бир тилда рисолалар битмагим мумкин эди. Мен араб тилида қалам сурмакни лозим кўрдим. Она тилимда ижод этмаганимни кечирмак мушкул эса–да, келажак авлодлардан умидим борки, улар оқилу доно эрурлар, фақирнинг тутумини фаҳмлай олулар...

Абу Наср ал–Фаробий, олимларимизнинг фикрларига қараганда, етмиш етти йил умр кўрган ва Дамашқдаги Боб ас–сағир қабристонига дафн этилган. Алломанинг бир юз олтмишдан ортиқ китоб битгани айтилади. Фалсафа ва унинг таҳ–батаҳ шубҳалари, қонуниятлари, билишнинг босқичлари, мантиқ муаммолари, табиий фанлар хусусиятлари, модда ва унинг хоссалари, тилшунослик, шеърият, ахлоқ, тарбия, фикҳ, давлатшунослик – булар ал–Фаробий илмий оламини безаб турган мавзулардир. Уларнинг ҳар бири бўйича аллома неча–неча китоблар ёзди. Инсонни бахтли қилиш ҳақида, бахт–саодатга эришув йўллари ҳақида кўп мушоҳадалар юритди, бу ҳақда рисолалар битди... Лекин ўзини бахтли инсонман, дея олармиди экан? Тўғри, у буюк олим эди, ҳаётлигидаёқ номи дунёга таралганди. Аммо буюклик мартабаси инсонни чинакам бахтли дейиш учун етарлимикин, кифоя қилармикин? Ватандан узоқда яшаган ҳар бир одам қалбида кемтик ери бўлади ахир, бу – Ватан соғинчи... Инсон, менимча, ўзини тўлақонли бахтлиман дейиши учун, даражаи камолга етишидан ташқари, она тупроқда яшаши, она тупроқ меҳридан баҳраманд бўлиши, она тупроққа ўзини фидо қила олиши керак... Бунга каминанинг фикри ожизи сифатида қаралиши лозим, албатта.

Қизиқ, инсон фаолиятининг барча соҳаларини, саъжия ва сезгиларини теран ўрганган Абу Наср ал–Фаробий ана шу юрт соғинчи сингари нозик аламли туйғуни қандай бошдан кечирган экан? Юртдан олисда, соғинчлар, абадий соғинчларнинг мунтазам дардли зарбаларига қандай дош бера олган экан?..

Биз у ёғини билмаймиз, у ёғи ёлғиз Аллоҳга аён...

\* \* \*

...Муҳаммад ал-Бухорий.

Кутилмаганда Имом ал-Бухорий ҳазратлари ёдимга тушди...

Ҳақли равишда “ҳадис илмида амир ал-мўминийн” унвонига сазовор бўлган буюк ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (милодий 810–870 йиллар) ҳаёти ҳам асосан бегона элларда, мусофирчиликларда кечди. Алломанинг ёзган китобларига қараб, илм йўлидаги шахду шижоатига боқиб, унинг ҳам ладунний улумдан бебаҳра эмаслигини, Аллоҳ-таоло ўзининг суюкли бандасига бемисл ақлу заковат, зеҳну идрок, илму маърифатга чексиз муҳаббат ато этганлигини кўрамиз. Ўн олти ёшлигида онаси ва акаси ҳамроҳлигида Маккаи Муҳтарама билан Мадинаи Муборакни зиёрат этди. Болалигиданоқ илму фанга катта қизиқиш билан қараган ал-Бухорий ҳадис илмига алоҳида меҳр қўйганди. Бу меҳр алангаси бутун умри давомида унинг улкан қалбида ловуллаб ёниб турди, кучайса кучайдики, асло пасаймади. Шамол тин олса олди, у лаҳза тин билмади, иши-амали билимини оширмоқ, янги-янги ҳадисларни жамламоқ ва оққа кўчирмоқ бўлди.

У зиммасига тақдири азалдан қандай қулғу вазифа юклатилганини яхши биларди. Шу важдан бўлса керак, олти йил Ҳижозда яшаганида ҳам, Куфа, Миср, Дамашқ, Бағдод шаҳарларида оз-оз муддат истиқомат қилганида ҳам, ҳамма ерда бетиним ислом маданиятида муҳташам бир қаср деғулик “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” номли тўрт жилдлик шоҳ китобини бунёдга келтириш, асил ҳадисларни синчиклаб сохта ҳадислардан ажратиш олиш, уларни яхши билувчиларга учрашиб қайта-қайта таҳлил-текширувдан ўтказиш, саҳиҳлиги аниқлангандан кейингина китобга киритиш билан шуғулланди.

Агар унинг ҳаммаси бўлиб олти юз мингга яқин ҳадис тўплаганлиги ва ушбу китобга улардан бор-йўғи етти минг етти юз йигирма бештаси саралаб олинганлиги, шунингдек, ҳар бир ҳадис, юқорида айтилганидек, узоқ текширишлардан сўнггина китобга киритилганлиги назарда тутилса, у ҳолда алломанинг чеккан заҳматлари тоғдек улғуворлиги аён бўлади. Кечалари шамда, шам йўқлигида ойнанинг нурида ижод қилишга ўрганган аллома ана шундай қатъий интизом соҳиби эди.

Қанчалар ибратга сазовор шижоат!

Имом ал-Бухорийни ҳамма жойда ҳурмат қилардилар, қайси шаҳарга борса ундан сабоқ беришни ўгинардилар. Ўзларининг гувоҳлик беришларича, Басрага тўрт марта, Месопотамия, Миср, Шомга икки мартадан борганлар, Бағдод билан Куфа шаҳарларига эса неча марта борганларининг саноғи йўқ. Сафарлар қилиб юриб турли шаҳарларда садоқатли шоғирдлар ҳам ортирди.

Аллома эллик уч ёшга кирганида Нишопурга келди ва Нишопур мадрасасида илми ҳадисдан дарс бера бошлади. Нишопур ҳам шу пайтлар илму маданият нуқтаи назаридан нуфузи ортиб бораётган шаҳарлар сирасига кирарди. Бу ерда ал-Бухорий беш йил яшади. У таниқли олимлар билан мунозараларда ишгирик эгар, атрофидан илмга ташна шоғирдлар аримасди...

Бу паллага келиб ал-Бухорий ўзининг йигирмага яқин асосий асарларини қоғозга тушириб улгурганди. Нишопурда тинч ва хотиржам ҳаёт кечириб, асарларини ёзиб, шоғирдларга сабоқлар бериб, ҳурмат-иззатлари юксак мақомда бўлган бир пайтда, кунлардан бир кун аллома Нишопур аҳлини ҳайратда қолдириб, эллик саккиз ёшида шартга Ватанга қайтишга қарор қилди...

\* \* \*

Ислом динининг қуввати бўлган Бухоро доғруғи узоқлардан эшитилиб турган донгли фарзандини хушнудлик билан кутиб олди. Одамлар уни зиёрат



этишга келишар, Макка, Мадина ва Бағдод сингари табаррук шаҳарларда яшаб, дунё кўриб келган аллома суҳбатидан баҳраманд бўлишга ошиқшарди. Худди Нишопурдагидек уламолар билан мувоҳасалар, шогирдлар билан сабоқлар изга тушди.

Ал—Бухорий Ватанига қайтганидан, мусофирчилик кунлари ортда қолганидан, ёру дўстлар, хешу ақраболар дийдорига этишганидан кўнглида мамнунлик ҳиссини туярди. Ҳазил эмас, юртдан чиқиб кетганига қирқ уч йил бўлибди—я!

Шундай маъсуд кунларнинг бирида Бухоро амири Холид ибн Аҳмад аз—Зухалийнинг ҳудайчиси “ҳе” йўқ, “бе” йўқ, тап тортмай ал—Бухорий уйига кириб келди:

— Амир уз—замон фармон қилдилар: дарҳол мўътабар даргоҳга, ҳузурларига бориб “Ал—жомеъ ас—саҳиҳ” китобингизни амир уз—замон Холид ибн Аҳмад аз—Зухалий ҳазрати олийларига ўзингиз ўқиб берар экансиз! Сизни саройга олиб кетгани келдим...

Муҳаддислар султони бундай андишасизларча муносабатдан ғалати бўлиб кетди. Ҳали бу Бухоро амири экан—ку, ҳатто Бағдод халифасининг ўзи ҳам унга шундай талаб билан мурожаат этган эмас... Ўз ҳурматини билмаган, деб шуни айтсалар керак. Амирнинг писандасизлик ва калондимоелигидан иззат—нафси қаттиқ лат еган аллома, шайтонга ҳай берди—ю, ҳудайчига босиқ жавоб қилди:

— Кимга илм даркор бўлса, ўзи излаб топғони мақбулдур.

Мен ҳеч қачон илмни топтаб, хор этиб, ҳокимлар қошига олиб борғон эмасмен! Сўзларимни амирга еткурингиз! Лекин мен илмни асло кимсадан қизганмаймен ва уни шогирдлар йўлида тасарруф этишдан тўхтамаймен, илло Аллоҳ бандасини охиратда ўзи кечиргай!..

Бухоро ҳокими амир Холид ибн Аҳмад аз—Зухалий алломанинг кескин жавобидан қаттиқ дарғазаб бўлди. Алломани итоатсизликда айблаб, “Ал—Бухорий тезда шаҳарни тарк этсун!” деган фармон чиқарди. Фармон ал—Бухорий кўнглига нечоғлик ботганини англаш мушкул эмасди.

Во дариг!.. Неча—неча йиллар мусофирчиликда юриб, ошиқиб энди Ватанига келдим деганда, келиб улурмай юртдан бадарға бўлса?! Ўзга элларда ҳурмати сарбаланд алломанинг ўз юртида қадр—қиммати шунчами? Бу қандай бедодлик бўлди?..

Чексиз изтироблар, ўкинчлар ичида қолган Имом ал—Бухорий Самарқандга қараб йўлга чиқди. Йўлда бироз ҳордиқ учун Самарқанддан унча узоқ бўлмаган Хартанг қишлоғида қариндош—уруғларникида тўхтади. Бўлиб ўтган воқеалар келтириб чиқарган руҳий азоблар, асабларнинг қақшашлари оқибатида аллома оғир касалликка чалиниб қолди. Табибларнинг муолажалари иш бермагач, дард зўрайиб, ал—Бухорий милодий 870 йил 1 сентябр куни оламдан кўз юмди.

Ўйланиб қолсан киши...

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал—Бухорий узоқ йиллар хорижда яшади, илм излади, шон—шухрат чўққиларига чиқди. “Саҳиҳ ал—Бухорий” бугун ислом оламида “Қуръони карим”дан сўнг иккинчи муқаддас китоб ҳисобланади. Ҳижозда ҳам, Миср, Месопотамияда ҳам, Басра—ю Бағдодда ҳам, Нишопур, Куфа ва бошқа шаҳарларда ҳам алломанинг таширфини интиқлик билан кутардилар, мунозараларга, анжуманларга ҳурмат билан тақлиф этардилар. Ал—Бухорийга диққат—этибор юксак мақомда, олий даражада эди.

Ажабо, буларнинг баридан воз кечиб она юртига қайтишга алломани нима мажбур қилди экан?

Қандай зарурат уни ушмундоқ жасоратта ундади экан? Шундай жасоратнинг келиб чиқиш сабабларини нималардан излашимиз керак экан?..

Бу, шубҳасиз, унсиз соғинчлар, абадий соғинчлар ҳимматидандир!

Бу, шубҳасиз, она-Ватан меҳри-муҳаббати қудратидандир!  
 Шу тупроқда таваллуд топдим,  
 Шу тупроқ учун яшадим,  
 Ҳоким ҳам шу тупроқда қолгусидир, —  
 Дея аҳду паймон қилган Улуғ фарзанднинг —  
 Юрт олдидаги,  
 Халқ олдидаги,  
 Ҳақ олдидаги, тавба-тазаррусидандир!  
 Йўқ, йўқ, таъзим-эҳтиромидандир!..

\* \* \*

...Абу Исо ат-Термизий.

Яна бошқа бир улуғ бобомиз Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий — ул зот милодий 824 йилда таваллуд топганлар — кўп илмлар қатори асосан ҳадис илмига қизиққанидан ва бу билимини тинимсиз ошириб бориш заруратидан хорижий элларга йўл олди. Тўққизинчи асрда ислом дунёсида машҳур бўлган илмий марказларга айланган йирик шаҳарларда замонасининг етук олимлари билан мулоқотлар олиб борди, билимдонлар суҳбатларида иштирок этди. қарда бўлмасин, сафардами, меҳмондами, сабоқдами, мунозарадами, янги эшитган ҳадисларини дарров қоғозга туширди, хотира қатларида сақлади. У Хуросон ва Ироқнинг кўп шаҳарларида бир муддат-бир муддат истиқомат қилди, Исфаҳон, Макка ва Мадина шаҳарларида муқим яшади. Нишопурдалиқ вақтида устози Имом ал-Бухорий билан дийдорлашувга муяссар бўлди. Ат-Термизий ўз асарлари учун кўп янги фикр—мулоҳазаларни, маълумотларни устози билан бўлган суҳбатлардан олганлигини таъкидлайди. Ал-Бухорий ҳам шогирди салоҳиятини тан олиб юксак қадрларди. Буюк муҳаддиснинг бу ҳақда айтган қуйидаги сўзлари илм аҳли аро машҳурдир: “Сендан кўрган фойдам, — дебди ал-Бухорий ат-Термизийга, — сен мендан кўрган фойдангдан ортиқроқдир.” Устоз билан шогирд ва сафдош ўртасидаги муносабатни — юксак инсонийликни, олийҳимматлиликни, камтарликни, синиқликни, муруватпешаликни бундан ҳам яхшироқ ифода қилиб бўлмаса керак.

Имом ат-Термизий кўп асарлар ёзди ва бу асарлар жаҳон маданияти хазинасини безаб турибди. “Аш—шамойил ан-набавийа” асари Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётига бағишланган. Алломанинг умр мазмунига айланган китоби, албатта, ҳадислар тўплами бўлган “Сунан ат-Термизий” ҳисобланади. Буюк бобомиз мероси бўйича илмий изланишларни амалга оширган олимларимизнинг гувоҳлик беришларича, ислом оламида кўзга кўринган эътиборли муҳаддислар, султони уламолар жам бўлишиб, энг аниқ маълумотлар, манбаларга асосланиб, олгита ишончли ҳадислар тўпламини сайлаб олганлар. Ана шу табаррук “олти”нинг бири “Сунан ат-Термизий” бўлади, бу китоб ат-Термизийни машҳур муҳаддислар сафига етаклади.

Ватандошимиз жуда кўп шогирдларга устозлик қилган. Улар ичида хорижий эллар вакиллари билан бирга Ал—Хайсам ибн Клайб аш—Шоший, Абд ибн Муҳаммад ан—Насафий, Аҳмад ибн Юсуф ан—Насафий каби юртдошларимиз номлари ҳам учрайди. Улар ҳам ҳадисшунослар эдилар.

Абу Исо Муҳаммад ат—Термизий шон—шарафу мартабаларга эга бўлиб турган бир замонда, бирдан хорижни тарк этиб Ватанга қайтиш ҳаракатига тушиб қолди. Ҳолбуки, уни хорижда юртига қайтишга мажбур қиладиган бирор кор—ҳол, ё сабаб бўлгани маълум эмас. Хорижда ҳар томонлама хотиржам кун кечиришга имконлар бор, эгни бут, қорин тўқ, олимлар аро мавқеи ҳам ўзгалар ҳавас қиладиган даражада юксак, эътибор кучли... Яна нима керак эди ат—Термизийга? Лекин у Ватанига қайтди... ва она юрт билан дийдорлашишга муяссар бўлди! Ат—Термизий милодий 892 йилда Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида фоний дунёдан боқий дунёга риҳлат этди, қабри ушбу Буғ қишлоғидадир.

Ажабо, буюк муҳаддис алломани хориждан она юртига қайтишга нима мажбур қилди экан?.. Не сабабдан умри поёнига етай деганда, оғир йўл азобларини бўйнига олиб юртга қайтгиси келиб қолди?

Қандай зарурат уни ушмундоқ жасоратга ундади экан?.. Шундай жасоратнинг келиб чиқиш сабабларини нималардан излашимиз керак экан?..

Бу, шубҳасиз, унсиз соғинчлар, абадий соғинчлар ҳимматидандир!

Бу, шубҳасиз, она-Ватан меҳр-муҳаббати қудратидандир! Шу тупроқда таваллуд топдим,

Шу тупроқда яшадим,

Ҳоким ҳам шу тупроқда қолувсидир, —

Дея аҳду паймон қилган Улуғ фарзанднинг —

Юрт олдидаги,

Халқ олдидаги,

Ҳақ олдидаги тавба-тазаррусидандир!

Йўқ, йўқ, таъзим-эҳтиромидандир!..

\* \* \*

...Қафғол аш-Шоший.

Шундай боболардан яна бири милудий 903 йилда Тошкентда таваллуд топган аллома Абу Бакр ибн Али Исмоил Қафғол аш-Шошийдир. У ёшлигиданоқ фикҳ, мантиқ, ҳадис илми, фалсафа, адабиёт каби фанларни катта қизиқиш билан ўргана бошлади. Аввал у Бухоро ва Термизда бўлди, буюк муҳаддислар мероси билан яқиндан танишди, улардан ўзига улгилар олди. Кейин бир муддат Самарқандда яшади. Уни олаётган билимлари қониқтирмас эди. Илм-маърифатга ташналик Қафғол аш-Шошийни хорижий элларга кетишга ундади. У Хуросонга йўл тутди. Аллома бир жойда кўним топмади, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларини кезди, Ҳижоз, Шом, Ироқ ва бошқа ўлкаларга борди, Макка ва Мадина шаҳарларида бўлди, Бағдодда истиқомат қилди.

Араб олими Ибн Халлиқон ўзининг “Улуғ кишилар вафотлари” китобида Қафғол аш-Шоший ҳақида бундай ёзади: “...Ҳадис илмини билган, тилшунос, шоирдир, ўша вақтда Мовароуннаҳрда у кишига тенг келадиган олим йўқ эди. Бу киши Хуросон, Ироқ, Шом(Сурия) ва бошқа ўлкаларга саяҳат қилиб, ҳамма ерда ҳам ном таратди. У кишининг асарлари кўп бўлган...” Қафғол аш-Шошийнинг қонуншунослик, фалсафа, мантиқ фанларига оид асарлари маълум, лекин шеърий ижоди, афсуски, бизгача етиб келмаган, дейди тадқиқотчиларимиз. Халифаликда иқтидори зўр олим, сарой аъёнлари ўртасида етук қонуншунос, дипломатиядан хабари бор арбоб сифатида машҳур бўлган ватандошимиз халифанинг бошқа давлатлар бошлиқлари билан ёзишмаларида иштирок этиб турарди. Жумладан, Византия императори лашкарбошисининг Бағдод халифасига мактубига қойилмақом шеърий жавобни айна Қафғол аш-Шоший битган ва византияликлар хатнинг фасоҳати-ю, ёзувчининг нуқтадонлигидан ҳайратда қолган эканлар.

Довруқ таратган олим Қафғол аш-Шоший юксак эътиборларга сазовор бўлиб турган бир пайтда, хорижни тарк этиб она-Ватанга қайтишга қарор берди..

У Ватанга қайтди, шукурки, мусофирчиликда неча-неча бор тупларига кирган Шошнинг салқин боғларида кезиш, ёр-дўсту ошинолар билан кўришиш яна насиб этди... Тахмин этишларича, аллома юртга қайтганидан кейин орадан кўп ўтмай, милудий 976 йилда дунёдан кўз юмди, қабри Тошкентнинг машҳур Ҳасти Имом мавзеидадир..

Ажабо, “ҳамма ерда ном таратган” мутафаккир ватандошимиз Қафғол аш-Шошийни она юртига қайтишга нима мажбур қилди экан?

Қандай зарурат уни ушмундоқ жасоратга ундади экан?

Шундай жасоратнинг келиб чиқиш сабабларини нималардан излашимиз керак экан?..

Бу, шубҳасиз, унсиз соғинчлар, абадий соғинчлар ҳимматидандир!  
 Бу, шубҳасиз, она-Ватан меҳр-муҳаббати қудратидандир!  
 Шу тупроқда таваллуд топдим,  
 Шу тупроқ учун яшадим,  
 Ҳоким ҳам шу тупроқда қолувсидир, —  
 Дея аҳду паймон қилган Улуғ фарзанднинг —  
 Юрт олдидаги,  
 Халқ олдидаги,  
 Ҳақ олдидаги тавба-газаррусидандир!  
 Йўқ, йўқ, таъзим-эҳтиромидандир!..

\* \* \*

...Маҳмуд аз—Замахшарий.

Тагин бир улуғ бобомиз ҳақида тўхталмасдан ўтишнинг асло иложи йўқ. Сўз милодий 1075 йилда дунёга келган Абул Қосим Маҳмуд ибн Умар аз—Замахшарий хусусида боради. Буюк мутафаккир олим, фидойи инсон... Унинг араб грамматикаси, луғатшунослик, география, тафсир, ҳадис, адабиёт, фикр ва аруз илмига бағишланган эликдан ортиқ дурдона асарлар битганлигини олимларимиз эътироф этадилар.

У Хоразмнинг Замахшар қишлоғида туғилди, дастлабки билимни Хоразмда олгач, Бухорога борди. Мадрасада таҳсил кўриб, билимини оширгач, Хоразмга қайтди ва Хоразмшоҳлар саройига хизматга кирди. Аммо саройда унинг ноёб салоҳияти қадрига етадиган бирон кимсани учратмади, бу камлик қилгандай, тузукроқ лавозим ҳам ололмади. Бобораҳим Машраб айтганидай, “садафдек камбаҳо бўлган” олим ўқсизланиб қолди. Шундан кейин унда қадр излаб ўзга элларга сафар қилмоқ нияти, табдили ҳаво ҳаваси пайдо бўлди.

Маҳмуд аз—Замахшарий ўша даврдаги донғи чиққан илмий марказлардан саналадиган Марви Шоҳижаҳон, Нишопур, Исфаҳон, Шом, Бағлод каби ва бошқа шаҳарларда бўлди, Ҳижозни кезди, Маккаи Мукаррамани икки марта зиёрат қилди. Қадами етган жойда илм олиш эҳтиёжига яраша муддатда бир йил—ярим йил яшар эди. Биз олимнинг фақат бир асарига тўхталиб ўтамиз.

Аз—Замахшарий арабчада ёзилган машҳур “Муқаддимат ул—адаб” асарини Хоразмшоҳ Отсизга бағишлаган, подшо ўқий олиши учун ўзбек(чигатой) тилида ҳам иншо қилган. Уни ўзбек тили грамматикаси бўйича биринчи асар дейиш мумкин. Шу важдан ҳам Садриддин Айний 1921 йилда ёзган бир мақоласида(у “Меҳнатқашлар товуши” газетасида эълон этилган), “Муқаддимат ул—адаб”ни ўзбек тили учун бутун дунё хазинаси билан баробар дурдона асардир, деб юксак баҳолаганди.

Буюк олим Маккаи Мукаррамада беш йил истиқомат қилди. У Макка шаҳри амири Ибн Ваххос билан дўст эканлигидан ҳамиша иззат-икромда кун кечирди, энг муҳим асарларини шу ерда ёзди. Аз-Замахшарий Макка шаҳрида катта ҳурмат—эътиборга сазовор бўлганини унга “Жоруллоҳ” деган қулуғ лақаб берилганидан ҳам билиш мумкин. “Жоруллоҳ” сўзи — “Аллоҳнинг қўшниси” маъносиде келади. Бу жуда ҳам кам кишиларга насиб этадиган мартаба ҳисобланади.

Ана шундай катта шарафларга эга бўлиб турган пайтда ёши бир жойга бориб қолган, илму ижод деб дунё лаззатларидан воз кечган, бола—чақа қилмаган Маҳмуд аз-Замахшарий бирдан Ватанга, Хоразмга қайтишни қабтй кўнглига тутди!

Йўл узоқ эди, болалигида оғир дардга чалиниб бир оёғидан айрилганлиги, шундан бир оёғи ёғочдан эканлиги ҳисобга олинса, машаққатларга тўла бу сафарнинг қандай кечишини тасаввур қилиш қийин эмасди. Олимнинг ўзи ҳам шу ёшда сафар қилиш осон бўлмаслигини биларди, шунга қарамай қарорини ўзгартирмади.

Маҳмуд аз-Замахшарий ниҳоят юртига қайтиб келди...

Кўп ўтмай, милодий 1144 йилда арафа кечаси улуғ аллома жон омонатини ўз эгасига топширди. Уни она қишлоғи Замахшарда дафн этдилар...

Ажабо, Маҳмуд аз-Замахшарий Жоруллоҳнинг Она юртига қайтишга нима мажбур қилди экан? Тагин, у туғилган қишлоғига Маккаи Муқарраманинг нақ ўзидан қайтиб келди! Кишилар, Маккаи Муҳтарамга борсам, ҳаж қилсам, ризқу насибам тутаган бўлса ўша табаррук ерларда Аллоҳнинг ҳузурига қайтсам, ҳоким ўша ерларда қолиб кетса, деб орзу қиладилар, ўзларига шундай қисматни тилайдилар. Аллома бунга осонгина эришиши мумкин эди. Аммо у бундай қилмади, Маккадаги буюк эҳтирому катта шарафлардан кўз юмиб, Она юртга отланишга ўзида куч топа олди!

Яна такрорлашни истардим: Маҳмуд аз-Замахшарий Жоруллоҳнинг Она юртига қайтишига нима мажбур қилди экан?..

Қандай зарурат уни ушмундоқ жасоратга ундади экан?..

Шундай жасоратнинг келиб чиқиш сабабларини нималардан излашимиз керак экан?..

Бу, шубҳасиз, унсиз соғинчлар, абадий соғинчлар ҳимматидандир!

Бу, шубҳасиз, Она-Ватан меҳри-муҳаббати қудратидандир!

Шу тупроқда таваллуд топдим,

Шу тупроқ учун яшадим,

Ҳоким ҳам шу тупроқда қолувсидир, —

Дея аҳду паймон қилган Улуғ фарзанднинг —

Юрт олдидаги,

Халқ олдидаги,

Ҳақ олдидаги тавба-тазаррусидандир!

Йўқ, йўқ, таъзим-эҳтиромидандир!..



Улав ХАУГЕ  
**Ҳали умид бор**

**ОҒОЧ СИВИЗҒА**

**Б**аҳорда оғочдан  
сивизҒа ясаб,  
яшил ҳуштакчасин  
зар билан безаб,  
бир тошга ўтириб  
қуй чалдим узун.  
Ҳали ҳам ёдимдан  
чиқмайди у кун.

Ҳаётни, ўлимни,  
меҳр, орзуни,  
ўсмир нени севса  
қуйловдим шуни.  
Куйимда умид ҳам,  
дард ҳам бор эди —  
нораста юрагим  
ярадор эди.

Сивизғам йиғларди,  
ўрмон — менга уй.  
Яшар ўлпунимча  
мен билан у қуй.  
У сивизғам тинди,  
менга келди сўз,  
аммо ер дардларин  
айтар қайси сўз?

**ДУО**

Тоғ учлари, бутун ўрмонлар  
қор рўмолга ўраниб олган.

*Русчадан  
Миразиз АЪЗАМ  
таржималари.*

Норвегиянинг ҳозирги замон етакчи шоирларидан бири Улав Хауге Улвик деган қасабада 1908 йилда туғилган. Касби боғбонлик бўлиб, бутун умрини отаси бунёдга келтирган боғни парвариш қилиш билан ўтказган. Боғбонлик, миришкорликни қўймаган ҳолда шеър санъатини ҳам эгаллаган.

Улав Хауге “Кул ичидаги учқунлар” (1945), “Қулаш хавфи остида” (1951), “Кечикиб олтинланган куз” (1956), “Бургут тоғида” (1961), “Шарқий шамол нуқралари” (1966), “Шамолдан сўра” (1971), “Ёлғиз қолган ўт поялари” (1980) каби шеърий китоблар муаллифи.

Улав Хауге инглизчадан, олмончадан ва французчадан кўп шоирлар асарларини норвег тилига таржима қилган. Унинг шеърлари ҳам кўплаб Оврўпа халқлари тилларига таржима қилинган.

О, бу тунги осмон жавони  
ялтир-юлтир дурларга тўлган.  
Изгирикда қайинлар букик,  
дон сепилган шудгорлар — бу ёқ —  
тезда ниҳол қад қўгарар тик,  
тугажақдир албатта бошоқ.

О, худойим, кўзларимни оч,  
жонли мўъжизангни кўрайин,  
ўлик тошга эмасман муҳтож,  
ялтир-юлтирларни нетайин?  
Кўшиқларим, туйғуларимдан  
нур таралсин ўлғунимча то:  
жоним қутлуғ шеърият билан  
бирга ёниб ўтсин муглақо.

\* \* \*

Мана турибман,  
ҳоргинман, шалоқ.  
Умид ўлкаси  
оргимда ухлоқ.  
Йўлим нотекис,  
дўстларим кетди,  
кўзларим хира,  
кўр бўлиб кетди.  
Чўғ сўраб бордим  
нечаларига,  
ўтим ўчганда  
кечаларимда.  
Ўзгдан мадад  
сўрама, қийнар, —  
ажал шамшири  
бошингда ўйнар.  
Юрагинг кўри  
йилт этса ҳам сал,  
балки, сен бойсан  
келганда ажал.

## ТЎКИЛМА, КЎЗЁШ...

Битга жилмайиш,  
битга қўл сиқув,  
тўғри, сен учун арзимаган иш,  
аммо мен учун бахтиёрлик бу...

Тўкилма, ёшим,  
тўкилма кўздан,  
биламан, шўрсан.

## СИНГАН ЎТЧАЛАР

Шамоллар синдирган ўтларни тингла,  
тарқалсин алами, оғриги андак —  
сен синиқ қанотли қушларни англа,  
тўғри, бут қанотлар учади юксак.

Лекин йиқилганга боқма бешафқат —  
ҳаётининг ёруғ кунига ногоҳ  
соя солган бўлса биринчи офат,  
шунда синган бўлса, унда не гуноҳ?

## ШУКУР ҚИЛ

Сени уриб кетмадилар,  
сен пўлат ўқ эмас,  
ерда қолган парку эмассан,  
шундай бўлганига,  
бошга тушганига шукур қил.

Тоққа чиқолмадинг,  
Кўлдан ўтолмадинг,  
ўлдиролмадинг аждарҳони,  
бир она бир марта чақирди,  
умрида бир марта — келмадинг.

Ҳолбуки, пўргана бўлса ҳам,  
тизза бўйи бўлса ҳамки сув,  
саваса ҳам сени жалалар,  
келишинг керак эди.  
Мана, Велунд —  
пайин қирқдилар,  
лекин қанот ясаб олди у —  
болаларга қанча қўлбола  
ўйинчоқлар қилиб берди-ку!

Ҳар нарсага етишмоқ тугал  
орзуларда юз берар фақат:  
тоғларга ҳам чиқа оласан,  
кўллардан ҳам ўта оласан,  
ўлдирасан аждарҳони ҳам,  
етишасан севган ёринга.  
Фақат балки, сенинг ҳаётинг  
шундай йўлда етар муродга.

## СЕН ЁШСАН

Гапирсам,  
гашимда кўп бўлса алам,  
тушунгинг келмайди, чунки сен ёшсан,  
сенинг кунинг ёруғ,  
ироданг маҳкам.

Биз-чи, биз,  
шиквадан воз кечолмаймиз,  
ўйинга ўрганиб қолган одамлар  
ўйиндан воз кечиб кетолмагандай —  
умримиз маънисин безаймиз шундай.

Сенинг ҳам бошинга тушса бир бало,  
ишониб қоларсан орзуларингга,  
бир гўдак бир кўрни бошлаб юргандай  
хаёл сени бошлар узоқ йўлларга.



## ҚАРДОШЛИК

Сен қайинни қардош билдингми — демак,  
кучлисан — енгарсан сойлар тошқинин,  
қўрқмассан ёмғирлар ва шамоллардан,  
қайтара оларсан танклар босқинин,  
биноқ

бир умрга силлиқ, оқ бўлмоқ  
осонмас, бор экан селлар, қўчкилар —  
улар қайинларни узар, майиблар,  
белларини синиқ этар қўчкилар,  
танини қорайтиб кетар қўчкилар.

Сен қардош бўлсанг қарағай билан,  
демак, яшашга ҳам қобил бўларсан:  
қанча кўп яшасанг шунча тик, узун,  
танингни-ку қоплар ажинлар бугун,  
аммо бўрон бўлса эгилавермас,  
қорлар оғир эмас қарағай учун.

Агар сенга оқмўйлов нард бўлса қардош,  
унда сен тортмассан ҳеч балодан бош:  
нард ўти ўтлоқни ботқоқ қилади,  
ҳосилдор тупроқни қумлоқ қилади,  
сен ҳам оқ ва лекин соқоли яшил  
шайтондай бўларсан ўжар, баджаҳл,  
ҳар нарса сен учун бўлар ҳеч нарса,  
ҳаммага бўларсан сен ҳам ҳеч кимса.

## ЭНДИ БЕҲУДА

Уйғонсанг-у бирдан,  
оғир, қора тош  
остида қолгандай сезсанг ўзингни,  
қахрили, бағри тош бўлиб кетарсан...

Денгиз долғаланса энди беҳуда,  
куз ҳам олтинланса энди беҳуда,  
дўзах ёрилса ҳам энди беҳуда,  
ҳақиқат кечикиб очилган бўлар.

## ЮРАК ДЕЙДИКИ...

Туну кун чақирдим ошиб хунобим,  
ялиндим — қайтмадинг аммо изингга.  
Сўнг қопқани ёпдим. Менинг азобим  
кириб қолди шунда сенинг кўксингга.

Сўнгра келдинг гадоё сингари, аммо  
совиб қолган эди олдинги дунё,  
энди ўз қопқангни қоқавер урён —  
токи бармоқларинг бўлгунича қон.

\* \* \*

Шеър туғилар хотирамнинг теранларида,  
тун бағридан бир саринлик келтирар шамол,  
ўлик-зангор чўққиларнинг кўланкалари  
акс этади кўллар юзида.

Эҳ, нима у менинг сўзларим?  
Шимол бўронлари йўлидаги  
ўрмон,  
ҳаёт оловининг  
хароб этувчи йўлида  
тикка-тик турган  
тоғ тизмаси.

## ОҚШОМ БУЛУТЛАРИ

Олис қирғоқлардан  
ошпоқ булутлар —  
мангу хабарчилар  
сузиб келмоқда.  
Кўндан улар менга  
келтирмас хабар.  
Қўрғошин уфқда  
шом осмонида  
кимгадир бир дарак  
келтирди улар.  
Агар шундай бўлса  
демак, дунёда  
ҳали умид бор.

## ОЛОВ БИЛАН МУЗ

Умрим нима менинг?  
Олов билан муз:  
қотиб турган музтоғ  
ва ёниқ юлдуз.

Иккови баҳслашар:  
қани, ким кучли?  
Олов ақсиздир,  
музтоғ кўрқинчли.

Муз — ҳаёт.  
Ут эса ёндирар мени —  
ажал қолдиради  
менга кулини.

## ОРЗУ

Биз борамиз,  
дунёда чунки орзу бор,  
орзуда мўъжиза бўлади содир,  
мўъжиза албатта бўлади содир,  
вақт бизга очилар оқибат-охир,  
юраклар очилади бизга,  
эшиклар очилади бизга,  
очилади биз учун тоғлар,  
қайнаб чиқар инжу булоқлар,  
орзулар очилади бизга:  
бир кун тонгда ҳеч ким билмаган  
тўлқинларда сузиб юрамиз.

## АХИЙРИ КЕСДИМ-А ОЛМАНИ...

Ахийри кесдим-а қари олмани..  
Чунки тўсиб қўйди деразамни у,  
соя қилиб қўйди меҳмонхонани,  
яна харидорлар: аччиқ экан, деб  
бундай олмаларни олмай қўйишди.

Аммо мен баъзида ўйлаб қоламан:  
Нима дерди отам?  
Севарди уни..  
Мен эса тагидан кесиб ташладим.  
Атроф ёришгандай бўлди гўё,  
кўрфаз кўринади деразамдан,  
очилгандай бутун теварак,  
уй қақдин кўрсатди,  
кўринар ҳар ёқ.

Аммо соғинаман олмани, бир сўз демай,  
усиз алланимам етишмагандай!  
У бизни асрарди шамолдан, кундан,  
шоҳ оралаб нурлар тушарди уйга,  
турарди чўзилиб меҳмонхонада,  
тунда барглар сасин тинглаб ётардим.  
“Аччиқлиги” эса, ҳа, нима бўпти?  
Қишки олма шундай бўлади ўзи —  
тахирроқ бўлса ҳам таъми салгина  
яхши сақланарди то баҳоргача.

Ҳар куни қарайман чўлтоқ тўнкага,  
уялиб кетаман ўзимдан ўзим:  
аста-секин чириб бораётир у —  
ковлаб, ўгин қилиб юбориш керак.

## ШУНДАЙ ВАҚТ КЕЛДИ

Ракеталар кўтарилар  
хартумлари тепага қараган,  
қўнадилар Ойга ва ё Миррихга.  
Шундай вақт ҳам келди,  
шундай вақт келди  
юлдузларга экайлик заҳаримизни.



Мирза ИБРОҲИМОВ

## Гулабатин

Қисса

### ҲАСРАТ...

**Т**абризнинг боғ-роғли, анчагина обод даҳаларидан бирида баланд гишгин девор билан ўралган ҳовлида ичкари ва ташқари хоналардан ташкил топган бир қаватли уй савлат тўкиб турибди. Уй унчалик катта бўлмаса ҳам, анча ҳашаматли ва чиройли қурилган, янаш учун жуда қулай. Хонадон ичида барча шароит муҳайё. Ичкари уч хона, ташқари эса икки хона ва бир даҳлиздан иборат. Даҳлиз аёллар ётоғи — ичкари билан эркаклар ётоғи — ташқарини туташтириб туради. Уйнинг мўъжазгина боғдор ҳовлиси ҳам бор. Уй ва ҳовли одатда, жимжит бўлади. Лекин баъзи кунларда, эрталабки нонушта маҳали ёки кечқурунлари айни бир пайтнинг ўзида ҳар тарафдан “Гулабатин” чақириқлари эшитилиб қолади.

- Гулабатин, ҳой Гулабатин! Бу ёққа қара!
- Гулабатин, ҳой Гулабатин! Самоварга сув қуйсанг-чи!
- Гулабатин, ҳой Гулабатин! Кўйлагимни олиб бер!

Бутун сокинлик ҳукмрон. “Гулабатин” дея қичқирувчилар йўқ. Эрталабки чой жимгина ичилиб бўлгач, бека даҳлизнинг чеккасига уйилган кир кийимларни Гулабатинга кўрсатди:

— Гулабатин, бутун бозор-ўчар ёки баққолга бормаёсан, ҳовлини супуриб-сидирмайсан, бошқа ишимиз ҳам йўқ, сув исит, энг шимариб кийимларни юв!

— Хўп бўлади, бекам! — дея Гулабатин дарҳол ишга киришди.

Албатта, энг шимаришга ҳожат йўқ эди, чунки бусиз ҳам кўйлагининг энги тирсаккача эди, холос. Бека бир ҳафта бурун кенжа қизининг энги йиртиқ кўйлагини тутқазиб:

— Йиртилган жойини кесиб ташла, — деганди. — Кийиб ол, энгсиз янаям яхши!

Гулабатин бека айтгандай қилиб, кўйлакнинг энгини кесиб ташлаган, кийиб олгач эса, энгсиз кўйлак қизларгагина эмас, бекага ҳам маъқул тушганди.

— Қарагин, қандай ярашибди... Яхши бўлади, дегандим-ку.

— Раҳмат, бекам. Худо ярлақасин сизни! — дея Гулабатин онасининг бундай ҳолларда бекага ҳаминча дуо қилиш кераклиги ҳақидаги топшириғини эслаб, хушомад қилади.

Ҳозир бека Гулабатиннинг қўли тирсагигача яланғоч эканини кўриб турарди. Шунга қарамай, “энг шимариб” дейишдан ўзини тиёлмади. Зеро, шунга одатланиб қолганди. Бека учун ҳам, Гулабатин учун ҳам бу гаплар

*Озарбайжон тилидан  
Файзи ШОҲИСМОИЛ  
таржимаси.*

Мирза Иброҳимов Озарбайжоннинг атоқли ёзувчиларидан. 1911 йилда туғилган. Ўзбек китобхоналарига “Шундай кун келади”, “Парвона” романлари билан яхши таниш. Адибнинг “Гулабатин” қиссаси ҳам Эрон Озарбайжони ҳаётидан ҳикоя қилади.

ўзгача маъно касб этарди. Бека “енг шимариб” дедими, демак, бугун иш оғир бўлишини Гулабатин яхши биларди. Масалан, бугун уйни бошдан-оёқ супуриб-сидириш, чангларни артиш, шолчаларни ҳовлига олиб чиқиб, қоқиб ташлаш керак бўларди. Майда-чуйда ишлар пайти бека бу гапни айтмасди. Бу гапнинг сеҳри борга ўхшарди. Гулабатинни ҳам, беканинг ўзини ҳам ҳаракатга соларди, ҳушёр бўлишга чорларди. Қизгина ҳамиша эгнида энгли кўйлак бўлса, беканинг кўз ўнгида энг шимариб ишга киришарди. Ҳозир бунга ҳожат бўлмагани учун дарҳол кийимлар тўдасини олиб, иш бошлаб юборди.

Гулабатин уятчан қиз эди. Унинг бу одати бекага хуш ёқарди. Бека дастлабки кунлардаёқ Гулабатин зийрак, эгчил қиз эканини сезган эди. Унинг янада тиришқоқ бўлишига ҳаракат қиларди бека. Дўқ-пўписа, кўрқитиш билан эмас, ҳавас уйғотиш, руҳлангириш орқали эришарди ўз мақсадига. Бека раҳмдил ва ақлли аёл эди.

— Баракалла қизим, ҳушёр бўл, гапни тез илғашга одатлан, бирор иш буюришдими, дарҳол бажаришга ўрган.

Албатта, бу одатни қизгина ўз онасидан ўрганганди. Барча аёллар қатори у ҳам ўз қизининг қўли чаққон, зеҳни тез бўлишини хоҳларди. Бека бўлса, қизгинанинг “қонида бор” бу ҳаракат чуқур илдиз отишини, янада мустақкам бўлишини истарди. Бека ҳар гапида: “Яхши отга қамчи не ҳожат” дея такрорлашни хуш кўрарди.

Катталардан, хусусан, ўз бекасидан эшитган бу таърифлар ёш Гулабатиннинг саъй-ҳаракатлари ва меҳнатига мукофот бўлиш билан бирга, ўзига ҳам ёқиб тушарди. Ҳар ҳолда бу таъриф аччиқ ҳақорат ва таънадан кўра анча яхши эди-да. Шу боисдан ҳам Гулабатин кундан-кунга яхшироқ ишлар, буюрилган ишни ўша заҳотиёқ бажаришга ҳаракат қиларди. Баъзан уни синаб кўриш учун ҳар хил тошшириқлар беришар, орқасидан кузатишарди. Узоқ жойда яшовчи танишиникига юбориб: “Фалон кўча билан бориб, пистон кўча билан қайтгин, четга чиқа кўрма” деб тайинлашарди. У бу тошшириқни бир қадам четга чиқмай бажарганини кўриб тасаннолар ўқишарди.

Ҳозир ҳам сўз хонимнинг оғзидан чиқиши билан Гулабатин аралаш-қуралаш бўлиб кетган ёстиқ ва кўрпа-тўшак жилдларини, дастрўмол ва сочиқларни, ички кийимларни йиғиштириб, эшикка йўналди. Хоним унинг орқасидан хурсанд қараб қолди. Қизнинг бўйи паст бўлганидан кучоғидаги кийим-кечак остида кўринмай кетганини кўриб кулимсиради ва “жуда яхши қиз экан, қўлдан чиқармаслигим керак” деб ўйлади.

Гулабатин эса хурсанд бўлиб кетаётиб, эшик олдида тўхтади ва орқасига қайрилиб болаларча нозик овози билан сўради:

— Хоним, рухсат беринг, ташқарида ювай, ҳовузнинг бўйида, майлими?

Хоним деразадан ташқарини нурга гарқ қилган ёз офтобига қараб ушбу хоҳишнинг сабабини дарҳол тушунди ва ўзича “нима қилганда ҳам бола болада” деган хаёлга борди, рухсат бера қолди:

— Майли, борақол, — деди. — Ўша жойга олиб бориб тахла, сув исит, идишларни ҳам олиб бор. Фақат эҳтиёт бўл, мағзава сувни ерга тўкма, гулларнинг тагига совунли сув тўкилганини кўрса, оғанинг жаҳли чиқади.

— Хўп бўлади! — дея Гулабатин қувноқ ҳолда ташқарига чиқди. Кийим-кечакни ҳовуз бўйига олиб борди. Бир чеккага тахлади. Сув иситиш, тос-тоғора ва бошқа идишларни олиб келиш учун орқага қайтмоқчи бўлди, лекин қайта олмади. Чунки худди шу пайт бир жуфт кабутар учиб келиб, ҳовузда чўмила бошлашди. Гулабатин уларни томоша қиларкан, яна бир гўзал кабутар учиб келди. Ҳаммаёқни “ку-ку”, “гу-гу” овозлари тугиб кетди. Ажойиб бир жўр овоз вужудга келди. Табризнинг чиройли, ранг-баранг кабутарларини Гулабатин жуда яхши кўрарди. Худди шунинг учун ҳам хонимдан кийимларни ташқарида, ҳовуз бўйида ювиш учун рухсат сўраганди. Кабутарлар шу қадар чиройли эдиларки, қизча уларни томоша қилиб тўймасди. Улар тўшларини сувга теккизиб олардилар-да, ҳовуз четида ўгириб қанотларини ёяр, ўзларини офтобга тоблардилар. Шунда бирам чиройли бўлиб кетишардики, қараб кўз тўймасди! Кун нурида тароқ-тароқ очилган патлари юз хил рангда жилоланарди. Бошлари ошпоқ эди. Бўйинларига эса гўё яшил тумор осиб олишганди. Оёқлари тиззагача хина қўйилгандай. Гулабатин уларни мириқиб

томоша қиларди. У анчадан бери чўнтагида дон-дун олиб юрар, ҳозир уларни кабутарларга сочаркан, уларнинг талашиб дон чўқишларидан қалби қувончларга тўларди.

Қизгинанинг кабутарларга ҳавасини орттирган уларнинг ёлғиз зоҳирий гўзалликлари, кўзни қувонтирувчи рангларигина эмасди. Гулабатин уларга қараган сари қалбида ажойиб ҳислар уйғонар, хаёл олиб қочарди. Гўё сеҳрли бир қўл узаниб Гулабатиннинг эҳтиёжга тўла ҳаётининг деворларини йиқитар, ўша ерда бизнинг совуқ дунёмизга ўхшамаган бир оламга тўйнуқ очгандай бўларди. Ўша гўзал оламда опшоқ ва мовий нурлар билан оқиб келган, илиқ бир нарса қизнинг сийнасини тўлдирар, уни беҳуш қилувчи шарбат мисол бутун аъзойи баданига ёйиларди.

Оҳ, бахтиёр кабутарлар. Қани эди, мен ҳам сизлар каби уча олсайдим!

Албатта, Гулабатин бизнинг замонда қушдан ҳам, шамолдан ҳам тез учадиган машиналар яратилганини биларди. Ҳатто, бир марта хонимнинг жаҳддор ўғли Шоҳпаланк машинанинг суратини кўрсатиб: “Тайёра!” деганди. Бундай машиналарда фақат эркаклар эмас, аёллар, қизлар ҳам учганини айтганда Гулабатин кўрқа-писа ва болаларча севинч билан пичирлаганди:

— Армоним қолмасди, агар бир кун мен ҳам кўкда учсайдим!

Бу гапни эшитган Шоҳпаланкнинг кулгиси қистади. Икки қўли билан қорнини ушлаб роса кулди, кейин терли кўйлагини Гулабатиннинг бошига ирғитди:

— Вой-вой, мана бу кўкда учувчига қаранглар! Ерда эшлаб юролмайд-ю, осмонга чиқмоқчи! Олиб бориб юв, қурит, дазмолла. Эрталабгача тайёр бўлсин!

Оҳ, бахтиёр кабутарлар! Сизлар истаган пайтингизда, хоҳлаган жойингизга учиб борасиз. Шоҳпаланк кимлигини сизлар билмайсизлар! Мен эса унинг сассиқ кўйлагини ҳам ювишим керак!

Кабутарлар уни тушунмишгандай ёқимли “ғу-ғу”лашганда Гулабатин гўё бир ажойиб куйни тинлагандай бўлди.

Четдан қараганда кабутарлар чиндан ҳам Гулабатинни таниши ва севиши, унинг туйғуларини ҳис этишгандай бўлиб туюлиши мумкин. Ундан бирор зарар кўришмайди, балки унинг сиймосида фидокор ҳимоячилари бор, деб ўйлашади. Чунки кабутарлар қизни ҳовуз бўйида кўришлари билан қизил гиштли тахтапушнинг остидаги инларидан учиб, пахта тушардилар.

— Гулабатин, қушларга овора бўлма, вақт ўтаяпти! — дея бақирди ойнаванд даҳлиздан хоним.

— Хўп бўлади, хоним, ҳозир! — дея Гулабатин кабутарларни қолдириб кирхонага югурди...

## СУЮНДИК

Гулабатин ўн тўрт ёшда; Табризнинг ёзда чанг, қишда балчиғи тиззага чиқадиган кўчаларидан бирида, паҳса деворлари нурай бошлаган бир уйда туғилганди. Улар яшаган уйнинг кун чиқиш томонида “Но шаҳр” зиндони жойлашган. Кунботар томонида — шаҳар тутаган жой эса қабристон. Уч-тўрт ёшдан бошлаб кўргани — кўчаларидан ё маҳбус олиб ўтишарди ёки ўлик. Ҳа, бу ерда у келин туширилганини ҳам, тўй маросимини ҳам кўрган... Бундай ҳолларда маҳалла болалари чувиллашиб, тобут устида бошидан тирноғигача қора кафанга ўралган маййитни ёки қуролли соқчилар олиб кетишадиган маҳбусларни томоша қилишарди. Келин олиб ўтишадиганда эса “мароқ бўлсин” деб қичқаришар, ўйинга тушишарди. Албатта, тобут устидаги маййит уларга жуда сирли ва даҳшатли кўринарди. Уларга ҳозир маййит кафанни йиртиб чиқад-ю, тахтадай узун, озгин ва яланғоч қўлларини чўзиб, болалардан дуч келганини ушлаб, ўзи билан олиб кетадигандек туюларди. Шунинг учун бир-бирининг қўлидан маҳкам ушлаб, эшик оғзидан бир қадам ҳам нари жилишмасди. Уларнинг энг ёқтиргани тўй маросими эди. Чунки бундай пайтларда катталар ҳам хушмуомала бўлар, ҳатто болаларга ширинликлар улашарди...

Маҳбус олиб ўтилаётганда эса вазият бутунлай бошқа бўларди. Болалар маҳбуснинг ким экани, нима иш қилиб қўйгани ҳақида суриштиришар, баҳслашардилар, ҳатто катта ёшлар улар орқасидан эргашиб “Но шахр” дарвозасигача боришарди. Агар маҳбус “сиёсий” бўлса, болалар янада мароқ билан кузатиб қўйишарди. Катталардан эшитганига қараб, болалар ўғриларга, дўкон ўмарувчиларга ошкора нафрат билан қарардилар. Ҳатто ўз туйғуларини билдиришдан ҳам тортинмасдилар.

— Бўйини қаранглар, кап-катта киши ўғирлик қилса-я!

— Егани ҳаром, тешиб чиқсин!

“Сиёсийлар”ини эса тантанавор бир сукут билан кузатишар, гаплашганда ҳам пичирлаб сўзлашарди. Уларга нисбатан кўзлари мароқ билан ёнарди. Гўё улар гайриоддий одамлар эди-ю, ҳаётлари сирли, ўзлари эртақлардаги қаҳрамонлар сингари кўрқмас ва жасур бўлиб кўринарди. Бир сафар битта “сиёсий”нинг орқасидан қараб қоларкан:

— Катта бўлсам, мен ҳам сиёсий бўламан! — дея мақтанди ўзидан етти ёш катта акаси Ҳамза унинг қулоғига аста шивирлаб.

Ҳамза дарҳол Гулабатиннинг кўзига бошқача кўришиб кетди: қаҳрамон, жасур, матонатли... Лекин ўша пайтда на унинг, на Ҳамзанинг хаёлига сиёсий бўлиш қанчалик оғир иш экани келмаган эди. Бу нарса оила бошига қанчалар кулфат келтиришини улар қаёқдан билсин?!

Ўша пайтда Гулабатиннинг отаси Намоз киши ҳам, катта акаси Суюндик ҳам Табриз кўн корхонасида ишлашарди. Иккаласи ҳам оддий ишчи эдилар, оилани бир амаллаб тебратишарди. Намоз киши ҳам, хотини Норинж ҳам бир бурда нонлари борлиги учун кечаю кундуз худога шукр қилардилар. Фақат Суюндик қўлини дуога очмас, шукр қилмасди. У ҳаётдан, корхонадаги иш шароитидан, ишчилар маошининг озлигидан шикоят қилар, отаси ҳам, онаси ҳам уни тергаб қўйишарди.

— Одам бунақа ношукр бўлмайди, болам. Бундоқ қарагин, Табризда қанча ишсиз бор. Бир бурда нонга муҳтожлар қанча! Ўшаларга қараб, ўз аҳволинга шукр қил!

— Нимага шукр қилайин, ота?! Бизнинг еримиз, тупроғимиз кимда бўлса, ўшалар — катгаю-кичик ҳаммасининг туваги ҳам тилладан. Бизнинг ҳасратимиздан эса чанг чиқади. Нимага шукр қилайин, ота?! — дерди Суюндик алам билан. Унинг кўшига гапларига Гулабатин тушунмасди. Лекин унинг гапларига қулоқ соларкан, эшиклари олтидан олиб ўтилаётган маҳбуслар кўз ўнгидан жонланарди. Шунда у Суюндик ўша маҳбусларнинг ҳаммасидан жасур, ҳаммасидан ботир, — деб ўйларди, — ҳаммасидан қаҳрамон! — дегиси келарди.

Ана шундай ҳис-туйғулар таъсири билан у онасининг тиззалари орасидан сирғалиб чиқар, акасининг қўлтигига кириб, бошини унинг кўксига қўярди, кейин акасининг қора жингалак сочларини силай бошларди. Акаси бўлса отаси билан баҳслаша-баҳслаша Гулабатиннинг бошини силар, жажжи қўлчаларини ҳовучи ичига олиб иситарди. Баҳсининг бефойдалигини ҳис қилиб, сўзида давом этарди:

— Бизлар ҳеч киммиз, ота! Бизнинг ҳаётимиз бир бурда нон билан ниҳоясига етади. Буларни ўйлаш керак! Ҳеч бўлмаса, булар яхшироқ кун кўришсин. Жоним соғ бўлса, Гулабатинни ўқитаман. Кўзларидан фаросатли экани шундоқ кўришиб турибди, ўқитаман. Институтгача олиб бораман. Битирсин, дўхтир бўлсин, касалларни даволасин...

Лекин тақдир тақозоси шундай бўлдики, Суюндик ўз орзусига ета олмади. У Гулабатинни олтинчи синфгача ўқита олди. Қизнинг ёши ўн учга тўлиб, у еттинчи синфга боришга тайёрланаётганда, бир кун кечкурун қуролли одамлар келиб, “сиёсий” дея Суюндикни олиб кетмоқчи бўлишди. Онаси ўзини йўқотиб қўйган бир ҳолатда йиғлар эди. Аввалига дод солиб юз-кўзини юмдаламоқчи бўлди. Суюндик: “Ойижон, ўтинаман, жим бўлинг” деган маънода қараган эди, аёл жим бўлди. Лекин кўзларидан оқаётган ёш томчилари юзидан ўрмалаб тушарди. Отасининг ранги докадай оқариб кетганди. Ич-ичига ботиб кетган кўзлари иситмаси бор одам кўзларидай ёниб турарди. Бу кўзларда исёнкор фикрлар ўйнади. Лекин Намоз киши ҳеч сўз айтмади, қотиб

қолгандай қараб турарди. Фақат Ҳамзагина ўзини дадил тутарди. Кўзлари нафрат билан боқарди. Бу пайтда у ўн тўққиз ёшда эди, ўзи гилам фабрикасида ишларди. У бир чеккада туриб қуролли одамларнинг шоша-пиша уй тинтишларини, кўрпа-тўшакларнинг астар-аврасини ағдариб кўришларини кузатаркан, юзига қон тепар, муштлари тугиларди. Гулабатин Суюндикка ёпишиб олганди. Пастдан тепага қараб турган кўзларини акасининг юзидан узмасди. У жуда хотиржам кўринарди. Қора қошлари керилган, йирик кўзлари бамайлихотир тинтувчиларни кузатарди. Гўё зиндонга эмас, бошқа жойга кетаётгандай-у, икки-уч соатдан кейин қайтиб келадигандай тутарди ўзини. Энди у, Гулабатиннинг кўз ўнгида чиндан ҳам бир қаҳрамон эди ва у акаси билан фахрланарди.

Лекин бу туйғу узоқ давом этмади. Онанинг бетиним оқаётган кўз ёшлари, дунёдан умидини узган отасининг мурдадай оқариб кетган юзи оила бошига кагта бахтсизлик тушганини кўрсатиб турарди. Бирдан Гулабатиннинг миясига акасининг тунлари уйда ётмаслиги келди-ю, уни ваҳима босди. Гўё акасидан бутунлай айрилиб қоладигандек, унинг қўлини қаттиқ қисди. Буни ҳис этган Суюндик унинг бошини меҳр билан силади. Гўё кўзлари билан: “Нима қилибди, Гулабатин? Мен қайтиб, ёнингизга келаман. Сени ўқитиб, дўхтир қиламан. Ишонавер...” — дегандай бўлди.

Акасининг вазминликни йўқотмаган, кўрқмас, мард ва илиқ қарашлари Гулабатинни муайян муддат тинчлантирса ҳамки, уйдаги ғам-ғуссанинг оғир юкидан халос қила олмади. Бир онда қизнинг бошида доғули фикр чарх урди: керакмас, қаҳрамон бўлишингни истамайман, ҳаммага ўхшаш бўл-у, уйимизда қол...

Ана шу фикр таъсири остида у Суюндикка маҳкамроқ ёпишди, унинг қўлини такроран қисди. Яхшиямки Суюндик буни сингил муҳаббатининг ифодаси деб тушунди. Унга гўё Гулабатин: иродали бўлинг, кўрқманг! — деяётгандек эди. У сингисини хотиржам қилмоқчидай унга тепадан пастгача қараб чиқди-да, кулимсираб: “Мендан хавотир олма, иродали бўламан” дегандай кўзларини юмиб-очди.

Кейин Суюндикни олиб кетишди...

Дастлабки кунлар Гулабатин акасининг уйда йўқлигига ҳеч ишона олмасди. Қарийб ҳар кун акасининг айтганлари хаёлида жонланаверарди. Айниқса, қамоққа олинишидан бир ҳафта олдин қилган суҳбатларини унута олмасди. Уйда ҳеч ким йўқ эди, Суюндик билан Гулабатин ёлғиз эдилар. Ўшанда суҳбат келажак ҳақида борарди. Акаси жуда ажойиб бир олам ҳақида гапирарди:

— Ҳаёт тубдан ўзгаради, сингилжон, шундайлигича қолмайди. Ейиш-ичиш ва кийиш ҳақида қайғурадиганлар бўлмайди. Бизнинг бу Табризни ҳали кўрасан, уни биз жаннатга айлантирамиз. Бирорта ҳам пахса уй қолмайди. Чангли кўчаларини, лойсувоқ уйлариининг ҳаммасини бузиб, янги уйлар кураамиз. Катталарнинг ҳаммасига иш берамиз, кичкиналарни ўқитамиз...

Лекин ҳаётнинг эҳтиёжлари, турмушнинг оғирлиги ёнида булар бир хаёлга ўхшарди, Гулабатинга туш каби кўринарди.

Суюндикни олиб кетганларидан сўнг бир ҳафта ўтмай туриб, кўн корхонасидаги ишчиларни қисқартириш бошланди. Айтишларича, фабрика эгаси зарар кўра бошлабди, бозорда терининг қиймати шу қадар тушиб кетибдики, ишчиларга маош тўлашнинг иложи бўлмай қолибди. Табиийки, биринчи қисқартирилувчилар рўйхатида Намоз киши ҳам бор эди. Энди оила Ҳамзанинг гилам фабрикасидан оладиган озгина маоши билан кун кечирishi керак эди. Бу маош уларнинг уйи кирасини ҳам қопламас эди. Намоз киши ўзини у ёқ-бу ёққа уриб кўрди, бирор иш тополмай уйда ўтириб, ёлғиз худогагина умид боғлади. Уста Зейнал сингари ўйлаб:

— Ҳеч ким пешонасига ёзилганидан ортигини кўролмайди, — деди. — Пешонамизга нима ёзилган бўлса ўшани кўраамиз!

Ўша пайтларда онаси яхши бир хонимга югурдак кераклигини билиб қолди. Ўша хоним уйдаги майда-чуйда ишларни бажариш, бозор-ўчарга борадиган, дўкондан ул-бул нарсалар олиб келадиган зийрак ва қўл-оёғи чаққон қиз бола ахтараётган экан. Бундай имкондан фойдаланмаслик аҳмоқлик бўларди.



Улар Гулабатинни дарҳол хонимнинг уйига рўпара қилишди. Хоним дастлаб ойига ўн тумандан<sup>1</sup> беришга ваъда қилди. Агар қиз ўзини оқласа ва уларга маъкул тушса, бир оздан кейин маошини ўн беш туман оширишга кўнди. Бу шартга Гулабатиннинг онаси ҳам, отаси ҳам рози бўлишди. Чол-кампир бу хонимни оддий бир хоним эмас, фаришта экан, уларнинг додларига етсин деб осмондан худонинг ўзи етказди, деб ўйлашди.

— Аллоҳи карим, бир жойдан беркитганда, бошқа ердан очади! — деб Намоз киши қўлларини кўксига кўтариб шукроналар айтди.

Албатта, икки йил бадалида хоним Гулабатинни яхшигина билиб олди ва ундан жуда ҳам рози бўлди. Ваъда қилинганидай маошини ҳам оширганди. Энди ейиш ва кийишдан ташқари унга йигирма туман йигирма бериб турарди. Янада тўғрироғини айтадиган бўлсак, “қиз болани пул бузади” деб, ўзига эмас, онасига берарди. Ҳар ойнинг охирида Норинж келиб, минг бир дуолар билан йигирма туманни олиб кетар ва Ҳамза келтирган маошнинг устига қўшиб, рўзгор тебратишга ҳаракат қиларди.

## ЯХШИ ХОНИМ

Гулабатин саҳар кўз ёриши билан уйғонишга одатланганди. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Албатта, саҳар уйқуси унинг учун жуда ширин эди. Лекин ухласа бўлмасди. Хоним ва оиланинг бошқа аъзолари уйқудан тургунча бозорга бориб келиш, ҳовлини супуриш, самоварга ўт ёқиш керак эди. Ҳар кун офтоб нурларининг тоғлар оша ёйила бошлаганини ҳис этгандай уйғониб кетар, гўё кимдир қўлидан тортиб силкитаётгандай, “тур!” — деяётгандай бўларди.

Уйда эрталаб кимнинг зарур иши бўлса, барвақт тургиси келса:

— Гулабатин, эрталаб мени еттида уйғот!

— Гулабатин, эрталаб соат олтига чорак дақиқа қолганда мени уйғотиш эсингдан чиқмасин! — деб тайинлашарди.

У айtilган пайтда топшириқ берганнинг эшигини тақиллатиб:

— Оға, соат олти бўлаяпти, тулинг! — дерди.

Эрталабки нонушга пайти, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришаркан, гап шу мавзуга келиб тақалганда ҳаммаси бараварига ҳайрат билан сўрашарди:

— Ҳой, Гулабатин, қандай сир борки, қачон истасанг ўша пайтда уйғонасан?

Гулабатин бошини ҳам қилиб, жавоб бермасди. Фақат унинг бу фазилати хонимнинг ва уйдагиларнинг барчасига маъкул эканидан ич-ичидан севинарди. Барвақт туришнинг сирини эса фақат ўзи биларди. Унинг назарида бунда ҳеч қанақа сир ҳам йўқ эди. У офтобнинг чиқиши ва ботишига қараб ётиш-туришга одатланганди. Гулабатинни уйқудан вақтида уйғотувчи сеҳрлар кўёш эди. Қизча даҳлизда офтоб ёруғининг озми ёки кўпчилигига қараб соат неча бўлганини биларди. У ҳар ой ва ҳар кун қайси вақтда кўёш нурлари деворнинг қаерига тушади ва одатда, қизчанинг ётадиган жойи бўлган даҳлиз қай даражада ёришганини биларди. Ёз бошларидан кузнинг ўрталаригача офтоб узлуксиз нурларини Табриз узра, унинг гўзал сафоли боғ-роғларига сочгани учун Гулабатин истаган пайтда уйғона оларди.

Бу Гулабатин бураб қўйилган соат сингари аниқ ишларди деган маънони англатадими? Ҳечам-да! У ҳам ўз ўрнида маза қилиб ётарди. Жажжигина қўлларини бошининг остига қўйиб, кўзларини деразанинг энг тепасидаги мовий бўшлиқларга тикканча хаёл сурган, баъзан ухлаб қолган дамлари ҳам бўларди. Лекин бу нарса хонимнинг Гулабатин ҳақидаги яхши ўйларига пуғур етказмасди. Чунки бундай ҳоллар жуда камдан-кам рўй берарди. Бундай кунлар эса, эрталабдан бажариладиган зарур ишлар йўқлиги туфайли Гулабатинга маълум бўларди. Бундай пайтларда қизча кечқурундан бамайлихотир ётар, эрталаблари бемалол уйғонарди. Уйғониб ўйга толарди. Нималарни ўйларди? Шундай дамларда у кўпроқ акаси Суёндикни ўйларди. Энди Суёндикни Табриз зиндонидан Техронга ўтказишпанди. Табризда бир-икки бор зиндоннинг темир панжаралари ортидан унинг юзини кўрса бўларди. Гулабатинга акаси

<sup>1</sup> Т у м а н — Эрон пул бирлиги, ўн реал бир туманга тенг.

зиндонга тушгандан бери кўзлари янада катталашгандай бўлиб туюларди. У одамга қараганда нақд юрагининг ичини кўргандай бўларди. Лекин яширин ғазаб билан ёнғувчи бу кўзлар темир панжаралар орқали Гулабатинга қараганда юмшаб, мулоийлашар, ажиб бир табассум билан ёришиб кетарди, тушуниб бўлмас ғазабнинг ўрнини ҳасрат эгалларди. Энди эса, Гулабатин ҳафтада бир марта бўлса-да, бу кўзларни кўриш саодатидан маҳрум эди. Рост, Суюндикнинг кўзлари ҳамиша Гулабатиннинг юрагида эди. Тонг юлдузи сингари унинг юраги ичида ёниб турарди ва ҳеч қандай куч уни у ердан чиқара олмасди. Ҳатто ўн, йигирма, ўттиз йил ўтса ҳам бу юлдуз сингилнинг юрагига нур сочиб турадигандай эди. Лекин, қизиқ! Вақт ўтган сайин Гулабатинга номаълум бир куч ҳар куни уни Суюндикдан узоқлаштираётгандай туюларди. Гўё бу юлдуз олис-олисларда совуқ порлаб тургандай бўларди. У акасини эрталаблари ёки кечалари ухлаётганда эслаб қоларди. Суюндик ёш қизнинг ҳаётида ҳаммадан яширин сирига айланди. Шу сир билан қизнинг минг бир орзулари, хаёллари, тушуниб бўлмас ҳолатлари, жамиятнинг, инсон ҳаётининг ўргимчак тўри мисол чуваланган ҳодисалари, зиддиятлари боғланиб турарди. Ҳар ҳолда, Гулабатин Суюндик ҳақида ҳамманинг ёнида ўйлашдан ҳам эҳтиёт бўларди. Гўёки кўзининг ичига қарашлари билан зиндонда ётган “сиёсий” акаси ҳақида ўйлаётганини билиб олишадигандай. У бирорта бегона кўзнинг юрагига тушмаслигини, у ердаги энг муқаддас, энг азиз туйғуларига тегишини истамасди. Шу боис, Суюндик ҳақида ўйга толган саҳарларда Гулабатин вақтни унутиб кўяр, баъзан хонимдан ҳам кеч туриб ҳовлига чиқарди. Гоҳо ҳеч қаерга бормаслигини билган кезлари ҳам кечикар, ётган ўрнида бемалол чўзилиб қолар, кўрпасида нозланишни ўзига раво кўрар, “яна бироз ётай” деб кўнглига эрк берарди. Шунда ҳам кўзини мундоқ очиб қараса, ярим соат кеч қолибди — на оз, на кўп! Дарҳол ҳовлига қулоқ соларди. Ҳа, хоним туриб юз-қўлини ювибди, дастрўмолини ҳовлидаги ипга осмоқда. Шартга ўридан туриб, кўйлагини кияр, сочини наридан-бери тараб, ташқари чиқиб, титроқ товущда:

— Салом, хоним, — дерди. — Хайрли тонг!

Унинг овозидаги гуноҳкорлик оҳангини ҳис этган хоним меҳрибонларча кулимсирарди:

— Салом, Гулабатин, сал ухлаб қолибсан-а? — дерди ва дарҳол илова қиларди: — Ҳечқиси йўқ, саҳарги уйқу ширин бўлади. Бугун негадир мен барвақтроқ турибман.

Гулабатин қалбида хонимга минг бир ташаккур туйғуси билан дарров юз-қўлини ювар, самоварга ўт ташлар, ҳовлини супуришга киришарди.

Гулабатиннинг бахтига хоним умуман нажиб табиатли бир аёл эди. Баъзан алаф ичида шундай хушбўй гул кўкарадики, ҳиди ва чиройи кўрганни ҳайратга солади. Мол-давлат ва бойлик кеккайтирган, меҳнатга ва меҳнат кишиларига нафрат билан қарайдиган усти ялтироқ, ичи қалтироқ текинхўрларни яратган бузуқ муҳида хоним нодир истиснолардан эди. Ҳеч қандай бойлик, ноз-неъмат ва мерос, саодат унинг инсоний табиатини буза олмаган, мунис ва меҳрибон инсон қалбини тошга айлантирмаганди. Шу боисдан ҳам ўн тўрт яшар Гулабатиннинг инсон иродасидан ташқари бўлган сабъ-ҳаракатларини, меҳнат қобилиятини, ишчанлигини, ота-онасига табиий ва беҳад муҳаббатини кўрганда, буларнинг барчасини ўзининг кенжа қизининг ўринсиз шалтоқлигини, ҳар куни соат ўнгача ухлаши, ейиш ва кийишда кўрсатадиган инжиқликлари билан, ўғлининг ҳеч бир мезонга сиғмайдиган хархашалари, бирон-бир неъматнинг қадрини билмаслиги, бузуқ ва худбин табиати билан қиёслаганда Гулабатинни юракдан севиб қолган ва шунинг учун унга нисбатан қалбида самимий муҳаббат уйғонганини ҳис этганди. Хоним Гулабатиндан кўрган ҳурмат-эътиборни фақат катта қизидан кўрарди. Уйдаги қолган оила аъзолари унга фақат азоб берар, қонини қайнатар, ҳаётини заҳарлар, юрагини дард билан тўлдирар эдилар. Ўз болаларидан қутганларини бегона қиздан топиши онанинг қалбида қанчалик аччиқ таассуф ҳисларини уйғотса ҳам Гулабатинни керагича қадрлашга монелик қилмасди. Гулабатин буларни яхши ҳис қилгани учун хонимни севарди ва қўлидан келганча уни рози қилишга уринарди.

Гулабатин кўпдан бери шуни ҳам сезиб юрардики, хонимнинг эри Ҳожи Салмон аёлининг бутунлай акси: жаҳлдор, инсофсиз, жиззаки бир одам эди. Жаҳли чиққанда босар-тусарини билмай қолар, бундай пайтларда хотинидан бошқа ҳеч кимга қулоқ солмасди. У оғзига келганини қайтармас, аччиқ сўзлари билан одам қалбини жароҳатламай қўймасди. Хонимга оғир гап айтолмаслигининг, жаҳли чиққан пайтларда у билан эҳтиёткорона муомала қилишининг сабаби эса муҳаббат ёки ҳурмат эмас, кўрқув эди. Зеро, Ҳожи Салмон хотинидан тортинарди ва буни Гулабатин ҳам сезарди! Шунга қарамай, Ҳожи Салмон баъзан хонимни ҳам заҳарларди. Хусусан, хонимнинг Гулабатинга мулойим рафтори, қизгина ухлаб қолганида аччиқланмаслиги, жазоламаслиги, аксинча, хушмуомаласи ҳожининг назарида ахлоқ қоидаларининг бузилишига тенг эди. Шу муносабат билан Гулабатин ҳожининг тўнгиллаганини, хонимга таънали гаплар айтганини бир неча бор ўз қулоғи билан эшитганди:

— Сен расво қиласан бу қизни. У — хизматкор, уни жойида ўтиргиз, бошинга миндираверма!

— Бошимга миндираётганим йўқ. Расво қилмайман, кўрқманг! — дея хоним ўзига хос мулойимлик билан жавоб берарди. — Сиз хотиржам бўлинг! Гулабатин жойини билиб ўтирадиган қиз, бошга минадиганлардан эмас!

Бутун Гулабатин яна ухлаб қолганди. Аксига олиб бу сафар ҳожи хонимга нисбатан барвақт турганди, қаёққадир шошаётган эди. Самоварнинг қайнаб турмаганини кўриб, Гулабатинни чақирди. Ошпоқ, семиз қўли билан иягидаги узун, сийрак соқолини ўйнаганча:

— Чой олиб кел, шошиб турибман, — деди.

— Ҳозир, оға, — дея Гулабатин шошиб самоварга сув солди, кўмир қалаб, туташтирди. Буларни кўриб турган ҳожи оға кўрмаганликка олиб деразаси боққа қараб очиладиган катта емакхонадан қичқирди:

— Гулабатин, чой нима бўлди?

— Ҳозир қайнайди, оға, дамлайман! — деганича кўрқиб жавоб берди Гулабатин.

Ҳожи аччиқланмади, дўқ қилмади, аммо заҳархандалик билан “хи-хи” деб кулди ва кўса соқолини ўйнатди:

— Вақтида туриш керак, хоним қиз, вақтида!

У “хоним қиз” сўзини шундай бир истехзо билан айтдики, Гулабатиннинг сийнасига ўқ санчилгандай бўлди. Шундай мулойимлик билан айтилган аччиқ, заҳарли сўзлардан кўра, ҳожи қичқирса, дўқ қилса яхшироқ бўларди.

Яхшиямки шу пайт хоним чиқиб қолди ва ҳожига яқинлашди. Улар нима ҳаққадир гаплаша бошлашди. Гулабатин тугаб, сира ўт олмаётган самовар ёнига чўккалади, мўрконни олиб ташлаб, қаттиқ-қаттиқ пуфлади, ўтин ва кўмир аланга олгач, мўрконни яна кийгазиб қўйди. Хоним билан ҳожи ҳамон пичирлашардилар. Лекин овозлари борган сари кўтарила бошлаганди. Гулабатин истар-истамас уларнинг суҳбатини эшитиб қолди.

— Ҳой киши, худо ҳаққи, бас қилинг, бир пиёла чой деб қонимизни қайнатманг! — дея хоним босиқлик билан гапирарди.

— Мен ҳеч кимнинг қонини қайнатганим йўқ, хоним, аксинча, менинг қонимни қайнатишмоқда! — дерди ҳожи мулойим, лекин зуғумли бир овозда. — Билолмаяпман, мен бу уйда кимман ўзи... Бир хизматкор қизчага гап ҳам айтаолмасам!?

— Сиздан илтимос, ҳожи, бориб дўконда билганингизни қилинг. Уй ишларига, хизматкор ишига аралашаверманг. Мен ўзим биламан оқсоч билан қандай гаплашишни. Кўзимни очибманки, оқсочлар, хизматкорлар билан муомала қилиб келаман.

Хонимнинг охириги гапи ҳожига бошлаб тикон санчиб олиш, унинг попугини пасайтириб қўйиш учун айтилганини Гулабатин тушунди. Хоним аслида мўътабар бир одамнинг қизи эди. Отаси бутун Табризда маълум ва машҳур эди. Оврўпа мамлакатлари билан алоқаси бор эди унинг. Аслида қишлоқ боғбони наслидан бўлган бу одам яхши таҳсил олган, Оврўпа тилларига ошна эди, инглиз тилини жуда яхши биларди. Ҳатто мукамал форсча-инглизча лугатлардан бирининг муаллифи эди. Мол-давлат жиҳатидан ҳам Табриз киборларининг энг таниқлиси бўлганди. Фақат улардан маърифий

қарашлари билан ажралиб турарди. У қизига яхши тарбия берганди, ҳожи эса ота-боболари ўрта тоифадаги бир баққолнинг боласи эди. Оиланинг ёлғиз фарзанди бўлган хонимга уйланганидан сўнг, қайнотасининг ёрдами билан дўкон очганди. Гап айланиб насл-насабга тақалгач, ҳожи жимиб қолди, чойини ичиб тамомлагунча на хонимга, на Гулабатинга бирор сўз демади. Уларнинг юзларига ҳам қарамай, индамай-нетмай чиқиб кетди. Фақат Гулабатин кун бўйи ўйга толди. Хоним билан оға ўртасидаги тортишувга сабаб бўлганидан унинг кўнгли жуда гап эди. Бундан кейин сира ҳам ухлаб қолмайман деб, ўз-ўзига сўз берди. Энди ҳаммавақт олдин тураман деб онг ичди. Нима ҳам қиларди, тақдир тақозоси шундай экан-да!

## ОНА ТИЛИ

Кечкурун ётиш олдидан хоним Гулабатинни ёнига олиб, кўлига сариқ қалам туқазди-да, бир варақ қоғозни олдига кўйди.

— Ёз. Қани, кўрайлик-чи, эртага бозордан нималар оларканмиз.

Бу ишни Гулабатин жуда ёқтирарди. Хонимнинг топшириқлари ичида энг маъқули шу эди. Қизча қаламни бармоқлари орасига олиб, маҳкам қисди-да, қоғозни олдига тортиб, хонимга қаради. Гулабатиннинг тайёрлигини кўриб, деди:

— Сариёғ — уч кило. Қора майиз — икки кило. Ёздингми?

Гулабатин ҳеч нарса ёзмай, таажжуб ва савол назари билан хонимга қаради. Ахир, бундай нарсаларни ҳожи отанинг ўзи олиб, бериб юборарди. Бунинг устига, хоним айтганидай, уч кило, икки кило эмас, ўн-ўн беш бараваар кўп. Уйга бир ярим-икки ойга етадиган бўларди. Хоним қизнинг қарашларидаги саволни тушуниб, деди:

— Ҳожи тайинлабди, олиб келишади. Кеч қоладими деган хавотирдаман. Овқат пайтигача олиб келиша олмаса керак. Сариёғ қанча дедим?

— Уч кило, дедингиз, хоним...

— Ҳа, сариёғ — уч кило, қора майиз — икки кило, хурмо — бир кило, каштан — бир кило, туршак — бир кило, ёздингми?

Хоним Гулабатинга биринчи синф ўқувчисига ёздиргандай меҳрибонлик билан дона-дона қилиб айтиб турди.

— Ёздим, хоним, — деди Гулабатин хонимга бошдан-оёқ қараб чиқаркан, “Хонимда шундай фазилат бор экан, ундан жуда ажойиб ўқитувчи чиқарди-да!” деб ўйлади. Бу фикрини ҳатто хонимга айтмоқчи ҳам бўлди. Лекин истиҳола қилди, негадир тортинди. Хоним сезгир эди. Гулабатин кўзларининг ҳаракатидан нимадир демоқчи эканини фаҳм этди.

— Қани айт-чи, нима демоқчисан?

Гулабатин жим туришнинг энди мумкин эмаслигини англади. Хоним сўраб турганда фикрини ундан яширишни гуноҳ деб билди. Лекин айта олмади.

— Ҳеч, хоним...

Хоним аввалига Гулабатин бугун бозор хусусида бирор нарса демоқчи шекилли, деб ўйлади. Лекин қизнинг қизарганини кўриб, бошқа гапи борлигини тушунди.

— Хўш, Гулабатин?

— Демоқчиманки, хоним, сиздан жуда яхши муаллим чиқади! Сиз дарс берган болаларнинг ҳаммаси яхши ўқишарди...

Гулабатиннинг ўзи ҳам сезмаган ҳолда хонимнинг қалбидаги шундай торга беғараз тегиб кетган эдики, у барча инсонлар сийнасидаги энг ҳассос торлардан бўлиб, биргина сўз ҳам уни титратиб юбориши ҳеч гапмас. Кичкинагина қиз боланинг, оддий бир оқсоч қизчанинг оғзидан шундай гапни эшитиш хонимни жунбушга келтирди. У кўлини қизнинг бошига кўйди.

— Қасрдан биласан?

Гулабатин тетикланди, бу гўзал хонимнинг руҳини кўтарадиган бир гап айтгани учун суюниб, соддадиллик ва самимийлик билан жавоб берди.

— Жуда сабрлिसиз, одамга ўшқирмайсиз! — деди, — болаларни яхши кўрувчиларни ҳеч ким ранжитмайди.

Хонимнинг сиймосида бирдан афсус ва надомат ҳислари кўринди:

— Ахир, Шоҳпаланк, кичик хоним мени нега ранжитишади? Нима, мен уларни кам севаманми?

Гулабатин бу саволга жавоб топа олмади. Фақат ғира-шира тарзда шуни ҳис этдики, чиндан ҳам одамларнинг ҳаёти ўзи ўйлаганчалик содда эмас, худди ўргимчак тўридек аралаш-қуралаш сирлар билан тўла. Хоним бўлса, ёмон болаларининг қилиқларидан, юрагини ўртовчи оғир ва аламли ўйлардан чалғишга уриниб:

— Майли, ёз қани: тўш гўшти — беш кило, — деди ва пешонасига осилиб тушган сочини қайириб қўйди-да, давом этди: — кўкатлар, ҳаммасидан бир боғдан. Фақат шовил эсдан чиқмасин. Агар бўлса, бир дона тош қалам ҳам олгин.

Хоним яна баъзи нарсаларни ёздирганидан сўнг, ҳали уйдан чиқиб улгурмаган Гулабатинга тайинлади:

— Оғирлик қилса, баққолнинг ўғлига айт, сенга ёрдамлашиб юборсин. Бир-икки танга берсанг...

Хоним кетгач, Гулабатин эрталаб олинадиган нарсалар рўйхатини саҳармардон туришим билан кўзим тушсин деб, дераза тоқчасига қўйди. Кейин ёстиғи тагидаги кўк жилдли китобни олиб, дераза олдига ўтирди-да, ўқий бошлади. Бу китоб демократлар ҳокимияти пайтида Табризда бешинчи синф ўқувчилари учун чиқарилган “Она тили” китоби эди. Гулабатин кечқурунлари ишдан бўшади дегунча ундаги кичик ҳикояларни, адабий парчаларни, халқ эртақларини, топишмоқларни зўр мароқ билан ўқирди.

Ҳам содда ёзилгани ҳамда акаси Суюндикдан ягона ёдгор бўлгани учун бу китоб Гулабатинга дунёнинг барча қимматли нарсаларидан азиз эди. У учинчи синфда ўқиётганида акаси бу китобни сандиқчадан олиб берган ва шундай деганди:

— Ўз тилимизда ёзилган. Уни яхши асра. Токи сен ўз тилимизда бундан ҳам қийин китобларни тушунадиган бўлганингдан, форсчани ҳам яхши ўрганганингдан кейин бу китобни ташлаб юборма, сақлаб қўй, бошқаларга керак бўлади. Лекин ҳеч ким билмасин, хўпми...

Гулабатин китобни олиб варақлади, у ёқ-бу ёғига қаради. Расмларини томоша қилди:

— Нега ҳеч ким билмасин?! Сиёсийми? — дея сўради, — қаерда босиб чиқаришган?

— Сиёсий эмас, ўз тилимизда, — шунинг учун ҳам сиёсийдан ёмонроқ-да...

— Вой, нега ахир?!

— Ўзим ҳам билмайман! — дея Суюндик асабий жавоб қилди. Унинг гапни чўзишни истамаётгани кўришиб турарди. Гулабатин эса бадтар қизиқарди:

— Вой худойим-эй, нега ахир?

— Катта бўлсанг, билиб оласан...

— Буни ким чиқарган ўзи? Нима, ҳукумат билмайдимми?

Суюндик китобнинг бошқа одамлар томонидан чиқарилганини айтди. Ўша одамлар ҳақида Гулабатиннинг саволларига биргина жавоб қилди:

— Ёдингда бўлсин: улар яхши одамлар эди. Улар ҳамма жойда озодлик бўлишини, ҳамманинг ишлашини, барчанинг нони, кийими бўлишини исташарди. Биров бировга зулм қилмаслигини хоҳлар эди улар.

Суюндик гапирган сайин Гулабатиннинг қизиқиши ортиб борарди. Болаларча ўжарлик билан сўрайверарди:

— Кейин ўша ҳукуматга нима бўлди?

— Тарқатиб юборишди.

— Вой... Ким тарқатди? Яхши нарсани ҳам тарқатиб юборишарканми?!

— Катта бўлсанг, билиб оласан! — дея Суюндик синглисининг юзидан ўтди. — Шу кичкинагина бошингда яхши мия бор. Фақат китобни йиртма, хўпми, тоза сақла, йўқотиб қўйма.

Кўпинча китобни олдига қўйиб ўқиркан, Гулабатиннинг кўзлари саҳифадаги сатрлараро тўхтаб қоларди. Чунки Суюндик китоб орасидан бошини кўтариб, унга қараб тургандай, қиз акасининг овозини эшитгандай бўларди. У билан гаплаша бошларди... Уйда хонимдан бўлак ҳеч кимнинг “Она

тили” китобидан хабари йўқ эди. Гулабатин бу китобни ҳаммадан, айниқса, ҳожидан, унинг ўғли Шоҳпаланқдан яшириб юарди, уларнинг тортиб олиб, йиртиб қўйишларидан қўрқарди. Хонимга бўлса Гулабатиннинг ўзи айтганди. Унинг яхши, раҳмдил эканини билганидан кейин айтганди.

Хонимларникида ишлаётганининг иккинчи йили эди. Авваллари Гулабатин ўзининг мактабга қатнаганини, сал-пал ўқиш, ёзишни билишини уйдагилардан яширарди. Нега? Яширин бир туйғу унга агар билиб қолишса, уларда шубҳа уйғонади, дерди. Ейишга нон тополмайдиган югурдак бир қизча қаерда-ю, мактаб қаерда, ўқиш қаерда, демайдиларми? Кейин Суондик ҳақида ҳам билиб қолишсади. Сиёсий маҳбуснинг синглисини бунақа уйда қўйиб қўйишадими? Йўқ, албатта. Атрофида кўрганлари ва эшитганлари Гулабатинни ниҳоятда эҳтиёт бўлишга ўргатганди. Шу боисдан у мактабда ўқиганини яширишга мажбур эди.

Лекин кейинчалик хонимнинг ҳеч кимга ёмонлик қиладиган одам эмаслигини билгач ва ҳар жиҳатдан унинг эътиборини қозонгач, Гулабатин бироз ёзиш-чизишни билишини ундан яширмасликка қарор қилди. Авваллари хонимнинг бозор топшириқларини ёдида сақлаб, айтганидай қилиб бажарарди. Сарфлаган пулларини ҳам тийинига қадар ёдаки ҳисобларди. Аммо, хонимни яхши таниб, саводи борлигини ундан яширмасликка қарор қилгач, бекаси топшириқ бериши билан қоғоз-қалам олиб ёзишга киришди. Хоним ҳайратланиб сўради:

— Ҳой қиз, сен ёзиш-чизишни ҳам биларкансан-да?! — жавобини ҳам кутмай илова қилди: — Худо ҳаққи, Гулабатин, сен тилла қиз экансан-ку. Ҳожини кўндириб, сени ўқитаман!

Ўша кундан бошлаб, Гулабатин бозордан олинадиган нарсаларнинг рўйхатини тузиб, ёнига миқдорини ёзадиган бўлди. Бозордан қайтгач эса, ҳар бирига қанча пул сарфлаганини ёзиб, ҳаммасининг якунини чиқаргач, охирида жамлаб барча ҳаражатларни ҳисобларди-да, сўнги тийинигача хонимга топширарди. Баъзан хоним топшириқларни хонасида ўз қўли билан ёзиб келарди. Дастлаб Гулабатин хонимнинг битганларини унча тушуна олмасди, лекин тезда ўрганиб олиб, унинг дастхатини қийналмай ўқийдиган бўлди. Ана шундай яқинликдан кейин бир куни Гулабатин бекасининг кайфияти яхши пайтида онасини кўриш учун ижозат сўради ва уйларига борди. Қайтганида “Она тили” китобини қоғозга ўраб олиб келди ва хонимга кўрсатди:

— Бекам, рухсат беринг, кечалари мана шу китобни ўқий...

Хоним китобни олиб, варақлади, бир парчани ўқиб, Гулабатинга қайтарди.

— Бунда нима борки, рухсат сўраяпсан? Хоҳлаганинча ўқийвер.

Гулабатин бекага “бу бошқа ҳукумат даврида чоп қилинган, энди рухсат беришмаяпти”, демоқчи эди. Лекин айтмади... Энди бўлса даҳлизда дераза олдида ўтириб, ўша китоб — “Она тили”ни ўқияпти. Гулабатин яшаётган даҳлиз уйнинг орқасида, ҳар томондан берк даҳлиз эди. Хоним бу ерни ортиқча кийим-кечак, ҳар замонда очиладиган сандиқ ва гиламлар сақланадиган омборга айлантирганди. Бу ердан бир эшик умумий даҳлизга, яна бир эшик беканинг ётоқхонасига очилганидан кириб-чиқувчилар бўлмасди. Бека бўлса кечаю кундуз истаган пайтида Гулабатинни чақира оларди. Шу мулоҳаза билан унга атаб бу ерда бир бурчак ажратганди. Ҳар ҳолда Гулабатин жуда рози эди. Чунки у ётган жой оёқ ости эмасди, чекка жой, шу ерда бемалол ўтириб, ўй-хаёлларга эрк берса бўларди.

Лекин Гулабатин негадир ўзини ғалати ҳис қилар, безовта бўларди. Бир оздан сўнг бу туйғу виждон азобига айланарди. Ич-ичидан бир товуш келар, унга шундай дерди: “Уят эмасми, Гулабатин, бека сенга шунчалик ишонади, сен бўлсанг, нонкўрлик қилаяпсан, уни алдаяпсан. Нега айтмайсан ахир, хоним, бу китоб топилган жойни “сиёсий” ҳисоблайдилар, гуноҳқор қиладилар”, — деб.

Гулабатин ана шундай ўйлар билан ўзини бир гуноҳқор бандадай ҳисоблаб, қиляётган ишидан норози тарзда уйкута кетди. У тошдай қотиб ухлаб, сахар пайти кўзини очди. Лекин бозорга бориб-келиб хонимга салом бериб, “хайрли тонг, бекам” деганида маълум бўлдики, у кечани унчалик ҳам тош қотиб ухлаб ўтказмаган экан.

— Гулабатин, афтидан, сенинг ўша китобингда қўрқинчли эртақлар борга ўхшайди. Ухлаш олдида ўқима, кечаси алаҳсираб чиқдинг. Уйқунда гапирдинг, бақириб-чақирдинг...

Гулабатин бекаси олдида гуноҳини ювиш учун яхши фурсат келганини англаб:

— Хоним, ўша китоб ҳақида сизга айтмоқчи эдим, — деди. — Сизга гап тегмайди-а? Ахир у бошқа ҳукумат даврида ёзилган?!

— Қанақа бошқа ҳукумат, ҳой қиз? Сен нималар деяпсан ўзи?! — дея хоним китобни олди, у ёқ-бу ёғига қаради-да, қизга қайтариб берди. — Қайси ҳукумат пайтида ёзилса ёзилгандир. Болалар учун эртақ китоби!

— Хоним, бу жуда қимматли китоб, лекин афсуски, сиёсий-да! — “Сиёсий” сўзини айтганда катта бир сирни очаётгандай Гулабатиннинг кўзлари йириклашиб кетди.

Хоним эса:

— Эҳ, Гулабатин, — мен сиёсий-пиёсийни тушунмайман, — деди бепарвогина. Кейин қўшиб қўйди: — Берақол, ҳожига кўрсатай-чи, сиёсатда у билан тенглашадигани йўқ.

Гулабатин китобни маҳкам бағрига босди:

— Илтимос, жон бека, бу китобни уларга кўрсатманг!

— Нимага, ҳой қиз?

— Оға жуда жаҳлдор, ғазабланиб йиртиб ташлайди, мен китобсиз қоламан...

— Бўлти, кўрсатмайман, бор, ишингни қилавер! — деди хоним. У бу гаплардан ҳеч нарса тушунмади ва Гулабатиннинг ваҳимасини дунё ишларидан беҳабар қизчанинг соддалиги билан изоҳлади. Гулабатин бўлса югуриб даҳлизга ўтди-да, китобни ёстигининг тагига яширди.

## ШОҲПАЛАНК

Кузнинг ўрта оғи ярмидан ўтганди. Табризнинг очиқ осмонида бўз булуғлар энди тез-тез кўрина бошлаганди. Кунлар қисқариб, тунлар узайганди. Барглار сарғайиб, тўкилар, тоқлар шип-шийдон бўлиб борарди. Гулабатин ҳовлини, уйнинг бўсағасидан ҳовли эшигигача, боғнинг пана жойида, гишт деворнинг ўнг бурчагида яширинган ҳожатхонадан боғнинг ўртасидаги ҳовузга олиб борувчи гиштин йўлакни супураркан, хазоннинг кундан-кунга ортиб бораётганини кўрарди. Супурги учиди ва оёғининг остида гичирлаётган хазон бир томондан унга хуш ёқарди, иккинчи томондан юрагига ғусса соларди. Бу дунёда сарғайиб-сўлган, ўтиб кетган ҳар бир фойдали нарса қайғули из қолдирмайдими?

Шунга қарамай, Гулабатин кузни севарди. Куз ўзи билан бирга ҳамма ёққа мўл-кўллик ва салқинлик олиб келарди. Кўчада, бозорда одамлар янада хушчақчақ кўринар, ўтган-кетганга қўл чўзиб тиланувчилар сони гўё камайгандек бўларди. Ғўзал ва сафоли Табризда битта ҳам мана шундай қўл чўзиб тиланувчи, айниқса, гадоё болалар бўлмаслигини жуда-жуда истарди.

Тиланчи болани, айниқса, қизчаларни кўрганда Гулабатиннинг юраги қинидан чиқиб кетгудек бўларди. Бунинг боиси бор эди, албатта. Авваллари у бунақа нарсаларга эътибор бермасди. Бозорга бориб-келаркан, Шоҳпур хиёбонидан Гулистон чорбоғига қадар дўконлардан хоним буюрган нарсаларни ола туриб, йиғлаётган, ёқаси йиртиқ камбағал ва тиланчи болаларни кўрмасди гўё. Лекин, мана бир неча ойдирки, у бу ғўзал шаҳарнинг шу қора доғини кўра бошлади. Бу доғ, бу яра унга ҳар кун кўриниб юрагига даҳшат соларди. Шу пайтгача кўнгилни айнитувчи ярани яшириб турган парда ўз-ўзидан йиртилгани йўқ, даҳшатли кўрқув қалбини беҳуда эгалламаганди. Буларнинг барига сабаб Шоҳпаланк эди!

Гулабатинни бу уйга топшираркан, онаси қаттиқ тайинлаганди: “Қизим, хушёр бўл, ҳамиша сергак юр, хизматга шай тур, ҳарҳолда, бегона уй, эҳтиёт бўл, ўзинга гап теккизма. Сен ақлли қизсан, аввалбошдан зийраксан. У ерда уйимиздагидан ҳам хушёр бўл, яхшининг ёмондан фарқига ет!” Хонимнинг

уйида хизмат қилишга келгандан бери онасининг бу гапини сира эсидан чиқаргани йўқ. Бу уйда яшовчилардан ҳар бирининг қандай одам эканлигини, феъл-атворини яхши билиб олганди. Оиланинг тўнғич қизи — катта хонимнинг онасига тортганини, онаси сингари содда ва софдил эканини билиб олганди. Катта хоним ҳар куни муайян пайтда бориб ухлар, муайян пайтда турарди, ўрнини ўзи йиғиштирарди, хонасини тоза асрар, кийимларини жой-жойига илиб қўярди. Унга: “дарс тайёрла, озода бўл” дегувчи бўлмасди. Чунки ҳамма нарсани ўзи қиларди. Ҳатто кейинги пайтларда нонуштадан кейин идиш-товоғини ўзи йиғиштириб, тозалаб, жойига қўядиган бўлди. Унинг ошпоқ, юмалоқ юзи, писта даҳани, гунча лаблари, йирик қора кўзлари, туташ қошларию кенг пешонаси ҳаминша ёруғ эди. Чехрасидан خوش табассум аримасди. Гулабатин уни жуда яхши кўрарди. Катта хоним айтмаса ҳам унинг хонасини супуриб-сидирар, боғда янги очилган гуллардан узиб, кўзгули столи устидаги гулдонга солиб қўярди. Албатта, булар катта хонимнинг назаридан четда қолмас ва у ҳар сафар Гулабатинга ташаккур билдирарди.

— Яхши қизсан-да, Гулабатин! — дерди у. — Олий билимгоҳда имтиҳонларни тоштириб, сал қўлим бўшасин, сенга ўқиш-ёзишни ўргатаман.

— Ўқиш-ёзишни биламан! — дея бир куни Гулабатин сирини унга айтиб қўйди.

Катта хоним дарҳол Гулабатиннинг қўлига китоб тутқазди:

— Қани, ўқи-чи...

Китоб форсча эди. Устига “Сияҳатномейи Иброҳимбай” деб ёзилганди. Гулабатин бу сўзларни ўқиди, ҳатто маъносини ҳам айтиб берди. Катта хоним унга она тилида яхши китоблардан топиб беришни ваъда қилди.

Оиланинг кенжа қизи — кичик хоним онасининг тамомила акси, эркатой ва шалтоқ эди. Ҳеч бир нарсада низом-интизомни билмасди. Хоҳласа, масалан, эрталабки чойини ичиб бўлгач, бориб ухларди. Кечаси алламаҳалгача радионинг қулоғини бураб, алламбалоларни тингларди. Кейин соат ўнга қадар ухлаб ётарди. Ўрнини йиғиштирмас, кийимларини тўғри келган жойга ташлар, кейин ахтариб юрарди. Дарсларга қизиқмасди. Опаси мактабни аъло баҳолар билан битказиб, ҳақимликка ўқиётгани ҳолда, у кўзгу олдида ўтириб олиб, ўзига оро бериш билан овора эди. Мода кетидан қувар, туфли ва кўйлақларнинг энг олдини киярди. Кичик хонимни бунчалик эркатой ва олифта қилган онаси эмасди, албатта. Хонимнинг ўзи унинг бу қилиқларидан норози эди. У бу норозилигини шундай ифодаларди:

— Нима қилай, бойлик, бадавлатликнинг ҳам мана шундай балоси бўларкан. Болани меҳнатта ўргата олмайсан. Одамлардан шундай нарсаларни ўрганиб келадикки, сира тузатиб, йўлга солиб бўлмайди. На еган нонининг қадрини билади, на бойликнинг. Ҳаммаси осмондан тушади деб ўйлайди, ҳаминша шундай бўлади деб хаёл қилади...

Бироқ бу сўзлар кичик хонимга таъсир қилмасди. Гулабатинга бу қиз онасини тушунмагандай, унинг сўзларини эшитмаётгандай бўлиб туюларди. У онасининг гапларини эшитгиси келмас, фикри-хаёли бошқа нарсаларда эди. Гулабатин мумкин қадар ўзини ундан узоқ тутар, бирор нарса сўраганда ҳам дарҳол бажо келтириб, ўз жойига бориб ўтирарди.

Аммо Шоҳпаланкка қараганда, кичик хонимнинг қилиқлари ҳолва эди. Қизларининг иккаласидан ҳам катта бўлган Шоҳпаланк йиғирма икки ёшдан ошганди. Бироқ унинг ғайриодатий қилиқларини, гап-сўзини, оила аъзолари билан муносабатини, бемаъни ишларини кўрган одам ўн уч, ўн тўрт ёшда бўлса керак деб ўйларди. Умуман, ўзи ҳам, қилиқлари ҳам телба-тескари эди. Кўнгли нима тусаса, шуни қиларди. Унинг бемаъни қилиқларини кўриб, ҳайратдан ёқа ушламай иложинг йўқ эди.

У билан илк бор учрашганидаёқ Гулабатин узоқроқ юрган маъқул эканини ҳис этганди. Бунини қарангки, дастлабки кўрганидаёқ Шоҳпаланкда бу оқсоч қизга нисбатан нафрат уйғонганди. Гулабатин уларникага келганининг иккинчи ойи эди. Утган бир ой мобайнида Гулабатин Шоҳпаланкнинг юзини қарийб кўрмаганди, у ҳақда сал-пал эшитганди, холос. Шоҳпаланк, одатда, ҳар куни ўрнидан тургач, нонушта қилиб, уйдан чиқиб кетар ва ҳаммадан кейин қайтарди. Шу боис Гулабатин уни қарийб кўрмасди. У ўрнидан жуда



кеч турарди. Кўпинча у уйқудан уйғонганда дўкону бозор аллақачон очилган, мактабларда дарс ярмидан ўтган, корхона ишчилари тушликка чиқишган бўларди. Бир сўз билан айтганда, офтоб кўтарилиб, вақт чошгоҳдан ошганда Шоҳпаланк уйқудан туриб, юзини наридан-бери ювиб, эснай-эснай, керишганча, ҳеч кимга салом ҳам бермасдан, нонуштага ўтирарди. Вой, худойим-эй, бу қанақа нон ейиш! Нонни тортиб бурдалар, устига бир бўлак сариёғ кўйиб, оғзига тикарди. Лунжлари шишиб кетарди. Уни чайнаб ютмасдан туриб, қовурилган тухумни олдига тортарди. Куймоқни майдалаб, энг йирик бўлақларини оғзига ташлай бошларди. Лунжлари яна шишиб кетарди. Гулабатин биринчи марта кўрган бу манзарани сира унутолмасди. Ушанда, ҳали айтганимиздай, нонни, сариёғни, тухумни ютоқиб еб бўлганидан сўнг. Шоҳпаланк бир чеккада уни асабий, алам билан кузатиб турган онасига ташланди, ғазабли, қизарган кўзлари билан хонимга тикилди. Худди ғанимига ўлағайлагандай:

— Ейишга бирор нарса бўладими, йўқми?! — деб бақирди.

— Нима керак ўзи, ахир, дастурхонда ҳамма нарса бор-ку, — деди хоним юзи докадай оқариб.

Бу гапни эшитиб, Шоҳпаланк портлаб кетди:

— Ҳеч бало йўқ-ку! Ҳаммага едирасиз-у, менга келганда кўлингиз қалтирайди. Отамнинг ҳам, сизнинг ҳам. Эрталаб товуқ димламаси ёқтиришимни яхши биласиз-ку?! Биласиз, лекин атайлаб бермайсиз, егани заҳар бўлсин деб!

Хоним ҳам бўш келмади, бор ғазабини тўкиб солди:

— Уял-е, бу гапингдан! — деди. — Нега бизга дўқ қилаяпсан? Ўшқиринишга нима ҳаққинг бор?! Кап-катта одамсан, кўлингдан бир тийинлик иш келмайди, на уйдаги ишга қарашсан, на даладаги! Келасан, жўнайсан! Қаерда сарфлайсан, ким билан сарфлайсан, билмаймиз! Ҳаммасини совуриб бўлгач, яна келасан, бизга дўқ уриб!

Шоҳпаланк онасига шундай жавоб қайтардики, буни эшитиб Гулабатин даҳшатга тушди. Эси йўқ, нима деяётганининг фарқига бормайдиган тентаккина онасига шундай жавоб бериши мумкин.

— Мен сенинг нонингни еяётганим йўқ, қачон ўзинг ишлаб топсанг, шунда бермайсан!

Шундай деб ликопчани столга урди-да, чойни, нонни чала қолдириб ўрнидан турди, телбаларча югуриб ўз хонасига кириб кетди. Бечора хоним ҳам ранги бўздай оқариб, бир аҳволда емакхонадан чиқиб кетди. Ўз хонасига кирди. Гулабатин дастурхонни йиғиштириб, идиш-товоқни юва бошлади. Бироз вақтдан кейин ўз хонасида ўтира олмаган бека ҳовлига чиқиб, дордаги қуритиш учун осилган кийимларни ағдариб илиш билан машғул бўлди. Ҳолбуки, улар эрталаб ағдариб қўйилган эди. Хоним ўзини кўярга жой тополмаётгани, ҳар хил ўй-хаёллардан ўзини чалғитиш учун бирор иш билан банд бўлишга уринаётгани кўриниб турарди. Шу пайтда Гулабатин қандайдир шитирлашни эшитиб, орқага қаради. Шоҳпаланк ўзининг келишган бўйи билан (зоган, у жуда келишган йигит эди) емакхонанинг эшиги олдида савлат тўкиб турарди. Қизик, унинг қора кўзлари кулиб турарди. Чехраси очилганди. Сал олдинроқ ҳунар кўрсатиб, зугум қилган одамга сира ўхшамасди. Унинг нозик қора мўйлови ўзига шундай ярашиб турардики, Гулабатиннинг қалбида таассуф уйғонди. Шундай келишган, бўй-бастли йигит уйнинг тиргаги, ота-онасининг фахри бўлиш ўрнига, қора тош мисол уларнинг бўйнига осилиб, бўғишга интилди.

Шоҳпаланк кулимсираганча кўрсаткич бармоғи билан Гулабатинни чақирди. Гулабатин олдинга юрди. Шоҳпаланк эшикдан даҳлизга ўтди ва орқасига ўтирилиб, ҳуркак ва эҳтиёткор кўринган Гулабатинга “кел” деб ишора қилди. Гулабатин аждарҳо нафаси билан сеҳрланган чумчукдай кўрка-писа унинг изидан даҳлизга чиқди. Шоҳпаланк даҳлизнинг қоронғи бурчагидан катта бир тутунчани олиб қизга тутқазди ва шивирлади:

— Олиб бориб, ҳовли дарвозасининг орқасига яшир. Келиб олиб кетаман. Ойим билмасин.

Гулабатин қотиб қолди. Гўё оёқлари ерга қоқиб қўйилгандай эди. На

қимирлай олар, на гапира биларди. Унинг қўлидан тугунчани олишга қурби етмас, қўрққанидан “йўқ” ҳам деёлмасди. Қизнинг иккилини турганини кўрган Шоҳпаланк яна аввалги ҳолига кирди, бўрига айланди:

— Нега бўзрайиб қараб турибсан?! Ол деямман!

Кийикдай ҳуркак, қўрқоқ қиз бола йиртқич ваҳимасига бардош бера олмади, қалтираб-қақшаб унинг қўлидан тугунчани олди, икки қўли билан кучоқлаганча ҳовлига чиқди. Гишгин йўлак билан дарвозага йўналди. Тугунча шундай оғир эдики, Гулабатин зўрга юриб борарди. Йўлакнинг ўртасига етганда оёғи толди, йиқилиб қолмаслик учун йўлак четигаги мирзатеракка суянди. Оёғи товушларини эшитган хоним бу томонга қаради ва сўради:

— Гулабатин, нима қилаяпсан?

Қиз нима дейишни билолмай, қотиб қолди. “Эй, худо, қандай балога қолдим!” дея ўйлади. Хоним унга қараб юраркан, бутунлай кутурган ваҳшатни эслатовчи кўзларидан ғазаб ўти чақнаб турган Шоҳпаланк ҳам уйдан чиқиб шу ерга келди. Хоним саволини такрорлади:

— Бу нима, Гулабатин? Қаёққа олиб кетаяпсан?

Хонимнинг орқасидан мўралаётган Шоҳпаланк қўли билан “айтма, айтма” ишорасини қилди. Лекин айтмай бўлармиди?! Гулабатин бу бўри билан абадий душман бўлганини ва ундан қочиб кутулишнинг имкони йўқлигини ҳис этди. Хонимнинг саволига жавобан кўзлари билан Шоҳпаланкни кўрсатди:

— Оға берди, хоним. Эшикка олиб чиқ, деди...

Хоним энгашиб тугунчани ечди. Унинг ичидаги сариқ кутини кўриб Шоҳпаланкка қаради:

— Ўлиб, қора ерга киргур, сен ҳам эркакмисан, сен ҳам акаман деб юрибсанми? Ахир, бу синглингнинг сепи-ку! Энди шу қолганмиди, сотиб-совурмаганин?!

Шоҳпаланк қон тўпан кўзларини онасидан олиб Гулабатинга қадади. Кейин яна онасига тикилди:

— Пул бермасангиз, бундан ҳам бадтар қиламан! — деди бармоғини битиз қилиб онасига. — Эсингизда бўлсин, бундан кейин ялиниб ўгирмайман, сўрамайман ҳам. Чўнтагимда ҳаммаша пул бўлмаса, ўзларингдан кўринглар!

У елдай югуриб ҳовлидан чиқиб кетаркан, хоним қўлларини осмонга кўтарди:

— Ё Тангрим, мен нима гуноҳ қилган эдимки, шундай жазолаяпсан?! — деди. Гулабатинга эса, бундан кейин хонимнинг рухсатисиз уйдан бирор чўшни ҳам олиб чиқмасликни қатъий тайинлади.

Ўша куни Гулабатин Шоҳпаланкнинг кўзига бошқа кўринмасликка қарор қилди. Аммо бу мумкин эмасди. Ахир у бу уйдан қочиб кетолмасди-да. Шоҳпаланк уйда пайтида ҳам даҳлизда қололмасди. Шунга кўра, Гулабатин воқеаларнинг боришига тобе бўлолмасдан иложи йўқлигини ҳис қиларди. У ўз тақдирига қарши боришга мажбур. Балки тақдири тақозо этгандирки, Шоҳпаланк уни тушуниб етди, қалбида Гулабатинга нисбатан мурувват уйғотди ва уни кечирди. “Ахир буни тушунишнинг ҳеч қийин жойи йўқ, — дея мулоҳаза қиларди Гулабатин. — Мен бу уйда бир оқсочман, холос. Хонимдан яширин иш қилишга нима ҳаққим бор?! Мени бундай ишга бошлаш ноинсофлик эмасми? Эртага кўчага ҳайдашса нима қиламан? Бусиз ҳам отам иш тополмай юрибди, ойим касалманд. Ҳамза шўрлик Шоҳпаланкнинг ярмича келмайди, уч одамни қандай боқсин?!”

Ана шундай ўйлар билан у жуда эҳтиёт бўлиб хизматини давом эттирарди. Шоҳпаланк уйда бўлган пайтларда ўзини гўё ҳеч нарса юз бермагандай, гўё ҳеч қандай мудҳиш воқеанинг гувоҳи бўлмагандай тутарди. Гулабатин ёш ва кам ҳаёт тажрибасига эга бўлишига қарамай, ёшликдан ўзларига йўл очиши керак бўлган камбағал болаларга хос ҳушёрлик билан бир ҳақиқатни яхши илғаб олганди. Ёмондан яхшилик кутма, дер эди бу ҳақиқат. Фақат аҳмоқларгина бундай одамлардан яхшилик кутишлари мумкин.

Шуларни ўйларкан, Гулабатинни ваҳима босарди. Дунё кўзларига қоронгулашгандай бўларди. Табризнинг мусаффо мовий осмони, ойнадек тиниқ уфқлари торайишга, уни бўғишга бошларди. Демак, бундан бу ёғига ваҳима ичида яшаш, ногаҳоний бир зарбадан кўрқиб титраб-қақшаши, ёмон тушлар

қўриши керак?! Йўқ! Бу дунёда ҳар нарсани кечирувчи, ҳар гуноҳдан ўтувчи, бировга кин сақламовчи, юраги тоза одамлар ҳам бор-ку, ахир. Ана шундайлардан бири Суяндик! Ундан одамлар ҳар қанча юз ўтирмасин, вафосизлик қилмасин, ёмон кунда тескари қараб кетганлар, оғир аҳволга тушиб қолган пайтларда қўлидан келадиган яхшиликни аямасди! — бу фикрдан Гулабатин қувониб кетди. “Ахир, ҳар қанча бўлмасин Шоҳпаланк ҳам одам-ку. Унинг ҳам юраги бор. Менинг бошқача қилолмаслигимни тушунса керак. Агар бошқача бўлсам уларга зарар бўлади, уйларида қўл-оёғи тўғри одам бўлгани яхши-ку, ахир. Ёки қўли эгри, ёлғончи одам яхшими?! Бошқани сенга сотувчи одам, ахир, бир куни сени ҳам бошқасига сотади-ку!”

Ростдан ҳам дастлабки кунлар Шоҳпаланк Гулабатинга бирор гап айтмас, ҳамшагидай дастрўмол, чой сўрашдан нарига ўтмасди. Ҳатто қарашлари ҳам сал юмшагандай эди. Баъзан эса ўзини гўё Гулабатиннинг бу уйда борлигини ҳис этмаётгандай тутарди. Гулабатин бундан хафа бўлмасди, чунки у Шоҳпаланкнинг диққатини жалб қилиш зарардан бошқа нарса эмаслигини ҳис қиларди.

Ўша воқеа юз берган кундан анча вақт ўтганди. Бу орада Шоҳпаланк қайта-қайта онаси билан, бир неча бор отаси, ора-сира сингиллари, хусусан, катта сингиси билан айтишиб қолган, жанжаллашиб, уларга ўз захрини сочганди. Лекин Гулабатин билан бир марта ҳам уришмаганди.

Бир куни тунда ҳаддан ташқари кеч қайтиб, кундузи жуда кеч турди. Юз-кўзидан яна заҳар томарди. Кўзларининг тагида қопчиққа ўхшаш қора доғлар бор эди. Яна ҳовлига ёқавайрон ҳолда чиқди, жундор кўкрагини кўрсатган ҳолда кериша бошлади. Гулабатин Шоҳпаланк чарчаган пайтлари одамгарчиликдан чиқишини яхши биларди. Ҳеч нарсадан тап тортмай захрини сочар, ким билан гаплашса, унинг дилини оғритишдан лаззатланарди. У ҳовлининг ўртасида туриб олганди. Бир соатдан сўнг, бир кун, бир ой, бир йилдан кейин, бутун умри бўйи нима қилишини билмайдиган одам сингари мақсадсиз кўзлари билан у томон — бу томонга қарарди. Гулабатин яна ҳовуз бўйида кир ювар, кабутарларнинг қувноқ “ғу-ғу” сита қулоқ соларди. Шу пайт эшик тақиллади. Гулабатин совунли қўлини ювди, югуриб бориб дарвозани очмоқчи эди. Шоҳпаланк қўли билан имо қилиб, уни тўхтатди:

— Мен очаман, — деб дарвоза томон юрди. Дарвозани очиб, тўхтаб қолди. Ўнг қўли яланғоч тўшининг жунини ўйнаганча ўйга толди. Шунда Гулабатиннинг қулоғига ташқаридан заиф бир қиз овози эшитилди:

— Оғажон, худо йўлига садақа беринг!

Шоҳпаланк нимани ўйладию тиланчи қизни ичкари чақирди. У мўлтони боласига ўхшарди. Паст бўйли, озгин, қорамағиз бир қизча эди. Эгнида эски, йиртиқ-ямоқ кўйлаги бўлиб, у ҳам баданини, уят жойларини зўрға беркитарди. Шоҳпаланк уни ичкари киритиб, ҳовузга ўтирилди ва чақирди:

— Гулабатин, бу ёққа кел!

Гулабатин Шоҳпаланк уни чақириб, “мана бу қизчани олиб бор, қорнини тўйгаз, ойимга айт, кийишга бирор нарса берсин, кейин чиқариб юбор” деб айтади деб гумон қилди. Шундай ўйлар билан тез юриб унинг олдига келди. Шоҳпаланк унга қараб турган тиланчи қизни кўрсатиб:

— Гулабатин, сенинг эгизак тенгинг йўғ-а, қарагин, сенга бирам ўхшайдики! — дея бор овози билан кула бошлади. Бу қаҳқаҳа чақир тикандай қизнинг қалбига санчилди. Санчилди-ю, унинг кўзларидан қандайдир пардани олиб ташлади. Ваҳима босиб, гурури таҳқирланган Гулабатин хўнтраб юборди ва орқасига ўтирилиб, йиелаганича ўзини хилват даҳлизга урди...

## ГУЛАБАТИН, ҲОЙ ГУЛАБАТИН!

Табризда ажойиб тонг отган эди. Кўк юзида уфқдан-уфққача бир парча қора доғ, бир парча ҳам булут кўринмасди. Гулабатин кўзини очганда даҳлиздаги ёруғликнинг мўллигидан ҳаво бутун беҳад гўзаллигини ҳис этди. Чаққонгина кийини ҳовлига чиқди. Оқ-қизил гуллаган чиннигуларнинг ёнидан ўтиб ҳовуз бўйига борди. Ҳаво шу қадар сокин эдики, дарахтлардаги бирор барг ҳам қимир этмасди. Ҳатто ҳамшиша майин шитирлаши эшитиладиган

терақлар ҳам жимжит эди. Ҳовузнинг суви тип-тиниқ эди. Сувнинг зангори ранги Гулабатиннинг қалбига ажойиб бир севинч бахш этди. Ҳовуздаги сувга бу қадар зангориликни берган осмоннинг мусаффолиги эканлигини Гулабатин биларди, албатта. Ахир, ҳаво булутли бўлганда ҳовуз ҳам тунд, лойқа кўринарди-да. Қиз бошини кўтариб, осмонга қаради. Беғубор осмонга завқ билан тикилди. Нақадар ажойиб!

Гулабатин осмонни томоша қилишни яхши кўрарди. Болалигида сокин кечаларда ҳовлида ухлаганларида унинг фикри-хаёлини осмонга тортган онаси бўлганди.

— Қара, кўк юзидек юлдузлар қандай сочилиб ётибди! — дея онаси ўзи билан эртақлардан айтиб берарди. “Яна айтиб беринг” деган Гулабатинга фикрини чалғитиш, ухлатиб қўйиш учун осмонни кўрсатарди. Кейин юлдузлар ҳақида минг йиллар бурун ота-боболаримиз яратган афсоналарни айтиб берарди. Гўё осмонда ҳар бир одамнинг юлдузи бор эмиш, кўкда юлдуз учса, ер юзида бир одам ўлар эмиш, онадан яна бир гўдак туғилганда эса, кўк юзида яна бир юлдуз пайдо бўлар эмиш. Шундай қилиб юлдузлар ҳам одамлар сингари биттаси ўлса, иккинчиси туғилар экан.

— Юлдузлар нимадан экан, ойижон, — деб сўрарди уйқуси келмаган Гулабатин.

— Нурдан, ёрудан, қара, қандай порлаб туришибди, — дея жавоб берарди онаси.

— Нега унда биттасининг ёруғи оз, бошқасиники эса кўп?

— Бу одамига боғлиқ. Ким бахтли бўлса, юлдузи ёруғ бўлади, кимнинг бахти бўлмаса — юлдузи ҳам шамчиروққа ўхшаган хира бўлади.

— Нега энди ҳамманинг бахти бир хил эмас, ойи?

— Мен қайдан билай, болам, бу худонинг иши.

— Худо нега ҳамманинг юлдузини ёруғ қилиб яратмайди, ойи? Нега ҳаммани бирдек кўрмайди? — дея сўрайвергач, онасининг жаҳли чиқарди:

— Тангри сирларини ҳали ҳеч ким тушуниб етмаган, болам, бўлди, ухла энди!

... Гулабатин ҳовуз бўйида туриб Табризнинг мусаффо осмонини кузатаркан, кўксига янада мураккаб туйғулар уйғонарди. У ҳозирги дунёда ўта содда ва табиий инсоний саодат орзулари, оила муҳаббати, ушбу оилада кўрганлари ва эшитганлари ҳақида кўп ўйларди. Эرкатой кичик хоним тақдир билан ўз тақдирини, ярамас, ақлсиз ва дунёга ёвузлик учун келган Шоҳпаланк билан одамларга саодат бериш орзусида яшаётган Суюндикнинг тақдирини қиёсларди. Бу дунёнинг ишлари юлдузлардан ҳам чалкаш ва туманли сирларга тўла эди. Албатта, бу туманларни тарқатиш Гулабатиннинг иши эмасди. Лекин бу борада ҳам у ўйга толарди: адолатсизликларни кўриб юраги жунбушга келарди...

Бугун кўкда чарх ураётган кабутарлар ҳовуз тепасига келишмасди. Куз эртаси кўшнинг нафаси шу қадар илиқ эдики, жониворлар жуда баланд учардилар. Улар Гулабатиннинг кўзига қора нуқталардай бўлиб кўринардилар. Ҳув, баланд осмонда темирқанот бургут кўринди. Гулабатин бу қушнинг тайёра эканини, унинг юзлаб одамни бемалол кўтариб, дунёнинг у бошидан бу бошига элта олишини биларди. “Оҳ, қанийди, Суюндик келсайди, мени тайёрага миндириб узоқ ўлкаларга олиб борсайди!” — деб ўйлади қиз. Худди шу пайт хоналардан бирининг эшиги очилди ва эркак кишининг овози уни чақирди:

— Гулабатин, ҳой Гулабатин! Бу ёққа кел, тез!

Гулабатин Шоҳпаланкнинг овозини дарҳол таниса ҳам қулоқларига ишнолмасди: “Тавба, нега мунча эрта турибди?” — деб ўйлади. Шоҳпаланк эса Табриз устидан ҳали узоқлашмаган тайёрани кўриб, Гулабатиннинг нега осмонга тикилиб турганини тушунди ва кесади:

— Осмонда учганинг етар, туш энди ерга, бу ёққа кел! — деди-да, “хи-хи”лаб кулди. Шунда Гулабатин унинг отасига ўхшаб қулишини илғади ва “худога шукр-е, бунда ҳам ота-онасига ўхшаш бир нарса бор экан”, деб қўйди. Лекин ўша захоти ўз-ўзига эътироз билдирди: “Йўқ, онасига ўхшаш ҳеч нарса йўқ унда. Аммо баққол отасидан анча-мунча нарса ўтганга ўхшайди”.

Гулабатин шуларни ўйларкан, ҳовуз ёнидан уйнинг эшигигача келди. Шоҳпаланк номини эшитганда ғайриихтиёрий сергакланган қиз қалби тўла нафрат ила йигита қарадио кўзларини четга олди. (Онаси унга тайинлаганди: аждархонинг кўзида афсун бўлади, бир қараганни ҳам афсунлаб қомига тортади. Баъзи одамлар ҳам шундай. Яхшиси, кўзингни уларнинг кўзидан олиб қоч!)

— Ол, мана бу шимни, дазмолла. Тез! — дея Шоҳпаланк қимматбаҳо шол газмолдан тикилган тим қора шимини унинг устига олди.

Гулабатин ҳеч нарса демай, шимни олди-да, Шоҳпаланкдан узоқлашди. Бориб электр дазмолни қизишга қўйди. Дазмол қизигунга қадар югуриб самоварни сувга тўлдирди ва ўт қалади. Тезде супургини олиб йўлакни суғуришга тушди. Ҳожи тургунга қадар ҳеч бўлмаса йўлақлар супурилмапти дейиш учун баҳона топиб таъбларини тирриқ қилишини билгани учун чаққон ҳаракат қилиб, уйининг эшигидан ҳожатхонагача ва кўчага чиқувчи йўлақларни тозалаб қўйди. Фикри-зикри эса дазмол ва Шоҳпаланкда эди. Сал кечикса, унинг қичқиришидан, кўпол сўз айтишидан кўрқиб, у тезроқ уйдан чиқиб кетсайди, деб худога илтижо қиларди. Чиндан ҳам Шоҳпаланк уйда бўлган пайтида ҳамма нотинч бўларди, унинг тезроқ даф бўлишини истаарди. У уйда экан, ҳамма бирор воқеа бўлишини кутарди. Ё хоналардан бирида кийим-кечак, идиш-товоқ остин-устин қилиниши, кимнинг бирор нарсаси йўқолиши ёки дераза ойналаридан бири синиши, ёхуд боғнинг ўртасида гулхан ёқилиши тайин эди. Буларнинг ҳеч қайси бири бўлмаган тақдирда ҳам икки-уч марта кийган ўз кўйлагининг енглари қайчилаб ташларди, нега деганда ени узун эмиш ёки шимининг почасидан бир қаричини кесиб ташларди: чунки калтаси яхши эмиш. Кейин эса уларни ҳай-ҳайлаб ўтирган онасининг устига отиб:

— Пул беринг, янгисини оламан! — дерди.

— Ҳой, Гулабатин, нега ҳовлида лақиллаб юрибсан. Шошиб турибман, ахир! — дея лабига сигарет қистирган Шоҳпаланк унинг ўйини тўзғитди.

— Дазмол қизисин, босиб бераман, — деди бошини кўтармай Гулабатин.

— Ўн соатдан бери дазмол қизимадими? Минг марта айтгандим, дазмол ҳаммаша иссиқ бўлсин деб. Айтганни қилсанлар ўлиб қоласанларми? — дея Шоҳпаланк захрини сочди. Қачон жаврашдан тўхташи номаълум. Телефон жирингламаса, ҳали-бери тўхтайдиган эмасди. Гулабатин унинг қанчалик шошиб телефонга ташланганини, гўшакни кўтариб, оҳиста, биров эшитмасмикан дегандай кўрқа-писа гапираётганини кўргач, “ўлганинг яхши-я” деди-ю, хаёлидан: “билмадим худо сенга ўхшаганларни нега яратади?” деган фикр кечди.” Тупроқнинг устини ифлослашдан бошқа нима фойдаларинг бор? Тагин гердайишини қаранг бунинг! Нима қилай, фалакнинг кўзи кўрми дейман, агар Суондик шу ерда бўлсайди, бошлаб таъзирингни берарди. Кўрардинг бақиринг қанақа бўлишини?!”

Гулабатин йўлақларни супуриб тозалагач, уйга кирди. Дазмол қизиганди. Юрагида нафрат қайнаб турса-да, нилож шимни тўғрилаб столнинг устига ёйиб, дазмоллай бошлади. Куз куёши ҳаммаёқни ёритиб юборганига қарамай, хонимнинг шу пайтгача турмагани Гулабатинга қизиқ туюлди. Одатда у жуда барвақт турарди. Одам болалигида ўрганган одатини кеч тарк этаркан. Баъзи шундай нарсалар борки, ўлгунга қадар унута олмайсан ҳам, тарк этолмайсан ҳам. Саҳар пайти туриш, ишга уннаш, бекор турмаслик, афтидан, хонимга отасидан ўтган ирсий кўникма ва ёлғор эди, уни бу уйда ҳам давом эттирарди. Нега энди бугун ухлаб қолдилар?!

Гулабатиннинг безовталигини сезгандай хоним ётоқхонадан чақирди:

— Гулабатин, бери кел.

Худди шу пайт тўрт томондан овозлар эшитилди:

— Гулабатин, ҳой Гулабатин! — дея бараварига Шоҳпаланк, катта хоним ва кичик хоним уни чақира бошлашди. Гулабатин бир зумга ўйланиб қолди: олдин қайси бирига югурсин. Албатта, оёғи уни бекасининг хонасига тортарди. Нариги хонимлардан эса, овозлар тинмасди. Сабрсизлик билан қичқиришарди:

— Гулабатин, ҳой Гулабатин!

— Ҳозир, ҳозир бораяпман! — деганича нариги хоналарга жавоб қайтариб, беканинг хонасига кирди.

Бека хонасида чўзилиб ётарди. Юзи сўлгин, кўзлари остида халтачалар пишшиқираганди. Кечаси анча қийналган, ухламаганга ўхшарди.

— У ерда нима қилаётувдинг, Гулабатин? — дея сўради бека паст ва заиф овозда.

— Шоҳпаланкнинг шимини дазмоллаяпман, хоним! — деди қиз бекасига қараб.

Уелининг исмини эшитиб бека сесканиб кетгандай бўлди. Юзи галати тус олди. Ич-ичидан бостириб келаётган оғриқни босиб, ўзини қўлга олишга тиришди, ўз-ўзига гапираётгандай:

— Дунёда ёмон фарзанддан оғир дард йўқ. Аллоҳ ҳеч кимга бундай дард бермасин! — деди ва тирсагини ёстиққа тираб, қўшиб қўйди: — Бошим оғриганидан кўзимни очолмаяпман, катта хонимни ёнимга чақириб юбор.

Худди шу пайт яна тўрт томондан овозлар келди:

— Гулабатин, ҳой Гулабатин!

Биринчи эшикдан қичқирган овоз илова қилди:

— Қаердасан, ҳой итнинг қизи, ўлиб қолдингми?! Оёғингни синдирмасам...

Бека Гулабатиннинг қизариб кетганини кўриб, деди:

— Эътибор берма, болам. Бор, шимини устига от, кийиб, йўқолсин. Кейин катта хонимни чақирарсан.

Гулабатин катта даҳлизга чиқиб, Шоҳпаланкнинг хонасига қараб бораркан, ҳожи бир томондан, кичик хоним иккинчи томондан қичқира бошлашди:

— Гулабатин, ҳой Гулабатин! Кел, қарасанг-чи, бу лаънати қаёққа йўқолди?

— Гулабатин, ҳой Гулабатин, бу ёққа кел, мана бу қўйлакни тутмасини қадаб бер!

Гулабатин бу чақирқиқларнинг ҳеч қайсинисига эътибор бермай, Шоҳпаланкнинг эшигига яқинлашди. У бўлса тиззадан юқори калта иштонда қизга рўпара бўлди.

— Бирам имиллайсанки, ўлиб қолдингми?! — дея шимини олди, ўша ердаёқ кийинди. Кулганича Гулабатиндан узоқлашди-да, ҳовлига чиқаётиб орқасига ўтирилди:

— Ойимга айғиб қўй, бизлар Шоҳ қўлига кетаяпмиз. Кечаси келмай қолсам, хавотир олмасинлар!

Гулабатин қандайдир бемаъни, қўпол ҳаракати билан кечаси онасининг юрагини яралаган, азоб бериб уйқусини қочирган, ёвузона хатти-ҳаракати билан уни ўлим ҳолатига келтирган Шоҳпаланкнинг бирданига бундай ўзгариб қолиши, эрталаб бунчалик барвақт туришининг сабабини энди тушуна бошлади: демак, яна ўзи сингари бекорчихўжаларга қўшилиб шаҳардан чиқмоқчи, еб-ичмоқчи, худо билади яна қанақа бемаза ишлар билан шуғулланиб, бор-будини сарфлаб, чўнтақларини бутунлай бўшатгач, ҳамманинг ҳаваси келадиган, аслида бахти қора онасининг устига бостириб келади: бер, пул бер!

## ТУШ

Хоним бетоб бўлиб қолганидан сўнг, Гулабатиннинг иши бирга ўн баробар ортди: кичик қиз ҳамон аввалгидай ойна олдида ўтириб, пардоз-андозни жойига қўйгач, дугоналарига қўшилиб шаҳар кўчаларини “безаш” билан овора эди. Вақтини ҳар куни бирор қизнинг уйида, киноларда ўтказарди. Шоҳпаланк ҳали Шоҳ қўлидан қайтмаганди. Гулабатин қайтмасин деб кеча-кундуз худога илтижо қиларди. Ҳеч бўлмаса унингсиз уй анча тинч эди-да. Ҳар ҳолда одамни ҳар гўшада бирор ваҳима кутмасди-да! Ҳожи уйга фақат еб-ичгани ва дам олгани келарди. Куннинг қолган қисмини гилам дўкониди, оқшомларни эса турли-туман тожирлар билан учрашувларда ўтказарди. Нима олиб, нима сотиш фойдали-ю, нима зарарли экани ҳақидаги суҳбатларга қулоқ соларди. Ўели сокин Шоҳ қўлида сузгани ҳолда ўзи бозорнинг ҳаминша талотўнда бўлган лойқа ва қалтис кўлида гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга қулоч отар, инқирозга учрамаслик, сармоясини сал бўлса-да, орттириш йўлларини қидирарди. Катта қиз кундузлари ўқишда бўлар, кечалари бир тўда дафтар-китобни олдига

қўйиб дарс тайёрларди. Онасининг бетоблиги учун у Гулабатинни чақириб, тайинлади:

— Ҳрилай, Гулабатин, ойим жуда бетоб. Шундай қилки, уйдан безовта бўлмасин. Бир неча кун дам олиб, ўзига келсин. Менинг ишим бошимдан ошиб ётибди, ўзинг кўриб турибсан...

Шу тариқа уйнинг барча ишлари Гулабатиннинг бўйнига қолганди: бека бетоб бўлса ҳам қизга бозордан олинадиган нарсалар, уйда қилинадиган ишлар ҳақида кўрсатмалар берарди. Гулабатин ҳам унинг гапларига диққат билан қулоқ солар, ёзиб олар, ёзилиши керак бўлмаганини эсида сақлаб, амалга оширарди. Хонимнинг ҳар куни ёки кунора Гулабатинга бозор ҳисоб-китобини ёздирishi қизчада қоғоз-қаламга бўлган ҳавасини шунчалик оргтирган эдики, кечкурунлари тинч даҳлизга киргач, “Она тили” китобини ёстигининг остидан чиқариб, ўзи тайёрлаган дафтарни очиб, қалам оларди-да, китобда ёзилганлардан ёқтирганини ҳам, ёқтирмаганини ҳам дафтарга кўчирарди. Ёзиш Гулабатинга шу қадар завқ берардики, шу онларда уни четдан кузатган одам қизнинг юз-кўзида саодат нурини кўрарди. Бир куни унинг Суюндикка хат ёзгиси келиб қолди. Албатта, бу хатни Суюндикка етказиб бўлмаслигини Гулабатин биларди. Сиёсийларга ёзилган хатлар етиб бормаслигини аввал эшитганди. Бундан ташқари, етиб борган тақдирда ҳам, хатни юбора олмасди. Чунки Суюндикнинг қаерда, қайси зиндондалигини на онаси биларди, на отаси. Биров уни Техронда деса, бошқаси йўқ, Техрондан ҳам нарийёққа, жуда иссиқ жойга жўнатишган, дерди. “Шўрлик акам! Сиз одамларга нима ёмонлик қилдингизки, сизни онамиздек севганингиз Табриздан айириб, на қўл, на товуш етадиган жойларга элтиб ташлашди!..”

Шунга қарамай, Гулабатиннинг Суюндикка хат ёзгиси келаверарди. Ўзиям битта эмас, иккита эмас, жуда кўп ёзгиси, ҳар куни ёзгиси келарди. Бу хатларни юбормаса ҳам йигиб, асрамоқчи, бир куни Суюндик келганида бермоқчи эди — ҳаммасини бирдан ўқисин. Ахир, қачон бўлса ҳам бир куни келади-ку! (Эҳ бечора, мунис Гулабатин, мунча содда бўлмасанг, дунёдан беҳабар бўлмасанг! Одамларни сўнгги нафасигача, умр бўйи озодликдан, қуёш нуридан, мусаффо, булутсиз осмонга қараш саодатидан маҳрум қилувчи қонунлардан сенинг хабаринг йўқ-да!) Акасининг бир куни озод бўлиб келишига Гулабатин шубҳа қилмасди. Қиз бировлар эшигида ишлаш азобига чидарди, Шоҳпаланк сингари ваҳшийнинг таҳқирларига бардош берарди, чунки у келажакдан умидвор эди. Ҳозирги ҳаёти ёмон бир туш, қоронгу тун ва бу тун бир кун тугайди, ёмон туш битади, тонг отади, офтоб чиқади, деб ишонарди. Суюндик келади ва ўзи билан яхши, гўзал ҳаётни олиб келади. Шунда у хатларни ўқийди, синглиси не кунларни кўрганини, нималарни ўйлаганини, қалбида қандай туйғулар жўш урганини билиб олади..

Ана шундай ғамгин ва ширин, ёруғ ва ҳасратли туйғуларини ёзмоқчи бўлди. Лекин қанчалик уринмасин, ҳеч нарса ёза олмасди. Қоғоз ва қаламни бир чеккага қўйганда акасига айтадиган фикрлари миясида уймалашиб қолганди, бири мендан бошла деса, иккинчиси мендан, дерди. Ақлига шу қадар кўп гап келардики, бир дафтарга сифмасди. Аммо қаламни қўлига олиб, қоғозга теккизиши билан икки-уч калимадан зиёд сўз тополмасди. “Азиз Суюндик акажоним. Биз соғ-саломатмиз. Ташвишимиз фақат сиздан...”

Шундан кейин ҳеч нарса ёза олмасди. Дафтарнинг оқ варақлари кундан кунга камайиб, ёзилган саҳифалар кўпайиб боргани ҳолда, Суюндикка битилган хат сира тугамасди, оқ қоғоз гўё Гулабатинга таъна билан қараб: акасини севган бунақа қилмайди. Нега ёзиб тамомламаяпсан? — дегандай бўларди.

Шундай бир аҳволда ҳам Гулабатинни уйқу босди. Бу жуда оғир, жуда ширин уйқу эди. Аввалига кўзлари юмила бошлади. Кимдир унга гўё бир пиёла шарбат бергандай бўлди. Бу ширин ва мазали шарбат аста-секин унинг аъзойи баданига сингиб, бутун томирларига ёйилганча, унга ғайриоддий энгиллик бериб, роҳат бахш этди. Бироздан кейин эса у бутунлай энгиллашиб, уча бошлади. Даҳлизнинг деразасидан учиб чиқди-да, кабутарларга қўшилиб мовий бўшлиқларда қанот қоқа бошлади. Худди кабутарлардай! У гоҳ уфқларга қараб учар, гоҳ юқориоққа, юлдузларга кўтарилар, гоҳ эса пастга қараб

шўнғирди. Чети-чегараси кўринмас мовий кенгликлар кучоқ очиб, уни ўзига чорлар, олис-олисларда порлаб турган юлдузлар ўзларига имларди. Энг ажойиб томони шунда эдики, кеча билан кундуз орасида фарқ йўқ эди. Юлдузлар қоронғи кечалардаги сингари порлаб тургани ҳолда, мовий фазолар тип-тиник эди, уфқда порлаётган қуёшнинг нурларига фарқ бўлган эдилар.

Гулабатин бирданига темир қанотли тайёра унга қараб учиб келаётганини ҳис қилди. У билан тўқнашмаслик учун қиз юқори кўтарилишга ҳаракат қилди. Лекин тайёра ҳам бўш келмади, янада жадал сурьат билан юқори кўтарилди-да, унга ташланди. Шундай куч билан ташландики, Гулабатин ўзини йўқотиб қўйди. Гўё тайёра уни янчиб ташламоқчидай эди. Гулабатин товуши борича қичқириб, темир қанотли қушнинг олдида қочиб, ҳовуз бўйига қўнган кабутарлар ёнига тушишга уринди. Лекин эплай олмади. Темир қанотли қуш тезлик билан пастга шўнғиб, йўлини тўсди. Гулабатин Шохпаланкнинг истеҳзоли, аччиқ, заҳарханда овозини эшитди:

— Ахир қўлимга тушдинг-ку! Энди учиб нималигини сенга кўрсатиб қўяман. Сенинг ишинг — ҳовли супуриш, шим дазмоллаш, идиш-товоқ ювиш. Учшни ким қўйибди сенга?!

Шохпаланк темир кийим кийган эмиш, панжалари темирдан эмиш. У узун, кучли қўлини тайёранинг ойнасидан чўзиб, Гулабатинни ҳаводаёқ гижимлаб ичкари тортибди. Қизнинг юраги сийнасидан чиқиб кетишига сал қолибди. У бор кучини тўшлаб қичқирди:

— Қўлингни теккизма менга. Эгаси, ҳимоячиси йўқ деб ўйлама. Суюндик олади менинг ўчимни сендан!

Худди шу пайт Суюндик келди. Гулабатин севинчдан қичқириб юборди. Уни кучоқлаб олди.

— Гулабатин, ҳой Гулабатин! Ёстигингни тўғрила, қанақа туш кўраяпсан ўзи?! Гоҳ қичқирасан, гоҳ куласан! — деган овоз келди. Бу бекасининг овози эди. Хоним ётоғидан даҳлизга чиқадиган эшикни тақиллатиб қизни уйғотиб юборди. Гулабатин кўзларини юмиб-очди. Тўрт томонига қаради. Ҳаммаёқ жимжит эди. Кеча ярмидан ошганди. Афсуски, хоним уни кўраётган тушининг энг пирин, энг яхши жойида уйғотди. Суюндик уни сутдек оппоқ машинага миндириб, Табризни айлантираётган пайтда уйғотди-я...

Гулабатиннинг уйқуси қочиб кетди. Ўтирган жойида тушида кўрганларини эслай бошлади. Гўё ҳали кўргани кино эди-ю, хотирасида жонлана бошлади. “Мана шу тушимни Суюндикка ёзсам-чи! — ўйлади қиз, — бўлмаса эсимдан чиқиб кетади...” У ярим кечада жойида ўтирганича ёзишга киришди... Энди сўзлар ҳам ўз-ўзидан қуюлиб келарди. Қалам қоғоз узра шундай жадал юриб кетдики, гўё оппоқ машина янги Табризнинг ойнадай силлиқ ва топ-тоза кўчаларида сузиб борарди.

Ҳаяжон билан, юраги уриб турган бир ҳолатда ёзгани учун баъзан шошар, чизикдан чиқиб кетарди. Лекин тўхтамасдан ёзарди. Бу на хотираларга, на эртакка, на-да кундаликка ўхшарди. Бу бир қиз боланинг ўз акаси билан суҳбатига ўхшарди. Гулабатиннинг қандай учгани, Шохпаланкнинг уни қанчалар дўқ-пўписа билан тайёрага тортганини биласиз, бу туйғуда унинг ҳасрат, орзу, ғам ва севинч, қўрқувлари бир-бирига аралашиб кетганди. Ундан кейинги ҳисларида эса бирданига орзуларига эришган боланинг севинчи ҳоким эди: “Шохпаланк мени тайёра ичига тортганида қўрққанимдан кўзларимни юмиб олдим, энди тамом бўлдим, деб ўйладим. Худди шу пайт эндигина қанот чиқарган, лекин узоққа учолмайдиган кабутар боласи эсимга тушди. Биласизми, Суюндик, бизникида катта бир мушук бор, худди йўлбарсга ўхшайди. Сап-сарик бўлганидан бекамиз уни “Сариквой” деб чақиради. Бир куни кабутарлар ҳовуз бўйига қўнишганди. Энди уча бошлаган ёш кабутар ҳам онасининг ёнида, ўзини офтобда тобларди. Бирданига қаердандир пайдо бўлган “сариквой” уларнинг устига ташланди. Ҳаммаси париллаб осмонга кўтарилди. Мундоқ қайрилиб қарасам, ёш кабутар “сариквой”нинг тишлари орасида типирчилаб ётибди... То етиб борганимча, мушук ўзини дарахтлар орасига урди ва кабутарчани ғажиб ташлади... Мен ҳам кўзимни юмганимча тилка-пора қилинишимни кутардим. Лекин Шохпаланк мени тайёрага тортаётганда сизнинг овозингизни эшитдим ва кўзларимни очиб юбордим.



Вой, худойим-эй, бу қанақа туш эди ўзи! Сиз каттакон, кучли қўлларингиз билан Шоҳпаланкнинг ёқасидан ушлаб шундай силкидингизки, у паҳса девордай уваланиб кетишига сал қолди. Менинг билагимни қўйиб юбориб, сизга ялина бошлади:

— Мени кечиринг, оғойи капитан, гуноҳимдан ўтинг, хато қилибман! — У сизга ёлвориб, “оғойи капитан!” дерди. Ўзи эса олдингизда тиз чўкиб турарди. Шундай ҳам кичкина бўлиб кетгандики, худди лилипутга ўхшаб кўринарди.

Сиз унга:

— Менга оға деяверма, — дедингиз. — Оға сизларсиз, мен эмасман. Энди жойингда тек ўтир, агар бирортасини хафа қилсанг, кунингни кўрсатаман!

Кейин сиз кучли қўлларингиз билан мени кучоқлаб кўтариб олдингиз! Юзимдан, кўзимдан ўпдингиз. Мен сизнинг бўйинингиздан кучоқлаб олдим. Сизни тўйиб-тўйиб ўпдим. Сиздан жуда кўп нарсани сўрамоқчи эдим. Ҳеч иложини қилолмасдим. Қора костюм, оқ кўйлак кийган, елкаларида қизил белгиси бор бир йигит сизга яқинлашиб:

— Қаёққа ҳайдайлик, жаноб капитан? — деб сўради.

Сиз мени бир гўдак мисол кучоғингизда ушлаган ҳолда (мен суюнганимдан ўзимни шу қадар йўқотган эдимки, кучоғингиздан ерга тушишни ҳам унутгандим, худди болагимдагидай қўлларимни бўйинингизга чирмаштириб сийнангизга қисингандим) ҳалиги йигитга:

— Табризга, албатта Табризга ҳайданглар, — дедингиз.

— Унда буларни нима қиламиз, — дея ҳалиги йигит кимларнидир кўрсатди. Сиз ўтирилиб қараганингизда, уларни мен ҳам кўрдим. Биласизми, ким эди улар? Сизни “сиёсий” деб зиндонга олиб борган, онамининг тахмонини, сандиқчасини, бизнинг кўҳна кийим-кечакларимизни титкилаб текширган ҳалиги қизил юзли зобит ва иккита қуролли одамлар! Улар сувга тушган жўжадай сизнинг ёнингизда букчайиб туришарди. Сиз уларга қараганда, зобит ёлворарди:

— Раҳм қилинг, жаноб капитан! Бизга зулм қилманг.

Сиз эса аста кулиб:

— Нима, бизни ҳам ўзингиздай ўйлаяпсизми? Биз раҳмсизлик қилмаймиз! — дедингиз, ёш йигитга буюрдингиз: — Буларни ҳам Табризга олиб боринглар. Бизга кўплаб ишлайдиганлар керак. Шаҳарни қайтадан курамыз. Ишласалар — яхши, ишлашмаса ўзларидан кўришсин...

Тайёра қачон ерга кўнди, биз ундан қачон тушдик, билмайман. Кўрганим шу бўлдики, ҳокимият олдидаги майдончада эканмиз. Майдонча ҳам, Шоҳпур хийбони ҳам, усти ёпиқ бозорга олиб борувчи кўчалар ҳам одамлар билан гавжум. Табризликлар ҳаммаси кўчага чиқибди, эркага аёл, йигиту қизлар бир-бирларига аралашиб, ҳайқириқ, қийқириқлардан қулоқ қоматта келади: бир томонда гапириб куйлашмоқда, иккинчи томонда чалиб, ўйнашмоқда. Ҳокимиятнинг эшиги олдида тахталардан минбар тикланибди. Унинг устида бир гўда одам. Бизлар ҳам ўшалар орасидамыз. Мен сизнинг қўлингизни қўйиб юбормасмишман. Сиз оқ кўйлак кийган эмишсиз. (Билмадим, нима учун сизни ҳаммаша оқ кўйлақда кўраман? Афтидан, оқ кўйлак сизга жуда ярашса керак-да!) Сочлари оқарган, паст бўйли нуроний бир киши олдинга чиқди, қўлини кўтариб, одамларни тинчланишга ундади. Кейин оҳиста гапира бошлади. “Бу кундан эътиборан, Табризнинг, Ватанимизнинг янги тарихи бошланади. Бундан буёғига бизларни бир-биримиздан айирган деворлар қулатилади. Руҳларимизни, қалбларимизни бирлашишга қўймаган ва адоват, душманлик, нифоқ солган говлар қулайди. Очлик ва эҳтиёж тугатилади. Ўзидан оғизларга зулм қилувчилар ва танбаллар қолмайди. Меҳнат шунчалар гўзаллашиб, жозибадор бўладики, ҳеч ким ишламасдан яшай олмайдиган бўлади. Лекин буларнинг ҳаммаси қандай вужудга келади? Биз жаннатдан ҳам гўзал бўладиган янги Табризни қандай бунёд этамиз? Бу ҳақда гапириш учун сўзни азиз дўстимиз Суюндикка бераман...

Эҳ, акажон, халқ сизни қандай олқишлаганини кўрсангиз эди. Ҳамма бир овоздан “Суюндик! Суюндик!” деб олқишлашарди сизни. Биласизми, халойиққа мурожаат қилиб, сиз нима дедингиз. Билмайсизми? Унда мен ёдингизга солай сизнинг. Эсланг-а!

— Азиз биродарлар! Менинг севимли юртдошларим! — дедингиз. — Халқимиз жуда топиб айтган: — Ҳолва, ҳолва деган билан оғиз чучимаиди. Оғиз чучиши, маза қилиб ширин ҳолвани ейиш учун уни тайёрлаш керак. Демак, меҳнат қилиш керак. Келинлар, қўлни қўлга берайлик, бутун куч-ғайратимизни ишга солиб Табрисни янгидан бунёд этайлик!

Оҳ, Суюндик, менинг ифтихорим! Сиз шу сўзни айтишингиз билан минглаб қўллар бирлашди. Белкураклар, машиналар ҳаракатга келди. Табриснинг эски гувала уйлари, тор қинғир-қийшиқ кўчалари бузилди. Кўркам боғлар, ҳашаматли уйлар, пўрим кўчаларнинг чиройи очилди. Маралан, Арк қалъаси, Кўк масжид йироқлардан кўзга ташланадиган бўлди. Бизлар яшаган уй ҳам бузилди. Ана “Но шаҳр” зиндони ҳам кўзга ташланди. Чунки у бу ерларда энг баланд, энг янги қурилган бино эди-да.

— Бунга ҳам бузайликми? — сўрашди сиздан.

Лекин сизнинг ўрнингизга кимдир жавоб берди:

— Бузинглар. Бундан кейин зиндоннинг кераги бўлмайди.

Бу гапни айтган тайёрадаги ҳалиги чиройли йигит эди. У ҳам сизга ўхшаб енгини шимариб олганди. Бир тўда ишчиларга бошчилик қиларди. Сиз “Но шаҳр”ни бузишга рухсат бермадингиз:

— Рост, бундан кейин бизларга зиндон керак бўлмайди... Лекин бинони биз янгидан таъмирлаймиз. Темир панжараларни олиб ташлаймиз. Қоронғи, зах хоналарга деразалар ўрнатамиз. Бу ерда етим болаларни санъатга ўргатамиз. Ахир, Табрисда ишламайдиган бирорга ҳам бекорчи одам бўлмайди...”

Хатнинг шу ерида қалам сирғаниб қўлидан тушди. Гулабатинни яна уйқу элиди. У яна тушлар кўра бошлади...

## ҲАЁТ

Эртаси куни уйқудан уйғонганида Гулабатин қаерда эканини бирдангина билолмай қолди. Бу ерда кўзига дуч келган нарсалар оддий нарсалар эдими? Даҳлизнинг сариқ рангли дераза ойналари ҳар куни кўриб юрган ойналармиди? Ҳали ҳаётнинг оғир юки остида чарчаган, соф бола хотираси кеча кўрган сеҳрли тушини тўлалигича сақлаб қолганди. Шунинг учун ҳам Гулабатин шошиб қолганди. Туш кўрдими ёки ўнгида рўй бердими?

Бирдангина уч томондан:

— Гулабатин, ҳой Гулабатин! — деган чақириқлар уни ҳушига келтирди. Бугун анча кеч турганини ҳис этди. Оға ҳам, катта хониму беканинг ўзи ҳам аллақачон туришган экан. У апил-тапил кийиниб ҳовлига чиқди.

Бу кунги ҳаво кечагига сира ҳам ўхшамасди. Табриснинг осмонини бу уфқдан у уфққа қадар булут қоплаганди. Майда ёмғир томчиларди. Ҳаволар совий бошлаганди. Кундан-кунга яланғочлашиб бораётган дарахтлар ҳаволар салқин торганини ҳис қилаётгандай эдилар. Кабутарлар бунга, айниқса, яхши ҳис қилишаётгани кўришиб турарди. Улар ҳовуз бўйига қўнишмасди, ҳавога кўтарилишмасди. Инларининг олдида хурпайишиб ўтиришарди.

Кечагига қараганда, ҳаво ўзгарганди, дарахтлар ўзгарганди, қушлар ўзгарганди. Лекин уларнинг ҳаммасидан кўра Гулабатиннинг ўзи ўзгарганди. Энди у дунёга бутунлай бошқача кўз билан қарарди. Гўё бир кечада у шу қадар каттарган, шу қадар тўлишган эдики, энди ҳеч кимнинг унга бола дейишга ҳаққи йўқдек кўринди. Энди у кўшлаб катталарнинг кўрмаганини кўрар, билмаганини билар эди. У ҳаёт нақадар оғирлигини, унинг қанчалик яхши бўлиши мумкинлигини биларди. У одамларнинг қанчалар азобда эканликларини ва нақадар бахтли бўлажакларини биларди. Гулабатин Табрис ишсизлар, муҳтож одамлар билан тўла эканини яхши билади. Ҳолбуки, у миллионларни тўйдирар олади. У қанчадан-қанча қудратли қўллар ишсизликдан қовжираб қолганини яхши билади. Ҳолбуки, бу қўллар Табрисни жаннатга айлантира оладилар. У яхши биладики...

Яна уч томондан чақириқлар эшитилди:

— Гулабатин, ҳой Гулабатин! Бу ёққа қара, қанақадир ҳашорат кўрпамга кириб олибди.

— Гулабатин, ҳой Гулабатин! Мана бу тутмани қадаб юбор, институтга кечикаяшман.

— Гулабатин, ҳой Гулабатин! Бу ёққа қараб юборсанг-чи...

Бундай ҳолларда Гулабатин машина сингари чаққон ишларди. Энг аввал ҳожи ҳузурига югурарди. Чунки кўрпасига нарса кириб қолган кичик хоним кутиб турса ҳам бўлади. Илон ёки чаён бўлса экан, чақиб ўлдирса. Балки парвонадир ёки кўнғиз ёруққа учиб келган-да, ҳеч нарса қилмайди. Катта хоним дарсга шошаётган бўлса, бошқа кўйлагини кийсин, нима кўп, ёқалик оқ кўйлагини. Нима, сарик, тугмали кўйлагини кийиш шарми? Бунинг устига унинг ёнига кечроқ борса ҳам бўлади, иши қанчалик шошилинч бўлсаям, жаҳли чиқмайди, сал хўмрайиб қўяди, холос. Аммо ҳожи бошқа гап, айниқса, кейинги кунларда! Бир зумга кеч қолсанг, бир китоблик гапни тўкиб солади: “Бу уйда мен кимман?... Бу уйда мени қадрлашмайди, ҳаммаси ўз билганидан қолмайди, катта-кичикни билишмайди!” Ким билади яна нималар дейди. Хонимнинг кўз ўнгида тилига ёмон гап олмайди, бека бўлмаганда эса...

Гулабатин ўйини охирига етказмай, ҳожининг олдида ҳозир нозир бўлди. Унинг юзига қараб, гапирмоқчи эканини тушунди. Ҳожи гапирмоқчи бўлса, кўзларини қисиб қаёққадир қарарди, лаблари пирпираб, олдида турган одамни кўрмасди: “Худди кўрга ўхшайди, афтимга қарайдию ўзимни кўрмайди!” — дея Гулабатин аста сўради:

— Оға, нима демоқчисиз, буюринг!

Ҳожини гўё уйқудан уйғотгандай бўлишди, бир сесканиб тушди. Кўзларини уқалаб Гулабатинга қаради:

— Қаёқдан биламан, нима буюришимни? — деди ўзига ўзи. — Шу қадар шошиб қолдимки, ҳушим бошимда эмас. Эсимда ҳеч нарса қолмаяпти. Ўзимни ҳақимга кўрсатмасам бўлмайди, шекилли.

Ҳожи яна кўзларини қисиб узоқларга тикилди, хаёлга берилди. Яна Гулабатинни кўрмасди. Ҳатто уни чақирганини эсидан чиқариб юборди. Ҳожининг ўз-ўзича гапиришидан Гулабатин шундай тушундики, қай вақтдир, ё ярим тунда, ёки каллаи саҳарда Шоҳпаланк уйга келган. Ҳожи билан гаплашган. Нима ҳақда гаплашган экан? Нима ҳақда бўларди — пул ҳақда-да! Ўзим кўп пул сўраган бўлса керак. Эликдан ошигига ҳожига мурожаат қилади. Ҳожидан пул сўраш эса жонини суғуриб олишдай гап!

Гулабатин яна сўради:

— Оға, менда ишингиз бўлмаса, юмушимдан қолмай?

Ҳожи дик этиб ўрнидан турди, гўё мудраётган напаванд тўсатдан товуш эшитгандай, чўчиб тушди.

— Нега ишим бўлмас экан! Мана бу хатни олиб бориб, бодомчи ўғлига бер, кутиб тур, жавобини ёзсин, олиб келасан.

Гулабатин мўъжазгина оқ жилдли хатни олди ва чойдан кейин боришга руҳсат сўрамоқчи бўлди. Лекин ҳожининг жаҳли чиқишидан ҳайиқиб, тарадудланганча унга қаради.

— Нега қараб турибсан, бор! — деди. Ҳожи шоширган шу дамда қизнинг миясига янги фикр келди: “Бораман, йўл-йўлакай онамникига ҳам кираман. Уйимиз йўл устида. Чойни ҳам ўша ерда ичаман”.

Бурилиб кетмоқчи бўлганида кўзи яна ҳожига тушди. Ҳожи юмшоқ оромкурсида ёйилиб ўтирарди. Оёқларини кенг айириб, кўзларини кўксига чалкаштириб олганди. Унг оёғида қорайиб турган туфлининг пошпасини ерга қўйиб, панжасини кўтарганча ўйнатиб ўтирарди. Кўзини туфлисининг учига қадаб, ўзидан рози бир ҳолатда ўйга толганди. Юзидаги сал олдинги норозилик ва ёмон ифода жоҳил бир такаббур тусини олганди. Шу аҳволда у Гулабатинга шунчалик жирканч кўриниб кетдики, унинг жигига теккиси, асабийлаштиргиси келди. Унинг туғилганидан эътиборан бирор дақиқа ҳам очлик нималигини билмаган, қорни тўқларга хос ҳайвоний такаббурини тарқатиб юбориш учун Гулабатинда ҳавас уйғонди.

— Кечирасиз, оға, — деди, — хатни кимга беришни билмайман-ку?!

— Нима, кўрмисан, устида ёзилган, — деди ҳожи от сингари пишқириб.

— Хатингизни ўқиймайман, оға, — деди Гулабатин.

— Хонимнинг ёзувини ўқийсан, меникини йўқми? Яхшилаб қара, ўқийсан!

Гулабатин ўзини йўқотмади. Атайлаб ҳижжалай бошлади: “Ббб барбо оо бодо... бодо...”

— Жувонмарг, ббб-бобо! — деди ҳожи уни калака қилиб ва қўшиб қўйди: обориб бер, бодомчи ўғлига, билдингми? Бодомчи ўғлига!

— Оға, борди-ю, бодомчи ўғли дўконда бўлмаса нима қиламан?

— Кутиб тур.

Гулабатин яна жиддий сўради:

— Оға, жудаям кеч қолса-чи, унда нима қиламан?

Ҳожи оромкурсида гимирлаб қўйди, кўзини пойабзалининг учидан олиб, Гулабатинга қалади. Уни биринчи марта кўраётгандек тикилди, қизнинг бошидан оёғигача қараб чиқди.

— Калланг ишлаб бошлабди, Гулабатин хоним! — деди ва кўзлари ёшлангунча йўталиб, дастрўмол билан оғзи-бурнини артиб бўлагач, илова қилди: — Кечқурунгача келмаса ҳам кутиб тур.

Гулабатин ўзининг ҳожидан устунлигини ҳис этиб, аввалгидан ҳам соддалик билан сўради:

— Оға, умуман келмаса-чи?

— Йиқилиб ўл! — деди ҳожи аччиқланиб. — Уйларига бор, суриштир, қаердалигини бил, ернинг тагида бўлса ҳам топ, хатни бер, жавобини олиб кел, тушундингми?

— Тушундим, оға! — деди-да, Гулабатин ҳовлига чиқди. Жўнашдан олдин бекасига айтиб қўйишни лозим топди. Хоним самоварнинг олдида экан. Кичкинагина тулдор чойнакни чайиб ташлаб, қошиқча билан ичига чой ташлади-да, самовардан доғ сув тўлдириб, дамлаш билан машғул эди.

Гулабатин унга яқинлашди. Хоним қизнинг кўлидаги хатни кўрди.

— У нима, Гулабатин? — деб сўради.

Гулабатин қаяққа кетаётганини айтди. Хоним ғазабини ютиб, зўрға розилик берганини ҳис этди. Бека бутун ичкари-ташқарини тозалаш ниётида эди. Шунинг учун ҳам жаҳли чиқди. Тоби қочиб ётгани туфайли шолчалар қоқилмаган, эшик ва деразалар чанги артилмаган, ҳаволар совуши туфайли ёзги буюмлар йиғиштирилмаган, қишқи ашёлар тахт қилиб қўйилмаганди. Афтидан, ҳожи билан айтишиб ўтиришни истамагани учун чор-ночор рози бўлди.

— Борақол. Иложи борица тезроқ қайт...

Гулабатин ҳовлидан чиқди. Кўнгли ғаш эди. Чунки ҳожидан кўра бекасидан норози эди. У ҳожидан яхшилик кутмасди. Аммо хонимнинг бундай муомаласи унинг қалбига тегди. Калтайи саҳардан оч қорнига бор, дейишяпти, шаҳарнинг нариги чеккасига бориб келишнинг ўзи бўладими? Болам, бир пиёла чой ич, бир бурда нон еб ол, кейин бориб кел, дейиш ҳеч кимнинг эсига келмаса-я! Гулабатин шундай ўйларидан ўзи ҳайратланди. Бундай фикр миясига қаердан келиб қолди?! Ахир, у шу кунга қадар хонимдан ҳеч қачон хафа бўлишни хаёлига ҳам келтирмаганди. Кўни кечагача шундай бир хонимнинг борлигига кунда минг марта шукр қилган ўзи эмасмиди? Ахир, бу уйда нимадандир норози бўлгандай Шохпаланкнинг ҳовли дарвозасидан ичкари киритиб: “Гулабатин сенинг эгизак тенгинг йўқми?” — деб кўрсатган шўрлик тиланчи қизча кўз ўнгидан кетмас, шунинг учун ҳар нарсага чидашга, тақдирига тан беришга рози эмасмиди? Ахир, Табризда ойига ўн туман маош учун унга ўхшаган юзлаб, минглаб қизлар бундан юз марта бадтар меҳнатга, оғирликка, азият чекишга рози эмасмилар? Бироқ бу фикрлар қанчалик оғир бўлмасин, Гулабатинга унчалик кўрқинчли кўринмасди. Бу фикрларнинг айнан тиланчи руҳидан туғилганини ҳис этарди қиз. Ахир, ўша бечора қизчанинг гуноҳи нимаки, бир бурда нон учун Шохпаланкка ўхшаганларнинг эшигини тақиллатишга мажбур? Эртага уни янада ёмон вазиятга солиши мумкин. Натижада одамга ўхшамай қолиши, ўт-алаф ейишга мажбур бўлиши мумкин. Уни бошқаларга кўрсатиб: “Қара, кўриб қўй, қай аҳволда яшаётганлар бор!” дейиш инсофданми? Инсон ақли бундай адолатсизликни, бундай зулмни қабул қиладими?! Одамни оч қолдириб ва унга тасалли бериб: “Сендан ҳам ёмонроқ очлар бор”, — дейиш нақадар аҳмоқона иш!

— Йўқ, афтидан, тўқларнинг кўзига дунё бошқача кўринади. Улар тўқлик ўзлари учун отамерос ҳуқуқ деб ўйлашади, шекилли. Ҳатто билишмайдики, тўқлик мияларини айнитганидан бир қизча ҳис этганини улар ҳис

қилмайдилар. Хонимнинг ўзи ўша кичик қизини саҳар мардондан оч ҳолида уйдан чиқариб, бирор ишни бажаришига йўл қўярмиди? Уша заҳоти тўхтатиб: “Ўтир, нон е, чой ич, кейин борасан!” — дерди. Хўш, мен-чи? Ахир, мен ҳам унга ўхшаган одамман-ку. Менинг ҳам унга ўхшаган қорним бор, егим келади. Овқат емаса, қулдираб, сурнай чалади. Кўз олдим қоронғилашиб кетади.

Гулабатин шунини яхши ҳис қилардики, бу фикрларни наинки ҳожига, хонимга ҳам айтиб бўлмайди. Уларнинг ҳеч қайси бири қизни тушунмайди. Бу фикр уларни ваҳимага солади ва дарҳол Гулабатинни уйларидадан ҳайдаб юборишади. Унда нима қилиш керак? Ҳозиргача яшагани сингари ёвуз тақдирга бўйин эгиши, бадбахтликни худонинг яхши бир неъматига сифатида қабул қилиб яшаш керакми? Йўқ! Гулабатин истаса ҳам бундан кейин бу аҳволда яшай олмасди. Биргина йўл бор эди. Ушбу кўрқўрона мутеликнинг оғир тошини улоқтириш керак. Шунини яхши билки, бир бурда нон учун шу оғир юкни елканга ортгансан, лекин ўзингни алдама, малайлик ҳислари юрагинга уя солишига йўл қўйма. Руҳинг мағрур бўлсин. Ҳеч кимнинг олдида бош эгма, тиланчига берилган садақа, малайга кўрсатилган саховат ҳаётинг мазмунига айланмасин. Бундан кейин ҳожи билан бугунгидай муомалада бўлиш керак, ўзингни соддаликка солиб, уни ўйнатиш, қўлга олиш, кулиш лозим...

Ана шундай уйлар билан Гулабатин Шоҳпур хиёбонидан, Шир-Хуршид театри олдида ва Арк қалъаси ёнидан ўтиб, йўлида давом этарди. Саҳардан шивалаб ёға бошлаган ёмғир аллақачон тўхтаганди. Булутлар тарқалиб, Табризда мулойим офтоб чиққан эди. Бир тўда бошпанасиз болалар Арк қалъасининг қалин деворлари ёнида ўзларини қуёшга тутиб, яримжангоч баданларини қиздиришарди. Хиёбондан бирор яхши кийинган одам ўтиб қолса, ҳаммаси ўринларидан туриб ҳалиги одамнинг қошига югуришар, қўл чўзиб: “оға, жон оға, худо йўлига ҳайри садақа қилинг!” — дея ялинишарди. Бу болаларнинг орасида қизлар ҳам бор эди. Улар баъзан садақа сўраганча ҳалиги одам кетидан эргашар, бирор нарса ундирмагунча орқага қайтмасдилар. Баъзан эса совқотганча орқага қайтиб келардилар-да, девор тагида қуруқ тупроқ устида ўтирганча ўйинни давом эттирардилар. Жуда ғалати! Гулабатин ночор ҳаётларидан бу қадар ваҳимага тушиб, яшашларига шунчалик ачиниш билан қараган бу болалар бир-бирлари билан ўйнаб ўтиришар, ашула айтиб, кулишарди ҳам. Гўё тиланчилик улар учун эрмак эди. Шунинг ўзиям Гулабатинга даҳшатли кўринди. “Бечоралар, бировга қўл чўзиб, садақа сўраш қанчалик хўрлик эканини билмайдилар ҳам!” — дея уларнинг ёнидан тез ўтиб, гишттин уйли магазинларни ортида қолдириб бодомчи ўғли дўконига етиб келди. Бодомчи ўғли жойида экан. Ҳожининг хатини олди, очиб ўқиди. Нимадир ёзиб бошқа жилдга солди-да, Гулабатинга қайтарди.

Гулабатин уйларига боришга қатъий қарор қилди. Кўпдан бери Ҳамзани, онасини, отасини кўрмаганди. Шу онда уларни жуда ҳам соғинганини ҳис этди. Гаплашиб, юзларига тўйгунча қараб, онасининг майда-чуйда ишларини қилиб қайтади. Бир оз кечикса нима қилибди. Жуда борса, бодомчи ўғли дўконига кутиб ўтирдим, дейди. Энди у ҳожи сингари одамларни алдашни ҳам ўзига эп кўрарди...

## НОМАЪЛУМ КИШИ

Гулабатин бир пайтлар болалиги ўтган чанг-тўзонли, қинғир-қийшиқ кўчага етганда юраги гупурлаб ура бошлади. Унга ўшандан бери эллик, юз йил ўтиб, ўша кунлар жуда олис қолиб кетгандай туюлди.

Кўчанинг ҳар икки томони бир қаватли уйлар эди. Ора-сира икки қаватли уйлар ҳам учраб турарди. Уйларнинг кўпи хом гиштдан ёки сомон аралаштирилган бўз тупроқдан ясалганди. Аксарият уйларнинг орқа томони кўчага қарар ва бирорта ҳам деразаси йўқ эди. Шунинг учун ҳам бу уйлар кўча томондан паҳса деворли бўлиб кўринарди. Кичкина, тор ҳовлиларга очилувчи эшиклар ва дарвозаларнинг айримлари очик, баъзилари ёпиқ бўлиб, кул ранги билан девордан ажралиб турарди. Бошқа-бошқа уйларнинг деразалари эса бўз деворларга ярашган нақшлардай кўринарди, Гулабатиннинг ҳаяжони ҳали босилмаган, атрофга назар солган сайин чарх ураётган тарқоқ

ўйларини бир жойга жамламай туриб ўз уйларига яқинлашганини ҳис этди. “Мунча тез!” — дея тўхтаб орқасига ўтирилди. Хайрон қолсан киши! Гўё кўчалар қисилган, қисқарган ва торайиб кичкина бўлиб қолгандай эди. Хотирасида эса, каттакон, энли бир кўча бўлиб яшарди. Гулабатин болалигида бу кўчанинг бошига бир ўзи боришга жасорат қилолмасди. Энди эса кўча олдинги чиройини ҳам йўқотганга ўхшарди. Деворлар кўп жойидан қулаган, уйларнинг оҳаги кўчиб тушганди. Баъзиларининг эса у ер-бу еридаги оқ доғлар бу уйлар қачонлардир оқланганидан далолат берарди. Албатта, бу кўча ва уйлар қаёқдаю ҳожиларнинг тўғри тортилган, ёнма-ён икки машина сизагидан тош тўшамали, асфальт йўлакчи, у томонию бу томонида тераклар қад ростлаган кўчаси қаёқда! У ердаги қизил ғишгдан ёки тошдан тикланган кўш деразали, аксарияти икки қаватли, боғ-роғли уйлар қаерда-ю, бу бўз деразасиз даҳмалар қаерда?! Шунга қарамай, Гулабатин ўзини бу ерда бошқача ҳис этди. Юраги бошқача ура бошлади. Ушбу севинчда яширин бир ғам, ҳасрат ва таассуф бўлса-да, жуда-жуда ёқарди.

Олдинда кўча қайрилиб чапга бурилган жойда Гулабатиннинг кўзига бир тўда болалар кўринди. Ораларида қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам бор эди. Баъзилари ялангоёқ, яланбош эдилар. Кийимлари жулдир эди. Улар нимагадир эргашиб боришарди. Маросим қатнашчилари бурилиб кетганидан Гулабатин уларнинг охирилариинигина кўриб қолди. Бирорта маҳбусни олиб кетишаётганмикин ёки маййитни. Албатта, бу тўй маросими эмасди. Чунки на чолғу овози келарди, на ўйин-кулгининг. Бунинг устига тўй, одатда, тушдан кейин, кечгача бўларди.

Гулабатин кичик тахта эшикка яқинлашиб тўхтади. Ярим очиқ эшикдан овоз эшитилмасди. Болалар шовқини ҳам келмасди. Демак, барча кўшни болалар маросим орқасидан эргашиб кетишибди. Эшик қия очилиб турарди. Гулабатин эшик тахталаридан бирининг кўчиб, ярмидан юқори қисми синганига эътибор қилди. “Суюндик бўлганида аллақачон тузатарди!” деб ўйлаганича ичкари кирди. Кичкинагина тўртбурчак ҳовлининг чап томонидаги уйнинг эшиги берк эди. Кичикроқ қулф осиелиқ. Бир хонали бу уйда ўғил невараси билан Гулсум деган бир кампир яшарди. Набираси ҳайдовчи бўлиб ишларди ва умрининг кўпини Табриз билан бошқа шаҳарлар орасида юк ёки одам ташиб ўтказарди. Гулсум хола балки бозорга кетгандир. Бошқа бир икки хонали уйда етти бош оиласи билан Фарҳод амаки яшарди. У кўн корхонасида ишларди. Хотини эса болаларини Гулабатин билан тенг ёшгина қизи ихтиёрига қолдириб, бутун кунини гилам фабрикасида ўтказарди. Қўли гул эди унинг, кўшиқларни ҳам жуда қотириб айтарди. Гулабатинлар улар билан ён кўшни эдилар. Гулабатин ўз уйининг эшигини очиқ кўриб суюнди. Демак, ё отам, ё онам уйда. Икковидан бирини ёки иккаласини ҳам кўраман! Аввалига ишонмасдан ичкари кирмоқчи бўлди. Лекин қандайдир туйғу бунга йўл қўймади. Гап шундаки, хоним уни эшикни тақиллатмай ичкари кирмасликка ўргатганди. Гулабатин шунга одатланганди. Иккинчидан, тўсатдан кириб борсам, онамлар кўрқиб кетишади, худо асрасин, бирор бахтсизлик юз бердими, деб ўйлашади.

— Ойи! — дея чақирди астагина.

Онаси Норинж уни дарров таниди ва ташқарига қаради:

— Жон қизим! Айланиб кетай сендан! — дея шимарилган ҳўл қўлларини бир эски латтага артиб, ўзини Гулабатиннинг устига ташлади, кучоқлаб, бағрига босди, юз-кўзидан ўпди. Шу зумда Гулабатин она кучоғининг ҳароратига муҳтож ёш гўдакдай сездди ўзини. Эҳ, ана шу ҳароратни у қанчалар соғинган эди! Буг в совун иси анқиб турган онасининг бўйнига чирманшди. “Ойим кир юваётганга ўхшайди, ўзим ювиб бериб, кейин кетаман” деб ўйлади қиз. Она эса уни ҳамон бағрига босганча дерди:

— Қадамингдан ўргилай, қизим. Гули, жон болам, келганинг жуда яхши бўлди-да! Кеча бирам аралаш-қуралаш тушлар кўрдим-ей! — Бирдан қизининг елкаларидан ушлаб ўзидан узоқлашгирди ва ҳорғин кўзлари билан унинг юзига қаради: — Бирор нарса бўлмадим, ишқилиб?!

Гулабатин уни тинчланттиришга уринди:

— Ҳеч нарса, ойижон! Йўлим шу томонларга тушган эди. Бир кўриб кетай, дедим.

— Жуда яхши кепсан-да, менинг Гул қизим. Ўт, ичкарига ўт, отангнинг ҳам кўзига кўрин, бир оз мазаси қочган...

Гулабатин ичкари кираман деган пайт останада отаси билан учрашиб қолди. “Салом, ота” деб унинг бағрига ташланди. Намоз киши тахтадек жонсиз, қуруқ қўллари билан қизининг бошини силаб, пешонасидан ўтди. Диққат билан юзига қаради.

— Мошоллоҳ, катта қиз бўлиб қолибсан! — деди. — Худога шукр, кўринишинг жуда яхши. Кўриб кўзим қувонди. Аллоҳ сенга бахт ато қилсин.

Гулабатин отасининг овозини таний олмади. Унинг товуши жуда заифлашганди. Дунё билан ҳисоб-китобини қилган, сўнгги сафарга отланган одам овозини эслатарди. Ана шу оғир ҳиссиётнинг таъсирида Гулабатин отасига тикилиб қаради. Отаси гўёки фақат суякдан йўнилган ҳайкалдек эди. Гулабатин кўзларини олиб қочди, лекин ҳайкал йўқолмади. У қизнинг кўзларида қотиб қолган эди.

— Нима бўлди, ота, — сўради Гулабатин.

— Ҳеч нарса, қизим! Мен жуда яхшиман. Ойингнинг гапига қулоқ солма. Эллик йилдирки, кўзига касал кўринаман. Сизлар яхши бўлсанглар бас, менинг куним ўтаверади. Ўзинг яхшимисан, ишқилиб?

— Жуда яхшиман, ота. Мендан ҳеч ташвишланманг.

— Бўлди. Тик туриб қолдингиз. Ўтиб, жойингизга чўзилинг, — дея онаси Намоз кишининг қўлига туртди. — Қўйинг, мен ҳам ишимни тутатай.

Гулабатиннинг кўзи эндигина онасининг олдидаги тахта курсини, устидаги совунланган кийим-кечак тўла тогорани, ёнидаги суви буеланиб турган катта қозонни, ерда ювилмаган кийимлар уюмга тушди.

— Ойи, мен ювай, сиз отамга қаранг!

— Йўқ, ўргилай, сен кел, ўтир. Ўзим юваман, — деб Норинж хола Гулабатинга бурчакдаги эски гиламнинг бир четидан — отасининг тўшаги ёнидан жой кўрсатди. — Ўтир, дардингни олай.

Гулабатин ўтирмади. Мўъжазгина уйга кўз югуртирди. Онасига қандай ёрдам бериш ҳақида бош қотирарди. Бунинг сезган онаси:

— Бекор ўтира олмаясан, а, ўргилай сендан? Унда ол, анави отангнинг ички кўйлагининг энгини ямаб қўй...

Гулабатин ёстиқнинг тагидан оқ бўз кўйлакни, сариқ тахта қугидан игна, ип ва ангишвона олди. Отаси тўшагининг оёғи томонидан чордона қуриб ўтирди-да, кўйлакни тикишга киришди. Шунда қорни очганини ҳис этди. Лекин очлигини билдирмади. Агар уйларида бирор егулик бўлсайди, онаси уни ўзи нонушга тақлиф қилган бўларди.

— Ҳамза қандай, ойи, ишлари яхшими?

— Худога шукр, қизим, яхши, — деди онаси, Гулабатин эса кўзини унга қадаб, берилмаган саволга жавоб кутарди. Она қизининг кўзларидан саволни уқирди. Бошини сарак-сарак қилиб, ҳеч қандай хабар йўқ, дерди. Улар отанинг ёнида Суяндик ҳақида фақат шундай — тилсиз, сўзсиз гаплашишарди. Чунки унинг номини эпитаса отанинг яраси янгиланарди — қўл-оёғи қалтирар, ранги оқариб кетарди. “Девдай ўғилнинг ишлайдиган пайти, ота-онасининг оғир ишини энгил қиладиган пайти, қамоқда ётса... Уни ўша ердан бўшатишганда зўрага ўзига қарайдиган бўлади. Ўзини эпласа ҳам майли эди. Юз марта айтдим, қайт бу йўлингдан деб. Ҳеч ким барака топмаган бу ишдан. Гапимга кирмади” деб ўз-ўзидан ўксинар, туюқиб кетарди... Гулабатиннинг саволига онанинг жавобини қониқарли ҳисобламаган ота деди:

— Жуда яхши, қизим. Ҳали бундан ҳам яхши бўлиб кетади. Кўнглимдагидек йигит бўлаётти. Ўз ишини яхши кўради. Қўлидан ҳамма нарса келади.

Ҳамза ҳақида гапирган сари Намоз кишининг кўзлари ёришарди. Гулабатин бунинг сабабини яхши биларди. Суяндик қамалиб кетганидан кейин Ҳамза бир муддат қайнаб жўшди, кимларнингдир орқасидан гапириб юрди, дўқ-пўписа қилди, сўкинди. Гўё қандайдир юзбошли ажларҳо ҳақида гапирар, барча бадбахтликларнинг сабабчиси ўша ёвуздай аламзада бўлиб юрди. Лекин бу ҳажд ва газаб кил безгак мисоли ўтиб кетди. Безгак хуруж қилганда алаҳсираган одам касали қайтгач, қанчалик ҳорғин, мажолсиз бўлса, Ҳамза ҳам шундай бўлди, анча вақт жимиб қолди, гапирмай қўйди, одамовига

айланди-қолди. Ҳамза ишлаётган гилам фабрикасида эса ундан ниҳоятда рози бўлиб мақтай бошлашди: “Бунақанги саъй-ҳаракатли, фаросатли одам топилмайди, фақат иши ҳақида, касби ҳақида бош қотиради. Кўп ўтмай Табризда энг яхши гилам тўқийдиган бўлади” дейишарди. Ҳамза эса бунга парво ҳам қилмасди. Унинг фикри-зикри ишда эди. Отаси бундан жуда хурсанд эди. Энг муҳими Суюндикнинг аҳволига тушадиган бирор иш қилмаслигидан кўнгли тўқ эди, ҳатто корхонада унга яқинда маошингни оширамиз деб ваъда беришибди. Яна нима керак, қўлингда хунаринг бор, яхши маош оласан, ишла, қандингни ур, яша. Ким ҳам нима дерди... Намоз киши учун идеал — аъло ҳаёт мана шу эди!

Албатта, Гулабатин кичик акасининг корхонада яхши ном чиқарганидан жуда хурсанд эди. Ҳунари туфайли олқини олаётгани, ҳеч бўлмаганда кекса отасига севинч ва тасалли бераяпти. Гулабатиннинг юрагида унга нисбатан илиқ бир муҳаббат уйғонганди, уни жон-дилидан яхши кўрарди. Аммо Суюндик Гулабатиннинг назарида бутунлай бошқача эди. У хаёлий бир қаҳрамон эди. Шундай қаҳрамон эдики, унинг ўйлари, ниятлари нафис парда билан тўсиб қўйилганди. Гулабатиннинг назарида ана шу тўсиқ орти мўъжизакор сирлар билан тўла эди.

Гулабатин кўйлак енгини тикиб, жойига қўйди-да, онасига кўмаклаша бошлади: ювилган кўйлақларни сувга чайиб ҳовлининг ўртасидан тортилган ишга иларди. Кирини ювиб бўлган онанинг қалбига ғалати бир ҳавас келди. Гулабатинга меҳри жўшиб, уни самовар чойига таклиф қилишни ўйлади:

— Ҳой, отаси, — деди. — Самовар қўймоқчиман. Гулабатин қизимга самовар чой ичиргим келаяпти. Сиз ҳам эргалабдан бери чой ичганингиз йўқ. Бир чойхўрлик қилайлик...

— Жуда савоб иш қиласан-да! — деди Намоз киши зўрға эшитилар овоз билан ётган жойидан. — Кўмиринг борми?

— Топаман! — дея Норинж кичкина самоварни тахмон ёнидан олиб, чангини артганда Гулабатин ота уйидаги муҳаббатдан юраги ҳаприқиб онасига қаради. Қаради-ю, юрагига игна санчилгандай бўлди: вой худойим-ей! Онаси шунчалар ҳам қариб кетибдики. Сочлари оқарган, бели сал букчайган, суяги чиқиб турган кўллариининг териси тарам-тарам эди...

— Ойи, сиз бироз дам олинг, самоварга ўзим ўт қалайман! — дея ишга киришди Гулабатин.

Кичкинагина гулдор чойнакка чой ташлаб, қайнатилган сувга тўлдирди-да, дам есин деб самоварнинг устига эндигина қўйган ҳам эдики, эшиқдан аёл кишининг овози келди:

— Норин, ҳой Норин! Уйдамансан?

Аёл овозидан кўра даъвогар эркак овозини эслатувчи бу товуш Гулабатинга жуда таъсир қилди. Қайрилиб қаради-ю, кўзларига ишонмади. Унинг рўпарасида Салми хоним турарди.

Гулабатин ҳали ўз уйларида яшаётган пайтида Салми хонимнинг эпчил бир даллолга турмушга чиққанини эшитганди. Бироз вақт ўтгач, даллол ўз мулкига эга бўлди. Аввалига бир, кейин икки, сўнгра уч ва ниҳоят ўнлаб минг туман пул топишганини айтиб юришарди. Бундан бир йил олдин у Гулабатинлар яшаётган уйни эгасидан сотиб олиб, ўз қўлига киритганди. Энди Салми хоним оддий даллоллар сафидан бой-бадавлат даллоллар сафига ўтаётган бир одамнинг хотини эди. Гулабатин кейинги тўрт йил ичида бир марта ҳам кўрмаган эди. Олдинлари у келишган бир аёл эди. Энди бўлса гўшдор қисир сиғирлар сингари семириб эт болаганди. Буқоғидан икки энлик гўшт осилиб турарди. Баданига муносиб тарзда феъли ҳам, овози ҳам ўзгарганди. Катта-катта қора кўзлари одамга шундай тикилардики, “ғажиб ташлайман” дегандай бўларди. Ана шундай ёмон таассурот олганига қарамай, Гулабатин унга ҳурмат билан салом берди. Салми хоним қизга менсимай қараб қўйди, саломни эса гўё эшитмаганди.

— Ойинг қани, ҳой қиз? Мошоллоҳ, кап-катта бўлиб қолибсан. Бўйинг етиб қопти-ку, а! — деркан Гулабатинга эмас, ҳайрат тўла кўзлари билан, биқирлаб қайнаётган самоварга қаради. Юз-кўзидан Салмининг келиши Гулабатинга ёқмаганини сезган Норинж унга пешвоз чиқди:



— Ичкарига марҳамат, Салми хоним, чой ич!

— Зўрсан-ку, самовар қўйибсан-да! — дея Салми раҳмат ўрнига истеҳзо ва бахиллик аралаш аччиқ бир туйғу билан жавоб қайтарди. — Уйнинг ижара ҳақига келгандим. Бу кун уч ой бўлди. Эрим айтиворди, бизнинг ҳам минг ҳаражатимиз, қарзимиз бор, деб...

Гулабатинга шундай туюлдики, ҳовлининг нақд ярмини эгаллаб турган Салми хоним аёлга эмас, балки аччиқ, захарли сўзлар пуркаётган вулқонга ўхшарди. Нима деяётганини, оғзидан чиқаётган сўзларнинг ўқ сингари одам сийнасини тешиб ўтаётганини ҳис этмасди ҳам, ўйламасди ҳам. Гапираверди, гапираверди, ичидаги битмас-туганмас, сўз лаваси тинмай отилиб чиқарди. Агар гапирмаса борми, сўз лаваси уни порглатиб юборади-ёв... Вулқон бир зумга нафасини ростлади-да, яна пишқирди:

— Болам, осмондан тушганингиз йўқ-ку, худога шукр, Табризда яшаяпсиз, уй топиш — нон топишдан қийин. Ижара ҳақини тўлай олмасангиз, чиқиб кетинглар, чўнтагингизга лойиқ жой топинглар. Уйга навбатда турган одам қанчадан-қанча!

Гулабатин мундоқ қараб англадики, онаси фурсат кутаяпти, токи Салми хоним имкон берсину у гапини айтсин. Гулабатинларникида гапираётган одамнинг сўзини бўлиш одобсизлик саналарди. Лекин Салми хоним гапга тушиб кетганча, ҳали-бери тўхтайдиган эмасди. Шунга кўра жумласини тўхтатиб, нафас олган заҳоти Норинж фурсатдан фойдаланиб қолди:

— Салми хоним, нега унақа деяпсиз? Йигирма йилдирки, биз мана шу уйда яшаяпмиз, қаёққа чиқиб кетамиз? Ҳозир қўлимиз сал калтароқ, имкон бўлиши билан тезда тўлаймиз.

Онаси гапираркан, Гулабатин Салми хонимнинг ғайриоддий даражада катталашган ва ёмон бир фикр билан ўйнай бошлаган кўзларини ўз вужудида ҳис қилди. Унга бу аёлнинг ёвуз боқишлари бутун баданини ёндираётгандай туюлди:

— Сен нега пулинг йўқлигидан нолияпсан? — дея вулқоннинг оғзи яна очилди. Ҳар нарсани ёндириб, кулу вайрон қилаётган балчиқ, ёниб-қайнаб буғлана-буғлана оқиб кела бошлади:

— Шундай қизи бўла туриб ҳам пулсизликдан нолийдими одам? Биласанми, Фаҳми хоним бир йиллик маошингни шундоққина қўлингга тутқазади...

Фаҳми хоним номини эшитиб, ҳовлида ғайриоддий ҳодиса юз берди. Худди Норинж холанинг бошидан бир челак қайнаган сувни қуйиб юборгандай бўлишди. У қўл чўзиб, эшик олдида турган хокандозни олди-да, Салми хонимнинг бошига туширди. Салми ўзини четга олмаганда бошида яхшигина ғурра ҳосил бўлиши турган гап эди.

— Фаҳми хоним даллол қизларининг мижози-ку, менингмас! — деди нафаси тикилиб Норинж.

Гулабатин бу манзарани ўзини йўқотган бир аҳволда кузатиб турарди. Чунки Салми хонимнинг кутилмаганда, ақл бовар қилмас даражада ҳаёсизларча Табриздаги кўнгилочар уйлардан бирининг соҳиби Фаҳми хонимнинг исмини тилга олиши қизни бутунлай гангитиб қўйганди. Лекин у тезда ўзини ўнглаб олди ва унинг қалбида онасиникидан ҳам даҳшатли бир ғазаб қайнади:

— Унақа уйлар сизга ярашади, чиқинг бу ердан! — деди қўли билан эшикни кўрсатиб.

Салми хоним қип-қизариб кетди:

— Майли, кўрамиз ҳали, Норинж хоним! — деб бурилди ва кетмоқчи бўлди.

— Тўхтанг, кетманг, Салми хоним! — деган овоз эшитилди. Ҳамма эшикдан кираётган номаълум кишига қаради. Ута европача кийинган, қўлида асо, енига сариқ пальтосини ташлаб олган, бошига цилиндр кийган ҳалиги номаълум оға унинг йўлини тўсди. Салми хоним ҳам, Гулабатин ва унинг онаси ҳам қимматбаҳо қора костюм-шим кийган, қора лак туфлилик, нафис маданиятли ва хушмуомалали бу одам қаршисида шошиб қолишди. Унинг башанг кийимини кўриб, ҳатто Салми хоним ёғдай эрий бошлаганди.

Номаълум киши бойваччаларча ҳаракат билан, шошилмай, ич чўнтагидан

каттагина бир ҳамён чиқарди. Унинг ичидаги бели букилмаган яп-янги ўн туманликлардан йигирма тўрттасини санаб, Салми хонимга узатди.

— Марҳамат, Салми хоним, уйнинг бир йиллик ҳақини олдиндан олиб қўйинг! — деб пулни кўзлари косасидан чиққан, сал олдинги таҳқирларни дарҳол унутган Салми хонимнинг ҳовучига босди-да, Гулабатиннинг онасига ўтирилиб илова қилди: — Мен Техрондан келганман, хоним, сиз мени танимайсиз. Аммо мен сизни яхши танийман. Сиз раҳматлик Ҳошим кишининг қизисиз. Менинг отам тожир эди. Бир пайтлар қўли калталик қилиб турган пайтда Ҳошим киши отамга нақшли гиламини берган экан. Отам уни сотиб, ўзига сармоя қилган эканлар. Бизнинг ҳозирги бисотимиз ўша гиламнинг пулидан кўпайган. Отам ўлаётганларида сизни излаб топишимни ва қарзимизни узишимни васият қилган эдилар. Шунинг учун излаб келдим. Утирсам майлими?

— Марҳамат қилинг, — дея бу гапларни ҳали ҳам эртакка йўйиб ўтирган, туш деб ўйлаётган Норинж уни ичкарига таклиф қилди. Номаълум киши ҳали ҳам кетмаган Салми хонимга юзланди:

— Дунёда бунақа ишлар кўп бўлади, хоним, таажжубланманг. Энди бўлса, марҳамат қилиб ё бизлар билан бир пиёла чой ичинг, ёки руҳсат этинг...

— Ош бўлсин, сизлар чойингизни ичингизлар, мен эса кечирасизлар, боришим керак! — деди Салми хоним. У нима дейишини билмас, гўё вулқон сўниб, лава тўхтаб қолганди.

У ҳовлидан чиқиб кетиши билан номаълум киши Гулабатинга ҳовли эшигини беркитиш ишорасини қилди. Сўнг эҳтиёткорлик билан аста гапирди:

— Норинж хола, мен ростдан ҳам Техрондан келганман. Фақат на тожирман, на тожир ўели. Мен Суюндикнинг жўрасиман, ҳеч ташвиш тортманглар. Соғ-саломат юрибди. Табризда ишим бор, шунга келувдим. Сизларни бир кўриб ўтишни бурчим деб билдим.

Бу пайт Намоз киши ҳам ўрнидан туриб, кўрпани елкасига ташлаганича, ҳовлига чиқиб, номаълум кишига қарарди. Суюндикдан хабар олиб келган бу одамга гирдикапалак бўлаётган Норинж хола:

— Кўп яшанг, болам, — деди, — ичкари киринг. Бир пиёла чой ичинг. Гулабатин қизим, самоварга қара, совиб қолгандир...

— Гулабатин шуми, а? Суюндикнинг сента алоҳида саломлари бор. Ёдида бўлсин, ҳар кун китоб ўқисин деб, тайинлаб юборди... Йигит онага юзланди: — Энди мен кетишим керак. Норинж хола, кечиксам бўлмайди. Салми хоним энди оламга жар солади. Бир оздан кейин эри ҳам, кўни-кўшни ҳам бу ерга ёғилиб келади. Нима сўрашса ҳам, билмаймиз, Ҳошим кишининг қарзини бериб кетди, денглар. — У бир нечта ўн туманликни дастурхон устига қўйди. — Ҳозирча... Саломат бўлингизлар.

Гулабатин фақат эндигина Суюндикдан хабар олиб келган, Суюндикнинг дўсти ва жўраси бўлган бу одам чиқиб кетаётганда уйқудан уйғонгандай бўлди:

— Суюндик менга хат ёзмадими?

— Ҳозирча қийин, сингилжон, — дея кулимсиради номаълум киши. — Эндиги сафар, албатта, хат ҳам ёзади, ҳозирча...

У эшиқдан чиқаётганда она йўлини тўсди:

— Ҳой болам, ҳеч бўлмаса исмингни, уй-жойингни айтиб кет.

— Кераги йўқ, Норинж хола. Сизга унинг фойдаси бўлмайди. Бизга эса зарар келтириши мумкин. Шуниси муҳимки, мен сизларни топдим. Яна келаман. Кўришунча...

Номаълум киши қандай ғойибдан келган бўлса, шундай ғойиб бўлди. Гулабатин ва онасининг кўзларида буюк бир севинч, умид учкунлари порлади. Намоз киши кўрқув, ваҳима ва шубҳа ичида бошини чайқаб ичкари кирди.

## КАТТА ХОНИМ

Кунлар сездирмасдан ўтиб борарди. Олдинлари Гулабатинга кунлар бир-бирига ўхшагандай бўлиб туюларди, бири иккинчисидан бироз шод келар, ёки сал ғамгин бўларди. Энди бўлса унинг назарида кунлар бошқа маъно касб этганди. Албатта, ҳожининг уйида ростдан ҳам унинг учун ҳамма кунлар

бир-бирига ўхшарди, бир-бирининг айнан ўзи эди: эрталаб барвақт туриш, ҳовлини супуриб чиқиш, самовар қўйиш, бозорга бориш, кир ювиш, беканинг бошқа кўрсатмаларини бажариш, кечкурун эса хориб-толиб даҳлизга кириб бироз ётиш, бироз ўқиш, сал-пал хаёлларга берилиш, ниҳоят ухлаш. Гулабатин улғайгани сайин буларнинг ҳаммаси фақат унинг қўллари, билаклари, оёқлари, аъзойи баданининг ишига айланиб борарди. Унинг ўйи, шуури эса шулар билан кифояланмасди. Ҳовлининг тўрт девори орасидан чеккаларга бўйланарди. Осмонга қарарди, қўни-қўшниларга эътибор берарди. Кучли шамоллар қаерлардандир олиб келган бутунлай бошқа ўлкаларнинг ҳавосини симирарди. Даврининг бу ҳавосида кўз илғамас нелар бор эди?

Улар Гулабатиннинг фикрига озиқ берарди, ҳар куни такрорланмаган ишини зоҳиран индамай ва қойилмақом қилиб бажарса-да, аслида беором туйғулар билан яшарди. Шу тариқа бу кунлар бир хиллик оҳангини йўқотар, бошқа маъно билан тўларди. Хусусан, бизга маълум бўлган ажойиб тушидан ва ундан ҳам ажойиб номаълум киши билан учрашувидан кейин ўйлайдиган бўлиб қолганди. Кўзлари одамларга ва дунёга нисбатан ўчмас бир мароқ билан порларди. Кунларнинг тинимсиз оқими ичида куз туғаб, қиш бошланиб Табризнинг боеларига, тоғларига мўл-кўл қор-ёмғир ёғдирганди. Сўнги чоршанба эди. Шаҳар анъанавий тантана ва дабдаба билан Наврўз байрамини кутиб олишга тайёрланарди. Хоним ҳам коса ва ликопчаларда буғдой кўкартириб деразаларга терган, қўлларига хино қўйган, турли-туман ширинликлар олиб, байрам дастурхони тузаганди.

Шу кунларда ҳожи уйда тез-тез кўришиб турарди. Айниқса, кечкурунлари ҳеч қаерга бормасди. Гулабатин ҳар ҳолда кейинги кунларда ҳожининг ҳузурига келиб-кетувчиларнинг кўпайганини пайқаганди. Уларнинг кўпи биринчи марта келишар, авваллари бу ерга қадам босмаган одамлар эди. Тагин ҳаммаси башанг кийинганидан тожирга, арбобга ўхшашарди, бари жиддий кўринар, Гулабатин уларнинг юзига қарашдан қўрқарди.

— Хоним, самовар қўяйми? Оғанинг олдига яна бир тўда одам келди, — дея хонасида ўтирганча ўйга толган бекадан сўради.

— Турқи курсин ҳаммасининг! — деди хоним саволга жавоб бермай.

— Хоним, афтидан, оғамизнинг савдоси бароридан келганга ўхшайди. Шунча одам келганини қаранг, — деди Гулабатин соддадиллик билан. Хоним ҳам шундай соддалик билан, лекин ҳожига нисбатан истехзоли овозда тўнғиллади:

— Йўқ, энди оға бошқа дардга чалинибди. Сиёсатчи бўлмоқчи эмиш. Ҳизби гуруҳ тузаяпти. Бор, чой дамла... Ҳозир чақириб қолади.

Ростдан ҳам сал ўтмай ҳожи эшикдан бошини чиқариб қичқирди:

— Хоним, чой!

Шу икки калимани шошилиб айтди-да, ҳожининг башараси ғойиб бўлди. Ичкарида бир-бирига гал бермай чуғурлаётган аралаш товушлар борган сари кучаймоқда эди. Хоним ана шу товушларга ишора қилиб:

— Жававалари тутаяпти! Ер ютуғурлар, Табризни фаровон қилишармиш! — деди хоним ва майиз, хурмо, бодом, pista, ғоз оёғи сингари турли-туман байрам ширинликлари тўлдирилган вазалар ва ликопчаларни бирма-бир Гулабагинга бериб, ичкари киритиб юборди. Гулабатин хонага кирганда, суҳбат айни қизиганди. Улар турли вазиятда ўтирганча, сигара чекишар, хона тутунга тўлиб кетганди. Ўтирганлар қизга бир-бир қараб қўйишди-да, яна гапга берилиб кетишди. Гулабатин шошмасдан саранжом-сарангалик билан ликопчаларни майда думалақ столлар устига қўйиб чиқди. Қулоғи эса уларда эди. Уларнинг гапларидан шуни тушундики, кимларнидир қўлга олишибди. Қўлга тушганларнинг эса халқ орасига низо солишдан, тўпалон чиқаришдан, дунёни остин-устин қилишдан бошқа ниятлари йўқ эмиш. Ҳаммаси ялангоёқ, қиладиган ишининг тайини йўқ, динсиз-имонсиз, худобезори одамлар. Шунинг учун ҳам бундайлар дорга тортилишга, тириклайин ўтда куйдирилишга лойиқдирлар!

Гулабатин хонадан чиққанида қип-қизариб кетганди. Ўйда фақат бир нарса чарх урарди: “Илоҳим, ўша одам қўлга тушганлар ичида бўлмасин-да”... (Гулабатин ҳалиги номаълум кишини ўзича “ўша одам” деб атарди).

Ҳожининг одамлари хуфтондан биров ўтганда тарқалишди. Гулабатин идиш-товоқни йиғиштиргач, бир баҳона билан катта хонимнинг ётоғига киришга қарор қилди. Катта хоним шаҳардаги воқеалардан яхшироқ хабардор бўлса керак, деб ўйларди у. Унинг гапи ҳаммаша тўғри чиқарди. Эҳтимол, бу талаба қўлга тушган ким эканини яхши билар. “Ўқишга биров китоб сўрайман, ўзи ваъда берганди”, — деб ўйлади ва аста унинг эшигини чертди. Катта хоним тақиллатаётган Гулабатин эканини дарҳол билди.

— Киравер, Гулабатин! — дея чақирди.

Гулабатин ичкари кирганида, у диванда ёнбошлаганча қандайдир бир китобни ўқиб ўтирган экан. Афтидан, кўп китоб ўқиганидан кўзлари шишинқирагандек кўринди. Бошини кўтариб қаради, кўзларини пирпиратди.

— Қани, бу ёққа кел-чи, нима гап Гулабатин? — дея у қизни ёнига чақирди. Ҳол-аҳвол сўради. Ота-онаси қандайлигини суришпирди. Гулабатин ташаккур билдирди.

— Дўкон-бозорда нима гаплар?

Гулабатин катта хонимнинг нимани сўраётганини яхши тушунди. У кўйдан бери кўчада, бозорда юз берган воқеалар ҳақида Гулабатиндан суриштириб турарди. Гулабатин эса кўрганлари ва эшитганларини унга гапириб берарди. Лекин ҳозир Гулабатин унинг саволига ўзи тушунганича жавоб берди:

— Хоним, шаҳарда ёмон гаплар юрибди. Айтишларича, бир гуруҳ сиёсатчиларни қўлга олишибди. Жазоламоқчи эмишлар. Сиз ҳеч нарса эшитмадингизми, хоним?

Катта хоним Гулабатинга қараб кулди:

— Бунақа нарсаларни сен ҳам тушунасанми, Гулабатин?! Хавфли нарса булар...

— Мен сира тушунмайман, хоним. Бозорда эшиттандим. Боя оғанинг ёнидаги одамлар ҳам гапиришаётганди. Ҳаммаси динсиз, имонсиз улар, дейишди, ҳаммасини дорга осиб керак...

— Қорагуруҳлар! — деди катта хоним кимнидир назарда тутиб.

— Улар ёмон одамларми, хоним? Сиз ҳам сиёсатчиларни айтаяпсизми, хоним?

Хоним Гулабатиннинг пешонасига тушиб турган сочларини орқага таради.

— Йўк, Гулабатин, мен уларни айтмаяпман. Улар ватанларига жон тиккан одамлар. Фидойи одамлар улар. Сен биласанми, улар нима исташяпти? Эҳ, Гулабатин, Гулабатин, сенга қандай тушунтирсам экан? Улар исташадикки, биз ҳам олға боссак, илғор бўлсак, маданий халқлар сафига қўшилсак. Ҳамма жойда ҳақ ва адолат қарор топса. Мана қарагин, нима десам экан, мана сен ана у ҳовузни кўраяпсан-а? Икки ой, уч ой тозаланмаса, тоза сув қуйиб турилмаса, сасиб кетади, тагида ҳар хил куртлар пайдо бўлади. Бизнинг жамиятимиз ҳам шунақа. Сувлар алмаштирилиб, ҳаволар янгиланиб турилиши керак. Агар улар истагандек бўлганда, сен ҳам ўқирдинг, сенга ўхшаган минглаб болалар ҳам... Ҳа, Гулабатин, яхшиям эсимга тушди. Сенга янги китоб олиб келгандим, ўзи ҳам она тилимизда.

Хоним китобларнинг тагидан кичкинагина сариқ китобчани олди. Уни Гулабатинга берди. Қиз китобни олиб, ёзувини ўқиди: “Ҳайдарбобога салом”. Варақлаб, кейинги саҳифага қаради. У ерда қора қош, ўткир нигоҳли, ақлли бир кишининг сурати бор экан. Гулабатиннинг унга диққат билан қараётганини кўрган катта хоним:

— Ўз шоиримиз, — деди. — Шаҳриёр. Ўқигин, жуда содда ва чиройли ёзибди. Ўқиганиндан кейин тушунмаганингни сўра. Тамом қилганиндан кейин гаплашамиз...

Гулабатин шу аснода тақдиридан шу қадар рози эдики, гўё бутун дунёни унга бахшида қилишганди. У хаёлида сўнгги чоршанба оқшомининг шундай яхши келишини янада каттароқ севинчларнинг муждаси ҳисоблаб, катта хонимга чин дилдан миннатдорчилик изҳор қилди:

— Катта раҳмат, хоним! Аллоҳ сизга ҳаммаша бахт ато қилсин! — деди-да, эшикка қараб йўналди, кейин бўсагадан орқасига қайтиб: — Тунингиз хайрли бўлсин, хоним! — деб хонадан чиқди. Лекин шу мўъжазгина, шином хонани ҳам, унинг ичида яшаётган гўзал хонимни ҳам қалбида олиб кетди. Унга

шундай туюлардики, хона биллур ойнадан ишланган, бу гишгин иморатга қачон, қаердан қараманг, энг аввал шу ёруғ хонага кўзингиз тушади. Катта хоним эса ана шу биллур хонада ёниб турган бир чироқ, порлаб турган бир юлдуз эди, унинг нурлари эса олис-олисларга ёйилиб турарди.

Гулабатиннинг эсига тушди: бир пайтлар Суюндик ҳам хаёлига юлдуз бўлиб ўрнашиб олганди. Йўқ, у ҳозир ҳам хаёлининг мусаффо осмонида порлаб турибди. Лекин борган сари узоклашиб бораётибди, янада порлоқ нур таратаяпти. Энди бу юлдуз жуфтлашгандай эди. Бундай муқояса сингил қалбида мумкин бўлмаган ва шунинг учун ҳам янада ширин кўринган бир орзу уйғотди: “Суюндик билан Катта хоним бир-бирига шунчалар ҳам моски! Қани энди юлдузлари мос келса! — деб ўйлади. Кейин эса ўйга толди: Нега мумкин бўлмасин? Ахир, айтишади-ку, замонамизда шундай ишлар бўладики, авваллари бундай гаплар кап-катта одамларнинг ҳам хаёлига келмасди...”

## ХОИН

Гулабатинни даҳшат қоплаганди. Кўзининг ўнгида Суюндикка тузоқ қуришарди. Юзига кула туриб, минг бир ҳийла ишлатиб туриб, хилватга тортиб маҳв этмоқчи бўлишарди. Гулабатин эса буларни кўра-била туриб ҳеч қандай ёрдам беролмасди. Бир чеккада қараб турарди: ҳеч бўлмаса бу ёвуз хиёнат ҳақида, бу қонли қопқон ҳақида акасини хабардор қилса қанийди!

Йўқ, Гулабатиннинг бунга ҳам ҳеч иложи йўқ эди. Ахир, у Суюндикни фақат хаёлида, фақат тушларида кўра оларди. Рўёдаги одамга гапириб бўлмайди...

Хўш, нима қилиш керак? Бу қопқонни қандай қилиб уриб парчаласа бўлади? Гулабатин хиёнат ҳақида, ўз йўлдошини, ўз дўстини сотган хоинлар ҳақида жуда кўп эшитганди. Энди эса ана шундай хоинлардан бири келиб Суюндикни топибди. Ҳеч қутилмаганда, халоскор бир фаришта сингари уларнинг эшигини очиб, беҳаё, номуссиз Салми хонимдан уларга нажот берган бу одам, энди ҳожининг уйида, янги ҳизби тузувчиларнинг, Суюндик сингариларни исётчи, худосиз деб атаб, уларни дорга осишни талаб қилувчилар орасида юрибди. Тавба, бу даҳшат-ку! Одам ҳам шунақа иккиюзлама, хоин бўладими?

Бундай хиёнат туфайли ёлғиз Суюндик эмас, ким билади яна қанчадан-қанча Суюндиклар қурбон бўлади... Нима қилиш керак? Бориб онасига айтсин, лекин не фойдаси бор! Бечора аёлнинг юраги портламайдими, ўғлининг қаерда бўлса ҳам соғ-саломат экани, зиндонда бўлса ҳам яшаётгани ва бир кунни кутулиб келиши ҳақидаги ўйлари она қалбига тасалли эди. Энди шу умидни, шу тасаллини ҳам пучга чиқаришнинг нима фойдаси бор? Йўқ, бу сирни онага айтишнинг маъноси йўқ. Лекин бу хиёнатни шундайлигича қолдириб бўлмайди, хўш, нима қилиш керак?

Гулабатин қизгин, ҳаяжонли ўйлар гирдобидида қолганди. Бу ўйлар бир-бирига гал бермай миясида ғужғон ўйнади. Ниҳоят, Гулабатин аёвсиз ўйлар қуршовидан қутулиш йўлини топди. Токи хиёнатнинг олдини олишга кучи етмас, токи хиёнат қурбонларига ёрдам беролмас экан; ҳеч бўлмаса хоиннинг юрагини яралаш керак, у ичаётган хиёнат бодасига заҳар кўшиш лозим. Бир кўзгу бўлиб, унга ифлос афти-башарасини кўрсатиш жоиз, токи ўзини кўрсин, ўз-ўзидан жиркансин.

Аммо хоинни қандай қилиб кўради, қандай фурсат топиб ханжарни унинг юрагига санчади? Хоин энг тўрда ўтирибди, ҳожининг байрам дастурхони тўридан жой олиб, еб-ичаяпти, гапириб-кулаётибди, газабланаётибди. Гулабатин бўлса гоҳ ҳовлига чопади, гоҳ даҳлизга югуради, бўшаган ликопчаларни йиғиштиради. Мана шу идишларга хоиннинг қўли теккан, хоиннинг ёвуз, ифлос нафаси уларни буллаган. Ликопчалар хурмо данаклари ва ёнғоқ пўчоқлари, тишлаб ташланган пахлава<sup>1</sup> қолдиқлари билан тўла. Гулабатинни гоҳ оға чақиради, гоҳ хоним. У гоҳ кенжа қизнинг, гоҳ Шоҳдаланкнинг чақиривишга югуриши керак. Тўрт томондан шовқин солинади:

<sup>1</sup> П а х л а в а — асал қўшиб тайёрланган бўғирсоқнинг бир тури.

- Гулабатин, ҳой Гулабатин! Чой бер...
- Гулабатин, ҳой Гулабатин! Кел, пойабзалимни тозала.
- Гулабатин, ҳой Гулабатин, дазмол қани?

Байрамдан бир ҳафта ўтаяпти, лекин байрам дастурхони ҳали йиғилгани йўқ, келиб-кетувчиларнинг кети узилмайди. Ҳожи сиёсий бўлгач, уйи карвонсаройга айланди. Янги ҳизбнинг одамлари бири келиб, бири кетиб турибди. Айтишларича, ҳожи бошлиқлари эмиш. Ер ютқурлар. Одам куриб кетганмиди ўзларингта катта қилиб сайлашга! Бу ёқда эса кундан-кунга кичик хонимнинг ҳаваси ортар, ҳар куни бир қилиғи билан онасининг ҳам, Гулабатиннинг ҳам жонига тегарди. Тағин Шоҳпаланк! Яна Табризда ўралашиб қолди. Уйда кечаси жанжал, кундузи жанжал. Юз туманлик костюмни икки кун кияди, ҳаммаёғини доғ қилиб келади-да, даҳлизга улоқтиради.

— Гулабатин, тозала!

Шоҳқўлига, Техронга айлангани, Қоратоққа овга борганда беш-олти кун жонлари тинчиб, юзини кўришмаганидан хурсанд юришди. Бугун у ҳам уйда, одам камлик қилгандай ёнига ўзига ўхшаш беш-олтита бекорчиҳўжаларни оливолган. Ҳаммасининг кўзларидан ўт чақнайди.

Чақнаса жаҳаннамга! Гулабатин ўзини шундай тутаётгани, гўё уларни ҳеч кўрмаётгандай... Аммо, уни, ўша хоинни кўргани кўзи йўқ эди. Ундан қасос олмасдан қўймайди. Лекин қандай қилиб?! Ўзича ўйлади, бу сафар чой олиб кирганда шундай қиладики, чойнакни устига ағдаради. Бир оёғи куйсин, дазмолланган, силлиқ қилиб текисланган инглиз шолидан тикилган шимиға доғ тушсин. Кейин мундоқ ўйлаб қараса, бу билан хоинга катта зарба беролмайди. Гулабатиннинг юраги ҳам тинчимайди. Шу ҳам интиқом бўлди-ю! Болалар ўйини-ку, бу. Яхшиси, хилватда учратиб, сен хоинсан, сотқинсан, пасткашсан, деб юзига айтгай! Аммо қандай қилиб!

Қандай режа тузмасин, қандай ўйлаб кўрмасин охири келиб шу саволга тақаларди. Бу саволга эса у жавоб тополмасди.

— Гулабатин, ҳой Гулабатин, чилим олиб кел! — деган ҳожининг овози қизни бу оғир, азобли ўйлардан қутқарди. Бориб шишаси кўк ва қизғиш нақшлар билан безалган чиройли чилимни тайёрлаб ҳожининг хонасига олиб кирди. У ерда жуда баландпарвоз гаплар қилишар, бир-бирининг гапини бўлишар, орада қаҳ-қаҳ уришар, баъзан ҳаммаси жимиб қолиб, ўйга толишарди. Бундай пайтда фақат сариқ қаҳрабо ёки қора мунчоқ тасбеҳларнинг шиқиллаши эшитиларди. Гулабатин эшикка яқинлашганда, ҳозир хоиннинг афтини кўраман деб ўйларкан оёқлари қалтираб, қўлида чилим титраётганини ҳис қилди. “Мен нима қилаётман ўзи, — деб ўйлади. — Ростдан ҳам ҳали боламан. Бунақаси кетмайди! Ўзингни қўлга ол, Гулабатин!”

Бир амаллаб ўзини қўлга олди, ичкари кирди. Унга қарамасликка аҳд қилди. У томонга қайрилиб ҳам қарамайди.

Тўғри ҳожига қараб юрди. Бу пайт ҳожи гапирарди. Гулабатин анча-мунча гапларни эшитди. Ҳожи бу сафар ҳам ўтган галги фикрини айттарди. Худди тўтиқушга ўхшарди. Ёдлаб олган сўзларни такрорларди, холос.

— Аҳмоқлик қилибмиз, шу пайтгача сиёсатга аралашмабмиз. Майдонни ялангоёқларга бўшатиб берган эканмиз!

Гулабатин чилимни ҳожининг олдига қўймоқчи бўлганда, у қўли билан анави ерга қўй, ишорасини қилди. Гулабатин ҳожининг қўли чўзилган томонга қараб, хоинни кўрди.

У ҳозир ҳам биринчи мартадагидек сокин ва тамкин эди. Кўриниши жиддий. Гапираётганларга диққат билан қулоқ соларди. Гулабатин ҳеч бўлмаса уялиб қизаради, деб ўйлади. У бўлса жуда бемалол ўтирарди! Чилимни унинг олдига қўяётганда, бир зумга уларнинг кўзлари тўқнашди. Гулабатиннинг қўли қалтирарди, чилим қўлидан тушиб кетишига сал қолди. У бўлса қизга бошқа қарамасдан чилимни қўлига олди, ҳеч ким бунга пайқамасди ҳам. Гулабатин тез чиқиб кетди. Агар сал тўхтаб қолса йиғлаб юборишни ёки юзини ҳожига буриб “бу одамга ишонманглар, бу хоин” деб юборишни ҳис этганидан бўш стақанларни, ликопчаларни ҳам йиғиштирмай хонадан чиқиб кетди...

Бир оздан кейин улар тарқала бошлашди. Офтоб аллақачон ботган, қаерландир азон овози келарди. Муаззин мусулмонларни шом намозига

чорларди. Ҳожининг ўзи сингари унинг уйига келувчилар ҳам вақтида намоз ўқийдиганлардан эмасдилар. Намозларини кўпинча қазо қилишарди ёки бошқаларга ўқиттиришарди. Улар Тангри таоло ишларининг кўпчилигини, бошларини қашишга вақтлари йўқлигини назарда тутишига амин эдилар. Гулабатин даҳлизнинг рангли деразалари орқасидан уларни кузатарди. Афғидан, ҳожи уларни ҳовли дарвозасигача кузатиб қўядиганга ўхшайди. Аста-секин, суҳбатлашиб, тасбеҳларини ўтирганча, бир-бирига йўл бўшатиб гиштин йўлакдан юриб боришарди. У – “ўша одам” – сал орқароқда, тамкинлик билан, бамайлихогир юриб борарди. Хонада бўлгани сингари ўзи гапирмас, бошқаларнинг гашига қулоқ соларди. Дарвозага етгач, тўхтади. Ҳамма чиқиб кетгач, ҳожига нимадир деди. Ҳожи бурилиб чақирди:

— Гулабатин, ҳой Гулабатин!

Гулабатин югуриб келди. Ҳожи кўчага қараб турган номаълум кишини кўрсатди:

— Ога билан бор, омонат бор эди, бериб юборади, олиб келасан.

Гулабатин бундай фурсат тасодифий эмаслигини тушунди. Худойим шундай қилди, хоинни бир доғласин, наштар уриб юрагини яраласин деб буюрди!

У, Гулабатинга ҳеч аҳамият бермасдан, гўё сира танимагандай ёлдинда юриб борарди. Қиз бир зумга балки ростдан ҳам танимагандир ёки мен адашдимми, бу бошқа бўлса-чи, деб ўйлади ва дарҳол фикридан қайтди, йўқ адашмаяпман, бу ўша...

У, табризликлар душурга деб атайдиган, авваллари Бокуда газалаг номи билан машҳур ёлғиз от тортадиган кичкинагина фойтунни тўхтагди. Ўзи ўтирди ва ишора қилиб қизга ҳам ёнидан жой кўрсатди. Улар Фирдавсий меҳмонхонаси ёнидан ўнгга бурилишди. Бироз юриб бориб тор кўчалардан бирида фойтундан тушишди, торгина ҳовлига киришди. Кейин иккинчи қаватда бир неча деразаси бўлган катта хонага кўтарилишди. У, ҳассасини бир бурчакка қўйди. Цилиндр шляпасини илпакка илиб қўйиб, ниҳоятда меҳрибон, кулиб турган кўзлари билан қизга қаради:

— Шунақа, Гулабатин хоним! — деди, — ҳожининг уйида ишлаётганингни нега менга айтмагандинг?

Унинг меҳрибон овози ҳам, кулиб турган кўзлари ҳам Гулабатинга нафратомуз кўринарди. Қиз унга қўлида пичоғу одам ўлдиришга тайёрланаётган бир жаллодга қараётгандек тикилди.

— Мен сиздан нафратланаман. Сиз хоинсиз, пасткашсиз! — деди Гулабатин унга захрини сочиб. У бўлса, бу гапларга жимгина қулоқ солди, юзидаги табассуми жиддий ифодалардан дарак берса ҳам, аччиқланмади. Ниҳоят:

— Менинг хоин эканимни қаёқдан биласан? — дея секингина сўради.

— Шундан биламанки, ҳожи сингари одамлар билан ҳамтовоксиз. Унинг партиясига қираяпсиз. Улар бўлса Суюндик сингариларни исёнчи, худосиз деб аташади. Ҳаммасини дорга тортиш керак! — дейишади.

Қиз гапираркан, унинг кўзлари катталашиб, гайриоддий ҳолатга тушаётганини ҳис қиларди. Гулабатин гапириб бўлгач, у хонада наридан-бери юриб турди, анча ўйга толди. Келиб, Гулабатинга диққат билан тикилди, худди аввалгидай илиқ табассум билан кулимсиради.

— Сен мени роса қувонгирдинг, ҳой қиз. Сен қурротулайин Тоҳира бўладигансан! Сизларни ўқитадиган бўлса, ҳар бирингиз бир қаҳрамон бўласиз!

— Мен Тоҳира-поҳирани танимайман! — деди Гулабатин ҳалиям жаҳлдан тушмай, — худо хайрингизни берсин, Суюндикни ўлимга маҳқум қилманглар! Ёлвораман!

Биргина шу сўзни эшитганда, у бутунлай ўзгарди. Фам тўла кўзларини Гулабатинга тикиб, қўлидан ушлади:

— Менинг ақлли қизим, менинг сингилгинам! — деди. — Мен ўзим бораман ўша дорнинг тагига. Уларнинг бошларидан бирор тук тўкилгани қўймайман. Айт, нимага қасам ичай, сени қандай ишонтирай?

— Хўш, унда ҳожиникида нима қилиб юрибсиз?! Ё у томонда бўлинг, ё бу томонда. Икки юзли одамларни кўргани кўзим йўқ.

У яна ўйга толди. Деразадан кўчага қаради. Кейин яна Гулабатинга ўтирилди:

— Қаерда зарурат талаб қилса, мен ўша ерда бўламан...

— Унақа бўлмайди. Ҳаёт тақозоси ё у ёқда, ё бу ёқда! — деди Гулабатин. Шу билан уни тилидан илингирдим, энди жавоб бериб кўрсин-чи, деб ўйлади қиз.

У эса шошилмай жавоб қилди:

— Ҳаёт ҳақида тасаввуринг мунчалар содда бўлмаса, Гулабатин! — Унинг товуши таассуф билан тўла эди. Гўё жуда яхши билган бир ҳақиқатни Гулабатинга тушунтира олмагани учун таассуф қиларди.

— Сени кўп ушлаб қололмайман, — деди-да, шубҳага ўрин қолдирмайдиган овозда гапирди. — Мен ҳожига элтадиган нарсани тайёрлагунча, сен мана бу хатни ўқи...

Гулабатин кўлдан-кўлга ўтавериб, эзиланиб кетган оқ хатжилдни очди. Мактубнинг устхатини ўқиди. “Аканг Суюндик” деган имзога кўзи тушиб, кўллари қалтираб кетди. Ҳаприқиб кетган юрагидан иссиқ ҳароратли бир тўлқин туриб бутун баданига ёйилди. Бирдан оёқлари қалтираб, дераза олдидаги курсига чўкди, хатни ўқий бошлади. Хат бир варақ оқ қоғозга ёзилганди. Ҳарфлар аниқ ва чиройли ёзилганидан Гулабатин акасининг хатини таниди. Хатнинг шошиб ёзилгани кўриниб турарди. Бу хат эмас, имкони топилган бир онлик фурсатни кўлдан чиқармаслик учун ҳаприққан, ҳаяжонли бир юракнинг тиширичилиши эди. Суюндик ёзарди: “Азиз синглим Гулабатин! Кўзимнинг нури, жоним, жигарим! Ушбу хат ёрдамида бўлса ҳам сен билан, азиз онам, отам, укам билан гаплашиш қандай катта саодат эканини билсангиз эди. Ҳозир ҳаммаларингиз кўз ўнгимдасиз, юзларингизни кўриб турибман. Овозингизни эшитаятман. Сизлардан илтимос, менинг азизларим, менга бундай гамгин қараманглар, ёмон ўйларга борманглар. Ёмон куннинг умри қисқа бўлади. Тез орада сизларни кўриш насиб этади. Ҳаммамиз бахтли яшаймиз. Гапларимга ишонинглар, келажакдан ноумид бўлманглар. Ақлли синглим! Сен ўқишни билишингдан жуда хурсандман. Сенинг ушбу хатимни отам, онам, укам Ҳамзага ўқиб бераётганини, уларнинг мириқиб тинглашаётганини ўйласам бутун дунёни менга бағишлашгандай бўлади. Соғомон бўлинглар, азизларим. Бир-бирингизни эҳтиёт қилингизлар!..”

Гулабатин ўтирган жойидаёқ хатни бир неча бор ўқиб чиқди. Қалбида жўшиб қайнаган туйғуларига нозик юраги дош беролмади. Кўзларида ёш ҳалқаларди.

— Бу нимаси! — деди номаълум киши кўл чамадонини эшик олдига қўяркан, — нега йиғлаяпсан, Гулабатин? Бу сенга ярашмайди. Мен сени жанговар, ўт юракли қиз деб билардим.

Гулабатин кўлининг орқаси билан ёноқларини артди. Энди унинг қалбида бу номаълум кишига нисбатан шундай муҳаббат уйғонгандики, у гўё Суюндикнинг эгизаги эди, Гулабатиннинг катта акаси эди.

— Йўқ, йиғлаётганим йўқ! — деди у хатни буклаб қўйнига яшираркан.

Номаълум киши эса хонада наридан-бери юраркан, ўз-ўзича гапиргандай деди:

— Сен ҳақингда ўйлаш керак, Гулабатин. Сени ўша уйдан қутқаришим керак. Мактабларнинг бирида ёки маорифда сени кичик бир ишга жойлаштирмоқчиман. Нима дейсан? Ахир, бировнинг уйида малай бўлиб ишлаш бошқа, идорада ёки корхонада ишлаш бошқа нарса. У ерда ишласанг ёлғиз бўлмайсан, шерикларинг бўлади. Шундай ишда бўлсанг, балки ўқишинг ҳам мумкин...

— Билмадим, ўзингиз яхши биласиз! — деди Гулабатин эътироз билдирмаса-да, иккилангандай тараддуланиб. Номаълум киши эса яна ўз-ўзига гапиргандай давом этди:

— Ҳожининг ўғли менга ёқмади. Шунақа бир аҳмоққи, кўлидан ҳар қандай ёвузлик келади...

— Лекин хоним жуда яхши аёл! — дея Гулабатин иккиланганининг сабабини айтди. — Ҳа, сизга шуни ҳам айтиб қўяй, катта қиз уйдагиларнинг бутунлай акси. Менимча, у қалби билан сизларга ўхшайди.

— Эҳ, Гулабатин, бунақалар жуда кўп. Сен уларнинг бой-бадавлат эканликларига қарама, ноз-неъматлар ичра яшашса ҳам, ҳар бир уйда онг-шуури уйғонган, замоннинг ҳавосидан нафас олиб яшаётган бунақа ёшлар



қўп. Мусаффо еллар эсиши билан улар ошқора биз томонга ўтишади, ёрдам беришади... Энди борақол, жуда кеч қолдинг! — дея эшик олдидаги қўл чамадонини олишни ишора қилди, — дилижонга ўтирасан, манави пулни ол. Шу нарса яхши эсингда бўлсин, мени фақат ҳожиникида кўргансан, вассалом. Бундан кейин мени кўрганда тумтайма, чилим узатаётганда қўлларинг қалтирамасин.

Гулабатин қизарди. Номаълум киши ҳақида ёмон фикрда бўлгани эсига тушиб ўз-ўзидан уялиб кетди. Гуноҳқордай секингина гапирди:

— Сиз ҳақда қандай ёмон гаплар айтганимни, қанчалар қарғганимни билсангиз эди!

Номаълум киши унинг барча гуноҳларини кечиргандай бир табассум билан деди:

— Сен хоинни қарғгансан, мени эмас. Сен инсониятга, дўстликка, саодатга хиёнат қилган одамни қарғгансан. Мен эса айни шу йўлда, саодатга эришиш йўлида хизмат қилаяпман.

Гулабатин ўз-ўзича ўйлади: “Ҳамма нарсани билар экан...”

## ТИЛЛА СОАТ

Табриз байрам либосида. Шаҳарнинг фақат боғ-роғларигина эмас, хиёбонлари, бозору дўконлари ҳам баҳор атридан нафас оларди. Баҳор қуёшининг ҳар бир нарсага ҳаёт бахш этувчи нурлари кун бўйи далаларга, болларга қўнар, гул-чечакларнинг очилишига, дарахтларнинг бутуқ чиқариб, барг ёзишига, меваларнинг пишиб етилишига ёрдам берарди. Саҳардан шомгача қуёшнинг рангини офтобдан олган алвон-алвон қизил гулларнинг ёнидан ўтаётганда атир бўйларидан димоғ яйрарди. Минг уч юз метр баландликда бўлган бу гўзал шаҳарда тоғ ҳавоси ҳамда эрталабдан кечга қадар ҳамма жойни қиздиргувчи Аран қуёши боғу бўстонларнинг яшнаши учун, ширин мевалар етишиши учун мустасно шароит яратарди. Гулабатиннинг кабутарлари ҳам баҳор ҳавосидан яйраб, мовий осмон узра яйраб учишар ва ҳовуз бўйларига қўнишарди.

Гулабатин уларни томоша қилиб, баҳорнинг соф нафасини ютганча сийнасининг шу пайтгача у билмаган, тушуниб бўлмас, туманли ҳамда ширин ҳислар билан ураётганини сезарди. Баҳор гулларни яшнатгани сингари қизнинг ҳам ўсишига, унинг ёноқлари ял-ял ёнишига қўмаклашарди. Негадир у тез-тез кўзгуга қарайдиган бўлиб қолди. Кўзгунинг олдидан ҳар ўтганда беихтиёр тўхтар, унга қараб сочларини тузатиб оларди.

Баҳор гўё ўзи билан уларга ҳам озми-кўпми яхши кунлар муждасини олиб келганди. Корхонада Ҳамзанинг даражасини ва маошини орттириш ҳақидаги умид рўёбга чиқарилганди, ҳар ҳолда омонсиз эҳтиёжга анча барҳам берилганди.

Аввалги сингари оиланинг яширинча тортаётган, ичларига солиб юрган биргина дарди бор эди: Суюндик! Бу дард Гулабатиннинг қалбини бир кун ҳам тарк этмасди, аксинча, кундан-кунга оғирлашиб бораётгандек эди. Ахир, қачондан бери Суюндикдан бирор хабар йўқ эди. У ҳақда фақат тилдан-тилга ўтган бирор нарса эшитишарди, вужудининг борлигини сезишмасди, гўё у жуда узоқларда эди. Ёлғиз хотиралардан, қандайдир хаёлотдан иборат эди. Энди бўлса у қаерда бўлса-да, яшаётганини, нафас олаётган жонли вужуд эканини билдирганди. Ота-онанинг, Ҳамзанинг, айниқса, Гулабатиннинг қалбида шу вужудни кўриш, у билан юзма-юз ўтириш, унинг ҳароратини ҳис қилиш ҳасрати ортганди.

Яъни яранинг кўзи кўчган ва унинг оғриғига чидаш жуда қийин эди. Шубҳаларни, безовта ўйларни орттирган нарса шу эдики, хат олган кунидан номаълум киши ҳам ғойиб бўлганди. У ҳожиларникига ҳам келмаётганди. Гулабатин бозорга ҳеки дўконга борганда кўзи тўрт, яхши кийинган, цилиндрли, қўлида ҳассаси бор кишини излай бошларди. Лекин тополмасди.

Гулабатин уни кўришга, гаплашишга, суҳбатлашишга эҳтиёж сезарди. Эҳ, юрагига, хаёлига шунчалар нарса тўпланиб қолганки, уларни ҳал қилишни билмай гаранг. Ҳар кун бошида минг бир хаёл чарх уради, уларнинг ҳеч

қайси бирига тўғри жавоб тополмайди. Гулабатин бундай безовта бўлишининг, оромини йўқотганининг боиси ўша деб биларди. Бир одамда қатъиян билмаган, умуман тасаввур қилмаган ҳавасларни уйғотиш, ақлига ҳам келмаган ўйларга солиш, кейин эса бир чеккага чиқиб туриш инсофданми?

Гулабатин ўша пайт, ҳали тор кўчадаги икки қаватли уйдаги кенг ва ёруғ хонада, унинг гапларининг маъносини яхши тушуниб етмаганди. Лекин ўша сўзларнинг ҳаммасини эсида сақлаб қолганди. Туя еганини кавшаниб ҳазм қилгани сингари у кейинроқ соатлаб ўйга толиб, унинг сўзларининг асл маъносини тушуна бошлади. Айниқса, иш ҳақида айтганлари Гулабатиннинг хаёлидан кетмасди: “Ахир, бировнинг уйда малай бўлиш бошқа, идорада, корхонада ишлаш бошқа нарса. У ерда ёлғиз бўлмайсан, шерикларинг бўлади”. Бу гаплар унинг миясида айланганча қизни безовта қиларди. Авваллари шунчалар рози бўлгани, худога минг қатла шукр қилгани — бу уйдаги иши — кўнглига уриб, ҳатто бир камчиликдек кўрина бошлади. Бир сафар у бу фикрини мўмин-қобил Ҳамзага гапирди. Ҳамза нима ҳам дерди? Жимгина қулоқ солди, тирноқларини чайнаб турди. Лекин Гулабатин сездики, у жуда безовта бўлаяпти, азобланаёпти, ўзининг ожизлигини, ўз синглисига ёрдам беролмаслигини ҳис қилгани сайин юраги ўртанарди. Ҳамзанинг изтироблари учун ҳам Гулабатин ўзини гуноҳкор сезди. Ахир, нега акамга азоб бераёпман?! Номаълум киши ҳақида ўйлаганда ҳам ўзига таъна қилди. “Нега ўшанда ҳозиргидай тушунмагандим, қўл-оёғим қалтираб, кўзларим ёш тўкиб хўп бемаъни гапларни айтибман...”

Эҳ, азиз Гулабатин, Суюндик сенинг бу қарама-қарши фикрларингни, ўзингга на қадар азоб берганингни кўрсайди, қанчалар қувонарди. “Синглим, сен шундай нарсаларни ўйлаяпсанки, — дерди у, — улар буюк файласуфларнинг идрокига лойиқ. Сен яна бироз яшасанг, сал-пал инсон амаллари билан таниш бўлсанг, ўқисанг, ўйласанг, бу амалларни таҳлил қилиб кўрсанг, одамлар қўлларини, оёқларини, тилларини қимирлатгунча, тушунчалари, ақли ва фикрларини ишлатсайдилар, аъзоларининг ҳаракатини идроклари ҳукмига топширганларида башарият нақадар бахтли бўларди! Шунда халқларнинг тақдири тасодифлар ҳукмига тушиб қолмасди. Насл-насабига, маслаксизлигига, сиёсий ҳийлалар соҳасида эпчиллик қилганига кўра давлат тепасига келган худбин, калтафаҳм ҳокимлар халқларни бир-бирига яқинлаштирувчи инсоний туйғуларни ёвуз, ҳайвоний оғалик ва устунлик туйғуларига қурбон қилмасдилар. Токи, ҳамма, ер юзидати барча шоҳлар ўз инсоний моҳиятларини англаб етсайдилар, кўр-кўрона ҳаракатлари ақлга бўйинсиндирилса эди, бир талай балолар, изтироблар, фожиаларнинг олди олинган бўларди...”

Албатта, Гулабатин буларнинг ҳеч бирини билмасди. У табиий равишда бутун қалби билан саодатга мойил эди. Ахир, гуллар қуёшдан жон оладилар, кунгабоқар офтобнинг асирига ўхшаб унга қараб бурилади. Худди шундай, саодат ҳам бир эҳтиёж эди, ёш қизнинг юрагида уйғонганди. Қиз ўсган-улайган сари, аъзолари куч-қувватга тўлгани, ёноқлари қизиллашгани сайин бу эҳтиёж ҳам катталашар, ортар, кучаярди. Камбағалларнинг болалари шунинг учун ҳам шоҳпаланклардан зеҳли, зийрак ва қобилиятли бўладиларки, кичиклигидан бошлаб ҳаётнинг ўзи уларга муаллимлик қилиб сабоқ беради.

Ҳарқолда Гулабатин номаълум киши ҳақида ҳеч кимга, ҳатто катта хонимга бирор сўз айтмасликка аҳд қилди. Ёмон хаёлларга бормаслик, умидсизликка тушмаслик учун эса яхши дармон-дориси бор эди! Китоб! Оғир фикрлар бошга келган кечаларда у “Ҳайдарбобога салом”ни ўқирди. Бу китобни ўқиган сайин у онаси эртақларини тинглагандай бўларди. Ёки ширин орзулар қанотида қаерларгадир учиб боргандай бўларди. Китобнинг баъзи жойларини қайта-қайта ўқир, ёдлаб олган эди. Ҳатто ишлаётганда, кир ювган, уй тозаллаган пайтлари ёдлаган жойларини ичида ўқиб, анча енгил тортарди...

— Гулабатин, ўз-ўзингча қўп гаплашадиган бўлиб қолдинг, нима гап ўзи? — деб сўраб қолди хоним ва жавобини кутмасдан илова қилди, — бор, оғанинг хонасини тозала. Бир оздан кейин йиғилишади. Ҳовлини кейин супурасан.

Гулабатин ҳовли супургисини жойига қўйиб, уй супургиси, хокандозни

олиб ҳожининг хонасига йўналди. Ҳовлида ўзини баҳор офтобига тоблаётган хоним унга қараб:

— Ма, ушбу соатни ҳам ҳожининг хонасига олиб кириб тоқчасига қўй. Менинг хонамда эсидан чиқариб қолдирибди...

Гулабатин занжирли, қопқоқли қадимий тилла соатни олиб хонага кирди, ҳожи сиёсатга берилгандан кейин эс-ҳуши ҳам жойида эмас, — ўйлади қиз. — Бу соатни ҳеч қаерда қолдирмасди, бирор одамга ишониб бермасди, доимо чўнтагида олиб юрарди. Одамлар орасида чиқариб тутмачасини босар, бирдан юқори кўтарилиб, очилган қопқоғига завқ билан қарар, вақтни аниқлар ва дарҳол ёпиб чўнтагига соларди. Энди бўлса боши шу қадар гангиб қолибдики, шунчалар севган соатини эсидан чиқариб ўтирибди.

Гулабатин ҳожининг ётоғини супураётганда ташқарида Шоҳпаланкнинг йўгон овози эшитилди. Қиз деразадан чўзилиб қаради. У қаёққадир кетишга тайёрланганди. Пиджагини енгига ташлаб олган, оғзида сигарет, онасининг тепасида турарди. Гулабатин “беринг, туринг ўрнингиздан, юз туман беринг” деганини эшитиб, онасидан яна пул қистаяпти, деб ўйлади. Лекин хоним ўрнидан жилмади. Улар анча тортишишди.

— Отанг ҳозир келиб қолади, ўзидан сўра! — деди хоним қатъий.

Шоҳпаланк жаҳл билан ўз хонасига кириб кетди.

Гулабатин ҳожининг хонасини тозалаб бўлган заҳоти хоним унга янги иш буюрди:

— Югур қизим, ўша муюлишдаги баққолдан бироз долчин олиб кел. Уйда тугаб қолибди, ҳожи долчинли чойни яхши кўради. Бирдан сўраб қолса, топиб бермасам балога қоламиз. Югур.

Гулабатин қўлини тез ювди-да, кўчага югурди. Ўн дақиқа ўтмай долчин олиб қайтди, ҳожи унинг орқасидан ҳовлига кириб келди.

— Қаердан келаясан, Гулабатин хоним? — дея ярим истеҳзо билан сўради. Қиз қисқа жавоб қилди:

— Хонимнинг топшириғи билан...

Бошқа пайт бўлганда ҳожи суриштирарди: “Қанақа топшириқ, не топшириқ?” деб. Лекин ҳозир кайфияти соз эди, фикри бошқа нарса билан банд эди, индамади. Ҳовлининг ўртасида хотинини кўриб, овоз берди:

— Хоним, ўша ўтирган жойингизда, ҳовуз бўйида, менга бир стакан чой тайёрланг, бошмоқларимни кийиб келаман.

Ҳожи хонасига кириб оёқ кийимини ечган эди, Шоҳпаланк унинг бошига тикланди. Гулабатин долчинни хонимга бериб, ҳовлини супурарди. Бир қулоғи улар томонда эди. Лекин нима гаплашаётгани аниқ эшитилмасди. Улар анча гаплашишди. Ҳожи ўзини тутолмади, ўелига қаттиқ бақариб берди. У шундай бақариб бердики, унинг бунақа ўшқирини ҳеч ким эшитмаганди.

— Нима истайсан мендан?! Ўлдирмоқчимисан мени? Торт қўлингни! — дея ҳожи титраб-қақшаганча ҳовлига чиқиб келди, ҳовуз бўйига ўтирди. Шоҳпаланк пиджагини елкасига ташлаб:

— Майли, бўлмаса! — деганича ҳовлидан елдек чиқиб кетди.

Бироздан кейин ҳожи очик ҳавода дарахтлар соясида ўтириб, хоним ўз қўли билан тайёрлаб келган чойдан ичиб ўзига келди-да, хонасига кирди, ўша заҳоти қайтиб чиқиб, хотинини чақирди:

— Хоним, менинг соатим қаерда?

Ҳовлида турган хоним Гулабатиндан сўради:

— Гулабатин, ҳожининг соатини қаерга қўйдинг?

— Сиз айтган жойга — тоқчага қўйгандим, хоним, — дея жавоб берди ҳовлидан Гулабатин.

Ичкаридан ҳожининг асабий ва ташвишли овози эшитилди:

— Тоқчада ҳеч қанақа соат йўқ... Келиб топиб кўринглар-чи...

Хонимнинг ўзи ичкари кирди. У ёқ-бу ёққа қаради, тополмай, Гулабатинни чақирди.

— Ҳой қизим, келиб қара, қаерга қўювдинг, — деди ва асабийлашиб ўзини йўқота бошлаган ҳожини тинчланишга уринди. — Кўйсангиз-чи, ҳой киши, соатни ейишмагандир, ахир, топилиб қолар.

Гулабатин уйни остин-устун қилди. Токчаю тахмонларни қараб чиқди. Тилла соат ҳеч қаерда йўқ эди. Чеккада туриб қизнинг ҳаракатини кузатиб турган ҳожи дағдага қилди:

— Худо ҳаққи, агар соатни тополмасанглар дунёни остин-устун қиламан!

Ранги қув ўчган хоним Гулабатиндан сўради:

— Қизим, яхшилаб эслаб кўр, балки бошқа жойга қўйгандирсан. Чўнтакларингга қараб кўр.

Ҳеч қутилмаган бу машъум воқеадан ўзини йўқотиб қўйган, шошиб, саросимага тушган Гулабатиннинг хотираси бир дақиқага туманлашди. Соатни тоқчага қўйганига ўзи ҳам шубҳалана бошлади. “Балки, ростдан ҳам бошқа жойга қўйгандирман?” деб ўйлади. Қўйлагининг ёқаларини, чўнтакларини қидириб кўрди. Хоним билан биргаликда бошқа хоналарни ҳам қидириб кўришди. Хилват даҳлиздаги Гулабатиннинг хонасини, кийим-бошларини тингиб чиқдилар. Соат қуш бўлиб кўкка учиб кетгандай, ҳеч қаерда йўқ эди!

Уйларнинг ҳамма жойини ахтариб тополмагач, қайтадан излай бошлашганин кўрган ҳожи Гулабатиннинг теласига келди:

— Тўғрисини айт, муюлишда кимга бериб келдинг?

Гулабатиннинг бошига худди катта таёқ билан ургандай бўлишди. Қиз турган жойида қотиб қолди. Унга дунё тамом бўлгандай, бундан кейин унга ҳаёт йўқдай туюлди. Хоним таънали кўзи билан эрита қаради:

— Бас қилинг, ҳой киши!

Ҳожи сал олдинроқ Шоҳпаланкка қичқирганидан ҳам бадтар ўшқирди:

— Нега бас қиламан? Нима учун?! Уйингда ўғри асраб юрибсан-ку! — дея Гулабатинга ўтирилди: — Бор, кимга берган бўлсанг ҳам олиб кел. Бўлмаса, отангни ҳам, онангни ҳам бу ерга тўплайман. Наслингни Табриздан қуритаман.

Дунё Гулабатиннинг кўзларига қоронғулашди. Ёз офтоби ҳам, гўзал дарахтларни, чиройли гулларни ҳам зулмат босди. Қизнинг гапиргиси, бақиргиси келарди, “ёлгон, мен ўғри эмасман!” дегиси келарди. Лекин сўзлари томоғидан бўғар, нафас олишга қўймасди. Юраги қинидан чиқиб кетаётгандай, ўпкаси оғзига тиқилиб қолаётгандай бўларди.

Лекин бирдан кўзларидан ёш қуйилиб келди ва бўғилмади, енгиллик ҳис қилиб, юзини деворга ўтириб олди. Ҳожи бўлса қичқирар, дўқ қиларди:

— Кўз ёши ёрдам бермайди, бор соатни олиб кел!

Шу пайт юмшоққина, мулоийм бир қўл Гулабатиннинг елкасига қўйилди, унинг бошини кўксига босди.

— Ота, ялинаман сизга, юрагимни ўртаманг. Биласиз-ку, мен бундай нарсаларни кўтара олмайман! — дея катта хоним отасига мурожаат қилди. Кейин хўнграётган Гулабатинни кучоқлаб, ўз хонасига етаклади. Ҳали ичкари кирмасдан уларнинг қулоғига ҳожининг овози эшитилди:

— Ҳаммаси одаму фақат мен бошқа! Ҳаммасида юрак бор, битта менда йўқ! Соат топилмаса тинчлана олмайман, хотин!

Гулабатин оғзини очиб гапирмоқчи, ҳеч бўлмаса катта хонимни ишонтирмоқчи, ўлсам ўламанки, бунақа ишни қилмайман демоқчи бўлди. Лекин катта хоним гапиргани қўймади:

— Худо отамни инсофдан айирибди, Гулабатин! Йиғлашнинг, ўзингни ўлдиришнинг кераги йўқ. Сен йиғласанг, у сени гуноҳкор деб ўйлайди. Тушунаёпсанми? Сира йиғлай кўрма. Ахир, сен олганинг йўқ-ку, нега азоб тортаяпсан?! Нега ожизлик қилаёпсан?! Сен шуни яхши тушунки, нақадар ожизлик қилсанг, сени шунчалик топтайдилар. Олгиннинг, бойликнинг қонуни шундай. Сен уларнинг соясида адолат, инсоф ахтариб овора бўлма!

Катта хонимнинг гаплари қанчалик гайриоддий ва мароқли бўлса-да, Гулабатинга кўп тасалли беролмасди, уни бундай шармандаликдан қутқара олмасди. Пешонасига “ўғри” тамғаси босилишини ўйлаганда қизни яна ваҳима босди. У юзини деворга ўтирганда, катта хонимнинг нафрат тўла овозини эшитди:

— Лабнат бўлсин бундай ҳаётга, одамнинг егани ҳам заҳарга айланади!

## АЛВИДО, БОЛАЛИК!

Ҳовлида эса ҳожининг жазаваси тутиб ётганди. Ғўзал баҳор ҳавосини, гуллар атрини, қушлар нағмасини, ҳамма-ҳаммасини унутганди. Ҳаммаси унинг учун ҳеч нарсага арзимасди. Кўзига бирор яхши нарса кўринмасди. Кўринган нарсаларнинг энг ёмони шўрлик Гулабатин эди. Уша бечора Гулабатин неча йилдирки нозик қўллари билан ҳожининг кир кўйлаklarини ювар, ҳовлисини тозалар, хизматида ҳозир у нозир турарди! Энди бўлса ҳаммаси унутилганди.

Ҳожи билан хоним анча гаплашишди. Ҳожи соатни Гулабатин олган, ўғирлаган, вассалом, деб туриб олди. Хоним бўлса, Гулабатин бундай қилмайди деб уни оқлашга уринарди. Ҳожи шунчалик гапирдики, ахир хонимни ҳам ўз айтганларига кўндирди. Ҳожи деди: “Инсон хом сут эмган банда, ундан ҳар нарсани кутса бўлади”. Бу гаплар хонимни ҳам йўлдан урди.

— Қаёқдан билай, худо ҳаққи! — дея таслим бўлди. Буни кўриб ҳожи бадтар ҳужумга ўтди.

— Булардан нимани кутасан ўзи, отаси — оч, онаси — оч, ҳеч нарсадан қайтишмайди! Сен бор, гаплаш, бўйнига кўй!

Хоним чор-ночор катта қизининг ётоғига кирди. Гулабатинни ёнига ўтқазди. Дардли ва ташвишли овозда:

— Гулабатин, қизим, — деди, — балки сенга ўргатишгандир. Эҳтимол, очлик мажбур қилгандир. Менга айт. Ҳожини бир амаллаб кўндираман, гап шу ерда қолади.

Гулабатинни илон чаққандай бўлди. Хаёлида бир чироқ ўчди, умиди пучга чиқди:

— Хоним, сиз ҳам шунақами? — деб йиғлаб юборди. Катта хоним эса шиддат билан онасига юзланди:

— Бас қилинг, ойи! Шунчалар бағри тошмисиз? Нега мунча исканжага оласиз бечорани?!

— Мен нима қилай, ахир?! Куриб кетсин бундай ҳаёт, бунақа турмуш! — деганича аёл пушаймон бўлиб ташқари чиқди.

Орадан икки дақиқа ўтмай, ҳожининг яна жазаваси тутди. Кўшни болани чақирди-да, дилижонга миндириб, буюрди:

— Бор, ҳозирнинг ўзида отасиниям, онасиниям, уйларида яна ким бўлса, эркакми, аёлми, дилижонга ўтқазиб дарҳол бу ёққа олиб кел.

Ярим соатга қолмай Норинж ва Ҳамза бу воқеадан хабардор бўлишди. Уларнинг иккаласи ҳам майит рангида эдилар. То улар етиб келгунча ҳожи гоҳ хотинига ташланар, гоҳ Гулабатинга зуғум қиларди. Катта қиз бу тўс-тўполонга, ҳақоратларга бардош беролмай, китобларини олиб қаёққадир жўнаб қолди. Ҳожининг исгаганича айюҳаннос солишига монелик қиладиган ҳеч ким йўқ эди. Гулабатиннинг онаси ҳовлига кириши билан:

— Кечирасиз, хоним, айтинг, қизимга нима бўлди? — деб хонимга ташланди.

— Кўрқманглар, қизингиз ўлгани йўқ! — деди ҳожи уларни қаршилаб. Ҳовуз бўйида ўтирганча аҳволни тушунтириб берди. Соатни дарҳол қайтариб беришни талаб қилди.

Бир соат туфайли озиб-тўзиб, кичкинагина бўлиб қолган, кўзлари ич-ичига тушиб кетган Гулабатинга қараб онанинг юраги орқасига тортиб кетди. Уни бағрига босиб овутишга уринди. Гулабатиннинг кўзи эса ўйга ботган, лаблари пирпираётган, тирноқларини чайнаб турган Ҳамзада эди. У нимани ўйлаётган экан? У ҳам Гулабатин ҳақида ёмон фикрда бўлса, бундан сўнг дунёда яшашнинг не маъноси бор?!

Ҳожи гоҳ дўқ-пўписа қилар, гоҳ тилига эрк бериб соатни Гулабатин ўғирлаганига шубҳа йўқлигини гапирарди. Ниҳоят, юзини Ҳамзага бурди:

— Сен бундан каттасан, акасисан, тушунтир, айт мундоқ, соат қаердалигини айтсин.

Гулабатин Ҳамзанинг лаблари бадтар титрай бошлаганини, панжалари мушт бўлиб тутилганини кўрди. У ҳожига қараб икки қадам ташлаганида қиз кўрқиб

кетди, бирор фалокат юз бермасайди, деб хавотирга тушиб қичқириб юборишига сал қолди. Лекин Ҳамза тўхтади ва ҳожининг кўзларига тикилди.

— Ҳожи, биз ўғирлик билан мол топадиганлардан эмасмиз! — деди. — Биз ҳалол суг эмганмиз, ҳалол нон еганмиз. Қўлингиздан келганини қилинг!

Ҳожи “Бўй, бўй, бўй!” — дея киноя билан бир хонимга қаради, бир Норинжга ва Ҳамзанинг ёқасидан олиб: “Чиқ бу ердан!” — демоқчи бўлганида кўча дарвозаси очилди ва боя Ҳамзаларни айтиб келгани борган кўшни боласи кўринди. У югуриб ҳожининг ёнига келди:

— Ҳожи оға, — мени Шоҳпаланк юборди. Бозор эшигида кутаман, деди. Отамга айт, юз туман берсин, олиб келиб, тилла соатни олиб кет. Ярим соат ичида олиб келмасанг соатни юз туманга сотиб юбораман, деяпти...

Ҳожи ўғирлик устида қўлга тушган одамдай шошиб қолди, сувга тушган қари товуқдай буришиб қолди. Хонимнинг ранги оқарди. Кейин аста-секин ўзига келди. Елкасидан босиб турган оғир юк олиб ташлангандай бўлди. Гулабатин, Норинж ва Ҳамза эса ҳайкалдай қотиб ҳожига қараб туришарди. Бу қарашларнинг оғир юки ва кучини ҳис қилгандай ҳожи бир силкиниб кўйди.

— Сутинга лаънат, эмган суғи ҳаром унинг! — деди-да, нариги томонга бурилди. Титроқ кўллари билан ҳамёнини чиқариб, юз туман санади-да, ҳалиги болага узатди.

— Мана, олиб бориб, тезда соатни олиб кел! Минг туманлик соатни юз туманга сотармиш-а, тез чоп! — деди-да, қора кўланка мисол ўз хонасига шўнғиди.

Хоним Гулабатинга яқинлашди.

— Ке, қизим. Юр, уйга кирайлик... Онанг ва акангни ҳам чақир, чой ичишсин! — дея кўлидан ушламоқчи бўлди. Гулабатин кўлини тортиб олди, секин ва алам билан:

— Раҳмат, хоним, — деди, — сизнинг яхшилигингизни унутмайман, менга кўп нарсани ўргатдингиз.

Гулабатин онасининг кўлидан ушлаб эшикка йўналди. Ҳамза бўлса уларни ҳимоя қилгандай орқаларидан юриб борарди. Хоним жойида қотиб қолганди. Гулабатиннинг сўнгги сўзлари унинг қулоғида жаранглаб турарди. Улар узоқлашган сари чуқур афсус туйғуси вужудини титратмоқда эди.

Гулабатин хиёбон бўйлаб анча юргач, орқасига қайрилиб, ўзи хизмат қилган уйга қаради. Унга болалигини шу ерда қолдириб кетаётгандек туюлди. Энди ҳаётининг бошқа даври бошланмоқда эди. Ҳали билмаган, кўрмаган йўллар кутмоқда уни... Анча вақт ёнма-ён, индамай юриб боришгач, онаси унинг ўйларини тарқатиб юбориш учун номаълум кишини эслатди:

— Икки кун олдин бизникига келганди. Суяндикдан хат олиб келганди...

Гулабатин ўзини шунчалик ҳорғин ҳис қилардики, ҳеч нарса дея олмади, фақат онасининг совуқ ва қуруқ кўлини топиб маҳкам қисди...

1965 йил.



Хожа Аҳрори Валий  
таваллудининг 600 йиллигига

## Буюк маслак ва эътиқод соҳиби

“Биз миллий маданиятмизнинг ўзига ҳослигини тиклаш ва ривожлантиришга катта аҳамият берар эканмиз, миллий ўзликни, руҳий меросимизни англаш жаҳон маданияти ғояларидан, умуминсоний қадриятлардан узилмасликни назарда тутамиз. Ўзбек халқининг тарихи ва маданияти умумбашарий тараққиётининг таркибий ва ажралмас қисмидир”.

*Ислом КАРИМОВ.*

**У**луғларни, табаррук зотларни эҳтиром этган, баланд эъозлаган миллат, халқ бой ва шуҳратли бўлади. Бу — исбот талаб қилмас ҳақиқат! Ўзбек халқининг минг-минг йиллик узоқ тарихида ушбу фикримизга мисоллар беадад. Муборак тупроғимизда қолган сўнмас излар бунга гувоҳ.

Мустақиллик буюк аждоқларимизнинг ўз авлодларига қолдирган бой маънавий бойликлар — ҳар қандай меъёрлар билан ўлчаб бўлмас бебаҳо маданий-маърифий меросни қадрлаш, тинимсиз, чуқур ўрганиш ва ажойиб анъаналарни давом эттириш, уларга замонавий руҳ бағишлаш, кўпайтириш, тарғиб-ташвиқ қилишга кенг майдон очди. Шу ўтган тарихан қисқа вақт ичида бу жабҳада амалга оширилаётган муайян ишларга бир назар ташлаганимизда бунга гувоҳ бўламиз. Биргина муқаддас ўтмишимизга ҳурмат билан қараётганимиз, унинг нурли саҳифаларини кўзга суртиб, онг ва тафаккуримизни чароғон қилаётганимиз ҳар қанча таҳсинларга лойиқдир.

Республика ҳукуматининг жорий йилда ватандошимиз “Хожа Аҳрори Валий таваллудининг 600 йиллигини нишонлаш тўғрисида”ги қарори ҳам мамлакатимиз маънавий-маданий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Биз эндиликда улуғ Ватанимизнинг бутунги истиқболи, авлодларнинг маънавий камолотига айнан шундай буюк аждоқларимизнинг кўнгил ойнаси, табаррук руҳи орқали қарашимиз лозим бўлади. Зеро, Хожа Аҳрори Валий ҳазратларининг бутун ҳаёти, маслак, эътиқоди ва эзгу амаллари, беназир фазилат-хислатлари эллар, юртлар, бир неча насллар учун ибрат намунаси бўлиб хизмат қилишга сарфланади. Ул зоти шарифнинг билими, кучи, имконияти, дину диёнатда ҳам, ижтимоий-сиёсатда дунёвий ишлари ҳам эзгуликка бағишланди, одамлар, қавмлар, мамлакатлар ўртасида аҳиллик, сулҳ, тинчлик ва осойишталикка чорлади.

Маълумки, мустамлака ва узоқ мустабиллик йилларида Хожа Аҳрори Валий сингари муборак инсонларнинг табаррук номи, ҳаёти ва илмий-ижодий меросини ўрганиш, улар қолдирган бой меросдан баҳраманд бўлиш у ёқда турсин, ёзиш, эслаш, тилга олиш амримаҳол, тақиқлаб қўйилган эди. Шўро тизими, коммунистик мафкура ислом дунёси, қолаверса, умуминсоний маданиятнинг буюк мутафаккирлари ҳисобланмиш Нажмиддин Кубро, Бурҳониддин Соғаржий, Хожа Юсуф Ҳамадоний, Хожа Аҳмад Яссавий, Абдулҳолиқ Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, имом ал-Бухорий, имом ат-Термизий, имом Абулмансур Мотуридий, имом Бурҳониддин Маргиноний, Камолиддин Абдураззоқ Самарқандий, Хожа Аҳмад Махдум Абзам Косоний-Даҳбедий, Хожа Аҳрори Валий каби ўнлаб алломаю донишмандларни, азиз-авлиёларни халқ юрагидан юлқиб ташлаш учун жон-жаҳдлари билан курашдилар. Барча чираниш, тазйиқлар беҳуда кетди. Даври келиб неча-неча

авлодлар тумордек асраб-авайлаб, асрлар оша кўз қорачигидай сақлаб, не-не маломатлардан гард юқтирмай олиб ўтилган Ҳақ йўли, иймон-эътиқод, инжа қадриятлар, туйғулар, мўътабар руҳий эзгуликлар ойдин нурлари билан юртдошларимиз қалбларини эгаллаб олмоқдаки, бунинг учун Яратганнинг ўзига шукр!

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрори Валий XV аср (1404-1490) Мовароуннаҳр ва Хуросон тарихида энг машҳур мугасаввуф пири комиллардан саналиб, бутун умрини халқ-улуснинг манфаати, руҳий-маънавий қувватини даст кўтаришга бағишлаган улуг зоти шарифдир. Ҳазрат муқаддас заминимизда яратилган ўз ижодий тариқатининг йирик намояндаси, ўз ижодий-илмий, маънавий-маърифий қарашларини инсонлар ўртасида ҳалоллик, тинчлик, меҳнатсеварлик, иймон-эътиқод, инсофу адолат, саховату мурувватни барқарор ва бардавом эттиришга эъзоз-эҳтиромга лойиқдирлар. Бу фикр-мулоҳазаларимиз доно тарих, мўътабар зотнинг ўз халқига қилган хайрли ишларида кўринади. Унинг илмий-маърифий мероси, замондошлари, шогирдлари, мухлислари, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур сингари шоирлар, мутафаккирлар, салтанат соҳиблари, алломаи фозилларнинг бизгача етиб келган асарлари, қимматли сўзлари, таъриф-тавсифлари тўла тасдиқлаб турибди. Устод Жомийнинг “Тухфат ул-Аҳрор”, “Субҳат ул-аброр”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Хирадномаи Искандарий”, назм мулканинг султони Алишер Навоий ҳазратларининг “Тухфат ул-афкор”, “Мажолис ун-нафоис”, “Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер”, “Насойим ул-муҳаббат”, “Ҳайрат ул-аброр”и, жаҳонга машҳур ва манзур давлат арбоби, бетакрор саркарда, беназир шоир, носир, олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”сида ва ҳазрати Хожа Убайдуллоҳнинг “Волидия” асарини ўзбекчага (туркийча) шеърий таржимасида “Тариқат кутби”га катта эҳтиром билдирилади.

Масалан, ҳазрат Навоий “Ҳайрат ул-аброр” достонида Хожа Аҳрори Валийни ўта кўтаринки оҳангда таърифлайди:

Улки, бу афоқ ичида тоқ эрур,  
Тоқ неким, муршиди афоқ эрур...  
...Ҳақ сўзини элга қилурда адо,  
Тенг кўрунуб олдида шоҳу гадо...  
...Барча сулук аҳлига раҳбар бўлуб,  
...Ҳимматидан бизни ҳам этсун худой.  
Ҳақр йўлида гани, имонга бой.

Пиру муршиднинг ажойиб фазилатлари Бобур Мирзо томонидан ҳам ўта қадрланиб, таҳсинлар айтилганки “Бобурнома”да шундай сатрларни ўқиймиз: “Ҳазрат Хожа Убайдуллоҳнинг мугаллиқлариғаким, бутун харж ва таҳмилларда кўп фақир ва мискин аларнинг ҳимояти била зулм ва тааддидин халос бўлурлар эди” Заҳириддин Бобурнинг Хожа Аҳрорга хос халқпарварлик сифатлари ҳақида тошкентлик таниқли шарқшунос олим Асомиддин Уринбоев томонидан баён қилинган бир маълумот ҳам тасдиқлайди. Мол-мулки, улкан давлатини эл-юрт манфаати учун сарфланиши зарур деб ҳисоблаган ҳазрат Умаршайх Мирзо Шош аҳолисидан талаб қилган 250 минг динор солиқни ўз ҳисобидан тўлаб юборди ва ҳоказо.

Хожа Аҳрори Валий саховатпеша ва меҳр-мурувватли бўлиши билан бирга, илм-маърифат ҳомийси ҳам эдики, буни Самарқанд, Шош, Кобул шаҳарларида ўз тасарруфидаги беҳисоб маблағлари ҳисобига қурдирган мадрасалар ва бошқа диний-маданий иншоотлар қурдирганлигида ҳам яққол кўрамыз.

Тижорат-савдо, тadbиркорлик, яхшиликлар йўли билан бойлик топиш ва бунда ўрнак кўрсатиш, ҳаётининг мазмун-моҳиятини нақшбандия тариқатининг асосий йўналишларидан бири бўлмиш “Қўлинг меҳнатда, қалбинг Аллоҳда бўлсин” шиорига қатъий амал қилган устоз ўзидан мангуликка яхши ном қолдирди.

Диний аҳкомларнинг улкан вакили дунёвий ишлар, ижтимоий ҳаёт, эл-улус, мазлумлар кори билан ҳам бир умр машғул бўлдилар. Ул ҳазратнинг сабъ-ҳаракатлари, рағбатлари, маслаҳатлари билан подшо ва шоҳ-шаҳзодалари



турли-туман низолардан ўзларини тийдилар, мамлакат ва юртлар сулҳ, тинчлик-осойишталикда, миллат, уруғ ва қавмлар аҳилликда, адоватсиз, дориламонликда яшадилар. Тарафкашлик, газавотда бўлган элатлар, одамлар у кишининг руқъа-мақтублари, йўл-йўриқларини олгач, ўртадаги душманлик деворлари кўтариб ташланар, ўз забардаст пир-эшониға муносиб йўллар билан миннатдорчилик билдирар эдилар. Бундай вазиятларда у киши аҳли суҳбатлари, муриду тингловчиларига қарата ўз бурчлари ҳақида қуйидагича изҳори дил қилишни ёқтиргуси эдилар: “Агар биз шайхликни бўйнимизга олсак эди, унда биронга шайх мурид топиши амримаҳол бўлиб қоларди. Аммо бизга бошқа масъулият, яъни мусулмонларни золимлар зулмидан ҳимоя қилиш вазифаси юклатилган. Ана шуни амалга ошириш ва мусулмонлар манфаатини ҳимоя қилиш мақсадида подшоҳлар билан мулоқотда бўлиб туриш, уларнинг ишончини қозониш лозим... Агар машойихлар ўз вақтларини аяб, бу ишга эътибор қилмаган бўлсалар, биз фуқаро учун ўз вақтимизни аямаймиз...”

Дарҳақиқат, фуқаро, мазлумлар учун ҳам, шоҳ ва шаҳзодалар, дин арбобларию деҳқону чорвадорлар, косибу ҳунармандлар, мударрису толиби илмлар — ҳамма учун ўз куч-қудрати, бойлиги ва вақтини аямаган Хожа Аҳрори Валий имкон топиб ўзидан ўлмас илмий-ижодий мерос ҳам қолдирди. Орифу донишмандликдан сабоқ берувчи “Фақорат ул орифин”, ҳикматлар, одоб-ахлоқдан ҳикоя қилувчи “Волидия”, XI асрнинг мутасаввуф шоири Абу Саид Абулхайрнинг “Хавро” каломи билан бошланувчи рубоийсини шарҳлашга бағишланган “Хавроия” рисоласи ва нуфузли замондошларига ёзилган даврнинг ижтимоий-фалсафий, маънавий-маърифий ҳаётини баҳоловчи қимматли руқъа-мақтублари бизгача етиб келганлиги билан ғурурланамиз. Бу асарларнинг беш асрдан ошиқ муддатдан буён ҳазрат эшон ворислари, неча-неча авлодлар вакиллариға хизмат қилиб келаётгани, миллионлаб мўмин-мусулмонлар онг-шууриға, қалбига руҳий мадад бўлаётгани илоҳий бахтдир.

Шу ўринда бир мулоҳаза ҳам бор: бизнинг давримизға келиб ислом дунёси ичида ва унинг атрофида яхши-ёмон гап-сўзлар кўпайиб кетди. Бу — мусулмончилик маърифатини, диний саводхонликни юқори босқичларға кўтариш зарурлигини кескин қилиб қўймоқда. Ислондаги мавжуд оқимлар, шохобчалар, гуруҳлар, ақидапарастлик пайдо бўлаётгани, динпарастликда эса сунъийлик ва сохталаштиришлар авж олаётганлиги ёмон оқибатларни келгириб чиқармоқда. Зўравонлик, тенгсизлик, гуноҳсиз беҳуда қон тўкишлар, офат, экстремистик хуружлар, террорчилик, портлаш ва бошқа бало-қазоларнинг илдизи шуларға бориб тақалаётгани сир эмас-ку!

Ислоннинг энг инсоний дин сифатида жаҳон бўйлаб обрў-эътибор топиши, кенг ёйилиши, Қуръони Карим, Пайғамбаримизнинг ҳадислари, кўрсатма, йўл-йўриқларини тўғри ва мукамал адо этишда Туронзаминдан етишиб чиққан машҳур имомлар, алломаю азонларнинг салоҳияти улкан бўлган. Бу азиз тупроғимизда ҳадисшунослик, тариқат, сулукат ва шариат мактаблари кўплаб юзага келганлиги барча мусулмон мамлакатлари халқларига аён дид. Чунончи, улуғ бобокалонларимизнинг бу соҳада қилган хайрли ишлари — яратган асарлари, таълимотлари, ибратомуз сабоқлари ҳануз — ҳамон ўз мавқеини йўқотмай келаётирки, ислом маърифатини аслиятгича, турлича ўзгаришларсиз, бузмасдан, ҳаққоний бардавом эттирмоқ лозимлигини тақозо қиляпти.

Зеро, буюк аждодимиз Хожа Аҳрори Валий ҳазратлари шу йўлда умргузаронлик қилганлар, диний ва дунёвий гоёлар муштараклиги учун куч-қуввати, билими, бойлиги, муборак ҳаётларини аямаганлар, кўприк бўлганлар. Бу улуғ инсоннинг улкан хизмати ўз даври, олти асрлик тарихимиз, умумбашарият учун қанчалик аҳамиятли, ардоқли бўлса, бугунимиз, келажакка ҳам мансублиги билан қимматлидир. Бинобарин, ул улуғ зот ўтмишимизни, муқаддас маънавиятимизни ўрганиш, баҳолан ва қадрлашда ҳам нур-чироқ бўлади, янги гоё, миллий мафкурамиз, юксак маданиятимизни равнақ топтиришда бугунги кунда кўмакдош, ҳамкордир. Шу боис, ҳукуратимизнинг Хожа Аҳрори Валий таваллудларининг 600 йиллик тўйларини муносиб тарзда ўтказиш барчамиз учун юксак ифтихордир.

*Исроил МИРЗАЕВ,  
СамДУ фахрий профессори.*

# Бобур ва Хожа Аҳрор муносабати

Хожа Аҳрори Валий XV аср Хожাগон-нақшбандийлик тариқатининг нуфузли вакили ҳисобланиб, Президент Ислоҳ Каримов таъбири билан айтганда, “бу мутафаккир зот ўз даврида 25-30 йил мобайнида Марказий Осиёдаги халқларни бирлаштириш, сиёсатчиларнинг бошини қовуштириш орқали ҳар хил тўқнашувларнинг олдини олиш учун бор куч-ғайратини сарфлаган, унинг юксак обрў-эътибори бунда ҳал қилувчи аҳамият касб этган”. “Шайхлар шайхи” деб ном олган бу улуг зотнинг тапини бирор ҳукмдор, ҳоким, шаҳзода икки қилмаган. Нега деганда, халқ уни бошига кўтарган. Жумладан, Мирзо Бобур ва унинг авлодлари Хожа Аҳрори Валийга ихлос қилишган. Бобур шеърятини ирфоний маъносининг кўламида аввало Хожа Аҳрори Валий фикрларининг таъсири жуда сезиларлидир.

Бобур “Бобурнома”да ўзининг амакиси султон Аҳмад Мирзонинг (XV аср) Хожа Аҳрори Валийга бўлган ихлоси ҳақида бундай ёзади: “Ҳазрати Хожа Убайдуллоға иродати бор эди. Ҳазрати Хожа (унга) мураббий ва муқаввий эдилар. Бисёр муаддаби бор эди. Алалхусус (жумладан), Хожа суҳбатида дерларким, ҳаргиз Хожа мажлисида тизи бир-бири тизига ёвутқаган эмастур. Бир навбат ҳазрати Хожа суҳбатида бир хилофи одат оёғини ёвутқаб ўлтурбтур. Мирзо кўпқондин сўнг ҳазрати Хожа буюрубтурларким, Мирзо ўлтургон ерни боққайлар. Бир сўнгак бор экандир”. Кўринадики, Бобур Хожа Аҳрори Валий ҳақидаги ҳар бир хабар ва маълумотни диққат билан қайд этиб борган. Шу сабабли у кейинчалик темурий мирзоларнинг хулқ-атвориға баҳо беришда уларнинг Хожа Аҳрорга бўлган муносабатига қараб баҳолайди. Валий “кўп фақир ва мискинларнинг ҳимояти била зулм ва тааддидин халос бўлур” бир зот эди. Диққат қилсангиз, Бобур Хожа Аҳрорни адолатпарвар бир донишманд киши сифатида улуғлайди. Хожа Аҳрори Валийнинг муридлари ва авлодлари ҳам Бобурга ёрдам берганлар, унинг Мовароуннаҳр тахтини эгаллашини хоҳлаганлар.

Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўз фарзандларига “Ҳазрати эшон”, яъни Хожа Аҳрор муридларига ихлос кўйиб, улар нафасидан баҳраманд бўлишни, эъзозлашни васият қилган. Жумладан, ўғли Ҳумоюнға ёзган хатида буни алоҳида таъкидлайди ва мана бу байтни қўшиб қўяди:

Аларким ишқ бобида бўлурлар,  
Севарларнинг севари ҳам севарлар.

Яъни агар Хожа Аҳрорни севсангиз, ул зотнинг муридларини ҳам севиб азиз тугинг, дейди. Дарвешларға муҳаббат эса Аллоҳға бўлган муҳаббатининг намоён бўлишидир.

Бобурнинг Хожа Аҳрорга ихлоси қанчалик кучли эканини у кўрган икки туш ва улар билан боғлиқ воқеаларнинг талқини муҳимдир.

Биринчи туш. Бобур илк маротаба 1500 йили Самарқандни олишға интилиб туш кўради: “Ушал фурсатда ажаб туш кўрдим. Туш кўраманки, ҳазрати Хожа Убайдулло келмишлар, мен истиқболларига чиқмишмен. Хожа келиб ўлтурдилар. Хожанинг олиға голибо бетакаллуфроқ дастурхон солмишлар. Бу жиҳаттин Ҳазрат хотириға нима келмиш. Мулло Бобо (Бобур аёнларидан — Д.Ж.) менинг сари боқиб ишора қиладур. Мен ҳам имо билан дедимким “Мендин эмастур” (бу айб). Дастурхон солгучи тақсир қилибтур. Хожа фаҳм қилиб, бу узр (анга) масмуъ тушти. Кўптилар. Узата чиқтим. Ушбу уйнинг долонида ўнг кўлимдан ё сўл кўлимдан тугуб андоқ кўтардиларким, бир оёғин ердин кўпти. Туркий дедиларким: “Шайх маслаҳат берди”. Ушул неча кунда-ўқ Самарқандни олдим”. Бу ҳодисани “Хожанинг руҳи Бобурни қўллаган”, деб тушуниш ва изоҳлаш мумкин. Назаримизда, дастурхоннинг тўкис (кўнгилдагидек солинмагани ва Бобур Мирзонинг “бир оёғининг ердан кўтарилиши” тез орада унинг Самарқандни қўлдан беришиға ишорадир. Хожа Аҳрор Валийнинг келиши ва Бобурга меҳрибончилик қилиши Самарқандни қўлга келтишға ишора эди. Ҳар ҳолда Бобурнинг Хожа Аҳрор руҳларига энг оғир дамларда илтижо қилганлиги ва бундан руҳий мадад олганлиги аён ҳақиқатдир.

Иккинчи туш. “Бобурнома”нинг 1503 йил воқеалари баёнида таъкидланишича, Бобур ҳозирги Афғонистоннинг Карнон деган жойидаги бир боғда 20-30 чоғлик кишилари билан қолади. У ёзади: “Ўзумда бетоқатлиге фаҳм қилдим. Қўпгими, боғ тўшасига бордим. Ўзум била андиша қилдим. Дедимким: “Киши агар юз, агар минг яшаса охир ўлмак керак”.

Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ушал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу (тахорат) қилдим, икки рақъат намоз ўқудим. Бошимни муножатқа қўюб, тилак тиладур эдимким кўзим уйқуга борибтур. (Туш) Кўрадурменким, Хожа Яъқуб – Хожа Яҳёнинг ўғли ҳазрати Хожа Убайдуллонинг набиралари – рўбарўйимга аблақ от миниб кўп жамоати аблақсувор била келдилар. Дедиларким: “Ғам емангиз, Хожа Аҳрор мени сизга юбордилар. Дедиларким: биз аларга истионат тегуруб, подшоҳлик маснадига ўлтурғузуббиз. Ҳар ерда мушқил тушса, бизни назариға келтируб ёд этсун, биз анда ҳозир бўлурбиз. Ҳола ушбу соат фатҳ ва нураат сизнинг соридур. Бош кўтаринг, уйғонинг”. Ушал ҳолда хушҳол бўлуб уйғондимким, Юсуф доруға ва ҳамроҳлари бир-бирига маслаҳат қиладурларким, баҳона қилиб хаёл қиладур, тутуб боғламоқ керак...”<sup>1</sup> Лекин шу пайт Қутлуғ Муҳаммад ва Бобоси Парғарийлар 20 навкар билан келиб, Бобурни қутқариб олишади.

Мазкур туш воқеасини изоҳлаган адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул, “бу каби далиллар шоир Бобурнинг руҳий таржимаи ҳолини ўрганиш учун ҳам гоятда аҳамиятли” эканини таъкидлаб, психоанализ нуқтаи назаридан шоир “психик аҳволини, ҳеч шубҳасизки, тафтишдан ўтказган” дейди. Биз бу фикрга қўшилган ҳолда таъкидлаймизки, бу ўринда тасаввуфдаги пирларнинг руҳ воситасида қўллаш каромати ҳам содир бўлган. Чунки Бобур шикасталик билан Ҳаққа илтижо қилган эди. Негаки, Бобурни қутқарган хос сипоҳсолори Қутлуқ Муҳаммад ҳам бир неча кун аввал Андижонда туш кўрган ва тушида Хожа Убайдулло кўриниб, унга бундай деган: “Бобур подшоҳ Карнон деган кантгадур, бориб ани олиб келингким, подшоҳлик маснади анга тааллуқ бўлубтур”. Шундан сўнг Қутлуқ Муҳаммад Бобурни излаб чиқади ва Карнондаги боғда уни қутқаради.

Бобур ва Хожа Аҳрор муносабатларини ойдинлаштирадиган далиллардан бири шоирнинг Хожа Аҳрори Валийнинг “Волидия” рисоласини форс-тожик тилидан туркий тилга назмда таржима қилишидир. Бу иш 1529 йили амалга ошди.

Алқисса, Бобур касалликдан фориг бўлиш учун ўзига руҳан яқин бўлган Хожа Аҳрори Валийнинг рисоласини таржима қилади. Руҳий яқинлик ва ишонч таржиманинг яхши чиқишига сабаб бўлади. Насрда битилган асар туркий назмда жаранглайди. Бу ишда Бобур XII асрнинг машҳур мутасаввифи Шайх Хожа Муҳаммадга тақлид қилади. Шайх оғир касалликка чалинганида Пайғамбар алайҳиссалом ҳирқалари баёнида қасида битгади ва у касалдан фориг бўлади. Асар эса “Қасидаи Бурда – Пайғамбар алайҳиссалом ҳирқалари қасидаси” номи билан машҳур бўлиб кетади. Бобур ҳам бу воқеага тақлидан иш бошлайди ва “бу оризадин” (касалдан) халос бўлади. Чунки иш жараёнида қалбда буюк ишонч пайдо бўлган, бу ҳол эса вужудда жонланиш жараёнининг бошланишига сабабчидир. Тасаввуфдаги бу масала 1905 йили шарқшунос К.Казанский томонидан махсус ўрганилган. Тасаввуф аҳли бу ҳолни “тангри инояти”га йўяди. Бобур эса бунга яна “Ҳазрати (Хожа Аҳрори Валий) ҳиммати”, яъни унга бўлган ихлосни қўшади. Табиийки, Бобурда кучли руҳий жараён кечган ва бу унга муваффақият келтирган. Шу ўринда табиий бир савол туғилади: Бобурнинг асарни қирқ кунда таржима қилиша ундаган энг катта куч нима эди? Бизнингча, асар замиридаги моҳият Бобурни шу ишга ундаган. Хўш, моҳият нимадан иборат эди?

Мазмунига қўра, “Рисолаи волидия” тасаввуф маърифатини баён қилувчи асар. Бобурнинг таъкидлашича, Хожа Аҳрори Валий рисолани отасининг илтимосига биноан битган:

Отаси қилган учун таклифе,  
Қилди онинг отига таълифе.  
Толиб эл тилига мазкурдурур,  
“Волидиййа” била машҳурдурур.

<sup>1</sup> Бобур. Бобурнома... 107-бет.

Демак, асар “толиб эл”, яъни тасаввуф аҳли орасида машҳур бўлган. Чунки ихлосмандлар ундаги маънодан завқ олишган. Бобур ҳам дейди:

Ҳар сўз андаки ман анга етсам,  
 Етти кўнглумга, ани назм этсам.  
 Токи бўлғай менга ҳушёрлиғи  
 Уйқулуқ кўнглума бедорлиғи.  
 Яна бу назм ўқуса ҳар толиб,  
 Кўнглининг рағбати бўлғай ғолиб.  
 ... Сўз менинг эрмас аларнингдур  
 Билгасен мени мутаржим ҳосил.

Хожа Аҳрори Валийнинг рисоласи асосан Қуръони Каримнинг 51-сурасидаги 56-оятнинг тасаввуфна шарҳига бағишланган эди. Мана шу оят: “ва мо халақатулжинна Валийнса илло лийиъбудуна – Мен жину инсонни(менга) топинмоғларидан ўзга нарса учун яратмаганман”. Бу топиниш қандай бўлади? Хожа Аҳрори Валий бу масалани Хожагон-нақшбандийлик тариқатининг ғояси бўлган “Зоҳир халққа, ботин Ҳаққа” тезиси асосида ёритади. Унга кўра, жамиятдан ажралмасдан ҳақпараст бўлиши лозим. Барча теурий подшолар сингари Бобурни ҳам бу ғоя ўзига жалб қилар эди.

Бобур Хожа Аҳрори Валий тилидан дейди:

Табаъийат недурур феълда бил:  
 Зоҳиринг шаръ ила ораста қил,  
 Тарк қилма адабу суннатлар,  
 Ҳар не миқдорки, тарк этсанг агар.

Шундай қилиб, Пайғамбар феъл-атвориға тақлид қилиш “шариат қоидалари билан яшаш” ва пайғамбар “одоби, суннатларини тарк қилмаслик” дир. Тадқиқотчилар ислом шариатида инсон ҳуқуқлари устувор эканлигини ва Муҳаммад алайҳиссалом ахлоқлари ва одатлари энг комил фазилатларни жамлаганлигини қайд этадилар. Хожа Аҳрори Валий эса бу масалада “мўмин ишида ёр бўлишни, элга мадаккорлик этишни, комилни севиш билан Ҳақ таоло муҳаббатини қозонишни, киши кўнгли Ҳақ ойинаси бўлишни, шукр этиб яшашни” Пайғамбар феъл-атвориға тааллуқли деб билади. Унингча, бундай ахлоқ соҳиби:

Кўнглини жамъ этар ўттин бу киши,  
 Бўлмағай онинг ила дўзах иши.

Бу “ўт” дунё ҳаваси учун кишилар кўнглини оғритиб, бадфеъл бўлмоқ туйғусидир. Диққат қилинса, Хожа Аҳрори Валий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур инсон қадриға етиб, дўзах ўтидан халос бўлишни тавсия этади. Пайғамбар алайҳиссалом мана шундай феъл-атворға эга бўлганлиги учун инсоният ва Ҳақ таоло эъзозига мушарраф бўлди.

Албатта, инсон жамиятда яшайди. Бу зарурият уни қайсидир маънода одамлар билан муомала қилишини тақозо этади. Шу сабабли Хожа Аҳрори Валий Хожагон-нақшбандийлик ғояларига содиқ қолиб, зикри хуфияни тавсия қилади:

Кўнгул андаву ўз Анинг сориға,  
 Сўз Анинг бирла, кўз Анинг сориға.  
 Ошно ич сори, тош-бегона,  
 Бу равишча равиш ўлмас йана.

Бу Баҳоуддин Нақшбанднинг “Заҳирда халқ билан, ботинда Ҳақ билан” ёки “Ичкаридан ошно, ташқаридан эса бегонадай” шиорларининг поэтик талқинидир. Кўнглида Ҳақ таоло зикри тўлиқ бўлган кишини дунё ҳою ҳаваслари чалғита олмайди.

Хожа Аҳрори Валий бу рисоласида еттита ирфоний атама ишлатади ва шарҳлайди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Табаъиййат – тобеълик. Хожа Аҳрори Валий табаъиййатнинг “Пайғамбар Сўзи, Феъли ва Ҳолини ўзлаштириш” деб тушунтиради.

2. Пайғамбар сўзи – “шариат ҳукмларини бажариш ва ёмон сўзларни гапирмаслик”.

3. Пайғамбар феъли – “зоҳирда шариат одобига, ботинда нафс (ўзлик) дил ва сир ҳукмларига риоя қилиш”.

4. Пайғамбар нафси – “Зот тажаллийсидан иборат, унга интилиш лозим”.

5. Кўнгил – “Илоҳий маърифат нури бор жой”.

6. Суҳбат – “зоҳир ва ботинни одоб билан безаш”.

7. Васл – “фаолиятда зоҳирда халқ билан, ботинда эса Ҳақ билан бўлиш”.

Бобур Хожа Аҳрори Валийнинг бу тушунчаларини жуда тўғри таржима қилиб берган. Таржимани аслият билан солиштириш шунини кўрсатадики, Бобур рисолаани сўзма-сўз ўттирган. Асосий атамаларни аслича сақлаб қолиб, изоҳларининг тўғри ва тасаввурий маъносини сақлаган ҳолда таржима қилган.

Бобурнинг бундай маърифий асарни таржима қилиши табиий эди. Чунки унда Пайғамбар йўли воситасида сўфий (комил инсон) бўлиб етишиш масаласи дарж бўлган эди.

Зеро, Бобур ва Хожа Аҳрор муносабатлари ниҳоятда пиру муридлик даражасидаги муносабатлар эди. Бу муносабатлар Пирмуршидлик даражасига кўтаришганди. Таъбир жоиз бўлса айтиш лозимки, Бобурни Хожа Аҳрори Валий руҳлари тарбия қилган эди.

*Дилфуза ЖУМАНИЁЗОВА.*



# Қадимги Туркистон тарихидан лавҳалар

Qozoqboy Mahmudov. Qadimgi Turkiston.  
Тошкент, “Ижод дунёси”, 2003

**Т**уркий халқлар давлатчилиги тарихи муаммолари бошқа туркий халқлар тадқиқотчилари қаторида ўзбек олимларининг ҳам илмий тадқиқот ишларида катта ўрин олган. Туркистон минтақаси халқлари ўз тарихларини ёритишда бевосита ва билвосита шу масала билан шуғулланмоқдалар. Улар ўз изланишлари ва тадқиқотлари самараси ўлароқ яратилган илмий ишларини нашр эттирмоқдалар. Жумладан, узоқ йиллик илмий тадқиқотлар натижасида чоп этилган туркийшунос ва манбашунос олим Қозоқбой Маҳмудовнинг лотин имлосида чоп этилган “Qadimgi Turkiston” (Тошкент, 2003) монографияси эътиборга моликдир. Ушбу салмоқли китоб туркий қавмлар тарихига оид кўплаб манбалар ва илмий асарларнинг таҳлили, юртимиз ҳудудида олиб борилган археологик қазишмаларнинг таҳлили ва хулосалари асосида юзага келган.

Олимнинг туркий қавмлар тарихи, адабиёти ва маданияти ҳамда манбашунослик масалаларига оид 120 дан ортиқ асарлари эълон қилинган. Қозоқбой Маҳмудов туркийшунос, эроншунос ва афроншунос сифатида Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” (1971), Абу Али ибн Синонинг “Фонетика ҳақида” (1979), Абулғози Баҳодирхоннинг “Шажараи турк” (1992) ва “Шажараи тарокима” асарларини ўзбек тилида нашрга тайёрлади. Бундан ташқари, у “Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асари ҳақида” (1972), “XIII-XIV аср туркий ёзма обидалари тилининг фонетик системаси” (1990), “Туркий тафсир” (2000), “XI-XV аср туркий ёзма обидалари уйғур ёзувида” каби китоблар, лоздан ортиқ илмий мақолалар муаллифи, Халқаро Маҳмуд Қошғарий мукофоти совриндори (1990).

Қозоқбой Маҳмудов ўзининг

“Qadimgi Turkiston” асарида қадимги туркий ёдгорликларнинг: Култегин, Тўноқуқ битиктошларидаги туркий сўзларни, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девони луготит турк” асаридаги атамаларни қиёслаб маълум бир унвон, ном ва атамаларга таъриф беради. Скифлар (сақалар), ёқутлар каби этнонимлар, шунингдек, суғд (суғдийлар) этноними масаласида ўз қарашларини баён этади. Муаллиф сақа (сак) ва массагетлар ҳақида фикр юритиб, Геродот, Страбон, Полиэн, Ктесий каби антик олимларнинг асарларига суянади. Хуннлар даври тарихини ёритишда асосан Хитой ёзма манбалари, шунингдек, Н.Я.Бичурин, Т.Олмос, С.Хўжа, Л.Н.Гумилёв асарлари ва бошқа тилларда ёзилган ёдгорликлардаги далилларга суянади. Асарда хуннлар давлатининг вужудга келиши, давлат ҳукмдорлари, мамлакат ҳудуди ва унинг кенгайиш жараёни, айниқса, қўшни Хитой билан кечган мураккаб сиёсий ва ҳарбий тўқнашувлар баён қилинган. Буюк Хитой девори қурилишига сабаб бўлган ҳодиса хуннларнинг Хитойга ҳарбий юришлари эканлигини етарлича далиллаб берилган. Улуғ хунн империяси миллоддан аввалги 209 йилдан то милодий 470 йилгача – қарийб 700 йил мобайнида минтақада етакчилик қилганлиги айтилиб, бу салтанатнинг бошқарув усуллари ҳақида муҳим маълумотлар киритилган.

Қ.Маҳмудов Алмати атрофидан топилган “Иссиқ ёзуви”ни Улуғ хунн империяси даври ёзуви сифатида талқин этади ҳамда Ўрхун ёзувини ўша давр билан боғлаб, хуннларнинг маданий савияси, уларнинг санъати ва диний эътиқодлари тўғрисида тўхталиб ўтади.

Асарда Улуғ хунн ҳукмдорларининг шажараси, Шарқий, Фарбий, Европа хунн тангрикутлари (ҳукмдорлари)

бирма-бир келтирилиб, улар давлатни бошқарган саналар аниқ кўрсатиб ўтилади (23-24-бетлар). Биз бу маълумотларни тарихчи олим Турғун Олмоснинг “Уйғурлар” (Уйғуры. Алма-Ата, 1992, с. 141-142) асарига қиёслаб, ҳар иккала муаллиф келтирган маълумотлар бир-бирига яқинлигига гувоҳ бўлдик. Шунингдек, муаллиф хунн тангриқутларининг номларининг туркий эканлигини исботлаш учун уларнинг этимологик таҳлилини амалга оширган.

Қ.Маҳмудов ўз асарининг Кушонлар ҳақидаги қисмида кушонларни хуннларнинг бир тармоғи эканлигини қайд этади. Шу қаторда қанғларни ҳам хуннларнинг қанғ, қан (хан) деган уруғидан келиб чиққан деб ҳисоблайди. “Қанғ” сўзи “ота+хон” маъносини ифодалайди. “Қанқа” – “хонлик” деган маънони англатади, деб изоҳлайди (55-бет). Шунингдек, муаллиф эфталлар (абдаллар) давлатини Кушонлар салтанатининг давоми деб ҳисоблайди.

Асарда Фарғона тўғрисида сўз юритилиб, муаллиф бу ўринда хитойлик элчи ва жосус Чжан Цяннинг Фарғона (Довон) тўғрисидаги маълумотларни келтириб ўтади. Фарғона водийси ҳақидаги бошқа манбаларга ҳам тўхталиб, Фарғонанинг пойтахти Эрши (ҳозирги Марҳамат яқинида бўлган) туркча “Эрчи” сўзидан келиб чиққан деб талқин этади (55-57-бетлар).

Таниқли турколог олим Қ.Маҳмудов Суғд (Сўғдиёна) борасидаги ўз қарашларини ифодалар экан, Сўғд халқи биргина этник гуруҳдан иборат бўлмай, балки турли қавмлар аралашши асосида ташкил топган, деб тўғри хулосага келади. Китобда сўғдларнинг туркий қавмлар билан бўлган сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларини кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур китобнинг асосини Кўктурклар ҳақидаги кўплаб қисмлар ташкил этади. Муаллиф “Турк” ва “Кўк” сўзларининг маъноларини изоҳлаган ҳолда “Кўктурк” атамасининг моҳиятини кўрсатиб, ўзбек халқининг туркий (умумтурк) қавмига алоқаси қай даражада эканлигини ўз нуқтаи назари билан ифодалайди. У ўзбек халқининг этник таркиби ўнлаб туркий қавмлар ва қабила гуруҳларидан ташкил топганлигини кўрсатади. Бу қарашлар таниқли элшунос олим, академик К.М.Шониёзовнинг ўзбек халқининг келиб чиқиши тўғрисидаги фикрла-

рига мос келишини айтиб ўтиш лозим.

Турк қавмлари тақдири билан боғлиқ воқеаларга Қ.Маҳмудов тўхталиб, уларнинг бир қисми милoddан аввал 1 минг йиллик ўрталари ва милoddий эра бошларида Эрон шарқида – Сакстон, Сижистон, Сейстон вилоятларида ташкил топган, деб кўрсатади. Бунда юқорида келтирилган жой номлари саклар (сақалар) яшаб турган ҳудуд эканлигини ва халқнинг номи бу вилоятларга берилганлиги муаллиф қарашларининг тўғрилигини тасдиқлайди. Шунингдек, бу мулоҳазаларда саклар (сақалар; шаклар) туркий қавмларининг аجدодлари эканлигига ишора бор.

Кўктурк хоқонлиги ёки Биринчи Турк хоқонлиги даврини ёритишда муаллиф кўпроқ хитой манбаларига суянган. У ҳар бир ҳукмдор – хоқоннинг насл-насабига алоҳида эътибор қаратиб, уларни таҳлил этган. Хусусан, Иккинчи Турк хоқонлиги даври (680-745 й.й.) Қ.Маҳмудов томонидан синчковлик билан таҳлил этилган. Айниқса, Хитой билан бўлган мураккаб сиёсий муносабатлар асарда яхши очиб берилган. “Турк хоқонлигида юз берган баъзи тарихий воқеалар баёни” қисмида туркларнинг давлатчилик асосларини барпо этишдаги ҳаракатлари, ҳарбий юришлари, Турон минтақасидаги етакчилик ўрни, Шарқий Европа, ҳатто Марказий Европага таъсири масалалари кўриб чиқилган. Турклар тарихининг юксалиши ва таназзул босқичларига холис баҳо берилган. Сиёсий жараёнлардаги ички ва ташқи омиллар ўз аксини топган. Хусусан, Турғаш хоқонлиги, араб истилоси даврида Туркистонда кечган сиёсий ҳаётни муаллиф ўз концептуал фикри ва нуқтаи назари билан ёритган. Араб истилосининг бир томондан, салбий жиҳатларига эътиборни қаратиш билан биргаликда турли динларга (хусусан, туркий ва сўғдий қавмлар ўртасида зардуштийлик динининг таъсири кучли бўлган) сиғинган аждодларимиз учун ислом дини бирлаштирувчи омил сифатида хизмат қилганлиги кўрсатилган.

Назаримизда, муаллиф туркий халқларнинг асосий диний эътиқоди – тангричилик (Кўктангрига сиғиниш) таълимотини чуқур ёритиб, ундаги яқка ваҳдоният ғояси – Тангри ислом динидаги ягона Оллоҳга яқин бўлганлиги учун аждодларимиз томонидан ислом динининг нисбатан тез ўзлаш-

тирилиши ҳолатларини таҳлил қилганда масаланинг бу нозик томонлари янада ишонарли кўрсатилган бўлармиди?!

“Qadimgi Turkiston” асарининг илмий жиҳатдан аҳамияти яна шундаки, китобнинг 138-148-бетларида Кўктурк хоқонлиги хронологияси изчиллик билан кўрсатилганлигидир. Туркий халқларнинг уч асрдан зиёд: 545-861 йиллардаги тарихи, давлатчилик масалалари, Турк хоқонлари – хукмдорларнинг минтақа сиёсий сахнасидаги ўрни мазкур хронологиясида акс эттирилган.

Кўктурк хоқонликларининг меросхўри сифатида майдонга келган Қадимги Уйғур (“Тўққиз Ўғузлар”) хоқонлиги даври (745-847 й.й.) Шарқий Туркистонда кечган сиёсий воқеалар билан узвий равишда акс эттирилган. Қирғиз хоқонлиги масаласида ҳам муаллиф ўз қарашларини бера олган.

Қадимги туркий аждодларимизнинг ижтимоий ҳаёти ва маиший турмуши масалаларини ёритишда Қ.Маҳмудов кўплаб муҳим жиҳатларга эътиборини қаратади. Масалан, Қадимги Шарқ ва Римда мавжуд бўлган классик қулчилик билан Ўрта Осиёга хос бўлган “хонадон қулчилиги”ни ҳақли равишда ажратиб кўрсатади. Туркистонда қулларнинг ҳам жамиятда муайян ўрни бўлганлигига эътиборни қаратган. Ҳатто муаллиф турк қавмларининг ижтимоий ҳаёт манзарасини Сугд ҳужжатларида акс этган ҳолатлар билан қиёслаб таҳлил этишга эришган. (Муғ тоғидан топилган турк аслзодаси Ўттегин ва Сўғд қизи Дуғдғунча ҳақидаги ҳужжатлар мисолида.)

Илк ўрта асрларда туркий халқлар тақдирида Буюк Ипак йўлининг аҳамияти бекиёс бўлган. Айниқса, Буюк Турк хоқонлиги даврида бу йўл муҳим аҳамият касб этиб, том маънода Ғарб билан Шарқни боғловчи “қон томир” – ҳаёт йўлига айланган эди. Шарқшунос олим Қ.Маҳмудов Буюк Ипак йўли ҳақида фикр юритар экан, унинг милоддан аввалги илк босқичидан то милодий XVI асрга қадар бўлган тарихига қисқача тўхтаб ўтади. Бу йўлнинг нафақат савдо, балки иқтисодий, маданий, элчилик соҳаларидаги стратегик аҳамияти ҳам кўрсатиб берилган.

Асарда туркий халқларга хос ҳарбий ва маъмурий атамалардан 17 атаманинг кўриб чиқиши асарнинг

илмий аҳамиятини янада оширишга хизмат қилган.

Қ.Маҳмудов ўз асарида қозоқ шоири ва олими Ўлжас Сулаймоновнинг қарашларига ҳамоҳанг равишда туркий халқларни Олд Осиё шумерлари билан туб илдизлари бир эканлигини кўрсатишга интилган. Бу ўринда муаллиф турли археологик, лингвистик ва тарихий назарияларни таҳлил қилиб, Шумер (Самур) атамаси билан Сибир (Субар) атамалари ўртасида яқинлик борлигини асослашга уринган. “Шумер” сўзи сур+ер (эр) сўзидан ташкил топганлиги, “Сибир” сўзининг ўзаги ҳам сув+ир (эр)дан иборат эканлиги сўнги тадқиқотлар натижасида исботланди. Китобда ўнлаб сўзлар мисолида Шумер ва туркий тиллардаги айнан бир хил ибора ва сўзлар таҳлил этилган. Бу таҳлилларни (уларга қўшимча равишда Америка ҳиндулари билан туркий халқлар тиллари ўртасида яқинлик масалалари) янги қарашлар билан бойитиш, туркология фанида ҳали ечимини топмаган кўплаб гипотезаларни сарагини пучагидан ажратиш келажакда бу соҳада амалга оширилиши муҳим бўлган вазибалар ҳисобланади.

Шунингдек, мақола якунида Қ.Маҳмудов томонидан келгуси тадқиқотларда эътибор қаратилиши лозим бўлган баъзи масалаларга тўхтаб ўтшни лозим топдик.

Биринчидан, асарда фойдаланилган адабиётларни сатр ости (сноска)га олиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Иккинчидан, Сугд ёки сугд этнонимининг ясалиши, сақаларга уни боғлаш илмий жиҳатдан ўзини оқламайди. Бизнингча, “Сугд” атамаси дастлаб тарихий-жуғрофий тушунча бўлиб, О.И.Смирнова фараз қилганидек, “сувли ўтлок, суғориладиган ер” маъносига яқин ва кейинчалик жой номи шу ҳудудда яшовчи халқларга нисбатан Сугд-суғдликлар тарзида ишлатилган. Дарвоқе, Бухоро вилояти Шофиркон туманида ҳозир ҳам Суғуд қишлоғи мавжуд. Машҳур аллома Аҳмад Дониш асли шу қишлоқлик бўлган.

Учинчидан, муаллиф хитой манбаларини ёритишда фақат Н.Я.Бичурин ва Л.Н.Гумилев асарлари билан чекланган. Ҳолбуки, бу соҳадаги бирламчи манбалар ва бошқа адабиётлардан ҳам фойдаланиш керак эди.

Тўртинчидан, Қ.Маҳмудов қушон-



ларни “Оқ хунлар” деб келтиради. Яна айрим ўринларда эфталларга нисбатан бу иборани қўллайди. Аммо ҳозирча илмий адабиётларда кушонларга нисбатан “Оқ хунлар” атамаси қўлланилмайди. Бу атама асосан эфталларга нисбатан ишлатилади ва хионийлар “Қизил хунлар” деб талқин этилади.

Бешинчидан, 63-бетда Суғд (тожик) деб ёзиш илмий жиҳатдан хатодир. Суғдлар айнан, тожиклар эмас, балки ўзбеклар ва тожикларнинг этник шаклланишида муҳим ўрин тутган компонент этносдир.

Олтинчидан, Ғарбий Турк хоқонлиги ва Шарқий Турк хоқонлиги ҳукмдорлари даври 545 йилдан бошлаб берилиши ҳам хатодир. Ваҳоланки, Биринчи Турк хоқонлиги 545 йилда ташкил топиб, айнан 603 йилда иккига бўлинган. Бунинг устига, Турк хоқонлари давлатни бошқарган саналар йилма-йил тўлиқ ёритилганда асарнинг илмий қиммати яна ҳам ошган бўлар эди.

Еттинчидан, ҳарбий ва маъмурий атамаларни санаб ўтиш билан чек-

ланмасдан, бу атамалар қўлланилган бирламчи манбалар ўрганилиб, уларга батафсил шарҳ берилганда ибратли иш бўлар эди.

Энди китоб охирига илова қилинган Н.Комилов томонидан ёзилган тақриз ҳақида икки оғиз сўз. Тақризчи томонидан ёзилишича, гўёки Қ.Маҳмудов китобда сўғдларни туркий қавмлар деб атаган эмиш. Бироқ мазкур асарда муаллиф сўғдларни туркий қавмлар деб ёзган ўринлар йўқ. Тақризчининг ушбу нотўғри фикри фақат китобхонни чалғитади, холос.

Хулоса қилиб айтганда, таниқли шарқшунос олим, профессор Қозоқбой Маҳмудов томонидан ёзилган лотин имлосида дунё юзини кўрган “Qadimgi Turkiston” асари ҳам манба шунослик, ҳам тарихий-филологик, нуқтаи назардан муҳим маълумотлар беради. Мазкур асар айрим камчиликларга қарамасдан туркийшунослик соҳасида амалга оширилган йирик тадқиқотлардан бири сифатида бугунги ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялайди.

*Қаҳрамон РАЖАБОВ,  
тарих фанлари номзоди,  
Азимхўжа ОТАХЎЖАЕВ,  
филология фанлари номзоди.*



Уилки КОЛЛИНЗ

## ОЙТОШ

Роман

### БИРИНЧИ ҚИСМ

12 б о б

**П**айшанба туни ўтди — ҳеч нарса рўй бергани йўқ. Жума куни эрталаб иккита янгилик пайдо бўлди.

Биринчиси: новвойнинг гумаштаси айтипти — у кеча кечқурун Розанна Спирманни кўрган эмиш. Розанна устига қалин чодра ёпиниб олиб, ботқоқ орқали ўтган сўқмоқдан Фризинголл томонга кетаётган экан. Бу масалда бирор одамнинг адашиши амримаҳол — шўрлик қизнинг елкаси манаман деб кўриниб туради — лекин бу одамнинг адашгани муқаррар эди — чунки, маълумингизким, Розанна пайшанба куни ўзининг юқоридаги хонасида тўшақда касал ётган.

Иккинчи янгиликни почтальон олиб келди. Муҳтарам доктор мистер Канди туғилган куни кечқурун ёмғирда жўнаётиб, ўзининг терисига сув юқмайди деб беўхшов ҳазил қилган эди. Терисига сув юқар экан. Уша куни кечасиёқ у шамоллаб қолипти ва ҳозир иситмаси баланд, алаҳлаб ёпан экан. Почтальоннинг гапига қараганда, у алаҳлаганида ҳам, соғ вақтида ёлғонни сув қилиб юборгандай, бўлар-бўлмас гапларни бийрон-бийрон гапириб ётганмиш. Биз ҳаммамиз кичкина докторга ачиндик, аммо мистер Фрэнклин мис Рэчелни ўйлаб, унинг бетоблигидан жуда-жуда афсусланди. Нонушта вақтида (мен ҳам хонада эдим) унинг миледига айтган гапидан шу нарса маълум бўлдики, агар тез орада Ойтош масаласидаги номаълумлик йўқолмаса, мисс Рэчель биз излаб топишимиз мумкин бўлган докторлар ичида энг яхшисининг муолажасига муҳтож бўлиб қолади.

Нонуштадан кейин кўп ўтмай мистер Блэксдан ўелига жавоб телеграммаси келди. Телеграммада бизга маълум қилинишича, у ўзининг ошнаси полиция бошлиғининг ёрдамида одам топишти. Уни изкувар Кафф деб аташаркан. У Лондондан эрталабки поезд билан келар экан.

Янги полиция мансабдорининг номини ўқиб, мистер Фрэнклин сесканиб тушди. Афтидан, у Лондонда истиқомат қилган пайтида отасининг адвокатидан изкувар Кафф ҳақида анча-мунча қизиқ гапларни эшитган кўринади.

— Менда умид пайдо бўлди, ҳадемай ташвишлардан қутулиб қолармиз, — деди у. — Агар мен эшитган гапларнинг лоақал ярми тўғри бўлганда ҳам, бирор сирни очиш масаласида Англияда изкувар Каффга тенг келадиган одам топишмайди.

Бу машҳур ва истеъдодли одамнинг етиб келиш фурсати яқинлашган сари биз ҳаммамиз сабрсизланиб, ҳаяжонга тушдик. Инспектор Сигрэв белгиланган вақтда бизнига қайтиб келди, Лондондан бошқа изкувар кутаётганимизни билгач, дарҳол алоҳида бир хонага кириб олди-да, қоғоз, ручка ва сиёҳ олиб, ҳисобот ёза бошлади. Шубҳа йўқки, ундан бунақа ҳисобот талаб қилишлари мумкин эди. Мен ўзим станцияга бориб, изкуварни кутиб олмоқчи бўлдим.

---

Давоми. Боши ўтган сонда.

Аммо миледининг каретаси билан отларини ҳатто изкувар Кафф учун ҳам олиб бўлмас эди, кабриолет эса бироз кечроқ мистер Годфрига керак эди. У шундоқ таҳликали пайтда аммасини қолдириб кетишга мажбур эканига жуда афсусланди ва охириги поездда жўнаб кетишга рози бўлди — у бу иш ҳақида лондонлик моҳир изкуварнинг фикрини билиб кетмоқчи эди. Аммо у жума куни кечкурун, албатта, Лондонга етиб бориши шарт эди, чунки шанба куни эрталаб тўшланадиган аёллар комитети аллақандай жиддий қийинчиликлар туфайли унинг маслаҳатига маҳтал эди.

Изкувар келадиган вақт бўлиб қолди. Мен уни кутгани дарвоза олдига чиқдим.

Мен дарвозабоннинг хужраси ёнида турганимда, станция томондан извош келиб тўхтади ва ундан сочлари оқарган, ёши ўтиб қолган бир одам тушди. У шу қадар озгин эдики, гўё баданида бир қадок ҳам гўшти йўқдай туюларди. Унинг устида бинойидек қора либоси, бўйнида оқ бўйинбоғи бор эди. Унинг юзи худди болгадай ўткир, териси эса қуруқшоқ, саргайиб кетган, серажин, куз баргидай сўлгин эди. Унинг пўлат туслик нурли кўзлари сизнинг кўзларингизга тўқнаш келганида аллақандай бир безовта ифода бўларди — гўё улар сиздан ўзингизга маълум гаплардан кўра кўпроқ ахборот кутаётгандай эди. Унинг қадам ташлаши майда-майда эди, овози босиқ, узун, қуруқшоқ бармоқлари бургутнинг чангалидай эгик. У пасторга ўхшарди, дафн бюросининг гумаштасига ўхшарди, яна кимларгадир ўхшарди-ю, сира-сира изкуварга ўхшамасди. Сиз қанча қидирманг, изкувар Каффдан кўра инспектор Сигрэвга зид келадиган одамни тополмайсиз, ҳар қанча қидирманг, ташқи қиёфаси биланоқ, хотиржамлик бахш этадиган (бошига мусибат тушган оилага) полициячини тополмайсиз.

— Бу леди Вериндернинг уйими? — деб сўради у.

— Худди шундай, сэр.

— Мен изкувар Каффман.

— Марҳамат, бу ёққа...

Уй томон борар эканмиз, мен унга номимни айтдим ва миледи менга топширган иш ҳақида бемалол гапириш учун хонадонимизда қандай мавқе тутишимни ҳам маълум қилдим. Аммо у иш ҳақида бир оғиз ҳам гапиргани йўқ. У теварак-атрофнинг манзарасини мақтади, денгиз ҳавоси жуда бошқача эканини айтди. Ўзимча ажабланиб, бу машҳур изкувар Кафф деганлари нимаси билан донг чиқарганикин, деб ўйладим. Биз иккимиз умрида биринчи марта битта занжирга боғланган бир-бирига нотаниш иккита итдай уйга кириб бордик.

Биз миледини сўрадик, у гулзорда экан. Уйнинг орқа томонидан боғни айланиб ўтдик-да, келганимизни айтиш учун миледининг олдига хизматқорни юбордик. Миледидан жавоб келгунча, изкувар Кафф устунлари бахмал гулларга ўралган арк орқали гулзоримизни томоша қилди ва бироздан кейин тўғри гулзорга кириб борди. Шунда мен биринчи марта унинг чехрасида қизиқишга ўхшаган бир ифодани кўрдим. Бу машҳур полициячининг арзимаган гулчилик санъатида билмаган нарсаси йўқ экан. Буни кўриб, боғбонимиз ҳайрон қолди, менинг эса анча жаҳлим чиқди.

— Хўп одамига йўлиқибсиз-ку! Мисс Рэчелнинг олмосини топиб берадиган ва уни ўғирлаган одамни қўлга туширадиган одам шуми?

— Сиз атиргулларни яхши кўрасиз шекилли, сэр? — дедим мен.

— Бирон нарсани яхши кўришга вақтим йўқ, — деб жавоб берди изкувар Кафф. — Аммо бирор лаҳза бўш вақтим қолса, уни ҳамшиша атиргулларга бағишлайман, мистер Беттерез. Мен ҳаётимни атиргуллар ичида — отамнинг гулзорида бошлаганман. Иложини топсам, ҳаётимни гулзорда тугатаман. Ҳа, ажойиб кунларнинг бирида (парвардигорнинг мадади билан) ўғриларни тутишни бас қиламан-да, гулчилик қилишга уриниб кўраман. Менинг гулзорим оралаб майсазор сўқмоқлар ўтган бўлади, жаноб боғбон.

Афтидан, изкувар бизнинг қум солинган йўлкаларимизни кўриб, энсаси қотди, шекилли.

— Сизнинг касбингиздаги одам учун, сэр, — дедим мен, — бунақа иш унча эп эмас.

– Агар сиз атрофингизга назар солсангиз (ҳамма ҳам бундай қилавермайди), – деди изкувар Кафф. – Шуни кўрасизки, одамнинг диди кўп ҳолларда унинг машғулотига сира ҳам мувофиқ келмайди. Менга гул билан ўғридан кўра бир-бирига зидроқ бўлган иккита нарсани кўрсатинг – шу ондаёқ дидимни ўзгартираман. Лекин бунинг учун менинг ёшимда фурсат ўтган бўлса керак. Сиз нима дейсиз, жаноб боғбон, ҳамма нафисроқ атиргуллар қаршисида дамашқ атиргули чиройли кўринмайдами? Менимча, худди шундай. Ана, аёл киши келяпти. Бу леди Вериндер эди.

У леди Вериндерни мен ёки боғбон пайқамасимиздан кўрди. Ҳолбуки, биз қайси томонга қараш кераклигини билардик, у эса билмасди. Назаримда, у биринчи марта кўрганимдагига қараганда анча кузатувчанроқ ва синчковроқ кўринди.

Изкуварнинг ташқи қиёфасими ёки шу шуғулланмоқчи бўлиб келган ишми, ёхуд униси ҳам, буниси ҳам биргаликдами – миледини бирмунча хижолатга солиб қўйди, шекилли. Мен умримда биринчи марта миледининг бегона одамга гап тошиб беролмай, индамай қолганини кўрдим. Изкувар Кафф уни шу лаҳзадаёқ хижолатдан халос қилди. У менга одам юборишдан олдин ўғирлик ҳақидаги ишнинг тафтишини бошқа бировга топширганингиз йўқми, деб сўради ва бошқа одам таклиф қилинганини, у одам ҳозир ҳам уйимизда эканини эшитиб, ҳаммадан аввал у киши билан гаплашиб олишга ижозат сўради. Миледи уйга кириб кетди. Инспектор унинг кетидан йўл олишдан аввал, йўлқаларга қум сепгани учун боғбонни роса қойиб, хумордан чиқди.

– Йўлқалардаги майсани ўз ўрнида қолдиришга миледини кўндириг, – деди у энсаси қотган ҳолда қумга қараб қўйиб.

Нега инспектор Сигрэв уни Каффга таништираётганда бирдан бўйи чўкиб кетди – буни изоҳлаб беролмайман. Мен фақат бу фактни тилга олиб ўтишим мумкин, холос. Улар икковлари бир хонага кириб кетишди-да, эшикни ичидан беркитиб, ёнларига ҳеч кимни йўлатмай, жуда узоқ ўтиришди. Улар чиқиб келишганда, инспектор жуда кучли ҳаяжонда эди, изкувар эса эснарди.

– Мистер Кафф мисс Вериндернинг меҳмонхонасини кўрмоқчи, – деди Сигрэв менга мурожаат қилар экан, танганавор ва илҳомкор оҳангда. – Балки, у уч-тўртта савол беришни ихтиёр этар. Марҳамат, уни кузатиб қўйинг.

Менга шунақа фармойиш бериб бўлгунча, мен машҳур Каффга разм солиб қарадим. Машҳур Кафф эса, ўз навбатида, инспекторга қараб турарди. Унинг чеҳраси ҳамон боя сезмаганимдек хотиржам эди.

Мен уларни юқорига бошладим. Изкувар ҳинди жавончани диққат билан кўздан кечирди ва “Будуар”ни айланаб чиқди. У кўпгина саволлар берди. Саволларнинг баъзилари инспекторга, кўпчилиги менга қаратилган эди, аммо, ўйлайманки, бу саволларни нима мақсадда бергани иккимиз учун ҳам қоронғи бўлиб қолди. Ниҳоят, у эшикка етиб борди ва сиз билан бизга таниш доғга келди. У ўзининг қуруқшоқ бармоғини қулф остидаги кичкинагина доғга қўйди. Эсингизда бўлса керак, бу доғни инспектор Сигрэв хонада тўпланган хизматкорларга танбех бераётганида пайқаган эди.

– Чатоқ бўлипти-ку! – деди изкувар Кафф. – Бу қандай рўй берган?

У буни мендан сўради. Мен кеча эрталаб бу хонага оқсоч аёллар тўпланганини, улардан бирининг этаги эшикка тегиб кетиб, бўёқни чаплаб юборганини айтдим.

– Яна бошқа ножўя ишлар қилиб қўймасликларини учун, – деб илова қилдим мен, – инспектор Сигрэв уларни чиқариб юборди.

– Тўғри, – деди инспектор қатъий оҳангда, – мен уларга чиқиб кетишни буюрдим. Буни аёллар қилди, ҳа, аёллар қилди.

– Кимнинг этаги текканини пайқадингизми? – деб сўради изкувар Кафф ҳамон ўзининг ҳамкасаба шеригига эмас, менга мурожаат қилиб.

– Йўқ, сэр.

Шунда у инспектор Сигрэвга ўтирилиб, ундан сўради:

– Сиз-чи? Сиз пайқаган бўлишингиз керак.

Бу савол инспектор учун мутлақо қутилмаган савол бўлди шекилли, у шоша-пиша ўзини оқлашга уринди.

– Бўлар-бўлмас нарсаларга эътибор беравермайман, – деди у. – Бунинг нимаси бор? Арзимаган гап.

Изкувар Кафф гулзордаги қум сепилган йўлга қарагандай нигоҳ билан Сигрэвга қаради-да, ўзининг одатдагидек босиқлиги билан биринчи марта бизга сабоқ берди. Унинг сабоғидан қобилиятли экани сезила бошлади.

– Ўтган ҳафтада, инспектор жаноблари, мен бир махфий тергов ўтказдим, – деди у. – Терговнинг бу учуда қотиллик бор эди. Иккинчи учуда эса дастурхондаги бир томчи сиёҳ изи. Буни ҳеч ким изоҳлаб беролмади. Бу ифлос дунёнинг жамики ифлос гўшалари бўйлаб қилган сафарларимнинг биронтасида шу пайтга қадар “арзимаган гап” деб аташ мумкин бўлган нарсани учратган эмасман. Биз бу ишда яна бир қадам қўйишдан аввал шу доғни ҳосил қилган этакни кўрмоғимиз керак ва бу бўёқ қачон қуриганини аниқ билишимиз шарт.

Инспектор бу танбеҳни анча тунд қиёфада эшитди-да, аёлларни чақириб керакми деб сўради. Изкувар Кафф бир лаҳзада ўйланиб, хўрсинди ва бошини чайқади.

– Йўқ, биз аввал бўёқ билан шуғулланамиз. Бўёқ масаласи биздан атиги иккита сўзни – “ҳа” ёки “йўқ” деган сўзни талаб қилади. Бу кўп вақтни олмайди. Аёлларнинг этаги масаласи чўзиладиган масала. Кеча эрталаб оқсочлар бу хонада соат нечада тўшланишган эди? Соат ўн бирдами? Эрталаб соат ўн бирда бўёқ қуриб қолганмиди ё ҳали хўлмиди – бу хонадонда буни бирорга одам биладими?

– Миледининг жияни, мистер Фрэнклин Блек билади, – дедим мен.

– У шу ердами?

Мистер Фрэнклин шу ўртада эди. У ўзини машҳур Каффга таништиришларини кутиб турарди. Ярим дақиқа ўтмай у хонада ҳозир бўлди ва шундай кўрсатма берди:

– Бу эшикни мисс Вериндер бўяган эди. Мен қараб тургандим. Бўёқни ҳам ўзим тайёрлаб бергандим. Мен тайёрлаган бўёқни қандай бўёққа қўшиб ишлатманг, барибир, ўн икки соатда қурийд.

– Ҳозир доғи чиқиб турган жойни соат нечада бўяб бўлишгани эсингиздами, сэр? – деб сўради изкувар.

– Жуда яхши эсимда, – деб жавоб берди мистер Фрэнклин. – Бу жойни охирида бўяб бўлдик. Ўтган чоршанба кuni тугатишимиз керак эди. Мен ўзим уни кундузи соат учларда ёки шундан бироз ўтганда бўяб тугатдим.

– Бугун жума, – деди изкувар Кафф инспектор Сигрэвга мурожаат қилиб. – Бироз орқага қайтайлик, сэр. Чоршанба соат учда бу жой бўяб бўлинган экан. Бўёқ ўн икки соатдан кейин, яъни пайшанба кuni соат учда қуриб бўлиши керак. Сиз бу ерда соат ўн бирда тафтиш ўтказансиз. Ўн бирдан учни айиринг, саккиз қолади. Бирор аёлнинг этаги тегиб, эшикда доғ қолдирган деб тахмин қилганингизда, жаноб инспектор, бўёқни қуриб бўлганига саккиз соат бўлган. Бу мистер Сигрэвга жуда қаттиқ зарба бўлди-да! Агар у шўрлик Пенелопадан шубҳа қилмаганида, унга жуда ҳам ачинган бўлардим.

Бўёқ масаласини ҳал қилгандан сўнг, изкувар Кафф шу дақиқадан бошлаб ўзининг ҳамкасаба шеригини унутди ва ундан кўра умидлироқ ёрдамчи деб мистер Фрэнклинга мурожаат қила бошлади.

– Сиз бизга сирни очадиган калит бердингиз, сэр, – деди у.

Шу сўзлар унинг оғзидан чиқар-чиқмас, ётоқнинг эшиги ланг очилди-да, кутилмаганда бизнинг қаршимизда мисс Рэчель пайдо бўлди. Изкувар унга мутлақо эътибор бермай ё буни пайқамай, сўзида давом этди.

– Сиз айтдингизки, – деди у мистер Фрэнклинни кўрсатиб, – сирни очадиган калитни худди шу одам берди. Шундайми?

– Бу киши мисс Вериндер, – деб ишиттидим изкуварга.

– Худди шу жаноб калаванинг учини топиб берган бўлиши мумкин, мисс, – деб жавоб берди изкувар, менинг бекамнинг юзини ўзининг пўлатранг кўзлари билан синчиклаб кузатар экан.

Бир лаҳзада мисс Рэчель ўгирилиб, мистер Фрэнклинга назар ташлашга уриниб кўрди. “Уриниб кўрди” деяётганимга сабаб шуки, уларнинг кўзлари бир-бирлари билан учрашиб улгурмай, қиз яна юзини ўгириб олди. Афтидан,

нимадир мисс Рэчелни ҳаддан ташқари безовта қилмоқда эди. Қиз қизариб кетди, кейин яна оқарди. Ранги оқариши билан унда ғалати бир ифода пайдо бўлди — уни кўриб кўрқиб кетдим.

— Сизнинг саволингизга жавоб бердим, мисс, — деди изкувар, — энди сиздан илтимос — ўз навбатида сиз ҳам савол беришга ижозат этсангиз. Мана бу ерда эшигингизда доғ бор. Бу доғ қачон пайдо бўлган ёхуд уни ким қилгани сизга маълумми?

Унга жавоб бериш ўрнига мисс Рэчель гўё изкувар ундан ҳеч нарсани сўрамагандек ёки у ҳеч нарсани эшитмагандек, ўзининг гапини гапиришда давом этди:

— Сиз янги полиция офицеримисиз?

— Мен изкувар Каффман, мисс, тергов полициясидан.

— Нима деб ўйлайсиз, — ёш қизнинг маслаҳатини эшитсангиз бўладими?

— Маслаҳатингизни бажонидил эшитаман, мисс.

— Унда зиммангиздаги вазифангизни ўзингиз бажараверинг. Мистер Фрэнклин Блекнинг сизга кўмаклашишга зинҳор йўл қўйманг!

Мисс Рэчель бу сўзларни шунақа ғазаб ва алам билан айтдики, унинг оҳангида мистер Фрэнклинга нисбатан шундай бадхоҳлик сезилардики, чеҳрасидаги чексиз нафрат ифодасини айтмайсизми, мен бу қизни гўдаклигидан билсам ҳам, гарчи уни миледидан кейин ҳаммадан ортиқ севиб келган бўлсам-да, умримда биринчи марта мисс Рэчель учун уялиб кетдим. Унинг қилигидан ер ёрилмадики, ерга кириб кетсам...

Изкувар Кафф бир нуқтага тикилгандек унинг юзидан нигоҳини олмасди.

— Миннатдорман, мисс, — деди у. — Сиз манави доғ ҳақида бирон нарса билмайсизми? Беҳосдан уни ўзингиз қилиб қўймаганмисиз?

— Мен доғ ҳақида ҳеч нарса билмайман.

Шу жавобни айтиб, у биздан ўтирилди-да, яна ётоғига кириб, эшикни қулфлаб олди. Аввалги гал Пенелопа эшитганидай, бу гал мен ҳам унинг ёлғиз қолиши биланоқ, ҳўнграб йиғлаб юборганини эшитдим. Изкуварнинг юзига қарашга бетим чидамади. Мистер Фрэнклин бошлиқлардан кўра менга яқинроқ турарди — унинг юзига қаради. Юз берган воқеадан у мендан ҳам ортиқроқ изгиробда эди.

— Сизга айтган эдим-ку, ундан ташвишдаман, — деб шивирлади у. — Сабабини энди тушунгандирсиз?

— Мисс Вериндер олмоси йўқолгани учун қаттиқ хафа шекилли, — деди изкувар. — Қимматбаҳо буюм... Бунинг ҳайрон қоладиган жойи йўқ.

Кеча инспектор Сигрэвнинг ҳузурида у ҳаддидан ошиб кетганда унинг қилиги учун мен уэр сўраган эдим. Бугун уни изкувар Кафф қилди. Ҳолбуки, у мисс Рэчелга менчалик яқин бўлиш бир ёқда турсин, еттиёт бегона эди. Альзойи бадашим жимирлаб кетди — ўша пайтда нега бундай бўлганини билолмадим. Ўйлайманки, ўшанда миямдан бир фикр (фикр бўлганда ҳам жуда ёмон фикр) липиллаб ўтди — изкувар Кафф мисс Рэчелни биринчи кўрганида унинг қилиқлари ва гапларига қараб бирор хулосага келган бўлса-я!

— Ёш қизларнинг тили ўзининг хусусиятига эга, сэр, — деб давом этди изкувар мистер Фрэнклинга мурожаат этиб. — Бўлиб ўтган воқеани унугайлик. Келинг, тўғри ишга киришамиз. Сиз туфайли биз бўёқ қачон қуриганини билиб олдик. Энди яна бир нарсани билиш қолди, холос, бу эшикни доғсиз охирги марта қачон кўришган? Ҳарҳолда, сиз ақли бутун одамсиз, нима ҳақда гапирётганимни тушунгандирсиз.

Мистер Фрэнклин тинчланишга ҳаракат қилди ва ўзини зўрлаб, мисс Рэчель ҳақидаги фикрларидан халос бўлди.

— Тушуняпман, шекилли. Доғ пайдо бўлган вақтни қанча аниқроқ белгиласак, излаш доирасини ҳам шунча чеклаб олиш мумкин.

— Худди шундай, сэр, — жавоб берди изкувар. — Сиз чоршанба куни ишингизни тугатгандан кейин уни яна бир кўрганмидингиз?

Мистер Фрэнклин бош чайқаб жавоб берди:

— Эсимда йўқ.

— Сиз-чи? — менга мурожаат қилди изкувар Кафф.

– Мен ҳам аниқ бир нарса деёлмайман.  
– Чоршанба куни кечкурун бу хонадан охирида ким чиққан эди?  
– Менимча, мисс Рэчель, сэр.  
– Ёки сизнинг қизингиз бўлиши мумкин, Беттерез, – гапга аралашди мистер Фрэнклин.

У мистер Каффга ўтирилиб, менинг қизим мисс Фериндернинг оқсочи эканини тушунтирди.

– Мистер Беттерез, қизингизни бу ёққа чақиринг. Шошманг-чи, – деди изкувар мени дераза ёнига бошлаб – бу ерда гапимизни ҳеч ким эшита олмасди. – Сигрэв, – деб шивирлаб давом этди у, – ишни қандай олиб боргани тўғрисида менга батафсил ҳисобот берди. Унинг эътироф этишига қараганда, хизматкорларнинг ҳаммасини хафа қилиб қўйишти. Ҳолбуки, мен учун улар билан ярашиб олиш жуда муҳим. Мендан қизингизга ҳам, қолган хизматкорларга ҳам салом етказсангиз-чи, уларга айтиб қўйсангиз – биринчидан, менинг қўлимда олмоснинг ўғирлангани ҳақида ҳеч қанақа далил йўқ. Мен учун унинг йўқолгани аниқ, холос. Иккинчидан, мен хизматкорларга мурожаат қилар эканман, бу билан улардан фақат менга ёрдам беришларини сўрайман.

Инспектор Сигрэвнинг хоналарга киришини ман қилиб қўйгани аёл хизматкорларга жуда ёмон таъсир кўрсатганини билганим учун, мен ундан сўрадим:

– Мистер Кафф, мен аёлларга бирон гап айтишим мумкинми? Сизнинг саломингизни етказиб, хоҳлаган вақтинларда зинадан пастами – юқоригами чиқиб тушаверишингиз мумкин, истаган дақиқада хоналарингизга кираверинглар, десам бўладими?

– Бўлади, – деди изкувар.

– Буни эшитган заҳоти улар юмшайди, сэр, – дедим мен, – ошпаздан тортиб идиш-товуқ ювувчи аёлгача ўзгаради.

– Боринг, бўлмаса. Дарҳол шу ишни қилинг, мистер Беттерез.

Мен бу ишни беш дақиқадан ҳам тезроқ фурсат ичида қилдим. Ётоқларга етиб борганимда, фақат битта қийинчиликка учрадим. Оқсоч аёлларнинг ҳаммаси изкувар Каффга кўнгилли гувоҳлар сифатида ёрдам бериш мақсадида мен билан Пенелопанинг орқасидан зинага ёпирилишди. Уларни бу ишдан қайтариш учун хизматкор боши сифатида бор ҳоқимиятимни ишга солишга тўғри келди.

Изкуварга, афтидан, Пенелопа маъкул бўлди, шекилли, унинг муомаласи бироз илигандай ва юзида гулзорда оқ атиргулни кўрганда пайдо бўлган ифодага ўхшаш мамнуният барқ урди. Мана, қизимнинг изкуварга берган кўрсатмаси. Бу кўрсатмани у жуда мулоимлик билан берди. Ахир, у ҳар жиҳатдан менга ўхшаган-да! Унга онасидан ҳеч нарса ўтган эмас, ҳа, худога шукр, ҳеч нарса ўтган эмас.

Пенелопанинг айтишича, у эшикни қандай бўяшаётганига жуда қизиқиб қолипти ва бўёқларни аралаштиришга ёрдам бериб турипти. У қулфнинг пастдаги жойини ҳам эслаб қолипти, чунки бу ерни энг охирида бўяшган экан. Бир неча соатдан кейин кўрганида ҳам у ерда ҳеч қандай доғ бўлмаган. Кечаси соат ўн иккида ҳам ҳали эшикда доғ йўқ экан. Кечаси бекаси билан унинг ётоғида хайрлашаётиб, “будуар”даги соат ўн иккига занг урганини эшитишти. Шу пайтда у бўялган эшикнинг тутқичидан ушлаб турган экан, чунки (юқорида айтилгандек, бўёқларни аралаштиришга ёрдам бериб тургани учун) уларнинг ҳўллигини билар экан. Шунинг учун эшикка тегиб кетмасликка ҳаракат қилипти. Ҳатто қасам ичиб айтиши мумкин эканки, бехосдан эшикка тегиб кетмасин деб, этаklarини кўтариб олган экан. Ўша пайтда эшикда доғ йўқ экан. У чиқиб кетаётганда қўйлаги бехосдан эшикка тегиб кетганми, йўқми – бу масалада онг ичолмайди. Устида қайси қўйлаги экани жуда яхши эсида, чунки бу янги қўйлакни мисс Рэчель яқинда совға қилган экан. Бу қўйлакни отаси ҳам эслайди. У ҳам бу гапни тасдиқлаши мумкин. У, ҳақиқатан ҳам, қизининг гапини тасдиқлади ва ўша куни кийган қўйлагини ўзи келтириб берди. Қўйлакнинг этаги жуда кенг экан, уни кўздан кечиргунча анча вақт кетди, аммо қўйлакнинг бирон жойидан биронта доғ топилмади.

Кейин изкувар мендан уйингизда катта иглар йўқми, ўшалар хонага югуриб кириб, дум-пуми билан бўёқни суйкатиб юбормаганмикин, деб сўради. Бунинг бўлиши мумкин эмаслигини эшитиб, у катта қилиб кўрсатадиган шиша олиб келишни буюрди ва унинг ёрдамида доғни кўздан кечира бошлади. Бўёқда одам қўлининг изи сезилмас эди. Кўзга ташланиб турган белгилар шундан далолат берардики, бўёқни кимнингдир кўйлаги чаплаштириб юборган. Устида шу кўйлак бор одам, Пенелопа билан мистер Фрэнклиннинг кўрсатмасига қараганда, шу доғни ҳосил қилиш учун пайшанба кечаси ярим тундан кейин соат учгача бўлган вақт ичида хонада бўлган бўлиши керак.

Тергов шу нуқтага етганда изкувар Кафф инспектор Сигрэв ҳамон шу ерда эканини эслади ва ҳамкасабасига ибрат бўлсин деб, ўзи амалга оширган терговдан шундай хулоса чиқарди:

– Сиз арзимас нарса деганингиз, жаноб инспектор, – деди у доғни кўрсатиб, – уни сўнгги марта кўрганимиздан бери жуда муҳим аҳамият касб эди. Терговнинг ҳозирги ҳолатида бу доғ учта кашфиётга олиб келиши керак. Биринчидан, бу уйда шу бўёқ теккан бирор либос борми-йўқлигини билиш керак. Иккинчидан, шундай либос бўлса, унинг кимники эканини аниқлаш шарт. Учунчидан, либоснинг эгасидан нега бу хонага келганини ва қандай қилиб ярим кеча билан тунги соат уч орасида бу доғни ҳосил қилганини суриштириш керак. Агар бу одам ўз қилмишига қаноатланарли изоҳ беролмаса, олмосни ўғирлаган қўлни олисдан излаб юришга ҳожат қолмайди. Сизнинг ижозатингиз билан бу ишларни ўзим бажарсам, сизни эса шаҳардаги машулолларингиздан ортиқ бенасиб қилишга ҳаддим сиймайди. Бу ерда сизга тобе одамлардан бир киши бор, шекилли. Ҳар эҳтимолга қарши уни менга қолдиринг-да, сизга энг яхши тилаklarимни йўллашга изн беринг.

Инспектор Сигрэвнинг изкуварга эҳтироми катта эди, аммо унинг ўзига эҳтироми яна ҳам катгароқ эди. Машхур Кафф жуда усталлик билан чандиб олди, лекин Сигрэв ҳам жавобни бошлади.

– Шу пайтга қадар мен фикримни айтишдан ўзимни тийиб тургандим, – деди у инспекторга ҳамон заррача ўзгармаган ўша жангари оҳангда. – Энди терговни сизнинг ихтиёрингизда қолдирар эканман, бир нарсани айтишим керак – пашшадан фил ясаш осон нарса. Яхши қолинг!

Айни чоқда ҳаддан ташқари бурни кўтарилган одамлар пашшани бутунлай пайқамай қолиши ҳам ҳеч гап эмас.

Ҳамкасабасининг мақтовига шунақа ибораларда жавоб берган изкувар Кафф унга орқасини ўгириб, дераза ёнига кетди.

Мистер Фрэнклин билан мен нима бўлишини кутдик. Изкувар қўлларини чўнтагига тикқанча деразадан ташқарига қараб турар ва ўзича “Ёзнинг сўнгги атиргули” куйини хиргойи қиларди. Кейинча шуни пайқадимки, қаттиқ ўйланиб, қалам-бақалам мақсад сари яқинлашар экан, доим шу куйни хиргойи қилар экан. Афтидан, “ёзнинг сўнгги атиргули” унга далда берган ва фикрлашига ёрдамлашган. Эҳтимол, бу куй бирор жиҳати билан унинг табиатига мос келар, унга сеvimли атиргулларини эслатар, шунинг учун бу куйни ўта маҳзунлик билан хиргойи қиларди.

Дераза олдида бир неча вақт тургач, изкувар хонанинг ўртасига келди ва мисс Рэчелнинг ётоғига тикилганча чуқур ўйга чўмиб туриб қолди. Бир неча лаҳзадан кейин ўзига келди, гўё “Шундоқ қилинса яхши бўлади!” деган маънода бош ирғади ва менга мурожаат қилиб, миледининг имкони бўлиши ҳамон у киши билан ўн минутча суҳбатлашмоқчи эканини айтди.

Шу тошпириқ билан хонадан чиқар эканман, мистер Фрэнклиннинг изкуварга савол берганини эшитдим ва изкуварнинг жавобини эшитмоқ учун остонада тўхтадим.

– Олмосни ким ўғирлаганини ҳали аниқлаганингиз йўқми? – деб сўради мистер Фрэнклин.

– Олмосни ҳеч ким ўғирлаган эмас, – деб жавоб берди мистер Кафф.

Бунақа ажабтовур фикрни эшитиб, иккимиз ҳам сесканиб кетдик ва икковимиз ҳам изкувардан бу билан нима демоқчи эканини тушунтириб беришини сўраб ўтина бошладик.

– Бироз сабр қилинлар, – деб жавоб берди изкувар.



## 13 б о б

Мен миледини ўзининг хонасидан топдим. Мен мистер Каффнинг у билан гаплашмоқчи эканини айтганимда, у сесканиб тушди ва юзида норозилик ифодаси пайдо бўлди.

— Наҳотки, уни қабул қилишим шарт бўлса? Сиз ўзингиз менинг ўрнимга гаплашиб кўяқолсангиз бўлмайдими, Габриэль?

Мен миледининг гапини унча англаёлмадим. Афтидан, юзимдан ажабланганимни кўриб, миледи гапини тушунтириб берди:

— Менинг асабларим унча жойида эмас, шекилли, — деди у. — Бу лондонлик полициячининг қайсидир жиҳати жуда гашимга тегяпти. Нима учунлигини билмайман. Сезиб турибман, бу одам хонадонимизга бахтсизлик келтиради, аҳиллигимизга рахна солади.

Бекамнинг бу гапига нима жавоб беришни билмай қолдим. Изкувар Каффни кузатганим сари у менга кўпроқ маъқул бўлиб бормоқда эди. Менга фикрини яширмай айтган миледи шу лаҳзадаёқ ўзини қўлга олди; мен айтган эдим-ку — бекам табиатига кўра жуда мард аёл.

— Агар у билан кўришиш шарт бўлса, начора? — деди у, аммо мен у билан ҳоли учрашишга ботина олмайман. Уни бу ерга олиб келинг-да, гапимиз тугагунча ўзингиз ҳам шунда бўлиб туринг, Габриэль.

Бекамнинг бош оғриқ дарди тутиб қолди — бу унинг ёш чоғидан бери биринчи марта рўй бериши эди. Мен “будуар”га қайтдим. Мистер Фрэнклин боққа — мистер Годфрининг ёнига чиқиб кетишти — мистер билан мен тўғри бекамнинг хонасига кириб бордик.

Сизга ёлғон, менга чин — бекам изкуварни кўриши билан ранги ўчиб кетди. Аммо у дарров ўзини қўлга олди-да, изкувардан менинг суҳбатда ишгирок этишимга қарши эмаслигини сўради. Олижаноб табиати туфайли бекам, “бу киши эски хизматчимизгина эмас, энг яқин маслаҳатчимиз ҳам, уй ишларига дахлдор ҳамма масалаларда у билан бамаслаҳат иш юритишга кўникиб қолганман”, деб кўшиб ҳам кўйди. Изкувар “бу киши суҳбатимизга қатнашса, буни фақат ёрдам деб биламан, чунки, умуман, хизматкорлар ҳақида бир-икки оғиз гапирмоқчиман, бу жиҳатдан мистер Беттережнинг кўпни кўргани менга жуда қўл келади”, дея хушмуомалалик билан жавоб берди. Миледи икковимизга ҳам ўтиришга жой кўрсатди ва биз дарҳол суҳбатни бошлаб юбордик.

— Бу иш ҳақида мен қатъий бир фикрга келиб бўлдим, — деб бошлади изкувар Кафф. — Ҳозирча уни айтмай туришимга ижозат бергайсиз, миледи. Ҳозир эса мен юқорида мисс Вериндернинг меҳмонхонасида аниқлаган нарсаларим тўғрисида гапирсам дейман. Ижозатингиз билан, миледи, мен даставвал шу билан шуғулланишга аҳд қилдим.

У эшикдаги доғ тўғрисида гапирди ва ундан чиқарган хулосаларини айтиб берди. Фақат бу гал яқиндагина инспектор Сигрэвга гапиргандай дағал оҳангда эмас, жуда хушмуомалалик билан сўзларди.

— Бир нарса шубҳасизки, — деб якунлади у гапини, — олмос жавончанинг қутисидан йўқолган. Шунингдек, яна бир нарса шубҳасиз: эшикдаги доғнинг излари шу уйдаги бирорта одамнинг кийимида бўлиши керак. Биз навбатдаги қадамни қўйишдан олдин шу кийимни, албатта, топишимиз керак.

— Афтидан, шундай қилинса, ўғрини топиш мумкин бўлардими? — деб сўради бекам.

— Авф этасиз, миледи, — мен олмос ўғирланган деяётганим йўқ. Мен олмос йўқолган, деяпман, холос. Агар бўёқ теккан кийим топилса, бу олмосни қидириб топишга ҳам йўл очиши мумкин.

Миледи менга қаради.

— Бу гапларни тушуняпсизми? — деб сўради у.

— Изкувар Кафф тушуниб турипти, миледи, — деб жавоб бердим мен.

— Бўёқ теккан кийимни қандай қилиб излаб топмоқчисиз? — деб сўради бекам яна изкуварга мурожаат қилиб. — Айтишга уят бўлса ҳам айтий — менинг хонадонимда кўпдан бери яшаб келаётган садоқатли хизматкорларимнинг хоналари ва сандиқлари биринчи терговчи томонидан

бир марта тинтиб чиқилди. Мен уларнинг иккинчи марта таҳқирланишини истамайман ва ижозат этолмайман.

Бека деган шунақа бўлса-да! Хотин киши дегани шунақа бўлса-да. Бунақаси ўн мингтадан бигга!

— Мен худди шунга сизнинг диққатингизни жалб қилмоқчи эдим, — деб жавоб берди изқувар. — Биринчи терговчи хизматкорлардан гумон қилаётганини ошкор қилиб, терговга жуда катта зарар етказган. Агар мен уларни иккинчи марта гумон остига олинганмиз деб ўйлашларига йўл қўйсам, улардан, айниқса, хотинлардан ҳар нарса кутса бўлади. Ким билсин — улар бизга яна қанақа говлар қўйишлари мумкин. Ҳолбуки, уларнинг сандиқларини яна бир бор тинтув қилиш керак. Бунинг боиси шуки, биринчи марта тинтишганда олмосни қидиришган, иккинчи мартада эса бўёқ теккан кийимни қидирамиз. Хизматкорларнинг иззат-нафсларини аяш кераклиги ҳақидаги фикрингизга батамом қўшиламан, миледи. Лекин айни чоқда, имоним комилки, хизматкорларнинг кийим-кечақларини, албатта, тинтувдан ўтказиш керак.

Афтидан, биз боши берк кўчага кириб қолгандек эдик. Миледи бу фикрни мендан кўра нозикроқ қилиб, келтириб айтди.

— Менинг хаёлимга бу мушкулотни ҳал қилишга ёрдам берадиган бир режа келди, — деди изқувар Кафф. — Агар, миледи, сиз рози бўлсангиз, уни хизматкорларга эълон қиламан.

— Аёллар шу лаҳзадаёқ яна биздан гумон қилишяпти, деб ўйлашади, — дедим мен унинг гапини бўлиб.

— Бундай деб ўйлашмайди, мистер Беттереж, — деб жавоб берди изқувар. — Агар мен ҳамманинг — миледидан бошлаб, чоршанба куни шу уйда тунаб қолганларгача — ҳамманинг кийим-кечагини тинтувдан ўтказаман десам, бундай деб ўйлашмайди. Бу шунчалик расмиятчилик, — деб илова қилди у бекамга қийғоч нигоҳ ташлаб, — аммо хизматкорлар уларни хўжайинлар билан баравар кўришяпти, деб ўйлашади ва терговга халақит қилиш ўрнига унга ёрдам беришни ўзлари учун фарз деб билишади.

Эътироф этишим керакки, у ҳақ эди. Миледи ҳам таажжубдан ўнгланиб олгандан кейин унинг ҳақлигини тан олди.

— Шундай тинтув зарурлигига ишончингиз комилми? — деб сўради у.

— Мен кўриб турган йўллар ичида, миледи, мақсадга олиб борадиган энг яқини шу.

Бекам кўнгироқ чалиб, оқсочни чорлаш учун ўрнидан турди.

— Сандиғимнинг калитини қўлингизга тутқазингиз ҳамона хизматкорлар билан гаплашамиз.

Изқувар Кафф қутилмаган савол билан унинг гапини бўлди.

— Бу хонадондаги бошқа хонимлар ва жентльменларнинг бу ишга розилигини олиндан бошлаганимиз яхши эмасми?

— Бу хонадондаги мендан бўлак ягона хоним — мисс Вериндер, — деб жавоб берди бекам ажабланиб. — Ягона жентльменлар — жиянларим мистер Блэк билан мистер Эблъяйт. Уларнинг рад қилишидан хавотир бўлмасангиз ҳам бўлади.

Мен миледига мистер Годфрининг жўнаб кетишини эслатдим. Бу гапни айтиб бўлмасимдан илгари мистер Годфрининг ўзи хайрлашиш учун эшикни тақиллатиб келиб қолди. Унинг кетидан мистер Годфрини станциягача кузатиб қўймоққа аҳд қилган мистер Фрэнклин ҳам кириб келди. Миледи уларга мушкул аҳволимизни айтди. Мистер Годфри бунга бир лаҳзадаёқ ҳал қилди. У деразадан Сампелга қичқариб, чамадонини яна юқорига олиб чиқишни буюрди ва ўзи чамадоннинг калитини изқувар Каффга тутқазди.

— Буюмларимни тинтув тутагач, Лондонга менинг номимга жўнатиб юборарсиз, — деди у.

Изқувар такаллуф билан узр айта-айта калитни олди.

— Кўп афсус, сэр, арзимаган расмиятчиликни деб, сизни уринтирялман, аммо бу ишингиз хизматкорларга ўрناق бўлади ва уларни тинтувга қўнишга ундайди.

Мистер Годфри миледи билан жуда самимий хайрлашди, ундан мисс Рчелга эҳтиромини айтиб қўйишни илтимос қилди. Унинг иборалари шунақа

сертакаллуф эдики, гўё бу билан у мисс Рэчелнинг “йўқ” деганини узил-кесил рад жавоби ўрнида қабул қилмаганини, кулай келиб қолган биринчи фурсатданоқ фойдаланиб, унга яна совчи қўйиш ниятида эканини намоён этмоқчидай эди. Мистер Фрэнклин унинг кетидан чиқиб кетар экан, буюмларининг ҳаммаси кўздан кечириш учун тахт эканини, нарсаларини кулфлаб юрадиган одати йўқлигини изкуварга маълум қилди. Изкувар Кафф унга ўзининг миннатдорлигини изҳор қилди. Эътибор бердингизми – унинг режасини миледи ҳам, мистер Фрэнклин ҳам, мистер Годфри ҳам сира ранжимасдан бажонидил қабул қилишди. Хизматкорларни чақириб, бўёқ теккан кийимни қидиришни бошлашдан олдин мисс Рэчелнинг розилигини олиш қолди, холос.

Миледининг изкуварга бўлган ғалати ғашлиги улар чиқиб кетгандан кейин янада кучайганга ўхшади.

– Мен сизга мисс Вериндернинг калитини бериб юборсам кифоя, шекилли, – деди миледи. – Мендан ҳозирча бошқа нарса керак эмасдир?

– Сиздан узр сўрайман, миледи, – деди мистер Кафф. – Биз ишни бошламасдан аввал, ювиладиган кийимлар дафтарини бир кўрсам дегандим. У ерда ички кийимлар рўйхати бўлса керак, албатта. Бўёқ теккан кийим ички кийим бўлиши мумкин. Агар бу қидиришлар ҳеч қандай самара бермаса, унда уйда бор бўлган ички кийимларнинг ҳаммаси ҳақида ва ювишга берилган ички кийимларнинг ҳаммаси ҳақида менга маълумот берилишини сўрайман. Агар бирон нарса етишмаса, худди ана ўша нарсага бўёқ теккан деб гумон қилиш мумкин ва унинг эгаси кийимни кечами ё бугунми атайин яшириб қўйган деб ўйлаш мумкин. Инспектор Сигрэв, – деб илова қилди Кафф менга ўгирилиб, – оқсоч аёлларнинг диққатини доғга пайшанба куни эрталаб улар шу хонага тўпланган чоғларида жалб қилган. Балки, мистер Беттерез, бу инспектор Сигрэвнинг кўп хатоларидан бири бўлиб чиқар.

Миледи менга қўнғироқ қилиб, ювиладиган кийимлар дафтарини олдириб келишни буюрди. Бекам дафтарни олиб келгунларича кетмай турди – дафтарни кўриб чиқиб, изкувар Кафф бирон нарса сўраб қолса, миледи зарур бўлиши мумкин эди.

Ювиладиган кийимлар қайд қилинадиган дафтарни Розанна Спирман олиб келди.

Бу жувон нонушгага чиққанида ҳаддан ташқари ранги ўчган ва кайфияти паст эди, афтидан, кечаги бетоблигидан анча ўнгланиб олган кўринадиди, ҳар қалай, бугун ишга чиқипти. Изкувар Кафф бизнинг иккинчи оқсочимизга синчков назар ташлаб, кириб келаётганда унинг юзига, чиқиб кетаётганда бесўнақай елкасига тикилди.

– Менга айтгадиган яна бирон гапингиз борми? – деб сўради миледи бетоқатланиб. У изкуварнинг ҳузуридан тезроқ чиқиб кетишни истарди.

Машҳур Кафф дафтарни очди, ярим дақиқада уни кўриб чиқди-да, яна ёпди.

– Сизни фақат битта савол билан безовта қилишга журъат этаман, миледи, – деди у. – Дафтарни бу ерга олиб келган жувон сизда бошқа хизматкорларингиз қатори анчадан бери ишлайдими?

– Нега буни сўраяпсиз?

– Чунки уни сўнгги марта кўрганимда, у ўғирлик қилгани учун турмада ўтирарди.

Шундан кейин унга бор ҳақиқатни очиқ айтиб беришдан бошқа илож қолмади. Менинг бекам Розаннанинг бизнинг хонадонимиздаги яхши хулқ-атворини мақтади ва ахлоқ тузатиш уйининг нозираси унинг тўғрисида жуда юксак фикрда бўлганини эслади.

– Ундан гумонингиз йўқдир, деб ўйлайман, – деб илова қилди жуда жиддий оҳангда миледи гапининг охирида.

– Мен сизга айтдим-ку, миледи, шу чоққа қадар мен уйдаги биронта одамни ўғрилиқда гумон қилаётганим йўқ.

Шу жавобдан кейин миледи ўрнидан туриб, мисс Рэчелнинг калитини келгириш учун юқорига йўл олди. Мистер Кафф мендан илдамроқ ҳаракат қилиб, шоша-пиша унга ҳурматан эшикни очди-да, ергача эгилиб таъзим қилди. Миледи унинг ёнидан титроқ ичида ўтди.

Биз кута бошладик, анчагина кутдик, лекин калитдан ҳадеганда дарак бўлавермади. У ўзининг маҳзун юзини ойнага ўтирди-да, озғин қўлларини чўнтагига тикиб, ҳуштак чалиб, “Ёзнинг сўнгги атиргули”ни хиргойи қила бошлади.

Ниҳоят, Самоэль келди, аммо у калит эмас, менга мактуб олиб келди. Изқуварнинг истеҳзоли кўзлари менга тикилиб турганини ҳис қилган ҳолда, қийналиб кўзойнагимни тақдим.

Бир бўлак қоғозда миледининг қўли билан қаламда уч мисра ёзилган эди. У менга мисс Рэчелнинг кийим-кечаклари сақланадиган жавонни кўрсатишдан муғлақ бош тортганини маълум қилган эди.

Қизнинг ана шу жавобидан кейин миледининг изқувар билан учрашишни истамаганини тушундим. Ёшларга ўхшаб хижолатга тушганда қизариш ёшидан анча ўтиб кетганман, бўлмаса, изқуварнинг юзига қарашни ўйлашим биланоқ қизариб кетармидим.

– Мисс Вериндернинг калити ҳақида бирор гап борми? – деб сўради изқувар.

– Мисс Рэчель либосларини тинтув қилишга рози бўлмаётган экан.

– А!

Унинг юзидаги ифода сира ўзгаргани йўқ, лекин овози ҳаяжонли эди. У “А!” деганида буни шундай оҳангда айтдики, гўё у орзиқиб кутган жавобини эшитгандай эди. Буни кўриб ҳам жаҳлим чиқди, ҳам кўрқиб кетдим – негалигини айта олмайману, лекин шундоқ бўлди.

– Тинтувдан воз кечишга тўғри келадими? – деб сўрадим мен.

– Ҳа, – деб жавоб берди Кафф, – тинтувдан воз кечишга тўғри келади, чунки сизнинг кичик бекангиз ҳамма қатори тинтув қилинишига кўнмаяпти. Биз ё бу уйдаги ҳамма кийим-кечакларни кўриб чиқишимиз керак, ёки ҳеч қайсини тинтув қилмаймиз. Биринчи поезд биланоқ мистер Эблўайтнинг чамадонини Лондонга жўнатинг, ювиладиган кийимлар дафтарини эса олиб келган жувонга қайтариб беринг. Унга менинг миннатдорлигимни ҳам айтиб қўйинг.

У дафтарни стол устига қўйди-да, чўнтагидан қаламтарошини олиб, тирноқларини тозалай бошлади.

– Кутган нарсаларингизнинг бир қисми тўғри чиқди, шекилли? – деб сўрадим мен.

– Ҳа, – деб жавоб берди изқувар Кафф. – Бир қисми...

Мен унинг қулфи дилини очишга уриниб кўрдим.

– Нега энди мисс Рэчель сизнинг раъйингизга қарши борди экан? – деб сўрадим мен. – Ахир, унинг манфаатлари мисс Рэчелдан сизга ёрдам беришни талаб қилади-ку!

– Бироз сабр қилинг, мистер Беттерез, бироз сабр қилинг.

Меникидан кўра ақллироқ калла унинг сўзларининг маъносини англаган бўларди. Ёки мисс Рэчелни мендан кўра камроқ суядиган одам унинг гапнинг нишабини қаёққа тўғрилайётганини сезар эди. Миледининг уни ёқтирмаётганининг сабаби шунда бўлиши мумкин эдики, у изқуварнинг нимага шама қилаётганини сезганди. Буни мен кейинроқ тушундим.

– Энди нима қиламиз? – деб сўрадим.

Изқувар Кафф тирноқларини тозалаб бўлиб, уларга бир лаҳза маҳзун назар ташлаб турди-да, кейин қаламтарошини чўнтагига солиб қўйди.

– Юринг, кетдик, – деди у. – Атиргулларни томоша қиламиз.

## 14 б о б

Миледининг хонасидан боққа олиб борадиган энг яқин йўл сизга маълум бутазор орқали ўтарди. Бундан кейинги воқеаларни яхшироқ тушунишингиз учун илова қилишим керакки, бутазордаги сўқмоқ мистер Фрэнклин сайр қилишни ёқтирадиган жой эди. У уйдан чиқиб кетса-ю, уни ҳеч қаердан топиб бўлмаса, одатда, биз уни шу ердан топар эдик.

Эътироф этишим керакки, муҳтарам китобхон, мен анча ўжар чолман.

Изкувар Кафф фикрларини мендан яширишга ҳарчанд уринмасин, мен уларнинг тагига етишга шунча кўпроқ уриндим. Биз бутазорга бурилганимизда, унинг кўнглига бошқа томондан қўл солиб кўрмоқчи бўлдим.

– Ҳозирги ҳолатда, – дедим мен, – сизнинг ўрнингизда бўлсам, боши берк кўчага кириб қолардим.

– Ҳозирги ҳолатда, – деб жавоб берди Кафф, – менинг ўрнимда бўлсангиз шундай хулосага келар эдингизки, бу хулоса ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин қолдирмаган бўларди. Ҳозирча бу хулосани бир чеккага қўйиб турайлик, мистер Беттереж. Мен сизни бу ерга бошлаб келганимдан мақсад, менинг кўнглимга қўл солиб кўришингизни исташ эмас. Мен сизни бу ерга шунинг учун бошлаб келдимки, сиздан баъзи бир маълумотлар олмоқчиман. Албатта, бу маълумотларни менга уйда ҳам айтсангиз бўлаверарди. Аммо деворнинг ҳам қулоғи бор, деган гапни эшитгансиз. Менинг касбимдаги одамлар эса баъзан очиқ ҳавода юришни яхши кўришади – бунинг соғлиққа фойдаси катта.

Бу одамни лақиллатишнинг сира иложи йўқ эди. Шунинг учун унинг гапига кўндим-да, иложим борича сабр-тоқат қилиб, буёғи нима бўлишини кута бошладим.

– Ёш бекангиз нега бунақа қилаётганининг сабабини суриштириб ўтирмайлик, – деб давом этди изкувар, – фақат унинг менга ёрдам бергиси келмаётгани ачинарли. Негаки, шу иши билан у тергов олиб боришни анча қийинлаштиряпти. Биз энди у кишининг ёрдамисиз доғ сирини ҳам қилишимиз керак. Гапимга ишонаверинг, бу айни чоқда олмоснинг ҳал сиридир. Мен, мистер Беттереж, хизматкорлар билан кўришиб, уларнинг кийим-кечагини тинтувдан ўтказиш ўрнига фикрлари ва хулқ-атворларини тадқиқ этишга аҳд қилдим. Аммо бу ишга киришишимдан олдин сизга иккита савол бермоқчи эдим. Сиз синчков одамсиз; айтинг-чи, олмос йўқолгани маълум бўлгандан кейин сиз хизматкорлардан бирортасининг феъл-атворида галатилик сезмадингизми? Албатта, бундай ҳолларда табиий равишда бўладиган ҳаяжон ва кўрқув туйғусини ҳисобга олмаймиз. Уларнинг орасида бирон-бир жиддийроқ низо рўй бермадимми? Масалан, улардан биронтаси мулақо кутилмаган ҳолатда бирон нарсдан ачиқланмадимми? Ёки бирор киши бехосдан бетоб бўлиб қолмадимми?

Мен кечги тушлик пайтида Розанна Спирманнинг бехосдан касал бўлиб қолганини эсладим ва шуни айтишга энди оғиз жуфтлаган эдим, изкувар тўсатдан бутазорга тикилиб қолди-да, ўзича гудирлаб: “Эҳа!” деди.

– Нима бўлди? – деб сўрадим мен.

– Яна оёғимнинг бўғинларида оғриқ туриб қолди, – деди изкувар баланд овозда. Гўё қандайдир учинчи одам унинг гапини эшитсин учун изкувар атайин баланд овозда гапирётгандай эди. – Об-ҳаво ўзгарса керак-да!

Яна бироз юргач, биз уйнинг ёнидан чиқдик. Унг томонга бурилиб, айвонга чиқдик-да, ундан зина орқали куйи боғга тушдик. Изкувар Кафф ялангликда тўхтаб қолди – бу ердан теварак-атроф кафлдагидек кўриниб турарди.

– Ҳусни таважжуддан ёлчимаган Розанна Спирманнинг севгилисидан борлигига ақлим бовар қилмаяпти, – деди у. – Аммо шу жувоннинг манфаати юзасидан мен сиздан бир нарсани сўрашим керак – шўрлик жувон бошқаларга ўхшаб биронта хушгор орттирмаганми?

Ҳозирги вазиятда унинг саволи қанақа маънога эга эди. Мен жавоб ўрнига унга кўзларимни лўқ қилдим.

– Гап шундаки, биз бутазордан ўтиб кетаётганимизда Розанна Спирман дарахтлар панасига яширишиб турганини сезиб қолдим, – деди изкувар.

– Сиз “э-ҳа!” деганингиздами?

– Ҳа, мен “э-ҳа!” деб хитоб қилганимда. Агар унинг хуштори бўлса, жувоннинг бу қилғилиғида ҳеч қанақа гуноҳ йўқ. Борди-ю, хуштори бўлмаса, уйдаги ҳозирги вазиятда унинг қилиғи гоят шубҳали кўринади. Шунинг учун мен ҳар қанча ачинмай, тегишли тарзда ҳаракат қилишга мажбурман.

Мен унга нима дея олардим. Бутазор мистер Фрэнклин сайр қилишни ёқтирадиган жойлигини билардим; у станциядан қайтаётганда шу йўлдан юриши эҳтимоллигини ҳам билардим; Пенелопа дугонасини шу ерда бир неча марта учратганидан ҳам хабардор эдим. Пенелопанинг айтишича, Розанна ҳар

гал мистер Фрэнклиннинг диққатини ўзига жалб қилишга уринар экан. Агар қизимнинг гаплари рост бўлса, изкувар пайқаб қолган пайтда Розанна мистер Фрэнклиннинг қайтишини кутиб турган бўлиши мумкин эди. Мен жуда қийин муаммога дуч келган эдим – ё Пенелопанинг хомхаёл гапларини ўзимникидай қилиб айтиб беришим керак, ёхуд шўрлик қизга нисбатан изкувар Кафф шубҳа уйғотиб, бунинг оқибатларидан, жуда жиддий оқибатларидан Розаннанинг озор чекишига йўл очиш даркор. Қизга чин юракдан раҳмим келганидан, ҳа, номусим ҳаққи, қасам ичиб айтаман, қизга чин юракдан раҳмим келганидан, мен изкуварга зарур кўрсатмаларни бердим ва Розаннанинг нима бало бўлиб, мистер Фрэнклинга ошиқу беқарор бўлиб қолганини айтдим.

Инспектор Кафф ҳеч кулмас эди. Ахён-ахёнда бирон нарса унга кулгили бўлса, лабларининг бир бурчини сал-пал қийшайтириб қўярди, холос. Ҳозир ҳам унинг лаблари жиндай қийшайди.

– Ундан кўра, у бечора бахти чопмай, хунук бўлиб туғилганди деб қўяқолсангиз бўлмайдами? – деди у. – Мистер Фрэнклиндай хушбичим ва хушмуомала жентльменга ошиқ бўлиб қолиш, менинг назаримда, унинг феъл-атворидаги энг катта тентаклик эмас. Лекин ҳамма нарса равшан бўлганидан мамнунман. Лоақал биронга жумбоқ ҳал бўлса ҳам, одам анча енгил тортади. Ҳа, мен бу сирни ҳеч кимга очмайман, Беттереж. Мен одамларнинг дардларига ҳурмат билан қарашни ёқтираман. Тўғри, менинг касбимда бунақа ҳоллар тез-тез учраб турмайди. Нима деб ўйлайсиз, мистер Фрэнклин Блэк қиздаги майлдан беҳабармикин? Ишонаверинг, агар қизнинг хусни жамоли тузукроқ бўлганида, у буни бир зумда пайқаган бўларди. Бу дунёда хунук аёлларнинг қисмати оғир. Умид қиламиз – қиз бечора бу дунёда тортган азобларининг роҳатини нариги дунёда кўради. Боғларингиз жуда ҳам дилрабо экан. Манави ўтлоқ ҳам жуда чиройлик. Мана, ўзингиз кўринг – гулнинг теварагида кўм эмас, майса бўлса, бундай гул бир неча баробар гўзалроқ кўринади. Йўқ, раҳмат. Мен гулни узмайман. Биров гулни узиб оладиган бўлса, менинг жоним ачишади. Сиз ҳам хизматкорлар орасида бирон ноҳўя иш бўлса, шунақа ачинарсиз? Олмос йўқолганини билгандан кейин хизматкорлар орасида бирон гайриодатий воқеа рўй берганини сездингизми?

Ҳозирга қадар мен изкувар Каффга ҳамма нарсани яширмай, очиқ гапириб бераётган эдим. Аммо шу саволини ялпоқланиб иккинчи марта сўраяпти, бироз эҳтиётроқ бўлишга аҳд қилдим. Очигини айтганда, унинг тафтишларига ёрдам беришимдан ўзим унча хурсанд бўлмай қолдим, чунки майса орасидан ўтиб бораётган илондек, у тафтишлари орқали борган сари менинг ўртоқларимга – хизматкорларга яқинлашиб келмоқда эди.

– Мен ҳеч нарсани пайқганим йўқ, – дедим мен. – Фақат биз ҳаммамиз, шу жумладан, мен ҳам ўзимни йўқотиб қўйдик.

– О! – деди изкувар. – Менга айтадиган бошқа гапингиз йўқ-да, шунақами? Мен башарамдаги бирон туким қилг этмай жавоб бердим:

– Шунақа.

Изкувар Каффнинг маънос кўзлари менинг юзимга бақрайиб, тикилганча қолди.

– Мистер Беттереж, – деди у. – Рухсат беринг, қўлингизни қисай. Мен сизни жуда яхши кўриб қолдим.

Менга ўзининг яхши муносабатини баён қилиш учун нега худди шу дақиқани – мен уни алдаган дақиқани танлаб олди экан – буни тушунолмайман. Лекин, ниҳоят, машҳур Каффни лақиллатганимдан бироз гурурланиб кетдим, очикроқ айтсам, бироз эмас, анчагина гурурланиб кетдим.

Биз уйга қайтдик. Кафф сўроқ қилиш учун унга алоҳида хона ажратиб беришни сўради, кейин у ерга уйда истиқомат қилувчи хизматкорларини биринчисидан бошлаб охиргисигача унвонига қараб бирин-кетин юбориб туришни буюрди.

Мен изкувар Каффни ўзимнинг хонамга бошлаб кирдим, сўнгра ҳамма хизматкорларни тўпладим. Розанна Спирман бошқалар билан бирга келди – у ҳар доимгидай эди. Розанна ўзига етгудек кўпни кўрган тажрибали жувон, менимча топқирликда изкувардан қолишмайди. Уйлайманки, у бутазорда изкувар Кафф Розаннани пайқаб қолмасдан олдин, умуман, хизматкорлар

ҳақида мендан суришпирганини эшитган. Аммо унинг юзига қараб, буни айтиб бўлмасди.

Менга буюрилгандай изкуварнинг хузурига оқсочларни бирин-кетин юбориб турди. Ошпаз хотин сўроқхонага, яъни менинг хонамга биринчи бўлиб кирди. У хонадан зум ўтмай чиқиб келди. Чиққанда у ўзининг хулосасини ҳаммага эълон қилди:

– Изкувар Каффнинг кайфияти бузуқ, лекин изкувар Кафф ҳақиқий жентльмен экан.

Унинг кетидан миледининг маҳрами кирди. У хонада анча узоқроқ қолди. У чиққандан кейин хулосаси бундай бўлди:

– Агар изкувар Кафф ҳалол аёлнинг гапларига ишонмаса, буни одамнинг юзига айтмай қўяқолса ҳам бўларди.

Кейин Пенелопа ичкарига кириб кетди. Бор-йўғи икки дақиқача ўша ерда қолди. Ортиқ эмас. Чиқиб бундоқ деди:

– Изкувар Каффга жуда ачиндим. Афтидан, ёшлигида муҳаббат бобида жуда омадсиз бўлган, шекилли, дадажон.

Пенелопадан кейин катта оқсоч кирди. Миледининг маҳрами каби у ҳам ичкарида анча қолиб кетди. Хулосаси:

– Мен миледида бирон полициячи юз-кўзинг демай шубҳаланиши учун хизматга кирган эмасман.

Кейин Розанна Спирман кирди. У ҳаммадан узоқроқ қолди. Чиқиб ҳеч нарса демади, лаблари кўкариб кетган эди. Малай Сампозель Розаннанинг кетидан кирди, икки дақиқача қолди. Хулосаси:

– Мистер Каффнинг этигини мойлайдиган одамга уят бўлиши керак.

Идиш-товоқ ювадиган Нанси энг охирида кирди. Икки дақиқа қолди. Гапи бундоқ бўлди:

– Изкувар яхши одам экан, у меҳнаткаш одамни масхаралаб кулмас экан, мистер Беттерез.

Ҳамма кириб-чиқиб бўлгандан кейин, менга биронта янги топшириқ бўлмасмикан деб сўроқхонага кирдим. Изкувар деразага қараб, “Ёзнинг сўнгги атиргули”ни хиргойи қилиб турган экан.

– Бирон нарса топилдими, сэр? – деб сўрадим мен.

– Агар Розанна Спирман бирор жойга бориб келаман деса, унга рухсат беринг, – деди изкувар, – лекин аввал мени хабардор қилиб қўйинг.

Розанна билан мистер Фрэнклин ҳақида индамай қўяқолганимда бўлмасмиди-я! Мен ҳар қанча йўл қўймасликка ҳаракат қилмай, шўрлик қиз изкувар Каффнинг шубҳасини уйғотибди. Бу аниқ эди.

– Олмоснинг йўқолишига Розаннани дахлдор деб ҳисобламассиз, сэр, – деб сўрашга журъат этдим.

– Менимча, мистер Беттерез, сизга ҳеч нарса демай қўяқолганим маъкул, – деди у. – Акс ҳолда, анча хафа бўлиб қоласиз.

Бирдан кўнглимда шубҳа туғилди – ўшанда боғда машҳур Каффни чиндан ҳам лақиллатишга муваффақ бўлганмидим, йўқмиди? Эшик тақиллаб қолди-ю, мен анча енгил тортдим – ошпаз хотин хабар келгирди: – Розанна Спирман уйдан чиқишга ижозат сўраётганмиш. Сабаби, ҳар доимги баҳона – боши оғриётган экан, тоза ҳаводан нафас олмақчи эмиш.

Изкуварнинг ишораси билан жавоб бердим:

– Майли, борақолсин.

– Хизматкорлар қайси эшикдан юришади? – деб сўради у ёлғиз қолишимиз ҳамон.

Мен унга эшикни кўрсатдим.

– Хонангизнинг эшигини кулфлаб қўйинг, – деди изкувар. – Агар бирор киши мени сўраса, хонамда ўтириб, ўй ўйлаяпти денг.

Яна унинг лаблари қийшайди ва у чиқиб кетди.

Ёлғиз қолганимдан кейин қизиқишим жуда зўрайиб кетди, шунинг оқибатида мустақил равишда тафтишни давом эттирмоқчи бўлдим.

Шуниси равшан эдики, изкувар Каффнинг шубҳаси хизматкорларнинг сўроқдаги жавоблари туфайли пайдо бўлган. Ҳолбуки иккита оқсоч

(Розаннанинг ўзидан бошқа) сўроқда бошқалардан узокроқ қолишди. Улардан бири миледининг маҳрами, иккинчиси уй ишларига қарайдиган оқсоч эди. Уларнинг иккови ҳам шўрлик қизни ҳол-жонига қўймай, бошида тегирмон тоши юргизишади. Шу хулосага келганимдан кейин, мен гўё тасодифий тарзда хизматкорлар хонасига кириб бордим. Хизматкорлар чой ичиб ўтиришган экан, мен ҳам орага сукуддим.

Чойхўрликдан бирор наф оламан деган умидим оқланди. Ярим соат ҳам ўтмай, мен изкувар билан нарсаларнинг ҳаммасини билиб олдим.

На миледининг маҳрами, на уй ишларига қарайдиган биринчи оқсоч Розаннанинг кечаги бетоблигига ишонишмапти. Бу икки алвасти – қўполлигим учун узр-у, лекин ёмон хотинларни яна нима деб атаса бўлади – пайшанба куни пешиндан кейин бир неча марта кишибилмас тарзда юқорига чиқишибди. У ерда Розаннанинг эшигини очмоқчи бўлишибди, лекин эшик қулф экан. Улар калит соладиган тешикдан қарашиб, Розаннанинг тўшакда ўраниб ётганини кўришибди. Ярим кечада эшикнинг тагидан хона ичидаги чиқоқ нури кўриниб турган экан, ҳатто тонг арафасида соат тўртларда ўчоқда олов чирсиллаб ёниб тургани эшитилибди (хизматкорнинг ётоғида июнь ойида ўчоқдан олов ёнса-я!) Буларнинг ҳаммасини улар изкувар Каффга айтиб беришибди, у бўлса оқсочларга терговга ёрдам бериш иштиғи учун миннатдорлик билдириш ўрнига, уларга энсаси қотиб, шубҳа билан қараб қўйибди. Гўё бу билан уларнинг биронта гапига ишонмаслигини кўрсатаётгандай бўлипти. Шундан иккала хотин ҳам изкувар ҳақида ёқтирмай гапирган экан. Шундан (шунингдек, чойхўрлик таъсирида) – улар ўзларига роса эрк бериб, изкуварнинг дағал муомаласи ҳақида тилларини бир қарич қилиб вайсашди.

Мен изкувар Каффнинг муғамбирликларини анча тушуниб қолдим. Розанна сайр қилгани чиққанида изкувар уни билдирмай кузатмоқчи бўлганини ҳам англадим. Шунинг учун менга бир нарса аён бўлди – иккала оқсоч тергов ишига катта ёрдам берганини изкувар атайин уларга билдирмаган. Бунақа аёлларга уларнинг кўрсатмаларига ишонса бўлишини ошкор қилсанг бас, улар бундан шунақа нарсаларни гапира бошлашдики, бу Розанна Спирманни дарҳол хушёр бўлишга мажбур қилади.

Мен уйдан ташқари чиқдим. Ёз оқшоми бениҳоя сўлим эди. Мен шўрлик жувонга жуда ачинмоқда эдим ва умуман, ишнинг бунақа тус олиб кетганидан қаттиқ ташвишда эдим. Бугазорга бериб, у ерда мистер Фрэнклинни ўзи севган сўқмоқда кўрдим. У станциядан аллақачон қайтиб келган ва миледи билан гаплашиб улгурган эди. Миледи унга мисс Рэчелнинг кийим-кечакларини тингуга беришдан бош тортганини, бунинг сабабини тушуна олмаётганини айтиб беришти. Бунинг эшитиб, мистер Фрэнклиннинг жуда кўнгли чўкиб кетишти, у ҳатто мисс Рэчель ҳақида гапиришга ҳам журъат қилолмаётгандай кўриништи. Бугун оқшом давомида унинг табиатида ота-боболаридан ўтган хислат биринчи бор рўйирост кўриништи.

– Хўш, Беттерез, – деди у, – атрофимизни куршаб олган сиру шубҳа муҳитига нима дейсиз? Ойтошни олиб келган куним эсингизда борми? Эй парвардигор, ўшанда олмосни қумга улоқтирмаганимга қанчалар афсусдаман.

Шу жазавадан кейин у тинчимагунча гаплашишни давом эттиришни истамади. Биз бир неча дақиқа сукут ичида ёнма-ён бордик, кейин у мендан изкувар Каффнинг қаёққа гойиб бўлганини сўради. Изкувар менинг хонамда ўтириб, ўйини ўйлашти деб мистер Фрэнклинни алдаб бўлмасди. Мен унга ҳамма гапни оқизмай-гомизмай айтиб бердим, айниқса, миледининг маҳрами ҳамда уй ишлари билан шуғулланувчи оқсочнинг Розанна Спирман ҳақида айтганларини алоҳида уқдирдим.

Мистер Фрэнклин зукколиги туфайли бир зумда изкуварнинг гумонлари қайси томонга йўналганлигини аниқлаб олди.

– Бугун эрталаб менга сиз айтдингиз, шекилли, – деди у. – кеча Розаннани ўз хонасида касал бўлиб ётипти деб ўйлаганингизда уни Фризинголл йўлида бир баққол кўрган эканми?

– Ҳа, сэр.

– Агар аммамнинг маҳрами билан яна бир оқсочнинг гапи тўғри бўлса, баққолнинг уни кўргани ҳам тўғри чиқади. Бетоблик бизни алдаш учун бир



баҳона бўлган, холос. Хуфиёна тарзда шаҳарга бориб келиш учун қандайдир жиноий бир сабаб бўлган. Афтидан, бўёқ теккан кўйлақ уники бўлса керак.

Хонасидаги ўчоқда соат тўртда олов ёққан бўлса, буни кўйлакни ёқиб юбориш мақсадида қилган. Розанна Спирман олмосни ўғирлаган. Мен ҳозироқ бориб, ишнинг қанақа тус олганини аммамга айтаман.

– Йўқ, бироз сабр қилинг, сэр, – деган маънос овоз эшитилди орқамиздан.

Биз тез ўтирилиб, изқувар Каффга юзма-юз тўқнаш келдик.

– Нега энди? – деб сўради мистер Фрэнклин.

– Чунки, сэр, сиз бу гапларни миледига айтсангиз, миледи уларни мисс Вериндерга етказди.

– Хўп, етказди дейлик. Нима бўлипти?

Мистер Фрэнклин бу гапларни кутилмаганда жуда қизишиб, ғазаб билан айтди. Унинг қизишини кўрган одам изқувар мистер Фрэнклинни қаттиқ ҳақорат қилипти, деб ўйлаши мумкин эди.

– Ўзингиз нима деб ўйлайсиз, сэр, – деди босиқ оҳангда изқувар Кафф.

– Ҳозирги вазиятда мендан шунақа нарсани сўраш жоизми?

Бир дақиқа сукунат чўкди. Мистер Фрэнклин изқуварга яқинлашди. Уларнинг икковлари бир-бирларининг юзига тикилиб қараб қолишди. Мистер Фрэнклин биринчи бўлиб гап бошлади. Ҳозиргина у қанчалик беҳосдан овозини кўтарган бўлса, энди шунчалик кутилмаганда паст овозда сўзларди.

– Ўйлайманки, мистер Кафф, – деди у, – тафтиш қилаётган ишингиз фавқулодда нозик иш эканини билсангиз керак?

– Биринчи марта эмас, балки юзинчи марта нозик иш билан шуғулланаётган бўлсам керак, – жавоб берди у ўзининг одатдаги совуққонлиги билан.

– Сиз нима демоқчисиз? Содир бўлган гапларни аммамга айтишимни ман этиясизми?

– Мен айтмоқчиманки, сэр, мен ўзим ижозат бермагунча, сиз рўй берган воқеалар тўғрисида леди Вериндергами ё бошқа бирор кимсагами гапирадиган бўлсангиз, шу заҳотиёқ мен бу ишни йиғиштириб қўяман.

Бу сўзлар масалани ҳал қилди. Мистер Фрэнклиннинг бўйсунушидан бошқа иложи қолмади; у ғазаб билан ўтирилиб, биздан нари кетди.

Мен юрагимда титроқ билан кимдан гумон қилишни ва энди нима деб ўйлашни билмай, уларнинг гапига қулоқ солдим. Аммо менинг хижолатлигимга қарамай, иккита нарса мен учун аён эди: биринчидан, нима сабабдан эканини билмадим-у, ёш бека уларнинг бир-бирларига шунақа қаттиқ гаплар айтишга сабаб бўлганди. Иккинчидан, кеча улар бир-бирларига ҳеч нарсани тушунтирмаганлари ҳолда, бутун бир-бирларини жуда яқин англаб олишди.

– Мистер Беттерез, – деди изқувар, – менинг йўқлигимда сиз жуда номаъқул бир иш қилибсиз. Ўзингиз ишни тафтиш қилишга киришибсиз. Бундан буён, марҳамат қилиб, ҳар қанақа тафтиш ишини мен билан бирга олиб борсангиз...

У мени қўлтигимдан олиб, ўзи келган йўлга бошлади. Эътироф этишим керакки, гарчи унинг таънаси тўғри бўлмаса-да, мен унга Розанна Спирманни тузоққа илингиришда ёрдам бермоқчи эмас эдим. У ўғри ўтганми, йўқми, бу ишларимиз қонунга тўғри келадими-йўқми – менга барибир эди. Мен унга ачиняшгандим.

– Сиз мендан нима истайсиз – сўрадим қўлимни бўшатиб олар эканман.

– Теварак-атрофдаги жойлар ҳақида баъзи бир маълумотлар берсангиз кифоя, – деб жавоб берди изқувар.

Мен изқувар Каффнинг жуғрофия бобидаги билимларини тўлдиришга ёрдамлашишдан бўйин товлай олмасдим.

– Бу томонда денгиз соҳилидан уйга олиб келадиган биронта йўл борми? – деб сўради Кафф.

Шу гапни айтар экан, у Билқиллама қумларга олиб борадиган қарағайзор ичидаги сўқмоқни кўрсатди.

– Ҳа, – деб жавоб бердим мен. – Бу ерда йўл бор.

– Кўрсатинг уни менга.

Ёзги оқшомнинг ғира-ширасидан биз иккимиз-изқувар билан мен – ёнма-ён Балқиллама қумлар томонга йўл олдик.

## 15 б о б

Биз қарағайзор йўлгага чиқиб олгунча, ўз ўйларига ғарқ бўлган Кафф индамай борди. Кейин бирор нарсага аҳд қилган одамдай хушёр тортиди-да, менга юзланди.

— Мистер Беттереж, — деди у, — сиз илғифот қилиб, мен билан бир аравага қўшилишга рози бўлдингиз. Уйлайманки, бугунги оқшом ўтиб кетмасданоқ сизнинг менга катта фойдангиз тегиши мумкин. Шунинг учун бир-биримизни лақиллатиб юриш учун ҳеч қанақа асос кўраётганим йўқ. Шундоқ экан, ўз томонимдан, сизга ошкоралик бобида ўрناق кўрсатмоқчиман. Сиз менга Розанна Спирманга зарар-заҳмат етказиши мумкин бўлган ҳеч қандай маълумотни айтмасликка аҳд қилдингиз. Негаки, у сизга жуда яхши муомала қилган ва сиз унга чин юракдан ачинасиз. Бу инсоний майллар сизнинг шаънингизга жуда ярашади, аммо ҳозирги вазиятда улар мутлақо бефойда. Розанна Спирманга ҳеч қанақа хавф таҳдид сололмайди. Ҳатто мен кўлимдаги аниқ-таниқ далиллар асосида уни олмоснинг йўқолишида қатнашган, деб айтсам ҳам бўлади.

— Миледи уни судга бериб таъқиб қилмайди демоқчимисиз? — деб сўрадим мен.

— Мен шунга айтмоқчиманки, миледи уни таъқиб қила олмайди, — жавоб берди изкувар. — Розанна Спирман бошқа бир одамнинг қўлида қурол, холос. Шу одам туфайли Розанна Спирманга раҳм қилинади.

У жиддий гапирмоқда эди — бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ. Аммо менинг кўнглимда унга нисбатан аллақандай нохушлик уйғонди.

— Ўша бошқа одамнинг номини айта олмайсизми? — деб сўрадим мен.

— Ўзингиз-чи? Ўзингиз айта олмайсизми, мистер Беттереж.

— Йўқ.

Изкувар Кафф ҳамон қимир этмай турар ва менга маънос тикилиб қарарди.

— Мен одамларнинг заифлигини кўрганда уларга юмшоқ муомала қилишни ёқтираман, — деди у. — Ҳозирги дақиқада эса сизга жуда ҳам юмшоқ муомала қилгим келяпти, мистер Беттереж. Сиз бўлсангиз, ўша ажойиб сабабга биноан, Розанна Спирманга нисбатан жуда раҳмдил бўлдингиз келиб кетяпти, шундоқ эмасми? Бир нарсани айтинг-чи — яқинда Розанна ўзига янги кўйлак тиккани йўқми?

Нега у бирданига бу ғалати саволни орага тиқиштиряпти — бунинг тагига сира етолмадим, аммо ҳақиқат қай жиҳатдан Розаннага зарар етказиши мумкинлигини билмай, у бизникига келганда уст-боши юпун эди, ортиқча кўйлаги йўқ эди, шунинг учун миледи унинг яхши хулқ-атворига мукофот тарзида (шу гапларга алоҳида урғу бердим) икки ҳафтача аввал унга янги совға қилганди, деб жавоб бердим.

— Нақадар аянчли бу дунё! — деди изкувар. — Инсон ҳаёти нишонга ўхшаган бир нарсга. Бахтсизлик ҳамиша шу нишонни мўлжаллаб ўқлар отади ва ҳамиша нишонга беҳато уради. Агар Розаннанинг ғамлаган янги кўйлақлари бўлмаганда, биз унинг буюмлари орасида бирон кофтами ё юбканими осонгина топардик-да, шу тарзда уни фош қилар эдик. Сиз гапларимни диққат билан эшитиб турибсиз, шундоқми? Оқсоч аёлларни ўзингиз сўроқ қилдингиз. Улардан иккитаси Розаннанинг эшиги тагида қанақа кашфиётлар қилганини ҳам биласиз. Розанни кеча кечқурун бетоб бўлиб қолганидан кейин нима билан машғул бўлганини ҳам билсангиз керак, албатта. Билолмайман дейсизми? Ё парвардигор! Ҳов анави дарахлар ортидаги шуълани кўряпсизми? Бу ўша шуъладай жуда аниқ нарса-ку! Пайшанба куни эрталаб соат ўн бирда инспектор Сигрэв (жамки инсоний заифликларнинг мужассами) ҳамма аёлларга эшикдаги доғни кўрсатади. Розаннада ўзининг кўйлаги учун хавотир олишга асос етарли. У секин ғойиб бўлиб, хонасига чиқиб кетиш учун биринчи қулай вазиятдан фойдаланади, у ерга кириб, кофтасидами, юбкасидами доғни топади, кейин ўзини касалга солади; кишибилмас шаҳарга боради, янги юбка ёки кофта учун газлама сотиб олади, пайшанба куни кечаси билан ўз хонасида ёлғиз ўтириб уни тикади, ўчоқда олов ёқади (лекин бўёқ теккан кийимни куйдириб ташлаш учун эмас, негаки иккита дугонаси эшикнинг тагида уни

кузатиб турганини биллади, куйган латганинг ҳиди бир пастда ҳаммаёқни тутиб кетади, бундан ташқари у қулни нима қилишни ҳам билмайди), ҳуллас, олов ёқади, деяётган эканман, бундан унинг мақсади бўлган, бўёқ текканини эса яширган (ичидан кийиб олган бўлиши ҳам мумкин). Мана энди, худди шу дақиқаларда бизнинг қаршимиздаги мана шу кимсасиз соҳилда бирон қулай жойда ўша либосни маҳв этмоқда. Мен бугун кечқурун унинг балиқчилар қишлоғидаги бир кулбага кирганини кўрдим. Эҳтимолки, уйга қайтганимизча биз ҳам шу кулбага кириб чиқармиз. Розанна кулбада алламаҳалгача қолди ва кейин плашининг тагига ниманидир яшириб чиқди. Ҳарҳолда, менга шундай туюлди. Аёлнинг устидаги плаши ҳамширалик белгиси бўлса-да, унинг остида анча-мунча гуноҳлар паноҳ топиши мумкин.

У кулбадан чиққандан кейин соҳил бўйлаб шимол томонга йўл олганини кўрдим. Наҳотки, сизга денгизнинг соҳили шу қадар хушманзара ҳисобланса, мистер Бетгерез?

Мен имкони борича гапни чўзмай, “ҳа” деб жавоб бериб қўя қолдим.

– Дидлар ҳар хил бўлади, – деди изқувар Кафф. – Менимча, дунёда бундан ҳам ёқимсизроқ денгиз манзараси бўлмаса керак. Агар сизга шу соҳилдан бирорта одамни кузатиб боришга тўғри келса-ю, у одам тўсатдан ўтирилиб қараса, сиз яшириниш учун биронта ҳам қулай жой тополмайсиз. Менинг иккидан бирини танлашдан бошқа иложим қолмагани – ё Розаннани турмага тикишим керак эди, ёхуд нимаики қилса, унинг ихтиёрига қўйиб беришим керак эди. Сизга сабабларини тушунтириб, ортиқча зериктириб ўтирмайман. Сиз билан менга маълум бўлган кимсани ортиқча хавотирлантирмаслик учун, мен баъзи бир қурбонларга боришим маъқул бўлди. У кимсанинг номини ҳам атамай қўя қолайлик. Мен уйга қайтдим ва сиздан мени соҳилнинг шимолий томонига бошқа йўлдан олиб боришни илтимос қилдим. Қум мен биладиган искочичлар ичида энг яхшиси. Унда из жуда яхши сақланиб қолади. Агар биз Розанна Спирманни қайтаётганда учратмасак, қоронғи тушиб қолмасдан қум бизга унинг қаерда бўлганини аниқ айтиб беради. Мана қум, авф этасиз – мен сизга индамай боришни маслаҳат бераман. Марҳамат қилиб, мени олдинга ўтказиб юборинг.

Агар докторларга изқуварлик жазаваси деган касал маълум бўлса, ҳозир каминаи камтаринингиз худди шу касалга чалиниб қолди. Изқувар Кафф қумлоқ адрларни оралаб соҳилга чиқди. Мен унинг кетидан бордим. Юрагим қинидан чиқиб кетгудай бўларди. Берироқда туриб, нима бўлишини кута бошладим.

Теварак-атрофимга ўтирилиб разм солсам, мистер Фрэнклин Лондондан келиб, бирдан қаршимизда пайдо бўлиб қолган куни Розанна Спирман мен билан гаплашган жойнинг ўзгинасида турибман. Нигоҳим изқуварнинг ортидан эргашгани ҳолда, фикрларим беихтиёр ўша куни Розанна билан менинг ўртамда содир бўлган воқеага йўналди. Гапимга ишонаверинг – унга айтган ширин сўзларим учун шўрлик қиз миннатдорлик билан қўлимни қистанларини ҳис қилгандай бўлдим. Ишонаверинг – мен унинг овозини эшитаётгандай бўлдим, Билқиллама қумлар ихтиёримга қарши мени ўзига тортади деганини эсладим, адрлар ортидан беҳосдан пайдо бўлиб қолган мистер Фрэнклинни кўрганда унинг юзи ёришиб кетганини яна кўраётгандай бўлдим. Юрагим сиқилгандан сиқилаверди, ташвишли фикрлардан қутулиш учун теварак-атрофимга қараганимда эса хавотирлигим янада ортди.

Оқшомнинг сўнги шуълалари липиллаб сўниб борарди. Бу қайғули жойни эса аллақандай маъшум сукунат чулғаб олганди. Океан тўлқинлари биронта ҳам товушсиз қумлоқ соҳилни ювиб ётарди. Денгиз сатҳи уфққача ҳаракатсиз, тунд ястаниб ётар, бирон шабада сув юзини жимирлатмас эди. Сувнинг ўша сатҳида парча-парча оқ-сарик лойқалар сузиб юрарди. Денгизда шимол ва жануб томондан қаққайиб турган иккита катта қоя оралигига оқшомнинг сўнги шуълалари тушиб турар ва у жойларда лойқа билан кўпик липиллаб кўриниб қоларди. Денгиз суви қайта бошлади ва мен Билқиллама қумларнинг сатҳи бужмайиб, қимирлай бошлаганини кутдим. Бу мана шу лаънати жойда кўриш мумкин бўлган ягона ҳаракат эди.

Мен изқуварнинг қум билқиллай бошлаганини кўриб, титраб кетганини

сездим. У икки дақиқача қумларга қараб турди-да, кейин бурилиб ёнимга келди.

– Жуда ярамас жой экан, мистер Беттереж, – деди у. – Қажоққа қараманг, бефойда. Розанна Спирманнинг ҳеч қаерда изи йўқ.

– У мени соҳилга яқинроққа бошлади. Мен қумда ўзимнинг ва унинг изларидан бошқа ҳеч нарса йўқлигини кўрдим.

– Балиқчилар қишлоғи бизнинг қайси томонимизда. – деб сўради изкувар Кафф.

– Коббс-Голл, – деб жавоб бердим мен (қишлоқ шундай деб аталарди), – бу ердан жануб томонда.

– Бугун кечкурун мен қизнинг Коббс-Голлдан чиқиб, соҳил бўйлаб шимол томонга кетганини кўрдим. Демак, у шу ерга йўл олган бўлиши керак. Коббс-Голл анави буруннинг нариги томонидами? Биз ўша томонга соҳил бўйлаб ўтолмаймизми? Сув анча тушиб қолди-ку?

Мен иккала саволга ҳам тасдиқ жавобини бердим.

– Мен сиздан тезроқ юришни илтимос қилсам, мени маъзур тутасиз, – деди изкувар. – Мен қоронғи тушмасдан олдин Розанна соҳилдан тушган жойни излаб топишим керак.

Назаримда, биз Коббс-Голл томонга икки юз қадамча юрганимиздан кейин, изкувар Кафф бирданига ибодат қилгиси келиб қолгандай, тиз чўкиб олди.

– Сизнинг денгизингиз манзараси фойдасига бир-икки оғиз гапирса бўлади, – деди у. – Мана, аёл кишининг оёқ излари, мистер Беттереж! Уларни Розаннанинг оёқ излари дейлик. Буни рад этадиган асосли далиллар топмагунимизча, шундай деб турайлик. Излар жуда чалкаш. Ўйибор беринг-а, улар атайин чалкашгирилган. Эй, шўрлик! У бечора ҳам менга ўхшаб, қумга ишониб бўлмаслигини, қум сир яшира олмаслигини яхши биларкан. Аммо у изларни сидириб ташлашга ҳаддан зиёд шошилмадимикин? Мана, излардан бири Коббс-Голл томонга кетган, бошқаси эса тескари томонга йўналган. Қаранг-а, ботинкасининг тумшуги тўғри сув томонга қараган. Мана, соҳил бўйлаб борганда, сувнинг яқинида яна иккита пошнанинг изини кўряпман. Мен сизнинг туйғуларингизга тил теккизмоччи эмасману, лекин, менимча, Розанна жуда айёр экан. Розанна биз ҳозиргина турган жойимизга бормоқчи бўлгану, лекин буни қумда из қолдирмай қилишга уринган – унинг изларига қараб, топиб олишимиздан кўрққан. Фараз қилиш мумкин – у орқа томонимиздаги қоя чиқиб турган жойга етгунча сувдан борган, кейин ўша йўл билан қайтган, сўнгра яна соҳил бўйлаб кетган. Соҳилда эса иккита пошнанинг изи сақланиб қолган. Ҳа, шундай деб ўйлаш мумкин. Бу Розанна кулбадан чиқиб келганида плашининг тагида нимадир яшириб олган эди, деган тахминимга мос келади. Йўқ! У ўша буюмни йўқ қилмоқчи бўлган эмас – шундоқ бўладиган бўлса, унинг борган жойини яшириш учун қилган шунча уринишларига ҳожат қолмас эди. Розанна ўша нарсани шу ерга яшириб қўймоқчи бўлган – менимча шундай деб тахмин қилсак, тўғрироқ бўлади. Балки кулбага кирсак, унинг нима олиб чиққанини билиб олармиз?

Менинг изкуварлик жазавам бирдан ўтиб кетди.

– Менинг сизга керагим йўқми? – деб сўрадим мен. – Сизга қандай фойдам тегиши мумкин?

– Сизни тобора чуқурроқ билганим сари, мистер Беттереж, – деди изкувар, – кўпроқ фазилат топмоқдаман. Камтарлик! О, Парвардигор! Бу дунёда камтарлик деган нарса жуда ҳам камёб нарса, лекин мана шу ноёб фазилат сизда ҳўб бисёр экан! Агар мен кулбага ёлғиз ўзим кирсам, унинг эгалари биринчи саволни беришим биланоқ сергакланиб қолишади. Агар сиз билан бирга кирсам, мени уларга ҳурматли қўшнилари таништиради. Суҳбатимиз ҳам табиий руҳ касб этади. Мен бу ишни шу тарзда тасаввур қияпман. Хўш, сиз-чи? Сиз қандай тасаввур қиласиз?

Мен ўзим тилаганчалик зудлик билан дурустроқ жавоб ўйлаб тополмадим, шунинг учун вақтдан ютиш мақсадида қайси кулбага кирмоқчисиз деб сўрадим.

Изкувар кирмоқчи бўлган кулбасини таърифлаб берди – мен дарров билдимки, бу Йолланд деган балиқчининг кулбаси. Йолланд бу ерда хотини ва икки фарзанди – бўйи етган қизи ҳамда ўғли билан бирга туради. Агар

сиз жиндий орқага ўгирилиб ўтган гапларни эсласангиз, мен сизнинг эътиборингизга биринчи марта Розанна Спирманни ҳавола қилар эканман, у бу ерга — Билқиллама кумларга келганида аҳён-аҳёнда Қоббс-Голлдаги дўстлариникига кириб-чиқишини айтган эдим. Уша дўстлари Йолландлар эди. Улар кўп мўътабар, ҳурматли одамлар эди. Бундай одамлар теварак-атрофимизнинг хусни ҳисобланади. Розаннанинг улар билан дўстлашуви қизи туфайли содир бўлган. Қизнинг оёғи ногирон эди, уни ҳамма Оқсоқ Люси деб чақирарди. Жисмонан ногирон бўлган бу икки қиз, афтидан, бир-бирига қандайдир эҳтиёж ҳис қилишган бўлса керак. Ҳарҳолда, нима бўлганда ҳам, Йолландлар билан Розанна камдан-кам учрашиб қолган ҳолларда бир-бирлари билан жуда илиқ дўстона муносабатда бўлишган. Шунинг учун изкувар Каффнинг қизни таъқиб этиб, Йолландларнинг кулбасигача етиб келгани унинг ёрдам бериш ҳақидаги илтимосига мени бошқача муносабатда бўлишга ундарди. Розанна тез-тез бориб турадиган жойга борган, бинобарин, унинг балиқчи оиласининг ҳузурда бўлганини исбот қилиш қизнинг мулақо гуноҳсизлигини исбот қилиш билан баробар эди. Демак, изкувар Каффнинг илтимосини бажо келтириш билан Розаннага заҳмат етказилмас, балки фойда қилинар эди.

Биз Қоббс-Голл томонга йўл олдик ва буткул қоронгу тушиб улгурмасдан, кумдаги изларни кўрдик.

Биз кулбага етиб борганимизда маълум бўлдики, балиқчи ўғли билан қайиқда денгизга чиқишган экан, Оқсоқ Люси доимо заифа ва тез чарчайдиган бўлгани учун юқорида — ўзининг ётоғида истироҳат қилмоқда экан. Мехрибон миссис Йолланд бизни ошхонада ёлғиз ўзи қабул қилди. Изкувар Каффнинг Лондондан келганини, Лондонда унинг донғи кетганини эшитгач, миссис Йолланд столга бир шиша Голланд ароғини, бир жуфт янги трубка қўйди ва гўё изкуварга қараб тўймаётгандай, унга тикилганича қолди.

Мен бир бурчақда хотиржамгина ўгириб, изкуварнинг Розанна Спирман ҳақида гап бошлашини кутдим. У, одатда, гапни узоқдан айлангириб келарди — бу гап ҳам шундай бўлди. У гапни қирол оиласидан, балиқнинг нарх-навосидан бошлади ва булардан аста-секин Ойтошнинг йўқолишига, катта оқсочимизнинг бахиллигига, оқсоч аёлларнинг Розанна Спирманга ёмон муомала қилишига ўтди. Шундай қилиб, асосий масалага етганда, у ўзи тўғрисида гапириб, олмоснинг йўқолиши ҳақида маълумотлар тўплаётганидан мақсади — бир чеккаси, олмосни топиш бўлса, бир чеккаси Розаннани бизнинг хонадонимиздаги душманларининг ноҳақ шубҳа-гумонларидан халос этиш эканини айтди. Келганимиздан кейин чорак соат ўтар-ўтмас мехрибон миссис Йолланд Розаннанинг энг қадрдон дўсти билан гаплашаётганига ишонч ҳосил қилган эди. У зўр бериб изкувар Каффни овқатдан еб ўтиришга ва ароқдан ичиб, руҳини тетик қилиб олишга ундарди.

Мен изкуварнинг миссис Йолланд билан пачакилашиб, вақтни бекорга ўтказаетганига амин эдим. Шунинг учун уларнинг гапига бир вақтлар артистларнинг ўйинини томоша қилгандай бепарвогина қулоқ солиб ўтирардим. Машҳур Кафф ҳайрон қоладиган даражада бардошли одам экану, бирдан нишонга тегиб қолса ажаб эмас деб, бирин-кетин ўқларини узарди ва шу йўл билан ундай қилиб ҳам, бундай қилиб ҳам омадини синашдан чарчамади. Лекин Розаннанинг шаънига доғ тушадиган бирон нарса топа олмади. У ҳар қанча ҳаракат қилмасин, уринишлари беҳуда кетди. Миссис Йолланд бўлар-бўлмас гапларни жаврарди, изкуварга кўр-кўрна ишонарди. Ниҳоят, биз соатга қараб, кетиш учун кўнгалганда, изкувар сўнгги марта бирор натижага эришишга уриниб кўрди.

— Энди мен сизга хайрли кеч тилайман, хоним, — деди изкувар, — хайрлаша туриб яна айтаман, каминаи камтаринингиз Розанна Спирманга фақат яхшилик тилайман, лекин гапимга ишонаверинг — унинг бу хонадонда қолиши керак эмас. Менинг маслаҳатим — бу ердан кетсин.

— Ё тавбангдан кетай, у аллақачон кетишга аҳд қилган, — дея хитоб қилди миссис Йолланд.

Розанна Спирман бизни тарк этмоқчими?! Мен қулоқларимни динг қилдим. Бу ҳақда у на менга, на миледига бир оғиз айтмагани менга ҳаддан ташқари

галати кўринди. Кўнглимда шубҳа уйғонди; изқувар Каффнинг сўнгги ўқи нишонга тегдимикин? Мен аввал ўйлаганимдек, ўзимнинг бу ишда иштирок этишим шунчаки беозор иш бўлганига шубҳалана бошладим. Балки изқувар ҳалол бир аёлни ўзининг ёлгон тузоқларининг тўрига илгинтириб, сирни очиб қўйишга мажбур қилгандир. Аммо менинг бир художўй одам сифатидаги бурчим — ёлгоннинг отаси шайтон эканини, шайтон билан ёмонлик эса ҳаммавақт бир-бирига яқин юришини эслашдан иборат эди. Ҳавода аллақандай нохуш нарсани сезиб, мен изқуварни олиб кетишга жазм қилдим. Аммо у шу лаҳзадаёқ ўтирди-да, голланд ароғидан яна бир қултум ичиб руҳини тетиклаб олгани ижозат сўради. Миссис Йолланд унинг рўпарасига ўтириб ароқдан куйиб берди. Мен юрагим така-пука бўлиб эшик томон йўналдим. Сизлар билан хайрлашмасам бўлмайди, дедим, шекилли, лекин ҳадеганда пайсалланиб, чиқиб кетолмай турардим.

— Шундай қилиб, у ишдан кетмоқчи бўляпти, денг? — деб сўради изқувар. Бу ердаги ишдан кетса, нима иш билан шуғуланади. Афсус, афсус. Шўрлик қизнинг сиз билан мендан бошқа бу дунёда ҳеч қими йўқ.

— Бор! — деб эътироз билдирди миссис Йолланд. — Мен боя сизга айтганимдек, у бутун кечкурун бизни келган эди, қизим Люси ва мен билан бироз гаплашиб ўтиргач, юқорида Люсининг хонасида бир кеча шундай ёлғиз ўтиришга рухсат сўради. Бизнинг уйимизда фақат шу хонада сиёҳ билан ручка бор. “Мен бир қадрдонимга мактуб ёзишим керак, — деди у, афсуски, ўзимизникида бемалол ёзолмайман, дугоналарим орқамдан пойлаб юришади”. Бу мактуб кимга аталганини айтиб беролмайман. Фақат у жуда узун мактуб эди. Чунки Розанна уни ёзиб бўлгунча юқорида анча вақт қолиб кетди. У пастга тушганда мен унга почта маркасини бермоқчи бўлдим. Аммо унинг кўлида мактуб йўқ эди, маркани ҳам олмади. У шўрлик, ўзингиз биласиз, ҳар нарсани очилиб-сочилиб гапиравермайди. Лекин аллақайда унинг дўсти бор — бу масалада мен сизга қафилман — ҳадемай шу дўстининг олдига кетади. Ҳа, шу гапим эсингизда турсин.

— Яқин ўртадами. — деб сўради изқувар.

— Иложини қилиши билан, — деб жавоб берди миссис Йолланд.

Гап шу ерга келганда ўзимни эшикдан олиб қочдим. Ахир, миледининг хизматкорбошиси сифатида менинг ҳузуримда бизнинг оқсочимиз ишдан кетадими-кетмайдими деган мазмундаги бетакаллуф гап давом этишига йўл қўймас эдим-да!

— Сиз Розанна Спирман масаласида адашяпсиз, шекилли, — дедим мен. — Агар у ишдан кетишни ихтиёр этган бўлса, бу тўғрида ҳаммадан аввал менга айтган бўларди.

— Адашяпман! — деб хитоб қилди миссис Йолланд. — Бир соатгина аввал у менинг ўзимдан йўлга деб бир неча нарса сотиб олди, мистер Беттерез! Ҳа, худди мана шу хонада. Ҳа-я, айтганча, — деб гапини бўлди-да, чўнтагини кавлай бошлади миссис Йолланд, — менга бироз Розаннанинг ҳақи ўтиб қолганди. Уйга қайтганингизда уни бирортангиз кўрарсиз, ахир?

— Сизнинг топширигингизни бажонудил бажараман, — деб жавоб берди изқувар Кафф, мен бирор сўз айтишга улгурмай.

— Миссис Йолланд чўнтагидан бир неча шиллинг ва олти пенелик тангаларни олиб, Каффтида бирин-кетин жуда ҳам синчиклаб санаб чиқди. Кейин тангаларни изқуварга узатди, лекин унинг афт-ангоридан бу тангалардан ажрагиси келмаётгани шундайгина кўриниб турарди.

— Розаннага менинг саломим билан бирга шу пулларни ҳам бериб қўёлмайсизми? — деди миссис Йолланд. — Унга бутун кечкурун баъзи буюмлар керак экан. Шуларнинг ҳаққини албатта, оласиз деб туриб олди. Биз эса пулга доимо муҳтожмиз — ўзингиздан қолар гап йўқ. Лекин ҳарҳолда мен шўрлик қиздан не азобларда жамгарган пулини олганимдан хижолатдаман. Сизга очигини айтсам, эрим эртага эрталаб ишдан қайтиб келиб, Розанна Спирмандан пул олганимни эшитса, унча хурсанд бўлмайди, албатта, марҳамат қилиб, унга айтинг, у сотиб олган нарсаларни мен мамнуният билан унга сова қиламан. Пулни столда қолдирманг, — деди миссис Йолланд гўё пуллар унинг бармоқларини куйдираётгандай, уларни изқуварнинг олдига ташлади,

— бўлмаса, замон оғир, кўз қурғур оч, пулларни қайтариб, чўнтагимга солиб кўйишим ҳам ҳеч гап эмас.

— Юринг, — дедим Каффга. — Мен ортиқ кутолмайман, уйга қайтишим керак.

— Ҳозир орқангиздан чиқаман, — деб жавоб берди изкувар Кафф.

Иккинчи марта мен эшикнинг олдида бордим ва иккинчи марта, яна ҳар қанча истамай, остонадан ҳатлаб ўтолмай, туриб қолдим.

— Бировга пулни қайтариш — жуда нозик иш, хоним, — деган изкуварнинг овози қулоғимга чалинди. — Сиз шундоқ ҳам жуда арзон сотган бўлсангиз керак?

— Миссис Йолланд шамни олиб, изкуварни ошхонанинг бир бурчагига бошлади. Агар ҳатто гап менинг ҳаётим устида кетганида ҳам, мен уларга эргашмай кўймас эдим. Бурчақда ҳар хил эски-туски нарсалар (кўпроқ турлитуман темир-терсак) бир уюм бўлиб ётар эди. Буларни балиқчи ҳар хил вақтларда чўкиб кетган кемалардан йиғиб олгану, ҳали сотиб улгурмаган экан. Миссис Йолланд уюмга қўлини тикиди-да, унинг ичидан эски японча қалайи қути олди. Унинг қопқоғи бор эди. Қопқоғи устида эса қутичани осиб кўйиш учун ҳалқа ўрнатилганди. Бундай қутиларни кемаларда жўғрофия ва денгиз хариталарини солиб кўйиш учун ишлатишган — қутича уларни намдан яхши сақлаган.

— Мана! — деди у. — Бугун Розанна бу ерга келганида, у худди шунақа қутини танлаб олди. “Мана шу қути ярайди, — деди у, — энглариим билан ёқаларимни шунга содман, чамадонда эзилиб қолади”. Бир шиллингу тўққиз пенс, мистер Кафф. Ёлгон гапирсам тил тортмай ўлай, ярим пенс ҳам ортиқ эмас.

— Жуда арзон экан! — деди изкувар оғир хўрсиниб. У қутичани қўлида салмоқлаб кўрди. Менинг назаримда қутига қараганча “Ёзнинг сўнги атиргули”ни хиргойи қилгандай бўлди. Шак-шубҳа қолмади — у Розанна Спирманга заҳмат етказадиган қандайдир янги бир нарсани кашф қилганди, — яна бунинг устига изкувар ўз кашфиётини мен қиз учун энг бехатар деб ҳисоблаган жойда қолди. Бунинг барига мен сабабчи бўлдим. Ичимдан нималар ўтганини, мистер Каффнинг миссис Йолланд билан танишувига ёрдам берганим учун қанақа ўқинганларимни тасаввур қилиш ўзингизга ҳавола!

— Бас, энди, — дедим мен, — кетайлик, бўлди.

Менга заррача ҳам эътибор бермай миссис Йолланд яна уюмга қўлини тикиди-да, бу гал ундан бир занжирни олди.

— Мана буни ҳам салмоқлаб кўринг, сэр, — деди у изкуварга. — Бизда бунақа занжирдан учга бор эди, Розанна иккитасини олди. “Бунақа занжирни нима қиласиз, азизим?” — дедим мен. “Мен уларни бир-бирига улаб, чамадонимни устидан боғлаб оламан” деди у. “Арқон арзонроқ-ку!” — дедим мен. “Занжир мустаҳкамроқ” — деди у. “Чамадонни ҳам занжир билан боғлайдими?” деб сўрадим мен. “О, миссис Йолланд, йўқ деманг, — деди у, — занжирингизни берақолинг”. Галати қиз-да, мистер Кафф, нақд олтин; менинг қизим Люсини туғишган синглицидай яхши кўради, лекин доимо галати қилиқлари бор. Хўп, дедим. Бердим занжирни унга. Уч шиллинг-у, олти пенс.

— Биттасими? — деб сўради изкувар.

— Икковига, — деб жавоб берди миссис Йолланд. — Икковига уч шиллингу олти пенс.

— Текинга берибсиз-да, хоним, — деб бошини чайқади изкувар, — текинга берибсиз.

— Мана, унинг пуллари, — деди миссис Йолланд стол устида ётган бир тўп кумуш тангаларнинг ёнига борар экан. Чамаси, бу пуллар уни ихтиёрдан ташқари ўзига тортар эди. — Розанна фақат шу қалайи қути билан иккита занжирни олди. Бир шиллингу тўққиз пенс ва уч шиллингу олти пенс — ҳаммаси бўлиб, беш шиллингу уч пенс. Унга таъзим бажо келтириб айтингки, шўрлик қиздан пул олгани виждоним йўл кўймаяпти. Ахир у бу пуларни не азобда жамгарган. Булар унинг бир кунига яраб қолади.

— Менга эса, хоним, виждоним пулни қайтариб беришга йўл кўймаяпти, — деди изкувар Кафф. — Сиз шундоқ ҳам бу буюмларни унга сотмабсиз, совға қилибсиз.

– Сиз буни чин юракдан айтяписизми, сэр? – деб сўради миссис Йолланд бирдан чехраси ёришиб.

– Бунга заррача шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас, – деб жавоб берди изкувар. – Ишюнамсангиз, мистер Беттереждан сўранг.

Мендан сўрашнинг сира ҳам ҳожати йўқ эди. Улар мендан фақат битта сўз эшитишга муваффақ бўлишди:

– Яхши қолинглар.

– Э, қирилиб кетсин шу пуллар! – деб бирдан хитоб қилди миссис Йолланд.

Шу сўзлар билан у гўё бутунлай ўзини йўқотиб қўйгандай, бир тўп кумуш тангаларни чангалига олди-да, шоша-пиша чўнтагига солди.

– Ерда пул ётса-ю, уни оладиган одам бўлмаса, тутақиб кетаман, деди миссис Йолланд. Бу аёл шундай деди-ю, бирдан столга ўтириб олди-да, изкувар Каффа бақрайиб қараб қолди. Унинг юзида гўё “пул яна чўнтагимга қайтиб тушди, қани, энди уни олиб кўринг-чи!” – дегандай ифода бор эди!

– Бу гал мен остонага яқинлашиб бордимгина эмас, уйга жўнашга қатъий аҳд қилиб, ундан ҳатлаб ҳам ўтдим. Буни қандай хоҳласангиз, шундай изоҳлайверинг-у, лекин мен шуни ҳис қилдимки, улардан биттаси ёки икковлари биргаликда мени жуда қаттиқ ҳақорат қилишди. Бир неча қалам қўймасимданоқ, орқамдан етиб келаётган изкуварнинг қалам товушларини эшитдим.

– Мени бу аёл билан таништириб қўйганингиз учун миннатдорман, мистер Беттереж, – деди у. – Мен балиқчининг хотини туфайли бутунлай янгича нуқтаи назарга эга бўлдим. Миссис Йолланд мени ҳайрон қолдирди.

Тилимнинг учиди қаттиқ тегадиган жавоб айланарди, гап шундаки, изкувардан жаҳим чиққан эди, чунки ўз-ўзимдан хафа эдим. Аммо у ҳайронликдан қотиб қолганини эътироф этганида, мен Розаннага чиндан ҳам катта зарар етказганимга шубҳалана бошладим. Изкувар яна нима деркин, деб мен камсуқумлик билан индамай кутиб турардим.

– Ҳа, – деди изкувар гўё менинг фикрларимни ўқийётгандай. – Менга изни топишга қўмаклашиш ўрнига сиз, мистер Беттереж, менга яна бир жумбоқ орттирдигиз. Биламан, Розаннага гард юқмасин дейсиз. Гапимни эшитиб, хурсанд бўлаётгандирсиз, албатта. Бу қизнинг хатти-ҳаракатлари бутунча аниқ-равшан. У иккала занжирни қалайи қутининг ҳалқасига боғлаган, кейин бу қутини сувгами ё қумгами тиқиб қўйган, занжирнинг иккинчи учини қоянинг тагидаги бирор нарсага боғлаб қўйган. Қаерга боғлагани, албатта, фақат унинг ўзига маълум. Ҳозир олиб борилаётган тергов тамом бўлмагунча, у қутини ўша жойда қолдириб туради, сўнг бемалол, истаган вақтида қутини яшириб қўйган жойидан олиши мумкин. Шу нуқтагача ҳаммаси мутлақо равшан. Аммо, – деб илова қилди изкувар – мен унинг оҳангида шунча пайтдан бери биринчи марта намоён бўлган тоқатсизланиши белгиларини сездим, – бу қалайи қутининг ичига у нимани яширдийкин? Ҳамма гап шунда.

Мен ичимда “Ойтош!” деб ўйладим. Аммо изкувар фақат бир нарсани айтди, холос:

– Наҳотки фаҳхламаётган бўлсангиз?

– Бу олмос эмас, – деб давом этди у. – Агар Розанна Спирман олмосни олган бўлса, унда менинг бутун ҳаётим давомида орттирган тажрибам сариқ чақага арзимас бўлиб чиқади.

Бу сўзларни эшитишим билан менда яна изкуварлик жазаваси тутиб қолди. Мен бу янги тахминга шу қадар қизиқиб қолдимки, ўзимни унугар даражада эҳтиётсизлик билан:

– Бўёқ теккан кийим! – деб хитоб қилиб юбордим.

Изкувар Кафф тўсатдан қоронгилик ичида тўхтади-да, қўлини қўлимга қўйди.

– Билқиллама қумларингизга бирон нарса ташланса, у яна қайтиб юзага чиқадими? – деб сўради у.

– Асло! – деб жавоб бердим мен, – енгил буюм бўладими, оғир нарсани, барибир. Билқиллама қумлар уни мангуга ютиб юборади.

– Розанна Спирман буни биладими?



– Мен қанчалик яхши билсам, у ҳам менчалик билади, албатта.

– Демак, бўёқ теккан либосга бирор тошни ўраб, Билқиллама кумларга ташлаша кифоя эди, – деди изкувар. – Кийимни бирор нарсанинг ичига яширишга заррача ҳожат йўқ эди. Ҳолбуки, унинг яширганига шак-шубҳа йўқ. Демак, масала бундай, – деб илова қилди у юришда давом этар экан, – бўёқ теккан юбка ёки кофта ёхуд бошқа бирон буюм ҳар нима қилиб бўлса-да, албатта, сақлаб қолиш керак бўлган нарсамиди? Мистер Беттереж, агар ҳеч нарса халақит бермаса, мен эртага Фризинголлга бориб, Розанна бўёқ теккан кийим ўрнига янгисини тикиш учун шаҳардан ҳеч кимга билдирмай газмол олиб келган кунни унинг нима харид қилганини аниқ билиб келишим керак. Ишларнинг ҳозирги аҳволида уйдан чиқиб кетиш қалтис иш, лекин кўр-кўрона ҳаракат қилишда давом этиш янада қалтисроқ. Кайфиятим бузуклиги учун мени авф этасиз – ўз-ўзимга ҳурматимни йўқотиб қўйдим – Розанна Спирман мени боши берк кўчага олиб кириб қўйди.

Биз қайтиб келганимизда хизматкорлар кечки овқат устида ўтиришарди. Ҳовлида бизга рўпара келган биринчи одам инспектор Сигрэв изкуварнинг иштиёрига қолдириб кетган полициячи бўлди. Мистер Кафф ундан Розанна Спирман қайтиб келдими, деб сўради. Ҳа. Қачон? Бир соатча олдин. Келиб нима иш қилди? У юқорига чиқиб, уст-кийимларини ечиб тушди, ҳозир бошқа хизматкорлар билан бирга овқатланиб ўтирипти.

Ҳеч қандай танбеҳ бермасдан изкувар Кафф орқа эшикка йўналди – унинг борган сари ўз-ўзига ҳурмати сусайиб бораётгани сезилиб турарди. У қоронғида эшикдан ўтиб кетди, мен уни чақирсам ҳам тўхтамай кетаверди. Ниҳоят, боққа олиб чиқувчи эшикча олдига бориб тўхтади. Уни қайтариб олиб келиш учун олдига борсам, у уйнинг нариги томонидан юқори қаватдаги ётоқнинг деразасига тикилиб турган экан.

Ўз навбатида мен ҳам ўша томонга қардим. Қараб билдимки, изкувар мисс Рэчелнинг деразасини кузатмоқда экан. Деразадан кўринаётган чироқ у ёқдан-бу ёққа липиллаб бориб келмоқда эди – тўёки хона ичида аллақандай ғалати нарсалар рўй бермоқда эди.

– Бу мисс Вериндернинг ётоғи, шекилли? – деб сўради изкувар Кафф.

Мен унинг гапини тасдиқладим ва уни ўз хонамга кечки овқатга таклиф қилдим.

Изкувар минғирлаб кечки пайтлар тоза ҳаводан нафас олишни ёқтираман деди-да, ўрнидан қўзғалмади. Мен уни табиатдан ҳузурланаверсин деб, ўша жойда қолдирдим. Қайтаётиб, кичкина эшик ёнида “Ёзнинг сўнгги атиргули” куйини эшитдим. Изкувар Кафф қандайдир янги кашфиёт қилган эди. Бу гал унинг кашфиётига ёш бекамнинг деразаси ёрдам берди.

Сўнгги фикр мени яна изкуварнинг ёнига қайтишга мажбур қилди. Қайтиб келиб, тавозе билан уни ёлғиз қолдиришга журъат қилолмаётганимни айтдим.

– Бунда сизга бирон нарса англашилари бўлмаётганими? – деб илова қилдим мен мисс Рэчелнинг деразасини кўрсатиб.

Овозига қараганда изкувар Кафф йўқотган ҳурматини қайтадан топиб олган эди.

– Сиз – йоркширликлар гаров ўйнашни яхши кўрасизлар, шекилли? – деб сўради у.

– Ҳўш, нима бўпти? Ҳа, яхши кўрамиз.

Агар мен йоркширлик бўлганимда, – деб давом этди изкувар, – мен сиз билан, мистер Беттереж, гаров ўйнардим – менимча, сизнинг ёш бекангиз бу уйни тарк этмоқчи. Агар бу гаровни ютсам, иккинчи гаровга ҳам тайёрман – бекангизнинг бу ердан кетиш ҳақида бир тўхтама келганига бор-йўғи бир соат бўлган, холос.

Изкуварнинг биринчи тахминини эшитиб кўрқиб кетдим. Иккинчи тахмини эса миямда полисменнинг Розанна Спирманнинг Билқиллама кумлардан бир соатча олдин қайтгани ҳақидаги маълумоти билан айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Бу тахминларнинг иккови ҳам менга ғалати таъсир кўрсатди. Биз кечки овқатга борар эканмиз, мен қўлимни изкувар Каффнинг қўлидан чиқариб олдим-да, ҳар қандай одобни эсдан чиқариб, ундан олдин ўзим эшикдан кириб бордим.

Бундан мақсад – янги маълумотларни ўз кулоқларим билан эшитмоқчи эдим.

Даҳлизда дуч келган биринчи одамим — хизматкор Самюэль бўлди.

— Миледи сиз билан мистер Каффни кутяпти, — деди у мен унга савол беришга улгурмай.

— Анчадан бери кутяптими? — деди орқамдан келаётган изкувар.

— Бир соатча бўлди, сэр.

Яна! Розанна бир соатча олдин қайтипти. Мисс Рэчель бир соатча олдин аллақандай бир гаройиб қарор қабул қилипти, миледи бир соатдан бери изкуварни кутиб ўтирипти. Бир-биридан фарқ қилувчи одамлар ва буюмларнинг шу тарзда бир-бири билан боғланиб кетаётганини кўриш анча нохуш эди. Мен изкувар Каффни кутиб ўтирмай ва унга индамай юқорига йўналдим. Бекамнинг хонасини тақиллатиш учун кўлимни кўтаришим ҳамон кўлимга тўсатдан титроқ кирди.

— Агар бугун бу уйда бирон жанжалли воқеа бўлса, — деб шишиди изкувар орқамдан, — бундан мен заррача таажжубланмайман. Кўрқманг. Мен ўз ҳаётимда бундан баттароқ оилавий можароларга ҳам дуч келганман.

У бу сўзларни айтиб улгурмай, мен бекамнинг овозини эшитдим — у киши ичкарига киришимизни буюрдилар.

## 16 б о б

Хонада лампа ёниб турарди. Миледи, одатда, шу лампа ёруғида китоб ўқирди. Хонада шундан бошқа чироқ йўқ эди. Лампанинг қалпоғи шу қадар паст тушириб қўйилган эдики, миледининг юзини яшириб турарди. Ўзининг одатдаги тўғрилиги билан бизнинг юзимизга тик қараш ўрнига миледи стол ёнида ўтирганича, очиқ турган китобга кўзларини қадаб олган эди.

— Мистер Кафф, — деди у, — ҳозир сиз олиб бораётган тергов иши учун бу уйни бирор киши тарк этмоқчи бўлаётганини олдиндан билишнинг аҳамияти борми, йўқми?

— Фавқулудда катта аҳамияти бор, миледи.

— Ундай бўлса, сизга айтишим керакки, мисс Вериндер Фризинголлга аммасиникига, миссис Эбльвайтникига кўчиб кетмоқчи. Мисс Вериндер эртага эрталаб жўнаб кетади.

Изкувар Кафф менга қаради. Мен бекам билан гаплашиш мақсадида бир қадам олдинга юргандим, — сизга эътироф этишим мумкин, — бунга кучим етмаслигини ҳис этдим ва бир оғиз ҳам гап айтмай, яна жойимга турдим.

— Сўрашга ижозат беринг, хоним-афанди, мисс Вериндер аммасиникига жўнашни қачон ихтиёр этди? — деб сўради изкувар.

— Бунга бир соатча бўлди, — деди менинг бекам.

Изкувар Кафф яна менга қаради. Кекса одамнинг юраги тез урмайди дейишарди. Бўлмаган гап. Менинг юрагим шунақа тез уриб кетдики, агар мен ҳозир бирдан йигирма беш яшар йигитга айланиб қолганимда ҳам, унинг бу қадар тез уриши маҳол эди.

— Мен эса Вериндернинг хатти-ҳаракатларини назорат қилишга ҳаққим йўқ, — деди изкувар. Мен фақат бир нарсани ўғиниб сўрайман — иложи бўлса, мисс Вериндер кетишни қолдириб турса. Мен ўзим эртага эрталаб Фризинголлга боришим керак. У ердан олдинроқ бўлмаса, соат иккиларга қайтиб келаман. Агар мисс Вериндер ўша пайтгача бу ерда туришга рози бўлсалар, қайтганимдан кейин у кишига икки оғиз гап айтган эдим. Сафар олдиндан бу кутилмаган гап бўларди.

Миледи шу ондаёқ менга фармойиш бериб, кучерга мисс Рэчель учун каретани кундузи соат иккида қўшишни тайинлашни айтди.

— Айтадиган яна бирон гапингиз борми? — деб сўради кейин миледи.

— Фақат бир илтимос, хоним-афанди: агар мисс Вериндер буйруғингиз ўзгариб қолганига ҳайрон бўлса, унинг кетишини қолдиришга мен сабабчи бўлганимни айтмасангиз.

Бекам гўё бир нарса демоқчи бўлгандай, бирдан китобдан бошини кўтарди, лекин бир амаллаб гапиришдан ўзини тийди-да, яна очиқ саҳифаларга нигоҳини қадаб, қўл ҳаракати билан бизга ижозат берди.

— Ажойиб аёл экан-да! — деди изкувар Кафф даҳлизга чиққанимизда, — агар у ўзини шунчалик тугабилмаганида, мистер Беттереж, бизни гарант қилаётган жумбоқ шу бугун ҳал бўларди.

Шу сўзларни эшитганда менинг қариб ачиган миямда ниҳоят ҳақиқат липиллаб ўтгандай бўлди. Бир дақиқа давомида буткул ақлдан озиб қолдим, шекилли. Мен изкуварнинг ёқасидан олиб, деворга тақадим.

— Жин урсин сизни! — деб қичқирдим мен. — Мисс Рэчелга бир нарса бўлиптию, шу пайтгача буни мендан яшириб юрибсизми?

Деворга тақалган изкувар на қўлимни қимирлатди, на унинг тунд юзида биронга мускули сесканди. У фақат менга қаради, холос.

— Э-ҳа! — деди у. — Ниҳоят, фаҳмладингиз.

Мен унинг ёқасини қўйиб юбордим, бошим эгилиб, кўксимга тушди. Лов этиб қизишиб кетганимни оқлаш учун, марҳамат қилиб, менинг бу хонадонга эллик йилдан бери хизмат қилишимни эсланг. Мен изкувар Каффдан кечирим сўрадим, лекин, назаримда, буни кўзда ёшим билан, ахлоқ-одоб қоидаларига унча риоя этмай қилдим.

— Хафа бўлманг, мистер Беттереж, — деди изкувар мен ундан кутишим мумкин бўлгандан кўра ортиқроқ олижаноблик билан. — Агар биз шу касбимизни қилиб юриб, ҳар нарсага хафа бўлаверадиган бўлсак, ҳеч нарсага арзимайдиган одамлар бўлардик. Агар сизга қай бир даражада таскин бераолса, майли, яна менинг ёқамдан олақолинг. Буни қандай қилиш кераклиги ҳақида сизда жиндай ҳам тасаввур йўқ, сизнинг туйғуларингизни эътиборга олиб, бу борадаги ношудлигингизни кечираман.

У лабларини бужмайтирди, афтидан, қойилмақом ҳазил қилдим деб ўйлади, шекилли. Мен уни ўзимнинг кичкина хонамга олиб кирдим-да, эшикни ичидан қулфладим.

— Менга ростини айтинг, мистер Кафф, — деб гап бошладим. — Нимадан гумон қилаяпсиз ўзи? Энди буни мендан яширсангиз, ўта шафқатсизлик бўлади-ку!

— Мен гумон қилаётганим йўқ, — деб жавоб берди изкувар Кафф. — Мен аниқ биламан.

— Сиз мени бир нарсага ишонтирмакчи бўляпсиз, чамамда, — деб хитоб қилдим. — Айтмоқчисизки, мисс Рэчель ўзининг олмосини ўзи ўғирлаган!

— Ҳа, — деб жавоб берди изкувар, — мен сизга худди шуни айтмоқчи эдим. Мисс Вериндер Ойтошни ҳаммадан беркитиб, ўз хонасида яширган ва бошидан охиригача бунда фақат Розанна Спирманга ишонган. Чунки мисс Вериндер аниқ ишонганки, биз ўғрилиқни Розанна Спирмандан кўраимиз. Мана, сизга ишнинг бўлгани. Каффдагидек равшан. Мени яна ёқамдан олинг, мистер Беттереж. Агар сиз шу йўл билан жанг-манглигингизни енга олсангиз, майли, яна ёқамдан олақолинг.

Ўзинг қўлга, худойим! Бу йўл билан жанг-манглигимни енга олмасдим.

— Далилларингизни айтинг, бўлмаса! — мен унга фақат шу сўзларни айтаолдим, холос.

— Сиз менинг далилларимни эртага эшитасиз, — деб жавоб берди изкувар, — агар мисс Вериндер аммасиникига жўнашни кечиктиришдан бош тортса, — ҳали ўзингиз кўрасиз, у бош тортади, — мен эртага бор гапни сизнинг миледингиз ҳузурда очиб ташлашга мажбур бўламан. Бунинг ҳаммасидан нима чиқишини билмайман, шунинг учун сиздан гапираётганимда бирга, рўй берадиган воқеаларга гувоҳ бўлишингизни илтимос қиламан. Ҳозирча бу ишни қўйиб турайлик. Ойтош ҳақида, мистер Беттереж, мендан ортиқ бир сўз ҳам эшитмайсиз. Столингиз устида кечки овқат турипти. Овқат масаласи менинг инсоний заифликларимдан биридир. Мен бу эҳтиёжни ўз вақтида қондиришни ёқираман. Сиз хизматкорларингизни чақириб бўлунингизча, мен ибодат қилиб оламан. Бизга берадиган егуликлари масаласига келсак...

— Мен сизга яхши ишгаҳа тилайман, мистер Кафф, — дедим мен. — Ишгаҳам бўғилди. Мен қўятурарман. Ҳозир сизнинг хизматингизни ўрнига қўйишларини ўзим назорат қилиб тураман. Кейин эса, мени маъзур тугасиз, чиқиб кетаман-да, танҳоликда ўзимни қўлга олишга уриниб кўраман.

Мен унга энг танқис овқатлардан келтиришганини кўрдим. Кошки эди бу овқатлар ундан тешиб чиқса — ҳеч хафа бўлмасдим.

Кайфиятим бузук, ичимни хавотирлик кемиряпти. Холироқ ўтириб ўйлайдиган хонам йўқ, шунинг учун айвонга йўл олдим — ўша ерда юриб, ҳамма нарсани сукунат ва хотиржамлик ичида ўйлаб олмоқчи бўлдим.

Ҳаёлимни Самюэлнинг келиши бўлиб юборди — у менга миледиининг хатини олиб келибди.

Мен чироқ ёруғида бу хатни ўқиб чиқиш учун уйга йўл олишим билан Самюэль “ҳаво ўзгарса керак” деб қолди. Ташвишим бошимдан ошиб ётгани учун буни мен ўзим пайқамай қолибман. Аммо энди Самюэль бунга диққатимни жалб қилгандан кейин қарасам, итлар жуда бесаранжом, шаббода ҳам аста эсиб турипти. Осмонга қарасам, булутлар борган сари қуюқлашиб боряпти ва улар ойнанинг хира юзини тобора тезроқ қошлаб олмоқда. Бўрон яқинлашмоқда эди. Самюэлнинг гапи тўғри — бўрон яқинлашмоқда.

Миледи хатида мени хабардор қилиб, Фризинголл судьяси унга учта ҳинди ҳақида ёзиб юборганини айтипти. Келаси ҳафтанинг бошида муттаҳамларни авахтадан бўшатиш керак экан, бинобарин, улар нима қилсалар, ихтиёрлари ўзларидан бўлар экан. Агар биз ҳиндилардан яна нималарнидир сўрамоқчи бўлсак, вақтни бой бермаслик керак экан. Менинг бекам изкувар Кафф билан учрашганда буни эслатишни унутипти. Бекам менга бу паришонхотирликни зудлик билан тузатишни буюрипти. Ҳиндилар бугунлай ҳаёлимдан кўтарилиб кетишти (албатта, улар сизнинг ҳам ҳаёлингиздан кўтарилиб кетган бўлса керак). Бу масалага яна қайтишдан тузукроқ бир фойда чиқишига кўзим етмай қолувди. Лекин шунга қарамай, шу лаҳзадаёқ бекамнинг буйруғига итоат этдим.

Изкувар Кафф бир шиша шотланд ароғини майдалаб ўтирган экан. Унинг олдида миледиининг хатини кўйдим.

Ўша кезларда мен изкувардан деярлик нафратлана бошлаган эдим. Аммо инсоф юзасидан эътироф этишим керакки, топқирлик бобида ҳар қалай бу жуда ажойиб одам эди.

Хатни ўқиб чиққандан кейин ярим дақиқа ҳам ўтар-ўтмас, у инспектор Сигрэвнинг маълумотида ҳиндилар ҳақида гапирилган жойини эслади ва дарҳол жавобни тайёр қилди. Инспектор Сигрэвнинг маълумотида ҳиндиларнинг ўзини ва уларнинг тилини яхши билган бир машҳур сайёҳ ҳақида гапирилган эди, шундоқ эмасми? Жуда яхши! Шу жентльменнинг номи ва манзилени биламанми? Яна жуда соз! Миледиининг хатининг орқасига ёзиб беролмайманми? Гоят миннатдорман. Изкувар Каффнинг ўзи Фризинголлга борганида ўша жентльменнинг ҳузурига кириб чиқади.

— Бундан бирор нарса чиқишига ишонасизми? — деб сўрадим мен. Инспектор Сигрэв ҳиндиларни гўдакдай бегуноҳ деб ҳисобляпти.

— Шу пайтга қадар инспектор Сигрэвнинг ҳамма тахминлари нотўғри чиқди, — деб жавоб берди изкувар. — Эртага инспектор Сигрэвнинг ҳиндилар масаласида ҳам адашган-адашмаганини текшириб кўрсак, чакки бўлмас эди.

Йўлақда мен Пенелопани учратдим ва ундан нимани кутиб турганини сўрадим.

У эртанги сафарга нарсаларни жойлаш учун бекасининг кўнғироғини кутиб турган экан. Кейинги суриштиришлардан маълум бўлдики, мисс Рэчель бу уйда туrolмайдиган бўлиб қолипти, полиция ходимининг уйда бўлишига чидаши мумкин бўлмай қолипти. Шу сабабдан Фризинголлга аммасиникига кўчиб ўтишга аҳд қилипти. Ярим соатча аввал унинг кетиши соат иккигача кечиктирилганини билиб, мисс Рэчель ҳаддан ташқари газабланипти. Буни кўриб миледи унга қаттиқ танбеҳ берипти, кейин эса (афтидан, қизига холироқда бир нарса демоқчи бўлиб) Пенелопани хонадан чиқариб юборипти. Қизим уйимиздаги вазият ўзгариб кетганидан қаттиқ хафа бўлиб, тумтайиб олган эди.

— Ҳамма нарса изидан чиқиб кетди, дадажон. Аввалгидай саришгалик қолмади. Сезиб турипман, ҳаммамизнинг бошимизга қандайдир оғир бир кулфат тушади.

Мен ўзим ҳам буни сезмоқда эдим, аммо Пенелопанинг олдида ҳамма нарсани жойида қилиб кўрсатишга ҳаракат қилдим. Биз гаплашиб турганимизда, мисс Рэчелнинг кўнғироғи чалинди. Пенелопа нарсаларни жойлаштиргани юқорига югурди. Мен бошқа йўл билан даҳлиз томонга кетдим — барометрни кўриш керак, об-ҳавонинг ўзгариши ҳақида нима деяётганикин?

Мен эшикка яқинлашдим. Эшик ўзи ёпилар эди. Бу эшикдан қуйидаги залга кириларди. Мен яқинлашишим билан эшик бирдан очилди-ю, ичкаридан Розанна Спирман югуриб чиқиб, ёнимдан ўтиб кетмоқчи бўлди. Унинг юзида бир даҳшатли изгиробнинг изи бор эди. Худди юраги огриётгандай, кўли билан юрагини маҳкам чангаллаб олганди.

– Сизга нима бўлди, азизим? – деб сўрадим мен уни тўхтатиб. – Тобингиз қочгани йўқми?

– Худо ҳаққи, менга гапирманг, – деб жавоб берди у ва кўлимдан юлқиниб чиқиб, орқа томондаги зинага қараб югурди.

Мен ошпаз аёлдан (у шу атрофда эди) шўрлик қизнинг орқасидан боришни илтимос қилдим. Яна иккита одам ошпаз хотин каби яқин ўртада экан. Изкувар Кафф менинг хонамдан аста чиқиб келди-да, нима бўлганини сўради. Мен ҳеч нарса бўлгани йўқ деб жавоб бердим. Мистер Фрэнклин эшикни ичкари томондан очди-да, даҳлизга бошини суқиб, Розанна Спирманни кўрмадингизми, деб сўради.

– У ҳозиргина олдимдан югуриб ўтиб кетди, сэр. Кайфияти жуда ёмон. Қандайдир ғалати гапларни гапирди.

– Кайфиятининг бузилишига беихтиёр мен сабаб бўлдимми, дейман-да, Бетгерез.

– Мен дейсизми, сэр?

– Буни сира ҳам тушунтириб беролмайман, – аммо қиз олмоснинг йўқолишига даҳлдор бўлса, назаримда, у ҳозиргина ҳамма нарсани бўйнига олишга тайёр эди, шекилли. Лекин нима учун у бу гапларни келиб-келиб менга айтмоқчи бўлдийкин?

У сўнгги сўзларини айтаётганида мен тасодифан эшикка қарадим. Назаримда, эшик ичкари томондан сал-пал қия очилгандай бўлди.

Наҳотки, у ерда кимдир қулоқ солиб турган бўлса? Мен эшик ёнига бордим – эшик зичлаб ёпиб қўйилган эди. Мен уни очиб, йўлакка қарадим. У ерда изкувар Кафф фракининг қора этаги кўрингандек бўлди. Каффнинг ўзи эса бурчакка ўтиб ғойиб бўлди. Унинг тергови ҳозир бошқача тус олиб кетди. Бундай вазиятда у мендан ёрдам ололмаслигини яхши биларди. Бундай вазиятларда ундан фақат бир нарсани кутиш мумкин эди – у ўзига-ўзи ёрдамга келарди, келганда ҳам ҳозиргига ўхшаш ҳуфиёна тарзда келарди. Лекин ҳозир изкуварни кўрганимга ишончим комил эмас. Шундоқ ҳам кулфат етарли бўлиб турган жойда янги кулфатларни кўзгашни истамай, мистер Фрэнклинга итлардан бири уйга қирган бўлса керак, деб қўя қолдим ва Розанна билан ўрталарида нима гап ўтганини менга айтиб беришни илтимос қилдим.

Мистер Фрэнклин биллиардни кўрсатди.

– Мен биллиард ўйнаётган эдим, – деди у. – Шу билан олмос ҳақида машғум ишни калламдан чиқариб, бироз чапимоқчи эдим. Тўсатдан бошимни кўтарсам, рўпарамда арвоҳдек Розанна Спирман турипти. У хонага кишибилмас тарзда кириб олипти. Аввалига нима қилишни билмай қолдим. Унинг нимадандир ҳаддан ташқари кўрқиб кетганини кўриб: “Менга айтадиган бирон гапингиз борми?” – деб сўрадим. У жавоб берди: “Ҳа, журъатим етса...” Ундан гумондор эканларидан хабардор бўлганим учун унинг гапларини мен фақат бир маънода тушунишим мумкин эди. Очигини айтганда, мен ўзимни жуда ноқулай сеза бошладим. Мен бу қизнинг сир у асроридан воқиф бўлишга хоҳишим йўқ эди. Айни чоқда бизни қуршаб турган ҳозирги қийинчиликлар муҳтига агар у менга чиндан ҳам бирор гап айтмоқчи бўлса, унинг гапини эшитмасликка ҳаққим йўқ. Аҳвол анча хижолатлик эди. Мен бу аҳволдан анча ношудлик билан чиқдим, шекилли. Мен унга дедим: “Мен сизни унча тушуна олмаяпман. Нима билан сизга фойдам тегиши мумкин?” Шуни назарда тутинг, Бетгерез, – мен у қиз билан дағал гаплашганим йўқ. Бечора қиз унча кўҳлик эмас экан, бунда унинг нима айби бор? Кий ҳамон кўлимда эди – мен хижолатимни яшириш учун соққаларни думалатишда давом этдим. Ҳолбуки, бу билан мен ишни янада расво қилдим.

Мен ўзим заррача истамаган ҳолда қиз бечорани таҳқирлаб қўйдим, шекилли. У бирдан тескари ўтирилди ва мен унинг: “У биллиард соққаларига қараяпти!

У истаган нарчасига қараши мумкин, фақат менга қарамаса, бас”, деганини эшитдим. Мен уни тугиб қолишга улгурмай, қиз залдан югуриб чиқиб кетди. Кўнглим жуда бесаранжом, Беттереж, Розаннага бориб айтолмайсизми – мен қиз бечорани хафа қилмоқчи эмас эдим. Эҳтимол, хаёлимда мен унга нисбатан бағритошлик қилгандирман – олмоснинг йўқолганини унга тўнкаса бўлади, деб умид қилишимга сал қолган эди. Лекин буни шўрлик қизга ёмонлик учун қилганим йўқ... Аммо...

Шундай деб, у индамай қолди ва яна биллиард столига қайтиб, соққаларни юмалата бошлади. Изқувар билан менинг орамда рўй берган воқеадан кейин мистер Фрэнклин қайси гапини айтмай чала қолдирганини мен унинг ўзидан яхшироқ билардим.

Ойтошни бизнинг иккинчи оқсочимиз ўғирлагани аниқ бўлса, фақат шундагина изқувар Каффнинг кўнглида мисс Рэчелга қарши ўрнашиб қолган шубҳалар тарқалиши мумкин эди. Энди гап ёш бекамнинг асабларини тинчитиш ҳақида эмас, унинг гуноҳсизлигини исботлаш устида кетмоқда эди. Агар Розанна ҳеч нарса билан ўзининг шаънига доғ туширмаган бўлса, мистер Фрэнклиннинг ундан кўзлаган умиди, унинг ўзи эътироф этганидек, виждонан айтганда қизга нисбатан шафқатсизлик бўларди. Аммо иш бу аҳволда эмас эди. У ўзини касалга солди ва яширин тарзда Фризинголга бориб келди. У туни билан ухламасдан, ниманидир ҳеч кимга билдирмай йўқ қилди. Яна у шу оқшом ҳаддан ташқари шубҳали тарзда Билқиллама кўмларга бориб келди. Розаннага ҳар қанча раҳмим келмасин, ана шу сабабларнинг ҳаммасига кўра мен мистер Фрэнклиннинг бу ишга қараши табиий ва оқилона деб ўйламаслигим мумкин эмас эди. Мен унга бу тўғрида айтдим.

– Ҳа, ҳа, – деб жавоб берди у. – Аммо ҳали умид бор. Жуда оз даражада бўлса-да, умид бор – Розаннанинг хулқ-атворини бизга ҳозирча кўринмай турган аллақандай сабаблар билан изоҳласа бўлар. Мен аёлларнинг туйғуларини таҳқирлашни ёмон кўраман, Беттереж. Мен сиздан илтимос қилган гапларни шўрлик қизга етказинг. Агар у мен билан гаплашишга хоҳиш билдирса – шу туфайли менинг бошимга мусибат тушадими – йўқми, барибир, қизни менинг хузуримга кутубхонага юборинг.

– Ана шу илиқ сўзлар билан у қўлидаги кийни қўйди-да, хонани тарк этди.

Хизматкорлардан суриштириб билдимки, Розанна ўзининг хонасига кириб кетишти. Ошпаз хотин ёрдам-пордам керак эмасми деган экан, йўқ депти-да, мени тинч қўйинглари деб илтимос қилишти. Бугун энди у бирор кимсага бориб арз-дод қилиши амримаҳол эди. Мен бу гапларни мистер Фрэнклинга етказдим. У шу заҳотиёқ кутубхонани тарк этиб, ухлагани кетди.

Мен чироқларни ўчириб, деразаларни ёпаётганимда Самюэль изқувар Кафф ҳақида гап топиб келди – уни уйнинг пастки қаватида ҳеч қаердан излаб топишолмапти. Мен ўзимнинг хонамни қарадим. У ерда ҳеч ким йўқ эди. Фақат стол устида бўш стакан турар ва ундан илитилган шароб ҳиди гушиллаб бурунга уриларди. Балки изқувар унга тайёрлаб қўйилган ётоққа ўзи чиқиб кетгандир? Кўриб келиш учун юқорига чиқдим.

Иккинчи қаватдаги майдончага етиб борганимда, чап томондан кимнингдир бир меъёрда аста-аста нафас олаётганини эшитдим. Майдончанинг чап томонида йўлак бор эди, йўлакнинг этакроғида эса мисс Рэчелнинг хонаси бор. Йўлакка қарадим. У ерда учта стулни йўлакка кўндаланг қўйиб, оқ сочли бошига қизил дастрёмолини боёлаб олиб, қора фракени буклаб, бошининг тагига қўйган ҳолда изқувар Кафф ухлаб ётарди. Унга яқинлашишим биланоқ у ҳидни сезган итдек кўзини очди.

– Хайрли тун, мистер Беттереж, – деди у.

– Бу ерда нима қиялсиз? – деб сўрадим мен. – Нега ўринга ётмадингиз?

– Ўринга ётмаганимнинг боиси шуки, – деб жавоб берди изқувар, – бу аянчли дунёда анча-мунча одам – улар тирикчилик учун маблағни дабдурустан тез, осон ва ҳалол қўлга киритолмайдилар. Мен шу тоифага мансубман. Бугун кечкурун Розанна Спирманнинг Билқиллама кўмлардан қайтиши билан мисс Вериндернинг уйни тарк этиш ҳақида қарор қилиши орасида ўтган вақт ичида бир қатор ғалати воқеалар рўй берди. Розанна нима яширган бўлса ҳам,

сизнинг ёш бекангиз бунинг нималигини билмагунча уйдан жўнаб кетолмайди. Бу менга аниқ. Кечаси уйда ҳамма тингандан кейин уларнинг иккови бир-бири билан маҳфий тарзда алоқа боғламоғи керак. Мен бунга халақит бермоқчиман. Ётоқ масаласидаги фармойишнингизни бузганим учун, мистер Беттереж, мени койиманг, олмосни койинг.

– Кошки эди, шу олмос ҳеч қачон бизнинг уйимизда пайдо бўлмаган бўлса... – деб юбордим беихтиёр.

Изкувар Кафф ўзи учун ётоқ қилиб олган учта стулга ғамгин қиёфада назар ташлади-да, жавоб берди:

– Мен ҳам шуни истардим...

## 17 б о б

Кечаси ҳеч нарса рўй бермади. Мамнуният билан илова қиламанки, мисс Рэчелъ билан Розанна учрашиш учун ҳеч қанақа ҳаракат қилишгани йўқ – изкувар Каффнинг хушёрлиги бу гал панд берди.

Мен изкувар Каффни эрта биланоқ Фризинголлга жўнаб кетади деб ўйлагандим. У эса аввал аллақандай ишни қилиб олмоқчи бўлгандай, кетишини пайсала солди. Мен Каффни ўз хаёлларининг оғушида қолдириб, уйдан чиқдим ва орадан кўп ўтмай, бутазорда – севимли хиёбонида мистер Фрэнклинга рўпара келдим.

Биз бир-икки оғиз гаплашиб, улгурмасимиздан, кутилмаганда изкувар Кафф ёнимизга келди. Эътироф этишим керак, мистер Фрэнклин уни анчамунча такаббурлик билан қарши олди.

– Сиз менга бирон нарса демоқчимисиз? – Каффнинг мистер Фрэнклинга хайрига эрта тилаб қилган хуш муомаласига жавоб шу бўлди.

– Ҳа, мен сизга баъзи бир гапларни айтмоқчиман, сэр? – деб жавоб берди изкувар, – мен бу ерда ўтказётган тергов масаласида. Кеча тергов ишлари қандай тус олаётганидан хабардор бўлдингиз. Албатта, сизнинг аҳволингизда бундан табиий равишда, хафа бўлдингиз ва таҳқирландингиз. Шунингдек, оилавий можаро туфайли жазавага тушганингиз учун, муғлақо табиий равишда ҳамма ғазабингизни менга сочяпсиз.

– Сизга нима керак? – деб анча кескин оҳангда унинг гапини бўлди мистер Фрэнклин.

– Сизга нима керак дейсизми? Шу пайтгача вазият менинг адашаётганимни тасдиқлаганча йўқ. Шуни сизга эслатиб қўймоқчиман, сэр. Шуни назарда тутган ҳолда, менинг полиция ходими эканимни ва бу ердан хонадон бекасининг тошшириги билан иш юритаётганимни ҳам эсланг. Ишнинг ҳозирги ҳолатида, менга ёрдам бериш сизнинг бурчингизми, йўқми? Шуни айтинг-чи! Сизда, эҳтимол, алоҳида маълумотлар бўлиши мумкин. Фуқаро сифатида ўшаларни менга айтишингиз мумкинми-йўқми?

– Иштиримда ҳеч қанақа алоҳида маълумотлар йўқ, – деб жавоб берди мистер Фрэнклин.

Изкувар Кафф бу жавобни қабул қилмади, гўё мистер Фрэнклин ҳеч нарса демагандай тураверди. Кейинроқ ғамгин оҳангда:

– Агар бурчингизни тушуниб, менга очиқ-ойдин гапирсангиз, вақтимни тежашга ёрдам берган бўлардингиз, – деди изкувар.

– Мен сизни тушунаётганим йўқ, – деб жавоб берди мистер Фрэнклин. – Ундан ташқари, айтадиган гапим ҳам йўқ.

Уларнинг ёнида индамай турар эканман, кеча кечкурун қия турган эшикни ва йўлакда липилаб кўринган қора фракнинг этагини эсладим. Шак-шубҳа йўқки, мен халақит бергунга қадар изкувар Кафф анча гапни эшитган экан, шундан у Розаннани мистер Фрэнклин Блэква нималарнидир айтиб, енгил торган бўлса керак деб шубҳаланяпти.

Бу фикр миямга келиб улгурмасдан, бутазордаги хиёбоннинг этагида Розанна Спирманнинг ўзи пайдо бўлди. Унинг кетидан Пенелопа эргашиб келарди. Афтидан, у Розаннани уйга қайтишга мажбур қилиш ниятида эди. Мистер Фрэнклин ёлғиз эмаслигини кўриб, Розанна нима қиларини

билмагандай, ҳайрон бўлиб тўхтаб қолди. Пенелопа унинг орқасида кутиб турарди. Мистер Фрэнклин қизларни мен билан баравар пайқади. Изкувар шайтондек муғамбир эмасми – ўзини қизларни сезмаганга солди. Буларнинг бари бир дақиқа ичида содир бўлди. Мистер Фрэнклин билан мен бир оғиз гап айтишга улгурмасимиздан олдин, изкувар Кафф гўё ҳеч нарса бўлмагандек, гўё бошлаган гапни давом эттираётгандай, Розанна эшитиши мумкин бўлган баланд овозда деди:

– Бирон кимсага зиён-заҳмат етказаман деб қўрқмасангиз бўлади, сэр. Аксинча, агар сиз Розанна Спирманга қайишаётган бўлсангиз, мени ишончингизга ноил қилсангиз дейман, холос.

Мистер Фрэнклин ҳам шу заҳотиёқ ўзини қизларни пайқамаганга солди. У ҳам баланд овозда жавоб берди.

– Мен Розанна Спирманга сира қайишаётганим йўқ.

Хиёбоннинг этак томонига қараб, шу сўзлар мистер Фрэнклиннинг оғзидан чиқиши биланоқ, Розаннанинг бирдан орқага қайтиб кетаётганини кўрдим. Бир дақиқа аввал у Пенелопанинг гапига қирмай, қайсарлик қилиб турган эди. Энди бўлса, қаршилиқ қилиш ўрнига Розанна қизимга унинг қўлтиғидан олиб, уйга кириб кетишига йўл қўйиб берди.

Биринчи нонуштага кўнгироқ чалинди. Энди изкувар Кафф бирор нарса билиш иштиёқидаги уринишларини йиғиштиришга мажбур бўлди. У менга хотиржамлик билан деди:

– Мен Фризинголлга жўнайман, мистер Беттерез, кундузи соат иккиларгача қайтиб келаман.

Бошқа биронта сўз айтмай, у йўлига қараб кетди ва биз бир неча соатга ундан халос бўлдик.

– Сиз Розаннанинг олдида бу ишни тузатишингиз керак, – деди менга мистер Фрэнклин иккимиз ҳоли қолишимиз биланоқ, – гўё тақдир бу шўрлик қизнинг ҳузурида менинг зиммамга қўпол гапларни айтишни, дағал қилиқлар қилишни юклагандай. Ўзингиз кўриб турибсиз, изкувар Кафф иккала қизга ҳам тузоқ қўйган. Ахир у мени хижолат ёхуд қизнинг жаҳлини чиқаришга муяссар бўлганида эди, мени ё унинг мақсадига жавоб берадиган бирор гап айтишга мажбур қилиши мумкин эди. Ҳаяжонга берилиб кетиб, мен тошган чорамдан бошқа нарса тополмадим. Мен бу билан қизнинг бирор ортиқча гап айтишига халал бердим ва изкуварнинг қанақа одам экани менга аён эканлигини кўрсатиб қўйдим. Афтидан, Беттерез, кеча биз сиз билан гаплашганимизда изкувар қулоқ солиб турган кўринади.

“Қошки эди қулоқ солибгина турган бўлса! Ундан баттар!” – деб ўйладим мен. Изкувар менинг Розанна мистер Фрэнклинга ошиғу беқарор бўлиб қолгани ҳақидаги гапимни эслаб, атайин мистер Фрэнклиннинг Розаннага қайишиши тўғрисида гап бошлади. У мистер Фрэнклиннинг жавобини Розанна эшитишини истарди.

– Қулоқ солиб туриш масаласига келсак, – дедим мен (хулосаларимнинг иккинчи қисмини дилимда сақлаб), – бунга ўхшаш нарсалар давом этаверса, биз ҳаммамиз бахтсизлик бобида бир-биримизга шерик бўлиб қоламиз. Билинтирмай пойлаш, гап ўғирлаш бизнинг ҳозирги аҳволимизга тушган одамлар учун табиий нарса. Мен сиз айтган гапни унутмайман. Имкони бўлиши биланоқ, Розанна Спирманнинг ишини тўғрилашга ҳаракат қиламан.

– Сиз унга ҳали ўтган кунги оқшом ҳақида бир нарса деганингиз йўқми? – деб сўради мистер Фрэнклин.

– Йўқ, ҳеч нарса деганим йўқ.

– Бўлмаса гапирмай қўяқолинг. Мен қизнинг тавба-тазаррулари-ю, эътирофларини эшитиб қўяқолай. Ахир, изкувар икковимизни бақамти турганимизда қўлга тушириш пайида юрипти-ку! Менинг хулқ-атворимда изчилик етишмаяпти, Беттерез, шундайми? Агар олмос Розаннада бўлмаса, бу ишни қандай ҳал қилиш мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайман. Шуни ўйласам, юракларим орқага тортиб кетади. Ҳолбуки, мен изкувар Каффга қизни қўлга туширишга ёрдам бермоқчи ҳам эмасман, беролмайман ҳам.

Кўриб турибсиз, мантиқдан анча узоқ. Лекин мен ўзимни худди шундай ҳис қилмоқда эдим. Унинг аҳволи менга тушунарли эди. Умрингизда лоақал



бир марта бошингизда ўлим ҳақ эканини эсласангиз, сиз ҳам унинг аҳволини дарров тушунасиз.

Изқувар Фризинголга бориб-келгунча, уйимиздаги ва уйимиздан ташқаридаги аҳвол, қисқача айтганда, қуйидагича эди.

Мисс Рэчель ўз хонасида биқиниб олганича, аммасиникига кетиш учун карета беришларини кутмоқда эди. Миледи билан мистер Фрэнклин бирга нонушта қилишди. Нонушгадан кейин мистер Фрэнклин тўсатдан ўзининг кутилмаган ишларидан бирини қилди — у асабларини тинчйтиш учун уйдан чиқиб, анча узоқ муддат мобайнида сайр қилди. Унинг уйдан чиқиб кетганини фақат мен кўрдим. У менга изқувар қайтгунча қайтиб келишини айтди. Кеча кечкурун айтганимиздек, об-ҳаво ўзгарди. Сурункасига ёққан жаладан кейин тонг отгандан кейин кучли шамол бўлди. Шамол кун бўйи тингани йўқ. Булутлар аввалгидан ҳам қуюқлашган бўлса-да, ёмғир ёғмади. Бунақа об-ҳавода денгиз томонидан келаётган шамолнинг юлқишларига парво қилмайдиган ёш ва бакуват йигит мазза қилиб сайр қилса бўларди.

Нонушгадан кейин мен миледига рўзгордаги сарф-харажатларимизни кўздан кечиришга ёрдам бердим. Миледи фақат бир мартагини Ойтошга ишора қилди, ўшанда ҳам унинг номини тилга олишни ман этиш учун шундай қилди.

— Анави одам қайтиб келмагунча шошмай туринг, — деди у изқуварни назарда тутиб. — Ўшанда ҳаммамиз ҳақиқатни гапиришга мажбур бўламиз. Ҳозирча бизни ҳеч ким бунга мажбур қилаётгани йўқ.

Миледининг ҳузуридан чиқиб, хонамга борсам, қизим Пенелопа мени кутиб ўтирган экан.

— Отажон, ўгинаман сиздан, бориб Розанна билан бир гаплашинг, — деди у, — мен унинг аҳволидан жуда хавотирдаман.

Гап нимада эканини мен дарров тушундим. Лекин мен бир қоидага амал қиламан — эркак киши мавжудоти олий сифатида қаердаки иложи бўлса, ўша ерда аёл кишига таъсирини ўтказиши керак. Агар аёл киши мени бирор нарса қилишга мажбур этса, (қизим бўладими, бошқами, барибир) мен ҳаммаша бундан муддао нима эканини билишни истаيمان. Сиз уларни баҳонаи сабаб қидириб бош қотиришга қанча мажбур қилсангиз, улар бутун умрлари давомида ишакдек мулойим бўла борадилар. Улар аввал бир ишни қилиб қўйиб, кейин у ҳақда ўйлар эканлар, бу уларнинг гуноҳи эмас. Бу — уларнинг айтганига лаққа учадиган аҳмоқларнинг гуноҳи. Бу масалада Пенелопа айтган сабабни унинг ўзининг сўзлари билан баён қиламан:

— Отажон, мистер Фрэнклин ўзи истамаган ҳолда Розаннани қаттиқ ҳақорат қилиб қўйдими деб кўрқаман.

— Нега боя бутазорга борган экан? — деб сўрадим.

— Ўзининг ҳардамхаёллиги туфайли, — деб жавоб берди Пенелопа. — Буни ифодалашга бошқа сўз тополмадим. У мистер Фрэнклин билан нима бўлганда ҳам шу бугун эрталаб гаплашмоқчи бўлганди. Уни қайтариш учун мен қўлимдан келган ҳамма ишни қилдим. Буни ўзингиз кўрдангиз. Кошки эди, мистер Фрэнклиннинг оғир ботадиган гапларини эпитмасдан олдин Розаннани у ердан олиб кетолганимда...

— Бўлди, бўлди, — дедим мен. — Бекорга ваҳима қилаверма. Розаннани буткул ноумид қиладиган ҳеч нарса рўй бергани йўқ.

— Розаннани буткул ноумид қиладиган ҳеч нарса рўй бергани йўғу, отажон, лекин мистер Фрэнклин “мен Розанна Спирманга сира қайишаётганим йўқ” деган гапини қандай оҳангда айтди, эсингиздами?

— У шундоқ деган бўлса, бу билан изқуварнинг оғзига урмоқчи бўлганди.

— Мен унга айтдим буни, аммо, отажон, у бир неча ҳафтадан бери сурункасига шўрлик қизни таҳқирлаб, хафа қилиб келяпти. Устига-устак, бугун бунақа деб ўтирипти. Мистер Фрэнклин шу гапларни айтаётганда қизнинг авзойини кўриб кўрқиб кетдим, отажон. У бечора ўша гапни эшитиши билан тошдек қотиб қолди. У бирдангина одатдан ташқари даражада хотиржам бўлиб қолди. Ўшандан бери худди тушдагидек иш қиляпти.

Менинг юрагимни ваҳима босди. Пенелопа гапининг оҳангида ақлимни султ кетказган алланима бор эди. Мен кеча биллиардхонада мистер Фрэнклин билан Розанна ўртасида бўлиб ўтган можарони эсладим. Ўшанда қиз шўрлик худди

юрагидан зарба еган эди, энди бўлса у бечора яна энг нозик жойидан зарба еб ўтирипти. Бу кўргуликни қаранг, энди.

Розанна билан гаплашиб кўриш ҳақида мистер Фрэнклинга берган ваъдамни эсладим, ҳозир ваъдага амал қилишнинг айна фурсати етиб келганини англадим.

Розанна ранги сўниқ, ўзи ҳар доимдагидек хотиржам ва ораста, устида камгарона чиг кўйлаги — йўлакни супурмоқда эди. Фақат кўзлари ажабтовур хира эди — уни кўп йиғлаганидан шундай бўлган деб айтиб бўлмасу, лекин аллақандай нарсага мудом тикилиб туриш оқибатида шундай бўлган бўлиши мумкин. Балки бу хиралик унинг қайғули фикрларидан пайдо бўлган тумандир. Унинг теварагидаги нарсаларни у аллақачонлар юзлаб марта кўрган. Унинг куршовида кўрмаган нарсаси йўқ эди.

— Қани, бошингизни кўтаринг-чи, Розанна! — дедим мен. — Бўлмағур хаёллар билан ўзингизни қийнаманг. Мен сизга мистер Фрэнклиннинг баъзи бир гапларини айтгани келдим.

Мен унинг қаршисида бутун аҳволни ҳақиқий нуқтаи назардан баён қилиб бердим, бунда энг самимий ва дўстона ибораларни кўлаб, уни тинчитишга уриндим. Сиз аллақачон пайқаган бўлсангиз керак — мен аёл зотига нисбатан жуда қатъий қоидаларга амал қилиш тарафдориман. Аммо қандайдир тарзда аёлларга юзма-юз рўпара келганимда, бу қоидаларга амал қилолмай қоламан.

— Мистер Фрэнклин жуда яхши, эътиборли одам. Марҳамат қилиб, унга миннатдорлигимни етказинг.

Унинг менга жавобан айтган бор-йўқ гапи шу бўлди. Қизим боя менга Розанна ҳамма ишларини худди тушдагидек қилипти деган эди. Бунга қўшимча қилиб айтишим мумкин — у гапни эшитганида ҳам, жавоб берганида ҳам, худди тушдагидек қарахт эди. Мен унга айтган гапларни тушундим, йўқми, аниқ айтолмайман.

— Гапларимни англаётганингизга ишончингиз комилми, Розанна? — деб сўрадим мен.

— Мулақо комил.

У бу гапни жонли бир аёл эмас, гапирадиган кўгирчоқдай айтди. Гапираар экан, йўлакни супуришдан бир лаҳза ҳам тўхтагани йўқ. Мен иложи борица мутелик ва мулоимлик билан унинг кўлидан супургини олдим.

— Бас энди, кўйинг, азизим, — дедим мен, — ўзингиз ўзингизга ўхшамайсиз. Негадир қарахтсиз. Юрагингизда бир нарса борга ўхшайди. Мен сизга дўстман. Агар мабодо бирон-бир гуноҳ қилиб қўйган бўлсангиз ҳам, сизга дўстлигимча қоламан. Юрагингиздаги дардингизни айтинг менга, Розанна, торгинманг.

Бир вақтлар Розанна билан шундай гаплашадиган бўлсам, унинг кўзларида ёши шашқатор бўларди. Бу гал эса унинг кўзларида ҳеч қанақа ўзгариш содир бўлмади.

— Ҳа, — деди у ғайришуурий оҳангда, — ҳамма гапни очиқ айтиб бераман.

— Миледидами?

— Йўқ!

— Мистер Фрэнклингами?

— Ҳа, мистер Фрэнклинга.

Унинг бу гапига нима жавоб беришни билолмай қолдим. У шунақа аҳволда эдики, мистер Фрэнклин билан холи гаплашишдан қайтараман десангиз, буни сира ҳам англай олмас эди. Ҳолбуки, мистер Фрэнклин мендан худди шуни илтимос қилганди. Навбатдаги қадамимни пайпаслаб қўйгандек бўлиб, мен қизга мистер Фрэнклин сайр қилгани чиқиб кетганини айтдим.

— Майли, менга барибир, — деб жавоб берди у, — мен бутун энди мистер Фрэнклинни бошқа безовта қилмайман.

— Миледи билан гаплаша қолсангиз бўлмайдими? — деб сўрадим мен. — Бекамиз ҳаммавақт сизга жуда яхши муомалада бўлиб келдилар. Шундай меҳрибон аёл билан суҳбатлашсангиз, анча енгил тортардингиз.

У менга бир лаҳза жиддий назар билан синчклаб қараб турди — гўё менинг гапларимни хотирасига мустаҳкамлаб жойлаб олмоқчидай. Кейин кўлимдан супургини олди-да, йўлак бўйлаб аста юриб кетди.

– Йўқ, – деди у супуришда давом этиб. – Мен дардимни енгиллатишнинг яхшироқ йўлини биламан.

– Қанақа йўл экан?

– Марҳамат қилиб, ишимни давом эттиришга изн беринг.

Пенелопа унинг кетидан кириб, унга ёрдамни таклиф қилди. У жавоб берди:

– Йўқ! Зиммамдаги вазифамни ўзим бажармоқчиман. Миннатдорман сиздан, Пенелопа.

Сўнг у менга ўтирилди.

– Миннатдорман сиздан, мистер Беттерез.

Унга бирон нарса билан таъсир қилишнинг иложи йўқ эди. У билан гаплашадиган гап ҳам қолмади. Мен Пенелопага имо қилиб, мен билан бирга чиқиб кет, дедим. Биз чиқиб кетдик. У аввалгидек йўлакни худди тушида сулураётгандек қарахт аҳволда қолди.

– Унга доктор қарамаса бўлмайди, – дедим мен. – Биз бу ерда ожизмиз.

Қизим менга докторимиз мистер Канди бетоб эканини эслатди. Эҳтимол, эсингиздадир, бизниқда зиёфат бўлган оқшом у шамоллаб қолганди. Унинг мистер Эзра Женнингге деган ёрдамчиси бор эди. Албатта, у бизнинг хизматимизга тайёр эди. Лекин бизнинг теварак-атрофимизда уни биладиган одам кам эди.

Мен миледи билан гаплашиб кўрмоқчи бўлдим. Аммо миледи мисс Рэчель билан бирга эшикни беркитиб олган экан. Бекамнинг ўзи ичкаридан чиқмагунча уни кўришимнинг иложи йўқ эди.

Мен анча вақт бекорга кутиб турдим. Ниҳоят, катта зинанинг тепасидаги соат чорак кам иккига занг урди. Беш дақиқадан кейин кимдир уйимиз олдидаги йўлакдан чақирди. Мен бу овозни дарҳол танидим. Изкувар Кафф Фризинголдан қайтиб келган эди.

## 18 б о б

Катта эшик томон юриб, изкуварнинг зинадан кўтарилиб келаётганини кўрдим.

Орамизда бўлиб ўтган гап-сўздан кейин унинг ишларига қизиқаётганимни, жиндай бўлса-да, ошқора қилишга унча ҳушим йўқ эди. Аммо қизиқиш қуруғ шунақа кучли эдики, чидаб туrolмадим. Иззат-нафс деган нарсани бир чеккага йиғиштирдим-у, унинг ўрнига қуйидаги хитоб оғзимдан чиқди:

– Фризинголда қандай янгиликлар бор?

– Мен ҳиндиларни кўрдим, – деб жавоб берди изкувар Кафф, – ундан ташқари, ўтган пайшанба кuni Розанна шаҳарда яширинча нима харид қилганини билдим. Ҳиндиларни келаси ҳафтада чоршанба кун ҳибсдан чиқаришади. Улар бу ерга Ойтошни ўғирлаш учун келишган. Бунга менинг заррача шак-шубҳам йўқ. Мистер Мертвэт ҳам бунга сира шубҳа қилаётгани йўқ. Аммо бу ерда чоршанба кuni кечаси рўй берган воқеа уларнинг режаларини бузиб юборипти. Лекин олмоснинг йўқолишида улар бугунлай дахлсиз. Фақат мен сизга бир нарсани айтиб қўяй, мистер Беттерез – агар олмосни биз топмасак, улар топишади. Сиз ҳали бу уч кўзбойлоқчи ҳақида эшитасиз.

Изкувар ана шу ажойиб сўзларини айтаётганда, мистер Фрэнклин сайр қилиб қайтиб келмоқда эди. Мендан кўра унинг бардоши қаттиқ экан – у қизиқишини ошқор қилмай, ёнимиздан уйга ўтиб кетди. Мен эса иззат-нафсимни узил-кесил қурбон қилдиму, бу қурбонлигимдан иложи борича тўлароқ фойдаланишга аҳд қилдим.

– Ҳиндилар ҳақида гаширдингиз, Розанна-чи?

Изкувар Кафф бошини чайқалди.

– Бу жиҳатдан жумбоқ аввалгисидан ҳам чигаллашди. Мен Фризинголда унинг Молтби деган газмолфурушнинг дўконигача борганини аниқладим. У бошқа дўконлардан ҳеч нарса олмапти. На мовутфурушларнинг, на бичиқчиларнинг ҳузурига кирипти. Молбидан ҳам каттагина бўлак мато сотиб олипти-ю, ҳадеб унинг пишиқлигини суриштирипти. Олган нарсасининг миқдорига келсак, у тунги кўйлак учун етарли экан.

– Қимнинг тунги қўйлаги учун?

– Ўзиники учун-да, албатта. Пайшанба куни кечаси ярим тун билан тонги уч ўртасида, ҳали ҳамма маст уйкуда ётган вақтида, у Ойтошни қаерга яшириб қўйишни келишиб олгани бекаснинг хонасига кирган. У ердан қайтиб чиқаётганида тунги қўйлаги эшикдаги ҳали қурмаган бўёққа тегиб кетган. У қўйлақдаги доғни йўқотишнинг иложини қилолмаган, қўйлақни йўқотиб ташлашга ҳам журъат этолмаган. Қўйлақни йўқотиш учун унинг ўрнига худди шунақа қўйлақ қўйиб қўйиш керак эди. Унинг ичкийимларининг ҳаммаси тугал бўлмаса, шубҳа туғилиши мумкин эди-да.

– Бу Розаннинг тунги қўйлаги эканига қанақа далилингиз бор?

– Унинг Фризинголдан харид қилган матоси далил бўлади, – деб жавоб берди изкувар. – Агар гап мисс Вериндернинг ичқўйлаги ҳақида кетаётганда у батису, яна ҳар хил безаклар олиши керак эди. Уларнинг ҳаммасини бир кечада тикиб улгуриб бўлмайди. Бир бўлак оддий мато бўлса, бу демак, оқсоч аёлнинг оддий ичқўйлаги бўлади. Йўқ, йўқ, мистер Беттереж, буларнинг ҳаммаси равшан. Қийин жойи шу бўляптики, янги тунги қўйлақ тиккандан кейин, нега у бўёқ теккан қўйлақни йўқ қилиб ташлаш ўрнига яшириб қўйди. – деган саволга жавоб топиш мушкул бўляпти. Агар қизнинг ўзи бу саволга жавоб беришни истамаса, унда бу жумбоқни ечишнинг фақат битта йўли қолади – Билқиллама кумлардан қўйлақни излаш лозим бўлади. Шундагина ҳақиқат ошкор бўлиши мумкин.

– Қўйлақ яширилган жойни қандоқ топасиз? – деб сўрадим мен.

– Афсуски, сизнинг қизиқшингизни қондира олмайман, – деди изкувар.

– Бу – сир. Уни ошкора қилмоқчи эмасман.

Изкувар менинг қизиқшимни алангалатгани каби, мен ҳам сизнинг қизиқшингизни гуруллатмай қўяқолай деган ниятда сизга аввалдан бир гапни айтиб қўяй: изкувар Фризинголдан тингув ўтказишга ижозат олиб қайтганди. Бунақа ишларда тажрибаси зўр бўлгани учун, у Розанна қўйлақни қаерга яшириб қўйгани ҳақидаги мактубни ёнида олиб юрган бўлиши мумкин, деб тахмин қилган эди. Ҳарҳолда, вазият ўзгариб қолиб, анча вақт ўтгандан кейин Розанна ўша жойларга қайтадиган бўлиб қолса, мактуб асқотиб қолиши мумкин эди. Шу мактубни қўлга кирита олса, изкувар кўзлаган мақсадига етар эди.

– Энди эса, мистер Беттереж, – деб давом этди у, – ҳар хил тахминларни қўяйлик-да, ишга ўгайлик. Мен Жойсга Розаннани кузатишни тошширган эдим. Қани Жойс?

Жойс фризинголлик полисмен бўлиб, уни инспектор Сигрэв изкувар Каффнинг ихтиёрида қолдирган эди. Изкувар менга шу саволни берган дақиқада соат иккига занг урди. Худди шу лаҳзада мисс Рэчелни аммасиникига олиб кетиши керак бўлган извош дарвоза олдига келиб тўхтади.

– Бирйўла икки ишни қилиб бўлмайди, – деди изкувар ва мени тўхтатди – мен Жойсни қидиришга отланай деб тургандим. – Ҳаммасидан аввал мисс Вериндерни кузатиб қўймоқ керак.

– Ёмғир хавфи ҳали ўтиб кетмагани учун мисс Рэчелга усти ёпиқ извошни рўпара қилишди. Изкувар Кафф Сампоэлга извошчи ўгирадиган жойдан тушиб кетишни буюрди.

– Менинг бир оғайним дарвозадан сал нарироқда дарахтлар ортида кутиб турипти, – деди у. – Бу оғайним файтонни тўхтатмай сизнинг ёнингизга чиқиб олади. Сиз ўзингизни билмаганга олиб, тилингизни тийиб кетишингиз керак. Акс ҳолда чатоқ бўлиши мумкин.

Хизматкорларга шу маслаҳатни бергандан сўнг у жойига жўнади. Бу тўғрида Сампоэль нима деб ўйладикин – билмайман. Аммо мен учун бир нарса аниқ эди, агар мисс Рэчел уйимиздан чиқиб кетадиган бўлса, унинг чиқиши биланоқ, орқасидан хуфиёна кузатишмоқчи эди. Тавба, бекамнинг орқасидан-а! Опасининг извошида қиз орқасидан тушган айғоқчи! Шундан кейин мен изкувар Кафф билан гаплашадиган бўлсам, тилимни шартта қирқиб қўяқолардим.

Уйдан биринчи бўлиб миледи чиқди. У анча нарида зинанинг юқорисида туриб қолди. Бу ердан у ҳамма нарсани бемалол кўриб турарди. Миледи на

менга, на изкуварга лом-мим демади. У ҳавога чиқар экан, елкасига енгил мантосини ташлаб олган эди. Ҳозир қўлларини мантоси тагига яширганча, лабларини қисиб, қизини кутиб миледи ҳайкалдай турарди.

Бир дақиқадан кейин Рэчель чиқди. У аллақандай юмшоқ сариқ матодан тикилган бежиримгина костюм кийиб олган эди. Костюми унинг буюдойранг юзига жуда ярашганди. Нимчаси баданига ёпишиб турипти. Бошида башанг сават шляпа. Шляпанинг оқ пардаси бор. Қўлларида кўлқоп. Кўлқоп ҳам унинг бармоқларига иккинчи теридай ёпишиб турипти. Унинг ажойиб қора сочлари шляпа тагидан ялтираб кўринади. Кичкина қулоқчалари пушти чиганоқларга ўхшайди — ҳар бирида биттадан дур осилиб турипти. Унинг қомати узун бандлик нилуфарни эслатади. У бизга тезгина яқинлашиб келар экан, ҳар бир ҳаракати мушук боласиникидай абжир эди. Мен уни хушрўй чехрасида ҳеч қанақа ўзгариш ифодасини пайқамадим. Фақат унинг кўзларигина мен истаганимдан кўра чақноқроқ ва ўқрайган эди, лаблари эса шу даражада ранги кетиб, табассумдан ҳоли эдики, мен уларни таний олмадим. У шоша-пиша онасининг бетидан ўлди-да, “Мени кечирингга уриниб кўринг, онажон!” деди ва пардасини юзига қадар шитоб билан туширдик, ҳатто уни йиртиб юборди. Бир лаҳзадан сўнг у пиллапоялардан югуриб тушди-да, каретага ташланди — у гўё извошнинг ичига яшириниб олмоқчидай эди.

Изкувар Кафф ўз навбатида эпчиллигини намойиш этди. У Самюэлни туртиб, бир чеккага суриб қўйди-да, мисс Рэчель ўз жойига ўтириб улгурмасидан бир қўли билан очиқ эшикни ушлаганича, унинг қаршисида намоён бўлди.

— Сизга нима керак? — деб сўради мисс Рэчель юзидаги пардани кўтармай.

— Сиз жўнаб кетмасингиздан олдин, мисс, мен сизга битта гапни айтишим керак, — деб жавоб берди изкувар. — Мен сизга аммангизникига боришингизни тақиқлаб қўйишга журъат эта оламан. Мен фақат журъат қилиб, шуни айта оламанки, ҳозирги вазиятда сизнинг жўнаб кетишингиз ишимизнинг белига тепмоқда. Шунинг англасангиз-да, кетасизми, қоласизми — ўзингиз ҳал қилсангиз.

Мисс Рэчель унга лоақал жавоб ҳам бермади.

— Йўлга тушинг, Жемс! — деб қичқирди у кучерга.

Изкувар бошқа бирон оғиз гапирмай, извошнинг эшигини ёпди. Изкувар эшикни ёпаётган дақиқада мистер Фрэнклин зинадан югуриб тушди.

— Ҳайр, Рэчель, яхши боринг! — деди у қизга қўлларини узатиб.

— Йўлга тушинг! — деб қичқирди Рэчель аввалгидан баландроқ овозда. У изкувар Каффга заррача эътибор бермагани каби, мистер Фрэнклинга ҳам сира парво қилмади.

Мистер Фрэнклин худди яшин ургандай турган жойида тахта бўлиб қолди. Извошчи нима қилишини билолмай, миледига қаради. Миледи ҳамон зинанинг тепасида қимир этмай қотиб турарди. Бекамнинг юзида газаб, алам ва хижолат туйғулари ўзаро курашмоқда эди. У кучерга жўнашга ишора қилди-да, шошилиб уйга кириб кетди. Мистер Фрэнклин яна қайтадан тилга кирди. Извош жўнаб кетгандан кейин, у миледига хитоб қилди.

— Аммажон! Сиз батамом ҳақ экансиз! Ҳамма яхшиликларингиз учун менинг миннатдорлигимни қабул қилгайсиз ва менинг жўнаб кетишимга ижозат берсангиз.

Миледи у билан гаплашмоқчи бўлгандай ўтирилди. Кейин гўё ўзига ишонмагандай, хушфезлик билан қўлини силтади.

— Бизни ташлаб кетишингиздан олдин, менинг ҳузуримга кириб, Фрэнклин, — деди у йиғламсираб ва хонасига кириб кетди.

— Мендан сўнгги бир яхшилигингизни аяманг, Беттереж, — деб мистер Фрэнклин кўзда ёш билан менга мурожаат қилди, — мени иложи борица тезроқ темир йўлга етказиб қўйсангиз.

Шундай деб, у ҳам уйга кириб кетди. Мисс Рэчелнинг хулқ-атвори уни бугунлай ларзага солган эди. Шунга қараб ҳукм қилган-да, у шўринг курғур қизни ҳазилакам севмас экан-да!

Изкувар билан икковимиз зинанинг ёнида ёлғиз қолдик. Изкувар дарахтлар орасидаги ялангликка юзини ўтирганича турарди. Бу яланглик орқали уйга

олиб келадиган йўлнинг бурилишларидан бири кўриниб турарди. Изкувар кўлларини чўнтагига тикиб, “Ёзнинг сўнгги атиргули”ни ўзича аста хиргойи қиларди.

– Ҳамма нарсанинг ўз вақти бор, – деб юборибман беҳосдан газабим кўзиб, – ҳозир хиргойи қиладиган вақтми?

Шу дақиқада ялангликда дарвоза томон шитоб билан келаётган извош кўринди. Самюэлдан ташқари унинг ўриндиғида яна бир кишининг қораси кўринди.

– Ҳаммаси жойида, – деб минғирлади Кафф. Кейин менга ўтирилди.

– Тўғри айтасиз, мистер Беттерез, ҳозир хиргойи қиладиган вақт эмас. Ҳозир ҳеч кимни аямай, ишга киришадиган пайт. Биз Розанна Спирмандан бошлаймиз. Қани, Жойс?

Икковимиз ҳам Жойсни чақирдик, лекин ҳеч ким жавоб бермади. Мен отбоқарнинг ёрдамчиларидан бирини уни топиб келтиришга жўнатдим.

– Мен мисс Вериндерга нима деганимни эшитдингизми? – деб сўради изкувар Жойсни кутиб турар эканмиз. – Бу гапимни қабул қилмаганини ҳам кўргандирсиз. Мен унга сизнинг жўнаб кетишингиз олмосни топиш йўлига жиддий ғов бўлади, деб бор гапни рўйирост айтсаму, у бу гапларга парво қилмай жўнаб кетаверса. Сизнинг бекачангиз онасининг извошида ёлғиз кетгани йўқ, мистер Беттерез. Унинг ҳамроҳи бор эди. Бу ҳамроҳнинг номи Ойпош.

Мен ҳеч нарса деганим йўқ. Мен ҳамон мисс Рэчелга ишонишда қатъий давом этардим.

Отбоқарнинг ёрдамчиси қайтиб келди. Унинг кетидан эса, менинг назаримда, бўйнидан боғлагандек аҳволда Жойс судралиб келарди.

– Қани Розанна Спирман? – деб сўради изкувар.

– Ҳеч нарсани англолмай қолдим, сэр, – деб бошлади Жойс, – кўп таассуф, лекин қандайдир йўл билан...

– Мен Фризинголлга жўнаб кетмасдан олдин, – деди кескин оҳангда изкувар унинг гапини бўлиб, – мен сизга Розанна Спирмандан кўзингизни узманг, кетидан кузатаётганларини ўзи сезмасин деб буюрган эдим. Наҳотки, кўзингизни шамғалат қилиб, ғойиб бўлишига йўл қўйган бўлсангиз? Менга шуни айтмоқчисизми?

– Балки мен ҳаддан зиёдроқ ҳаракат қилиб юборгандирман, сэр, – деб минғирлади Жойс аъзойи баданига титроқ кириб, – таъқибимни сездирмайман деб ишни пачава қилгандирман. Бу уйнинг пастки қаватида нима кўп – ҳар хил йўлақлар кўп...

– Қачон уни назардан қочирдингиз?

– Бир соатча бўлди, сэр.

– Сиз Фризинголлдаги ишингизга қайтиб кетаверинг, – деди изкувар аввалгидек бамайлихотирлик билан доимий маҳзун оҳангда. – Назаримда, мистер Жойс, сизнинг қобилиятингиз касбингизга ярамайдиганга ўхшайди. Ҳозирги ишингиз жуда катта қобилиятни талаб этади. Яхши боринг!

Полисмен кўздан йўқолди. Розанна Спирманнинг ғойиб бўлгани ҳақидаги хабар менга қандай таъсир қилганини ҳозир сизга тасвирлаб беришим анча қийин. Миямдаги фикрлар аралаш-қуралаш бўлиб кетди, гўё мен бир лаҳзанинг ўзида эллик хил нарса ҳақида ўйлаётгандай эдим, тилим мутлақо калимага келмай қолди.

– Йўқ, мистер Беттерез, – деди изкувар гўё менинг фикрларим оқимидан энг муҳимини топиб олгандай ва қолганларидан олдин худди шу фикрларга жавоб бераётгандай, – ошпангиз Розанна менинг кўлимдан сиз ўйлагандек осонлик билан чиқиб кетолмайди. Мисс Вериндернинг қаердалиги менга маълум экан, демак, мисс Вериндернинг шеригини қидириб топиш воситаси ҳам ўз кўлимда. Мен шу бугун кечаси уларнинг учрашишига халақит бердим. Жуда яхши. Бу ерда учрашиш ўрнига улар Фризинголлда учрашишди. Терговни бу уйдан мисс Вериндер борган уйга кўчирадиган бўлдик. Фақат бу мен ўйлагандан кўра тезроқ бўладиган бўлди. Ҳозир эса сиздан яна бир марта хизматкорларни йиғиб беришингизни сўрайман.

Мен у билан хизматкорлар турадиган уйга йўл олдим. Менга муносиб

бўлмаса-да, эътироф этишим керак, унинг сўнгги сўзларини эшитганда мени яна изкуварлик жазаваси тута бошлади. Мен изкувар Каффни жинимдан баттар ёмон кўришимни унутдим-да, комил ишонч билан унинг қўлтиғидан олиб дедим:

– Худо ҳаққи, менга айтинг, бу гал нима қилмоқчисиз хизматкорларни?

Машхур Кафф тақа-тақ тўхтаб қолди – у аллақандай ҳазин бир завқ билан бўшлиққа тикилиб турарди.

– Агар шу одам, – деди у афтидан мени назарда тутиб, шу ҳолига яна гул парваришига ҳам ақли етадиган бўлганда эди, бутун дунёда ундан баркамолроқ одам топилмаган бўларди.

Менга нисбатан туйғуларини ана шундай эҳтирос билан намоён этгандан кейин, у бир хўрсинди-да, қўлтиғимдан олди.

– Гап бундоқ, – деди у яна ишпа кўчар экан, – Розанна иккидан бирини қилган: у ё тўша-тўғри Фризинголпа жўнаворган (мен у ерга етиб бормасдан олдин) ёки аввал Билқиллама қумлардаги ўзининг пинҳона жойига борган. Розанна уйдан чиқиб кетмасдан хизматкорлардан ким уни сўнгги марта кўрганини аниқлаш керак.

– Терговда Розаннани охириги бўлиб идиш-товоқ ювадиган Нанси кўргани маълум бўлди. Нанси Розаннанинг қўлида мактуб билан уйдан чиққанини ва қассобнинг гумаштасини тўхтатганини кўрипти. Гумашта орқа томондаги зинанинг ёнида олиб келган гўштини ошпаз хотинга бераётган экан. Нанси ундан Фризинголпа қайтишда хатни олиб кетишни ва почтага элтиб беришни илтимос қилипти. Гумашта манзилга қарапти-да, Коббс-Голпа юбориладиган мактубни Фризинголлда почтага ташлаш галати бўлади-ку, яна бунинг устига, бутун шанба бўлса, хат душанбадан олдин етиб бормайди, депти. Розанна унга хат душанбагача етиб бормаса ҳам майли, бунинг унча аҳамияти йўқ, деб жавоб берипти. Фақат йигит қизнинг илтимосини бажо келгирса бўлгани. Йигит хўп деб жўнаб кетипти. Нансини ошхонага чақириб қолишипти, у ўз ишларига қайтипти. Шундан кейин Розаннани бошқа ҳеч ким кўрмапти.

– Энди нима қилмоқ керак? – деб сўрадим мен яна икковимиз ёлғиз қолганда.

– Эндими? – деб жавоб берди изкувар, – мен Фризинголпа жўнашим керак.

– Мактуб жўниданми, сэр?

– Ҳа. Қиз ўзининг буюмини қаерга яширганини кўрсатадиган мактуб бу! Мен почта идорасида манзилни кўриб олмоғим керак. Агар бу мен гумон қилаётган манзил бўлиб чиқса, мен сизнинг ошнангиз мисс Йолланд хузурига келар душанба куни яна бир марта ташриф буюраман.

Мен изкувар учун кабриолет тайёрлашларини айтгани кетдим. Отхонанинг ҳовлисида биз ғойиб бўлган қиз ҳақида янги хабар эшитдик.

## 19 б о б

Розаннанинг ғойиб бўлгани ҳақидаги хабар хизматкорлар ўртасида тез тарқалди. Улар ўзларининг тафтишини бошлаб юборишди. Ва кўп ўтмай, Деффи деган абжиргина болани ушлаб олишди. Деффини баъзан-баъзан боёдаги ўтларни ўришга ёллаб туришарди. Бу бола Розанна Спирманни ярим соат олдин кўрган экан. Деффининг айтишича, қиз унинг ёнидан денгиз соҳилига олиб борадиган қарағайзор хиёбон бўйлаб аста юриб эмас, югуриб ўтиб кетишти.

– Бола бу ердаги соҳил билан танишми? – деб сўради изкувар Кафф.

– У шу соҳилда туғилиб, катта бўлган, – деб жавоб бердим мен.

– Деффи, – деди изкувар, – бир шиллинг ишлаб олишга иштиёқинг борми? Бор бўлса, мен билан бирга юр. Менинг қайтишимга кабриолет тайёр бўлиб турсин, мистер Беттереж.

У Билқиллама қумларга шунақа шитоб билан йўл олдики, оёқларим (менинг ёшим учун ҳали анча бақувват бўлса-да) унинг кетидан етишиб юрмоғи амримаҳол эди. Кичкина Деффи ҳузур қилганидан бузоқдай маъраб юборди – бизнинг жойларимизда ёш шумтакаларнинг ҳаммаси ҳам шундай қилади ва изкуварнинг ортидан югуриб кетди.

Бу ўринда мен яна изкувар Кафф жўнаб кетгандан қайтиб келгунча ўтган вақт ичида фикрларим қанақа аҳволда бўлгани тўғрисида аниқ ҳисоб бериш имконига эга эмасман. Мени ғалати бир безовғалик чулғаб олди. Мен уйнинг ичида ҳам, ташқарисида ҳам кўпдан-кўп ҳар хил ҳуда-беҳуда ишлар қилдим, лекин ҳозир биронтасини ҳам эслай олмайман. Мен ҳатто Деффи менга топшириқ билан, орқасига қайтиб келганида, изкуварнинг кумга жўнаб кетганидан бери қанча вақт ўтганини ҳам аниқ билмайман. Изкувар Кафф боладан ёндафтарчасидан йиртиб олинган бир варақни бериб юборипти. Унга қалам билан шундай деб ёзилган эди:

“Менга зудлик билан Розанна Спирманнинг ботинкасини бериб юборинг”.

Мен биринчи йўлиққан оқсоч хотинни Розаннанинг хонасига юбориб, ботинкасини олдирдим-да, болани орқасига югуртирдим. У изкуварга ботинкани шахсан ўзим етказишимни айтмоғи керак эди.

Яхши биламан – бундай қилганим – менга етиб келган қўлланмага тезлик билан бўйсунаман деган маънони англамайди. Аммо мен Розаннанинг ботинкасини изкуварнинг қўлига топширишдан олдин унинг яна қанақа янги наъма чиқарганини текшириб кўришга аҳд қилдим. Шу дақиқаларда яна аввалгидек қизининг ёнини олиш иштиёқи уйғонди менда. Бу туйғулар (изкуварлик жазаваси жунбуш қилаётганини айтмаёқ кўяй) мени шошилишга ундади – қўлимга ботинка тегиши биланоқ, ошиғич равишда йўлга тушдим. Ҳарҳолда, етмишга кирган одам тез юрса, менчалик юради-да.

Мен соҳилга етиб келганимда, булутлар қуюқлашиб, ёмғир челақлаб қуйгандай ёға бошлади. Мен қўлтиқнинг кумлоқ соҳилига урилаётган тўлқинларнинг шовурини эшитдим. Яна бироздан кейин мен боладан ўтиб кетдим – у бир кумлоқ адрнинг тагига ўтириб олиб, ёмғирдан паноҳ топмоқчи экан. Кейин мен тўлқин уриб, қутираётган денгизни, қирғоқларга урилаётган тўлқинлар, ёмғир пардасини, сув устидаги ёмғирни кўрдим. Сап-сарик ёввойи соҳилда тик турган бир одамнинг қомати кўринди – у изкувар Кафф эди.

У қўли билан шимол томонни кўрсатиб қичқирарди:

– Шу томондан юринг. Менинг олдимга келинг.

Мен унинг томонига юрдим. Нафасим тиқиларди. Юрагим қинидан чиқиб кетгудай бўлиб, гупиллаб урарди. Тилим гапга келмай қолди. Мен изкувардан юзта савол сўрамоқчи эдим. Аммо биронта савол ҳам оғзимдан чиқмади. Унинг юзини кўриб, кўрқиб кетдим. Мен унинг кўзларида даҳшатли бир ифодани кўрдим. У қўлимдаги ботинкани юлиб олди-да, кумдаги изга солиштириб кўра бошлади. Бу излар биз турган жойдан жануб томонга, тўппа-тўғри Жанубий қоя деб аталган баланд тош томонга кетган эди. Ёмғир ҳали изларни ювиб кетмаган эди. Қизнинг ботинкаси изга роппа-роса тўғри келди.

Изкувар бир оғиз гап гапирмай, изга мос келган ботинкани кўрсатди.

Мен у билан гаплашмоқчи бўлиб, унинг қўлидан ушладим, аммо гаплаша олмадим. У из бўйлаб йўл олиб, кумлар билан қоялар бирлашган томонга йўналди. Денгиз кўтарилиб, Жанубий қояни аста-секин сув боса бошлаган эди. Сув Билқиллама кумларнинг бадбашара сатҳини қоплаб улгурган эди. Гоҳ у ерда-гоҳ бу ерда изкувар Кафф кўрғошиндай оғир сукунат ичида, кўрганда юракларни орзиқтириб юборадиган ўжар бир бардош билан ботинкани изларга солиштириб кўрар ва ҳаминша бир томонга – тўппа-тўғри қоялар томонга йўналганини аниқларди. У ҳар қанча қийналмасин, қоялар томондан бу ёққа келадиган изларни топа олмади.

Ниҳоят, у тўхтади. У яна менга қаради, кейин қаршимизда мавж ураётган сувга қаради. Сув Билқиллама кумларнинг бадбашара сатҳини борган сари кўпроқ қоплаб борарди. Мен изкуварнинг нигоҳи йўналган томонга қарадим-да, унинг нима тўғрисида ўйлаётганини пайқадим. Бирданига бутун вужудимга ғалати бир титроқ турди. Мен тиззам билан кум устига чўккалаб қолдим.

– Қиз ўзининг махфий жойига келибди, – изкуварнинг овози қулогимга чалинди. – Бу қоялар ёнида қандайдир даҳшатли бир мусибат рўй берганга ўхшайди.

Бирдан хотирамга бир неча соат олдин йўлақда қизни беҳаловат ҳолда чапшар ураётгани келди. Ушанда мен билан гаплашар ва гапларимни тинглар экан, унинг юзи ўзгариб кетганини, гаплари ҳам, хатти-ҳаракатлари ҳам ғалати



бўлиб қолганини эсладим. Буларнинг бари изкуварнинг кўрқинчли гумони тўғри эканлигини тасдиқларди. Мен унга мени асоратга олган кўрқув ҳақида айтмоқчи бўлдим. Мен шундай дейишга уриниб кўрдим:

– Қиз бечора ўзи излаган ажалга дуч келипти-да...

Аммо бу сўзлар ичимдан чиқмай қолиб кетди. Лол бўлиб қоландим. Кўрқув мени ўз чангалида маҳкам ушлаб турарди. Мен челақлаб қуяётган ёмғирни ҳам сезмай қолдим. Мен кўтарилиб келаётган денгиз сувини ҳам кўрмай қўйдим. Худди тушдагидай ё васвасага тушгандай ҳалок бўлган қиз кўз ўнгимда гавдаланарди. Мен худди аввалги вақтлардагидек, худди уни уйга олиб кетиш учун бу ерга келган кунимдагидек уни қайтадан кўрмоқчи эдим. Унинг Билқиллама кумлар ихтиёридан ташқари мени ўзига тортади деганлари, мазорим шу ерда эканмикин, деб ўзидан-ўзи сўраганлари қулоғим остида яна жаранлагандай бўлди. Ўз қизим тўғрисида ўйлай бошлаганимда, мени аллақандай даҳшат чулғаб олди. Розаннанинг бошига тушган синовлар қизимнинг ҳам бошига тушса, у ҳам шундай даҳшатли ҳаёт кечирган ва шунақа даҳшатли ажалга рўпара келган бўларди.

Изкувар меҳрибонлик билан мени турғазди-да, қиз ҳалок бўлган жойдан нари олиб кетди. Нафас олишим енгилроқ бўлиб қолди. Энди буюмлар кўзимга аслида қандай бўлса, шундайлигича кўринадиган бўлиб қолди. Кумлоқ адрларга урилиб, ваҳимага тушган хизматкорлар билан балиқчи Йолланд қизнинг топилган-топилмаганини билиш учун биз томонга келмоқда эди. Уч-тўрт оғиз гап билан изкувар уларга излар нимани кўрсатаётганини айтиб берди ва қиз шўрлик ҳалок бўлган бўлиши мумкин, деди. Кейин у яна денгизга ўтирилди-да, балиқчиға савол берди:

– Айтмоқчи, унинг излари тутаган анави қоядан қиз қайиқда сузиб кетиши мумкинмиди?

Балиқчи кумлоқ соҳилни қошлаб ётган ва қўлтиқни ҳар томондан булутдай кўпикларга кўмиб юборган тўлқинларни кўрсатди.

– Уни бу ўпқондан ҳеч қандай қайиқ олиб чиқа олмайди, – деб жавоб берди у.

Изкувар Кафф кумда кўришиб турган изларга сўнги марта кўз ташлади. Энди ёмғир изларни ювиб кетмоқда эди.

– Шундай қилиб, – деди у, – бунинг барчаси қизнинг денгиз орқали кета олмаганини исбот қилади.

У ниманидир ўйлаб бир лаҳза жимиб қолди.

– Мен бу ерга келмасимдан ярим соат аввал унинг шу жойга югуриб келаётганини кўришипти, – деди у Йолландга. – Ўшандан бери анча вақт ўтди. Ўшанда қоянинг бу томонида сув қай даражада кўтарилган эди?

У жанубий томонни, яъни Билқиллама кумлар йўқ томонни кўрсатди.

– Бугун қоянинг нариги томонида сув қандай кўтарилаётганини эътиборга олса, бир соатча олдин у мушук болани чўктириш учун ҳам кифоя қилмас эди.

Изкувар Кафф шимолга, Билқиллама кумлар томонига ўтирилди.

– Бу томонда-чи? – деб сўради у.

– Бу томонда яна ҳам кам, – деб жавоб берди Йолланд. – Билқиллама кумларни жиндай нам қилишга етади, холос.

Изкувар мен томонга ўтирилди-да, бахтсиз ҳодиса Билқиллама кумларда рўй берган бўлса керак, деди. Менинг жағим очилди:

– Бахтсиз ҳодиса рўй берган эмас, – деб хитоб қилдим мен, – у шўрлик бу ерга ҳаётдан чарчаб, безиб келган ва шу ерда ҳаёт йўлини тугатган.

У сагчиб тушди.

– Буни қасдан биласиз? – деб сўради у.

Ҳамма теварагимни ўраб олди. Изкувар бир лаҳзада ўзини қўлга олди. У мени суриб, ҳаммадан четроққа чиқариб қўйди. Мени кекса деди, оғир мусибат уни ларзага солди, деди ва ҳаммадан:

– Уни ёлғиз қолдиринглар, – деб талаб қилди.

Кейин Йолландга юзланиб сўради:

– Денгиз қайтгандан кейин қизнинг жасадини топиб бўлармикин.

Йолланд жавоб берди:

— Бунинг иложи йўқ. Бу қумларга тушган нарса мангуга шу ерда қолади.

Балиқчи мен томонга бир қадам қўйди-да, деди:

— Мистер Беттереж, мен сизга шу жувоннинг ўлими тўғрисида баъзи бир гапларни айтмоқчиман. Қоянинг бир томони бўйлаб, қоядан тўрт футча масофада Билқиллама қумлар орасида қаттикроқ жой бор. Менга айтинг-чи, нега жувон ундан фойдаланмади? Мабодо у бехосдан тойиб кетганда ҳам, яна тикка туриб олиши мумкин эди. Сув жуда нари борса, белига чиқарди, холос. Бундан чиқдики, у атайин шу томонга юрган ёки ўзини денгизга ташлаган. Бўлмаса, ҳалок бўлмас эди. Йўқ, тасодифий бахтсизлик рўй берган эмас, сэр. Билқиллама қумлар уни ютиб юборган. Ютганда ҳам қизнинг ихтиёри билан ютган.

Бу одамнинг билимига ишонса бўларди. У гувоҳлигини эшитгач, изкувар индамай қолди. Биз ҳаммамиз ҳам унга ўхшаб сукут ичида эдик. Гўё ҳаммамиз келишиб олгандек, орқамизга бурилдик-да, соҳилга кўтарилдик.

Қум адрда уйдан биз томонга югуриб келаётган отбоқарнинг ёрдамчисига рўпара келдик. У яхши йигит эди. Менга ихлоси баланд эди. У юзида муносиб бир маъюслик билан қўлимга мактуб тутқазди.

— Буни Пенелопа сизга бериб юборди, мистер Беттереж. Уни Пенелопа Розаннанинг хонасидан тошипти.

— Бу мактуб Розаннанинг ундан яхшилигини аямаган чолга аталган сўнги видолашув сўзлари эди. Худога минг шукрки, у билан ҳамиша дўстона муносабатларда бўлиш иштиёқида доимо имкони борича унга яхшилиқ қилардим.

“Утган вақтлар мобайнида гуноҳларимдан қўп кечгансиз, мистер Беттереж. Янаги гал Билқиллама қумларни кўрганнгизда яна бир марта менинг гуноҳимдан ўгишга уриниб кўринг. Шу ерда мени мазорим кутиб ётарди. Шу ердан мазоримни топдим. Мен сизнинг яхшилиқларингиздан миннатдор бўлиб яшадим, сэр. Шу миннатдорлик билан оламдан кетяпман”.

Бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Бу мактуб ҳар қанча қисқа бўлмасин, бу сўзлар қаршисида мен ожиз қолдим — кўнглим бўшаб, кўзимга ёш келди. Сиз ёш бўлсангиз, дунёда энди ҳаёт кечири бошлаган бўлсангиз, сизнинг кўзларингиздан ёш ўзи қуйилиб келаверади. Кексайиб қолган бўлсангиз, бир оёғингиз гўр оғзига бориб қолган бўлса ҳам, кўзингиздан ёш ўз-ўзидан қуйилиб келаверади. Мен ҳўнграб юбордим.

Изкувар Кафф мен томонга бир қадам қўйди — шубҳа йўқки, нияти яхши эди. Аммо мен даҳшат ичида ўзимни олиб қочдим.

— Менга қўлингизни теккиза кўрманг! — дедим мен. — Уни сиз кўрқитдингиз. Сиз уни жонидан тўйдирдингиз.

— Сиз ноҳақсиз, мистер Беттереж, — жавоб берди у хотиржам оҳангда. — Аммо уйга қайтганимизда бу ҳақда бемалолроқ гаплашгани имкон бўлади.

Мен отбоқарнинг қўлига суяниб, бошқаларнинг орқасидан эргашдим. Биз челақлаб қуяётган ёмғир остида уйга қайтиб келдик. Уйда эса бизни янги ташвишлар кутмоқда эди.

## 20 б о б

Олдинда бораётганлар машъум хабарни уйга биздан олдин етказишди. Биз келганда ҳамма хизматкорлар кўркувдан донг қотиб қолишган эди. Миледининг хонаси олдидан ўтиб бораётганимизда, ичкаридан эшик очилди. Бекам бизга пешвоз чиқди. Даҳшатли воқеадан у ўзини бугунлай йўқотиб қўйган эди. Унинг кетидан келаётган мистер Фрэнклин бекани тинчитиш учун беҳуда уринарди.

— Бунга сиз айбдорсиз! — деб қичқирди бекам қўли билан изкуварга таҳдид қилиб. — Габриэль, бу ярамаснинг ҳақини тўланг, иккинчи мен унинг қорасини кўрмай.

Орамизда фақат изкуваргина унга бас кела оладиган аҳволда эди — чунки у ўзини йўқотмаганди.

— Бу қайғули ҳодисанинг содир бўлишида сизнинг қанчалик айбингиз бўлмаса, менинг ҳам шунчалик гуноҳим йўқ, — деди у. — Агар ҳозирги

гапингиздан кейин ярим соат ўтгач ҳам сиз менинг кетишимни талаб қилишда давом этсангиз, жўнаб кетишга рози бўламан. — Лекин сиз жаноби олияларидан бир тийин ҳам ҳақ олмайман.

У бу гапларни жуда эҳтиром билан ва айни чоқда жуда қатъий оҳангда айтди. Натижада унинг гапи менга қандай таъсир қилган бўлса, бекамга ҳам шундай таъсир қилди. Бекам мистер Фрэнклинга рўйхуш кўрсатиб, ўзини хонага олиб кириб кетишга изн берди. Уларнинг кетидан эшик ёпилиши биланоқ, изкувар ўзининг одатдаги синчковлиги билан хизматкор аёлларга назар ташлади ва ҳамма шунчаки қўрқув оғушида бўлгани ҳолда Пенелопанинг кўзида ёши шашқатор эканини пайқади.

— Отангиз кийимини ўзгартириб олгач, — деди у, — биз билан гаплашгани унинг хонасига келинг.

Орадан ярим соат ҳам ўтгани йўқ. Бу муддат ичида мен ҳўл кийимларимни ечиб, қуруғини кийдим, изкуварни ҳам қайта кийингирдим. Шу пайт Пенелопа кириб келди. У изкуварнинг нима мақсадда чақиртирганини билмоқчи эди. Шу дақиқадан бошлаб, ростини айтсам, қизимнинг қанақа итоаткор ва кўнгличан қиз эканлигини жуда чуқур ҳис қила бошладим. Мен уни тиззамга ўтказиб олиб, худойи таолодан иноятини аямасликни илтижо қилдим. У бошини кўксимга қўйиб, қўллари билан бўйнимдан кучоқлаб олди ва биз бир неча муддат сукут ичида ўтирдик: Афтидан, икковимизнинг ҳам хаёлимиз шўрлик марҳума қизда эди. Изкувар ойна олдида борди-да, индамай ташқарини кузата бошлади. Биз икковимизга нисбатан кўрсатган назокати учун изкуварга миннатдорлик айтиш лозим деб ўйладим ва унга миннатдорлик билдирдим ҳам.

Изкувар, ўз навбатида тайёр бўлиши билан мен ва Пенелопа унинг саволларига жавоб беришга ҳозир эдик. Изкувар қизимдан: “Дутонанг нима сабабдан ўз жонига қасд қилганини билмайсанми?” — деб сўради. Сиз сезиб турганингиздек, қизим бу саволга Розанна мистер Фрэнклин Блэкини севиб қолгани учун шундай қилди ва жавоб берди. Изкувар ундан бу тўғрида биронга одамга гапирганингиз йўқми, деб сўраган эди, Пенелопа жавоб берди:

— Розаннага раҳмим келгани учун бу тўғрида ҳеч кимга оғиз очганим йўқ.

Бу жавобга мен бир неча сўз илова қилишни лозим топдим. Мен дедим:

— Мистер Фрэнклинга ҳам раҳминг келгани учун шундай қилгансан, кўзичоғим. Агар Розанна унга муҳаббати туфайли ўз жонига қасд қилган бўлса, унинг ошқилигидан мистер Фрэнклин беҳабар эди. Қизнинг ўлимида унинг гуноҳи йўқ. Агар у кетишга аҳд қилган экан, бугун жўнаб кетаверсин. Унга ҳақиқатни айтиб, бекорга хафа қилишга ҳожат йўқ.

Изкувар Кафф “муғлақо тўғри” деди ва яна индамай қолди. Назаримда, у Пенелопанинг фикрини ўзининг фикри билан таққослади, шекилли, лекин буни бизга маълум қилгани йўқ. Ярим соатдан кейин беканинг кўнғироғи янгради. Унинг ҳузурига йўлланар эканман, аммасининг хонасидан чиқиб келаётган мистер Фрэнклинга рўшара келдим. Мистер Фрэнклин леди Вериндернинг мистер Каффни кўришга тайёр эканини айтди. Табиийки, уларнинг учрашувида илгаригидек мен ҳам иштирок этишим керак экан. Лекин учрашувдан олдин мистер Фрэнклин изкуварга шахсан икки оғиз гап айтмоқчи экан. Мен билан бирга хонамга қайтаётиб, у даҳлизда тўхтади-да, деворда осиелиқ турган поездларнинг қатнов жадвалига қаради.

— Наҳотки, сиз ҳам ростдан бизни ташлаб кетасиз-а, сэр? — деб сўрадим мен. — Ахир жиндай фурсат берсангиз, мисс Рэчель тафтидан тушиб қолар дейман.

— У менинг жўнаб кетганимни эшитса ва мени кўрмаслигига ишонч ҳосил қилса, тафтидан тушади, — деб жавоб берди мистер Фрэнклин.

Назаримда, у бу гапини бекамдан хафа бўлгани учун аччиқ устида айтди. Аммо бу тўғри эмас эди. Бекамнинг гашига қараганда, бизнинг уйимизда полиция пайдо бўлгандан бери мисс Рэчель мистер Фрэнклиннинг номини эшитиши биланоқ, ғазабдан тутациб кетадиган бўлиб қолипти. Мистер Фрэнклин жиянини жонидан ортиқ яхши кўради, шунинг учун буни тан олгиси келмайди. Аммо мисс Рэчель аммасиникига жўнаб кетгандан кейин ҳақиқат ошкор бўлди. У буни ўзи учун энг оғир дақиқада бирданга ҳис

қилди-да, шу заҳоти уйимиздан кетиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу серғайрат одам қабул қилиши мумкин бўлган бирдан-бир қарор эди.

У изкувар билан гаплашаётганда мен ҳам иштирок этдим. Унинг гапига қараганда, миледи боя ортиқча қизишиб кетганини тан олишга тайёр эмиш. У миледи гуноҳини шу тарзда эътироф этадиган бўлса, изкувар хизмат ҳақини олиб, олмос ҳақидаги ишни ҳозирги аҳволида қолдириб кетишга рози бўлармикин деб сўради. Изкувар эътироз билдирди.

– Йўқ сэр, хизмат ҳақи менга зиммамдаги вазифаларни бажарганим учун берилади. Зиммамдаги вазифаларни адо этиб бўлмагунимча, мен хизмат ҳақи олишдан бош тортаман.

– Мен сизни тушунолмай қолдим, – деди мистер Фрэнклин.

– Мен сизга тушунтириб берай, сэр, – деб жавоб берди изкувар. – Мен бу ерга келанимда олмоснинг йўқолиши ҳақидаги мужмал ишни тегишли тарзда очишга киришдим. Ҳозир мен бу ишни очишга тайёрман. Ваъдамни бажариш учун қулай имконият кутияман, холос. Мен леди Вериндерга ишнинг ҳозирги пайтда қандай аҳволда эканини тушунтириб берганимдан сўнг, шунингдек, Ойтошни топиш учун нима қилиш кераклигини у кишига рўйирост айтганимдан кейин зиммамдаги масъулият соқат бўлади. Ана шундан кейин ишни давом эттираманми, йўқми, майли, миледининг ўзи ҳал қилсин. Агар масала ижобий ҳал қилинса, бошлаган ишимни охирига етказаман-да, хизмат ҳақимни оламан.

Мистер Каффнинг бу сўзлари бизга ҳатто полициячи изкуварнинг ҳам ўзига яраша ор-номуси борлигини ва у шаънига доғ туширишни истамаслигини кўрсатди.

Унинг нуқтаи назари шу даражада адолатли эдики, унга қарши бирон нарса деб эътироз билдириб бўлмади. Мен уни миледининг хонасига кузатиб қўйиш учун ўрнимдан кўзгаланимда, у мистер Фрэнклиндан бизнинг суҳбатимизда иштирок этишни истамайсизми деб сўради. Мистер Фрэнклин жавоб берди:

– Йўқ. Мабодо леди Вериндернинг ўзи бунга истаса, бошқа гап.

Мен изкуварнинг кетидан борар эканман, у қулоғимга шивирлаб, илова қилди:

– Бу одам Рэчель ҳақида гапирди. Мен эса Рэчелни ҳаддан зиёд суяман. Бу одамнинг гапларини эшитиб индамай туrolмайман. Ундан кўра, мен иштирок этмаганим маъқул.

Мен уни қайғули бир алфозда қолдирдим – у дераза тоқчасига қўлларини қўйди-да, иккала кафти билан юзини яширди. Бу орада Пенелопа эшикдан бошини суқиб, мистер Фрэнклинга таскин беришга кўйиб-ёниб ошиққатганини намоён қилмоқда эди.

Бу орада изкувар Кафф билан мен миледининг хонасига кириб бордик.

## 21 б о б

Биз ўрнимизга жойлашиб ўтиришимиз биланоқ, бекам биринчи бўлиб гап бошлади:

– Мистер Кафф, мен сизга ярим соат аввал ўйламай айтган гаплар учун бирон-бир узрли сабаблар бордир. Бироқ, мен бу сабабларни рўқач қилмоқчи эмасман. Агар мен сизни таҳқирлаган бўлсам, бунинг учун чин юракдан афсус чекаяпман.

Унинг ёқимли овози, узрини жуда келтириб баён қилгани изкуварга ўз таъсирини ўтказди. У ўзининг хатти-ҳаракатларини оқлаш учун изн сўради ва оқлашни менинг бекамга иззат-икром белгиси сифатида тақдим этди. У бизнинг ҳаммамизни ларзага солган бахтсизликнинг сабабчиси бўлиши мумкин эмаслигини айтди. Негаки, унинг узрли сабаби бор: бутун терговнинг муваффақияти унинг Розанна Спирманга муомаласи қандай бўлишига боғлиқ бўлган. У Розаннани зинҳор-базинҳор қўрқитиб қўймаслиги ёки ваҳимага солмаслиги зарур бўлган. У менга мурожаат қилиб, гапларимнинг тўғри эканини тасдиқлашимни илтимос қилди. Мен унга йўқ дея олмадим. Мен шу билан иш битгади, деб ўйлаган эдим.

Аммо изкувар Кафф яна бир қадам қўйди — афтидан, у ўзи билан леди Вериндер ўртасида бўлиши мумкин бўлган мувоҳасалар ичида энг ёқимсизини бошлаш ниятида эди, шекилли.

— Мен эшитдимки, бу жувоннинг ўз жонига қасд қилганини бир сабабга олиб бориб боғлашяпти, — деди изкувар, — балки, чиндан ҳам шундай сабаб бордир. Аммо у мен бу ерда шуғулланаётган ишга заррача ҳам дахлдор эмас. Яна шунини илова қилмоғим кераки, мен бу ўринда бошқа сабабни кўряпман. Менинг гумонимча, олмоснинг йўқолиши туфайли туғилган аллақандай изоҳлаб бўлмайдиган безовталиқ шўринг қурғур жувонни ўзини ҳаётидан махрум қилишга ундаган. Бу ғалати безовталиқ нима сабабдан пайдо бўлганини биламан, деб айта олмайман. Аммо мен — агар сиз изн берсангиз, миледи, — ўзимнинг ҳақ ёки ноҳақ эканимни ҳал қилишга қурби етадиган бир хонимни тилга олмоқчи эдим.

— Бу хоним ҳозир бизнинг уйимиздами? — деб сўради бекам бироз индамай тургач.

— Хоним бу ердан жўнаб кетган, миледи.

Бу жавоб манамен деб мисс Рэчелга ишора қилиб турарди. Ишоранинг бундан ортқ бўлиши мумкин эмас эди. Орага сукунат чўкди. Менинг назаримда, бу сукунат ҳеч қачон бузилмайдигандай туюлди. Ё парварлигор! Шамолнинг увиллашини қаранг! Ёмғирнинг шиддат билан деразани савалашини қаранг! Мен ўтирган жойда ўтирганимча улардан биронтасининг яна гап бошлашини кутдим.

— Марҳамат қилиб, аниқроқ гапиринг, — деди ниҳоят миледи. — Сиз менинг қизимни назарда тутяпсизми?

— Мен мисс Рэчелни назарда тутяпман, — деб жавоб берди изкувар Кафф ошқора тарзда.

— Биз хонага кирганимизда миледининг столи устида чек дафтарчаси ётган эди — шубҳа йўқки, уни изкувар билан ҳисоб-китоб қилиш учун тайёрлаб қўйишган эди. Энди миледи уни яна ғаладонга солиб қўйди. У шўрликнинг қўли қандай қалтираётганини кўриш мен учун жуда оғир эди. Бу қўллар кекса хизматкорнинг бошини неча марталаб силаган қўллар. Мен худодан фақат бир нарсани илтижо қиламан — куним битиб, бу серғалава дунёни тарк этадиган фурсатим келганда шу қўл менинг қўлимни тутиб турса, бас.

— Мен, — деди миледи жуда секин ва хотиржам оҳангда, — хизматларингизга яраша ҳаққингизни бераману, мисс Вериндернинг номини ҳозир сиз қилганчалик ошқора тарзда бу ишга аралаштирмай туриб, жавобингизни бераман, деб ўйлаган эдим. Сиз менинг хонамга келмасингиздан олдин жияним сизга бу тўғрида гапирган бўлса керак?

— Мистер Блэк сизнинг топширигингизни бажарди, миледи. Мен эса мистер Блэка сабабини изоҳлаб...

— Бу сабаб тўғрисида менга гапиришнинг фойдаси йўқ. Ҳозирги айтган гапингиздан кейин сиз ҳам менга ўхшаб жуда яхши биласизки, гишт қолиқидан кўчиб бўлди. Энди уни қайтадан ўрнига жойлаб қўйишнинг иложи йўқ. Энди мен ўзим учун ҳам, қизим учун ҳам сизнинг бу ерда қолиб, ҳамма гапни рўйирост айтишингизни талаб қилишга мажбурман.

Изкувар соатига қаради.

— Агар фурсатим бўлганида эди, миледи, мен ахборотимни оғзаки тарзда эмас, ёзма равишда қилишни афзал кўрардим. Аммо терговни давом эттирадиган бўлсак, вақт жуда-жуда ғанимат. Уни ёзма ахборот ёзишга сарфлаб бўлмайди. Мен ҳозирнинг ўзидаёқ ишга киришишга тайёрман. Фақат менга гапириш оғир бўлади, сизга эса эшитиш...

Шу ерга келганда бекам яна унинг гапини бўлди:

— Балки мен сизга ўрнак кўрсатиб, гапни бошлаб берсам, — деди у, — сизга ҳам, менинг хизматкорим ва кекса дўстимга ҳам бироз енгилроқ бўлар. Сизнинг гумонингиз бўйича, мисс Вериндер ўзининг аллақандай мақсадлари йўлида олмосни яшириб қўйиб, ҳаммамизни алдаяпти. Шундайми?

— Худди шундай, миледи?

— Жуда соз. Энди сиз гапиришингиздан аввал мисс Вериндернинг онаси сифатида айтиб қўяй: қизим гумон қилаётган ишни бажаришга мутлақо қобил

эмас. Бу унинг қўлидан келмайди. Сиз унинг характери́ни билганингизга атиги икки кун бўлди. Мен эса унинг характери́ни туғилганидан бери биламан. Сиз гумонларингизни истаганча кескин айтаверинг — бу билан мени таҳқир эга олмайсиз. Мен бошиданоқ аминманки, сиз ҳар қанча тажрибали бўлманг, бу гал вазият сизга панд бериб қўйишти. Эсингизда бўлсин, мен ҳеч қандай махфий маълумотларга эга эмасман. Бу масалада қизим сизга ҳеч нарса айтгани йўқ. Менга ҳам бирон нарса деб оғиз очгани йўқ. Мени шунчалик комил ишонч билан гапиришга мажбур қилаётган сабаб битта — мен ўз фарзандимни яхши биламан.

Миледи менга ўтирилиб, қўлини узатди. Мен индамай унинг қўлини ўтдим.

— Сиз давом этишингиз мумкин, — деди изқуварга яна аввалги қатъият билан қараб.

Изқувар Кафф таъзим қилди. Бекамнинг сўзлари унга фақат битта таъсир кўрсатди — унинг ҳиссиз дағал юзи бир лаҳзагагина юмшагандай бўлди — гўё у бекамга ҳамдардлик билдиргандай бўлди. Аммо унинг эътиқоди зил кетдими-йўқми деган масалага келсак, шуниси аниқ эдики, унинг фикри заррача ҳам ўзгаргани йўқ эди. У стулга яхшилаб ўрнашиб ўтириб олди-да, қўйидаги сўзлар билан мисс Рэчелга разил ҳужумини бошлади:

— Мен сиздан ўғиниб сўрайман, миледи, — деди у, — бу ишга менинг нуқтаи назаримдан қараб кўрсангиз. Марҳамат қилиб, тасаввур қилингки, сиз менинг тажрибам билан ва менинг ролимда бу ерга келгансиз. Энди тажрибакорлик нимадан иборат эканини сизга қисқача эслатиб ўтишга рухсат бергайсиз.

Менинг бекам ризолик аломати сифатида бошини эгди. Изқувар давом этди.

— Сўнгги йигирма йил мобайнида мени ишончли одам сифатида нозик оилавий можаролар бўйича кўп марта лаб таклиф қилишган. Бу масалаларда орттирган тажрибамда ҳозирги ишга алоқадор битта хулоса бор. Мен уни икки оғиз сўзда баён қилиб бераман. Мен орттирган тажрибага мувофиқ бадавлат ва зодагон қизларнинг кўпинча ҳуфёна қарзлари бўлади. Улар буни яқин қариндош-уруғлари ва дўстларига ҳам билдиришмайди. Баъзи ҳолларда бу қарзларнинг сабабчиси машиначи-ю заргар бўлади. Бошқа сабаблар ҳам бор. Аммо мен уларни ҳозирги ишимизга алоқадор деб ўйламайман. Шунинг учун бу сабабларни гапириб, сизга малол келадиган иш қилмоқчи эмасман. Мен айтган гапларни хотирангизда сақлаб туринг, миледи, — энди эса бу уйда рўй берган ҳодиса мен истайманми, йўқми, қандай қилиб мени эски тажрибамни эслашга мажбур қилганини кўриб чиқайлик.

У бир неча дақиқа фикрларини жамлади-да, кейин ҳайрон қоладиган равшанлик билан гапини давом эттирди. Унинг гапларида ҳеч кимни аяб ўтирмайдиган шафқатсиз ҳақиқат бор эди.

— Олмоснинг йўқолгани ҳақидаги биринчи ахборотни мен инспектор Сигрэвдан олдим. У билан гаплашишим биланоқ, унинг бу ишни тадқиқ қилишга бутунлай лаёқатсиз эканини англадим. Унинг гапларидаги диққатга сазовор ягона нарса, назаримда, шу бўлдики, мисс Вериндер унинг саволларига жавоб беришдан бош тортишти ва у билан тушуниб бўлмайдиган тарзда менсимай, дағал гаплашти. Бу менга галати кўринди, лекин мен буни инспекторнинг бирон-бир ношудлигига йўйдим. Эҳтимол, у ёш қизни таҳқирловчи бирон қилиқ қилгандир. Шуни кўнглимга туғиб қўйиб, иш билан бир ўзим шуғуллана бошладим. Ўзингизга маълумки, тадқиқотларим эшикдаги доғни кашф этиш билан тугади. Мистер Фрэнклиннинг кўрсатмаларидан маълум бўлдики, бу доғ билан олмоснинг йўқолиши битта жумбоқнинг ҳалқалари, холос. Ҳозирга қадар жуда суёт даражада бўлса-да, гумоним шундай эди — Ойтош ўғирланган ҳам бўлиши мумкин, ўғри хизматкорлардан бири бўлса ҳам ажаб эмас. Жуда яхши! Аммо терговнинг ўша босқичида нима рўй берди? Мисс Вериндер бирдан хонасидан чиқиб келди-ю, мен билан гаплаша бошлади. Бу қизнинг хулқ-атворида уч нарса менга шубҳали кўринди. Олмос йўқолганидан бери бир кеча-кундуздан ортиқроқ вақт ўтган бўлса-да, у ҳамон қаттиқ ҳаяжонда эди. У инспектор Сигрэвга қандай дағал муомала қилган бўлса, менга ҳам шундай қилди. Ниҳоят, у негадир мистер Фрэнклин Блэрдан жуда қаттиқ аччиқланган. Жуда яхши. Булардан ўзимча хулоса чиқардим. Бу

қиз қимматбаҳо буюмидан ажраган. Менинг кўзларим кўриб, кулоқларим эшитиб туришгики, бу қиз қизиққон табиатли кимсалардан. Ҳозирги вазиятда табиати шунақа одам нима қилиши мумкин? У мистер Блэка, инспекторга ва менга нисбатан тушуниб бўлмайдиган даражада душманлик билан иш тутяпти. Бошқача айтганда, бу уччала шахснинг ҳаммаси ҳам ҳар хил йўллар билан унга йўқолган олмосни топишга ёрдам бермоқчи. Тергов мана шу нуқтага етганда, миледи, ҳа, худди шу нуқтага етганда, мен тажрибамга мурожаат қилдим. Менинг тажрибамга таянибгина мисс Вериндернинг феъли-атворини изоҳлаб бериш мумкин эди. Акс ҳолда, уни ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди. Тажрибам мени мисс Вериндерни ўзим билан айрим қиз-жувонлар тоифасига мансуб деб қарашга мажбур эди. Менинг тажрибам унинг қарзи бор эканидан буни тан олишга ботинолмай, мудом яшириб юришдан, ҳозир эса ҳар қандай қилиб бўлса-да, ўша қарзни тўлаш зарурлигидан далолат берди. Шунинг учун ҳам ўз-ўзимга йўқолган олмос қарзларни тўлашга кетмасмикин деган саволни бермай туролмайман. Тажрибам оддий фактлардан шундай хулоса чиқаради. Бунга қарши сизнинг тажрибангиз қандай далиллар келтира олади, миледи?

– Сизга айтган гапимдан бошқа гапим йўқ, – деб жавоб берди бекам. – Вазият сизни чалғитаяпти.

Изкувар Кафф давом этди:

– Менинг хулосам тўғрими, йўқми, миледи, даставвал мен уни текшириб кўрмоғим керак эди. Мен сизга, миледи, уйдаги бор кийим-кечакларнинг ҳаммасини кўздан ўтказиб чиқишни таклиф қилдим. Афтидан, шу кийимлардан биттаси эшикдаги бўёқни чаплаштириб юборган эди. Уни топишнинг ягона йўли кийимларни кўриб чиқиш эди. Хулосамнинг тўғри-нотўғрилигини текшириб кўришнинг ҳам ягона йўли шу эди. Хўш, бундан нима чиқди? Сиз, миледи, бунга рози бўлдингиз. Фақат мисс Вериндергина бундан узил-кесил бўйин товлаб, терговни тўхташиб қўйди. Бу натижа менинг нуқтаи назарим тўғри эканини исбот қилди. Агар сиз билан мистер Беттерез барибир менинг фикримга қўшилишни истамасанглар, шу бутун кўз ўнгимизда рўй берган воқеани кўришга ҳам ожизлик қилган бўласизлар. Сизнинг ҳузурингизда мен қизга балад овозда ҳозирги вазиятда сизнинг кетишингиз олмосни қидириб топишга монелик қилади, дедим. Ўйтирозимга қарамай, қиз извошчига жўнашни булорди. Буни ўзингиз кўрдингиз. Мистер Блэк ҳаммадан кўра кўпроқ тиришиб, жумбоқни очиш учун менга калит топиб беришга уринди. Бунинг учун миннатдор бўлиш ўрнига қиз уни онасининг уйида кўпчилик олдида ҳақорат қилди. Буни ҳам ўзингиз кўрдингизлар. Хўш, бунинг қандай маъноси бор? Агар мисс Вериндерни олмоснинг йўқолишига дахли бўлмаса, бунинг барчасини қандай маъноси бўлиши мумкин?

У менга қаради. У мисс Рэчелга қарши далилларни бирин-кетин қалаштириб ташламоқда эди. Буни эшитиш оғир эди. Ундан ҳам ўзинг чин юракдан қизни ҳимоя қилишни истаб турганинг ҳолда изкуварнинг далилларига ҳеч нарса деб эътироз билдирмаслигинг янада оғирроқ эди. Мен, худога минг қатла шукрки, оқилона далилларни инобатга олавермайдиган одамман. Шунинг учун мен ҳам миледининг нуқтаи назарига шериклигимча қолавердим. Менинг ибратим сизга ўрناق бўлсин, муҳтарам китобхон, сиздан ўтиниб сўрайман. Оқилона далиллардан ўзингизни устун келадиган қилиб тарбияланг – шунда кўрасиз – бошқалар сизни молу мулкингиз ва давлатингиздан жудо қилишга ҳар қанча уринмасин, сиз ҳамини матонатли ва қатъиятли бўласиз.

На мен, на бекам ҳеч нарса деб эътироз билдирмаётганимизни кўргач, изкувар Кафф давом этди (ё парвардигор, бизнинг суккутимиз уни заррача хижолатга солмаётгани мени нечоғлик дарғазаб қилипти-я!)

– Тергов шунақа бўлди, миледи. У фақат мисс Вериндергагина қарши далолат берапти. Энди мисс Вериндер билан марҳума Розанна Спирман икковларига қарши гупирувчи далилларга мурожаат қилайлик. Ижозатингиз билан бир лаҳзага қизингиз кийим-кечакларини кўрсатишдан бўйин товлаган дақиқага қайтайлик. Ундан рад жавобини олишим биланоқ, мен тегишли хулоса чиқарган эдим. Бироқ мен ўзим учун иккита масалани ҳал қилиб олишим зарур эди. Биринчидан, бундан буён терговни қандай давом эттиришим керак? Иккинчидан, уйда хизматкор аёллар ўртасида мисс Вериндернинг шериги

борми-йўқми? Буни ҳар томонлама ўйлаб кўргандан кейин, терговни нотўғри бир тарзда олиб боришга аҳд қилдим. Бизнинг касбимизда шунақа ҳам бўлиб туради. Нима учун? Шунинг учунки, мен оилавий можарога дахлдор эдим. Бу иш оила чегарасидан ташқарига чиқмаслиги керак эди Шов-шув қанча кам бўлса, ташқаридан ёрдам қанча оз бўлса, шунча яхши эди. Одатдагича, гумон бўйича одамларни қамаш, уларни судда сўроқ қилиш ва шунга ўхшаган воситалар бу ишда мутлақо ярамас эди, чунки, мен ўйлаганимдек, бутун ишнинг марказида қизингиз турарди-да, миледи. Бундай вазиятда мен ташқаридан келадиган бирон-бир бошқа оламдан кўра мистер Беттережга ўхшаган одам менга ёрдамчи бўлишга кўпроқ тўғри келишини ҳис қилдим. Ахир, унинг феъл-атвори яхши, бу хонадонда мавқеи баланд, хизматкорларни яхши билади, оиласининг шаънига доғ тушишини истамайди. Мен мистер Блэгни ёрдамчи қилиб олишим мумкин эди, аммо бу ўринда бир нарса халақит берди. Мистер Блэк бошиданоқ менинг терговим қандай йўналиш олаётганини пайқаб қолди. Унинг мисс Вериндерга садоқати зўр эди. Шундоқ бўлгач, у билан менинг ўзаро бир битимга келишимизнинг иложи йўқ эди. Мен шу тафсилотлар билан сизни безовта қилаётган эканман, миледи, бундан фақат битта мақсадни кўзлаяпман — мен бу сирни оилавий доирадан ташқарига олиб чиқмаганимни намоёиш этмоқчиман. Мен — бу сирдан хабардор бўлган бирдан-бир бегона одамман; менинг терговчи сифатида ишимнинг ривожига эса нечоғлик тилимни тия билишимга боғлиқ.

Шу ўринга келганда бир нарсани ҳис қилдим — ишларимнинг ривожига тилимни тийишимга эмас, аксинча, индамай қолмаслигимга боғлиқ. Шу ёшимга етганимда бекамнинг кўз ўнгидеги аллақандай хонаки изқувар тарзида намоеън бўлишга мен чидаб туролмас эдим.

— Ижозатингиз билан сизга шуни маълум қиламанки, миледи, — дедим мен, — бу қабиҳ тергов бошлангандан охирига етгунча мен бирон йўл билан бўлмасин онгли равишда унга сира ёрдам берган эмасман. Агар журъати етса, мистер Кафф сўзларимни рад этиб кўрсин, майли.

Шу тарзда жаҳлимга эрк берганимдан кейин анча енгил тортидим. Миледи дўстона тарзда елкага қоқиб, менга алоҳида иноят кўрсатди. Ҳақли бир газаб билан гапларим ҳақида нима ўйлаётганини билиш мақсадида изқуварга қарадим. Изқувар кўзичоқдек мулоим бўлиб қолган эди. Афтидан, унинг меҳри аввалдидан ҳам ортгандай кўринарди.

Миледи унга гапни давом эттиришни таклиф қилди.

— Мен тушунаман, миледи, сиз менинг манфаатларим деб ҳисоблаган нарсангиз йўлида ўз қобилиятингизни ҳафсала билан ҳалол ишга солгансиз. Мен бундан кейин айтадиган гапларингизни ҳам эшитишга тайёрман.

— Бундан буёғига айтадиган гапим, — деб жавоб берди мистер Кафф, — Розанна Спирманга тааллуқли. Бу жувонни мен ювиладиган кийимлар дафтари олиб келганда биринчи марта кўрдим. Бу нарса эсингизда бўлса керак: миледи. Уша пайтга қадар мисс Вериндер ўзининг сирдан биронта одамни воқиф қилганига шубҳам бор эди. Розаннани кўрганимдан кейин бу фикримни ўзгартирдим. Мен бу жувонни олмоснинг йўқолишига дахлдор деб ўйлай бошладим. Шўрлик жувоннинг ўлими жуда даҳшатли бўлди. Шунинг учун, миледи, ҳозир жувон бу дунёдан кетган бир пайтда мени унга нисбатан адолатсиз ва шафқатсиз муомалада бўлди, деб ўйламаслигингизни истаيمان. Агар бу оддий бир ўғирлик бўлганда ҳам, мен Розаннадан бу хонадондаги биронта хизматкордан ортиқроқ гумон қилмаган бўлардим. Бизнинг тажрибамиз далолат берадики, ахлоқ тузатиш уйларига тушиб чиққан аёллар кейинчалик бирор жойга хизматга кирсалар ва у ерда уларга нисбатан меҳрибонлик билан ширин муомала қилинса, кўпинча чин юракдан тавба қилишади-ю, ўзларига кўрсатилаётган яхшиликларга муносиб бўлишга ҳаракат қилишади. Аммо бу галги иш — оддий ўғирлик эмас эди. Бу иш, менинг фикримча, жуда маккор режа асосида амалга оширилган эди. Унда олмоснинг эгаси ҳам иштирок этарди. Шуни назарда тутиб, мен, табиийки, биринчи навбатда Розаннани эга олдим ва қўйидагиларни ўйладим: мен авф этишингизни сўрайман, миледи — мисс Вериндер бизнинг олмос шунчаки йўқолди деган тахминимизга қаноат қилармикин ёхуд ишни янада чалкаштириб, бошқаларни Ойтошнинг



ўғирланганига ишонтирмоқчи бўлармикин? Агар шундай қилиш нияти бўлса, илгари ўғирлик қилиб ном чиқарган Розанна Спирман унинг қўли остида. Розанна сизни ҳам, миледи, мени ҳам бемалол сохта йўлга олиб юбориш қўлидан келадиган жувон.

Мен ўз-ўзимга савол бериб, ишни мисс Рэчель ва Розаннага қарши янада разилроқ нуқтаи назардан баён қилиб бериш мумкинми, деб сўрадим. Мумкин экан. Буни ҳозир ўзингиз кўрасиз.

– Мен марҳумадан гумон қилиш учун бошқа сабабга ҳам эга эдим, – деб давом этди изқувар. – Бу сабаб ҳаммасидан асослироқ бўлиб кўринди. Олмос учун махфий равишда пул олишда мисс Вериндерга ким ҳаммадан кўра яхшироқ ёрдам бериши мумкин эди? Розанна Спирман. Мисс Вериндернинг мавқеига эга бўлган биронта қиз ёки жувон бунақа қалтис ишни ўзи рўёбга чиқара олмас эди. Албатта, унинг кўмакчиси бўлиши керак эди. Мен яна сўрайман – ёрдамчиликка Розанна Спирмандан кўра муносиброқ яна бирон одам бормиди? Сизнинг марҳума оқсочингиз, миледи, ўғирлик қилиб юрган кезларида ўзининг касбини жуда яхши билган. Мен аниқ биламанки, у лондонлик судхўрларнинг баъзи бирлари билан яқин алоқада бўлган. Бундай судхўрлар Ойтошга ўхшаган ажойиб буюм учун ортиқча савол-павол бериб ўтирмай, бўлар-бўлмас ноқулай шартлар қўймай, бажонидил жуда катта миқдорда пул беришади. Бу гапларнинг ҳаммасини дилингизда сақлаб туринг, миледи. Ҳозир эса менга ижозат беринг – Розаннанинг хатти-ҳаракатлари бу гумонимни қандай тасдиқлаганини ҳамда буларнинг ҳаммасидан қандай аниқ-равшан хулосалар чиқариш мумкинлигини айтмай.

Шундан кейин у Розаннанинг ҳамма кирдикорларини бирма-бир санаб чиқди. Сиз ҳам менга ўхшаб, бу кирдикорлар билан аллақачон танишсиз, билиб турибсизки, рад қилиб бўлмайдиган бу одамлар марҳума жувоннинг хотирасига доғ туширади ва уни олмос ўғриси қилиб кўрсатади. Изқуварнинг гапларини эшитиб, ҳатто бекам ҳам кўрқиб кетди. У гапини тамом қилганда, бекам унга ҳеч нарса деб жавоб бермади. Афтидан, изқуварга гапига биров жавоб берадими, йўқми, барибир эди. Жин урсин уни – яна аввалгидай қатъият билан гапини давом эттирди:

– Ишни ўзим тушунган тарзда баён қилиб бердим, миледи, – деди у. – Энди бундан буён нима қилиш ниятида эканимни айтиб берсам кифоя. Терговни муваффақият билан охирига етказишнинг иккита йўлини кўриб турибман. Улардан бирини мен анча ишончли деб ҳисоблайман. Иккинчисини дадил бир тажрибагина деб биламан. Буни, миледи, ўзингиз ҳал қилинг. Биз ишончли йўлни танлаймизми?

Бекам унга ишора қилиб, ўзингиз истаганча иш тутаверинг, қайси йўлни хоҳласангиз шуни танланг деган маънони билдирди.

– Миннатдорман сиздан, – деб жавоб берди изқувар, – жаноби олийлари танлаш ихтиёрини ўзимга берган эканлар, биз ишончли йўлни танлаб оламиз. Мисс Вериндер Фризинголда қоладими ё қайтиб келадими – ҳар икки ҳолда ҳам мен унинг юриш-туришини, ҳар бир қадамини кузатув остига олмоқчиман. Мен унинг кимлар билан учрашишини, оғда ё пиёда сайр қилишини, бировдан оладиган мактубларини, бировга ёзадиган хатларини кузатаман.

– Ҳўш, кейин-чи? – деб сўради бекам.

– Кейин, – деб давом этди изқувар, – мен Лондондаги ўртоқларимдан бирига илгари Розанна Спирман билан таниш бўлган судхўр билан алоқа ўрнатишни буюрмоқчиман. Сиз, миледи, менга ишонаверинг, бу судхўрнинг исми шарифи билан турар жойини Розанна мисс Вериндерга маълум қилган. Мен инкор этмайман – таклиф этаётган тadbирларим арзон бўлмайди ва анча фурсатни талаб қилади. Аммо уларнинг самара бериши аниқ. Биз Ойтош атрофида ҳалқа чизамиз-у, бу ҳалқани борган сари торайтира борамиз. Торайтира-торайтира, охир-оқибатда олмосни мисс Вериндернинг қўлидан топамиз (албатта, мисс Вериндер Ойтошни ёнида қолдиришни ихтиёр этса). Агар борди-ю, қарзлари жуда қистов бўлиб, мисс Вериндер олмосни сотишга жазм этадиган бўлса, олмос Лондонга етиб келиши билан уни қўлга киритадиган одамимиз бўлади.

Туғишган қизи ана шунақа гап-сўзларга қолаётганини эшитиш менинг бекам учун шу қадар изгиробли эдики, у биринчи марта газаб билан гапирди.

— Сизнинг таклифингиз бутунлай рад этилди, деб ҳисоблайверинг. Қани, энди терговни охирига етказишнинг иккинчи йўсинини баён қилинг-чи!

— Иккинчи йўл шундан иборатки, — деб аввалгидай бамайлихотир оҳангда давом этди Изкувар, — битта дадил тажриба ўтказиш керак. Назаримда, мен мисс Вериндернинг характери тўғрисида анча тўғри тасаввур ҳосил қилдим, шекилли. Менинг фикримча, у дадил алдовга қобил қиз. Фақат ҳаддан ташқари қизиқсон, ёлғон-яшиққа кўникмаган, шунинг учун бирор нарса жаҳлини чиқарса, тилёғламалик қилишни, жаҳлини ичига ютишни билмайди. Шу вақт мобайнида унинг ҳислари неча марталаб унга бўй бермай қўйди, ҳолбуки унинг манфаатлари ҳисларини яшириб туришни талаб қиларди. Мен унинг характерининг худди ана шу хусусиятига таъсир кўрсатишни таклиф қиламан. Мен унга қаттиқ таъсир қиладиган вазиятда бирон нарса билан қизни қўққисдан қаттиқ ларзага солмоқчиман. Жўнроқ қилиб айтадиган бўлсам, мен мисс Вериндерга тўсатдан Розаннанинг ўлими ҳақидаги хабарни айтмоқчиман. Ўлайманки, унинг энг яхши туйғулари қизни ҳамма нарсани ошқора тан олишга мажбур қилади. Миледи шу йўлни қабул қиладиларми?

Менинг бекам мени бениҳоя ҳайрон қолдирди. У шу заҳотиёқ жавоб берди:

— Ҳа, қабул қиламан.

— Извош тайёр, — деди изкувар, — ижозатингиз билан, миледи, ҳозирча хайр-маъзур қиламиз.

Миледи кўлини кўтариб, уни остонада тўхтатди.

— Сиз таклиф қилганингиздек, қизимнинг энг яхши туйғулари синовдан ўтади, — деди бекам, — аммо мен она сифатида бу синовни шахсан ўзим ўтказишни талаб қиламан. Сиз бу ерда қолинг, Фризинголлга ўзим бораман.

Умрида бир марта машҳур Кафф ҳам энг оддий одамдек ҳанг-манг бўлиб қолди.

Бекам кўнғироқ чалиб, ёмғир ўтмайдиган пальтосини олиб келишни буюрди. Ёмғир ҳамон куйишда давом этар, извошда эса, ўзингизга маълум, мисс Рэчель Фризинголлга жўнаб кетган эди. Мен бекамни шундоқ ёмғирда йўлга чиқишдан қайтаришга уриниб кўрдим. Муғлақо фойдаси бўлмади. Мен унинг ёнида бошига соябон тутиб бирга кетиш учун рухсат сўрадим. Бекам бу гапни эшитишни ҳам истамади. Хизматкор бола бошқарган кабриолет келиб тўхтади<sup>1</sup>.

— Сиз иккита нарсага ишонаверинг, — деди у даҳлизда изкувар Каффга. — Мен мисс Вериндер билан қилинадиган тажрибани сира чўчимай таклиф қиляпман. Амин бўлаверингки, уни сиздан ёмон ўтказмайман. Иккинчидан, бугун сўнгги поезд Лондонга жўнаб кетмасдан аввал тажрибанинг натижасини сизга оғзаки ё ёзма равишда маълум қиламан.

Шу сўзлар билан бекам енгил кабриолетга ўтирди-да, тизгинни кўлига олиб, Фризинголлга жўнаб кетди.

## 22 б о б

Бекам бизни қолдириб жўнаб кетганидан сўнг мен изкувар Кафф билан гаплашгани фурсат топдим. У пастки залнинг пинам бурчагида ўтирган экан. У ўзининг ёндафтарини кўздан кечирар ва даргазаб бўлиб, лабларини буришгирарди.

— Ишимизнинг паст-баландини суришгиряпсизми? — деб сўрадим мен.

— Йўқ, — деб жавоб берди изкувар, — бундан кейин қанақа иш билан шуғулланишим кераклигини кўряйман.

— О! — деб хитоб қилдим мен. — Бундан чиқадики, сиз бизнинг ишимизни тугади деб ҳисоблайсизми?

— Мен, — деб жавоб берди изкувар Кафф, — леди Вериндерни Англиядаги энг доно аёллардан бири деб ҳисоблайман. Яна олмосдан кўра атиргулга қараган маъқулроқ деб ҳисоблайман. Богбон қаерда, мистер Беттереж?

<sup>1</sup> К а б р и о л е т — Бир от кўшиладиган икки гилдиракли енгил арава. (Ред.)

Ойтош ҳақида ундан ортиқ бирон оғиз сўз эшитиш амримаҳол эди. У аллақачон терговдан совиб бўлган эди. Ҳозир нима қилиб бўлса-да, боғбонни топиш ҳаракатига тушиб қолганди. Бир соат ўтар-ўтмас мен боғбон билан изқуварнинг гулхонада баҳслашаётганини эшитдим. Бу гал ҳам улар яна раъногул ҳақида тортишишарди.

Бу орада мен мистер Фрэнклиннинг тушдан кейинги поездда бизникидан жўнаб кетиш ҳақидаги қарори ўзгарган-ўзгармаганини билишим лозим эди. Мендан миледининг хонасидаги кенгашни суриштириб, унинг нима билан тутаганини билгач, мистер Фрэнклин шу заҳотиёқ Фризинголдан миледи юборадиган хабарни кутишга аҳд қилди. Бу унинг режаларидаги табиий ўзариш эди. Ундан бошқаларга ҳеч қандай зарар етмас эди. Аммо бу ўзаришдан мистер Фрэнклиннинг ўзига фойда йўқ эди. У Фризинголдан хабар кутиб, бекор ўтиришга, дудмал кайфиятда бўлишга мажбур бўлди. Шундай қилиб, унинг феъл-атворидаги ажнабий жиҳатларнинг ҳаммаси ҳам ичидан югуриб чиққан каламушлардек ташқарига чиқа бошлади.

У гоҳ италийан бўлиб, гоҳ немис, гоҳ француз бўлиб, уйдаги ҳар хил хоналарга навбатма-навбат югуриб кирар ва шу заҳотиёқ улардан югуриб қайтиб чиқарди. Йўл-йўлакай ўзи билан ўзи гаплашар ва гаплашганда ҳам фақат мисс Рэчелнинг ўзига қандай муомала қилгани ҳақида гапирарди. Унинг гапларини мендан ўзга эшитадиган одам йўқ эди. Масалан, мен уни кутубхонада ҳозирги Италиянинг харитаси устида ўтирганини кўрдим. Афтидан, у ўзининг ташвишлари ҳақида мудом гапириш йўли билан шу ташвишлардан чалғишга уринган кўринади.

– Менинг мақтовга сазовор бир қанча ниятларим бор эди, Беттерез, аммо энди уларни нима қилишни билмай гарангман. Менда бир қанча яхши сифатлар мудраб ётипти – фақат Рэчелгина уларни уйғотиб, ташқарига чиқаришга ёрдам бериши мумкин!

Кабриолет мен кутгандан ярим соат олдин қайтди. Миледи ҳозирча сингисиникида қолишга аҳд қилипти. Хизматкор бола бекамдан иккита хат келтирди – уларнинг бири мистер Фрэнклинга, иккинчиси менга эди.

Мистер Фрэнклинга аталган кутубхонага жўнатдим. Ўзимга юборилган мактубни хонамда ўқиб чиқдим. Хатнинг мазмуни билан танишмасимданоқ, мактубни очганимда ичидан тушган чек Ойтош устидаги терговни тўхтатиш масаласи узил-кесил ҳал қилинганидан далолат берарди.

Мен гулхонага изқувар Каффни чақириб келгани одам юбордим – ҳозироқ у билан гаплашмоқчи эканимни маълум қилдим. Изқувар келди – у ҳамон раъногул ҳақидаги фикрлар оғушида эди. У кира солиб, ўжарлик бобида бу дунёда мистер Бегбига тенг келадигани йўқ деб хитоб қилди. Мен ундан гапимиз давомида бунга ўхшаш номуносиб икир-чикирларни тилга олмасликни илтимос қилдим ва бутун диққатини ҳақиқатан ҳам муҳим масалага қаратишни сўрадим. У шу заҳоти қўлимдаги мактубни кўрди.

– А! – деди у ҳорғин оҳангда, – сиз миледидан мактуб олибсиз-да. Мактуб менга тааллуқлими, мистер Беттерез?

– Ўзингиз кўринг, мистер Кафф?

Мен унга мактубни ўқиб бердим (ифодала қилиб, зарур жойларига ургу бериб). Мактуб куйидаги иборалардан ташкил топган эди:

“Азизим Габриэль, изқувар Каффга маълум қилсангиз – мен Розанна Спирманнинг ўлими муносабати билан унга берган ваъдамни бажардим. Нагижа куйидагича бўлди. Мисс Вериндер, тантанали тарзда ишонтириб айтяптики, бу шўрлик аёл менинг хонадонимга хизматга кирганидан бери ҳеч қачон Розанна билан ҳоли қолиб гаплашган эмас. Олмос йўқолган тунда эса улар ҳатто тасодифан ҳам учрашиб қолганлари йўқ. Пайшанба куни эрталаб тўс-тўполон кўтарилгандан бошлаб шанбагача, яъни мисс Вериндер уйдан жўнаб кетганига қадар улар бир-бирлари билан мутлақо алоқа қилганлари йўқ. Мен қизимга Розанна Спирманнинг ўз-ўзини ўлдиргани ҳақидаги хабарни кўққисдан маълум қилганимда, унинг жавоби шундай бўлди”.

Шу жойга келганда ўқишдан тўхтаб, мистер Каффга қарадим ва бу тўғрида қандай фикрда эканини сўрадим.

– Агар мен ўз фикримни айтсам, бу билан сизни таҳқирлаб қўяман, – деб жавоб берди изқувар. – Давом этинг, мистер Беттерез, давом этинг.

Бу одам боғбонимизнинг ўжарлигидан сурбетларча нолиганини эслаганда, тилим қичиб кетиб, бекамнинг мактубини унда ёзилган тарзда эмас, ўз сўзларим билан “давом эттириш” истаги пайдо бўлди. Аммо бу гал бандаи мўминлигим йўл қўймади. Мен миледининг мактубини қатъий овозда ўқишда давом этдим:

“Шу тариқа мисс Вериндерга полиция офицери таклиф қилган тарзда муомалада бўлганимдан кейин, у билан ўзим лозим тошган йўсинда гаплаша бошладим. Бу билан унда муайян таассурот уйғотмоқчи бўлдим. Қизим уйдан жўнаб кетмасдан аввал мен икки марта у ўзини ақл бовар қилмайдиган шубҳалар остида қолдиришини айтиб, хуфиёна огоҳлантирдим. Ҳозир эса менинг хавотирим тўғри чиққанини рўйирост ошкора айтдим.

У тантана билан ва ҳаддан ташқари ишонарли тарзда менга айтдики, биринчидан, ҳеч қанақа қарзи йўқ, иккинчидан, чоршанба куни жавончага олмосни қўйганидан бери унга қўлини теккизгани йўқ ва ҳозир ҳам олмос унинг қўлида эмас.”

Қизим айтган гаплар шулар, холос. У бундан бошқа нарсани тан олаётгани йўқ. Мен ундан: “Олмоснинг йўқолганини менга тушунтириб беролмайсанми”, деб сўрасам, у лом-мим деб оғиз очмайди. Бор гапни менга рўйирост айтгин, яширма, десам, у кўзда ёши билан бундан бўйин товлайди. “Бир кун келиб, мендан шубҳа қилишлари нима сабабдан менга барибир эканини ва сизга нима учун ҳамма гапни рўйирост айтиб бермаётганимни билиб оласиз. Мен онажонимнинг меҳрига сазовор бўлиш учун жуда кўп иш қилдим ва онамнинг юзини ерга қаратадиган ҳеч нарса қилганим йўқ”. Булар қизимнинг оғзидан чиққан гаплар.

Уйлайманки, мен билан полиция офицери ўртасида бўлиб ўтган гапдан кейин гарчи у бегона одам бўлса ҳам, худди сиз каби мисс Вериндернинг жавобидан бохабар бўлиши керак. Унга менинг мактубимни ўқиб беринг, кейин қўлига унга аталган чекни тутқазинг. Унинг бундан кейинги хизматларига бўлган ҳар қандай ҳуқуқимдан воз кечар эканман, унинг астойдил ҳалол хизмат қилганига ва закийлигига унча ишончим комил эмас; аммо ҳамон ва ҳатто аввалгидан ҳам қатъийроқ тарзда ишончим комилки, бизнинг ишимизда вазият уни чалғитди, у алданди”.

Мактуб шу сўзлар билан тугарди. Изқувар Каффнинг қўлига чекни тутқазилган аввал мен ундан “бирон айтадиган гапингиз йўқми?” деб сўрадим.

– Тугаган иш ҳақида мулоҳазалар айтиш менинг вазифамга кирмайди, мистер Беттереж.

Мен чекни стол орқали унинг олдига ташладим.

– Леди Вериндер мактубининг бу қисмига ишонасизми? – деб сўрадим газаб билан.

Изқувар чекка қаради-да, миледининг сахийлигига тан бериб, қошларини чимирди.

– Мен сарфлаган вақтни миледи жуда сахий баҳолабдилар, – деди у. – Бунинг эвазига мен ўзимни баъзи ишларни бажаришга бурчдор деб ҳисоблайман. Фурсат келиб қолганда, мистер Беттереж, мен бу чекдаги рақамни, албатта, эслайман.

– Бу билан нима демоқчисиз? – деб сўрадим мен.

– Леди Вериндер ҳозирча ишни жуда моҳирлик билан бир ёқлик қилди, – деди изқувар. – Аммо бу оилавий можаролар шунақа ишлар тоифасига мансубки, сиз сира-сира кутмаган бир шароитда у яна бирдан юзага чиқиб қолади. Орадан бир неча ой ўтиб улгурмай, бизнинг қўлимизда яна Ойтош ҳақидаги иш бўлади.

Мен унинг сўзларига қуйидаги аниқ-равшан ибораларда жавоб бердим:

– Мистер Кафф, мен сизнинг сўнгги мулоҳазаларингизни миледи билан унинг қизига нисбатан ҳақорат деб биламан.

– Мистер Беттереж, буни ўзингиз учун огоҳлантириш деб билсангиз маъқул бўларди. Шунда сиз мақсадга яқинроқ бўлардингиз.

Мен ҳар қанча жазавога тушган ва жаҳлим чиққан бўлмасин, унинг ҳаддан ташқари ўзига ишонч билан берган жавоби менинг оғзимга урди.

Мен бироз тинчланиш учун дераза олдида бордим. Ёмғир тўхтаган эди.

Ховлига қараб, кимни кўрдим денг? Богбонимиз мистер Бетбини кўрдим. У изкувар Кафф билан раъногул ҳақидаги баҳсини давом эттириш учун уни кутиб турарди.

– Менинг номимдан изкуварни сўраб қўйинг, – деди мистер Бетби мени кўриш билан. – Агар у станцияга пиёда боришни ихтиёр этса, мен бажонудил унга ҳамроҳ бўлардим.

– Нечук! – деб хитоб қилди изкувар менинг орқамдан. – Сиз ҳали ҳам амин бўлганингиз йўқми?

– Нега энди амин бўлар эканман! Сира ҳам-да!

– Ундай бўладиган бўлса, мен станцияга пиёда кетаман, – деди изкувар.

– Мен сизни дарвоза олдида кутиб тураман, – деб жавоб берди мистер Бетби.

Сиз хабардорсиз – шу дақиқада мен бағоят дарғазаб эдим – аммо орага шунақа гаплар аралашгандан кейин ғазаб сақланиб қолармиди? Изкувар Кафф мендаги ўзгаришни пайқайди-да, мени биргина сўз билан рабатлангирди.

– Бўлди, бўлди! – деди у. – Миледи қилгани каби нега энди менинг нуқтаи назаримга бошқача қараб бўлмас экан? Нега энди вазият мени чалғитди деб ҳисоблаш мумкин эмас экан?

Бирон нарсага миледи билан бир хил нуқтаи назардан қараш жуда яхши нарса эди. Буни менга изкувар Кафф таклиф қилган бўлса ҳам, майли-да! Шу заҳотиёқ ғазабимдан асар қолмади ва мен нормал ҳолга қайтдим. Мен мисс Рэчель ҳақидаги ўзимнинг ва миледининг фикрларидан бошқа ҳар қанақа фикрга такаббурлик билан ижирганиб қарадим. Аммо шундоқ бўлса-да, Ойтош ҳақида индамай қолиш менинг қўлимдан келмади. Соғлом ақлнинг гапига кириб иш тугадиган бўлсам, биламанки, бу ишни ўз ҳолида тинч қолдирмоғим керак эди. Аммо иложи бўлмади. Ҳозирги авлодга хос бўлган фазилатлар менинг замонимда ҳали маълум эмас эди. Изкувар Кафф дардимни кўзгаб қўйди. Гарчи мен ундан ижиргансам ҳам дардим лўқиллаб оғриб азоб бермоқда эди. Иш шу билан тугадик, мен маккорлик қилиб, гапни яна леди Вериндернинг мактубига бурдим.

– Бу мактуб мени бир нарсага узил-кесил ишонтирди, – дедим мен. – Аммо, майли, мени бу ишончимдан қайтариш қўлингиздан келса, давом этаверинг. Сиз мисс Рэчелнинг сўзларига ишониб бўлмайди деб ўйлайсиз. Сизнинг фикрингизча, биз Ойтош ҳақида ҳали яна эшитамиз. Буни исбот қилиб беринг, мистер Кафф, – деб гапимни қувноқ оҳангда яқунладим. – Ҳа, буни исбот қилиб беринг!

Хафа бўлиш ўрнига изкувар Кафф қўлимни олиб, шунақа қаттиқ қисдики, бармоқларим қисирлаб, оғриб кетди.

– Тангрига қасамлар бўлсинки, – деб тантанавор хитоб қилди бу ғалати изкувар, – агар сиз билан бирга хизмат қилиш имконига эга бўлганимда, мистер Беттереж, эртагаёқ хизматкорликка кириб кетардим. Сиз болалардай содадилсиз десам, сэр, болаларга тилғамалик қилган бўлардим. Ҳолбуки, болаларнинг ўнтасидан биттаси бунақа мақтовга муносиб эмас. Йўқ, йўқ! Биз сиз билан бошқа баҳслашмаймиз. Мен сизга анча енгилроқ шартлар билан ҳақиқатни айтиб бераман. Мен на миледи ҳақида, на мисс Вериндер ҳақида ортиқ бирон сўз айтмайман, мен фақат бир лаҳзага пайгамбарга айланаман. Умримда биринчи марта. Шунда ҳам фақат сиз учун. Мен сизни боя огоҳлангирдим – Ойтош воқеаси ҳали битганича йўқ. Жуда яхши. Энди ажрашаётган фурсатимизда, мен каромат қилиб учта воқеа бўлишини айтаман. Бу воқеалар, менинг фикримча, сиз хоҳласангиз, хоҳламасангиз, диққатингизни жалб қилади.

– Майли, қани, эшитайлик, – дедим мен парвойи-палак ҳолда аввалгидай рўйхушлик билан.

– Биринчидан, – деб бошлади изкувар, – келар душанба куни Йолландлардан бирон хабар эшитиб қоласиз. Ўшанда почтальон Розаннанинг мактубини Коббе-Голлга олиб келади.

Унинг бу гапи менда жуда ёқимсиз таассурот қолдирди. Билмадим, у бошимдан бир челақ совуқ сув куйиб юборганида шундай таъсир кўрсата олармиди-йўқми? Мисс Рэчелнинг ўзининг гуноҳсизлиги ҳақида ишонтириб

айтганлари Розаннанинг хулқ-атворини — янги кўйлак тикканини, бўёқ текканини яшириб кўйишга уринганини ва бошқаларни — бутунлай изоҳлаб бўлмайдиган қилиб кўйганди. Изқувар Кафф бунинг ҳаммасини бир лаҳзада қайтадан эсга солмагунича буларнинг ҳеч қайсиси хаёлимга ҳам келгани йўқ эди.

— Иккинчидан, — деб давом этди изқувар, — сиз яна учта ҳинди ҳақида эшитасиз. Агар мисс шу ерда қолса, сиз улар ҳақида шу теварак-атрофдан хабар эшитасиз. Агар мисс Рэчель Лондонга кетадиган бўлса, сиз улар тўғрисида Лондондан хабар эшитасиз.

Учта кўзбойлоқчига ҳар қандай қизиқишим аллақачон совиб бўлган эди. Бекачамнинг бегуноҳ эканига ҳам ишончим бутунлай амин эди. Шунинг учун иккинчи башоратни анча енгил қабул қилдим.

— Рўй бериши керак бўлган уч воқеадан иккитасини айтдингиз, — дедим мен. — Учинчисини ҳам айтинг.

— Учинчиси ва сўнгиси шундан иборатки, — деди у, — сиз эртами-кечми лондонлик судхўр тўғрисида ҳам баъзи гапларни эшитасиз. Эсингизда бўлса, мен унинг номини икки марта тилга олдим. Менга ёндафгарчангизни беринг. Ҳар эҳтимолга қарши, унинг номи ва манзилни ёзиб бераман. Токи бу воқеа рўй берганида англашилмовчилик содир бўлмасин.

У оқ саҳифага дона-дона қилиб, “Мистер Септимус Люкер, Мидельсекск майдони, Лэмбет, Лондон” деб ёзиб кўйди.

— Мана, — деди у манзилга ишора қилиб. — Ойтошга доир ана шу сўнги хабарлар билан сизларни ҳозир безовта қиялман. Мен ҳақманми, йўқми, келажак кўрсатади. Ҳозирча эса, сэр, сизга нисбатан самимий эҳтиром билан жўнаб кетаман. Бу эҳтиром, назаримда, икковимизнинг шаънимизга ҳам муносибдир. Агар икковимиз мен истеъфога чиққунга қадар учрашмасак, сизни Лондоннинг ёнидаги уйимда меҳмон бўлишингизни жуда истаيمان. Ҳа, Лондон ёнидан уй сотиб олмоқчиман. Ваъда қиламанки, мистер Беттереж, менинг боғимда устини майса қоплаган сўқмоқ, албатта, бўлади. Атиргуллар масаласига келсак...

— Агар наъматакка пайванд қилмасангиз, икки дунёда ҳам атиргул ўстиролмайсиз, — деб қичқирди кимдир бизга деразадан.

Биз икковимиз ўтирилдик. Бу Бетби эди. У дарвоза олдида кутавериб тоқати тоқ бўлиб кетипти. Изқувар менинг қўлимни қисиб, янада кўпроқ жазавага тушган ҳолда, уйдан югуриб чиқиб кетди.

— Боғбонингиз уйга қайтганида ундан оқ атиргулни сўраб кўринг. Кўрасиз, мен унинг бирор соғ жойини қолдирган эканманми? — деб қичқирди менга деразадан ўз навбатида машҳур Кафф.

## 23 б о б

Агар мистер Фрэнклин бизникидан, албатта, кечки поезд билан жўнашни ихтиёр қилиб қолса, шошиб қолмайлик деб, кабриолетни тайёрлаб кўйишни буюрдим. Зинанинг тепасида аввал юкларнинг, уларнинг кетидан мистер Фрэнклиннинг ўзининг пайдо бўлишидан аниқ-равшан билдимки, мистер Фрэнклин умрида биринчи марта қабул қилган қарорини қатъий амалга оширмоқчи.

— Шундай қилиб, албатта, жўнаб кетишга аҳд қилдингизми, сэр, — дедим мен у билан холда учрашганимизда. — Икки кунгина сабр қилиб турсангиз бўлмасмиди? Мисс Рэчелнинг фикрини ўзгартиришга имкон берсангиз яхши бўлармиди?

Хайр-маъзур қилиш фурсати етиб келганда, афтидан, мистер Фрэнклин ажнабий дабдабасидан бутунлай маҳрум бўлди, шекилли. Жавоб ўрнига у менга миледининг ўзига ёзган мактубини узатди. Мактубнинг анча қисмида менга йўлланган мактубда айтилган гаплар бор эди. Аммо унинг охирида мисс Рэчель ҳақида уч-тўрт оғиз гап бор. Бу гаплар бошқа ҳеч нарсани изоҳламаганда ҳам, Мистер Фрэнклиннинг ҳаракатини изоҳлаб беради.

“Қизим, менга мулақо ҳеч нарса айтмаганига йўл кўйиб берганимни

кўриб, албатта, ҳайрон бўлсангиз керак, — деб ёзганди миледи. — Баҳоси йигирма минг фунтлик олмос йўқолади-ю, мен унинг йўқолиши қизим учун заррача сир эмас деб ўйламоғим керак. Шунингдек, менга мулақо номаълум бўлган аллақандай бир одам ёхуд аллақандай бир гуруҳ одамлар мен ҳатто гумон қилиб ҳам билолмайдиган аллақандай мақсадларни назарда тутиб, қизимнинг зиммасига индамаслик мажбуриятини юклаган деб ўйлашим мумкин. Мен билан шу тарзда ҳазиллашишларига йўл қўйиб қўйганимни изоҳлаб бўладими? Рэчелнинг ҳозирги аҳволда руҳиятини эътиборга олса, изоҳлаб бўлади. У шунақа бир асабий ҳолатдаки, унга қараган одамнинг раҳми келади. Вақт ўтиб, у бироз ўзига келмагунга қадар мен Ойтош масаласини яна кўзга ша журъат қилолмайман. Шунинг учун ҳам сира иккиланмай изкуварнинг жавобини бериб юбордим. Бизни чалғитаётган сир уни ҳам чалғитмоқда. Бу ишда бизга бегона одам ёрдам бера олмайди. Изкуварнинг номини эшитиш биланоқ, мисс Рэчел хунибийрон бўляпти.

Менинг келажак учун мўлжаллаган режаларим имкони борича тиниқ-пухта ўйлаб қўйилган. Мен Рэчелни Лондонга олиб бормоқчиман, бир жиҳатдан энг яхши врачлар билан маслаҳатлашиб, унинг муолажаси учун нималар қилиш лозимлигини ўйлаб кўриш керак. Сиздан биз билан Лондонда дийдор кўришишингизни илтимос қилсам, ўринли бўлармикин? Марҳамат, Фрэнклин, сиз ҳам ўз навбатингизда менга ўхшаб бардошли бўлмоғингиз керак ва менга ўхшаб, қулайроқ фурсат келишини кутмоғингиз керак. Сиз терговга кўрсатган қимматли ёрдамнингиз Рэчел учун унинг ҳозирги аҳволи руҳиясида ҳамон кечириб бўлмайдиган шаккоклик бўлиб туоляпти. Бу ишда кўр-кўрона ҳаракат қилиб, сиз изтиробларига изтироб қўшдингиз, холос, чунки қизимнинг сирининг очилишига ёрдам бердингиз. Қизим қайғули оқибатлар учун сизни айблар экан, жуда дарғазаб бўлиб кетди. Мен, албатта, унинг газабини кечира олмайман, чунки қайғули оқибатларни на сиз, на мен олдиндан кўрганмиз. Рэчел билан гаплашиб бўлмайди — унга фақат раҳмингиз келиши мумкин, холос. Хафалик ичида айтишим керакки, сиз билан Рэчел ҳозирча бир-бирларингдан узоқроқ турганингиз маъқул. Сизга таклиф қилишим мумкин бўлган бирдан-бир маслаҳатим шуки, унинг ўзига келиши учун фурсат берсангиз...”

Мен мактубни қайтариб бердим. Очигини айтсам, мистер Фрэнклинга чин кўнглимдан раҳим келиб кетди, чунки унинг бекачамни яхши кўришидан воқиф эдим. Қизнинг онасининг сўзлари мистер Фрэнклиннинг юрагидан ўтиб кетганини кўриб турибман.

— Мақолдан хабарингиз бор, сэр, — дея олдим унга, холос, — ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ. Бизнинг ишларимиз, мистер Фрэнклин, ҳозирги аҳволдан баттар бўлиши мумкин эмас.

Мистер Фрэнклин аммасининг мактубини буклаб ёнига солди. Афтидан, мен журъат қилиб айтган гапларим унга унча тасалли бермади, шекилли.

— Мен ёнимда машъум олмос билан Лондондан бу ерга келганимда, — деди у. — Англияда бу хонадондан бахтлироқ яна бир хонадон бўлиши мумкин, деб хаёлимга ҳам келгирмаган эдим. Ҳозир бу хонадонга бир қаранг! У тирқираб кетди, унга нифоқ тушди, ҳар хил жумбоқлару шубҳа-гумонлар бу хонадоннинг ҳавосини захарлади. Биз сиз билан Битқиллама кумларда амаким Гернкастль тўғрисида ва унинг туғилган кунга совғаси ҳақида гаплашган кунимиз эсингиздами? Ойтош полковникнинг интиқоми учун қурол бўлди, Беттереж. Бўлганда ҳам шунақа бўлдики, бунақасини полковник етти ухлаб тушида ҳам кўрмаган бўлса керак.

Шу сўзлар билан у менинг қўлимни қисди-да, кабриолетга йўлланди.

Мен уни кузатиб зинадан туша бошладим. Ҳаётингнинг энг бахтли кунлари ўтган кўҳна уйни шу тарзда ташлаб кетиш бағоят қайғули бир хол эди. Пенелопа (уйда содир бўлган воқеаларнинг ҳаммасидан жуда озурда бўлган ҳолда) кўздан ёши шашқатор оқиб, мистер Фрэнклин билан хайр-маъзур қилгани келди. У қизимни ўпди. Мен “майли, ўпа қолинг, сэр” дегандай қилиб, қўлимни силқдим. Оқсоч аёлларнинг баъзи бирлари унга бурчак-бурчакдан қараб қўйишмоқда эди. У ҳамма аёлларга манзур бўладиган эркаклар тоифасидан эди. Сўнгги дақиқада мен кабриолетни тўхтатиб, мистер Фрэнклиндан хат

ёзиб, қандай етиб борганидан, аҳволи нечиклигидан бизни хабардор қилишни ўтгиндим. У менинг сўзларимга эътибор бермади, шекилли, кўҳна уй ва боғ билан видолашаётгандай теварак-атрофига аланглаб, гоҳ бир нарсага, гоҳ бошқа нарсага тикиларди.

– Қаёқларга йўл оляпсиз, сэр? Бизга айтиб кетинг, – дедим мен кабриолетнинг бир чеккасини ушлаб турган ҳолда. Мен унинг келгусидаги режаларини билмоқчи эдим.

– Қаёқларга йўл оляпсиз, дейсизми? – деб менинг сўзларимни такрорлади у. – Жаҳаннамга!

Шу сўзларни айтганида от сесканиб кетгандай бўлди – гўё у дурустгина художўй одами, бунақа бетавфиқ гаплардан ҳазар қилади.

– Қўйинг-е, сэр, бунақа деманг. Йўлингизни берсин. Бахтингиз куладиган томонларга боринг, – дедим мен. У кўздан ғойиб бўлгунча мен шу гапларни айтиб улгурдим, холос.

Ёқимли қадрдон жентльмен! Ҳар қанча қусурлари ва енгилтакликлари бўлмасин, ёқимтой ва қадрдон жентльмен. У миледининг уйидан жўнаб кетгандан кейин, бу хонадон хувиллаб қолгандай бўлди. Ниҳоят, юракни сиқиб, дилларни хуфтон қилиб, ёзнинг узундан-узоқ бу шанба оқшоми ниҳоясига ега бошлади.

Мен трубка билан “Робинзон Крузо”ни қўлимдан қўймай, ўзимга ўзим далда бериш пайдан бўлдим. Пенелопадан бошқа аёлларнинг ҳаммаси Розаннанинг ўз-ўзини ўлдириши ҳақидаги гап-сўзлар ва ғийбатлар билан банд эди. Улар шўрлик қиз Ойтошни ўғирлагану, буни билиб қолишади деб кўрқиб, ўз жонига қасд қилган деган фикрга ёпишиб олишган эди.

Менинг қизим эса, албатта, аввал айтган гапида собит турарди. Аммо унинг Розаннани ўз-ўзини ўлдиргани сабаблари ҳақидаги тахмини ҳам, унинг беғуноҳлиги тўғрисидаги гаплари ҳам буни олмос масаласида биронга хулосага олиб келолмади. Розаннанинг Фризинголга махфий бориб келгани ва қолган ҳамма хатти-ҳаракатларини мутлақо изоҳлаб бўлмай қолди. Пенелопага бу гапларни айтишнинг фойдаси йўқ эди; сувўтмас плацда жала нечоғлик кам из қолдирса, эътирозлар ҳам унга шунчалик оз таъсир кўрсатарди. Гап шундаки, менинг қизимга ҳам мендаги соғлом ақл далилларига эътиборсиз қараш хусусияти ўтган – ҳатто бу масалада қизим отасини анча орқада қолдириб кетган.

Эртаси куни (якшанбада) мистер Эблъяйтнинг уйидан келган извош бизникига йўловчисиз қайтди. Кучер менга миледидан мактуб олиб келипти. Шунингдек, ўзининг оқсочларига ва Пенелопага ёзма фармойиш ҳам жўнатишти.

Миледи мактубида мисс Рэчелни Лондондаги уйига душанба куни олиб кетишга аҳд қилганини маълум қилипти. Иккала оқсоч аёлга берилган фармойишда уларнинг қайси либослари олиши кераклиги ва бекаларини Лондонда соат нечада қарши олишлари лозимлиги айтилган эди. Бошқа кўпчилик хизматкорлар ҳам ўша ёққа жўнашлари керак эди. Миледи мисс Рэчелнинг рўй берган воқеалардан кейин уйга қайтишни истамаётганини кўриб, Лондонга тўғри Фризинголдан жўнаб кетишга қарор қилипти. Мен эса махсус фармойиш бўлгунга қадар қишлоқда қолиб, уйнинг ичи ва ташқиқа қараб турмоғим керак эди. Мен билан қоладиган хизматкорларга овқат ўрнига пул бериб туриш буюрилган эди.

Буларнинг бари менга мистер Фрэнклиннинг тирқираб кетган, нифоқ тушган оила ҳақидаги гапларини эслатди. Табиийки, шундан кейин фикримни мистер Фрэнклин эгаллаб олди. Мен у тўғрида ўйлаганим сари, унинг келгусида қиладиган ишлари мени кўпроқ ташвишлантирар эди. Иш шу билан тугадики, мен якшанбалик почта орқали унинг отасининг камердинери мистер Жефкога (уни илгаридан танир эдим) мактуб йўлладим. Мактубда мистер Фрэнклин Лондонга келгандан кейин нима ишлар қилмоқчи эканидан мени огоҳ қилишларини сўрадим.

Якшанба оқшоми шанба оқшомидан ҳам зерикарлироқ бўлди. Биз ҳам бу кунни Британия оролларида бошқа юз минглаб одамлар мунтазам равишда ҳафтада бир марта қандай тугатса, шундай тугатдик, яъни қачон уйкуга ётадиган



вақт келар экан, деб кута-кута, унга етишолмай ўтирган стулларимизда ухлаб қолдик.

Бошқа хизматкорлар учун душанба қанақа ўтганини билмайман. Менга эса бу кун етарли зарба берди. Изкувар Каффнинг Йолландлардан бирор хабар эшитасиз, деб қилган башорати шу кун амалга ошди.

Мен Пенелопа билан миледининг оқсочини Лондонга жўнатиладиган юкларни темир йўлга элтиб беришга жўнатиб, ўзим боғда санғиб юргандим. Қўққисдан биров отимни айтиб чақириб қолди. Орқамга ўтирилдиму, балиқчининг қизи Оқсоқ Люси билан рўпарама-рўпара келдим. Оқсоқлиги билан озгинлигини айтмаса (озгинлик, менимча, аёл кишининг энг ёмон нуқсон), бу қиз эркаклар назари билан қараганда анча-мунча ёқимли сифатларга эга эди. Қўнғиртоб, маънодор юзи, ёқимли жарангдор овози, жуذا чиройлик сочлари унинг фазилатларини оширарди. Қизиққон табиати эса унинг нуқсонларига илова.

– Хўш, азизим, – дедим унга. – Мендан сизга нима керак?

– Фрэнклин Блэк деган одам қани? – деб сўради қиз менга ўқрайиб қараб ва қўлтиқтаёғимга суяниб.

– Жентльменлар ҳақида бунақа гапириш одобдан эмас, – деб жавоб бердим.

– Агар миледининг жиянини суриштираётган бўлсангиз, – уни мистер Фрэнклин Блэк деб атасангиз бўларди.

У мен томонга бир қадам қўйди-да, шунақаям қарадики, гўё мени тириклай еб қўймоқчидай эди.

– Мистер Фрэнклин Блэк деб атайми? – деб такрорлади у менинг кетимдан.

– Уни қотил Фрэнклин Блэк деб атаган яхшироқ бўларди.

Мархума Беттереж билан муомала қилганда қўллайдиган усулим бу гал ҳам менга асқотди. Агар аёл киши сизнинг жонингизни чиқармоқчи бўлса, сиз аёл кишини ўзингиздан чиқариб ташланг. Аёл киши сиз ўз-ўзингизни ҳимоя қилишингиз учун танлаб олишингиз мумкин бўлган ҳар қандай зарбага тайёр. Фақат бу усул олдидагина ожиз. Юз оғиз ади-бади айтишпандан кўра биттагина сўз билан бунга эришиш мумкин. Мен шунга эриша олдим. Мен Оқсоқ Люсининг юзига хушфасъллик билан тикилиб туриб:

– Хўш! – дедим.

Қиз шу ондаёқ туюқди. У соғ оёғини ерга қаттиқроқ қўйди-да, қўлтиқтаёғини газаб билан уч марта ерга урди.

– У қотил! У қотил! У қотил! Розанна Спирманнинг ўлишига сабабчи бўлган ўша!

У бу сўзларни айтаётганда чинқириб юборди. Боғда бизга яқин жойда ишлаб юрган иккита одам бошларини кўтариб қарадилар-да, Оқсоқ Люсини кўришиб, ундан нимани кутиш мумкинлигини биланлари учун яна ишларини давом эттиравердилар.

– У киши Розанна Спирманнинг ўлишига сабабчи бўлганми? – деб сўрадим мен. – Сизни шунақа дейишга нима мажбур қилди, Люси?

– Сизнинг нима ишингиз бор? Умуман, истаган эркак одамнинг нима иши бўлиши мумкин? О, агарда у ҳам эркаклар тўғрисида худди мен ўйлагандек ўйласа эди, ҳозир жони омонда бўларди.

– У шўрлик ҳаммавақт мен тўғримда яхши фикрда эди, – дедим мен. – Менинг ҳам унга муносабатим ҳаминша яхши бўлган.

Мен буни имкони борича хотиржам оҳангда гапирдим. Тўғрисини айтганда, пичингли жавоблар билан қизнинг гашига тегишга кўнглим бўлмади. Илгари мен фақат унинг ёмон табиатини пайқар эдим. Ҳозир эса унинг мусибатини кўрдим. Бу мусибат оддий тоифага мансуб одамларни мана шунақа шаккок бўлишга мажбур қилади. Менинг жавобим Оқсоқ Люсини анча юмшатди. У бошини қўлтиқтаёғига қўйди.

– Мен Розаннани яхши кўрардим, – деди у мулоимлик билан. – У бечора бахтсиз эди, мистер Беттереж. Разил одамлар унга ёмонлик қилишган ва қиз бечорага кўп зарар етказишган. Аммо бу қизнинг ювош табиатини бузолган эмас. Розанна фаришта эди. У мен билан бахтиёр бўлиши мумкин эди. Лондонга икковимиз опа-сингиллар тарзида бориб ўрнашамиз-да, чеварлик билан тирикчилигимизни ўтказамиз, деб режа тузиб қўйгандик. Бу одам шу ерга

келди-ю, ҳамма ишнинг белига тепди. У Розаннанинг бошини айлантириб олди. Унинг бунақа нияти йўқ эди. У бу ишлардан буткул беҳабар эди. Менга гапирмай кўяқолинг. У билиши керак эди. Унинг қизга раҳми келиши керак эди. “Усиз менга ҳаёт йўқ, Люси, у эса лоақал менга қарамайди ҳам”, дерди бечора Розанна. О, нақадар шафқатсизлик! Мен унга неча бор айтдим: “Биронта эркак ҳам унинг учун куйинишига арзимайди!” Мен бироз пул жамғарган эдим. Отам ва онам билан гаплашиб, гапни бир жойга кўйдим. Мен уни бу ерда бошига тушаётган хўрликлардан нари олиб кетмоқчи эдим. Биз Лондонда кичикроқ бир ҳужрани ижарага олардик ва опа-сингиллардек тотувликда ҳаёт кечирардик. Узингизга маълумки, сэр, Розанна яхши тарбия кўрган эди. Унинг жуда яхши ҳуснихати бор эди. Чеварликда ҳам таърифи йўқ эди. Мен ҳам ёмон тикмайману, лекин тикишда унга етолмайман. Турмушимиз жуда яхши бўларди. Бугунга келиб нима рўй берди? Бугун менга ундан хат келди. У менга оғир ҳаётни тарк этаётганини ёзибди. Менга йўллаган хатида у мен билан умрбод видолашипти! Қани у? – деб хитоб қилди қиз бошини кўтариб ва яна ғазабдан титраб-қақшаб: – Қани ўша мен, албатта, ҳурмат билан номини тилга олишим керак бўлган жентльмен? Ҳа, мистер Беттерез. Англияда камбағаллар бойларга қарши бош кўтарадиган кунлар яқин қолди. Исённинг Фрэнклин Блэка қарши бошланишини худодан илтимос қиламан. Ҳа, худодан фақат шуни тилайман – исённи Фрэнклин Блэка қарши бош кўтаришдан бошлаш керак.

Ўйлайманки, ҳатто роҳибнинг ўзи ҳам қизни ҳозирги аҳволида йўлга сололмас эди (эътироф этаман, бу ўринда жуда қаттиқ кетиб юборди). Мен юрак ютиб, гапни яна мистер Фрэнклин Блэка бурдим. Бундан мақсад қиздан бирон фойдали гап эшигиш эди.

– Нима қиласиз мистер Фрэнклин Блэки? – деб сўрадим мен.

– Мен уни кўришим керак.

– Нима мақсадда?

– Менда унга мактуб бор.

– Розанна Спирманданми?

– Ҳа.

Сизга келган мактубнинг ичида эдимиз?

– Ҳа.

Наҳотки, зулмат тарқай бошлаган бўлса? Наҳотки, мен шунчалар иштиёқ билан билишни истаган жумбоқ ўз-ўзидан ечила бошлаган бўлса? Мен бир дақиқача индамай қолишга мажбур бўлдим. Изқувар Кафф ўзидан кейин юқумли касал қолдириб кетган эди. Баъзи бир фақат ўзимга маълум бўлган белгиларга қараганда, изқуварлик жазаваси яна бугун вужудимни эгаллаб ола бошлаган эди.

– Мистер Фрэнклинни кўришингизнинг иложи йўқ, – дедим мен.

– Мен уни кўришим керак ва кўраман ҳам.

– У кеча Лондонга жўнаб кетди.

Оқсоқ Люси синчковлик билан юзимга тикилиб қаради-да, рост гапирётганимни англади. Бошқа бирон оғиз сўз айтмай, шу заҳоти шартта орқасига ўтирилди-да, Коббс-Голлга йўл олди.

– Шошманг! – деб хитоб қилдим. – Мен эртага мистер Фрэнклин Блэк ҳақида хабар келишини кутишман. Хатни менга беринг. Мен уни почта орқали жўнатаман.

– Мен бу хатни фақат унинг ўзига топширишим керак. Бошқа иложим йўқ.

– Бу тўғрида унга ёзиб юборайми?

– Ундан нафратланишимни ёзиб юборинг. Шундай қилсангиз, унга ҳақиқатни ёзган бўласиз.

– Ҳўп, хўп. Лекин хат масаласини нима қиламиз?

– Агар у бу хатни олмоқчи бўлса, бу ерга қайтиб келсин. Мен хатни асраб кўяман.

Шу сўзлар билан у оқсоқлана-оқсоқлана Коббс-Голлга равона бўлди. Изқуварлик жазаваси мени ҳар қанақа салобатдан маҳрум қилди. Мен қизнинг кетидан югурдим-да, уни бор гапни очиқ айтишга мажбур қилиш учун анча-

мунча уриниб кўрдим. Фойдаси бўлмади. Бахтга қарши, мен эркак киши эдим. Оқсоқ Люси эса менинг жигимга тегишдан лаззат оларди, шекилли. Шу куни кечроқ мен унинг онасидан бирор гапни билишга уриниб кўрдим. Меҳрибон мисс Йолланд йиғидан нарига ўтмади, фақат Голланд ароғидан бир қултум ичиб, тасалли топишни маслаҳат берди. Балиқчини соҳилдан топдим. У иш жуда чалкаш деди-да, тўрларини ямашда давом этаверди. На ота, на она мендан ортиқ билишмас эди. Сўнги тадбирни синаб кўришдан бошқа илож қолмади – эрталабки почта орқали мистер Фрэнклин Блэка мактуб жўнатдим.

Сешанба куни эрталаб почталёонни қанақа сабрсизлик билан кутганимни тасаввур қилиш ўзингизга ҳавола. У менга иккита мактуб келтирди. Бири Пенелопадан эди – уни ўқиб чиққунча сабрим тугаб, энтикиб кетдим. Мактубда миледи билан мисс Рэчелнинг эсон-омон Лондонга бориб жойлашиб олишгани айтилган эди. Иккинчи мактуб мистер Жефкодан эди. У хўжайинининг ўли аллақачон Англияни тарк этганини маълум қилипти.

Маълум бўлишича, мистер Фрэнклин пойтахтга келгач, тўғри отасининг ҳузурига боришти. У анча бемаврид бориб қолган экан. Унинг отаси қуйи палатадаги ўзининг депутатлик ишларига боши билан шўнғиб, шу куни кечкурун уйда севимли эрмаги билан банд экан. Эрмак шундан иборатки, у “хусусий билль” деб аталган рўйхат тузади. Мистер Фрэнклинни отасининг хонасига мистер Жефконинг ўзи узатиб қўйишти.

– Азизим Фрэнклин, сени кутилмаганда менинг ҳузуримга келишга нима мажбур қилди? Бирон ёмон воқеа рўй бердимми?

– Ҳа. Рэчелнинг бошига ёмон иш тушди. Мен бундан бағоят озурда бўлдим.

– Ёмон бўлипти-ку! Бу гапларни эшитиш мен учун гоят қайғули. Лекин ҳозир сенинг гапларингни эшитишга вақтим йўқ.

– Қачон мен билан гаплашишга вақтингиз бўлади?

– Азизим, ўғлим. Сени алдаб ўтирмайман. Мен сен билан бу сессия тугагандан кейингина гаплашишим мумкин. Унгача бир дақиқа ҳам бўш вақтим йўқ. Хайрли тун!

– Миннатдорман, сэр, хайрли тун.

Жефконинг маълум қилишича, хонада ота-ўғил ўртасида бўлиб ўтган гап-сўз шундай экан. Хонадан ташқаридаги мулоқот бундан ҳам қисқа бўлипти.

– Жефко, қитъага жўнайдиган пароходга мувофиқлаштирилган эртанги поезд қачон кетишини кўринг-чи!

– Эрталаб соат олтида, мистер Фрэнклин.

– Мени соат бешда уйғотиб қўйишсин.

– Чет элга кетяпсизми, сэр?

– Ҳа, Жефко, темир йўллар олиб кетадиган жойларга кетаман.

– Буни отангизга айтайми, сэр?

– Ҳа, сессия тугаганда айтарсиз.

Эртасига эрталаб мистер Фрэнклин чет элга жўнаб кетди. Унинг айна қайси жойга кетаётганидан ҳеч ким хабардор эмасди. Бундан унинг ўзи ҳам мустасно эмас эди. Эҳтимол, биз ундан биринчи хабарни Европадан олармиз ёхуд Осиёданми, Африкаданми, Америкаданми хабар келиб қолар. Жефконинг фикрича, у мана шу тўрт қитъанинг истаганида бўлиши мумкин эди.

Мистер Фрэнклиннинг шанба куни эрталаб жўнаб кетгани ва миледининг мисс Рэчель билан бирга душанба куни Лондонга келгани ҳақидаги хабар, ўзингизга маълум бўлганидек, менга сешанбада етиб келди. Чоршанба бўлди, аммо ҳеч қандай янгилик рўй бермади. Пайшанба куни Пенелопадан бирталай янгиликлар келди.

Қизнинг хабар қилишича, унинг бекачасини муолажа қилиш учун аллақандай лондонлик машҳур докторни таклиф қилишипти ва у қизнинг кўнглини очишни маслаҳат бергани учун каттагина пул олипти. Гуллар кўрғазмалари, опералар, баллар каби анча-мунча кўнгилочар томошалар мавжуд экан. Мисс Рэчель онасини лол қолдириб жон-жаҳди билан шу томошаларга ўзини урипти. Тез-тез мистер Годфри келиб турар экан. Афтидан, у қизнинг туғилган кунида бахтини синаб кўрмоқчи бўлганда жуда совуқ муомалага дуч келганига қарамай, ҳали ҳам аввалгидай жиянининг кўнглини овлашга уринарди, шекилли. Пенелопанинг ҳадсиз ҳайратлантириб, бу гал уни жуда

хушфееьлик билан кутиб олишипти ва мистер Годфри дарҳол мисс Рэчелнинг номини аёллар хайрия комитетининг аъзолари рўйхатига ёзиб қўйишти. Пенелопанинг сўзларига қараганда, бекамнинг кайфияти суғ эмеш, у адвокати билан икки марта давомли суҳбатлар қилипти. Бундан кейин аллақандай мисс Клак деган қашшоқроқ бир қариндош хотин ҳақида баъзи бир мулоҳазалар айтилган эди. Эсингизда бўлса, мисс Рэчелнинг туғилган кунидagi зиёфатни тасвирлаганимда бу аёлнинг номини эслатиб ўтандим – ўшанда у мистер Годфрининг ёнида ўтирган эди ва шампан виноси масаласида ишгаҳаси зўрлигини намоёйиш қилганди. Шу пайтгача мисс Клак бирор нарса билан ўзидан дарак бермагани Пенелопани таажжубга солганди. Афтидан, кўп ўтмай бу аёл, одатдагидек, миледига қаттиқ боғланиб қолади ва ҳақозо ва ҳақозо. Бундан кейинги гаплар ҳам шу руҳда эди – аёлларнинг одатига кўра, бир-бирларини ҳам тилда, ҳам мактубда масхара қилишарди. Бу гапларни тилга олиб ўтирмаса ҳам бўларди-ю, лекин бир нарса шунга мажбур қилди. Эшитишимча, мендан ажрагандан кейин, сиз мисс Клакнинг дафтарига ўтар эмишсиз. Агар шу тўғри бўлса, марҳамат қилиб, бу аёл каминаи камгаринингиз ҳақида гапирганда, унинг биронта сўзига ишонманг.

Жума кунини ҳеч қандай воқеа рўй бермади. Фақат итлардан бирининг қулоғи ёнига яра чиқди. Мен унга кўкатлардан тайёрланган дори бериб, парҳез қилишга мажбур қилдим. Буни тилга олаётганим учун узр. Беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди. Марҳамат қилиб, шу жойини ташлаб ўтинг. Сизнинг нозик замонавий дидингиз қаршисида менинг ожизликларим тез суръат билан туғаб боряпти. Шуниси борки, бу ит жуда яхши жонивор эди. Уни ҳар қанча ҳафсала билан даволаса арзирди, ҳа, арзирди.

Эрталабки почта кутилмаганда Лондондан менинг номимга юборилган газетани келтирди. Манзил ёзилган хатни кўриб ҳайрон бўлдим. Мен бу хатни ёндафтаримдаги лондонлик судхўрнинг номи ва манзили ёзилган хат билан солиштирдим-да, дарҳол изқувар Каффнинг хатини танидим.

Газетани қизиқиш билан кўздан кечирар эканман, полиция ахборотларидан бири сиёҳ билан ўраб қўйилганини кўрдим. Мана у, эътиборингизга ҳавола. Менга ўхшаб, сиз ҳам уни кўриб қўйинг-да, менга шу сўнгги янгиликни жўнатган изқуварнинг хушфееьлигини ўзингиз баҳоланг.

“Лембет. – Мажлис тугашидан бир оз олдинроқ қадимий қимматбаҳо тошлар, нақшинкор буюмлар ва ҳақозо ва ҳақозолар билан савдо қилувчи машҳур савдогар мистер Септимус Люкер мажлис қилаётган судьяларга маслаҳат сўраб мурожаат қилди. Илтимосчининг гапига қараганда, унинг уйининг ёнидаги кўчада санғиб юрган учта сайёҳ ҳиндининг бутун кун давомидаги хатти-ҳаракати уни ташвишга солишти. Уларни полиция қувлаб юборганидан кейин ҳам яна қайтиб келишипти ва бир неча марта гўё садақа сўраётгандай уйга киришга уриниб кўришипти. Уларни катта эшикнинг олдида ҳайдаб солишса, улар орқа эшикнинг олдида пайдо бўлишипти. Бу тиланчиларни кўриб, табиий равишда гаши келанидан ташқари, мистер Люкер улар бирор ўғирликнинг пайида юрмаганмикан, деб хавотир олаётган экан. Унинг коллекциясида шарқнинг ҳам, ғарбнинг ҳам бениҳоя катта қимматга эга бўлган антиқа буюмлари бор – уларнинг ҳар қайсиси фақат бир нухала, ўхшашини йўқ, беназир буюмлар. Кечагина у бир одамни ишга олишдан бош тортишти. Бу одам ўймакорлик ишларига моҳир экану, лекин келиб чиқиши ҳиндистонлик экан. Биз шундай англадикки, мистер Люкер уни ўғирликка алоқаси бор деб гумон қилишти. Унинг кўчада санғиб юрган ҳинди кўзбойлоқчиларнинг шериги эмаслигига мистер Люкернинг ишончи комил эмас экан. Эҳтимол, уларнинг мақсади бошларига оломон тўшлаб, ғала-ғовур кўтаришу, шу ғала-ғовурдан фойдаланиб, уйга кириб олиш бўлгандир. Судьянинг саволига жавобан мистер Люкер қўлида далили йўқлигини, шунинг учун ҳиндилар ўғирлик қасдида юрганини исбот қилиб беролмаслигини тан олди. У фақат ҳиндиларнинг жонига тегиб кетгани ва ишга ҳалал бераётганидан шикоят қилиши мумкин. Судья агарда бу нохуш воқеа яна такрорланадиган бўлса, илтимосчи ҳиндиларни судга чақириши мумкинлигини, ўшанда уларга нисбатан қонун бўйича чора кўришини айтди. Мистер Люкернинг уйида сақланаётган қимматбаҳо буюмлар масаласига келганда, Мистер Люкер уларни

қўриқлаш учун зарур тадбирларни ўзи кўриши керак. Балки полицияни хабардор қилиб қўйиш керакдир. Полиция амалдорлари ўзларининг тажрибаларидан келиб чиқиб, ҳамма зарур эҳтиёт чораларини кўришади. Илтимосчи судьяга миннатдорлик билдириб, чиқиб кетди”.

Дейдиларки, қадимий донишмандлардан бири ўзининг яқинларига (нима муносабат билан эканини унутдим) “Охирига назар ташлаш”ни маслаҳат берган экан. Саҳифаларимнинг охирига назар ташлар эканман ва бир неча кун аввал ҳикоя қилиб беришнинг уддасидан чиқармиканман, йўқми деб роса ташвишланганимни эслаб, кўряпманки, мен воқеаларни ёмон баён қилиб бермабман. Айтилганлардан баъзи хулосалар чиқариш фурсати ҳам етиб келди. Биз Ойтош ишини тафтиш қилиш жараёнида бир мўъжизадан иккинчисига ўтиб келдик. Энди эса ҳикоямизни энг катта мўъжиза билан — изкувар Каффнинг учта башорати айтилган кундан бир ҳафта ўтмасданоқ рўёбга чиққани билан якунляяпмиз.

Душанба куни Йолландларни эшитганимдан кейин, эндиликда ҳиндилар ва судхўр ҳақидаги гапни эшитдим. Яна шуни унутмангки, айна шу вақтда мисс Рэчель Лондонда эди. Кўриб турибсизки, бу ҳатто менинг қарашларимга бутунлай зид келса-да, мен ҳамма нарсани энг чатоқ томондан кўрсатишга уриняпман. Агар сиз ана шу далилларнинг ҳаммасига таяниб туриб, мендан юз ўгириб, изкувар томонига ўтсангиз, агар сиз қидира-қидира, мисс Рэчель билан мистер Люкер муомалага киришган, Ойтош судхўрнинг қўлида гаровга сақланмоқда деган бирдан-бир оқилона хулосага келган бўлсангиз, бунинг учун мен сизни қоралай олмайман. Мен зулмат ичида сизни ана шу ерга олиб келдим. Шу зулмат қўйнида сизни қолдиришга мажбурман. Таъзим билан каминаи камгаринингиз.

*(Давоми келгуси сонда.)*

*Рус тилидан  
Озод ШАРАФИДДИНОВ  
таржумаси.*



# Хитой халқ мақоллари

**Ў** чоққа ўт қалаш ҳам — иш.

Ҳар қандай ишни ҳам бошлаш осон, тугатиш қийин.

Ишни бошлашдан олдин асбоб-ускунагни қайраб ол.

Темирни тобламасанг — омов қуя олмайсан.

Омборинг тўла бўлсин десанг, хўроз қичқариши билан уйқудан тур.

Сут ичаман деган одам олдин бузоқни боқиб, катта қилади.

Меҳнат қилишни билган одамнинг ҳамёни ҳамиша тўла.

Меҳнатдан чўчима, гап сотишдан чўчи.

Овқатни емоқ осон, пиширмоқ қийин, ишни бузиб қўймоқ осон, тузатмоқ қийин.

Ниҳолни асраган ҳаётни асрайди.

Танбал ер деҳқондан кўрқади.

Икки қўл-у икки елка, тоғни қилар тилка—тилка.

Гурунч бўлмаса, энг эпчил хотин ҳам ош пишира олмайди.

Ишлаётган тентак истироҳат қилаётган донишманддан фойдалироқ.

Бировга ялингандан кўра ўзинг қилиб қўя қолганинг яхши.

Деворинг пишиқ бўлса, ҳовлинга бегона ит кирмайди.

Тухум ичидан суяк қидирма.

Бир ҳўкиздан иккита тери олиб бўлмайди.

Сув бўлмаса, қайиқда сузиб бўлмас.

Ҳазилсиз кулги бўлмас, лойсиз томни шуваб бўлмас.

Қарс икки қўлдан чиқади.

Тупроқ билан булоқ кўзни тўсиб бўлмас.

Дангаса совуқдан ўлади, мечкай — очликдан.

Еб ётишга тоғ ҳам чидамас.

Меҳнатга муҳаббат уч йилда пайдо бўлади, ялқовликни уч кунда ўрганади.

Ялқовнинг ишгаҳаси ҳамиша карнай.

Ялқов отга ҳар қандай йўл олис кўринар.

Яхши отга бир қамчи, ёмон отга минг қамчи.

Билимнинг таги йўқ.

Билиминг бўлса, олам сеники.

Олтиннинг баҳоси бор, билим эса бебаҳо.

Билим — эгаси билан бирга юрадиган хазина.

Чиройли либосдан пухта билим яхши.

Билсанг — билганингни айт, билмасанг билмаслигингни...

Таом очликдан, билим нодонликдан қутқаради.

Ўқиб-ўқиб, кам билишингни уқасан.

Ўқиган одам йўлидан адашмайди.

Кеч турсанг кунингни бой берасан, ёшликда ўқимасанг — умрингни.

Билмаган айб эмас, ўқимаган — айб.

Ўқимоқ — оқимга қарши эшкак эшгандай гап, тўхтасанг — орқага суриб кетади.

Кунда оз-оздан тўлдириб турилмаган билим ҳар куни оз-оздан камая боради.

Янги китоб ўқиш — янги дўст орттириш билан барабар.

Чала ўқилган китоб — охиригача ўтилмаган йўл.

Ер ҳайдамасанг, нон қайда, китоб ўқимасанг, билим қайда?

Ўқиган китобингни яна ўқисанг қадрдон дўстинг билан учрашгандай бўласан.

Ақлли одам ўз хатоларини тузатади.

Ялқов олим ёғмайдиган булутга ўхшайди.

Минг чақиримлик жойга сафар — биринчи қадамдан бошланади.

Аста олдинга силжишдан чўчима, бир жойда туриб қолишдан кўрқ.

Ниҳол осон эгилади, ёш одам осон адашади.

Билмаган одам туяни ўрқачли от деб ўйлайди.

Нодонга дори кор қилмас.

Ақл бўлмаса, кўз ҳам девордаги бир жуфт тешикдай гап.

Қудукда ўтириб, осмонга қараган одам кам нарса кўради.

Капалак қор нималигини билмайди.

Қудукдаги қурбақа осмон тўғрисида фикрлай олмайди.

Қаҳратон қишдан кейин, барибир баҳор келади.

Баҳор ҳавоси ўтай онанинг афтидай тез-тез ўзгариб туради.

Баҳорда йўлнинг қуруғи бўлмайди.

Баҳор шабадаси ҳамма жойда бир хил.

Осмонда қуёш бўлса, юлдузлар кўринмайди.

Тонг шабнами қуёшга дош беролмайди.

Кўкат қировдан, қиров қуёшдан кўрқади.

Қатта дарахт остида майсага қиров инмас.

Қор ёғаетганда эмас, эриётганда совуқ бўлади.

Булут тарқаганда қуёш кўринади.

Чўмич билан денгиз сувини тугатиб бўлмас.

Йўлида минг тўсиқ бўлса-да, сув денгизга оқади.  
 Майсасиз тоғ, балиқсиз денгиз бўлмас.  
 Энг баланд тоғ ҳам қуёшни тўсолмайди.  
 Қишки қарағай баҳорги пиондан яхшироқ.  
 Катта дарахт тагида ҳамиша қуриган шохча топилади.  
 Катта дарахтнинг сояси ҳам катта.  
 Дарахт тагида дарахт кўкармас.  
 Дарахтнинг танаси тинч бўлса, шохчалари ҳам қимирламайди.  
 Чиройли гул ҳам сўлади.  
 Ҳар майсанинг ўз шабнами бўлади.  
 Қуш ўзига дарахт танлайди, дарахт қушни танламайди.  
 Йиқилган дарахтнинг сояси бўлмайди.  
 Бутун дунёдаги қарғалар – қора.  
 Пашшанинг шохи бўлса ҳам, ҳеч ким уни ҳўкиз демайди.  
 Асаларининг танаси тарғил, лекин у йўлбарс эмас.  
 Турна турнанинг гўштини емайди.  
 Қалдирғоч ербағирлаб учса, ёмғир бўлади.  
 Ташбақалар сувдан чиқса, ёмғир ёғади.  
 Туз намиқса, ёмғир бўлади.  
 Қарғалар гала бўлиб тўпланса, ҳаво булутли бўлади.  
 Тоёда қор ёғса, водийда қиров тушади.  
 Чумчуқлар чирқилласа, ҳаво очиқ келади.  
 Ошни тановул қилаётганингда, гурунч экканларни унутма.  
 Шавла – ширин, фақат гурунчни етиштириш азоб.  
 Боғинг гулламаса қуёшдан эмас, ўзингдан ўпкала.  
 Инсон ерни боқади, ер инсонни боқади.  
 Ерни боқсанг боғ бўлади,  
 Ботмон-ботмон ёғ бўлади.  
 Яхши қаралган даланинг ғалласи ҳам яхши бўлади.  
 Ҳосилни чамаламоқчи бўлсанг, далага қанақа ишлов берилганига қара.  
 Ернинг ялқови бўлмайди, одамнинг ялқови бўлади.  
 Ернинг қошига бир соат кечиксанг, ер сенинг хизматингга бир йил кечикади.  
 Кўпроқ далага, камроқ кўчага қара.

*АЗИЗХОН таржимаси.*

